Бахтиёр ИСОҚОВ
ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ЮРАГИ
ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ЮРАГИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ УЙЧИ ТУМАН БЎЛИМИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахтиёр ИСОҚОВ

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ЮРАГИ

Ташкилот, корхона, ўқув муассасаларида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар, таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот жараёнида фойдаланиш учун услубий қўлланма

“НАМАНГАН” нашриёти
Наманган – 2018

УЎК:821-512-133-9
КБК:84(5Ўзб)7
И – 12

Наманган вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши тарғибот гуруҳи раҳбари, Наманган Давлат университети доценти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлими эксперти, НамДУ “Ахборот гуруҳи” раҳбари, тарих фанлари номзоди, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Бахтиёр Робиддинович Исоқов томонидан ёзилган бир мавзу доирасида ўзаро узвий равишда боғлиқ мақолалар тўпламидан иборат ушбу китобда ўзбекнинг оиласи, унда ота-она, катталар роли билан боғлиқ ниҳоятда долзарб муаммолар ва уларнинг оқилона ечими ҳақида сўз боради.

Мавзу миллий истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш ва таълим-тарбиянинг муҳим масалалари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган.

Бу китоб маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талабалар ва ўқувчилар, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Муаллиф ўз фикрларини мантиқий далиллаш баробарида мавзуни ёритишга доир турли-туман қизиқарли ҳаётий мисолларни ҳам келтирган.

Масъул муҳаррир: иқтисод фанлари номзоди, доцент З. Худойбердиев.
Тақризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент А. Мирзааҳмедов,
тиббиёт фанлари номзоди Б. Р. Исҳоқов,
социология фанлари номзоди, доцент А. Абдулазизов,
педагогика фанлари номзоди, К. Абдуллаев,
тарих фанлари номзоди, доцент А. Саримсоқов.
Наманган Давлат университети Ижтимоий-иқтисодий факультети Архившунослик кафедрасининг 2018 йил 23 февралдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (Баённома № 7).

Китоб Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан “Ёшлар тарбияси – кексалар нигоҳида” лойиҳаси учун ажратилган 50-08/39- сонли давлат гранти ҳисобига чоп этилди.

ISBN 978-9943-5249-5

© Бахтиёр Исоқов
© “Наманган” нашриёти

Китобимни чинакам ўзбек зиёлилари – серқирра фаолият соҳиби: муаллим (мураббий), фольклорчи (олим), журналист (тадқиқотчи), асл маънодаги жамоат арбоби, шоир, падари бузрукворим Робиддин ИСҲОҚОВ ҳамда оиламизнинг чироғи ҳамда чароғбони бўлган волидаи муҳтарамам Мамлакатхон ИСҲОҚОВАнинг порлоқ ва ёрқин хотирасига бағишлайман.

ВАТАН – ОНА, ЮРТ – ОТА ДЕГАНИДИР

Ватан қони жонга жондош омухта,
Ватандан азизроқ, буюк сўз йўқда!

Робиддин ИСҲОҚОВ.

Сурхоннинг Бойсунида умргузаронлик қилаётган қўнғирот элининг беқиёс гўзали Барчинга харидор Кўкалдош қалмоқнинг буйруғига биноан Синчи (отларнинг зоти, насли, ёшини ва феъл-атворини беҳад яхши биладиган мутахассис) ҳаёт-мамот пойгаси олдидан Алпомишнинг Бойчиборини аста силаб-сийпаб, сағриси роса жимирлаб турган дулдулнинг тишлари-ю, туёқларини обдан ва шошилмасдан синовдан ўтказиб бўлгач, шундай бир ниҳоятда адолатли хулосага келади: “Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти!..”

Элимизда “Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор”, деган минг йиллар синовидан мардона ўтиб келаётган нақл мавжудлигини

ўзингизам яхши биласиз. Синчининг асосли хулосасидан отигамас, ғазабига сакраб миниб олган Кўкалдош қалмоқ, унга қўққисдан санчилган ҳақ сўз найзаси зарбидан кўкариб-бўзариб, тили калимага келмай, аламига сира ҳам чидай олмай, унинг икки кўзини ўйиб олган, ўз шотирларига айтиб ўлгудек дўппослатган эди. “Зўрни зўр билади, валини вали билади, тулпорни эса тулпор билади. Кўкалдошнинг Кўкдўнани ҳам тулпор эди, ўзидан зўр, кучли, учқур Бойчиборни кўриб уни беҳад тарзда ваҳм босиб, емини ҳам ололмай қолди”.

Алпомишнинг жонажон дўсти Қоражон минволган тулпор – Бойчибор 499 пойгачини ўз чангида қолдириб, Бобохон тоғига, бетиним кишнаётган, ўзаро тепишаётган рақибларидан бир неча кун аввалроқ етиб борганлигидан ҳам бохабар бўлсангиз керак. Бундан роса ори келган Кўкалдошнинг таклифи билан қалмоқлар ғолиб Бойчиборни чилвиру арқонлар билан чирмаб боғлаб, унинг туёқларига гулмихларни қоқиб ташлаб, ортга қайтиб кетганлар.

“Агар бўшалса, кунлари бора қолар, ажали етса, ўла қолар, ишқилиб, биздан кейин қолса бўпти-да”, – деб пойгачилар жам бўлиб, пойгани қўйиб жўнаб кетди”. Кўпни кўрган ўша адолатли Синчи – эксперт билиб айтган экан. “Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти!” Қирқ кунлик пойгада бўшалган, ўзининг эркини ўз қўлига, тағинам аниқроқ ифодаласак, оёғига олган Алпомиш Бойчибори туёқларига ғанимлар аёвсиз қоқиб ташлаган ўша гулмихларнинг беҳад, беҳудуд, беадад азобигаям қарамай, барибир ғолиб чиқади. Қон йиғлаб, емай-ичмай, жигар-бағри эзилиб, юраги ҳам энтикиб, хаприқиб Бойчиборни интизорлик билан кутаётган Барчин унинг туёғидаги михларни ўз тишлари билан суғуриб олиб ташлаган...

Ўзбекнинг оти қуллик, хўрлик, мустамлакачилик арқонлари, занжирларини парчалаб, эрк, ҳурлик, озодлик, ободлик, истиқлол маррасига етиб келганига ҳам 27 йил бўлди. Миллий истиқлол тенгдоши бўлиб туғилган болакай бўлса бугун эл-юрти хизматига камарбаста забардаст йигитга, алп паҳлавонга айланиб бўлди. У бугун илм даргоҳлари, ўзи қизғин фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот, муассасаларда бўлажак, янадаям тўғрироғи, бошланиб кетган “интеллектуал

авлод асри”, билим ва тафаккур пойгасида ўзгалардан ўзишга шиддат билан шайланиб турибди. Замонамиз Алпомиш-у Барчинларининг айримлари бўлса илм, санъат, спорт каби бир қатор соҳаларда зафар маррасига ўзгалардан илдамроқ етиб келиб, аллақачон курраи замин аҳлиниям ҳайратга солишга улгурганларидан эса ўзингизнинг ҳам тузуккина хабарингиз бор.

Дунёда ўзбекнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзиям йўқ. Қардош қозоқнинг буюк оқини Абайнинг эътирофини ҳеч кимса, ҳеч қандай далил ва важ-корсон билан ҳам инкор, рад этолмайди: “Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи ҳам йўқ... Ўткир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик – буларнинг ҳаммаси айнан ўзбекларга хос хусусиятдир”. Қалмиқ адиби Давид Кугультинов айнан юқоридаги хулосага ҳам тан бериб, шундай ёзганди: “Худо ўзбекларга сахий ва туганмас хазина мисол замин, худди ана шу замин сингари сахий ҳамда мурувватли маънавият, гўзал тил ва бутун жаҳонга татигулик буюк маданият берди. Бунчалик беҳад улкан ва беқиёс муаззам маънавий меросга эгалик қилиш бўлса бутун ер юзидаги бошқа бирон-бир халққа асло насиб этмаган”.

Ривоят: Аллоҳ ўзи яратган барча халқларга макон улашиб бераётган экан. Қайси бир миллатга тоғлар ва қайсигадир боғлар, қайсисининг чекига эса чўлу саҳролар, денгизу дарёлар тушибди. Заминнинг парчалари ҳаммагаям тарқатиб бўлингач, энг охирида эса бағрикенглиги боис барча бесабр ва шошқалоқларни бенавбат ўзидан олдинга ўтказиб юборган ўта сабр-қаноатли ўзбек бошини эгиб, салом бериб кириб келибди. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг авлоди бўлмиш ҳамма элатларга маконлар тарқатиб бўлинганди. Ўзбек тангри таолога ҳовучи, дўпписи билан бўлса ҳам сув ташиб обод қилиш ва уни чинакам жаннатга айлантириш илинжида бир парчагина ерни ўтиниб сўраб, илтижо қилибди. Шунда эса ҳамма нарсаларни билгувчи, келажакни ҳам олдиндан бемалол кўргувчи Аллоҳ: “Майли, эй, суюкли бандам, сира ҳам хафа бўлма, ўкинма, мен

сенга бир жаннатмонанд жойни ажратиб бераман. Шу ерни сен ўзингга Ватан қилиб олгин, лекин бу чинакам олтин заминга кўзини олайтирувчи, таҳдид солувчи ва хуруж қилувчи кимсалар беҳудуд даражада кўп бўлади. Ўзингни, ўз уйингни, ўз юртингни ғаним, ёв, ёғий, душманлардан эҳтиёт қил, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлагин!" – дебди. Бу ҳақиқатан жаннатнинг бир бўлаги бўлмиш беҳад меҳнаткаш ўзбек халқининг тақдири, пешонасига битилган замин – бизнинг Ота Юртимиз – Ўзбекистонимиз экан.

Зукко, меҳнаткаш, миришкор, тадбиркор ўзбек эли ўз ҳаёти, турмушини ўзининг ақли, тафаккури, қўли билан обод, чароғон, фаровон қилишга қодир. Энди фақатгина унинг ўзи, онги, қалби, чопағон оти узоқ ва яқин ўтмишдаги каби истибдоднинг чилвири, арқони, темир, пўлат занжири билан банди этилмаса бўлгани...

Ўзбекнинг ўзигагина хос шарқона турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатларини ифода этувчи халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдоналари миллий мафкурамиз доимий равишда озиқланиб, куч-қувватни олиб турадиган, беҳад муҳим, бебаҳо ҳамда бебақо асл маънавий манбалардан биридир.

Курраи заминдаги ҳар қайси элнинг ўз афсонавий баҳодири, суйган ботири паҳлавони бор. Пароканда бўлиб кетган ўз элини бирлаштирган Алпомишнинг номи ҳам бизнинг онгу шууримизга мунис момолар ва оналаримиз айтиб берган – дунёдаги энг гўзал қўшиқ – аллалар билан бирга оқиб кирган. Буюк аждодларнинг ёди, фахру ғурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган. Ота Маконимиз – Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳақли таъбири билан айтганда: "Алпомиш" – ўзбекнинг ўзлигини яққол намоён этадиган, беҳад мард, танти халқимизнинг юрак-юраги тубидан чиққан ва ота-боболаримиз ўз авлодларига ўтказиб келаётган энг асл қаҳрамонлик қўшиғидир".

Буюк достонда аждодларимиз кечирган ҳаёт бир бутунликни касб этган ва биз бугун миллий қадрият сифатидаям эъзозлаётган энг олижаноб хислатлар, фазилатлар

беадад равишда улуғланган. “Алпомиш” достони қадимийлиги – миллатимизнинг жипслиги, эл ва элатлар қадимийлигининг ўзига хос тимсоли ва рамзидир.

Дунё халқлари ҳавас қилса арзийдиган қаҳрамонлик достони – “Алпомиш” халқ оғзаки ижодининг асл дурдонаси, инсон ва табиатнинг бирлиги, ҳаёт фалсафаси, юксак ватанпарварлик, ор-номус, матонат, садоқат қўшиғи сифатида беҳад ардоқли. Достон фақат ўзбек халқи эмас, банибашарнинг маънавий хазинасидир. Алпомиш ўтда ёнмайди, сувдаям чўкмайди, унга қилич ўтмайди. Ўт – осмон, сув – ер ости, қилич – ер юзи куч-қувватининг рамзи эканини инобатга олсак, бу образ уч олам кучлари уйғунлигида камолга етган баркамол инсоннинг асл тимсоли эканлигини теран англаймиз. Алпомишнинг аввалги исми Ҳакимбек эканлиги ҳам бежиз эмас. Чунки, алп сўзи “ҳаким, донишманд, билга”, “миш, мес” сўзи эса “ботир, баҳодир, қаҳрамон” маъноларига эга. Бир жумлада ифодаланса, Алпомиш халқимизнинг идеал қаҳрамони. Эл ўзи яратган, севиб ардоқлаган, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу афсонавий қаҳрамон сиймосида ўз Она Ватанини – Ота маконини ёмон, ёвуз кўзлар, бало-қазолардан асраб қолишга бемалол қодир, ғоятда мард, ҳамиятли ва ориятли ўғлонларнинг жисмоний ва асл маънавий қиёфаси ҳам яққол намоён бўлади.

Улуғ халқимиз азал-азалдан вужуди ва ўз томирида мавжуд илоҳий бир қудратга муносиб бўлмоққа интилиб яшаб келган. Ўз ўғлонларини мардлик, ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрти учун жону жаҳонини ҳам аямайдиган паҳлавонлар сифатида тарбиялаб келган. “Алпомиш” достони бўлса бизларга инсонпарварликнинг энг юксак фазилатларидан соҳир сабоқларни беради. Одиллик ва ҳақгўйликка, ўз юртимиз, жамиятнинг чинакамига юраги бўлмиш – оиламиз қўрғонини киприк ҳам қоқмасдан қўриқлашга, дўсту ёрларимизни, ор-номусимизни, ота-боболаримиз азиз ва муқаддас мозор, қадамжоларини ҳар қандай ички ва ташқи таҳдид, хуруж ва тажовузлардан ҳам ҳимоя қилишга, муҳофазалашга ўргатади.

Асардаги кичик бир далилгаям мурожаат қилайлик. Элнинг энг қадимий тасаввурларига кўра, ўқ-ёй –

ҳокимиятнинг нишони ҳисобланган. Алпомиш роппа-роса етти ёшга етиб келган чоғида ўн тўрт ботмонлик жез-бронзадан ясалган ёйдан ўқни отиб, “алп” деган унвонга сазовор бўлган эди. Алп дегани – ҳокимият эгаси эканлигини инобатга олсак, ушбу достон ҳам энг камида, уч ярим минг йилдан зиёд, аччиқ-чучук, гоҳо юксакларга бургут янглиғ парвоз қилган, гоҳида ғанимлар тўқиган чигал тўрларга илиниб қолган ва қазиган чоҳга “кўзига қарамай” қоқилиб тушиб кетган, ниҳоятда мураккаб тарихга эга миллий давлатчилигимизнинг асл ва чинакам бадиий ифодаси эканига комил ишонч ҳосил қиламиз.

Достонда қаҳрамон икки муҳим синовдан ўтади. Биринчиси, Барчинойнинг Алпомишга ва тўқсон алпга қўйган шарти. Яъни, мерганлик, чавандозлик, кураш. Агар диққат-эътибор берсангиз, барчаси жисмоний кучни талаб қиладиган шартлар. Алпомиш бу шартларни бажариб, бўлинган элниям бирлаштириб қайтганидан сўнг, мурод-мақсадига етадими? Йўқ! Иккинчи синов бошланади, яъни Сухайл кампирнинг ҳийласи билан қаҳрамон чоҳда етти йил қолиб кетганди. “Зиндон”дан халос бўлиш фақатгина жисмоний куч билан ҳал этиладиган иш ва оддий юмуш эмас-да, шу билан бирга алпдан беҳад улкан маънавий-руҳий қувватни талаб этади. Алпомиш зиндондан Қоражон кўмагида чиқмайди, “тили қисиқ” бўлиб қолишни истамайди. Чунки, бировларга таяниб озод бўлиш мумкин эмас. Алалоқибат эса от – Бойчибор ёрдамга келади. От бизда мурод, салтанат, куч-қувватнинг рамзидир. Хуллас, зиндон Алпомиш маънавий куч-қудратининг синови бўлди. Энди у фақат куч-қувват эгаси эмас, балки доно “Қултой” қиёфасига кирволди. Зиндондан қайтиб келган Алпомишнинг айни Қултой қиёфасида Бодом бекач ва Барчин билан ўлан айтиб “беллашуви” ҳам бежиз эмас-да. У энди чинакам алп, комил шахсга, ҳукмдорга айланди. Нега буни сизга эслатяпмиз? Сабаби эпоснинг этноснинг тарихи, тақдирининг бадиий солномаси сифатида намоён бўлаётганини тағин бир ёдга тушириш учун. Халқ тарихининг барча даврлари ушбу эпосда рамзий акс этишини яна бир марта кўрсатиш учун...

Аслида, элимизнинг қадимий ва шонли тарихи асло битмас-туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу

достоннинг шоҳ байти ҳисобланади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамотнинг чинакам синовлари ва жанггу жадалларидан, керагича ўғил-қизларини ҳам қурбон бериб, эл сифатида бўлса эсон-омон чиқиб келиб, ўзлигини ҳам асло йўқотиб қўймаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, самимийлик, олижаноблик каби беҳудуд эзгу фазилатлари ўзининг чинакамига бадиий ифодасини топган.

Айнан Алпомиш тимсолида Ота Маконини инс-жинс, ёмон кўзлар, бало-қазолардан бемалол асрашга қодир ва бу йўлда, агар керак бўлса, жонини ҳам асло аямай фидо қилишга тайёр азамат ўғлонлар – бугунги Алпомишлар маънавий қиёфаси мужассам.

Бойбўрининг битта ота-онадан туғишган укаси, Барчиннинг отаси, Алпомишнинг қайнотаси – Бойсари эса қалмоқнинг элида бир банди сифатида қолиб кетганди. Уни ғаним чангалидан халос қилиб, ота юртига қайтариб келиш нияти, мақсадида “Алпомиш Қалмоққа кетадиган бўлди. Барчиннинг бўйида бўлса уч ойлик гумонаси бор эди. Барчиной Алпомиш кетарин билиб, қимтиниб ва уялиб, ўтовнинг керагасига суяниб, бир сўз деб турган эди:

Сени зор кутарман дилпора,
Ҳижронда ошиқлар бечора.
Айтиб кет султоним фарзандинг
Қай сўзни эшитсин илк бора?”

Шу ўринда, ўз-ўзидан, табиий бир савол туғилади. Чақалоқ учун илк бора қанақа сўзни эшитишдан кўра, қандай овқат ейиш, қандай ухлаш, гўдак қанақа ўйинлар ўйнаши муҳимроқ эмасми? Ахир, гўдак гўдак-да, барибир ҳали сўзларнинг маъно-моҳиятига унчалик тушунмайди. Ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак: Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таснифига кўра, бола туғилган кунидан то 11 кунлик бўлгунига қадар – **чақалоқ**, роппа-роса 1 ёшга етгунича – **гўдак** деб аталади. 3 ёшигача эса **илк болалик**, 7 ёшга тўлгунича **ёш болалик**ни ўз бошидан кечиради. 8 ёшидан бошланиб кетган **болалик** 12 ёшга етганидан то 16 ёшига қадар **ўспиринлик** даври билан алмашинади. Мавриди келиб қолгани туфайли, инсон умри интиҳосидаги даврлар номини ҳам билиб

қўйсак, асло зарар қилмайди. 61 ёшдан бошланган **кексалик** 75 ёшида **нуронийлик**, 90 ёшдан ўтганида эса **умрбоқийлик** билан тўқнашади. У ёғи эса “юз билан юзлашиш” эканлигини ўзингиз ҳам кўраверіб кўзингиз қотиб кетгани боис жуда яхши биласиз...

Яна Барчинойнинг Алпомиш Бойсарини бандиликдан халос қилиб қайтгунича туғилажак фарзанди “илк бора” “қай сўзни” эшитиши билан боғлиқ ўша сўровига қайтсак. Бу ўринда қандай овқат ейиш, сут ичиш (эмиш) билан илк бора қай сўзни эшитиши ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик асло мавжуд эмас. Ҳозир маълум бўляптики, биз узоқ йиллар мобайнида фарзандларимизга “қандай овқат ейиш”дан тортиб, “илк бор қандай сўз эшитиш”га қадар – роса кўп ишларни чала ўргатган, ёки умуман ўргатмаган эканмиз. Фарзандларимиз ҳақиқий фуқаро ва ватанпарвар бўлиб улғайишлари учун шарт бўлган илк сўзларни эса Шўро замонида ёлғоннинг лаганига сузиб олиб, уларнинг олдига қўйган эканмиз. Улардан ўзимиз билган-билмаган ҳақиқатни яшириб, тағин яхши одам бўлинглар, деб ўзимиз ҳам ишонқирамай насиҳат қилган эканмиз. Энг ёмониям шундаки, буюк ота-буваларимиз муқаддас санаган ўша илк сўзларни ўзимиз ҳам унутиб қўйган эканмиз, ёки тилимизнинг учидаёқ айтиб юраверган эканмиз. Илоҳий СЎЗлар бўлса чинакам маъноларини йўқотиб, ваъзхонлик, лекциябозлик, агитация-пропагандaнинг бор-йўғи оддий бир безагига айланиб қолган экан. “Ватан”, “Халқ”, “Ҳақиқат”, “Адолат” сингари илк сўзлар кеча жуда кўпчилик учун увадаси чиққан, оҳори тўкилган бир буюмдай қадрсиз бўлиб қолган эди. Бу бебаҳо муаззам ва энг муқаддас сўзлар, ҳатто бугун ҳам баъзи бир нафс бандаларининг ғашини келтиради, пешонасини тириштиради, афт-ангорини ҳам кўкартиради, башарасини буриштиради. Бунақасига эса ўзингиз ҳам кўп бора шахсан гувоҳ бўлгансиз ва унақа бадбин, бадбахт, бебахт кимсаларга чин дилдан ачинган бўлсангиз ҳам ажаб эмас.

Балки эшитган чиқарсиз, япон тадқиқотчиси Масару Эмото махсус илмий тажриба ўтказиб, сувнинг ҳам хотираси борлигини исботлаган. Унинг далиллари аниқлашича, сув “кўради, эшитади ва таъсирланади”. Демакки, бизлар ичадиган

сув тирик биологик мавжудот экан! Япон олими икки стаканга тоза сув қуяди, ундан кейин идишларнинг бирига қараб жаҳли чиққанида, орага шайтон тушиб қолганида тилга олинадиган қабиҳ сўзларни айтади, яъни болахонадор қилиб сўкинади, тағин бирига бўлса меҳр-муҳаббат билан тикилиб, яхши гапларни пичирлайди, олқишлайди. Кейин электрон микроскоп ёрдамида сув кристалларини суратга олади. Яхши сўзни “эшитган” идишдаги сув худди нилуфар гули каби бағоят чиройли шаклда кристаллашган, ёмон ва ярамас сўзлардан “таъсирланган, асабийлашган, беадад хафа бўлган” идишдаги сув кристаллари бўлса аксинча, гўё булутдек қўнғир тусли, ва кўпроқ лой парчаларига ўхшаш. Сувнинг тириклигини исботлаш ниятида олимлар унинг ёнида сокин мусиқа қўйганида, сув шунга монанд ҳаракат ила оқа бошлаган. Асаб ва қулоқни қоматга келтирувчи мусиқа қўйилганида, сув ҳам шундай жазавага тушиб кетган. Сув (айниқса оқар сув) ёнида ўтирган бирор инсоннинг барча салбий энергияси у билан бирга оқиб кетаркан. Қаранг-а, оддий сувимиз унга айтилган яхши ва ёмон сўзларни ўзининг хотирасига жойлаб оларкан! Энди қарғиш урган ва лаънатланган сувни ичиб қўйган кишининг ҳоли-аҳволини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а! Ҳар қандай Инсон танасининг камида етмиш фоизи ўша сувдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, унинг қалбидаги бу жараён қай ҳолда кечишиям бизларга порлоқ кундай равшан бўлади-қолади.

Фанда илмий жиҳатдан асосланган шундай тушунча борки, инсон бутун умри давомида оладиган ахборот ҳажмини юз фоиз деб ҳисобласак, 6 – 7 ёшгача олган информацияси унинг камида эллик фоиздан кўпини ташкил қилади. Энди Биринчи Президент XXI аср ибтидосида ўта афсус-надомат билан билдирган асосли бир фикрига ҳам эътиборимизни қаратсак: “Ҳолбуки, бола олти – етти ёшга киргунича унинг тарбияси билан унча қизиқмаймиз. Эргаштириб пахта даласига олиб чиқамиз. У чанг ютиб, пайкалда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради, қанақа аҳволда овқатланади, нималарга интилади, нималарга қизиқади ва қандай ривожланади – афсуски, буниси билан асло ишимиз бўлмайди.

Шундай вазиятда у қандай қилиб керакли бир ахборотни олсин? Қандай қилиб унда фикрлаш қобилияти тадрижий ривожланиб борсин? Ахир бу боланинг кўз ўнгида борлиқнинг юз очиши, илк ҳаётий тасаввурлар, масалан, Қуёш қаёқдан чиқиб келади, қаерга ботади, қандай нур таратади, ой қаердан пайдо бўлади, одамзод ўзи нима, деган ўта содда, аммо, инсон тафаккурида пайдо бўлиб қоладиган тушунчалар унинг онгига ва қалбига айнан шу даврда сингмайдими? Ахборот олишни орзиқиб кутиб турган ва ўсаётган бир пайтда болага, афсуски, кўпинча ҳеч нарса бера олмаймиз".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг мана бу фикри эса Сизни сираям бефарқ қолдирмаса керак: "Биз таълим ҳамда тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштириш масаласини ўзимизнинг энг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гап борганида, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, ва айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда ҳам истар эдим. Мана, улуғ, буюк аждодимиз нима деб ёзганлар: **"Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурматини топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизликнинг юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзга кимсаларга тобе ва қул, асир бўлиши ҳам уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига бевосита боғлиқ".**

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!"

Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг ва бутун жамиятнинг, шу маконда умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсоннинг асосий иши, энг муқаддас инсоний бурчидир. Инсоний бурч дегани ўзи нима? Бу – раҳбарми, оддий фуқароми – ўзига Аллоҳ томонидан ато этилган бутун ақл-идроки, куч-қудрати, имконият-борлиғини, имон-эътиқодини, аввалambор, уни тарбиялаб, оқ ювиб – оқ тараб вояга етказган ота-онаси олдидаги қарзини адо этишга сарфлаш, уларни рози қилиш, "Отангга минг раҳмат!" деган аъло олқишни олиб

қолиш, “Ҳе-е-е, ўша падарингга минг...” деган қарғишнинг остонасига асло йўламаслик, эл-юртининг энг муносиб фарзанди бўлиб яшаш, бу ҳаётда яхши ном, яхши изни қолдириш, инсон манфаатларини назардан четда қолдирмай, ўз халқи ва мамлакати умумий манфаатлари ва бахт-саодати йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб қўйиш, бундан эса ўзиям беадад ҳузурланиш демакдир.

Хуллас, бугунги кунларда фарзандларимиз, невара, эвара ва чевараларимизга айтадиган ҳар қандай сўзимиз асл маъносини, энг биринчи навбатда, ўзимизам чуқур англаб етмоғимиз даркор.

Инсон оила, маҳалла, қишлоқ, туман ёки вилоятгамас, айнан дунёга келгач эшитиши беҳад зарур бўлган худди ўша табаррук сўз ўзи нима? Ёки ким ҳақида бўлиши керак? Балки “Она”дир? Эҳтимол “Ота”дир? Ёки “Нон”микан-а? Ёхуд “Сув” дейликми?

Йўқ!!! “Барчиннинг сочини силаб, унга эсон-омонлик тилаб, тасалли бериб ва сўзларини ҳам авайлаб, териб турган Алпомиш ўз ёрига бошқа бир илоҳий сўзни айтади:

...Оламда кўп эрур ибора,
Бир сўз бор оғриқдан иборат.
У – Ватан! Барчиним, у – Ватан!
Боламга “Ватан” де илк бора.
Сўзлагин энг юксак тилакдан,
Бўтадай бўзлаган юракдан.
“Ватан” де ... Боламнинг қонига
Оқиблар кирсин у кўкракдан...”

Ўзингизга ҳам кўрган-билганингиз ва ўқиган-уққанларингиз, эшитганларингиздан яхши маълумки, инсоннинг табиати, феъл-атвори гўдаклигиданоқ шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола қони, жони, ҳужайраси ва вужудига она сути билан киради.

Ватан деганлари нима ўзи? Нега у “оғриқдан иборат”?

Эл-юртнинг орасида “Киндик қони тўкилган тупроқ” деган гап бор. Таваллуд топган Ватанидан йироқдагилар, муҳожирлар, ҳаттоки ватанфуруш ватангадолар ҳам “Киндик қоним тўкилган тупроққа бориб ўлсам, армоним йўқ”,

дейдилар. Буларнинг бари беҳуда гаплар ҳам эмас-да. Киндик қони тўкилган тупроқ билан инсон тақдириям, ҳали биз англаб етмаган қандайдир бир илоҳий табиат қонуни орқали, қон, жон, руҳ билан чамбарчас боғланган. Чингиз Айтматов фикрича: “Дарҳақиқат, шу инсон туғилиб ўсган отаюртда, тақдирга энг дастлабки пойдевор қўйилади. Муҳими – отаюртдан олган, юқтирган нарсаларни қалб қўри билан илитиб, худди бол тўплаётган асалари мисоли юракка жойлаб олишинг керак”. Ёзувчининг соҳир қаламига мансуб “Қиёмат” романида Гурам Жўхадзе юрти билан абадий, мангуга хайрлашиш чоғида ўз шерикларига қарата шундай дейди: “Видолашгач, ҳар ким ўз йўлига кетади. Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар Ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганида эди, у сариқ чақага ҳам арзимасди”.

Шу ўринда ўзбекнинг ўктам ўғлони Бобурнинг, 7 ёшдан 100 ёшгача бўлган ўзбек ёддан биладиган, рубоийсиниям ёдга олсак:

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз юртни қўйиб, ҳинд сори юзландим
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Гап шеър хусусида борар экан, ХХ аср ўзбек адабиётининг учинчи устуни (бу ўринда Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Эркин Воҳидов сингари улуғларам борлигини унутмаган ҳолда, айнан шу исмдаги буюкларга урғу берилган – Б.И.) учинчи Абдулласи, бизнинг улуғ замондошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, “мардона руҳи” билан буюк аждодларимиз сафига қўшилган Абдулла Ориповнинг мисраларини ҳам бир эслайлик:

Тинч эди ҳамма ёқ, тинч эди ҳар ён,
Титради гўёки ер билан осмон.
Бошимга хасталик тушди ногаҳон,
Мени олиб кетинг ўз диёримга.
... Талпинган диёрим – у Ўзбекистон,
Таърифин айтмоққа борми ҳеч имкон.

Йўқ, ўзга юртларда беролмасман жон
Мени олиб кетинг ўз диёримга...

Мирзо Бобур юртини шунчалик соғинганки, Ота Маконини ташлаб кетганигаям минг марталаб афсусланади. У энди умрбод юзи қароликка гирифтор бўлганлигини ёзади. Унинг ўз Ватанини қай даражада соғинганлигини бўлса Ота маконидан келтирилган оддий қовун ҳидидан бемалол таниб олганидан ҳам билса бўлади.

Ватанга меҳр-муҳаббат ҳар қандай кимса ёхуд одамда эмас, айнан инсонда Ватан туйғусининг қарор топишидан бошланади. Ватан туйғуси... бу чин инсонийлик ва Ватанга фарзандликнинг муқаддас ҳамда муаззам ҳиссий белгиси. Бундай туйғуларсиз Она Ватанни севиш, Ота маконга садоқат деган тушунчалар ҳам етти ёт, ғирт бегона, аллақандай тушунарсиз нарсага айланиб қолади.

Ватан туйғуси деганлари ўзи нимадан бошланади?

Ватан туйғуси – шу юртнинг асл эгаси бўлган элини, унинг ўтмишини теран билиш ва мозийдан ўзининг кейинги ҳаёти учун зарур ибратни, соҳир сабоқларни синчиклаб олишдан бошланади.

Ватан туйғуси бу – ўз халқини севиш, у билан фахрланиш, уни ҳурмат қилиш ва қадригаям етиш деганидир. Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганимизда, “Буюкликнинг кўз илғамас чўққиси”, бугун ҳам Ғарб дунёсида асарлари энг кўп ўқиладиган мутафаккир, донишманд Жалолиддин Румийнинг ҳақли фикрича: “Халқ билан сира ҳам қизиқмаган, ва аксинча, халқдан нолиган, унинг учун ўз жонини куйдирмаган инсон асло инсон эмасдир”.

Ватан туйғуси бу – шу азиз, муаззам ва муқаддас юртни ўз қадоқ қўллари, ҳалол пешона тери, ақл-идроки билан обод этган заҳматкаш, донишманд улуғ аждодларни унутмаслик демакдир.

Ватан туйғуси бу – ақл-идроки, заковати, тафаккури билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс даражадаги ҳиссасини қўшган, асарлари бугунги замонгаям беминнат хизмат қилаётган сон-саноқсиз ватандошлар ва буюк

алломаларга муносиб тарзда издошлик қилгувчи асл баркамол авлод бўлиш ҳам демакдир.

Ватан туйғуси – Ота Макони озодлиги, истиқлоли йўлида қутлуғ қонини тўкиб шаҳид бўлган улуғ аждодларимизни ҳамиша ёдда тутиш, уларни хотирлаш демакдир. Буюк боболаримизнинг улуғвор ишлари билан уларга меросхўр сифатида ҳақли равишда фахрлана, ғурурлана билишимиз керак. Лекин, барча имконият ва шарт-шароит мавжуд замонда шарафли ишларни амалга ошириб, уларнинг шавкатли номларини оқлай билишимиз ҳам даркор-да.

Ватан туйғуси бу – азиз юртимизга юксак эътиқод ила яшаш ва унга муносиб фарзанд бўлиш демакдир. Аслида, одамзоднинг ўз онаси бағрида дунёга келишиям қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидаги Ватан туйғуси ҳам ана шундай илоҳий мўъжизадир.

Айнан шундай руҳият, ҳис-туйғуларга эга бўлган ҳар қандай шахс Она Ватанини севмаслиги, Ота маконидан йироқ юртларда бўлган чоғида эса уни қўмсамаслиги ҳам асло мумкин эмас-да.

Абдулла Орипов соҳир қалами ила оқ қоғозга битган шеърга тағин қайтайлик. Шоир бу шеърини Шўро салтанати бошкенти – Москвада ёзган. У Москвада юриб хасталаниб қолгач, шу шеърни ёзган эди. Бу шеърида ўз Ватанини улуғлаб, “таърифин айтмоққа борми ҳеч имкон”, – дейди. Москва шаҳрини бўлса ўзга юрт деб ҳисоблаб, ўзини Ўзбекистонга олиб кетишларини сўрайди. Зеро, бу шеър ёзилган вақтида эса ўша пайтлардаги қудратли салтанат – СССР ҳали бузилиб кетмаганди, “Ватанимиз – СССР, бизники ҳаво, сув, ер”, мактабларда “Москва – Ватанимизнинг пойтахти” деган гаплар 200га яқин миллат ва элатлар болаларининг онгига ва қалбига, барча воситаларни қўллаб, аллалаб сингдирилар эди.

Ўзининг Ватанини самимий ва чин қалбидан севган инсон – Ота юрти қайси жойдадир асосли равишда мақталиб, у хусусда яхши гаплар гапирилса, ғурур-ифтихор туйғуларига тўлади. Агар унинг Ватани шаънига ёмон, иғво ва туҳмат гаплар айтиладиган бўлса, у енгини шимарволиб, муштинимас,

ақлини ишлатиб, жон-жаҳди билан ўз Ота Маконининг шон-шавкатини ҳимоя қилади.

Инсон ўзининг ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам теран илдизини отиб ва юксалиб боради. Ушбу илдиз қанчалик даражада чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга меҳр-муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.

“Ватан” сўзи болаларнинг бешиги бошида тез-тез жаранглаб туриши даркор. Балки бу сўз, энг аввало, ота-оналар учун кўпроқ зарурдир... Ҳар бир қарич еримизга жонимиз чиндан оғриши, уни жиноятчи, ўғри, текинхўр, тайёрхўр, коррупциянинг балчиғигаям худди чўчқа ва манжалақининг отаси, мегажиннинг эри – тўнғиз сингари беланган, булғанган калтабин кимсалар қўлига топшириб қўймаслигимиз, ва қўпорувчилик билан боғлиқ фожиалар яна юз бермаслиги учун бу сўзни тушуниб, англаб, шиддату жасорат ила айтмоғимиз, Ватанга муносиб асл фарзанд бўлмоғимиз шарт...

Ватан... деганлари нима ўзи? Қандай даражада қийин савол.

Дарахтни тасаввур қилинг, бир кўз олдингизгаям келтиринг. Унинг илдизи – Ватан. Унинг осмонга интилаётган шохлари ҳам – Ватан. Хазонларда эса учаётган барглари, қурт тушган, қуриган шохлари ҳам – Ватан. Ҳали шаклланиб улгурмаган куртаклари, хаёлидаги ва унинг келажакда тугажак мевалари ҳам – Ватан...

Илдизсиз асло Ватан йўқ. Мевасиз, уруғсиз ҳам мавжудмас.

Ўзбек ва озарбайжонларнинг улуғ шоири Мақсуд Шайхзода эса Ватанни шундай таърифлайди, тавсифлайди ва тасвирлайди:

Ватаннинг маъноси улуғвор, улкан,
Ҳа, Ватан сўзининг чеки бепоён.
Бу ерда туғилган, яшаган, ўлган,
Яратган, ишлаган, курашган инсон.
Ватан меҳри билан ўз қадрин билган,
Ватансиз кишилар дарвеш дейилган.

Шоир фикрича, ота юртдаги ҳар бир нарса Ватандир. Бу ғоя эса қуйидаги сатрларда беқиёс гўзал тарзда таърифлаб берилган.

Ватан – бувалардан набирагача,
Чўпон сурнайидан операгача.
Ватан – гўзалликдан яхшиликкача,
Қишдаги қорлардан яшилликкача.

Кашф этилган ихтиро ҳам, бобо-момолар дуоси ҳам, онамиз алласиям, бўй етган йигитлар учун қизлар, қизлар учун йигитлар, шоир яратган ажойиб шеърлар ҳам, барпо этилган гўзал боғ ҳам Ватандир. Айнан шу боисдан ҳам падари бузрукворим ва устозим Робиддин Исҳоқовнинг бугун Ота маконимиз – Ўзбекистондаги рус, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, туркманча – ўзининг она тилида таҳсил олаётган болаларимизнинг нақ 62722 нусхада чоп этилган, таълим бўлса рус ва қардош тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 5- синф “Ўзбек тили” дарслигининг 6-саҳифасидан ўрин олган “Ватан” сарлавҳали шеърида бундан роппа-роса ярим аср муқаддам шундайин беадад, бебақо, беҳудуд бунёдкорлик ва бағрикенглик ғояси ифодаланган эди:

Ватан кўкда ойимиз,
Ариқлару сойимиз.
Қуёш нурин бахш этган
Биз туғилган жойимиз.
У қалбда имонимиз,
Энг муқаддас нонимиз.
Керак бўлса доимо
Фидо унга жонимиз.

Қозоқнинг буюк шоири Ўлжас Сулаймоннинг таъбири ила айтганимизда, Ватаннинг тупроғи хас-хашаклар аралашган, қурт-қумурсқалар ўз насибасини териб юрган оддийгина тупроқ эмас. Бу тупроққа қанча қону қанча тер, қанча кўз ёшию қанча оналар сути тўкилмаган дейсиз? Бу тупроқ аждодларимиз, боболаримиз, момоларимизнинг муқаддас хоки. Шунинг учун ҳам лойдан пахса уриб катта-кичик иморатларни тиклаган кекса авлод усталари лой қориш олдидан хоки тупроққа айланган аждодларнинг руҳини ёд олиб, улардан ё

изн, ё кечирим сўрагандек муқаддас китоблардан пичирлаб оятлар ўқиганлар ва кўзда ёш билан тиловат қилганлар.

Муҳожирларам Ватанни соғиниб йиғлайдилар, сиқтайдилар, беадад ўксинадилар. Ота юртларининг бир сиқимгина тупроғини ҳамёнларига солволиб юрадилар, аҳён-аҳёнда эса уни бармоқлари билан пайпаслаб қўядилар, агар қазоси етиб вафот этар бўлсалар, ўз авлодларига уни қабрларига сочишни васият қилиб кетадилар.

Ватанни ҳеч қачон сотиб олиб бўлмайди, лекин уни ўйлаб-нетиб ўтирмай сотадиганлар бўлса керагича учраб туради. Сотиш учун эса хорижга шаталоқ отиб қочиб кетиш ҳам унчалик шарт эмас. Юқори, ўрта ва қуйироқ даражада турли-туман катта-кичик лавозимларда енг шимариб фаолият юритиб, "ўз даври бир келиб қолгани" сабабиданам айш-ишрат қилиш, даврон суриш, "базми жамшид" қилиш илинжида ўз ватандошини қақшатаётган айрим палид кимсалар ҳам чинакам хоин, сотқин ва ватанфурушлардир. Абдулла Қаҳҳор таъбирича, "Бошига иш тушган одамни шилиш – ўликнинг кафанини ечиб олишдек бир гап". Буюк ёзувчимизнинг яна бир, бугунги кунга дахлдор гапиниям диққат-эътиборингизга ҳавола этсак, ҳеч ортиқчалик қилмаса керак: "Биров порахўрнинг билагидан оққан мойни итдай ялайди, "порахўр қўрқмай олсин, бемалол есин" деб ўша поранинг отини "совға", "ҳадя", "тўёна", "ёрдам" қўйиб беради... Ўғри кечаси йўлингизни тўсиб сизнинг чўнтагингизга қўл солади ва пулингизни олади, олади-ю, қочади-кетади. Порахўр бўлса куппа-кундуз куни, яна ҳукумат идорасида ўтириб чўнтагингизга қўлини солади, пулингизни олади-ю, қочиб кетмайди, жиноятига эса ўзингизни ҳам шерик қилади"...

Буюк бобокалонимиз, Ҳазрат Алишер Навоий нималарники ёзган бўлса, аввало, турк (яъни ўзбек) халқининг манфаатларини ўйлаб ёзган. Аммо, ўз халқини қанчалар улуғламасин, умрининг сўнггида битилган "Маҳбуб ул-қулуб"да айнан унинг иллатлари хусусида ҳам куйиниб ёзиб, уларни бартараф этиш борасидаги ғам-ташвишларни баён этганди. Гап ҳам қуруқ бўлиб қолмаслиги учун, лоақал, асарнинг мутриб ва муғаннийлар, яъни ашулачилар ва

созандалар ҳақидаги айрим аламли сўзлариниям келтирайлик: “Аммо бу тоифанинг сойири (ҳозир ҳаёт бўлганлари; бундан сўнг қавс ичида берилган маънолар ҳам изоҳлар – Б. И.) ҳам агарчи тарабойин (хурсандчиликлар келтирувчи) ва меҳнатзодадурлар ва лекин, филҳақиқат, лаимсийрат (хасис) ва гадодурлар. Айтқувчи ва чолғувчи зорлиғ ва ийнамак (ялиниш, тиланиш) била олғувчи. То буюрғувчида сила (ҳақ, маблағ) ва инъом бор, алар мулозим ва хизматкордурлар. ... Чун базмда танаъум (тушум) оз бўлди, алар иши бўлса истиғнову ноз бўлди. ...Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсонингдин, ошнолиғ ҳам бермай ўтарлар ёнингдин. Оз олсалар, ноипос (норози), кўп олсалар, ҳақшунос (художўй, дуогўй). Вафо алар табъидин маслуб (анча узоқ), вафо аҳли олдида мардуд (рад этувчи) ва манқуб (баланддимоғ). Муғанний – вафосиз, кунгир (чилдирмачи) – ҳаёсиз. Агар йиллар (уларнинг талабига) риоят қилибсен ва ҳамхонадур, бир қатлаки бермадинг – бегонадур”.

Улуғ ватанпарвар мутафаккир бу сатрларни ўзи рози бўлиб ёзган дейсизми? Ҳеч йўқ-да. Санъаткорларнинг феъл-атворидаги иллатлар бартараф этилишига ўз умидини боғлаб ёзган уларни...

Деярли ҳар куни ва ҳар соатда телеэкран орқали ёхуд катта-кичик ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тадбирларда бор овози билан бирор унвон олиш, машҳур бўлиш ниятида “Ватан! Ватан!” дея ҳайқираётган айрим бир қўшиқчиларга ҳам кўзингиз тушади. Улар тағин ўз баданларига алламбалоларни либос, сарпо сифатида кийволиб, “Ватан учун бор-будимни, жону жаҳонимни берворадурман” дея қичқириб ҳам қўядилар. Уларга қарата, “Эй, барака топгур! Сен катта саҳнада ватандошларинг, эл қаршисида турибсан. Ҳеч бўлмаса, турқи-тароватингни ва устингдаги кийим деб аталмиш нарсаларингни шу эл-юртга сал-пал мослаб олгин-да!”, десангиз сизни замонавийликни тушунмаслик, қолоқликда айблайдиган, таъна-дашном берадиганлариям керагича топилади. Сиз ўқиётган битикларнинг муаллифи ҳам Навоий замонидан, эҳтимол, ундан ҳам минг йиллар бурунроқ пайдо бўлган, сираям озаймасдан, тобора кўпайиб бораётган бунақа “бемаза маданият” вакилларининг ўнлаб-юзлабига турли

тадбирлардаям кўп бор дуч келган, керак бўлса, тартибга чақирган. Юракдан ҳис қилмагунча, ҳар бир илоҳий сўзнинг маъно-мазмунига етмагунича ҳар қандай булбулдек товуши бор хушовоз хонандаям асло мурод-мақсадига етолмайди. Чинакам меҳнат аҳлини ва ўзининг ватандошларини севмай туриб, инсонлар бир-бирларини ростдан ҳам яхши кўрмай туриб шу азиз Ватанни ҳам сева олмайдилар. Ватан деганлари эса "Мен амалдорман, прокурорман, мен эстраданинг ёрқин юлдузи бўламан", дея калондимоғлик қилиш, ўзгаларни менсимаслик ва нақ осмондан келиш эмас, энг аввало, бу – меҳр-шафқатдир.

Ватан қадим-қадим замонлардан оташ-олови сираям сўнмай келаётган энг муқаддас ўчоқ. Ватан – чироғи мангу, абадий ёниқ хонадон. Ватанни тағин қуёшга менгзаш мумкин: бутун жонзод, дарахтлару гиёҳлар ҳам, гуллар ҳам инсонларни яхши ва ёмонга, уларнинг сарагини пучаккаям ажратмасдан, барчага баб-баравар ҳаётбахш нурларини сочаётган офтобга интилади. Одамзод бўлса табиий бир майл билан ўз Она Ватани, Ота маконига талпинади.

Ватан – суйганларни эр қилган, кўрнамак, нонкўрларни кўр, ватанфурушларни эса зор қилган бир илоҳий тупроқ. Ватан – гоҳ кулдириб, гоҳида йиғлатган мўъжизавий қўшиқ, афсунгар наво!

Айнан шунинг учун ҳам у, "Ҳақиқат"дир. Биз Ватанимизни мукаммал ва кам-кўстсиз кўргимиз келади. Унинг мукаммаллиги бўлса, турган гапки, энг аввало, бизнинг ўзимизга боғлиқ. Аммо, ўзингиз ҳам тузук-қуруққина кўриб-билиб ва давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг юзлаб маърузалари, нутқларини эшитиб, фармон, фармойиш, қарорлари мазмун-моҳиятидан ҳам бохабар бўлиб, англаб турибсизки, ҳозирча ўзимиз чин дилдан хоҳлаган, интиқиб кутган мукаммалликдан анча-мунчагина йироқдамиз...

Ватан чиндан ҳам саждагоҳ сингари муқаддасдир. Биз Она – Ўзбекистон истиқлолини ва унинг шон-шавкатини ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг моддий ва маънавий қадриятлари ҳимоясига эса ҳамиша тайёр бўлмоғимиз даркор. Улуғ аждодларимиздан бизга жуда муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси

фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодимиз учун чинакам эътиқодга ва ақидага айланиши учун қўлимиз, ақлимиз, тилимиздан, қисқача қилиб айтганда эса, ўзимизнинг тўрт мучамиздан келадиган чора-тадбирларни амалга оширишимиз ўта зарурлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Юқорида ҳам қайд этилганидек, киши Ватани ва халқидан юз ўгириши, уни сотиш учун албатта чет элга қочиб кетиши шарт эмас. У ўзи туғилган тупроғида яшаб, эл-юрти ишонган жойларда ишлаб ҳам, Ватани ва уни одам қилган, бор-будини қўшқўллаб унга тутқазган халқини бемалол, безбетларча сотиб юбораверишиши мумкин. Коррупция – сотқинлик, ватанфурушликнинг ботқоғига ботиб, элимизнинг нонини туя қилаётган кимсалар ҳам миллий хавфсизлигимизга таҳдид солаётган чинакам Ватан хоинларидир. Агар улар инсон ва халқ манфаатларини ўйлаганларида муборак жойларда ўтириб олиб жиноятга қўл урмаган бўлардилар. Бундай кимсалар ҳамма замонларда ҳам ўз жазосини олган. Ҳақ ва халқ ҳеч қачон, ҳеч кимни асло жазосиз қолдирмайди. Бутун адолатли жазодан ўзича қочиб қутилган тақдирда ҳам уларнинг касофати келажак авлодларига уриб кетади. Бунисига эса керагича ҳаётий мисолларни ўзингиз эсга, ёдга олганингиз маъқулроқ бўлар эди.

Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, вафотидан кейин эса Давлат мукофотига сазовор бўлган, Ҳабиб Саъдулла таъбири билан айтганимизда: “Одамнинг ўз Ватани, ўз элининг ардоқлаши шу Ватанидан чиққан иқтидорли ва табаррук одамларни беҳад даражада улуғлаши билан ҳам белгиланади. Ва, аксинча, ўз юртидан чиққан истеъдодли одамларнинг, буюк, улуғ шахсларнинг оёғидан чалиш, уларни бадном қилиш, булғаш ва улуғлар хусусида асоссиз миш-мишлар тарқатиш билан одамлар ўз Ватани ва халқига ҳам чинакамига хиёнат қилган бўладилар”.

Улуғ бобомиз, тилшунос ва этнолог Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида XXI асрга ҳам дахлдор ниҳоятда ибратли огоҳликка даъват мавжуд: “Тулки ўз уясига қараб улиса (ҳурса), қўтир бўлади”. Яъни, ўзининг юртига қарши иғво қилган, ахборот террори, фашизмига

кўмаклашган, ўз ватандошларининг кўзига чўп суққан кимса, ариқ лабида бўлсаям, асло кўкармайди.

Одам баъзан ўз қисмати, тақдиридан, омадидан ва кундалик ҳаётидан, ҳатто ўз бошлиғидан норози бўлиши мумкин. Лекин, у ҳеч қачон, ҳеч қандай вазият ва ҳолатда Ватанидан хафа бўлиши, кимлардандир кўрган айрим бир жабр-ситам ва жафолар туфайли ҳам зарда қилиб, қандайдир алам билан, ўз эл-юртига нисбатан хиёнатнинг йўлига ўтиб кетиши мутлақо ғайриинсоний ҳолатдир. Ушбу ғояни теран равишда англаган падари бузрукворим ҳамда чинакам устозим Робиддин Исҳоқов қаламидан чораккам бир аср муқаддам, ўзбекнинг буюк ватанпарвар шоири, умрининг сўнгги сонияларига қадар "элим, юртим" дея чиндан куйиб-ёниб яшаган Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов муҳаррирлик қилган ва 1963 йили дунё юзини кўрган "Қўшиқ – йўлдош юрган йўлимда" номли китобларидан ва бошқа қатор мактаб дарсликларидан жой олган шундайин бир самимий сатрлар оппоқ қоғозга кўчган эди:

Ватаним, мен сенга жон фидо айлаб,
Иссиқ қучоғингда бир умр қолсам.
Мақсадим: боғ, ўрмон, дарёларингни
Шу кичик қалбимга сиғдира олсам...

... Алпомиш тилакларини айтишда давом этади. Фарзандим ўзининг, элининг, аждодларининг кимлигиниям албатта, билсин, ўзининг туғилган тупроғини бўлса сира ҳам унутмасин, дейди:

Ақлинг ҳеч бўлмасин фаромуш,
Боламни қил яхши парвариш.
Барчиним, боламга яна айт,
Отаси – Алпомиш! ... Алпомиш!
Елдайин, селдайин бу ҳаёт,
Сафардан қайтмасам умрбод.
Барчиним, аллага қўшиб айт:
Элининг отидир Қўнғирот.
Ой чиқса бўлади ойдин, де,
Лочиндай қанотинг ёйгин, де,
Барчиним, суйганда суйиб айт:

Туғилган тупроғинг Бойсун, де.

... Алпомиш тилак айтишда давом этаверди. Мансабга учма. Лавозимдор бўлсанг, унутма, минган мансабингдан ўз элингнинг, ўз Ватанингнинг манфаатларини юқорироқ даражага қўйгин. Сен ким бўлишингдан қатъи назар, ўз элингга ҳокимнинг кўзи билан эмас, айнан оддийгина бир хизматкорнинг нигоҳи билан қара:

Бойликка бўлма де харидор,
Бойликдан баландда эл-юрт бор.
Айт, ёвни қақшатган алп бўлсин,
Айт, бўлсин юртига хизматкор.

Энг баланд, энг юксак лавозимларда ишлаб бир умр ўзининг эл-юртига беминнат ва бетама хизмат қилган Соҳибқирон Амир Темур, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, Ислом Каримов сингари раҳбарлар бўлган, бугун ҳам бор, ва келажакда ҳам бўлаверади.

Улар бундай беадад юксак даражага бировлар дард-аламини ўзининг азобидек ҳис этганлари ва омма, эл руҳияти, кайфиятини теран сеза олганликлари туфайли эришганлар. Яхши раҳбар аввал одамлар дарди, ғамини англаб, ундан кейин муаммони баратараф этишга йўналтирилган қарорини қабул қилади. Ёмони эса олдин қарор қабул қилиб бўлиб, сўнг бу қарорини фалон байрамга қадар бажариш учун чора-тадбирлар кўриш жараёни, барча одамларни мажбурлаш, уларга босим, тазйиқ ўтказишга бутун вужуди билан киришиб кетади. Бундай тоифадаги раҳбарлар эса бутун дунёдаги демократлар томонидан ғирт диктатор сифатида баҳоланади...

Алпомиш айтади:

Барчиним, фарзандим шер бўлсин,
Юртига суянчиқ эр бўлсин.
Ватанни дилига жо айлаб,
Бахшилар тилида шеър бўлсин...

“Алпомиш ўтга солса, куймас эди, қилич солса, ўтмас эди, милтиқ отган билан, ўқи ҳам ботмас эди. Ул сабабни қалмоқлар билмасдан қандайин балога дучор бўлиб қолдик, деб аланглашиб қолган эдилар”. Шунда Сухайл мастоннинг маккорлиги туфайли Алпомиш етти йил қалмоқнинг

Муродтепа қаватидаги ўта чуқур зиндонда бандиликда қолиб кетган... Кўнгилнинг кўчалари жуда кўп, дейдилар. Тарбия тополмаган кўнгилнинг эҳ-ҳе, қанча-қанча талаб, эҳтиёжлари бор. Эслайлик, Алпомиш Қалмоқда зиндонда. Қалмоқшоҳнинг қизи Товка ойим бўлса банди Алпомишга қараб, зиндондан чиқариб олсам, нимам бўласан, деб роса ҳам қисталанг қилади. Алпомиш эса унга, оғанг бўламан, деди, тоғанг бўламан, деди. Қариндошинг бўламан деб кўрди. Лекин, Товканинг кўнгил талаби мутлақо бошқа эди: У Алпомишдан эринг бўламан, деган биргина жавобни кутар эди-да. Табиийки, яқин орада ОТА деган беҳад буюк унвон олиш умидидаги Алпомиш ўзбекнинг ғаними Қалмоқшоҳга ўлса ҳам куёв, айниқса ичкуёв бўла олмас эди-да…

Отаси қалмоқ юртига кетган пайтида дунёга келган ўғлонга Барчин “Алпомишнинг ўрнини тутар, деб отини Ёдгор қўйди.

Шундай замон бўлиб, орадан неча вақт ўтди. Барчин ўғлини олдига олволиб, унга далда, таскин ва тасалли бериб ўтирибди:

Ота юртин Ёдгор қўзим тебратар,
Ғаним бўлган душманларни бўзлатар.
Отаси эр эди, эрдай бўп ўтар,
Отасин юртин шундай бўп тутар.
Ёдгор болам камолига киради,
Душман қулни кўрса додин беради.
Энасининг кўнглидагин билади,
Ғаним бўлган душман бунда ўлади”.

Бойбўрининг Бодом чўридан бўлган ўғли Ултонтоз акасини ўлиб кетган бўлса керак деб ҳисоблаб, янгаси Барчинга уйланиш тараддудига тушиб қолган. Беқиёс оғир машаққатларни бошидан кечириб, зиндондан халос бўлган Алпомиш Ота маконига худди шу куни қайтиб келган эди. У Қултойнинг либосини кийиб олиб, ўша тўйга келса, “Ултонтоз тахт устида ўтирибди, отаси Бойбўри хизмат қилиб, эгнида қора меш, сув ташиб турибди. Бир нечалар эса хушомадга Бойбўрини Ултонтозга ёмон етказиб, сувлик меши билан

койиб, сўкиб, ғижиб турибди. Буни Қултой (Алпомиш) ҳам кўриб, Ултонтозга насиҳат бериб, бу ҳақ сўзни айтиб турибди:

Ҳар ўлкада сендай беклар кўп бўлар,
Отасини урган фарзанд оқ бўлар”.

“Ота – ақл, она – идрок” мақоли ҳам минг йиллар мобайнида улуғ аждодларимиз учун дастуруламал бўлиб келган. Ота – ақл, демак, у бола учун ибратнинг улуғ намунаси. Юзта муаллим ҳам керак бўлса, битта ОТАнинг ўрнини боса олмайди. Шу боисдан боланинг Отаси олдидаги, Ота юрт олдидаги бурчи, қарзи бағоят юксакдир. Ҳаммасиданам энг юксаги, олийси, “Отангга раҳмат!” олқишга сазовор бўлиш, “оқпадар”, “падарлаънати”, “кўрнамак” сингари ғоятда даҳшатли қарғишларга асло йўлиқиб қолмаслик.

Бир заҳматкаш отага иттифоқо Ҳизр алайҳиссалом рўбарў келиб қолибди. Шунда “Яратганга шукр, мени сизга йўлиқтирди, бир дуо қилинг”, дебди ота. Ҳизр алайҳиссалом отанинг ҳаққига дуо қилибди. Энди эса болаларимнинг ҳаққига ҳам бир дуо қилиб қўйсангиз, деб жуда ўтиниб сўрабди. Шунда Ҳизр алайҳиссалом: “Болалар ҳаққига ўзингиз дуо қилинг, мен эса омин деб турайин. Зеро, Отанинг дуоси Ҳизр дуосидан юксак туради”, деган экан.

Дарҳақиқат, оталар дуосини олиб улуғ ишларга қўл уриш бу яхшилик ва қут-барака остонасига қўйилган биринчи қадамдир.

Муаллим, мураббий, шоир, фольклоршунос олим Робиддин Исҳоқов қаламига мансуб ушбу икки фард ҳам айнан шу хусусда:

Отага илтифот – элга илтифот,
Отага хизматдан, бил, умринг обод.

Ота – оиланинг етук чинори,
Чинор ўтиб кетгач, тутар хумори.

Оила – микрожамият, жамият – макроила. Эски тилимизда айтилганда, оила – жамияти сағир, жамият – оилайи кабир. Шўро даврининг охирларида айрим бир зиёлиларимиз оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилиб: “Ўзбек аёллари

ўқисин, билим олсин, лекин ишламасдан уйда ўтириб, ўз боласи тарбияси билан шуғуллансин", – деганга ўхшаш таклифларни ўртага ташлашди. Ҳозир ҳам шу фикрда юрганларнинг анча-мунчасини ўзингиз ҳам яхши танийсиз. Бироқ, АҚШ олимларининг ижтимоий тадқиқоти хулосасига биноан, ишлайдиган оналар томонидан тарбияланган болалар савияси уй бекалари тарбиялаган болалар савиясиданам анча баланд экан. Чунки, ишлайдиган аёл – фаолроқ, ҳаракатчан, ҳар бир кунини тартиб-интизом билан тақсимлашга ҳам мажбур, ҳамма нарсага улгуришга интилади, катта ахборот майдонига эга. Бу фазилат фарзанднинг онг-тафаккури, дунёқараши фаоллигини тарбиялашда ниҳоятда қўл келади. Шу нуқтаи назардан олганда, Барчинни ҳам Алпомишнинг йўқлигини билдирмай, отаси ўрнига ота бўлиб тарбиялаган, ишлайдиган аёллар қаторига қўшамиз...

Оилада, жамиятда маънавий-маърифий, жисмоний, ахлоқий тарбияни кучайтиришда қадимдан оталарнинг ўрни беқиёс бўлиб келган. Ўзбек оилаларида оталарга бўлган иззат-ҳурмат, эҳтиром кўр-кўрона сиғинишмас, балки унинг обрў-эътиборини қадрлаш, унга ишониш, ва, энг асосийси, суяниш ва маҳкам таянишдир.

Донишманд оталаргина ўз фарзандларини роса зарур билим, кўникма ва малака билан қуроллантира оладилар ҳамда мураккаб ҳаётдаги барча мушкулотларни ақл-идрок, сабр-қаноат, ғайрат ва матонат, минг машаққатлар билан енгиб ўтишга ўргатиб, уларни чиниқтирадилар. Ана шундай оталарнинг қобил фарзандларигина ўз отаси номини улуғлаб, улар изидан бора оладилар ва "Отангга раҳмат!" деган энг юксак олқишгаям сазовор бўладилар. Шундай "Ота ўғил"лар отасининг дўстларини, қадрдонларини ўз оталари сингари ҳурмат қиладилар, укаларини баркамол инсон сифатида тарбиялашга падарларига кўмаклашадилар, қариндош-уруғ, дўст-биродарларга ғамхўр, меҳр-оқибатли бўлиб етишадилар. Албатта, буларнинг ҳаммаси кўпни кўрган, ақлли, болапарвар, юртпарвар оталарнинг меҳр-муҳаббат билан ўз фарзанди қалбига жойлаган маънавиятнинг сеҳрли, илоҳий нуриданам яққол далолат беради.

Франгларнинг оламга машҳур файласуфи Жан Жак Руссо фикрича: “Ота болаларини бино қилиш ва уларни едириб-ичириш билан зиммасидаги мажбуриятнинг учдан биринигина бажарган бўлади. У болаларини одамзоднинг қаторига қўшгани, жамиятга бўлса фаол кишиларни, давлатга фидойи фуқароларни етиштириб берганидагина ўзининг оталик бурчини тўла бажарган бўлади”.

Улуғ аждодларимиз қадим-қадимдан шарқона тарбия орқали фарзандлари онги, қалбига тўғрисўзлик, қаттиққўллик, мардлик, садоқатлилик, ботирлик каби фазилатларни сабот-матонат, сабр-тоқат ила бетиним сингдириб келганлар. Масалан, фарзандлари узоқ сафарга бормоқчи ёки бирорта ишни бажармоқчи бўлсалар, энг аввал, ўз оталарининг маслаҳати ва ризолигини олганлар. Ота ўтирган уйнинг томига чиқмаганлар, ота ўтирган уйга рухсатсиз кирмаганлар, отанинг олдида ёнбошлаб ётишни одобсизлик деб билганлар, ҳатто оталаридан олдин овқатга қўл узатмаганлар. Шу сабабга кўра буюк халқимизнинг дили ва тилидаги “Ота рози – Худо рози” нақлиям деярли барча ўзбек оилаларидаги маънавият мезони, беҳад юксак ахлоқ-одоб тушунчаларига айланиб қолган.

Бу муҳим масалада она ҳам отани қўлламоғи лозим. Чунки, оталар талабчан бўлса-ю, юмшоқ кўнгилли она ўзининг кўз очиб кўрган эрига эътироз, раддия билдирса, бола тарбияси бузилади. Отанинг ўта ҳақли, лекин, қаттиқ талабларни оғир олган эркатой бола бўлса онасининг паноҳидан ҳимоя топишга уринади. Отани ҳурмат қилмайдиган, ундан ҳайиқмайдиган фарзанд оилада ҳам, кўча-кўйда ҳам эли орасида ўзи хоҳлаган бузғунчилик ишларини амалга оширишлари мумкин. Лекин, шундай ҳолатда ҳам оталар ўзининг фарзанди учун жонини куйдиришда давом этаверадилар.

Буюк ватанпарвар, “Улуғ халқ қудрати жўш урган замон”да “дўстларга йўлдош, меҳрибон” ва “Истиқлол машъали, тинчлик посбони”га аллақачонлар айланиб бўлган давлатимиз – “Серқуёш ҳур ўлкам”из ва “Оламни маҳлиё айлаган диёр”имизнинг Давлат мадҳиясини битиш билан ўзига ҳаётлигидаёқ “қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал” ўрнатиб қўйган бағри кенг ўзбекнинг донишманд шоир ўғлони Абдулла

Ориповнинг “Фарзанд” сарлавҳали соҳир шеъри ҳам худди шу илоҳий ҳақиқатдан яққол далолат беради:

Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин, Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.
Ота фиғон чекар Каъба қошида,
Гўё унут бўлган аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмайди бир гапдан нари.
Каъбага сиғинар экан кекса чол
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: – Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга...

Ҳақиқатан ҳам бир неча минг йиллик мозий шундан далолат берадики, бу “дунёда болам, деб яшайди”ган ҳар қандай чинакам ўзбекнинг кўзига ҳам, энг аввало, ўз жони эмас, боласи кўринади.

Умуман, инсондаги ватанга, жамиятга, элга бўлган ҳурмат-эҳтиром ўз ота-онасига нисбатан иззат-ҳурматдан бошланади.

Машойихларнинг нақл қилишларича бир йигит отаси берган нон-тузини оқлаб, уни рози қилиш ниятида улуғлардан маслаҳат сўрабди. “Қандай қилсам отам мендан рози бўларкинлар?” деган саволига биров ундай қил, биров бўлса бундай қил, дебди. Шунда улардан бири “Отангни елканга миндириб, ялангоёқ ҳолда етти иқлимни айлантириб келсанг, шу жойлардаги азиз-авлиёларнинг табаррук маскан, муқаддас қадамжоларинам зиёрат қилдирсанг, балким берган нон-тузига рози бўлар”, – деб маслаҳат берибди.

Йигит унинг айтганини қилиб, отасини елкасига миндириб олиб, яъни опичлаб, ялангоёқ ҳолда ғоятда узоқ сафарга чиқибди. Тўқайзор-чангалзорлар, сувсиз чўллар, осмонўпар тоғ-тошларни ҳам пиёда кезиб чиқибди. Азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларида бўлибди. Ўз уйига қайтиб келиб: “Эҳтимол, Отам менга берган нон-тузларига рози бўлгандирлар”, деб турган экан, ваҳийдан “Шу саъй-

ҳаракатларингни 40 марта қайтарсанг ҳам отанг олдидаги қарзингни уза олмайсан” деган овоз келибди.

Ўзбекман деган учун отадан “оқ” бўлиш, унинг қарғишига қолиш ёлғиз ўзи эмас, келажак авлодларининг ҳам икки дунёсини бутунлай барбод қилиш демакдир. Ислом диниям ота-онага осий бўлмоқликни энг катта гуноҳлардан бири деб ҳисоблайди ҳамда бундайларнинг жаҳаннамга тушиши ҳақида огоҳлантиради. Отага итоат қилмоқ, Аллоҳга итоат қилмоқдир, отага гумроҳлик қилиш Аллоҳга гумроҳлик қилиш билан ҳам баб-баравар ҳисобланади.

Албатта, бундай ғоялар хусусида гапиришнинг ўзиям етарли эмас. Истеъдодли олим, педагог ва миллий маънавият жонкуяри профессор Муҳаммаджон Қуроновнинг ҳақли фикрича: “Афсус, баъзи ҳолларда ўз болаларимизга ватанпарварлик ҳақида гапириб беришни уни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, деб ўйлаяпмиз. Ватанпарварлик ҳақида турли ривоятларни сўзлаб бериш унинг асл мазмун-моҳиятини тўла-тўкис равишда ифодалай олмайди...

Фарзандларимизга “Эртага Ватан сизларнинг қўлларингизда бўлади. Сизни алдаш, мулкингизни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ана шунда Сиз Ўзбекистонни чиндан ҳам ҳимоя қила оласизми, озод, обод, фаровон демократик Ватанни бизлардан ҳам яхшироқ авайлайсизми? Ёки ожиз, ғамгин, қарам, муте оломоннинг сафида бўласизми?” – деган миллий ориятни ва миллий бурчни шахсий бурчга айлантирувчи саволларни бериб тарбиялашимиз керак”.

Мутахассислар таъкидлашига кўра, кишиларни фаолликка чақирадиган, ҳаракатга ундайдиган маънавий-маърифий тадбир, мулоқотлар, тарғибот-ташвиқот нисбатан кўпроқ самара беради. “Ватан саждагоҳ каби азиз ва муқаддасдир”, ё “Ватанни севмоқ иймондандир” ғоялари билан бир қаторда элимиз орасида “Ватан сенинг хизматингга муҳтож!” деган ғояни ҳам тарғиб қиладиган вақт аллақачон етиб келганлигидан ҳам яхши бохабарсиз. Чунки, “яхшими-ёмонми бу – менинг туғилган Ватаним” каби нофаол ватанпарварликкина ҳам эмас, шу билан бирга, “Менинг Ватаним фақат яхши бўлиши керак” қабилидаги ватанпарварлик кутилган натижага олиб келади.

Ҳозирда эса Ота юртимиз – Ўзбекистонда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ватанпарварликнинг беҳад олий кўринишларидан бирига айланаётганлигини ўзингиз ҳам кўриб-билиб турибсиз, бу борада давлат ва ҳукумат кўмагига таянволиб роса фаол тарзда иштирок этаётганлигингизни биз ҳам биламиз.

“Мардона руҳи” бизга ҳамиша ёр улуғ аждодларимиз сафига қўшилган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги даъвати эса барчамизга бирдек дахлдор:

“Биз катта ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, “Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз ва бетакрор мана шу Ўзбекистон! Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен эса уни обод этишинг ва ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўзингнинг ҳаётинг, шу билан бирга, сенга орзу-умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар ва нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам худди ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ”, деган тушунчаларни уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг беҳад ҳақли фикрларини ҳам биргалашиб ўқисак ва уқиб олсак: “Барчамиз учун азиз ҳамда мўътабар бўлган аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, аввалambор, бизларни дунёга келтирган, оқ сут бериб вояга етказган муқаддас Она сиймосининг олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Ер юзида муқаддас деган сўзга энг муносиб зот бу – аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб ва ардоқлаб яшаб келган. Она диёримизда оналаримизни шарафлаб муҳташам ҳайкаллар бунёд этилгани ҳам айнан шундан далолат беради. Биз Она тимсолида Ватанимиз, унинг гўзал ва бетакрор қиёфасини кўрамиз. “Она Ватан” деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно бор. Инсонни инсон қиладиган мана шундай юксак туйғу ва тушунчаларни болаларимиз қалбига ёшлигидан сингдирсак, шоирларимиз, рассомларимиз ва санъаткорларимиз оналаримизни, аёлларни тараннум

этадиган янги-янги асарларни яратсалар, нур устига нур бўлур эди.

Аёлни эъзозлаш ва аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз, қандай касб-кор, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз".

Бугун бизлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, ёпиқ, пинҳониймас, очиқ ташқи сиёсатга эга ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти пойдеворини тиклаб бўлдик, унинг минг йилларнинг зарбасигаям бардош бера оладиган девори ҳам қурилди. Унинг ҳуқуқий асоси, ҳурриятнинг ҳуқуқий ҳимоячиси ва тараққиётимизнинг қудратли қаноти, халқ иродасининг ифодаси, эрк ва ҳуқуқ кафолати бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йилига ҳам ниҳоятда улкан мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтиб бўлдик.

Конституция Ватан ҳаётининг пойдевори бўлса, қонунлар унинг устунларидир. Бундан келиб чиқадиган энг асосий хулоса шуки, Конституцияга хилоф ишлар ва қонунларни бузиш ҳоллари Ватанга қарши қилинган хуруждир. Конституция ва қонунларни ҳимоя қилиш бўлса Ватанниям ҳимоя қилишдир. Конституция ва қонунларни ҳимоя қилиш учун эса, аввало, уларни билиш керак. Инсон ўзи билолмаган, тушунмаган нарсаларини асло ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунларда Конституциямиз ва қонунларни ғоятда синчиклаб ўрганиш ва тўла-тўкис англаб етиш ватанпарварликнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ватанга душман ҳужум қилса, мард ўғлонлари ва садоқатли қизлари, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан унинг ҳимоясига отланадилар. Конституция ҳамда қонунларнинг бузилиши ҳам Ватанга, унинг пойдевори асосларига қарши ҳужум бўлиб, мард ўғил ва қизлар бундай ҳужумга муносиб равишда жавоб қайтаришлари керак-да! Ватанни ҳимоя қилмоқчи бўлган фуқародан, ёшлардан мардлик, жасурликдан ташқари,

билимдонлик, Конституция ва қонунларни ниҳоятда яхши билиш, уларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

Аслида, ҳар биримизнинг тўртта онамиз бор. Бизларни ёруғ дунёга келтирган, умримиз сўнгги сониясида ҳам тилга оладиган Онамиз, Она Ватан, Она тилимиз ва Она тарихимиз. Ўзбекистон Конституциясиям амалда ҳаётимиз пойдевори, ҳуқуқий маданият асоси ҳамда барча қонунларимизнинг ҳам отаси, ҳам онасидир.

Буюк аждодимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг соҳир қалами ила битилиб, банибашар аҳлига буюк маънавий мерос сифатида қолдирилган энг муқаддас ҳадислардан бирида шундай дейилади: “Ота-оналарини кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганида бошқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, яна хор бўлсин!”

Ҳақиқатан миллионлаб мушкулотлардан қоп-қора сочлари оппоқ қор янглиғ оқариб кетган устоз мозий худди шундай сабоқ берадики, ўз отасига, Ота Маконига, Она Ватанига қўл кўтарган, уни хўрлаган ҳар қандай кимса ҳар доим оқ бўлган, хор бўлган. Бу ҳақиқат Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан қуйидагича тарзда ифодаланганди: “...инсоният тарихи шуни ҳам кўрсатадики, ким ўз халқига қарши курашмоқчи бўлиб, аҳмоқона йўлга ўтган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз мақсадига эришмаган ва жувонмарг бўлган. Бу ўринда эса айнан жувонмарг бўлади, деб айтиш тўғрироқ бўлади. Нега деганда, азал-азалдан ўз ота-онаси ва эл-юртига қарши қўлини кўтарадиган фарзанд “оқпадар” деган лаънатга учраб, чинакамига жувонмарг бўлганлигини эса кўп-кўп мисолларда кўришимиз мумкин”.

Бу ҳақиқатни бўлса XXI аср ибтидоси тараққиёт пойгасида ўзининг Президенти Шавкат Мирзиёев етакчилиги, сардорлигида беҳад чопоғон Бойчиборини “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида кўзланган ғоятда юксак ва порлоқ манзилга, зафар марраси сари ўкдек елдириб бораётган Ота Юртимиз –

Ўзбекистоннинг бугунги ўта жўшқин ва ибратли тарихи ҳам бутун жумлаи жаҳон аҳлига яққол исботлаб турибди.

Биргина мисол. Яқинда АҚШнинг беҳад нуфузли “Гэллап” тадқиқот ташкилоти эълон қилган (“Халқ сўзи” 2017 йилнинг 24 июни) хушкайфиятлилик индексида Ўзбекистон Республикаси 142 давлат орасида 3- ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса ўзига мос бўлган 1- поғонани эгаллади.

Индекс 2016 йил якунлари бўйича 142та мамлакатнинг ҳар биридан минг кишидан иштирок этган турли хил ёш тоифалари ўртасида ўтказилган сўровлар асосида тузилган бўлиб, аҳолининг кайфияти, ўзининг кечираётган ҳаёти, турмушидан қай даражада мамнунлиги қиёсий таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг юқорироқ ўринларда қайд этилгани буюк халқимизнинг турлича соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳам қўллаб-қувватлаётгани, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланаётгани, жамиятнинг ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топиб олганлиги, юртимизда қулай яшаш муҳити ҳукм сураётгани, буларнинг барчаси бўлса, ўз навбатида, одамлар кайфиятини янада юксакка кўтараётгани ва уларнинг ўзи кечираётган ҳаётидан чинакамига розилик ҳисси росаям жўш ураётганлигини жумлаи жаҳонга кўз-кўз айлайди...

БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР...

Ота-оналар болаларни дунёга келтирганлари учун эмас, уларни одобли ва ахлоқли қилиб вояга етказганлари учунгина ўзгаларнинг олқишларига сазовор бўла оладилар.

Аристотель, буюк файласуф.

Улуғ донишмандлар дейдиларки, кимларнинг ортидан унинг яхши амалларни давом эттирадиган фарзанди бор экан-

ки, у одам ҳеч қачон ўлмайди. Илло, инсон фарзанд ўстириб, уни чинакам комил инсон даражасида вояга етказиб, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ниҳоятда кўпдан-кўп, мўл-кўл яхшиликларни яратади.

Бу ҳикматга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри билан янада ҳам ойдинлик киритадиган бўлсак, “Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан-ки, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу, интилишлар билан яшайди”.

“Ота-она – қирғоқ, бола – кўприк” деган доно нақл мавжуд элимизда. Аслида шундайлигига ҳеч ким ўз эътирозини билдира олмаса керак. Оила деганимиз икки устун – эр ва хотиндангина иборат эмас-да, ушбу икки устунни бир-бирига тош-метин янглиғ боғловчи – фарзанд ҳисобланади. Шу сабабданам янги оиланинг дунёга келиши билан бевосита боғлиқ барча маросимларда икки ёшга – келин-куёвларга фарзанд тилаш ва ушбу масалага дахлдор расм-русумлар, таомилларга қадар бу тилакни билдирувчи ирим ва урф-одатларга амал қилинади. Чимилдиқда келиннинг этагига тухум солиш, келин-куёвга либосини серфарзанд ва бир никоҳли кишилар томонидан кийдириш, бахт тўшагининг устида иккита ҳомилали аёлни кураш тушириш ҳамда ўзга қатор таомилларнинг барида айни шундай рамзий маъно-мазмун мавжуд. Никоҳ – араб истилоҳи бўлиб, қўшилиш деган маънони билдиради. Бу фақат жисмоний жиҳатдан жуфтлашишгина бўлиб қолмай, шу билан бирга маънавий муштараклашиш деганиямдир. Никоҳ ижтимоий ҳодиса бўлгани учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади...

Бепуштлик нафақат аёлга, шу билан бирга у мансуб бўлган хонадонларгаям маломат келтирган, бундай вазиятларда хонадон “мевасиз дарахт” ёхуд “нишонасиз уй” ҳисобланиб, эл унга паст назар билан қараган. Бу ҳолат бўлса, ўзингиз ҳам минглаб марта қўллаган ҳамда ҳамон айтаётган, “Болалик уй – бозор, боласиз уй – мозор”, “Болали хотин – гул хотин, боласиз хотин – тул хотин”, “Болали уй – хандон, боласиз уй – зиндон”, “Болалининг бели чинор, боласизнинг бели синар”, “Болали

бош бўлар, боласиз ёш бўлар” сингари ўнлаб мақолларда ифодасини топган. Натижада, турмуш шароитидаги фарзандсизлик нафақат шахсий, шу билан бирга ижтимоий бахтсизликка ўсиб борган. Ана шуларнинг ўзиёқ ўзбекнинг элига хос болапарварлик табиатини кўрсатиб турибди.

Бизнинг буюк аждодларимиз бутун дунё илм аҳли томондан **“БАХТ нима?”** деган ўта мураккаб саволга XXI аср ибтидосида, миллионлаб ҳар хил сўровномалар орқали турлича технологиялар воситасида, зўрғадан-зўрға топилган жавобни ўша замонда комил ишонч билан баралла айтиб қўйган эдилар. Бундан 3 минг йиллар муқаддам умргузаронлик қилган буюк бобо-момоларимиз кашф этган **БАХТ** формуласига бир ўз назарингизни ташлаб кўринг-а, улар нақадар ўта донишманд бўлганларига имон келтиришингиз ҳам шак-шубҳасиз: **ОИЛА, ФАРЗАНД, СОҒЛИК!** Бунга заррача шак-шубҳа қиладиган кишилар бўлса, бемалол ўнг ё чап қўлини осмону фалакка кўтариши, ўзининг эътирози ва раддиясини ҳеч кимдан асло чўчимай, қўрқиб ўтирмай билдириши ҳам мумкин...

Ривоят: Одам Аллоҳга ўзига берилган умр қарға, тошбақа каби жонзотларникидан анча озлигидан шикоят қилибди. Аллоҳ унга бор умр барча мавжудотларга тарқатиб бўлинганини айтиб, “Агарда сен ўзингга берилган умрингни узайтирмоқчи бўлсанг, мендан оқил фарзандларни сўрагин, суюкли бандам. Мен сенинг умрингни ўзингнинг фарзандларинг билан узайтираман. Сен кўра олмаган, бошингдан кечирмаган умрни, ҳаётни ўз фарзандларинг кўради ва сенинг умрингни янада узайтиради. Фарзандингга ҳам фарзанд бераман, натижада бўлса умринг тағин ҳам узаяверади. Ва шу тариқа сенинг авлодинг ҳам тобора кўпайиб бораверади, ўзингнинг умринг бўлса то қиёматга қадар етади”, деган экан...

Манфаат соҳиблари орасида оила ўзига хос субъектлардан бири ҳисобланади. Оила – ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, Сиз ва Биз яшаётган жамиятнинг асосий негизи, том маънодаги юраги бўлиб, ҳаётнинг асл доимийлигини далиллайдиган, авлод давомийлигини эса таъминлайдиган ва келажак ижодкорларини тарбиялайдиган ўта улуғ маскандир. Алоҳида

Оила манфаатлари билан оила аъзоларининг ҳар биттасига тааллуқли бўлган шахсий манфаатлар монандлиги, мувозанати изчиллик билан босқичма-босқич ўрнатилган ва тарбиялаб борилган шароитдагина соғлом ижтимоий муҳит ҳам майдонга чиқиб келади. Соғлом оилаларда яшаётганларнинг ўзига хос индивидуал интилишлари инобатга олинган ҳолда, бу ҳаётдаги хусусийликка бўлган ҳурмат ҳисси ҳам амалда ҳукм суради. Айнан ана шундай эмин-эркин ҳолат оилавий аҳилликка асос бўлиб умумий қизиқиш, умумий нуқтаи назар, умумий муносабат сингари оила манфаатларига хос хатти-ҳаракат ва хулқни ҳам вужудга келтиради. Айнан шундай муҳит оила аъзоларининг ҳар бирига хос бўлган шахсий ор-номус каби сифатлар, фазилатларни тарбиялаб бориш билан бирга оиланинг ғурури ва ифтихори, оила ор-номуси каби ижтимоий омилларни ҳам шакллантиради. Ориятли фарзанд шахсига доғ тушрадиган турли-туман хатти-ҳаракатларни асло қилмасликка ўрганиб олган тақдирдагина ҳеч қачон ва ҳеч қаерда оиласининг шаънига иснод келтирадиган “ҳунарлар”ни, “қилиқлар”ни қилмайди ҳамда унинг ор-номусини сира букмайди, шон-шарафини ҳечам булғамайди…

Ёш бола бирон-бир ўртоғи билан тортишиб қолгудек бўлса: “Сени отамга айтиб бераман”, дея дўқ уради. Аёл бўлса фарзанди тўполон қилаверса: “Сенимни шошмайтур, отанг келганларида бир адабингни бердираман”, деб пўписа қилади. Мактабда ўқитувчи ўқувчини: “Эртага отангни чақиртираман”, дея қўрқитади. Ота... Шу биргина сўз замирига олам-олам мазмун жо бўлган. Бу сўзда катта иззат-ҳурмат ва куч-қудрат мужассам. Бу сўз масъулиятини теран англаш учун ҳаёт дея аталмиш сарҳадсиз уммонни бошдан адоқ сузмоқ даркор. Чунки, ота бўлмоқ, оталик бахтини туймоқ, оталик масъулиятиниям ҳис этмоқ учун ҳаётнинг китобини фақат ўқимоқ эмас, шу билан бирга теран тарзда уқмоқ, унинг мағзини эса тишни эмас, мияни роса ишлатиб, чақмоқ ҳам талаб этилади.

Боғбон дарахтни об-ҳавога, мавсумга қараб парваришлайди, ноўрин тарзда чилпиб ташламайди. Ота-она ҳам боланинг феъли, мижозига муносиб тарбия усулларини

топиши даркор. “Тарбия” сўзи арабча “робба” феълидан олинган бўлиб, ўстирди, риоясига олди, зиёда қилди, раҳбарлик қилди, ва ислоҳ қилди маъноларини билдиради. Мусулмон уламолар “тарбия”ни бир неча хил таъриф қилганлар. Жумладан, имом Байзовий қуйидагича таърифлайди: “Тарбия бирор нарсани аста-секин камолига етказишдир”. Роғиб Асфихоний фикрича: “Тарбия бирор нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолатга ўтказа бориб, батамомлик нуқтасига етказишдир. Тарбия маъноларидан бири, инсонларнинг диний, фикрий ҳамда ахлоқий қувватларини уйғунлик ва мувозанат билан аста ўстиришдир”...

Донишманд халқимиз бизга минг йиллардан бери “болани беш ёшигача подшоҳдек эъзозла, бешдан ўн тўрт ёшгача қулдек муносабатда бўл, ўн тўрт ёшидан кейин худди дўстингдек тут!” деб уқтириб келган. Бугун бу қараш тўппа-тўғрилигини дунёнинг минглаб руҳшунослари илмий жиҳатдан ҳам асослаб қўйганлар. Келинг, шу ўринда айнан фурсати келиб қолганлиги туфайли ҳам фольклоршунос олим Шомирза Турдимов қаламига доир “Тўкис оиланинг маънавий илдизлари” (“Маърифат”, 2012 йилнинг 6 июни) сарлавҳали мақоладан муҳим бир парчани биргалашиб ўқиб чиқсак ва уқиб олсак-да, сўнгра суҳбатимизни тағин келган жойидан асло шошилмасдан, бафуржа давом эттираверсак:

“Замонамиз социологлари оила уч кишидан – ота, она ҳамда фарзанддан ташкил топади, деб айтадилар. Халқимиз бўлса тўкис оилани учта авлод бирга бўлган муҳитда деб билади. Бу – катта авлод (бува, буви, амма-хола, амаки-тоға...), ўрта авлод (ота, она) ва кичик авлод (фарзандлар). Одатда учта авлод вакиллари бирга яшаган оилада анъаналар барқарор кўриниш олади. Чунки, бува-бувиларнинг набираларга меҳри, тарбияси, ўгитлари, оила тарихи ҳамда қадриятларини сингдириши бўлакча. “Қариси бор уйнинг париси бор”, дейди халқимиз. Ҳаётий тажрибалар берган сабоқни ҳеч бир китоб уқтира олмайди... Асл миллий қадриятлардан ўрни билан фойдалана билиш ақли расолик белгиси. Халқона қилиб ифодаласак, алла айтилади, эртак сўзланади, топишмоқлар бўлса қуйилади, бола ўйин ўйнайди. Моҳият эътибори билан

алла бола онгига халқнинг энг туғма оҳангларини сингдиради. Эртак бўлса дунёни танитади, бола ақлига оламни англаш кодларини асталик билан жойлаштиради. Топишмоқлар ақлни чархлаб, фикрлашга ўргатади. Ўйинлар эса уни кўпчиликка, жамиятга аралаштиради. Боланинг келажакда чинакам шахс сифатида камол топишида бу ўзбекона миллий қадриятларимиз ўзига хос мустаҳкам маънавий замин, чинакам тош-метиндек пойдевор сифатида хизмат қилади.

Алла нафақат овутиб, болани оҳанглар оламига ошно этади, алла – олқиш, ота-онанинг болага тилаклари, орзулари мажмуини ҳам ифодалайди. Айтилган сўз – отилган ўқ. “Тоғдай тилагин, томдай беради”, дейилади. Тилакларнинг инсон тақдирида ўрни муҳим. Ҳамкасбимиз Санобар Тўлаганова ўзи гувоҳ бўлган бир суҳбатни гап орасида эслаб ўтганди: “Икки момо гурунг қиляпти. Келинлик пайти шийпондаги толга беланчакни осиб, болаларини белаб, пахта терган пайтларни эслашди. Шунда момолардан бири айтди: “Шеригим беланчакни астагина терватиб, бор овози билан **“Болажоним бой бўлсин, тевараги юлдуз, ой бўлсин. Қўраси тўла қўй бўлсин, бахти кундай балқисин, эл овзига қарасин”**, деб аллани айтса, мен тортиниб, индамай, ухлади, деб, боламнинг бетини ёпиб келаверибман. Худо асли тилаганингни берар экан. Бунинг боласи айтганидай элда улуғ, мартабали, довруғли бўлди. Менинг болам қолди-кетди. Менам алла айтиб, тилаклар қилсам, тилим қирқилармиди?! Билмаган бўлсам, шунинг айтганларини изидан қайтарсам, ўлиб қолармидим?! Бу бир армон бўлиб қолди. Болаларим, яхши ниятли ва тиловли бўлинглар, тилингизни яхши тилак айтишдан тортманг ва ёмон тилак бўлманг. Ҳар гапингизга фаришталар омин дейди, деганлари ҳам шунчаки айтилмаган-да”.

Сўз қудрати улуғ, айниқса, оҳангда оққан сўзлар чеку чегара билмайди. Алла оҳанги – оҳангларнинг онаси ҳисобланади...”

Болажонлар тили чиққан пайтидан бошлаб, ўзининг ақлини танигунига қадар бизларни саволларга кўмиб ташлайди. Аслида, биз, катталар ҳам абадиятга қадар ўз-ўзимизга савол беришдан тўхтамаймиз. Қандай яшасам бўлади, не қилсам ҳаёт

йўлларида сирғанмайман, дўст ва душманимнинг олдида бошим эгилмайди, муҳаббат нима, бахт деганлари ўзи қанақа бўлади сингари турли саволларга жавоб қидириш учун бетиним маслаҳатдош излайди. Ана шундай дақиқаларда бўлса инсоннинг зимистон йўлларини чароғон айлаб, ёритувчи шуъла бўлиб ота-онаси кўмакка келади.

Аслида бўлса, беҳад даражадаги мураккаб ҳаётда ота-онадан яқинроқ дўст йўқ-да. Айниқса, турли хил мушкулотлар оғушида камолга етаётган болажонлар учун. Келинг, яхшиси гапниям узоқ чўзиб ўтирмасдан, энг яхшиси ҳаётий бир воқеани мисол қилиб келтирайлик. Зора, бу барчамизни жуда сергаклик сари чорласа.

Ота ҳар доимгидек озгина кеч, ўта ҳорғин кайфиятда ишдан қайтди. Уззу кун югур-югурлар ва ишхонасидаги иш ва юмушлар уни бироз чарчатган эди. Дарвоза олдида эса отасини олти ёшли Искандарбек роса катта қувонч билан, шаталоқ отиб кутиб олди.

– Уре-е, дадажоним келдилар! Ассалому алайкум, дадажон!

– Валейкум ассалом, халиям ухламадингми, тойчоғим, ахир

вақтнинг ўлчови – соат деганимиз ўндан ҳам ошиб кетибди-ку.

– Йўқ, сизни кутдим. Дада, битта савол берсам майлими?

– Майли, ўғлим, берақол. Қандай савол бўлди-ки, мутлақо ухламасдан сабр-тоқат билан мени шунчалик кутиб ўтирибсан?

– Дадажон, Сиз бир соатда қанча пул топасиз? – кўзларини

ўта жовдиратиб, сал-палгина ҳадиксираб сўради Искандарбек.

Болаларча соддалик билан берилган, кутилмаган ушбу савол Самандар акани лол қолдирди. У ҳайрон бўлиб ўғлига қаради ва сўнгра сал норозилик оҳангида босиқлик билан астагина сўради.

– Бемаҳалда бунақа ғирт бўлмағур савол қаёқдан каллангга

келиб қолди. Қолаверса, бу сенинг ишинг эмас, шу ёшингданоқ қандай йўл билан бўлса ҳам пул топишни ўйлаб юрибсанми?

– Дадажон, илтимос, айта қолинг, буни билишим жуда ҳам
зарур, – дея бола илтижоли равишда мунғайиб дадасига қаради.

Боланинг кўнгли подшонинг ҳукмиданам баландроқ туради, дейишади доноларимиз. Бу ҳикматдан ўзингиз ҳам бохабарсиз. Отанинг кўнгли бирозгина юмшади ва ўғлига қараб, “Бир соатда ўртача тахминан ўн минг сўмча пул ишлайман болам”, – деди.

– Дадажон, менга олти минг бериб туринг, илтимос сиздан?

Энди Самандар аканинг росманасига жаҳли чиқиб кетди.

– Бор-ей, кириб ухла, тағин қайдаги кераксиз ўйинчоқларни
сотиб олишинг учунми? Яқиндагина мактабга чиқасан, йиғиштир энди ўйинчоқ ўйнашингни, – деди ниҳоятда қаттиқ жаҳл билан.

Самандар ака ухлашга ҳарчанд уринмасин уйқуси сира ҳам келмади, боласининг жовдираб турган кўзлари ҳам кўз ўнгидан кетмади. Ўғлини уришгани учун ўзининг кўнгли бузилди. Қизиқ, унга олти минг сўм нимага керак экан, нимага жонимданам азиз, тилаб олган боламни уришдим ўзи, бор-йўғи олти минг экан-ку, ухламайгина мени кутиб турган ўғлимни ранжитдим-а, деган ўта оғир бир хаёллар билан ўрнидан астагина турди ҳамда ўғлининг хонаси эшигини аста чертиб, паст, деярли шивирлаб овоз берди.

– Искандарбек! Ухлаб қолганинг йўқми, болам?

– Йўқ, дадажон, ҳали ухламадим, ҳозирча уйғоқман.

– Ўғлим, сенга сал қаттиқроқ гапирвордим, баъзан катталар
ҳам хато қилиб турадилар, хафа бўлмагин. Мана сўраганинг ўша олти минг сўм. Хўш, ўзи нималарни олмоқчи эдинг бу пулга?

Искандарбек дадасининг қўлидаги пулни олмай, ёстиғининг тагидан бир сиқим майда пулларини чиқарди. Ота ҳайрон бўлиб: “Ия, сенинг ўзинг росаям бой экансан, шунча пулинг бор экан-у, тағин олти мингни қўшиб нима қиласан?” дея ўғлидан сўради.

– Дадажон пулим борликка бор-у, сал камроқ эди-да. Мана тўрт минг, олти минг етмас эди-да, энди ўн минг бўлди. Дадажон, тўғрисини айтсам, сизнинг бир соат вақтингизни сотиб олмоқчи эдим шу ўн мингга. Ўшанда уйга сал эртароқ келасиз. Сиз билан сузишга бормоқчиман. Ўғил болалар ўзларининг оталари билан кўпроқ юриши керак экан, шунда унинг ақли бутун бўлар эмиш, бугун телевизордаям айтишди. Кўпинча сиз кеч қайтасиз, вақтли қайтган кунингиз қайсидир бир ўртоғингизнинг гапида бўласиз. Дам олиш кунлари ошга кетасиз ёки яна бир нималар-да. Хуллас, мен сизнинг унчалигам кўп эмас, бир соатгина вақтингизни сотиб олмоқчиман. Майлими, сиз билан келишиб олдикми, дадажон?!

Самандар ака ҳангу манг бўлиб қолди, кўзларига ёш қалқди. Кўнглини оғриқли бир савол ўртади: “Болам, сенинг дилгинангда шу кемтиклик ҳам бормиди ҳали... Ахир уйимизда ҳамма шароит етарли бўлса, шундоққина ёнингда бўла туриб ҳам меҳримга зор қилиб қўйдимми сени, бўталоғим”, дея секингина шивирлади.

– Мени кечир, тойчоғим, албатта борамиз-да. Сендан бутун

бор-будимни, ҳаттоки ўз ҳаётимни ҳам аямайман, болагинам.

Энди эса онасининг “ИЛИНЧАК” қизи (“Ватанпарвар” 2017 йил, 13 октябрь) ҳақида ўқиймиз, уқамиз, ўйлаймиз, сўйлаймиз.

“Қизалоқ уни туғилган кунга таклиф қилганларидан қувониб кетди. Синфдоши Назира йўл ёқасидаги ҳашаматли уйда яшайди. Мактаб яқин бўлсаям дадасининг машинасида келади. Тушликда унинг ейдиган нарсаларига қараб, бу қизалоқнинг шундай ҳаваси келадики... Айниқса, оппоқ ноннинг орасидаги чиройли кесилган колбасани кўрган чоғида ҳар гал оғзининг суви келиб, ихтиёрсиз равишда унга роса ҳам ҳавас билан узоқ вақт термилиб қолади.

Аясидан унга ҳам шунақа тушлик тайёрлаб беришни сўраган эди, у оғир хўрсинди-ю, лом-мим демасдан туриб кетди. Эртасига мактабдан келиб, қувониб кетди. Аяси ҳам колбаса олиб келибди. Кийимларини ҳам алмаштирмасдан апил-тапил дастурхондан бир парча нон билан бир бўлак

кесилган колбасани олиб, сумкасига солиб қўйди. Аяси бир чеккада туриб, уни маъюс табассум билан кузатиб турганига эса ҳеч парво ҳам қилмади. Бироқ, кечга бориб колбасадан урвоқ ҳам қолмади. Акаси тамшанганича яна колбаса сўраган эди, аяси эса олдига бир коса мошугра келтириб қўйди.

Қизалоқ кечқурун дарс тайёрлашга ўтирган пайтида хонани колбасанинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди тутиб кетганди. У секин сумкасидан тушлигини олиб секин бир тишлади-да, яна қайтиб ўз жойига қўйди. Бирпасдан кейин эса туриб, маза қилиб тағин бир тишлади... кейин яна... кейин... бир парча ноннинг ўзигина қолди.

Назиранинг туғилган куни ниҳоятда ғаройиб бўлди. Худди тўйлардагидек катта шаҳардан артистлар келишди. Ранг-баранг пуфаклар ва анвойи гуллар билан зеб берилган ҳовлида болалар росаям яйрашди. Қизалоқ дастурхондаги ноз-неъматларни кўриб, бир муддатгина англайиб қолди. Ҳамма нарсалардан роса татиб кўргиси келса-да, ўзини бир амаллаб тийиб турди. Дастурхонга ҳадеб қўлини узатавериш одобсизлик ва уят бўлишини эса ойиси астойдил қулоғига қуйган эди. Ярим косагина шўрвани ичволиб, ўртоқлари даврасига ўзини урди. Қувноқ куй-қўшиқлар ва ўйин-кулгилар билан вақт шундоқ ҳам жуда тез ўтиб кетдики...

Қизалоқ уйига гўё қанот қоқиб учиб келди. Аяси эса юзлари иссиқдан беҳад бўғриқиб, тандирдан нон узаётган экан.

– Аяжон, қаранг, сизга нима олиб келдим, – деди қизалоқ қаттиқ қисилган қўлчасини онасининг нақ бурнига тутиб.

Аяси унинг ёғ сизиб чиққан бармоқчаларини аста ўз кафтига олиб очди-да, унга ниҳоятда улкан ҳайрат билан тикилиб қолди.

Қизалоқнинг кафтида бир тишламгина колбаса бор эди”.

Сизга ўзгаларга ҳам айтиб беришингиз учун ибратли мисол тариқасида ҳикоя қилинган ушбу ҳаётий лавҳаларнинг тагида эса асли ғоятда улкан бир мушкул саволнинг ечимсиз ҳисоби ётади.

Фурсати келиб қолгани сабабли, эътиборингизни тағин бир муҳим масалага қаратмоқчимиз. Қадимий туркий тилларда “қиз” сўзи бошқа жинсни англатмаган, балки иффатли, бокира,

нодир ва қимматбаҳо маъноларини билдирган. Туркий тиллар оиласига мансуб қўмиқ тилида (улар ҳам ОНАни наманганликлар сингари **АБА** деб атайдилар) бу сўз ҳозир ҳам шу маънода қўлланади...

Биз, ота-оналар ўзимизнинг фарзандларимизга етарлича вақт ажратяпмизми? Тўғри, қорни тўқ, усти бут, уйимизда барча шарт-шароит етарли. Лекин, уларнинг мурғаккина кўнглига (қалбига, дилига) теранроқ назар ташлаяпмизми? Жажжигина юракларидан кечаётган беғубор саволларни шунчаки болалигидаги ўткинчи ва бошимизни оғритадиган бир саволлар-да, деб қўйяпмизми ёки...

Бир донишманд катта йўлда кетаётиб ташвиш, ғам-андуҳлар, ғуссалардан бели етти букилиб қолган, зўрға судралиб келаётган, беҳад маҳзун ва абгор қиёфадаги бир кишига дуч келиб қолибди.

– Нима учун бунчалик куюнасан? – сўрабди донишманд.

– Фарзандларим ва невараларим бахтли бўлиши учун қаттиқ дард чекяпман, – деб жавоб қайтарибди ҳалиги бечорагина киши. – Бобомнинг бобоси бобомнинг ўзидан ҳам яхшироқ яшаши учун куюнган, бобом бўлса отамнинг яхши яшашлари учун кўпгина қийинчиликларни керагича кўрган, отам менинг бахтли, фаровон турмушни кўришим учун азоб-уқубатлар чеккан, эндиги навбат эса, турган гап-ки, меники, бутун умрим давомида ўз болаларим ва невараларимнинг тўкин-сочинлик, роҳат-фароғатда яшашлари учун ҳам доимо чексиз изтироб ва ғам-ташвиш оғушида бўламан.

– Шундай ташвишларингизга яраша сенинг оилангда бирон-бир киши ўзи қачонлардир тузук-қуруқ бахтли бўлганми? – роса ҳам ҳайрон бўлиб ундан сўрабди ўша донишманд.

– Йўқ, лекин, энди менинг болаларим, невараларим албатта бахтли бўлишлари шарт! – жавоб берибди бахтсиз одам.

– Саводсиз кишилар ҳеч қачон бошқаларга китоб ўқишни ўргата олмайди, кўрсичқон эса қудратли бургутларга самодан йўл кўрсата олмайди! – дебди донишманд. – Шундай эканки, аввало, ўзинг бахтли бўлишни ўрганиб ол, шундан кейин

фарзандларинг ва невараларингни ҳам бахтли қилиш йўлларини топа оласан!..

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай ота-она ўзининг боласини доимо кўзга жудаям яқин бўлган, яққолроқ кўриниб турган бахт томонга йўллашни истайди, лекин минг афсуслар бўлсинки, бахт, чинакам бахтнинг ўзи нималардан иборат эканлигини ҳар қандай ота-она деган беҳад юксак бир унвонни кўтариб эмас, бир амаллаб судраб юрган кишилар ҳам яхшироқ билавермайдилар-да. Аслида бўлса, энг катта бахт-саодат, сенинг ўзинг қандай ҳолатда бўлишингдан қатъи назар, ўзга кишиларни ҳам бунёдкорона ишларинг ҳамда эзгу фаолиятинг орқали чиндан ҳам бахтли қила олишингдадир...

Бир тиришқоқ шогирд ўз устозидан ийманибгина сўради:

– Эй устоз! Бахт ўзи нима дегани, унга қандай эришилади?

– Инсон бахти ўз соясига ўхшайди. У сояни, яъни бахтини қўлига киритмоқ учун унинг орқасидан қуваверади, қуваверади, умр бўйи қувади. Лекин, тута олмасдан кўп маротаба қоқилади, йиқилиб-суқилади, қаттиқ шикастланади, озорланади, баландлик сари роса қийналиб чиқади, ўрмалайди, тубанликларга шўнғийди, тоғлардан ошади, дарёлардан кечади ва улкан саҳроларни кезади, лекин ҳаргиз кўзга кўриниб турган бахт бўлса ҳеч тутқич бермай қочаверади. Ақлли, фаросатли, илмли инсон чиндан ҳам бахт соя каби эканини, ҳаёт бўлса унинг ортидан қувишга мажбурлигини ҳис этиб, унинг роса ўнқир-чўнқир, қинғир-қийшиқ сўқмоқларига юрмасдан, тўғри ва равонроқ йўллари орқали қувади. Ҳолбуки, у ўз соясини, яъни, ўз бахтини тутиб ололмаса-да, тўғри, эзгулик йўлини босиб ўтади, ўзидан яхши изни қолдиради. Умри поёнига яқинлашгач, ортига назар ташлаб, ўз изидан ва ишидан қониқиш ҳосил қилса, “Отангга минг раҳмат! Офарин! Баракалла!” деган энг улуғ ва азиз олқишни олса ва ҳеч кимдан “Э ўша, падарингга минг лаънат!...” деган қарғишни сира ҳам эшитмаса, инсоннинг асл, чинакам бахти деганлари ҳам худди мана шу бўлиб чиқади...

Алалхусус, “Ота рози – Худо рози”, “Ота ўз фарзанди учун қиблагоҳ”, “Ота қарғиши – ўқ” сингари роса ибратли ҳикматлар

ҳам чинакамига қиблагоҳимиз бўлмиш ота мақоми ҳам нақадар юксак, сарбаланд эканлигидан яққол, аниқ-тиниқ бир даракдир.

Хуллас, оталарнинг ҳурматини жойига қўйиш, унинг юзига сира тик қарамаслик хусусида Қуръони каримнинг оятларидан ва ҳадислардан исталганча мисол ва ривоятларни келтириш мумкин. Хўш, шунчалик ҳурмат ва эҳтиромга муносиб кўрилган отанинг ўзи асли ким? Ота, умуман эр кишининг оиладаги ўрни қандай? Бугунги кун оталарининг кечагилардан фарқи нимада? Очиғи, бу сингари саволларга дабдурустдан, жўнгина жавоб бериш мумкин эмас. Ота, унинг бурчи ва масъулияти борасида сўз юритишнинг ўзи катта масъулият. Нега деганингизда, дунёга келган фарзандни вояга етказиш, бирорта касб-ҳунар эгаси қилиш, уйлантириш ёки турмушга бериш, хулласки, то шу фарзанд ўзидан тиниб-тинчиб кетишига қадар бўлган жараён инсоннинг бутун умрини қамраб олади, десак сира ҳам янглишмаймиз. Булардан келиб чиқадиган энг муҳим, бутун умрга татигулик хулоса ҳам шундан иборатки, оталик бурчини бекаму-кўст адо этишнинг ҳам беҳад мураккаб ва ўзига хос жиҳатлари, қирралари ниҳоят даражада кўп экан-да.

Фарзанд тарбияси борасида минг йил аввал ўтган Кайковус ибн Вушмагир шундай деган ва ёзган эди: “Бас керакдурким, ҳар турлик фазллар ва ҳунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтирмиш бўлгайсан. Кишилар ўз бошига на иш тушарин ҳеч билмагусидир, фазл, ҳунар ишга яратғусидир. Аммо, фарзандинг беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдан қаҳринг келса, ўз қўлинг бирла урмағил ва муаллимларнинг таёғи бирла қўрқитғил. Болаларга муаллимлар адабни берсунлар, токи сендин ўғлингнинг кўнглида бирорта ҳам гина қолмасин”.

Минг йил муқаддам айтилган ушбу фикрлар, тавсиялар ҳали ҳам аҳамиятини сира йўқотмаган. Шубҳасиз, фарзанд камолоти ва тарбияси масаласини ҳамма нарсаданам устун қўядиган, унинг бахти-камоли, илм-ҳунар ўрганиши учун вақти, молу давлатини аямайдиган, фидойи ва меҳрибон оталаримиз ҳам кўп. Қолаверса, бундай кишилар ўз фарзандининг одоб-ахлоқи, юриш-туришидан доим огоҳ,

аниқроғи, дилбанди бирон нотўғри ишга қўл ургудек бўлса, қаттиққўллик билан уларни қайтаришниям унутмайдилар. Бундай оилаларда униб-улғайган ўғил-қизларга эртага жамият ва ҳаётда ўзининг ўрнини топиб олиши ҳам осонроқ кечади. Бироқ, ўзингизгаям яхши маълумки, беш қўл, барибир, баробар эмас-да.

Рўзғорни моддий жиҳатдан етарли таъминлаб қўйиш, бола-чақасини кийдириш ва едириш, азал-азалдан эркак, яъни отанинг зиммасида. Ҳар қандай ота борки, фарзандларим бировдан сира кам бўлмасин, ўз тенгдошлари олдида ўксимасин, деб ҳаракатини қилади, боласи қувонса қувонади, қайғурса, қаттиқроқ қайғуради. Аммо, ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатяптики, меҳнат қилиб пул топиш, рўзғор тебратиш оталик масъулиятининг атиги бир қиррасигина экан-ки, ҳамма кишилар ҳам бунинг уддасидан чиқа олмас экан. Жумладан, ўзининг оиласида соғлом муҳитни қарор топтириш, ўз фарзандини тўғри тарбиялаш, одоб-ахлоққа ўргатиш, касб-ҳунар, меҳнат кўникмалариниям аста-секин шакллантириш ҳар қандай отанинг энг бирламчи, энг асосий вазифасидир. Бундан ташқари, ўғил вояга етганида уни яхшигина оиладан уйлантириб қўйиш ва қизини бўлса яхши йигитга турмушга узатиш ҳам ота-онанинг зиммасидаги ҳам қарз, ҳам фарздир. Оиласиз одамлар қанотсиз қушга ўшайди. Уча олмайди. У қанчалик парвозга шайланмасин, баланд кўтарила олмасдан, тағин ерга қўнишга мажбур бўлади.

Жамиятнинг сиёсати, иқтисодиёти ва маънавиятиям бўлади. Оиланинг ҳам. Ота кўпроқ оиланинг сиёсатини ва иқтисодиётини бошқарса, она эса унинг маънавиятига раҳбарлик қилади, дегудек бўлсак, тўғрироқ бўлса керак. Шу ўринда эса ўзбекнинг жонкуяр олимларидан ҳамда маънавият дарғаларидан бири Султонмурод Олим қаламига мансуб Тошкентда Nishon noshir нашриётида чоп этилган “ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ёхуд микрожамият ва макрооила” (2017 йил, 60 бет) номли рисолада келтирилган бир ўта ибратли мисолни Сизнинг диққат-эътиборингизга ҳам ҳавола этмоқчимиз:

“Бир ота академик лицейни битираётган ўғлига: “Агар олий таълим муассасасига ўқишга кирволсанг, машина олиб

бераман”, – дебди. Бола грантга кирибди. Отаси эса “Матиз” олиб берибди. Лекин ўша кундан кайфияти йўқ эмиш. Қандайдир аразлагандай, тушкун бўлиб қолибди, инжиқ очибди, бўлар-бўлмасга ота-онага зарда қиладиган одат чиқарибди. Ота-она суриштира-суриштира бунинг сабабларини ҳам топишибди. Бор-йўғи шартнома асосида ўқишга кирган ўртоғига унинг отаси “Ласетти” олиб берган экан. Боласининг ўзича арази ва норозилиги ҳам айнан шундан экан.

Бу оилада сиёсат тўғри олиб борилган. Бола ўқишга росаям қизиқтирилган. Мукофот ҳам ваъда қилинган. Натижа ҳам жуда яхши бўлган. Яъни унинг меҳнати муносиб рағбатлантирилган.

Бу оилада иқтисод масаласи ҳам – ўз жойида. Эндигина олий ўқув юртига ўқишга кирган ўғилга автомобиль олиб бериш учун моддий-иқтисодий имкониятни ҳам олдиндан яратиб қўйилган.

Аммо, бу оилада маънавият тўғри изга қўйилмаган. Ҳаётда йиллар мобайнида роса ишлаб “Матиз”га етолмаётганлар – қанча. Болада катта ношукрлик бор. У машинага, барибир, жудаям осон эришган. Шунга ҳам рози эмас. Ҳаётни бўлса тузук-қуруқ, яхши билмайди. Бундан ташқари, қалбида ҳасад илдизлари ниш урган. Бу иллат вақтида йўқотилмаса, ниҳоятда ёмон оқибатларга олиб келади. Ҳасад эса, энг аввал, ҳасадчининг ўзини ғажиб ташлайди.

Камалакнинг ранги бир хил бўлмагани сингари, оилаларнинг иқтисодий имкониятлари ҳам – ҳар хил. Бирови – бой, бирови – унчалар ҳам эмас-да. Оилаларимизнинг иқтисодий аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, ота-она бир нарсага жиддийроқ қарашга мажбур: ҳеч бир фарзанд ўксиб ўсмасин! Ана ўша ўқишга кирган куни “Матиз”га эга бўлган бой оиланинг боласида ўксиш мавжуд. Қайсидир фарзанд айнан унинг ёшида қаттиқ меҳнат қилиб, қўли калтароқ ота-онасининг ёнига кирган, оиланинг моддий аҳволини яхшилашга қатъий бел боғлаган. Лекин, у йигитда сираям ўксиш йўқ. Кам таъминланган оилаларда болаларни бемалол ўкситмай ўстириш мумкин. Афсуски, бадавлат оилаларда ҳам

фарзандлар ўксиб вояга етиши мумкин экан-да...” (18 – 19-бетлар).

“Эркак кўчанинг одами” деган гапни ҳаммамиз эшитганмиз. Минг афсуски, орамизда рўзғор, бола-чақасини ўз ҳолига ташлаб, фарзандлари эртасини ўйламай, бекорчиликни касб қилиб олган ёки гузарга чиқиб кун бўйи картабозлик қилиб ўтирадиган оталар ҳам йўқ эмас-да. Ишёқмас, ялқов эркакнинг ўз томорқасини чўл-биёбонга айлантириб қўйиши ҳам ҳеч биримизга янгилик эмас. Бирон-бир жонлиқ тугул, биттагина жўжа боқишга ҳам ҳафсала қилмайдиган, рўзғор олахуржунини аёлининг елкасига ортмоқлаб қўйиб, ўзини эркак санаб юргувчи ўша кимсаларга нима дейсиз? Очиғини айтилганда, на оила, на жамиятга наф (фойда, манфаат) келтиришни ўйлайдиган бунақа дардисар кишилар, одамлар ҳам ҳозирги ўта шиддатли кунларда ҳам орамизда керагича топилади.

Айрим бир ота-оналар ўз фарзандларининг бемеҳр, беоқибат эканлигидан нолиб юрганларини ўзингизам эшитгансиз. Шундай пайтларда “Эй, инсон, нимани эксанг, шунинг ҳосилини ўрасан-да”, деган гап хаёлдан ўтади. Демак, боламизнинг қандай инсон бўлиб етишишининг асосий сабабларини, аввало, ўзимиз берган таълим-тарбиядан деб билмоғимиз даркор. Нима сабабдан онадан бегуноҳ ва беғубор бўлиб туғилган мурғак чақалоқ (гўдак, бола) вояга етгач, хато йўллардан юриб кетади, нима сабабдан жиноят сўқмоқлари, жинкўчаларига кириб кетади? Отани фарзандининг қачон, қаерларда ва кимлар билан юриши ҳам асло қизиқтирмаса, вақти-вақти билан боласини тузук-қуруқ назорат қилиб турмаса, бунинг салбий оқибатлари эса ўзингизга жуда ҳам яхши маълум.

Фарзандига эзгу одоб-тарбия, таълим бериш ўрнига отанинг ўзи ёлғончилик, каззоблик қилиб турса, боласи бўлса буни билиб турса, нима бўлади? Бировларни чув тушириш, қанақа йўл билан бўлмасин пул топишдан сабоқ берувчи ёхуд маст-аласт ҳолатида хотинини ноўрин уриб-сўкадиган, болаларинам аямайдиган оғзи шалоқ, маънавий қашшоқ отанинг тарбиясини олган фарзанддан нимани кутишимиз

мумкин? Тижорат деб, иш, пулни деб юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кезиб юрган ота-оналар, ўзгалар қарамоғида қолган, ҳатто қаровсиз болаларни кўриб, дилингиз росаям хуфтон бўлади. Ўйга толасиз, бундай оилада ўсаётган ўғил-қизлар эртага қанақа одамлар бўлиб етишади? Ўзининг Ота-онаси тарбиясини олмаган ёшлар кўчанинг боласига, ҳаттоки ашаддий жиноятчига айланиб қолмайдими, деб беҳад қаттиқ хавотирга ҳам тушасиз.

Одатда биз рўзғор қилолмайдиган, овқат пиширолмайдиган, яъни оилага унчалик тайёр бўлмаган эпсиз ва ноқобил келинлар ҳақида кўпроқ гапирамиз, мавзуни давра суҳбатларида, электрон, босма ОАВда батафсил равишда муҳокама ҳам қиламиз. Хўш, ёш куёвларчи? Улар оиласи юкини бемалол кўтариб, хотини ва бола-чақасини боқяптими? Ваҳоланки, бир нечта фарзандли бўлса-да, ҳали ҳам ўз отасига боқиманда ва тайёрхўр бўлиб юрган, ўзининг оиласини бошқариш жараёни у ёқда турсин, ҳаттоки хотин, бола-чақа масъулиятини тушунишга ожиз йигитлар қанчадан-қанча?

– Бир йигитга қирқ ҳунар оз, – дейди қўшнимиз Каримжон ака бу мавзуда гап кўтарилганида. – Авваллари рўзғорда қанақа юмуш бўлса, ўзимиздан сираям ортмасди. Унча-мунча устачилик ҳам қўлимиздан келгани сабабли, дазмол, кир машина, чангютгич деганларини ўзимиз бемалол тузатиб кетаверар эдик. Меҳнатнинг оғир-енгили ё яхши-ёмонини ҳам танлаб ўтирмасдик. Ҳозир эса баъзи йигитларнинг қўлидан оддийгина юмушлар, масалан, кран жўмрагини ёки бузилган розеткани тузатиш, ҳаттоки бир парча ерни чопиб, кўчатни экиб қўйиш ҳам келмаслигини кўриб ҳайрон бўласан, киши. Наҳотки, оталар фарзандларига шундай оддий ва осон ишларни ҳам ўргатмаса. Бу иш оталарнинг қўлидан келмас экан, бошқа йўлларинияm ўйлашимиз дарокр. Айтайлик, коллеж ёки лицейларда болаларга бошқа фанлар билан бир қаторида уй-рўзғорда эркакларга тааллуқли ишларни бажаришниям ўргатиш. Негаки, рўзғорни эплашни, меҳнат қилишни билган йигит эртага ўзининг рўзғорига бош бўлган пайтларида ўз аравасини бемалол, қийналмай, бировларга орқасидан

итартириб ёки ҳўкиз қўшилган арава сингари ўзгага судратиб юрмай, ўзи тортиб кета олади-да.

Ўзбек оилаларида қадим замонлардан ўсмир ва қиз болалар жинсий етилишининг ўзига хос жиҳатлари доимо эътиборга олиб келинган. Масалан, ўғил болага “уйнинг эгаси”, “оила бошлиғи”, “наслнинг давомчиси”, “шу оиладаги мавжуд анъаналарнинг асл асровчиси” сифатда қаралган ва шунга яраша тарбияни берилган. Қизларга эса “бировнинг хасми”, “ўзга уйга борадиган”, “келин бўлиб тушган хонадон меъёрлари ва урф-одатларига мослашиши шарт бўлган” шахс сифатида муносабатда бўлиш одатга айланиб кетган. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, ўзбек халқи ўз қизларини кичкинтойлигидан рўзғор ишларига ва меҳнатга ўргатиб боради, аммо ўғил болалар эса бундан мустасно. Агар ўғлингизга ростдан ҳам бирор яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, унга ҳеч бўлмаса, ўз-ўзига хизмат қилишни ўргатиб қўйинг. Бу беҳад мураккаб ҳаётда инсон ҳар хил ҳолатларга тушиши ҳам мумкин, юмушларини ўзи қилишга тўғри келган пайтларида тартибсиз кийиниб ё оч қолиб, бировларга сиғинди бўлиб, жудаям ёмон кўриниб юрмасин. Агар унинг мустақил бўлишини чин дилдан истасангиз, уй юмушлари, шу жумладан, кир ювишни, дазмол босишни ҳеч бўлмаганда эса, энг оддий овқат, таомларни пиширишни ҳам ўргатиб қўяверинг-чи, бундан эса ҳеч қачон ютқизмайсиз, сира ҳам зарар кўрмайсиз.

Бир одам АҚШ президенти Линкольннинг курсида ўтириб олиб, ўз пойабзалини ниҳоятда ҳафсала билан тозалаб ўтирганига кўзи тушиб қолибди ҳамда бундан беҳад даражада ҳайратланиб ва росаям ҳайрон қолиб, тили ҳам зўрғагина калимага келиб:

– Ахир сиз кимсан, Америка давлати президенти бўлсангиз, нега энди бунақа қилиб туфли тозалаб ўтирибсиз? – деб сўрабди.

– Мен бошқанинг эмас, ўзимнинг туфлимни тозалаяпман, – дебди Президент хотиржам ва пинагини сира ҳам бузмасдан.

– Президентимизнинг туфлисини тозалаб қўядиган бирон-бир хизматчи одам топилмадими?! – дебди у тағин ҳайрон бўлиб.

Шунда у ҳамма макон ва замонларга дахлдор гапни айтибди:

– Ахир қўл-оёғи бус-бутун одамнинг пойабзалини бировга тозалатиши бировларникини тозалаганиданам баттар-ку. Бундан мен чинакамига ўзлигимдан айрилиб қолмайманми? – деган экан.

Ўз фарзандларимизнинг асл ўзлигини топишига кўмаклашиб юборсак, бундан фақатгина барака топамиз ва энг юксак “Отангга раҳмат!” деган ҳаётий баҳога сазовор бўламиз, кейин эса ғоятда хурсанд бўламиз. Керакли далда олган болаларимиз ҳам, турган гапки, ўзининг отасига муносиб бўлишга ҳаракат қиладилар-да.

Тағин бир нарсани зинҳор унутмаслигимиз зарурки, айрим бир оилаларда ота ўрни, мавқеи сезилмайди ё умуман бўлмайди. Албатта, оилада отанинг ўрни бўлмаса, бунинг учун, энг аввало, унинг ўзи бош айбдор ҳисобланади. Агар таъбиримиз жоиз бўлса, бундай оила тартибсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сурган ўзига хос бир салтанатгаям ўхшаб кетади. Турган гап-ки, Оилада аҳиллик, ҳамжиҳатлик йўқолади. Оиланинг мустаҳкамлигига путур етади. Жуда омонат қурилган бундай оилаларнинг манфаати жамият ва давлат манфаатларига қарши қўл кўтаргани ва қақшатқич зарба беришни бошлаб юборганини эса ўзи ҳам билмай, сезмай қолади.

Ҳиндистоннинг 2002 – 2007 йиллардаги собиқ президенти доктор Абдул Қалам ўз оиласи хусусида шундай ёзган эди: “Бола эдим. Онам ишдан қайтиб, ҳар кеч биз учун нон пиширарди. Бир куни вақт жуда алламаҳал бўлиб кетди. Онам шоша-пиша кечки овқат тайёрлади. Сўнгра хижолат билан отамнинг олдига овқат ва нон қўйди. Менинг икки кўзим отамнинг столи устига қўйилган нонда эди. Кимдир унинг сал-пал куйганлигига диққат-эътиборни берармикан, деб кутиб турдим. Бироқ, отам индамай овқатланди. Сўнгра мени ўз ёнига чақириб, бугунги сабоқларим ҳақида сўраб қолди. Ўша куни унга қайтарган жавобимни эса эслай олмайман, аммо, онамнинг овқатдан сўнг отамга нон бироз куйиб кетганини минг хижолат билан айтганлари бўлса худди кечагидек қулоғим остида... Отам эса жилмайганича онамнинг қўлидан аста тутган эдилар:

“Азизам, куйган нон менга жуда ёқади-ку, нима эсингдан ҳам бутунлай чиқиб кетиб қолдими, унутиб қўйдингми?!”

Ухлашдан олдинроқ отамга хайрли тун тилаш учун кирдим. Баҳонада эса куйган нонни ростданам яхши кўриш-кўрмаслигини сўраб олдим. Отам мени бағрига босди ва қаттиқ қучоқлаб олди. “Ўғлим, онанг ҳам бутун кун бўйи ишлаб, ниҳоятда чарчайди-да. Бир марта куйган нон егудек бўлсам, ҳеч нима бўлмайди. Лекин, оғзимдан чиқиб кетган биргина хунук сўздан эса онангнинг дили оғрийди. Ахир у ҳаммамиз учун керак-ку. Бу ҳаёт хатоларимизни теран равишда тушуниб етишимиз ва англаб олишимиз учун эса баъзан жуда ҳам қисқалик қилиб қолади”, деган эдилар...”

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган ниҳоятда чуқур мазмунга тўла мақол борлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, доим такрорлаб, ўзгаларга айтиб юрасиз. Буни зинҳор ёдимиздан чиқармаслигимиз шарт. Отаман, деб ўзимизча хўроздек кеккайиб, гердайиб юрибмизми, энг аввало, ўзимизни ҳам тартибга солиш, оила, рўзғоримиз учун ибратли ишлар қилишни ўйлайлик. Минг шукрларким, яхши феъл-атвори ва амаллари билан оталарининг дуосини олиб юрган фарзандларимиз жуда кўп. Уларнинг ширин тилларидан чиқаётган сўзларни тинглаётиб, ўзингизам беихтиёр “Баракалла! Отангга минг раҳмат!” деб юборасиз. Аммо, элчилик деганларидек, оталарининг юзига оёқ қўяётган, улар қарғишини олаётган нобакор ва беҳад нокас болаларни ҳам ўз кўзимиз билан кўриб, бундай кимсалар ҳақида ўз қулоғимиз билан ҳам эшитиб турибмиз. Уларга бериладиган энг асл баҳо (аслида қарғиш) эса “Ҳэ-э, ўша падарингга...” дейилишини ҳам жуда яхши биласиз.

Ривоятларнинг бирида айтилишича, бир кишиникига меҳмон келибди. Мезбон ҳовлисидаги ёнғоқ дарахти мевалари роса ғарқ пишиб етилган экан. Ана ўша мезбон ўзининг болаларига зудлик билан дарахтга чиқиб, ёнғоқ қоқишни буюрибди. Катта ўғил ҳам, ўртанчаси ҳам, “хўп, ҳозир, ота!” дейишибди-ю, аммо, буюрилган юмушни бажаришмабди. Меҳмон эса бу кишининг ўз болаларига жуда яхши тарбия берганлиги ҳақида эшитган экан, шу сабабли ғоятда ҳайрон

бўлиб қолибди. Буни сезган мезбон эса ниҳоятда хижолат бўлиб, ўз ёнидаги кишига термулиб индамай, лом-мим демай, оғзига гўё толқон солгандек сукут сақлаб ўтираверибди.

Орадан бироз вақт ўтгач, аслида тут дарахтининг сояси анча салқинроқ бўлади, деган баҳонани рўкач қилиб, мезбон меҳмон билан ўтирган ўринларини ҳам ўғилларига кўчиртирибди.

Улар дарахт тагидан бошқа жойга ўтганлари заҳотиёқ, катта ва ўртанча ўғилнинг ортидан кенжаси ҳам ёнғоқ дарахтига шоша-пиша ўрмалаб чиқиб кетишибди. Улар қасир-қусур қилиб ёнғоқ қоқиб ўтирмай, шовқин-суронсиз астагина узволиб, қўйниларини тўлдириб тушишибди. Дарҳол дастурхонни ҳам ёнғоққа тўлдириб ташлашибди. Меҳмон эса бундан ҳайратланган, ажабланган экан, зукко ота: “Бунинг сабабини болаларимдан сўрай қолинг”, дебди.

Катта ўғил: “Бизга ёнғоқни қоқиб тушиш юмушини буюрган чоғларида Отамиз ўзингиз билан дарахт тагида эдилар, айнан шу сабабдан ҳам дарахтнинг устига зудлик билан чиқиб кетишимиз мутлақо ахлоқ-одобдан бўлмас эди-да”, деган жавобни берибди.

Шунда меҳмон мезбондан: “Унда тезроқ дарахт тагидан кета қолсангиз бўлмасмиди?” деганида, у: “Ёнимдаги меҳмон олдидан бесабаб туриб кетиш унга нисбатан ҳурматсизлик бўлар эди”, деб жавоб қайтарган экан. Меҳмон эса бу оилада изчил тарзда йўлга қўйилган чинакам ОТА тарбиясига минг тасаннолар айтибди...

Бир куни ота ўз ўғлидан “Ким кучли, ўғлим, сенми, менми?” деб сўрабди. “Мен кучлиман-да, ота, сиз анчагина кексасиз, мен эса ёшман”, деб жавоб берибди ўғил. Жавобдан қониқмаган ота тағин сўрабди: “Нима учун сен кучлиман, деяпсан?”. Ўғил: “Ахир мен ўқиганман, ишлаяпман. Истаган ишни қилишга имкониятим ҳам, куч-қувватим ҳам бемалол етарли. Шунинг учун кучлиман-да”, деб жавоб қилибди. Бу сўзлардан жуда қаттиқ ранжиган ота ўғлининг ёнидан узоқлашибди ва эшик остонасига етганда ортига қайрилиб, яна сўрабди: “Ўғлим, сўнгги бор сўрайман: ким кучли? Сенми ёки менми?”. “Энди бўлса мен кучсизман, Сиз кучлисиз, ота”,

дебди ўғил. Ота бўлса унинг жавобидан ажабланиб, бунинг сабабини сўрабди: “Нимага икки марталаб сўраган пайтимда, мен кучлироқман, дегандинг, учинчи бор сўрасам, сиздан кучсизман, деяпсан, ўғлим?” Шунда ўғил: “Икки марта сўраган чоғингизда, Сиз ёнимда турган эдингиз, энди мендан узоқроқдасиз, айнан шу сабабдан ҳам кучсизроқман-да, ота”, деган экан. Қиссадан ҳисса ҳам шундаки, падари бузруквор ёнида турган чоғлардагина ўғил ўзини ниҳоятда кучли ҳис қиляпти. Отаси узоқлашганида эса...

Ривоятда келтирилишича, бир йигитнинг уйида асло ҳаловат қолмабди. Унинг хотини бетиним тарзда кекса отасининг устидан асоссиз равишда арз қилавериб, хунобини росаям оширворибди. Шунда йигит бошини қашлаб ва ўйлаб-ўйлаб, отасини баланд тоғ тепасидаги бир кулбага олиб бориб ташлашни, вақти-вақти билан имкон топиб, ундан хабар олиб туришни кўнглининг бир четига маҳкам тугиб қўйиб, отасини бошлаб олиб узоқ йўлга чиқибди.

Ота бутун йўл бўйи миқ этмай, ўғли ортидан кетибди. Ўғил уни кулбада қолдириб, ортига қайтаётганида ҳам оғзига гўё бир ҳовуч толқонни солиб олгандек, бир оғиз ҳам гапирмабди. Йигит ярим йўлга келгунига қадар фақатгина ўз отаси ҳақида ўйлабди. Ёшлигида ўз елкасига кўтариб олиб, опичлаб сершовқин бозорга олиб боргани, ҳамма нарсаларнинг энг яхшисини ўзининг оғзига тутганини ҳам эслабди. Шунда бирданига унинг кўзлари ярқ этиб очилиб, беҳад тезлик билан ортига қайтибди. Етиб борган заҳоти отасини маҳкам қучоқлаб олганича узоқ вақт ҳиқиллаб йиғлапти. Мушфиқ отаси эса фақатгина бир гапни бетиним такрорлар экан:

– Билгандим, болам! Ташлаб кетмаслигингни билгандим!

Йигит бирозгина ўзини босиб олгач, отасидан сўрабди:

– Отажон қаердан билгандингиз? Ташлаб кетаётгандим-ку!

– Сен барибир ташлаб кетмасдинг, ахир мен ҳам ўз пайтида ўзимнинг отамни бунақа жойларга ташлаб кетмагандим-да!..

Дийдаси беқиёс даражада қаттиқ ва шафқатсиз бир савдогар бор эди. У ҳар йили бозордан бор-йўғи бир қулни сотиб олар, бир йил мобайнида унга беҳад оғир ишларни

қилдириб, сўнг ўйлаб-нетиб ўтирмасдан унинг баҳридан шартта кечиб юбораверар эди.

Хизматларни беминнат ўтаб, иш муддати тугаган қулларни ўзининг йиртқич итларига ем қилар эди. Бир неча кун аввалроқ итларини оч-наҳор қолдириб, сўнг уларни қулга ташланиб ғажиб ташлаши учун занжирини ечиб, олакишлаб қўйиб юборар эди.

Тожир қули йил давомида воқиф бўлган барча сир-асрорлар ўзга кишиларга ошкор бўлишини ҳеч истамагани учун ҳам айнан шундай беқиёс даражадаги ярамас, ғирт палидона йўл тутар эди.

Тожир аввалдан ўрганиб қолган ярамас одатига биноан яна янги қул сотиб олмоқчи бўлди. Қуллар тожири (сотувчиси) унга беҳад даражадаги ақл-заковатли бир қулни тақдим этди.

Уни сотиб олди. Бир йил қул чиройли хизмат қилди. Лекин, азобли ўлим, аввалгилар сингари, унга ҳам яқинлашиб келар эди.

Савдогар даҳшатли тус оладиган ғоятда қонли тўқнашувни кўриб лаззатланар эди. Қувончига шерик бўлиб, маза қилишлари учун ўзининг ҳамтовоқ улфатларини ҳам чақиришни унутмади.

Одати бўйича бир неча кун олдин итларини оч қолдирди.

Шундан сўнг қулнинг олдига итлар галасини қўйиб юборди. Лекин... кутилмаган ҳолат уни таажжубга солди. Итлар қулнинг атрофида думини ликиллатиб, эркаланиб айлана бошлашди. Бир озгина сакраб – ўйнаб унинг олдида узала тушиб ухлаб қолишди.

Бой бу манзарадан ҳайратга тушди. Чунки, унинг итлари ўта очофат, ваҳший ва йиртқич эди. Қандай қилиб бундай меҳрибон, вафодор бўлиб қолишганига ақли ҳам мутлақо етмасди. Хўжайин ўша қулдан ажабланиб бунинг асл сабабини сўради. Шунда қул:

– Мен сизга тўла бир йил давомида чиройли, холис хизмат қилдим. Сиз бунинг эвазига мени шу оч итларга ем қилдирмоқчи бўлдингиз. Атиги, охирги икки ой ичида итларингизга ҳам меҳр билан хизмат қилдим. Оч-наҳор

бўлсалар ҳам, уларнинг чинакам вафоси, садоқатини ўзингиз кўзингиз билан кўрдингиз-ку, – деди.

Алқисса, кимгаки заррача меҳр-муҳаббат туҳфа этилса, чек-чегараси йўқ уммон сингари тўлиб-тошади ва ҳар бир кўнгилга кириб боради. Ҳаттоки, биз онгсиз деб атаган мавжудотларнинг ҳам шуурига сингиб кетиб, улар қаршимизда мисли кўрилмаган даражадаги чинакам вафо, садоқатнинг тимсолига айланадилар.

Ривоят: Бир фозил одам шундай воқеани ҳикоя қилган эди:

– Бир гал Хоразмга сафар қилган пайтимда бир киши менга йўлдош бўлди, уни едириб-ичириб юрдим. У менга муҳаббатини, самимий дўстлигини бетиним сўзларди. Бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Мен ўша итга раҳм-шафқат қилиб нон ва суяк бериб юрдим.

Йўлда икки ўғри бизга ҳужум қилди. Ҳалиги ҳамроҳим эса ўғриларни узоқдан кўрган замониёқ мени ташлаб қочиб кетди. Ит эса бир ўғрини оёғидан тишлаб олиб йиқитди, талади, ўғри зўр-базўр қочиб қутилди. Иккинчи ўғрини мен мағлуб қилдим, у ҳам қўрқиб қочиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, ўша итнинг ёрдамида талончи-ўғрилардан бир амаллаб қутилиб қолдим.

Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб, ёнимга қайтди ва риёкорлик билан ҳол-аҳволимни сўради. Мен жаҳл билан унга:

– Йўқол, асло ёнимга келма, сен сингари “дўст”лардан мана бу ит вафолироқ деб, уни ташлаб, ит билан бирга Хоразм томонга қараб аввалдан белгилаб олинган йўлимда давом этавердим...

Энди мазмунан шунақа бир латифа ўқишга тобингиз қалай?

– Эринг билан нега ажрашдинг, ўзи?

– У мендан итдан талаб қилинадиган нарса талаб қилди-да.

– Қизиқ, ер ютгур эринг сендан нимани талаб қилган эди?

– Вафодорликни.

Қиссалардан ҳиссани эса ўзингизам бемалол чиқара оласиз.

Баъзан ҳаётда ўзининг фарзандлари қаровсиз қолдирган ёхуд меҳр-муҳаббатларини дариғ тутган ва аяган қарияларга дуч келиб қолгудек бўлсак қалбимизда ўта қаттиқ ачиниш ҳисси ҳам пайдо бўлади. Беихтиёр ўзимиз асло танимайдиган, умримизда мутлақо кўрмаган бемеҳр болаларга нисбатан қалбимизда нафрат ҳиссини туямиз. Лекин, бир зумгина бўлса-да, “дўппимизни бошдан олиб” ўйлаб кўрсак, уларнинг шундай аҳволга тушиб қолишларида ҳам ўзларининг етарлича айблари бордек, назаримизда. Чунки, меҳр-муҳаббат ва оқибат устун бўлган оилада униб-ўсган, меҳр кўриб катта бўлган, улғайган фарзандлар ҳеч қачон ўз ота-оналарини ёлғиз ташлаб қўймайдилар, уларни асло хор-зор қилмайдилар.

Ривоят қилишларига кўра, бир ота хотини вафот этгач, етим бўтадек бўзлаб қолаверган уч қизини меҳр-муҳаббат билан вояга етказибди. Қизларимнинг кўнгли ўксиб қолмасин, деган ўйда эса ҳаттоки уйланмабди ҳам. У ибодатга бош қўйга кезлари қизлари унга меҳрибон бўлиб етишларини Тангридан астойдил сўраркан. Кунлардан бир куни худди ўша киши зарурат туфайли узоқ бир сафарга чиқадиган бўлиб қолибди ва ўз атрофида гирдикапалак, парвона бўлиб сафарга кузатиб қўяётган жонсарак қизларидан:

– Гўзал қизларим, сизларга нима олиб келай? – деб сўрабди.

– Дадажон, менга ўша юртдаги дур-у марваридлардан бирор ҳовучини олиб келсангиз, – дебди биринчи бўлиб, катта қизи.

– Менга дунёдаги энг чиройли матолардан олиб келсангиз, – дея ўзининг орзусини шоша-пиша айтибди иккинчи қизи ҳам.

– Сенгачи? – дебди ота сукут сақлаб турган кенжа қизига.

– Отажон, менга сафарингиз давомида нималар есангиз ўша еган нарсангизнинг куйган жойларини олиб келинг, – дебди қиз.

Ота кенжасининг илтимосидан беҳад ҳайрон бўлиб сафарга отланибди ва бир неча ойлардан кейин ўз уйига қайтиб келибди. Икки катта қизи сўраган дуру-марваридлар ва беқиёс

даражадаги гўзал, асл матоларни дарҳол берибди. Энг кичик қизига эса унинг илтимосига биноан бир белбоғда тўла қилиб тугилган барча еган таомлари-ю, нонларининг куйиндиларини қўшқўллаб узатибди.

Қизи эса бундан жуда хурсанд бўлибди ва дадасига сўраган нарсаларини олиб келгани учун ташаккур айтибди. Ота қизидан:

– Она қизим, энди бемалол айтсанг бўлаверади, не сабабдан мендан бошқа бирон нарсани эмас, ўша ерда еган таомларимнинг куйган бўлакларини уйимизга қайтариб олиб келишимни сўраган эдинг, бу талабнинг асл маъноси не ўзи? – дея савол берибди.

– Отажон, куйган таом, айниқса, ноннинг куйгани кишида саратон хасталигини келтириб чиқариши мумкинакан. Агар сизга бу ҳақда тўғридан-тўғри айтсам, бунга амал қилмаслигингиз ҳам мумкин эди. Шу нарсаларни менга қайтариб олиб келинг, десам қизим илтимос қилганди, дея эътиборсиз бўлмай, илинишингизни жудаям яхши билиб, айнан шу йўлни тутган эдим, – дебди қизи.

Ота қизининг донолиги ва меҳрибонлигидан беҳад қувониб кетибди ва уни чин қалбидан дуо қилибди. Отасининг самимий дуосини олган қиз эса келажакда бахтли-саодатли бўлиб, муроду мақсадига етган, ўз фарзандлариниям меҳр-муҳаббатли, раҳмдил ва ўзгаларга яхшиликни улашувчи инсон қилиб тарбиялаган экан.

Қиссадан чиқадиган ҳисса шулки, ота-она фарзандига қанча кўп меҳрини берса, келажакда улардан янада кўпроқ меҳр олади. Чунки, фарзанд ҳам бамисоли экин экиладиган ва меҳр-муҳаббат билан парваришланадиган замин. Унга нима эксак шуни оламиз...

ОТА – уйнинг устуни, ОНА – уйнинг асл шамчироғи. Улар доимо бир-бирини ўзаро тўлдириб, қўллаб-қувватлаб турадилар. Устуни бўлмаган уй ва чироқсиз хонадон бефайздир. Тиргаклари бақувват оила доим эл-юртнинг катта ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган. Борди-ю, ота ўз оиласида мустаҳкам ўрнига эга бўлмаса, фарзандлари тарбиясига бепарволик қилгудек бўлса, бу, турган гап-ки, унинг мавқеига

путур етказади. Чунки, бу вазиятда унинг ўрнини она бутунлай эгаллаб олади. Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути – тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри – тимсол, нимаики чидамли ва сабр-тоқатли бўлса, она иродаси – тимсол, кимда ким пок муҳаббат ва меҳридарёлик даъво этса, онанинг пок қалби – тимсол. Шунинг учун ҳам бизлар она юртим ва она тилим деймиз. Она болага нисбатан ортиқроқ меҳрибонлик кўрсатиши табиий, чунки у нуридийдасини тўққиз ою, тўққиз кун – қорнида, икки йил қўлида, бир умр ўз қалбида беминнат кўтариб юради. Ўзингизга ҳам аёнки, юмшоқ табиатли оналар ўз фарзандларига нисбатан раҳмдилроқ ва меҳрибонроқ бўладилар. Бу бола таълим-тарбиясига ҳам салбий таъсир қилади. Шу сабаб Фирдавсийдан бизга, “Қаерда аёл киши қаттиққўлроқ бўлса, ўша жойдаги эркаклар мард бўлиб вояга етадилар” деган пурҳикмат мерос қолган. Тикка ва тўғри ўсган баҳайбат дарахтга дуч келган одам унинг устига бир амаллаб тирмашиб чиқиш учун дарҳол ёпишмаслигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз, кўп бора ўз кўзингиз билан кўргансиз. Кокос ёнғоғига бўлса манаман деган дарахтга тирмашиб чиқувчилар ҳам обдан ўйлаб ва жиддий чамалаб олганларидан кейингина яқинлашишлари мумкин. Агар бизнинг қаршимиздаги дарахт сал эгри ўсган бўлса, унинг устига ҳаттоки ёш бола ҳам бир амаллаб, тирмашиб чиқиб олиб, унинг ғарқ пишган меваларини талон-тарож қилиши, шохларини бўлса аёвсиз синдириб ташлаши ҳам ниҳоятда осон кечади. Тўғри эмас, нотўғри тарбия ёки бепарволигимиз оқибатида эгри-бугри бўлиб ўсган болаларимизнинг калласигаям келажакда шундайин ширин мевали дарахтнинг ниҳоятда аянчли ва кўмирдек қоп-қора куни тушмаслигига ҳеч ким ҳеч қандай кафолатни асло бера олмайди.

Келинг, яхшиси ушбу ўринда 2017 йил 17 мартда Интернет саҳифасидан ўрин олган, Азамат исмли йигитнинг афсус-надомат билан айтиб берганини, “Онамдан қолган ғалати эсдалик” номли битикни биргаликда ўқиб кўрсак, янада ҳам аниқроғи, жиддийроқ уқиб олсак, ҳеч кимга зарар қилмас, фойдадан холи бўлмас эди:

“Тағин баҳор қайтиб келди. Ҳар сафар баҳорда мени виждон азоби қийнайверади, ўзимни қўйгани бўлса бирон-бир тузукроқ жойни ҳам асло топа олмайман. Чунки, ўшанда ҳам баҳор эди.

– Ойи, дам олишга бормасангиз бўлмайдими, уйда маза қилиб ўтирсангиз-чи? Онамнинг тағин дам олиш масканига кетаётгани менга унчалик ҳам ёқмаётганди.

– Болам, йўлланманинг пулини аллақачон нафақа пулимдан тўлаб қўйганман, сен фақатгина олиб бориб, олиб келиб қўйсанг бўлди, – ойимнинг овозида илтижо оҳанги бор эди.

– Э, гап пулда эмас, дадамларни уйда ёлғиз ташлаб кетманг, деяпман-да, – дедим ўзимча сохта бир кулги билан.

– Даданг нега ёлғиз бўларканлар, сизлар борсизлар-ку. Бу йил ўтган йилги дугоналарим билан келишиб имтиёзли йўлланмани олволганмиз. Насиб қилса, ўртоқларим билан бирга дам оламан.

Ҳар йили, онам дам олишга борар эканлар, албатта, менинг болаларимдан бирини ўзларига ҳамроҳ қилиб олардилар. Ўзингиз маза қилиб дамингизни олаверинг десак ҳам менга оғири йўқ деб ёнида олиб кетадилар. Мана шу гал йўлга чиқишлари олдидан эса негадир шайтоннинг, иблиснинг гапига кирдим, йўриғига юрдим. Ўзим ота-онамдан алоҳида яшайман. Онам йўлга чиқишларидан бир кун олдин эса, атайлаб уларникига бориб хабар ҳам олмадим.

– Ҳар йили онангиз кетишларига сиз харажат қилиб берасиз, бирор сафар бундоқ укангиз ҳам харажат қилсин-да, у ҳам худди сизга ўхшаган ўғил-ку, – хотинимнинг жағи ланг очилиб кетди.

– Кел, қўй, жуда майдалашиб кетмагин, жуда кетса, юз минг кетар-да, – аёлимни ўзимча инсофга чақирмоқчи бўлдим.

– Келинг, яхшиси, шу сафар сиз ҳеч нарса олманг, кўрайлик, ўша укангиз ўзи онангизга нималарни олиб бера оларкан?

Ростдан ҳам нимага ҳар сафар мен харажат қилишим, онамни мен машинада олиб бориб, тағин олиб келиб қўйишим керак? Энг каттаси индамайди, деб мени эшак қилиб миниб

олди-ку булар, деб ичимда иблис-шайтон бетиним равишда ғалаён қилар эди.

– Гапингда ростдан ҳам жон бор, онаси, шу сафар онамларни олиб бораман-у, пул ҳам бермайман, харажат ҳам қилмайман.

– Эртасига онамни машинада олиб кетар эканман, ишим унча юришмаётганлиги, пул топишга ҳам қийналаётганлигимни бот-бот такрорлар, ўзимча минғирлаб минг бир баҳона тўқир эдим.

– Ойнадан онамга ўғринча қарарканман, унинг юз ифодасида ҳеч қандай ўзгариш йўқ, фақатгина аҳён-аҳёнда қара, тоғларнинг қандай гўзал, чиройлилигини болам, деб қўяр эдилар.

– Онам билан бирга борган боламга ҳам ҳеч нарса бермадим. Онам ҳеч нарса билмагандек хайрлашди. Бизга рўпарадан келган машинадан тушаётган одамлар каттагина бозорлик қилиб олган мен бўлса бор-йўғи тўрттагина патир ҳам олмагандим. Азбаройи пулим йўқлигидан эмас, балки аёлимнинг кечаги гаплари менга таъсир қилганди. Ҳа, мен олмасам, укам ҳеч нарса ололмабдику, хотинимнинг гапи тўғри, деган аҳмоқона бир ўй ўтди хаёлимдан.

– Орадан ўн беш кун ҳам бир зумда, кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Онамни ўша ердан олиб келадиган вақт ҳам етиб келганди.

Аксига олиб ўша куни укамнинг машинаси бузилиб қолибди. Яна ўзим етиб бориб, онамни уйга олиб келишимга тўғри келди.

– Машинанг ҳам қачон бузилишни билади ўзи, укамга пичинг қиларканман, онамнинг хизматини қилиш менга тушгани аслида чинакам бахт эканлигини ўша вақтлари мутлақо билмас эдим-да.

Дам олиш жойида ранги тиниқлашган онам ҳамда фарзандим мени қучоқ очиб кутиб олишаркан, мен куннинг ўта иссиқлиги, ишим кўплигини айтиб, уларни тезроқ уйга кетишга ундар эдим. Аксига олиб, йўлда менинг машинам ҳам бузилиб қолди.

– Ҳа, болам-а, узоқ йўлга чиқардинг, бундоқ машинанинг уёқ-буёғигаям қараб қўймабсан-да, – ойим танбеҳ бераркан, қўлидаги дастрўмолчаси билан пешонамдаги терни аста артиб қўйдилар.

– Мен ўзим аслида бугун йўлга чиқмоқчи ҳам эмасдим, анави эркатойингизнинг машинаси бузилиб қолгани учун келгандим-да. Ҳали, Худо билади, уям ростдан касалми ёки ёлғон гапирганми?

– Ие, укангнинг машинасига нима бўлибди? – ойим ростмана хавотир олиб, ўша ташвишнинг тубига ҳам туша бошладилар.

– Э, жуда кўп саволларни берасиз-да, она, ундан кўра, сенинг машинанг тезроқ тузалиб кетсин, деб яхши бир дуо қилинг.

– Бахтимга арзимаган нарсаси бузилган экан, дарров тузалди. Лекин, мен йўл бўйи шу дам олишингиз бошга бало бўлди-да, нимага ҳам шу ерга келдим деб онамни силтаб, ғудраниб, борар эканман, бу онамнинг сўнгги дам олиши, мен унинг учун бундай хизматни энди хоҳласам ҳам қилолмаслигимни ҳали билмасдим.
Ойим уйга кирдилар, мен ишларим зарурлигини айтиб, ҳовлиқиб хайрлашар эканман, битта кичик халтани менга аста узатдилар.

– Болам, сениям анчагина қийнаб қўйдим, майли, хафа бўлма, ма, буни олиб қўйгин, машинангга керак бўлиб қолар, – дедилар.

– Хўп, хайр, мен кетдим, онамдан узоқлашар эканман, халта ичидаги патир нондан синдириб, шошиб-пишиб еб олдим.

– Онамдан қочиб юрмасам ҳам Яратганнинг ўзи бизни айро тушираркан… Бу йилги дам олишга онамни олиб боришга икки ака-ука шаймиз-у, фақат онам мангуликка юз бурди. Нега ўшанда онамни хурсанд бўлиб олиб боролмадим? Машинамда кимларни олиб юраман, ҳатто боламни боғча мактабига ҳам олиб бораман-у, биргина онаминг юмуши тушган чоғида нимага уларни жеркиб ташладим деган саволлар мени азоблайверади. Ҳофизнинг “унда сенинг аламларинг еган ошинг, нонингдир” деб куйлаган пайтида томоғимда нимадир

тиқилиб қолаверади. Ўз хаёлларимга банди бўлиб ўтирарканман, ўғлимнинг қўлидаги рўмолча кўзимга жуда таниш кўринди. Бундоқ разм солиб қарасам, ўшанда онам менинг пешонамни аста артиб қўйган рўмолча. Хотинимдан сўрагандим, ўзингиз ўтган йили ойингизни олиб келган пайтингизда ичидаги пул билан халтадан чиққан эди, уни сизники деб ўйлабман деди.

– Пул…Қанақа пул ҳақида гапиряпсан ўзи?

– Ҳа, санаторийдан қайтганингизда олиб келган халтангизда худди мана шу рўмолчага ўралган анчагина пул ҳам бор эди, мен уни ўша вақтда дугоналарим билан "гап"имга берворгандим-ку.

– Мен бу рўмолчани юзимга босиб, баралла йиғлаб юбордим. Мен ўзимни дунёга келтирган, тарбиялаган онамдан қизғансам-у, у менга – боласига етмишнинг остонасида ҳам пул бериб юрса…"

Ривоят қилишларига кўра, бир киши машҳур ҳакимлардан бирининг ҳузурига келиб: "Ҳазрат, ўғил ва қизим бор. Иккисини ҳам ўқитишга ҳозирча қурбим етмайди, қайси бирини ўқитайин?" деб сўрабди. Шунда ўша ҳаким зот: "Қизингни ўқитгин, чунки у келажакда ўз фарзандини тарбия қилади. Агарда ўғлингни илмли қилсанг, бор-йўғи бири киши билимли бўлади холос, ўз қизингни ўқитсанг, бутун бир миллатни ҳамда жамиятни ўқитган ва унинг ёрқин келажагини таъминлаган бўласан!" деб жавоб берган экан.

"Намунавий муслима" номли китоб муаллифи Муҳаммад Алий ал-Ҳошимий шундай ёзганди: "Тарихда улуғ кишиларнинг вояга етишида уларнинг донишманд оталарига қараганда оқила оналарининг ҳиссаси кўпроқдир. Шу сабабдан бўлса керак, ислом уммати орасида ўз онасидан миннатдор ва унинг олдида қарздор бўлмаган бирорта ҳам фозил кишини тополмайсиз. Бундан келиб чиқадики, тарихий жараёнларнинг ривожланишига, тараққиётига ҳам айнан шу оқила оналар доимо ўзларининг буюк фарзандлари орқали билвосита бағоят улкан ҳиссаларини қўшиб туришган".

Японияда ўта кўп сонли кўнгиллилар устида олиб борилган узоқ йиллик илмий текшириш якунида кўпчиликни

жуда ҳайрон қолдирган хулоса жаҳон оммавий ахборот воситаларидаям эълон қилинди. Бу хусусда Буюк Британиянинг The Daily Mail газетаси шундай маълумотни ёзган эди: “...Текширишлар якунида маълум бўлишича, бир соғлом аёл нечтадир фарзанд кўрса (биттами ёхуд ўнтами) уларнинг ҳар бирига шу аёл (она)нинг табиатидан, феъл-атворидан 17 фоиз турли-туман ўхшашликлар-хусусиятлар ўтади. Отадан бўлса болага 10 фоизгина хусусиятлар ва феъл-атвордаги ўхшашликлар ўтиши мумкин экан, холос. Лекин, мана шунда ҳам бунақа ўхшашликлар болаларнинг ҳаммасига бирдек ўтавермас, яъни 3 – 4 фарзанддан биттасигагина ўтиши мумкин экан. Ҳатто, ўз отасининг феъл-атворидан 1 фоиз ҳам “улуш, мерос”ни ола билмаган фарзандлар ҳам бу ҳаётда бот-бот учраб турар экан...”

Дунё энди билган у ҳақиқатни бизнинг улуғ аждодларимиз, бобо-момоларимиз минг йиллар муқаддам теран тарзда англаган ва ўзларининг ҳақли, асосли хулосасини чиқариб қўйган эдилар:

Отаси ёмон – биттаси ёмон,
Онаси ёмон – ҳаммаси ёмон!

Дунёга машҳур файласуф Френсис Бэкон (1561 – 1626) ҳам ўз вақтида “Оилавий манфаатлар деярли ҳамма вақт ижтимоий манфаатларни ҳам хароб этади”, деб ёзганида, биринчи навбатда, шахсий, оилавий, ижтимоий, давлат манфаатлари мувозанатини, муштараклигини қандай қилиб таъминлаш муаммоси ҳақида ўта жиддий фикр-мулоҳазалар юритган, фикрларини билдирган эди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти жадал суръатларда барпо этилаётган гўзал ва бетакрор, муқаддас ягона она Ватан – Ўзбекистон тараққиётини янада тезлаштириш учун биздан мард, ўта жасур ва қўрқмас янги баркамол авлоднинг таълим-тарбияси алоҳида диққат-эътиборни ҳам талаб этмоқда.

Чинакам ўзбекча “Ота ўғил” қандай бўлишини биласизми? Келинг, энг яхшиси “Жамият” газетасининг 2017 йил 10 мартдаги сонида босилган, ёзувчи Эркин Малик қаламига мансуб “Ҳикмат излаганга...” рукнида босилган “Ота ўғил”

сарлавҳали битикниям шошилмасдан биргаликда ўқисак ва тузуккина уқиб ҳам олсак:

“Йигит иш билан шаҳарга тушди. Ошхонага тушлик қилгани кириб, бир отахон билан бақамти бўлиб қолди. Ота эса анчагина қизиқувчанроқ экан-ки, унинг қаердан эканлигини обдан сўраб-суриштирди. Йигит қишлоғи номини айтди. Отахон бу қишлоқни билишини айтиб, у кимнинг ўғли эканлигини ҳам сўради. Йигит бўлса отасининг исмини айтди. Отахон йигитга синчков тикилиб:

– Эслагандекман, отангизнинг пешонаси кенгроқ ва қошлари ўсиқ, кўзлари катта-катта эди, шундайми?

– Билмадим, – деди йигит кулиб.

– Нимага билмайсиз, – ҳайрон бўлди отахон, – одам ўзининг бу ёруғ оламга келтирган отасини ҳам билмайдими ҳеч жаҳонда?

– Узр, мен отамга ҳеч қачон тик қарамаганман”.

Юқорида ҳам алоҳида қайд этилганидек, француз файласуф-маърифатпарвари Жан Жак Руссо (1712 – 1778) фикрича, “Ота ўз болаларни бино қилиш, уларни яхшилаб еб-ичириш билан фақат ўз зиммасидаги мажбуриятнинг учдан бирини бажарган бўлади холос. У ўз болаларини одамзод қаторига қўшмоғи ва жамиятга фаол кишиларни ҳамда давлатга фидойи фуқароларни етиштириб берганида чинакам оталик бурчини тўла-тўкис бажарган бўлади”.

Ўзбекнинг оиласида қадим-қадим замонлардан болаларнинг сони ҳеч қачон чекланмаган, аксинча, “ўнта бўлса – ўрни бошқа, қирқта бўлса – қилиғи” қабилида қаралиб, серфарзандлик шараф деб ҳисобланган. Чунки, ота-оналар болалари сиймосида ўзлари кексайиб қолган палладаги тирикчиликлари таъминотчиси ва ота-боболари чироғининг чинакам ёқувчиси, демакки, наслларининг асл давомчиси, ўзларининг моддий ва маънавий мададкори, ёруғ умидни кўрганлар. Айнан шу сабабдан ҳам аждодлари кўнглида болаликка нисбатан оналикнинг чинакам меҳр-муҳаббати, оталик фахру саховати ҳар қандай таъқиб, таҳдидлардан ҳимоя қилувчи энг асосий куч-қудрат вазифасини шон-шараф билан ўтаб келган.

Жуда кўп минг йиллик башарият тарихига назар солгудек бўлсак, болалик ҳуқуқларини барча томонидан тан олиш унчалик даражада ҳам осонликлик билан кечмаганлиги ойкундек равшан бўлади-қолади. Мактаб дарслигидан қадимги Спарта давлатида ногирон туғилган бола тириклайин ўлимга маҳкум қилинганидан ўзингиз жуда яхши бохабарсиз. Бадавий арабларда эса Қуръони Карим нозил бўлгунига қадар қиз болаларнинг бу дунёга келиши улкан фожиа ҳисобланар, баъзилари эса тириклай ўлдирилар эди.

Қуръони Каримда бўлса ушбу қабиҳ одат тақиқланганидан хабардорсиз. “Иккита ёки битта қизни тарбия қилган кишининг фазилати ҳақида”, “Қизларнинг ўлишини орзу қилишнинг макруҳ эканлиги ҳақида”ги бир қатор ҳадиси шарифлар ўша оятни турли жиҳатдан тўлдирган шарҳлар сифатида, қиз болаларнинг яшаш ҳуқуқи, қизларни тарбиялашнинг шаръан ҳукм қилиб, пировард-оқибатда аёл зотининг жамиятдаги мавқеини белгилаб берганди.

Натижа бўлса қизлар ҳам ўғил бола сингари “илоҳий эҳсон” эканлиги асослаб берилган. Қуръони Каримда улар тенг кўрилиб, аввало, уларнинг яшаш ҳуқуқи, яшашининг моддий асоси бўлган ейиши, ичиши, кийиши, даволаниши ва меросий ҳақи “Зуҳруф” сурасининг 17-, “Шўро” сурасининг 49-, “Бақара” сурасининг 181-, “Нисо” сурасининг 11- ва бошқа қатор оятларида шариат ҳукми даражасида амр этилган. Жумладан, “Бақара” сурасининг 233- оятида боланинг эмиш ҳуқуқи шундай равишда буюрилган: “Оналар (ўз) болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат эса) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш ота-онанинг (эрнинг) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин! Меросхўрнинг зиммасида ҳам худди шундай (нафақа масъулияти бор). Агарда ота-оналар ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани сутдан) ажратмоқчи бўлсалар, (улар)гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (бегона аёлга) эмиздирмоқчи бўлсангиз, ҳаққини меъёрида тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз.

Аллоҳдан қўрқингиз, билингизки, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчи зотдир”.

Оятда болаларни соғлом ўстиришда ота-оналар масъуллиги мана шу тарзда таъкидланган. Масаланинг энг муҳим жиҳати эса, болаларга бериладиган ризқ ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳалол ҳамда пок бўлишига алоҳида диққат-эътибор берилган.

Қуръони Каримда кўтарилган болаликнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоси ҳадисларда янадаям чуқурлаштирилган. Чунончи, боланинг оилада тарбияланиши ҳам унинг энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, баркамол ўсишининг моддий ва маънавий омили ҳисобланган. Бу жиҳатдан болага дунёга келгач, дастлабки ҳақи муносиб яхши исм эканлиги ҳамда шу муносабат билан ақиқа қилиш буюрилганлиги ва Иброҳим Халилуллоҳнинг замонидан давом этиб келаётган хатна (суннат) қилиниши, ва энг муҳими, ўйнаш, ўқиш ҳуқуқларигача шаръий қонун даражасида ҳукм қилинганлиги ҳам алоҳида диққат-эътиборга моликдир.

Ўзингизга ҳам бағоят яхши маълумки, ислом таълимотига биноан ҳайкал (санам)ларга сиғиниш ҳаром иш саналган, лекин, ҳали ёш болакайларнинг ўйинчоқ ва қўғирчоқларни ўйнашларини Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) машруъ ҳисобламаган, бу билан у қўғирчоқларнинг қизлардаги оналик туйғуларини тарбиялашдаги ниҳоят даражада муҳим аҳамиятини ҳам, албатта кўзда тутган.

Ҳадисларда ҳамманинг, шу жумладан, болаларнинг ҳам илм олиш ҳуқуқи эътироф этилганлигидан яхши бохабарсиз: “Барча муслим, муслималар илм ўрганишлари фарз” ҳадисида илм олиш жараёнида наинки умуман эркак-аёлларнинг, демакки, уларнинг зурриётлари бўлмиш ўғил-қизларнинг ҳам тенг ҳуқуқли эканлиги назарда тутилган. Илм-билимни бутун умр бўйи муттасил олишга чорлаб: “Бешикдан қабрга қадар илм ўрган”, дейилса, бошқа бир ҳадисда илм олиш учун истаган машаққатларга тайёр бўлиш, бу йўлда бўлса риёзат чекмоқдан озор тортмасликка даъват этилади: “Илмни, шарт бўлса, Чин-Мочинда ҳам ўрган”. Қолаверса, бола тарбиялашда ота-онанинг бурчи ва масъулиятлари “Болалар ота-онанинг

бахил ҳамда қўрқоқ бўлишига сабабчидир”, “Ёш болани елкага миндириш миндириш ҳақида”, “Солиҳ кўзга шодлик ва хурсандчилик келтиришга сабабчидир”, “Она меҳр-шафқатли ва раҳмдил бўлади”, “Ёш болаларни ўпиш ҳақида”, “Ота ўзининг фарзандларига одоб-ахлоқ ўргатиши, яхшилик қилиши ҳақида”, “Етим болаларни тарбия қилувчининг фазилатлари ҳақида”, “Ёш болалар билан ҳазиллашиш ҳақида”, “Ёш болани севиб қучоқлаш ҳақида”, “Қизалоқни ўпиш ҳақида”, “Бегона болани ўғилчам деса бўладими” ҳамда бошқа қатор ҳадисларда ҳукм қилинган бўлса, аксинча, фарзандларнинг ҳам ўз ота-онаси, қариндош-уруғлари ва умуман катталар ҳамда жамият олдидаги бурч-масъулиятлари ҳам юзлаб турли-туман ҳадисларда шаръий низом ҳамда қатъий ҳукм даражасида талқин қилинганлигидан ҳам яхши бохабарсиз.

Жумладан, “Онани рози қилиш ҳақида”, “Отани рози қилиш ҳақида”, “Ота-она фарзандига зулм қилса ҳам, улар ота-онасига яхшилик қилавериши кераклиги ҳақида”, “Ота-оналарга мулойим гапириш ҳақида”, “Ота-она ҳақини адо қилиш ҳақида”, “Ота-она кексайган вақтларида уларнинг хизматларини қилиб дуоларини олмасдан жаннатга кира олмаган киши ҳақида”, “Ота-оналарни сўкмаслик ҳақида”, “Ота-оналарнинг дуоси ҳақида”, “Ота-оналар ўлганидан кейин уларга яхшилик қилиш ҳақида” ва бошқа қатор ҳадислар мазмун-моҳиятига кўра ҳанузга қадар ўзининг долзарб ижтимоий-ахлоқий аҳамиятини сира ҳам йўқотмаган. Уларда ота-онани самимий севиш, хизматларини беминнат равишда қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳурматларини ўрнига қўйиш, айниқса, кексайганларида кўпроқ мурувват кўрсатиш ва қўпол муомалада бўлмаслик, ҳаловатли яшашларини таъминлаш, ҳаттоки уларнинг вафотларидан кейин ҳам ота-оналар сафдошлари, ёр-биродарлари билан муносабатларни сира ҳам канда қилмаслик, хотираларини ҳар доим ёдлаб туришдан иборат бурчлари шаръан тавсифланган.

Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган далиллардан ҳам яққол кўриниб турибдики, жамиятда болалик ҳуқуқини англаш ва унинг қарор топиши узоқ жараённи ўз ичига олган жудаям қаттиқ курашлар ҳосиласидир. Чиндан ҳам башарият тарихида,

болалар шоири, дўсти Корней Чуковский ҳақли тарзда таъкидлаганидек: “Болаларнинг бола бўлиш ҳуқуқларининг катталар томониданам тан олиниши учун юз йиллар мобайнида курашишга тўғри келди. Болалар ўзларига, ўз ўйинларига, қизиқишлари ва эҳтиёжларига ҳурмат билан қаралишига жуда секинлик билан эришдилар”. Ҳар қалай, қанча оғринишлар, қанча қийинчиликлар билан бўлмасин, болаларнинг бола бўлиш ҳуқуқи расман тан олина борилган. Бу хусусдаги халқаро ҳужжатлар таҳлилига киришишдан аввал айни шу масаладаги жаҳон миқёсидаги аҳвол билан танишиб олсак-да, сўнгра суҳбатимизни айнан келган жойидан давом эттираверсак.

БМТ собиқ Бош котиби Кофи Аннаннинг “Биз, халқлар: XXI асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли” (бу ҳужжат “Минг йиллик” маърузаси номи билан ҳам машҳур) маърузасида келтирилган ушбу масалага тааллуқли айрим факт ва рақамлар:

– Ҳозирда қарийб бир миллиард одам саводсиз; беш ёшгача бўлган болаларнинг учдан бир қисми бўлса қорни тўйиб озиқ-овқат емаганлиги туфайли ниҳоят даражада азоб чекадилар.

– XX аср тўқсонинчи йилларда урушлар, биринчи навбатда давлатлар ичкарисида олиб борилди. Бунинг устига эса, урушлар ниҳоятда бешафқат бўлиб, беш миллиондан ортиқ одамларнинг, шу жумладан, 2 миллион боланинг қурбон бўлишига олиб келди.

– Бутун жаҳон бўйича ОИТС хасталигидан 18,8 миллион одам, шу жумладан, 3,8 миллион болалар ҳаётдан кўз юмдилар. Эпидемия бошланган даврлардан 15 ёшдан кичикроқ бўлган 13,2 миллиондан зиёд болалар ОИТС туфайли етим бўлиб қолдилар.

– Мактабга қатнамаётган 110 миллион боланинг 60 фоизини эса айнан қизалоқлар ташкил қилади.

– 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 250 миллионга яқин бола тўлиқ ёхуд тўлиқ бўлмаган иш кунида меҳнат қиладилар. Уларнинг 70 фоизи соғлик учун беҳад зарар келтирадиган ишлар билан банд.

– Ҳар йили 2 миллионга яқин бола тоза ичимлик суви ва шу сингари зарур санитария-гигиена шарт-шароитлари бўлмаганлиги туфайли ҳаёт билан муддатидан аввалроқ видолашмоқда.

– Ҳар йили бемалол соғайтириб олиш мумкин бўлган турли-туман сабаблар билан 11 миллион бола ўлиб кетмоқда.

– 600 миллиондан зиёдроқ, яъни Курраи Заминдаги 30 фоиз бола ниҳоятда қашшоқликда зўрға ўз кунини кечирмоқда...

БМТ Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Саша Грауманн фикрича, “Дунёдаги болалар ҳар куни ўқув муассасаларида зўравонликнинг қурбони бўлаётгани ташвишли ҳолатдир. Бундай хатар нафақат мактабда, балки интернат муассасалари, озодликдан маҳрум этиш жойлари ва тенгдошлари ичида, энг қайғулиси, ўз оилаларида ҳам мавжуд. 2017 йили зўравонлик бўйича Глобал маърузада жаҳондаги ҳар тўрт боланинг уч нафари – яъни 1,4 миллиарддан 1,3 миллиарди – зўравонликнинг у ёки бу шаклини бошидан ўтказганлиги ҳамда жабрланганлиги қайд этилди. Бу ҳолат мамлакат ёхуд ҳудуднинг қай тарзда ривожланганлик даражасига унчалик ҳам боғлиқ эмас.

Ана шу жабрдийда ўғил ва қиз болаларнинг кўпчилиги эса ўзининг уйида ота-онаси ё катталардан калтак еган ёки мактабда тенгдошлари босимига дучор бўлган. Экстремал вазиятларда эса бундан қайғули ҳолатлар ҳатто болалар ўлмига ҳам олиб келган.

ЮНИСЕФнинг 2015 йилги амалга оширилган тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондги ҳар 5 (беш!) дақиқада бир нафар мурғак қалб эгаси зўравонлик оқибатида бу ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг баҳолашига кўра, 120 миллион бола жинсий зўравонлик қурбони бўлган. Қарийб бир миллиард бола, айниқса, интернат муассасаларида доимий жисмоний жазога дучор бўлиб келади” (“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йилнинг 19 июни).

ЮНИСЕФнинг 2017 йилги маълумотларига қараганда, бугун уруш олови роса гуриллаб ёнаётган давлатлардаги 109

миллион боладан 24 миллиони саводсиз бўлиб қолмоқда. Кейинги икки йил мобайнида ҳукумат кучлари ҳамда қўзғолончилар ўртасидаги ўзаро сиёсий курашлар сабабли зўравонликка учраётган Жанубий Судандаги 51 фоиз, бошқачароқ қилиб айтганда, 1,8 миллионни ташкил этадиган 6 – 15 ёшли болалар асло мактабга бормаяпти. Урушларнинг касофати боис норасидаларнинг қанчадан-қанчаси бевақт қурбон бўлмоқда. Биргина Сурияда 2014 – 2017 йилларда минглаб болалар ҳалок бўлганлигидан ўзингиз ҳам бохабарсиз.

Бирдан олтмишгача санаб кўринг, муҳтарам ўқирман, бу – асли бир дақиқа дегани. Сиз мана шу санаб турган пайтингизнинг ўзида бутун дунёда 30га яқин бола тўйиб овқат емаслик, очлик ва бедаво касаллар туфайли бу ҳаётдан кўз юмди. Улар ҳам бизнинг жондан азиз болаларимиз ва невараларимиз сингари яшаш учун ажралмас ҳуқуқ эгаси эдилар, лекин уларнинг ҳуқуқи таъминлаб берилмаганлиги боис инсоният юқорида келтирилган рақамларда ўз аксини топган фожиа ва кулфатларга дуч келмоқда. Шундай қилиб Инсон, унинг ҳуқуқи ҳамда эркинлиги масаласи бугун кўп қутбли XXI аср дунёсининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ота Маконимиз – Ўзбекистон халқлари тоталитар тузум ҳукмронлик қилган узоқ йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларига дахлдор халқаро миқёсда қабул қилинган ўта муҳим ҳужжатлар: Декларация, Конвенция, Шартнома ҳамда Битимлардан атайлаб бехабар ҳолатда тутиб турилган эди. Бундан ташқари, Советлар хавфсизлик хизмати томонидан 1947 йил июнида қабул қилинган “мутлақо махфий” сифатида белгилаб қўйилган ҳужжатнинг 14- моддасида “ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий буйруқ ва қарорларда албатта ноаниқ қисмлар бўлиши учун барча ҳаракатларни қилиш керак”лиги битилган эди. Бу – амалда инсон фақат бурчлари ва мажбуриятларини билгани маъқулроқ, ҳуқуқ ва эркинликларидан буткул бехабар қолаверсин, бу ҳужжатларни ўқиган тақдирда ҳам уни англаб олиш даражасига қадар ўсиб етмасин, дегани эди...

Инсон ҳуқуқлари – бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган ўта кенг қамровли тушунчадир.

Инсон ҳуқуқлари – бу ҳозирги тараққиётнинг асоси ва давр талабидир. Инсон ҳуқуқлари – ҳар битта давлатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатиб берувчи ғоятда муҳим мезондир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳам энг янги давр бошланганлигидан ўзингизам хабардорсиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995 – 2005 йилларни Курраи Заминда "Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги" деб эълон қилган эди. Энди XXI аср ибтидосида дунёда содир бўлаётган барча жараёнлар "Инсон ўлчовлари" орқали белгиланмоқда ва баҳоланмоқда. Айнан шу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий тамойили ва ижтимоий-сиёсий тизимни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир. Шу боисдан ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча ғоя ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаям ўз аксини топган. Ҳозирда миллий қадриятларимиз умуминсоний қадриятлар билан биргаликда Ота Маконимиз куч-қудрати манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганидан кейин унинг бу халқаро ташкилот билан алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. БМТнинг юртимизда ваколатхонаси фаолиятини бошлаган кунларданоқ у ўз таркибидаги ўнлаб ихтисослашган муассасалар қатори Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг фаолиятиниям мувофиқлаштириб, у билан ниҳоятда унумли ва самарали ҳамкорлик қилиб келяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистон Республикасида жойлашган ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн бу борадаги асл вазиятдан жудаям яхши бохабар инсон сифатида ўзининг фикр-мулоҳазасини шундай ифодалаган: "Ўзбекистон халқи фарзандлари тарбиясига олижаноблик билан муносабатда бўлиш бўйича ўта буюк маданиятга эга. Жамиятдаги қадриятлар ичида оила ниҳоятда муҳим ўринга эгадир. **Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзининг оиласига 14 етим**

болани қабул қилган Шоаҳмад Шомаҳмудов ҳамда унинг турмуш ўртоғи Баҳри Акрамова тарихи Ўзбекистон тимсоли ҳисобланади ва юксак ҳурматга муносибдир. Бу оиланинг ёдгорлиги яқинда ўз ўрнига қайтарилиши ўзбек халқи ўзининг оилавий қадриятларини нақадар эъзозлаши ва ҳурматлашини яна бир бора исботлади.

ЮНИСЕФ эса бунга тўла қўшилади ва қўллаб-қувватлайди. Биз Ўзбекистоннинг оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ота-онасидан айрилган болалар учун оилага яқин шароитлар яратиб бериш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Ана шу борада эса Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил август ойидаги ўз боқувчисини йўқотган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги жуда муҳим қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар реал ҳаётга татбиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида бу фаолиятга ёндашувлар ва мана шу масала бўйича механизмларнинг халқаро стандартларга жавоб беришини кўриш эса беҳад даражада қувончлидир...

Ўзбекистон ҳукумати барча болалар оилавий шароитларда тарбия олишларини таъминлашга қаттиқ интилмоқда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга катта кўмак берилаётир. Ва биз бунга гувоҳмиз. Мамлакатда ўз ота-оналари билан яшаш имкониятига эга бўлмаган болалар оилавий тарбияси учун ҳам етарли шарт-шароитлар яратишда сезиларли даражада ўсишга эришилган.

Ўзбекистонда махсус тарбия муассасаларга жойлаштиришга мажбур бўлинаётган болалар, айниқса, ногиронлиги бор болалар сони йилдан-йилга тобора камайиб бормоқда.

Яқинда Урганчга бордим. У ерда эса олти фарзандни вояга етказаётган аёл, ажойиб инсон билан танишиш бахти насиб этди. Ўз фарзандини йўқотишдек оғир қайғуни бошидан ўтказган она “SOS Болалар шаҳарчаси”га ишга кириш учун ариза топширган. Унинг тарбияланувчилари турли хил ёшда, тўрт нафари эса қон-қариндошлик ришталари билан боғланмаган, икки нафари бўлса ака-сингилдир. Уларнинг

меҳмондўст уйларига ташриф буюрар эканман, оила аъзоларининг ўртасидаги эзгу боғлиқлик гувоҳига айландим. Болалар ўзларини худди уйларидагидек ҳис этяпти. Бу, энг муҳими, аслида. Уларнинг айримлари етимлар, бошқалари бўлса ота-оналари томонидан ташлаб кетилган ё ўзининг уйида қолиши эса анчагина хавфли, деб топилган болалар. Энди уларда рисоладагидек ҳаёт кечириш имконияти ҳам пайдо бўлди...”

“Халқ сўзи” газетаси (2018 йил, 1 июнь) мухбири Омонулло Файзиевнинг “Нима учун боланинг оилада камол топишини шу даражада муҳим деб ҳисоблайсиз?”, деган саволига бўлса Саша Грауманн қуйидагича батафсил жавобни қайтарган эди: “Аввало, шуни айтишни истардимки, 2013 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитада Ўзбекистонда ёш болаларни институционал тарбиялаш билан боғлиқ масаладаям бир қатор хавотирлар билдирилган эди. Бу ерда 20000дан ортиқ болалар, яъни ҳар 100000дан 200таси муассасаларга жойлаштирилганди. Бу рақам Европа ва Марказий Осиёдаги кўрсаткичдан анчагина паст (666), аммо бутун дунёдаги ўртача кўрсаткичдан (120) бирмунча юқорироқ. Афсуски, улар бу каби муассасаларга оиласидаги молиявий қийинчиликлар ёхуд ўз ота-онасининг ўзаро келиша олмай ажрашиб кетиши ёки қўллаб-қувватлашнинг мавжуд эмаслиги сабабли ҳам келиб қоладилар.

Аслида мактаб-интернатларида, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида тарбия топадиган болалар чинакам ғамхўрлик оғушида бўлса-да, тўлақонлик болаликдан унчалигам баҳра ололмайдилар. Бинобарин, оилани ҳеч нарса билан асло алмаштириб бўлмайди. Бу сингари муассасалардаги болалар бошқа инсонлар билан ҳис-туйғу билан боғлиқ ришталарга кам лаёқатли бўлиши, жисмоний жиҳатдан ёмонроқ ривожланиши ва ўқиб-ўрганишда суст кетиши исботланган. Бунинг оқибатида ахлоқ билан боғлиқ турли-туман муаммолар ҳам юзага келади. Улар муассасани тарк этганларидан кейин жамиятга қўшилиши, интеграциялашиши қийин кечади...

2017 йилда бола ҳимояси тизимини ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли бир стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида

Ўзбекистон ҳамда ЮНИСЕФ баҳолаш ишларини олиб борганди. Биргаликда бу тизимни равнақ топтириш йўлларини қидирмоқдамиз. Болалар учун қандай хизматлар тақдим этилаётганлиги ва болалар давлат муассасаларига тушмаслиги учун нималарни қилиш кераклигини ўрганяпмиз. 2017 йилда эса Ўзбекистон Миллий университетида ижтимоий ишга ихтисослашган кафедра ўз фаолиятини бошлаб юборди. ЮНИСЕФ махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ва ўқитувчилар салоҳиятини ошириш воситасида ушбу ташаббусни тўла-тўкис қувватлади...”

Саша Грауманн “Халқ сўзи” газетасининг мухбирига берган интервьюсида (2018 йил, 19 июнь) юқоридаги фикрига қўшимча сифатида тағин бир ижобий мисолни келтирган эди: “2017 йилда ЮНИСЕФ болаларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича 200га яқин туман ҳокими ўринбосарлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва муассаса директорларини ўқитишга ёрдам берди. Бунда уларга зўравонликнинг турли-туман шакллари ва долзарб муаммоларни ечиш жараёнида ўз ролини тушуниш кўникмалари ўргатилди”...

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига кўра оналик ва болалик алоҳида васийлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Гарчи ўзингиз ҳам жуда яхши билсангиз-да, яна муҳим жиҳатни ёдингизга солиб қўймоқчимиз. БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 15 майни ҳар йили “Халқаро оила куни” сифатида нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилган эди. Шундан буён бутун дунёда, жумладан “Оламни маҳлиё айлаган диёр”имизда ҳам “Халқаро оила куни” ўта кенг нишонланмоқда.

Ҳар қандай жамият, давлат келажаги, бойлиги ҳисобланмиш болаларни алоҳида ҳимоя қилиш беҳад зарур эканлиги масаласи 1924 йилги Бола ҳуқуқлари Женева Декларациясида, 1959 йилги БМТнинг бола ҳуқуқлари Декларациясида, 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва қатор халқаро ҳужжатларда қатъий белгилаб қўйилган. Деярли 10 йил мобайнида тайёрланган ва унга ҳозирда 193 давлат имзо чеккан Конвенция 54та моддадан иборат бўлиб, 1990 йил 2 сентябрдан

кучга кирган. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 17- моддасига биноан иштирокчи – давлатлар болаларнинг соғлом, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотдан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар. Болалар адабиётини нашр этиш ва уни тарқатишни рағбатлантирадилар. 14- моддага кўра, давлатлар болаларнинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлигини ҳурмат қиладилар. Ушбу моддада ўз дини ва эътиқодини тарғиб қилиш фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соғлигини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисобланганидагина чекланиши мумкинлиги масаласи ҳам халқаро миқёсда қонуний тарзда эътироф этилган.

Конвенция, гарчи болалар ҳуқуқи ва эркинликлари ҳақидаги асосий қонунларни ҳимоя қилса ҳам, ота-оналардаги ўз болалари учун нималар афзаллигини танлаш ҳуқуқини сира ҳам бузмайди.

Аксинча, унда ҳукумат, ота-оналар болаларининг улғайиши жараёнида, биринчи галдаги ўз вазифаларини бажара олишлари учун оиланинг мустаҳкамланиши, қўллаб-қувватланишига ёрдам беришга астойдил хатти-ҳаракат қилишлари лозимлиги алоҳида таъкидланган. Бола ҳуқуқини таъминлаш – бу бола ва катталар ўртасида низо келтириб чиқаришга эмас, балки болаларнинг ҳар томонлама – маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ва хавфсиз келажакларини таъминлаш мақсадида фуқароларни биргаликда ишлашга илҳомлантиради. Шу сабабдан ҳам Конвенциянинг 5-моддасига кўра “Давлат ота-оналар ҳуқуқи ва бурчларини ҳурмат қилиши ва уларнинг болаларнинг ривожланиш қобилиятларига мувофиқ ҳолда назорат қила олишларини таъминлаши даркор”. 19- моддага биноан, “Иштирокчи – давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ҳамда суиистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ё бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар ёхуд бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шаҳвоний суиистеъмолликлар

ҳамда бошқалардан жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар”.

27- моддада эса қуйидаги муҳим қоида белгилаб қўйилган:

“1. Иштирокчи – давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиши учун зарур ҳисобланган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ота-она ёхуд болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шарт-шароитларини таъминлашга асосий жавобгардирлар”.

Халқаро Конвенциянинг 24- моддасига биноан, давлатлар болаларнинг соғлиқни сақлаш тизимининг янада такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

Мутахассиларнинг таъкидлашича, хасталикларнинг камида 70 фоизи эмоционал бузилишлар, яъни стресс ҳолатлари билан боғлиқ экан. Донолардан бири эса “Агар сен вазиятни ўзгартира олмасанг, вазиятга нисбатан ўз муносабатингни ўзгартиргин!”, – дея таъкидлаган эди. Демак, биз ўзимиз ва болаларимиз сиҳат-саломатлигини асраш бобида, ўз атрофимиздаги кишилар ҳамда нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилмоғимиз ҳам даркор бўлади. Шунда вақти келиб, улар ҳақиқатан ҳам ўзгариб қолганлигини кузатишимиз мумкин. Ҳар бир уйғонган фикр ўз-ўзидан шу фикрга доир руҳий ҳолатни ва шу ҳолатга мос бўлган хатти-ҳаракатларни юзага келтиради ҳамда аксинча, ҳар қандай ўзига мос фикр-туйғуларни уйқусидан уйғотиб юборади. Мисол учун, ҳар қандай ҳаракат (юздаги табассум, бошни ва елкани тик тутиш) миямизда ҳам ўз-ўзидан айнан мана шу ҳаракатларга мос келувчи фикр-туйғуларни тезлик билан ишга солиб юборади-да.

Демак, руҳият ва кайфият, фикр ва ҳаракат ўртасида ўзаро мутаносиблик бор экан, одам доимо ўзига ишонч билан қараши ёки ишонч ҳамда кайфиятнинг ифодаси бўлган ҳаракат қилиши уни маълум бир даражада стресс ҳолатига тушиб қолишдан

асраб туради. Демак, одам ўзи ва оиласининг тан-сиҳатлигини сақлаш учун камида уч асосий қоидага риоя этиши керак: ўзини англай олиш, тарбиялай олиш ва ўз билимларини амалга ошира олиш.

Инсоннинг руҳий саломатлигини уч туйғу асрайди: ишонч, умид ва меҳр-муҳаббат. Улар орасида энг асосийси – ишончдир. “Ихлос – халос” деганлари ҳам айнан шу бўлади-да. Инсоннинг имкониятлари асли чексиздир. Ўз кучига ишонган киши бемалол ҳамма нарсанинг уддасидан бемалол чиқади. Фақатгина инсонда соф руҳ бўлмоғи, унинг мияси хайрли ниятлар ва тоза тилакларга тўлиқ бўлмоғи, янадаям қисқароқ ифодалаганимизда, инсонларда бор-йўғи маънавият энг бирламчи бўлиши талаб этилади, холос.

Дуч келган ҳар кишига ўз ташвишлари ҳақида сўзламаслик даркор. Тўғри, бу суҳбат давомида, одам сал-пал енгиллашгандек бўлади, лекин орадан бироз вақт ўтгач, ўз муаммоларига янадаям ўралашиб қолиб, бирон-бир янги, яхши суҳбатдошга эҳтиёж сеза бошлайди. Шундай эканки, асабларимизнинг дам олишига рухсат беришимиз зарур. Бунинг учун эса, энг биринчи навбатда:

– асабларни эстрада куйларидан, уларнинг оғир, тез темпда ёзилган турли-туман ўта жазавали оҳангларидан асраб-авайлаш;

– қўрқинчли, жангари кино ва кўрсатувларни томоша қилиш эҳтиёжини, қўлдан келгани қадар бир амаллаб тийиб туриш;

– турли-туман оилавий, жамоавий низоларга аралашмаслик, ва ҳаттоки уларни бафуржа таҳлил қилишга ҳам киришмаслик;

– мумтоз куйларни янада кўпроқ тинглаш, чунки қанча кўп тингланса, бош миянинг ўнг шарлари қисми шунчалик даражада ўз иш фаолиятини кучайтиради. Миянинг ўнг қисми эса онгости иш фаолияти учун жавобгар эканлигидан ўзингизам бохабарсиз;

– қушлар сайрашига, дарахт барглари, ариқларда шилдираб оқаётган сувнинг аста шивирлашига диққат-

эътиборни қаратиш, уларнинг барчасидан эса мириқиб завқланиш ва шавқланиш;

– бугун келажакда қаторлашиб келадиган кунлардан тағин биридир, лекин бу кунлар айни дамдаги қиладиган ҳаракатларга ва хулқ-атворга бевосита боғлиқ эканлигини асло унутмаслик;

– дам олишга эмас, фаол ҳаракатга интилиш, бемаъни орзу қилиб ўтирмай, ҳақиқатни танламоғимиз даркор. Хўмрайиб ёхуд гезариб туришни эмас, ўзгаларга ҳамда ўзимизга кулиб қарашни, душманликни эмас, энг аввал меҳр-муҳаббатни танлаб олишимиз зарур. Ҳаётда ҳар доим фақатгина яхшиликка интилавериш. Энг асосийси бўлса, доимий равишда ишлаш имкониятини танлаш;

– меҳнат қилиш, қийинчиликларга бардош бериш, одамдаги ғайратни сўндирадиган кимсаларнинг гапларига мутлақо қулоқ солмаслик. Барча норозилик, шубҳа-гумон, умидсизлик, нолишни бир четга суриб ташлаб, бор кучларни қийинчиликларни енгишга сарфлайвериш. Ахир, эрта баҳорда очиладиган гуллар шамол ёки совуқдан ҳеч кимга ҳеч қачон арз ва шикоят қилмайдилар-ку;

– лолақизғалдоқлар қишнинг тўсатдан қайтишидан қўрқиб ер остига яшириниб олмайдилар ёхуд яқинлашиб келаётган ёзда роса кўпаядиган ёввойи ўт ва ҳашаротлардан қўрқиб кетиб, ўсмай қолмайдилар-ку. Улар ноқулай шарт-шароитларга бемалол қарши тура олганлари учун ҳам кишилар тарафидан беҳад ардоқланади. Инсон ҳам агар гуллаб-яшнамоқчи бўлса, Она табиатдан ўрнак, ибрат олмоғи даркор. Энг асосийси эса, ниятни яхшилаши зарур.

Энг камида 3000 йиллик давлатчилик тарихида дастлабки мафкура вазифасини ўтаган бобокалон китоб “Авесто”да оила қуриш, фарзанд кўриш ҳамда бола тарбияси ҳар бир инсон учун оддий ҳолат эмас, балки эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амалдан иборат инсоний бурч сифатида қаралган. “Менга баркамол, ватанпарвар, аҳил, эзгу андишали, зулмат, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлкалар номини ва овозасини кўтарсинлар”. Аҳурамазданинг бутун инсониятга қарата айтган ушбу сўзлари асрлар ва минг

йиллар оша ҳар биримизни фарзанд тарбияси билан бевосита боғлиқ олий шараф, улкан масъулият ва бутун умримизга татигулик буюк мақсадлар сари ундайверади.

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси – Ўзбекистон Республикасида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда соғлом авлодни тарбиялашга ниҳоятда катта эътибор берилмоқда. Дунё тажрибасида биринчи бўлиб "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди, айнан шу номда халқаро жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда кейинги йилларда туғруқхоналар ҳамда болалар тиббий муассасаларининг сони анча кўпайди, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Тиббий ёрдам кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда юртимизда 3 миллиондан зиёд бола 30дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,5 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 45,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 35,5 фоизга ўсгани, албатта, ҳаммамизни қувонтиради. Сўнгги 10 йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга қадар, қизлар ўртасида 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида 3 сантиметрга, қизлар ўртасида 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 93 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ҳамда бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мезон ва стандартларига тўла-тўкис мос келади.

"Ҳозир Ўзбекистонда энг кўп кўриладиган телеканал қайси бири?" дея сўраб қолди яқинда бир дўстим. "Ҳаммасининг ўзига яраша мухлислари бор!" десам, у хотиржамлик, ғурур, қатъият ва юз-кўзида ним табассум билан "БОЛАЖОН" телеканали деди.

– Ўзинг ўйлаб кўргин, деярли ҳар бир ўзбек хонадонида ёш бола бор. Ёшлар фарзандлари, кексалар бўлса невара, эваралари даврасида хуш-хандон. Ҳаммамиз учун болаларнинг хоҳишлари биринчи ўринда. Болаларимиз ҳам "Бало" – уларни бағоят яхши кўришимизни яхши билади. Телевизорнинг пульти

ҳам уларнинг қўлида. Катталар ҳам кун бўйи “Болажон” телеканалини болалар билан бирга кўряптилар, – дея ўз фикрини изоҳлади ўша дўстим.

Биз болалигимизда бир кунда битагина мультфильм кўрсак бошимиздаги дўппимизни осмону фалакка отардик. Телевидение ҳам мультфильм росаям камлигидан 3 – 4 картинани айлантириб қўяверарди. Ҳозир эса болалар учун бутун бошли телеканал бор. Мультфильмлар шунчалик даражада кўпки, бири тугаб, бошқаси бошланаверади. Болаларбоп кўрсатувлар ҳам ранг-баранг: инглиз тили, мусиқа, меҳнат дарслари, турли хил интеллектуал ўйинлар. Ҳаракатлар стратегияси ҳам содда тилда тушунтириб бериляпти. Ҳозир болаларга бизнинг давримиздагидек гўдак деб қаралмайди. Бугун эса улар ҳаммамизнинг диққатимиз марказидаги инсонлар. Ҳар бирининг соғлиғи, тарбияси, ўқиши ва келажаги давлатимиз эътиборида. Бугун улар мамлакатимизнинг фахрига, таъбир жоиз бўлса, замонамиз қаҳрамонларига айланган. Ўзбекистоннинг илк ордени “Соғлом авлод учун” дея номлангани, мамлакатимизнинг “юраги” бўлмиш Мустақиллик майдонига Она ва Бола ҳайкали ўрнатилгани ҳам айнан шундан далолат беради. Фарзандларини бунчалар даражада яхши кўрадиган, кўкларга кўтарадиган бошқа биз сингари халқ ёки миллат бўлмаса ҳам керак бу ёруғ дунёда.

Бундай юксак меҳр-эътиборнинг самараси фарзандларимиз саломатлиги ва баркамоллигида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги болаларнинг соғлиғи, фикрлаши, ҳаракатлари, юқорида ҳам қайд этилганидек, 25 – 30 йил олдинги болалардан бутунлай бошқача. Гап-сўзлари, қобилияти ҳамда ютуқлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда. Ҳали мактабга бормасданоқ компьютерни билади, инглиз тилида бемалол гапиради, чемпион ҳам бўлади. Болалар учун мўлжалланган китоб, ўқув қуроллари, спорт комплекслари сингари тағин кўплаб имкониятлар борки, уларнинг бари ҳақида гапириб ва ёзиб адо қилиб бўлмайди. Ҳар бир жабҳада аввалгига қараганда осмон билан ерча фарқ бор. Масалан, ушбу битиклар муаллифини Шўро давлати, бор-йўғи 10 ёшидаёқ синфдошлари билан бирга Поромондан икки ой муддатга

бошқа узоқ қишлоққа пахта тердиргани олиб кетганди. Пахта далаларида баланд бўйли “оқ олтин” ичида кўзга кўринмасдан, йиғлаб-сиқтаб, касалликка чалиниб, йўталиб юрган, юз-қўллари кир-чир, яғири чиқиб кетган юрган ғариб болалигим ҳамон кўзим олдида. Бугунги шароитни кўриб, болалик деганлари ҳам аслида шундай бўлиши керак экан-да, деган армон, ўкинч кўнгилдан ўтади. Болалигингни қайтадан яшагинг келади. Чунки, бугунги болаларимиз ҳар куни бахтли...

2011 йилда “Болаларни асрайлик” номли халқаро ташкилоти томонидан тузилган умумжаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ғоятда катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимиздан баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлганди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов фикрича ҳам: “Болаларни 3 – 5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, айнан шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теранроқ кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола эса бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди ҳамда характерини ҳам тоблайди”.

Тошкентдаги ЮНИСЕФ ваколатхонаси 1994 йил мартидан фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон шарт-шароитларига мос дастур тузилган бўлиб, фаолиятнинг салмоқли қисми таълим тизимига қаратилган. Ўша пайтлардаги ЮНИСЕФ вакили Ханно Гертнер фикрига кўра: “Агар жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларига қиёслайдиган бўлсак, болаларга бўлган эътибор масаласи бўйича Ўзбекистон бир қанча афзалликларга эга. Бу афзалликлар аввало соғлиқни сақлаш тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги, биринчи тиббий хизмат ёки тез ёрдам кўрсатиш жараёнида муаммолар ёки чекланишларнинг мутлақо йўқлиги, бошланғич ва ўрта таълим олиш имконияти эса болаларнинг 100 фоизида мавжуд эканлиги билан изоҳланади. Лекин, муаммолар ҳам йўқ эмас-да, жумладан, Ўзбекистон географик жиҳатдан денгиздан анча

узоқ мамлакат. Демак, бу ерда денгиз маҳсулотларига эҳтиёж бор. Йодланган ош тузи истеъмоли камайганлиги туфайли ҳам болаларда учрайдиган буқоқ хасталигининг олдини олмоқ даркор. Иқлимнинг кескин ўзгариши туфайли қишда болаларда учровчи пневмония ёзда эса ўткир ичак инфекцияси хасталикларига қарши кураш масаласи эса бизни ҳар доим сергаклантириб туради".

ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги дастлабки фаолияти болаларни эмлаш чора-тадбирларини кўриш учун вакцина келтиришдан бошланиб кетган эди. Жамғарманинг бу соҳадаги минтақавий вакили Экрем Бирердинч Юртимизнинг "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланган эди.

Ўзбекистон умум қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари устуворлиги ҳамда болалар аҳволини яхшилаш учун халқаро ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда МДҲда биринчилардан бўлиб 1992 йилдаёқ "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни ратификация қилган эди. 2007 йил 23 ноябрда бўлса "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 40- моддасида қуйидаги ҳуқуқий норма белгиланган: "Иштирокчи – давлатлар жиноий қонунчиликни бузган деб топилган, қонунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилаётган ҳар бир боланинг унда қадр-қиммат ва аҳамиятга молик ҳис-туйғусини тарбиялайдиган, болада инсон ҳуқуқларига, бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлайдиган ва бунда болаларнинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши ва жамиятда фойдали ўрин тутишга кўмаклашиш истаги ҳисобга олинадиган ҳуқуқини эътироф этадилар"...

Болалар масаласигаям Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик, Жиноят Кодексларида ўта катта эътибор берилган. Уларни чуқур таҳлил қилмаган ҳолда фақат биттагина ўта муҳим масалага диққатингизни тортмоқчимиз: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 188-моддасига биноан, вояга етмаган шахсни тиламчиликка,

спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш – белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ташқаридан қараганда бу боланинг “дўсти” бўлиб кўринган аслида бўлса “кушандаси” бўлмиш ўша кимса бу ишга такроран қўл урса, Жиноят Кодексининг 127- моддасига тўқнаш келади. Оқибатда эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Адолатли қонуннинг энг асосий талаби худди шундай.

Юқорида келтирилган фикр, далиллар бизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари тўла кафолатланган ва таъминланган, бу борадаги муаммолар ҳал этилган, деган хулосага олиб келмаслиги даркор.

Мисол учун, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн афсус ва надоматлар билан таъкидлагани сингари, “Болаларга зўравонлик қилиш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам бир неча марта учради. Гап Марғилондаги Меҳрибонлик уйи ва Тошкент тиббиёт коллежи ҳамда бошқалар ҳақида кетяпти. Улар жамиятда ғоятда катта акс садо берди. Ҳукумат бу борада мақбул чора-тадбирларни кўргани кишини жуда қувонтиради. 2013 йилда БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонлик бўйича ҳисобот тизимини яратиш, мазкур масалада бўлса мавжуд мутахассисларнинг салоҳиятини ҳам ошириш лозимлигини қайд этган эди. ЮНИСЕФ БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини чиндан ҳам бажариш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон ҳукуматни тўла қўллаб-қувватлади.

Кези келганида муаммолардан бири болаларга нисбатан, шу жумладан, оилада, мактабда ва одил судлов тизимида

зўравонлик ҳолатлари бўйича тегишли маълумотларни олиш имконияти ҳам йўқлиги эканлигини айтишимиз даркор. Зўравонликларга дучор бўлаётган болаларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг тизимли механизми ҳам ҳозирча мавжуд эмас...

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар етарлича ривожланмаган ҳамда бундай хизмат асосан, интернат типидаги муассасаларда кўрсатилади, холос. Айнан шу боисдан ЮНИСЕФ ижтимоий ишчилар профессионал кўникмаларини мустаҳкамлаш ва шунингдек, ўқув курсларини яратишда Ўзбекистон ҳукуматига ўзининг имкониятлари доирасида ёрдам бераётир...” (“Халқ сўзи” 2018 йил, 19 июнь).

Ўтган XX асрнинг ибтидосида маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий бувамиз бу хусусда шундай деб ёзган эди: “Ҳамшаҳри яхуд, армон ва рус болалари оппоқ кийиниб, қўлтуқ-қўлтуқ китоб ила мактабларга кетар экан, бизнинг болаларимиз на учун кир-чир ва йиртиқ кийим, оёқ яланг бир ҳолда эшик-ба эшик меҳнат ахтарур... Энди бизларга икки ишдан бири қолур. Яъни, алардек замонани илмлари ҳамда ҳунарларига ёпишмоқ ва ёйинки борлиқ набираларимизниям қўлимиздан бериб қўймарга ва беҳудаликка сарф этиб аларга хизматкор бўлмоқ”.

Энди XX аср интиҳосида Ғайбуллоҳ ас-Салом айтган фикр: “Дунёда бизларнинг одамларчалик болажон халқни топиш қийин. Фидойи, заҳматкаш ва меҳрибон... халқ бизнинг халқимиз. Айни вақтнинг ўзида эса ёш авлодга энг... бепарво халқ ҳам айнан биз бўламиз”. Шу боисдан ул зот бизларга қарата “Миллатинг нима?” деб сўрасалар, “Ўзбек” деб айтишдан сира ҳам уялманг. Аммо... яҳудий бўлинг!” дея ғоятда шиддат билан хитоб қилган эдилар.

Ва ниҳоят, XXI аср ибтидосида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан қилинган огоҳликка даъватдан ўзингиз ҳам бохабар бўлсангиз-да яна қайтарамиз: “Биз болалар 6 – 7 ёшга киргунича унинг тарбияси билан мутлақо қизиқмаймиз. Эргаштириб пахта даласига олиб чиқамиз. У чанг ютиб, пайкалда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради ва қай аҳволда овқатланади, нималарга интилади ва

нималарга қизиқади, қандай ривожланади – афсуски бу билан ишимиз бўлмайди... Айрим ота-оналар ўта дабдабали уй-жойлар қуради, тўкиб-сочиб тўй қилади, қатор-қатор машинали бўлади. Ваҳоланки, яхшилаб суриштириб кўрсангиз, боласининг ким билан қаерда юриши, вақтини қандай ўтказиши ва қандай билимларга эга эканлиги на отани, на онани қизиқтиради. Болаларни энг катта бойлигимиз, келажагимиз деб эъзозлаймиз-у, амалда уларнинг тақдирига бефарқ қараймиз. Бу фарзандлар тақдирига, ўз келажагига лоқайдликдан бошқа нарса эмас, одамларимиз табиатидаги бутунлай воз кечиш лозим бўлган иллат... Болаларимизнинг келажаги, тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйгудек бўлсак уларга нисбатан хиёнат қилган бўламиз...”

Бугунги кунларда беқиёс трансмиллий кўлам касб этиб, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган одам савдоси билан боғлиқ турли кўринишдаги жиноят болаларнинг бахтига ҳам чанг солмоқда. Бу хатар одам савдоси қурбонлари фарзандларининг ота ёки оналарнинг меҳридан мосуво қилиш билангина чекланиб қолмаяпти. БМТ маълумотига кўра, ҳозирги вақтда дунё бўйича одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этмоқда. Янада ачинарли томони, ҳар йили дунё бўйича 600 мингдан 800 минггача аёллар ва вояга етмаган болалар турлича жиноий йўллар билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Ушбу нопок кимсалар болалардан мажбурий меҳнат ва жинсий эксплуатацияда фойдаланмоқдалар. Бу мудҳиш жиноят бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги боис, ўтган йиллар мобайнида Жиноят кодексидаги одам савдоси, шу жумладан, болалар савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят ҳуқуқий нормалари шакллантирилган ва бу жиноятнинг вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилиши бу жиноятнинг оғирлаштирувчи таркибларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги энг янги босқичида ҳам болаларни асраш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш эса асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” номли маърузасида ҳам қатъий равишда таъкидлангани ва белгилаб қўйилганидек, “Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, бутун дунё миқёсида ўзларининг тенгдошларига ҳеч қайси соҳада асло бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топишлари, бахтли бўлишлари учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.

“Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг жуда чуқур таҳлили, бугунги кунларда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароити туфайли рақобат жиддий кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ҳамда жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашувлар ҳамда тамойиллар асосида ишлаб чиқилган” ва бугун ҳаётга кенг жорий этилаётган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам бу беҳад даражадаги муҳим вазифа ўзининг яққол аксини топганлигидан эса ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Хусусан, ўзингиз яхши биладиган “Ҳаракатлар стратегияси” “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” йўналишида жудаям муҳим қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилган:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;
- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ҳамда ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирлар кўриш;
- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда бу муассасаларда болаларимизнинг

ҳар томонлама интеллектуал, эстетик, жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини эса жиддий ошириш ҳамда фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог, мутахассислар малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълимнинг сифатини тубдан ошириш, чет тиллар ҳамда информатика ва математика, физика, кимё, биология сингари бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;
- Болаларни спорт билан оммавий равишда шуғулланишга, уларни мусиқа ва санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини (эса қайта қуриш) реконструкция қилиш.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг статистик маълумотларига биноан, ҳозирги даврда бизнинг Ота юртимиз – Ўзбекистонда саводхонлик даражаси 99,6 фоизни ташкил этади ҳамда ушбу натижа бутун дунёдаги мамлакатлар орасида ниҳоят даражадаги юксак кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти собиқ бош директори Маргарет Чен хоним “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ўзига хос миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум очилиши чоғидаги нутқида қуйидаги ўта ҳақли фикрни билдирганди: “Ўзбекистонда самарали равишда амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” миллий сиёсати номланишида ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган бу дастур оналар ҳамда болалар ҳақида ғамхўрликнинг барча беҳад зарур жиҳатларини – бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, стационар даволаш; мунтазам профилактика кўригидан ўтказиш ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш; эмлаш орқали ҳар хил касалликларнинг олдини олиш (профилактика); скрининг воситасида эса эртароқ ташҳис қўйиш, худди шунингдек, ёш болаларда тез-тез учраб турадиган турлича бахтсиз ҳодисалар содир бўлганида ва жароҳатланиш

ҳолларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган”...

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, энг аввало, албатта унинг маънавиятини миллийлигимизга, маданиятимизга, азалий қадриятларимизга мутлақо ёт, ғирт бегона бўлган турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш, муҳофазалаш жараёнини тушунмоғимиз даркор. Тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнида бўлса “оммавий маданият” деган махсус ниқоб остида бузуқлик, зўравонлик, агрессив ахборот хуружлари сингари хавф-хатарлар фарзандларимизнинг келажагига бетиним таҳдид солаётганидан ташвишланмай сираям илож йўқ. Ёш авлод маънавий оламининг дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ, болаларимизни маънавий тажовуз ва ахборот фашизмидан ҳимоя қилиш нафақат ота-она ёки таълим-тарбия мураббийлари, шу билан бирга кенг жамоатчиликнинг ўта долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолиши шарт. Фарзандлар тарбиясига озгина эътиборсизлик ё лоқайдлик уларнинг ёвуз кучларнинг бағоят кучли босими, таъсирига тушиб қолишига, арзимасдек туюлган кичкина хато бўлса ғоятда улкан фожиага олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз зарур.

Юксак даражадаги ҳуқуқий тафаккур ҳамда маданият инсон маънавиятининг узвий бўлагидир. Ўсиб келаётган болаларимиз онги, қалбида илк ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш орқали амалдаги қонунларга чексиз ҳурмат, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, собитқадамлик каби туйғулар камол топади. Ҳуқуқий тафаккури жудаям юксак, маънавияти бағоят теран, бой инсон бўлса миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид мафкуравий хуружларга нисбатан холисона баҳони бера олади. Ўз фикрига, дунёқарашига эга ёшларни ҳеч қандай ёвуз куч асло енга, бўйсундира олмайди.

Ҳозирги ғоятда мураккаб, мўрт ва таҳликали бугунги дунёда болалар олдидаги тинчлик бурчидан-да муқаддасроқ бошқа бурч бўлмаса ҳам керак. Уларнинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фаровон ҳаётини таъминлаш, болаларимиз ҳаётини турли-туман ҳаётий мушкулотлар ва қўрқувдан халос

этишни таъминлашдан ҳамда кафолатлашдан ҳам муҳимроқ мажбуриятлар мавжуд эмас.

Чунки, эртага бутун дунёни албатта, бугунги оламни бошига кўтариб ўйнаб-кулиб чопқиллаб, ниманидир ўзидан катталардан ижикилаб сўраб билиб юрган, айрим соҳаларда бўлса аллақачон ўзимиз – катталардан ҳам ўтиб кетган БОЛАЛАР тебратадилар.

Эртага бутун дунёни бошқарадиганлар орасида эса, албатта, буюк ўзбек халқи ва миллатининг бугунги кунда яратиб берилган имкониятлар ҳамда шарт-шароитлардан беҳад даражада бахтли, ниҳоятда масъулиятли БОЛАЛАРИ ҳам бўлади...

ЯПОН БОЛАЛАРИ ДУНЁСИ

Ўзбекнинг оилаларида амалга ошириладиган таълим-тарбия жараёнидан барчамиз у ёки бу даражада хабардормиз. Ҳаммамиз мана шу ҳаёт мактабида ўқиганмиз. Баҳоларимиз бўлса ҳар-хил. Шу сабабдан ҳам шунчаки бир таққослаб кўришингиз, агар керак бўлса, ибрат олиш мақсадида япон оилаларида тарбия хусусидаги кичикроқ бир битик диққат-эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Курраи Заминдаги барча оналар ўз фарзандларининг қорни тўқ, усти бўлса бут, умуман бахтли бўлишини хоҳлайдилар. Япон оналарида бўлса унга қўшимча яна бир ўта муҳим хислат мавжуд. Улар боланинг шахсини беҳад даражада ҳурмат қиладилар. Япон оналари ўз фарзандларининг қисқагина болалик даврини турли-туман руҳий ларзалар ва ғам-ташвишлардан холи бўлишини бари воситаларни ишга солиб, етарли равишда таъминлай оладилар.

Япон болаларини, улар туғилган кундан бошлабоқ, жиддий чиниқтириш жараёни бошланади. Улар бошига умуман қалпоқча кийдирилмайди. Боланинг мускуллари ўсишига ва унинг чинакам эркинлигига халал беради деб ҳисоблаб, йўргаккаям унча қаттиқ ўрамайдилар. Шундай қилиб, дунёга

янги келган япон боласида эркинлик, озодлик, мустақиллик туйғулари шакллана бошлайди. Болага инсон сифатида муносабатда бўлиш, уни доимий равишда чиниқтириш бутун миллатга хос миллий хусусият ҳисобланади. Японнинг кичкинтой болалари учун тушликдан кейинги махсус ухлаш вақти алоҳида белгилаб қўйилмаган, улар ўзлари хоҳлаган пайтларида эса бемалол, мириқиб ухлаб олишлари ҳам мумкин.

Кичик ёшдаги болаларга, улар шамоллаб қолгудай бўлсалар, докадан қилинган боғич тақиб олиш одати сингдириб борилади. Бу ҳолат соғлом турмуш тарзининг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Дунёда болалар ўлими даражаси энг паст мамлакат Японияда кейинги 40 йил мобайнида бу борадаги кўрсаткич 12 мартага яхшиланган. "Ҳамма яхши нарсалар – болаларга!" шиори кунчиқар мамлакатда амалдаги асл ҳаёт мезонига айлантирилган. Япония телекомпанияларининг жуда кўп кўрсатувлари ҳам айнан болаларга бағишланганлигидан ўзингиз бохабар бўлсангиз керак. Болалар ўзлари овқатланишнинг уддасиданам амаллаб чиқа бошлаган чоғларидаёқ умумий дастурхон атрофига оиланинг асл аъзоси сифатида қўшиб олинади. Улар болаларни овқат ейишга бетиним тарзда мажбурлаш, ҳаддан ташқари иссиқ кийинтириш ҳақиқий меҳр-муҳаббат белгиси эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларда болаларни ёзги лагерлар ва ташкилий равишда саёҳатларга олиб бориш ҳеч қачон муаммо сифатида кун тартибига қўйилмаган ва махсус муҳокама ҳам қилинмаган. Бу масала Японияда бевосита боланинг ота-оналари ваколатига кирадиган вазифа ҳисобланади.

Японияда болалар спорти ҳақиқий, чинакам сиғиниш ҳамда эътиқод даражасига қадар кўтарилган. Болаларнинг қўл-оёқлари боғланмаганлиги ва қаттиқ йўргакланмаганлиги туфайли амалда туғилган пайтларидаёқ ҳаракатни бошлайдилар. Уларда стадиони йўқ мактабни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Мактабдан ташқари жисмоний тарбия ва спортгаям катта эътибор берилади. Кейинги даврда эса минглаб сузиш мактаблари ташкил этилган, сузишни билмаган япон бўлса нақ анқонинг уруғи. Улар "Билимсиз япон – япон эмас!"

қоидасини болаларнинг қонига она сути, бобо ўгити, оталар намунаси орқали доимий равишда сингдириб борадилар.

Турган гапки, бу билимлар даражасига, бошқа кишилар ўзга бир инсон ўрнига сира амалга ошира олмайдиган, сузиш илмиям киради. Сузиш мактабларини бўлса улар олдига териб қўйилган юзлаб велосипедларданам осон таниб олиш мумкин. Бу жойдаги иккита эълон доимо кишилар диққат-эътиборини ўзига тортади. Уларнинг бирида “Яхши болалар велосипедларини мана шундай қўядилар!” деб ёзилган, пала-партиш қилиб қўйилган улов сурати чизилган иккинчи эълонда бўлса “Яхши болалар ўз велосипедини сира ҳам бундай қилиб қўймайдилар!” деб алоҳида таъкидланган.

Японларда “ёмон” сўзи биздагига нисбатан ҳаддан ташқари салбий маънога эга. Бу сўз умуман тугаган, деградацияга учраган, тамом бўлган одамга нисбатан ишлатилади. Болаларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан “ёмон” деган сўз мутлақо қўлланмайди.

Японлар, бундан ташқари, уйда ва мактабда таълим-тарбия жараёнида болаларини ҳеч қачон бир-бирига таққосламайдилар, бировдан ўрнак олишга бетиним даъват этмайдиларам. Боланинг ўзини кечаги ёхуд аввалги кунига нисбатан “аввалгидан яхшироқ ҳаракат қиляпсан” ёки “яна бироз уринсанг, яхши бўларди” деган сўзлар билан сийлайдилар, холос. Ёш болалар шўхлик қилгудек бўлса, “бўжи”, “бобоп”, “доктор”ни пеш қилиб қўрқитилмайди, сўкилмайди, қарғалмайди ва дўппосланмайди. Япониядаги боғча тарбиячиларининг ёш болачалар билан биргаликда сакраб, худди улардек ўйнаб-кулиб юрганликларини кўрган чет эллик сайёҳлар доимо ўта ҳайратга тушадилар ва ўзгаларга ҳам айтиб берадилар.

Япон болалари ҳаддан ташқари чиниқтирилганлиги, шаъни, қадр-қиммати поймол қилинмаганлиги боис беҳад эркин, ғурури юксак тоғлардан ҳам баланд инсонлар бўлиб етишадилар. Уларда ҳам, худди биздагидек болалар тарбияси билан аксарият ҳолларда оналар шуғулланадилар. Улар фарзандларининг оқил, доно, одил ва меҳнатсевар бўлиб ўсишлари учун ўзларини оила сулоласи ва давлат олдида

масъул деб ҳисоблайдилар. Улар доимо боғча ёхуд мактабга келиб, ўз болаларининг хулқ-атвори, билимлари билан жиддий равишда қизиқадилар. Тарбиячилар ва ўқитувчилар ҳам улардан ҳеч нарсани мутлақо яширмасдан, болаларга доир барча маълумотларни берадилар. Ёлғон гапириш ва турли баҳоналарни рўкач қилиш болаларнинг ҳам, устозларининг ҳам "етти ухлаб тушига кирмайди". "Бировларни алдаш яхши эмас!" деган қоида уларнинг қон-қонига, ҳужайра-ҳужайрасига қадар сингиб кетган.

Япон оилаларининг аҳволи ҳам дунё аҳли эътиборини доимо ўзига тортиб келади. Бу ерда ажралиш деярли йўқ. Шу сабабдан ҳам отасиз ёки онасиз улғайган, етимлик ғам-ташвишини чеккан болага камдан-кам ҳоллардагина дуч келиши мумкин. Болалар ўз оналари томонидан отасига нисбатан жуда катта ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбияланади. Улар бола тарбиясига фақатгина оила эмас, балки бутун бир Японияга дахлдор масала сифатида қарайдилар.

Шу ўринда фурсати келиб қолгани сабабли ҳам, ўзимиздаги ҳолатдан бохабарлигингиз боис Европадаги энг қадимий давлат бўлмиш Грецияда бола тарбияси борасида ўрнатилган тартиблар билан танишиб қўйсак, асло зарар қилмаса керак. Бу давлатда аёл ҳомила таътилига чиққан кунларидан бошлаб, боласи етти ёшга тўлиб мактабга боргунича аввалги иш жойидан қанча ойлик олиб турган бўлса, ҳар ойда ўша маошини олиб туради ва иш жойи ҳам сақланади. Бундай имтиёзнинг асосий шарти, она ўз боласини ҳар жиҳатдан соғлом қилиб тарбияламоғи ва мактабга тайёрламоғи шарт. Мактабга бўлса махсус имтиҳон кўриги билан танланади. Бола шу кўрик имтиҳондан муваффақиятли ўтиб мактабга қабул қилинса, давлат етти йил давомида онага бериб келган пулдан воз кечади ва у аввалги иш жойида фаолиятини давом эттираверади. Борди-ю, аксинча бўлса, яъни бола роса ландавур, талабга жавоб бера олмаса, онаси ўша етти йил мобайнида давлатдан мунтазам олиб турган маблағни қайтармоғи шарт. Яна японларга қайтсак.

Японларда шахс ("мен") ҳамда жамоа ("биз") муносабатлари ҳам ажойиб равишда йўлга қўйилган. Шахс

жамоа ичида йўқолиб кетмайди. Жамоада ҳар бир шахс ўзини жуда керакли инсон деб ҳисоблайди. Ҳар қандай кичик, кимлар учундир арзимас масала ҳам синфда жиддий тарзда муҳокама этилади. Барчанинг фикри-мулоҳазаси жуда диққат билан тингланади. Шундан кейингина синфдошлар умумий қарорни қабул қиладилар. Устозлар ҳам ўз нуқтаи назарларини болаларга зўрлик билан тиқиштирмайдилар. Аксинча, ўз ғояларини болаларнинг хоҳишига мувофиқлаштириб, уларга тўғрироқ йўналишни сабр-тоқат билан изоҳлаб, кўрсатиб берадилар. Ғарбий Европа ёки АҚШдагидек "фақат ўзим бўлай" деган индивидуализм ғояси Японияда чуқур илдиз ота олмаган. Миллий анъаналар, қадриятлар ва ўта замонавийлик бу ерда жуда ажойиб тарзда қоришиб кетган. Болалар онгига "Бировга фойданг тегмаса ҳам, ўзгаларга, жамиятга, табиатга ҳеч зарар етказмаслик керак!" деган ғоя эса доимий тарзда чуқур сингдириб борилади.

Японлар учун бу ёруғ дунёда инсондан ҳам улуғроқ, азиз, қадр-қимматлироқ нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Мавжуд тартиб-интизомни билиб-билмай бузиш японларда ўз Ота юртига нисбатан сотқинлик, ҳақиқий хиёнат билан теппа-тенг кўрилади...

Японларда биздагидек алифбо йўқлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Уларда ҳар бир сўз, атама ва ҳаракат алоҳида иероглиф билан ифодаланади. Иероглифларни ёдлаб олиш натижасида эса болаларда кўриш хотираси ҳаддан ташқари ривожланади. Бундан ташқари, иероглифлар болаларни аниқ-тиниқ, конкрет фикрлаш ва гапини аниқ ифодалашга ўргатади. Шу сабабдан ҳам кўпгина чет элликлар ўз саволларига аниқ ва тезда жавоб қайтарган япон болалари жавобидан ҳайратланиб юртларига қайтадилар. Қайта-қайтадан чиройли ёзув машқлари оқибатида бўлса японларга хос бўлган ниҳоятда меҳнаткашлик хусусияти ҳам шакллана боради.

Япон ота-оналари ўз болаларининг ўқиши учун ҳеч қачон маблағни аямайдилар. Мактабда ҳам тўполончи ўқувчилар жуда қаттиқ жазоланмайди. Улар жазо сифатида фақат синф мажлиси, синф хонасини тозалаш (?!), экскурсия, ўқувчилар концертларида иштирок этиш ҳуқуқидан вақтинчалик маҳрум

этиладилар холос. Япон болалари учун жамоадан ажратиб қўйиш ва синф хонасини тозалашга рухсат бермасликнинг ўзиям катта жазо ҳисобланади.

Япониядаги муҳтож, кам даромадли оилаларнинг болалари маҳаллий ва миллий бошқарув ташкилотлари томонидан махсус ажратилган маблағ ҳисобига бепул нонушта қилиш, ўқув қуроли олиш, тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш сингари имтиёзларига эгалар. Барча ўқувчи болалар мактабдаги имтиҳонлар пайтларида уй юмушларидан тўла озод этилади. Ота-оналар ҳам болаларнинг ўқишига ёрдам бериш учун жудаям кўп ўқийдилар, мактаб ўқув дастурини мукаммал ўрганиб оладилар. Улар мактабгача тарбия ёшидаги болалари учун ойига камида ўртача 2 – 3 та китоб сотиб оладилар. Японияда ҳар ойда шу ёшдаги болаларга бағишланган 40дан ортиқроқ журнал нашр этилади ва ота-оналарнинг мутлақ кўпчилиги бу журналларга обуна бўладилар. Натижада, уларнинг болалари ҳам мактабга боргунларига қадар ўқишни ва ёзишни, оддийгина ҳисоблаш кўникмаларини бемалол ўрганиб оладилар.

Япония оилаларидаги уй парталари айниқса киши диққатини ҳам ўзига тортади. У мукаммал, ён томонидан алоҳида муҳофаза қилинган қурилма бўлиб, парта устида китоб жавони, ёритқич, соат, қалам, микрокалькулятор ва бошқа турли зарурий ашёлар, шунингдек, жуда керак бўлиб қолган чоғида ўзининг ота-онасини тезда чақира оладиган сигнал тугмачалари ҳам ўрнатиб қўйилган.

Японияда 2- синф ўқувчиси кўпчилик олдида бемалол нутқ сўзлаш қобилиятига эга бўлиши, 6- синф ўқувчиси бўлса камида 2та чолғу асбобида биронта куйни чиройли тарзда чала билиши, бошланғич синф ўқувчиси эса сувда бемалол суза олиши керак. Ўқитувчилар эса қўшиқ куйлай олиши, нотиқлик санъатини ҳам тузук билиши ва яхши спортчи бўлиши шарт, деб ҳисобланади.

Японлар феъл-атворидаги ўзгалар диққат-эътиборини ўзига тортадиган ўзига хосликларидан бири уларнинг ниҳоят даражада ҳақиқатпарварлиги, яъни, ўзбек таъбирича, “чақимчилиги”дадир. Айниқса, бу жиҳат ўқувчи-талабаларнинг

ҳаётида яққол намоён бўлади. Масалан, имтиҳон пайтларида бировлардан кўчираётган “кўчирмакаш”ни кўрган япон бундай ҳолатга кўз юма олмайди. У, ҳатто, дўсти бўлса ҳам, шу заҳоти ўқитувчига хабар беради. Бу унинг баттоллигиданмас, балки миллати келажагини ўйлашидан. Япнияликлар шундай фикр юритади: “Дўстим кўчирмакашлик қиляпти, демак, фанни унчалик ҳам яхши билмайди. Фанни яхши билмаслиги эса унинг келажакда сифатсиз иш бажаришига сабаб бўлади. Агарда у ёмонроқ ишласа, бошқалар олдида ўз “юзи”ни йўқотади. Мен эса бундай бўлишига сира ҳам йўл қўя олмайман, унга зудлик билан ёрдам беришим керак”. Қизиғи шундаки, ўша япон “чақимчи”ни асло ёмон кўрмайди. Аксинча, унга “юзи”ни йўқотишга йўл қўймагани учун раҳматини айтади. Ана шунақа! Ўзбекнинг аксарияти эса бунақа “чақимчи”ларни дарҳол ўзининг раҳмдил ота-онаси, амма-холаси, амаки-тоғасига “чақиб” беради.

Шундай қилиб, японлар тўғри ва ҳалол турмуш тарзини ғоят даражада қадрлайдилар. Болалар хулқ-атворидаги барқарорлик мамлакатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Болаларнинг ўзлари ҳам ўқиш ҳамда ўзлаштириш, ўзини ўзи тарбиялаш масалаларини доимо муҳокама қиладилар. Маънавий-ахлоқий нормалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни рўёбга чиқариш мақсадига дарсларнинг муайян бир қисми ажратилади. Ахлоқий жиҳатдан айбдор бола учун энг олий жазо ўқитувчининг ўзининг ўқувчиларидан ихлоси қайтиши ҳисобланади. Йўқотилган ишончни қайта тиклаш учун ўқувчи ва унинг ота-онаси жуда ҳам кўп тер тўкишларига тўғри келади. Японнинг ўқитувчиси ўқувчининг энг яқин маслакдоши, маслаҳатгўйи ҳамда мураббийсидир. Устозлар шогирдлари билан ҳатто таътил пайтларида ҳам алоқани узмайдилар. Япониянинг ҳукумати ҳам ўқитувчиларга худди дипломатлардек дахлсизлик, императорга нисбатан кўрсатиладиган юксак эҳтиромдек иззат-ҳурматни таъминлаб ва чинакам вазирларга бериладиган ойликка тенг “отнинг калласидек” маошни ҳам белгилаб қўйган. Ишнинг ҳақиқий аъло натижаси ҳам худди шунга яраша бўлади-да, ўзи!

Шундай қилиб, ҳали болалиги пайтидаёқ “подшо бўлган” япон, кейинчалик ўсиб-улғайиб Курраи Замин аҳлини чинакамига ҳайратга солиб, янада юксак чўққилар сари интила бошлайди.

ФИКР ТАРБИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

XXI аср ибтидосида Ота Маконимизда эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрига эга бўлган, ўзи билиб, бировнинг турткиси ё буйруғи билан эмас, мустақил тарзда фаолият юрита оладиган шахслар маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямизга айланиб бўлди. Озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган ва боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини эса ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз, халқ ҳамда Ватан манфаатларини уйғунлаштира оладиган мустақил шахсларнинг тарбияси олдимизда кўндаланг турган ўта муҳим, келажакни ҳал қилувчи вазифа ҳисобланади.

Мустақиллик шахснинг илк болалигидан бошлаб бирон-бир ҳаракат ёхуд машғулот билан банд бўлиш ва унинг масъулиятини ҳис этишга ундовчи бутун ҳаётий усуллар ёрдамида шаклланади. Эркинлик, табиийки, мустақил фикрлашни ҳам ўз ичига олади. Бу масалада биздаги аҳвол қандай? Яхшиси, Биринчи Президент фикр-мулоҳазаларига жиддийроқ диққат ва эътибор қаратганимиз маъқул: “Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман, мактаблардаги болалар мустақил фикрлашга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди, мабодо бирор ўқувчи ўқитувчисига эътироз билдиргудек бўлса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади-да. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчилар ҳукмрон. У болалардан фақат ўзи тушунтираётган нарсаларни тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: “Менинг айтганим-айтган, деганим-деган”… Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларида мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан

иборат”. Болани эркин фикрлашига йўл қўймай, фақат ўз хоҳиши билангина яшашга мажбур қилаётган тарбиячи, ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқалар, аслида, боланинг ижодий камолоти йўлидаги энг катта ғов, тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Ҳар биримиз ҳаёт ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ўзимиз вояга етган оиладан олганмиз. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деганларидек илм-маърифатли, зиёли оилада тарбияланган, эркин фикрлашга, масъулиятни ҳис этишга ўргатилган болалар мактаб, маҳалла, жамоат жойларида ножўя ҳаракат қилмайди. Бу хусусда А. С. Макаренко ота-оналарга шундай маслаҳатини берган эди: “Сизнинг хулқ-атворингиз ҳал қилувчи омилдир. Сиз болангизни фақат у билан гаплашаётганда, унга бирор нарсани ўргатаётганда ёки буйруқ бераётгандагина ўргатаман деб ўйлайманг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида, ва ҳатто, ўзингиз уйда мавжуд бўлмаган чоғингиздаям тарбиялайсиз. Сиз қандай кийинишингиз, бошқа кишилар билан қандай суҳбатларни қуришингиз, қандай қувонишингиз ва ташвишланишингиз, дўстларга ва душманларга қандай муомала қилишингиз, қандай кулишингиз, қандай газета-журналларни ўқишингиз бола учун жудаям катта аҳамиятга эга. Товушингиздаги озгина ўзгаришниям бола сезади ёки ҳис этади, фикрингиздаги барча бурилишлар кўринмас йўллар орқали унга ҳам етиб боради”. Демак, юқоридаги келтирилган фикрдан келиб чиқадиган энг асосий хулоса айнан шундан иборатки, фарзандига таълим-тарбия бераётган пайтларида, энг аввало, ота-оналарнинг ўзлари улар учун чин намуна ва ибрат бўлмоқлари даркор экан.

Миллатимиз келажагининг чинакам жонкуярларидан бири, адабиётшунос олим Султонмурод Олим “Садо” газетасида (2017 йил 19 октябрь) босилган “Ўйинчоқ ўйин эмас” сарлавҳали бир ибратли битигида яқин “ўткан кунлар”ни шундай эслаган эди:

“Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Ғарбий Европада яшайдиган муҳожир ватандошларимиздан бири менга қарата:

– Сизларда атайлаб болаларни урушқоқ қилиб тарбиялар экан-а? – деб қолди. Ҳайратдан нима дейишимни билмай қолдим. Кейин эса у менга шошмасдан, бафуржа шарҳлаб берган эди:

– Шўравийнинг дарди – бутун Ер юзини босиб олиш эди. “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!” – шиорининг замирида худди шу мақсад яширин. Шунинг учунам болаликдан одамларни ўқ отиш ва қурол ушлашга аста кўниктириб, ундаги босқинчилик ҳамда ваҳшийлик кайфиятини кучайтириб боришни ўйлаган.

– Жуда унчалик эмасдир-ов? – деган эдим мен ўшанда.

– Агар жуда унчалик бўлмаса, нега унда ҳамма хонадонда болаларингизнинг қўлига тўппонча, автомат, пулемёт, танклар, ҳарбий самолётлар ва бошқа қуролларни тутқазиб қўйгансизлар?

Кўрдингизми, оддий ўйинчоқлар замирида ҳам мақсад, ғоя, мафкура, сиёсат ётар экан. Шунинг учун биз келажакда боламиз айнан қандай одам бўлишини истасак, шунга мос равишда унинг қўлига ўйинчоқ тутқазишимиз керак. Бу борада соддалик қилиб бўлмайди. Бундай соддаликни даврнинг ўзи жазолайди. Эртага: “Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога”, – деб ўтирмаслик учун ҳам бугун муаммога ғоятда очиқ кўз билан боқиш, мавжуд масалани бўлса тўғри – оқилона ва одилона ҳал этишимиз керак.

Инсонга Раҳмон ҳам, Шайтон ҳам ҳамроҳ деган жуда доно гап бор. Ваҳшийлик сари йўл очадиган ўйинчоқлардан воз кечиш зарур. Чунки, улар шайтоний туйғуларнинг дарахтига сув қуяди”.

Ўзингиз ҳам кўриб-билиб турганингиздек, ҳозирги замонда турли ўйинчоқлар орқали мурғак қалбларга яланғочлик ғоялари ҳам сингдирилаётгани сира ҳам сир эмас. Ғарбда: “Нима табиий бўлса, у гўзал бўлади”, – деган бир ғоя ҳукмронлик қилади. Бир қарашда, бу унчалигам хато фикр эмас. Албатта, кимё аралашган сохта ичимликларни истеъмол қилгандан кўра боғдан мева узиб ейиш минг чандон афзаллигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Аммо бу ердаги табиийлик тушунчаси замирида, минг афсус ҳамда надоматлар бўлсинким, инсонни кийимларсиз, онадан янги туғилгандек, қип-яланғоч ҳолда кўриш, тасвирлаш, шунга даъват этиш илинжи яширин-да. Калта юбкани кийволган, беллари эса очиқ-сочиқ, ярим яланғоч қўғирчоқлар қанийди, фақат ўйинчоқ магазинларидагина бўлсайди. Бевосита миллий ҳаётимизга кириб келяпти-ку бунақа иллатлар. Мактабга калта юбкасини кийволиб, белини очиб бораётган қизалоқ онг-тафаккурида бу меъёр бўлиб ўрнашиб қолмаганми? Чунки, у ўйнаган, у суйган қўғирчоқлар ҳам ана шундай эди-да. Ахир ўзимиз унинг ўшаларга ҳавас қилиб ўсишига йўл қўйиб, шунга шарт-шароитни яратиб бермадикми?! Энди эса лабимизни тишлаб, афсусланиб, бошимизни чангаллаб ва тушимизни сувга айтишдан бўлак иложимиз йўққа ўхшайди...

Султонмурод Олим дейдики, “Германия қиммат мамлакат. Магазинларда бир сантиметр квадрат жой ҳам фалон пул туради. Ва шунга қарамасдан, ўйинчоқ дўконларида болалар учун тайёр томошахоналар қилиб қўйилган. Ўрмон. Ҳамма ёқ кўм-кўк. Тоғ тарафдан сой оқиб тушади. Атрофда эса ҳамма ҳайвонлар меҳнат билан машғул. Бўри қўлидаги болтаси билан тинмай ўтин ёряпти. Айиқ полвон шу ноқулай гавдасига қарамай ёғочни арралаяпти... Буни кўрган болакай тафаккурида, онг ости туйғуси – шуурида: “Бўрики ўтин ёрса, айиққи арра тортса, демак, мен ҳам ишлашим, меҳнат қилишим керак”, – деган фикр-ўй пайдо бўлади. Меҳнат тарбияси инсонни камолга етказишнинг ўзак масаласидир. Одам боласи, бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, айнан ақлли бўлгани учун ҳам, ишламай тишлашнинг турли-туман йўлларини излашга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам ўйинчоқларимиз болаларимизда меҳнатга нисбатан чинакам меҳр-муҳаббатни уйғотмоғи даркор.

Ўйинчоқ болаларни алдаб, тинчлантириб турадиган шунчаки бир нимарса эмас-да. У табиий, яъни эстетик тарбиянинг кучли воситасидир. Болаларимизга ўйинчоқ орқали ғоя-ю мафкура ҳам, миллийлигу инсонийлик ҳам, ахлоқу одоб ҳам аста юқаверади-да. Бу жиҳатни эса инобатга олмасликка,

асло писанд қилмасликка ҳеч биримизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ”.

“Авесто”да бу хусусда шундай ёзилган: “Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ҳамда тириклик идрокиниям хароб айлайди. Ҳақиқатда, у одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва Эзгу Ниятдан баҳрасиз айлайди” (Гоҳ, 32- Ясна, 9- банд). Худди шу сабабга биноан, миллий ғояни болалар, ёшлар, ва умуман, инсон қалби ҳамда онгига сингдириш жараёни оиладан бошланса, мақсадгаям мувофиқ бўлади. Шу ўринда улуғ муаллим Абдулла Авлонийнинг бугунга дахлдор ўта муҳим бир фикрига ҳам эътибор қаратсак: “Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган ва муаллимлар диққат-эътиборларига суянган, виждонларига юкланган бағоят муқаддас вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик ва ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия эса муаллимлар ёрдамига сўнг даражада муҳтождирки, фикр қуввати, зийнати ва кенглиги муаллимнинг тарбиясига бевосита боғлиқдур. Дарс ила тарбиянинг орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, аслида иккиси бир-биридан ойрилмайдурган, бирининг вужуди эса бирига бойланган жон ила тан кабидир”.

Демак, таълим ва тарбия бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ асл шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Ҳар бир инсоннинг қонида эзгулик ҳам, ёвузлигам, муҳаббату хиёнат ҳам азалий ва абадий, ҳамиша ёнма-ён яшаб келади. Қайси бир сифатнинг балқиб юзага чиқиши муқаррар равишда у олган тарбияга боғлиқ. Тарбияни эса, аввало, муҳит белгилайди. Худди ўша муҳитни яратиб берадиган асосий омил бўлса, турган гапки, сиз ва биз яшаб келаётган жамиятдир.

Шўро давридаги таълим-тарбия тизимининг беҳад номақбул томони ҳам айнан шундан иборат эдики, ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, битирувчиларнинг билимига қараб эмас, энг аввало, уларнинг коммунистик ғояларга садоқатини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш тамойили асосий ўрин эгалларди. Кўпчилик кишилар ҳақиқий билим ё малака орттириш мақсадидамас, амал-тақал

қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёхуд институтларга кирар эди. Ҳатто, бу нарса советлар ҳукумати махфий хизмати йўриқномасининг 45- моддасида мана шундай равишда белгилаб қўйилган эди: “Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш(имиз) керакки, улар халқнинг оми қатламидан бўлишсин ҳамда уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, фақатгина диплом қизиқтирсин” (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент “Шарқ” НМАК, 2000, 510- бет). Бу тузумдан бизга қолиб кетган мерос ичида шунга ўхшаш салбий асоратлар, минг афсуски, ҳозир ҳам сезилиб турибди-да.

Янги авлод тарбияси масаласи барча замонларда ҳам фидойи зиёлиларнинг диққати марказида турган. Миллатини озод кўриш истагидаги жадид маърифатпарварлари Абдулла Авлоний каби, бу муаммони ҳаёт-мамот масаласи деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Фитратнинг жуда машҳур “Нажот йўли” рисоласида шундай ғоя илгари сурилган эди: “Ҳаётнинг умумий жадалгоҳида инсоннинг ўрни буюк. Ҳар бир одам улғайгач, ўз бахт-саодатини таъминлаш учун ушбу жадалгоҳга кириб курашишга (ҳам) мажбур. Бу кураш майдонида ўзида уч нарсани мужассамлаштирган инсонларгина ғолибликка эришиши мумкин. Бу уч нарса: тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқдан иборат. Шу учта нарсанинг биттасидан маҳрум бўлган одам бу курашда мағлуб чиқишиям муқаррардир. Бошқа ибора билан айтилганида, бахт-саодат жисмонан соғлом, солим фикрли ҳамда чиройли хулқли инсонларга насиб этади, шу жиҳатларга эга бўлганлар турли хил бадбахтликларниям муносиб кутиб оладилар. Баст, фарзандининг бахтсиз бўлишини истамаган ҳар бир ота уни мустақил ҳаётга қўйиб юборишидан олдин эса, мана шу мазкур учта аслаҳа билан қуроллантириб қўйиши керак.

Тарбиянинг маҳсули ҳам худди шундай, яъни одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран, хулқан камолга етказиб, саодатга эришишга қобилиятли қилишдан иборат. Гарчи, ҳар бир инсон бешикдан то қабрга қадар тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болаликдан тарбиялаш таъсирлироқ ва

ўта муҳимдир. Шундан ҳар бир маданий тоифа гўдакларнинг тарбияси хусусида жиддий равишда бошни қотириб, сарфи ҳиммат қиладилар. Улар истиқболларининг саодатли ёхуд фалокатли бўлишини ёш авлод тарбиясига бевосита боғлиқ ҳолатда кўрадилар”.

Шу боисдан ҳам уч минг йил муқаддам зардуштийликнинг энг муқаддас китоби – “Авесто”да “Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кишиларгагина яхшилик насиб этади” (Гоҳ, 43- Ясна, 1- банд), деган беқиёс даражадаги ўта эзгу ғоя илгари сурилган эди.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган инсонлар қилиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самарасиям паст бўлиши муқаррар. Албатта, тараққиёт учун билим керак. Аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам беҳад катта бойлик ҳисобланади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни муҳофаза қилишдек муаззам ва масъулиятли тарихий вазифаниям фақатгина мустақил фикрлаш, ишлаш ҳамда яшаш маданиятига эга бўлган мустақил шахслар кўнгилдагидек бажара оладилар. Мустақил шахс дегани эса инсонпарвар, демократик жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг таъсири натижасида қарор топади. Мустақил шахс шаклланишида эса объектив шарт-шароит ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлишигаям қарамай, субъектив омиллар: оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла, сиёсий партиялар, турли маданий-маърифий уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат жамоат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий шериклик ва ягона бир дастурга асосланган маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларининг таъсири беҳад беқиёсдир.

Ҳар қандай мустақил шахс учта асосий компонент: мустақил фикрлашни, мустақил ишлашни ҳамда мустақил яшашни ўзида мужассамлаштиради. Бу компонентлар мустаҳкам ҳамкорликдаги фаолиятни кўрсатиб, шубҳасиз тарзда, бири иккинчисига таъсир ўтказиб туради. Лекин,

шахснинг чинакам мустақиллиги эса, энг аввал, унинг фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Худди шу қобилият туфайли инсон ўзи кўрган ва билган, эшитган, атрофида содир бўлаётган воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар моҳиятини, улар тўғри ёки нотўғрилигини аниқлайди.

Инсоннинг фикрлаш қобилияти эса, энг аввало, унинг фаҳм-фаросати, ақл-заковат, зеҳни ва иқтидорига боғлиқ бўлади. Худди шу сабабга кўра фикрлаш ҳам ўзгариб турувчи жараён бўлиб, у ўзининг ривожланиши давомида иккита йирик босқични босиб ўтади. Фикрлаш жараёнининг пастки, қуйи босқичи илм-фанда ҳам, буюк ўзбек халқи орасида ҳам фаҳм-фаросат деб аталади.

Фаҳм ва фаросат ҳар қандай инсон фикрлаш қобилиятининг асоси, пойдеворини ташкил этади. Жалолиддин Румийнинг яқин дўстлари ҳамда суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳазаларидан иборат “Ичиндаги ичиндадир” номли фалсафий-маърифий асарида фаҳм-фаросатга дахлдор муҳим бир мулоҳаза билдирилган: “Ривоят қиладиларки, бир подшоҳ ўғлини ҳунармандлар тўпига қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, ва шу жумладан, илму нужумдан дарс беришибди. Шоҳнинг ўғли бутунлай аҳмоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди. Кунлардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ўз ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига “Бунда не бор?” дебди. Бола “Қўлингдаги думалоқ, сариқ ва ичи бўш нарсадир” дегач, ўша ҳукмдор беадад ҳайратда қолиб, “Аломатларини тўғри айтдинг, исмини айт” деб буюрибди. Ўғил бўлса “Ғалвир бўлса керак” деб жавоб берибди. Подшоҳ “Олган таҳсилинг шарофати билан мени (беҳад даражада) ҳайрон этиб аломат–белгиларини аниқ айтинг-у, аммо шу ғалвирнинг ҳовучга сиғмаслигига қандай қилиб фаросатинг етмади?” деди ўта афсус чекиб. Худди шундай, – деб давом этадилар Румий ҳазратлари – замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо росаям муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганни, яъни

ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсадан яқин бўлган борлиқ бу уларнинг менлигидир”. Мавлоно Румий инсонни, аввало, кўзини очишга, ўз моҳиятига назар ташлашга ва фикрлашга ундайди.

Шу ўринда тағин ўша Фитратнинг “Нажот йўли” китобида келтирилган фикр тарбиясига дахлдор мулоҳазаларига эътиборни қаратсак: “Фикр тарбияси одамнинг ақлини камолга етказиш ва бахт-саодатга етишиши учун қобилиятли қилиб тарбиялашдир. Одам ақли тўғри ва яхши муҳокама қила олсагина камолга етган ҳисобланади. Муҳокаманинг ўзи эса нимадир? Муҳокама дегани маълум бир ҳукмлардан мажҳул ҳукмларни ажрата билишдир.

Масалан, “ватанга хизмат қилиш вожиб” деган ҳукм беҳад мажҳулдир (яъни, у номаълум). Бу ҳукмнинг маълум бўлишлиги учун иккита маълум ҳукмлар бўлиши керак, мисол учун “ватан бизнинг валинеъматимиз”, “валинеъматга хизмат қилиш вожиб”, “шундай экан, ватанга хизмат ҳам вожибдир”... Тўғри муҳокама юритиш учун эса киши учта нарсани билиши шарт: 1) исбот; 2) истиқомат; 3) суръат. Исбот бу маълум ҳукмларнинг рост ҳамда тўғри бўлишлиги; истиқомат – маълум бир ҳукмларнинг мажҳул ҳукмларга мантиқан тўғри ва изчил кўчиши; суръат эса – тўғри ва маълум ҳукмларнинг бетўхтов, батартиб ва тезлик билан мажҳул ҳукмларга кўчишига айтилади... Энг аввал, болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатиб қўйинг, яъни уларга доимо тўғри, рост маълумотлар беринг, хотираларидан беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл қўйманг, акс ҳолда улғайганларидан кейин ҳам худди ана шу беасос фикрларга тартиб бериб, нотўғри муҳокама қиладилар, натижада бўлса нотўғри йўлларга кириб қолиб, зарар кўрадилар. Ота-оналаримиз ва муаллимларимиз бизга гўдаклик чоғимиздан Кўҳи Қоф париларининг ҳар хил ҳужумидан сўзлаб, калламизни пуч, бемаъно хаёлларга тўлдириб келадилар. Шунинг учун, биз улғайганимизда мушук юрса ҳам, бирон бир садо чиқса ҳам ваҳимага тушиб, ана шу ваҳима ва қўрқувдан касал бўламиз.

Иккинчидан, болаларимизга фикрлашда истиқомат қилишни ўргатинг, яъни улар маълум фикрларни мажҳул

фикрларга тўғри ўтказсинлар ва маълум фикрлар асосида хулоса қилаётганларида нотўғри хулосага келмасинлар. Бунинг учун болаларни муҳокама қилишга ўргатинг, ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини муҳокама қилиб ва исботлаб уларга тушунтиринг, уларнинг кўр-кўрона тақлид қилмасликларига ҳар доим эътибор қаратинг.

... Илова учун, бизлар гўдакларимизни муҳокамадан маҳрум қолдириб, барча ишларни мушту калтакнинг остида қолдирамиз. Масалан, болага дарсингни қил, тирноғингни ол, қимор ўйнама, деб айтамиз. Лекин қандай тарзда? Агарда менинг айтганларимни бажармасанг, калтак ейсан, деймиз. Бу буйруғимиз худди кўрга "ҳассангни ташлаб шу йўлга тушиб кетавергин, агар йўлда тошга урилиб йиқилсанг, сени ўлдирамиз", дейиш билан баробар-ку.

Сиз ўзингиз, аввало, чуқурроқ мулоҳаза қилинг: бола дарс тайёрламаслик ва тирноқларини олмасликнинг зарарини билмаса, қандай қилиб айтганларингизни самимий равишда қабул қилсин. Ҳа, у болалигида калтакдан қўрқиб амал қилади, аммо улғайиб ўша калтакнинг зарби хотирасидан ҳам буткул чиқиб кетгач, ўзи хоҳлаганича иш кўради, сиз қил деганингизни қилмасдан, қилма деганингизни қила бошлайди. Мана шу жабру зулмингизнинг асл "фойдаси" бўлади. Аммо, сиз қимор ўйнаш, дарс тайёрламаслик, тирноқ олмасликлар зарари ҳамда ёмонлигини ширин тил билан тушунтирсангиз, уни энг яхши ишларга рағбатлантириб ва ёмон ишлардан нафратлантира олсангизгина, айтганларингизни ўзиям хоҳлаб бажаради, ҳам сизнинг дийдорингиздан безор бўлмайди".

Фикрлаш жараёнининг энг юқори босқичи ақл ҳисобланади. Фаҳм-фаросат ҳис-туйғуларга асосланса, ақл эса кўпроқ билимга ва илмга таянади. Айнан шу сабабдан ҳам, аниқ, тиниқ ва равон фикрлайдиган кишиларни халқимиз ақлли инсонлар деб атайди. Фикрлаш деганимиз – доим ҳаракатдаги жараён бўлса, ақл унинг ҳосиласидир. Ақл ёрдамида инсон ҳамиша беҳад оғир вазиятдан ҳам чиқиб кетиш учун ўзига тўғри йўлни топа олади. Энг қийин муаммоларниям бартараф этади. Аждодларимиз томонидан фикр-мулоҳазасиз ва ақлсиз кишиларни аҳмоқ, галварс, нодон, ҳозирги даврimiz ёшлари

тарафидан эса “тупой” (“ўтмас, бирор нарсага ярамас”) деб аталишидаям катта ҳикмат бор. Бу масала хусусида тағин Жалолиддин Румийга мурожаат қилсак, муаммони англаш ҳам енгилроқ кўчган бўлар эди: “...бир қанча аскар бир амирнинг хизматида бўлса ва унга бўйинсунса, ўша амир ҳам бутун ақлу закосини қўл остидагилар аҳволини яхшилашга сарфлайди. Агар хизматкорлар итоат этмай қўйса, амир ҳам ўз ақлини уларнинг эҳтиёжларини қондиришга ишлатмайди. Ақл инсон вужудидаги бир амир кабидир. Модомики, вужуднинг раиятлари унга бўйин сунса, барча ишлар ҳам текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан қўл-оёқ ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаъқулчиликни ҳам кутиш мумкин. Эртасига бўлса киши ўзига ўзи “Оҳ, нималар қилиб қўйдим, нега урдим, нега сўкдим?” дейди. Шунинг учун ҳам раҳбар бўлганида ва унга итоат этилганда, ишлар ҳам жойида бўлади. Масалан, ақл “Кетаман!” деганида, оёқ унга бўйинсунсинки, кета олсин, йўқса, (ақл) кетишни асло ўйламайди. Шу тарзда ақл вужудда бир амир ҳисобланади, қолганлар эса халқдир ва ўз билимлари-ю, нуқтаи назарларидан қатъи назар, ақл учун хизматкордирлар. Ақл – улар орасида валийдир. Агар халқ ақлга итоат қилмаса, ишлари доимо пушаймонлик ва паришонлик ичида бўлғуси. Лозим бўлганидек итоат қилинса-чи, уларнинг ўз ақлларига мурожаат этишларига ҳожат қолмайди. Чунки, улар масалани ўз ақллари билан (балки) тушуниб етмаслар. Шунинг учун ҳам ақлга бош эгишлари зарур”.

Инсон ақли самарадорлиги унинг нафақат билимдонлигига, шу билан бирга, худди ўша билимларнинг аниқ бир мақсадга ҳам қаратилганлигига ва йўналтирилганлигига боғлиқ бўлади. Ақлли киши фақат кўп билимга эга эканлиги билангина эмас, балки ўша билимларни эзгулик, яхшилик учун сафарбар қилиши билан ҳам ажралиб туради. Шу боисдан ҳам уч минг йил муқаддам ўзбек давлатчилиги илк даври мафкурасини ўзига жо этган бобокалон китоб “Авесто”да бу масалагаям жиддий эътибор қаратилган эди. Унинг Виспирад қисмида (15- бўлим, 1, 3- бандлар)

белгиланган, “Ўз оёқларинг, ўз қўлларинг ва эс-ҳушингни эзгу амал, адолат ва тўғриликка йўллагин; ёмон ишлардан, бедодлик ва эгриликдан тийилгин!” деган даъват бир неча марта қайта такрорланган эди.

Гоҳларда бўлса, “– Эй, Мазда! Ўзга инсонларга ёруғликни истаган кишиларга чинакам ёруғлик насиб этади.

Ҳақиқатнинг нурлари остида, беадад эзгу ниятдан яралган маърифатингдан бизларга ҳадя қил, токи тириклигимизнинг ҳар бир лаҳзаси, ҳар соати, ҳар бир кунида шодмонликдан баҳраманд бўлайлик” (Гоҳ, 43- Ясна, 2- банд) деган эзгу тилак, “– Эй, эзгу ниятга кўнгил қўйган, дил боғлаган зотлар, ғазабни ичга ютинг, жаҳлнинг бағриданам ўтинг, ўзни тундлик, жоҳиллик қаршисида янада қудратлироқ ва саботлироқ айланг. Ашаҳ – ҳақиқатнинг ер юзида ёйилмоғи, пойдор ва устувор бўлмоғи учун пок мардлар сафига қўшилинг!” (Гоҳ, 48- Ясна, 7- банд), “Оламнинг ободлиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду жаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ керак” (Гоҳ, 48- Ясна, 5- банд), деган чақириқлар эса ўша даврда яшаган аждодларимиз онги ва қалбига сингдирилиб, уларни донишмандлик йўлига бошлаганди. Аслида, “Авесто” бўйича, “Йўл бирдир ва у Ашаҳ – Ҳақиқат йўлидир. Қолган барча йўллар эса йўлсизликдир” (Виспирад, 24- бўлим, 3- банд). Шу сабабга кўра зардуштийлик таълимотининг асосчиси:

“– Эй, Мазда! Ҳақиқатда, мен Зардушт, Ашаҳ – Ҳақиқат шайдоси сенга баланд овозда намоз келтираман.

Зора Яратувчи Эзгу Ниятнинг ёрқин нурлари остида мениям ўзининг амр-иродасидан огоҳ айласа ва токи забоним одамларни донишмандлик йўлига бошлаб борса” (Гоҳ, 5- Ясна, 6- банд), дея ундан нажотни тилаган, ўтиниб сўраган ва илтижо қилган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўзининг барча билимларини бошқаларнинг фаровон ҳамда тўкин-сочин турмуши учун сарфлаган ақл соҳиби чинакам донишманд даражасигача кўтарилади. Битикларнинг шу ўрнида эса “фаровон” сўзи этимологиясига қисқача изоҳ бериш заруриятиям туғилади, чунки, биз бетиним қўллайдиган фармон, фармойиш, фаровонлик, фараҳбахш,

фарзанд, фароғат, Фарангиз, Фарҳод, Фаррух сингари атамалар илдизи ҳам “Авесто” замонига бориб қадалади. Фарр – саодат, шавкат, порлоқ, нур маъносини англатади, у қут, баракат, иқбол каби сўзлари билан бир қаторда қўлланган. “Авесто”да бўлса “Хаврина” шаклида ёзилган. Барака топиш ва саодатли бўлиш бевосита фаррга боғлиқ, у кишининг яхши амаллари эвазига қўлга киритилади, деб ҳисобланган. Фарр – ёруғлик, равшанлик бахш этувчи, унинг самовий ва илоҳийлиги ҳам айнан шундаки, одамларнинг яхшилиги ва солиҳ амаллари туфайли қудрат, бойлик, муваффақият сифатида дунёдаги қолган барча одамларга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади, деб билинган.

“Авесто” бўйича, донишмандлик маъно-мазмуни ва мақсад-муддаоси – ҳақиқатни қарор топтиришга ва эзгуликка қаратилган. Донишмандлик билимсиз ва илмсиз содир бўлиши мумкин эмас. Лекин, билим, илм – донишмандлик ҳам эмас. Ҳар қандай илм, билим ҳам яхшиликка хизмат қилавермайди. Террор ва жиноят кўчасига кириб қолганлар ҳам маълум даражадаги билим, илмга таяниб ўз қилмишларини содир этадилар. Донишмандлик бўлса нодир истеъдод, теран билим, ўткир зеҳннинг юксак ахлоқийлик билан қоришуви асосида шаклланади. Аниқроғи, донишмандлик ақлийлик ва ахлоқийлик қўшилувининг энг юксак нуқтасидир.

Ҳозирги замон инсоншунос олимлари инсоннинг фикрлаш қобилиятини биринчиси иккинчиси билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган икки: амалий ва назарий даражаларига бўладилар. Ушбу икки даража ўзаро алоқадорлигининг мустаҳкамлиги бўлса инсонларнинг айнан фикрлаш тарзида ҳам яққол намоён бўлади.

Инсоннинг фикрлаш тарзи: очиқ (ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост ва ошкора баён қилиш), устакорлик (ўз нуқтаи назарини бирданига баён қилмаслик ва ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб туриш), ҳушёр (ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фикрининг яхши-ёмон томонларини зийраклик билан таҳлил қила билиш ва минг марта ўйлаб, кейин сўйлаш), ижодий (ўз қарашларини баён этиш чоғида ноанъанавий, ностандарт мулоҳазаларга асосланиш), догматив (фақат бир қолипда ва бир

хил андозада фикр юритиш, мушоҳада қилаётган муаммосининг бирорта томонини бўрттириб кўрсатиш), авторитар (обрў-эътиборга, ўзидан юқори даражадаги мансабдор, амалдорларнинг қош-қовоғи ва уларнинг кайфиятига қараб фикрлаш) каби турли кўринишларда ўзини намоён этади.

Фикрлаш тарзидаги рўй-ростлик ва ошкоралик доим ўзгариб туради. Ошкора, очиқ фикрловчи киши муаммолар ечими учун тайёр формула ёки бир хил қолипларни қидирмайди. У ўзи ўйлаб топган ечимини бошқаларга рўй-рост баён этиб, ўзгаларни бу йўл асли тўғри эканлигига ишонишга тарғиб-ташвиқ этади. Фикрлаш тарзида ҳушёрлик ва устакорлик устувор бўлган кишиларда эса ўзининг атрофида содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни, ўзгаришларни ўта моҳирлик билан ҳар томонлама таҳлил қилиш малакаси кучли бўлади. Бундай фикрлаш хусусиятига эга бўлган кишилар ўз тажрибалари асосида ҳосил қилинган ҳукмлар ёхуд хулосаларни жуда секинлик билан ўзгартирадилар. Бошқачасига ифодалайдиган бўлсак, бундай кишиларнинг фикрлаш тарзи бир вақтлар шаклланиб қолган турли стереотипларга садоқати билан ўзга одамларнинг фикрлаш усулидан ҳам яққол ажралиб туради.

Ижодий фикрлаш тарзи бўлса кундалик турмушда вужудга келган муаммоларнинг янгича ечимларини излаб топишни тақозо этади. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида бўлса ижодкор инсоннинг ижодий фикрлаш тарзи билан унинг кундалик хатти-ҳаракатидаги номутаносиблик тўғри баҳоланмаган эди. Бундай номутаносибликнинг ривожланиб кетиши таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги бугун ҳеч кимга сираям сир эмас. Буни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг юқорида келтирилган ўринли, ҳақли эътирози ҳам яққол исботлаб турибди. Аввалига ота-оналарининг, сўнгра эса ўқитувчиларнинг бир хил қолипдаги кўрсатмалари болаларнинг эркин ва мустақил фикрлашига сираям йўл бермас эди. Тайёр билимларни ўқувчига етказишга ва уни ўзлаштиришга мўлжалланган ўша замонлардаги догматив (қотиб қолган) таълим услуби бўлса

фақатгина битта жавобга, биттагина, ягона ечимнинг тўғрилигига асосланган эди.

“Мардона руҳи” бизга ёр бўлган аждодларимизнинг сафига қўшилган Ислом Каримов фикрини тағин такрорлайдиган бўлсак: “Мактаблардаги жараёнда ўқитувчилар ҳукмрон. У болалардан фақатгина ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: “Менинг айтганим-айтган, деганим деган”. Ҳақиқатан ҳам қолган ечим, бошқа жавоблар нотўғри, деб ҳисобланар эди. Ана шундай таълим тизими орқали эса ўқувчи ёшларда олам ва одам тўғрисида бир қолипдаги тасаввур ҳосил қилинган. Бундай бирёқламалик, ўз навбатида, бошқача фикрлаш тарзига шарт-шароитни яратмасдан, улар ривожига тўсиқ бўлган. Натижада, совет таълим тизимида таҳсил олган кишилар қаттиқ цензура остидаги оммавий ахборот воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларида баён қилинган маълумотлардан ўзга ахборот ва билимлардан ҳам бебаҳра қолганлар. Турган гапки, ўзгача фикр юритган ўқувчи, талаба, ўқитувчиларнинг бошида коммунистик идеологиянинг қип-қизил рангга бўялган сиёсий таёғи қарсиллаб синар эди. Бундай советча таълим-тарбия асосида фикр юритган миллионлаб ёшлар эса воқеа, ҳодиса, ўзгаришларга фақат “яхши” ёки “ёмон”, ижобий ёхуд салбий деб баҳо беришга ҳам ўрганиб қолган эдилар. Айрим катталарда бу нарса ҳозир ҳам сезилади.

Инсоннинг фикрлаш тарзи бир қатор омилларга, ва чунончи, туғма интеллектуал қобилиятга, иқтидор, истеъдодга, болаликда олган таълим-тарбиясига, меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятининг характерига, миллий ва умуминсоний маданиятнинг меъёрларини ўзлаштириш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу омилларнинг ўзаро алоқадорлигини узлуксиз таъминлаш механизмида эса бир қатор муаммолар бўлишига қарамай мустақил, эркин фикрловчи шахс ҳамиша ўзини ўзи бошқаришга эҳтиёж ва зарурият сезади. Инсон майда-чуйда назорат, чеклашларданам қанчалик даражада холи бўлса, мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш учун шунчалик реал имкониятлар, шарт-шароит ҳам вужудга келади. Айнан шунинг учун ҳам мустақил тарзда фикрлаш маданияти,

ўз навбатида, мустақил фаолиятни кўрсатиш ҳамда мустақил яшаш жараёнида тағин ривожланиб, янада мустаҳкамланиб бораверади.

Ўзининг қатъий, асосланган фикрига эга бўлмаган кишилар одатда тарозининг палласи босиши ёки шамолнинг қайси томонга эсишига қараб чўчиб ва ҳуркиб фаолият юритади. Худди шундай фикрловчи кишилар ҳалол, сидқидилдан ва фидокорона меҳнат қилаётганлар фаолиятига эса холис баҳони ҳам бера олмайдилар. Шундай қилиб, инсоннинг фикрлаш тарзидаям бири иккинчисига буткул зид, беқарор ва ўзгарувчан майллар ҳам мавжуд бўлади. Айни шундай беқарор майлларнинг таъсирида баъзан билиб, гоҳо билмай одам ўз хатти-ҳаракатидаги нуқсонлариниям камайтириб, бошқаларникини эса бўрттириб кўрсатишга уринади. Оқибатда, бундай кишиларда ижтимоий турмушда содир бўладиган воқеа, ҳодисалар, жараёнларга ўз масъулиятини аста камайтириш, ўзига бўлган иззат ва ҳурматни бўлса ошириш эҳтиёжи ўсиб боради.

Лекин, шунисини ёддан кўтармаслигимиз шартки, шахснинг фикрлаш тарзида ҳам ўзгаришлар рўй бериб тураверади. Бундай ўзгаришлар, турган гапки, ижобий ёхуд салбий томонга бўлиши мумкин-да. Мабодо жамиятдаги ижобий ўзгаришлар, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, миллий ғоя тарғибот-ташвиқоти таъсирчанлиги натижасида бирорта кишининг фикрлаш тарзида ижобий – эзгуликка томон силжишлар рўй берса, бундай ўзгариш жамиятнинг катта ғалабаси, хайрли ишларнинг оқибати бўлади.

Авторитар, яъни догматик фикрлаш тарзи бўлса фикрлаш маданиятидаги турли-туман “ижобий” ёки “салбий” томонларини мутлақлаштиради. Кимнингки фикрлаш маданиятида “ўзимники” ва “бировларники” деб ўйлаш тарзи ҳаддан ташқари устуворлик қилса, бундай кишилар жамият учун ўта хавфли бўладилар. Улар ўз атрофларидаги кишиларга ҳар доим шубҳа билан қарайдилар. Турли рақиблар, ғанимлар, душманлар, рақобатчи кишиларининг таъқиби остида қўрқиб-писиб, ваҳимага тушиб яшайдилар. Фақат ўз манфаати ҳақида ўйлайвериш, эгоцентризм, яъни худбинлик, уларнинг бошқалар

қувончлари-ю ташвишларига шерик, ҳамдард бўлишига ҳам йўл бермайди. Бундай худбинлар фикрлаш тарзида бошқалар қувонч ва ташвишларини ўз манфаати чиғириғидан ҳам ўтказиб таҳлил қилиш одат тусига кириб қолади. Педагог олим, профессор Муҳаммаджон Қуронов таъбири билан айтганимизда, “У сизга унумли “фойдаланса бўладиган ёки бўлмайдиган нарса” деб қарайди. Инсон деб эмас. Ватанига ҳам. Шундай ҳолда яшаб ўтади”. Шўролар даврида бундай фикрлаш услубига “Ким бизлар билан бўлмаса, – у бизларга қарши”, – деган қаттол шиор остида бошқаларга ҳам назар солиш, муносабатда бўлиш қўшилганлиги туфайли миллионлаб кишилар коммунистик идеология қатағони тегирмонида обдан янчилиб, чор-атрофга сочиб ташланган эди.

Ҳозирги замон кишисининг фикрлаш тарзи ўтмишдошлари фикрлаш тарзидан жуда кескин фарқ қилади. Жумладан, бугунги кишиларнинг фикрлаш тарзида бири – иккинчисига мутлақо зид ҳукмлар, хулосалар тез-тез учраб туради. Ўзининг кечаги нуқтаи назарига бугун мутлақо қарама-қарши мулоҳазаларни юритаётган кишиларга ҳам тез-тез дуч келиб турамиз. Бундай фикрлаш тарзи бир томондан, юксак интеллектуал савия, профессионал малака, миллий ҳамда умумбашарий муаммолардан бохабарлик, иккинчи тарафдан эса, баён этилган таклиф ёхуд мулоҳаза, олға сурилган ғояни турмушга татбиқ этиш учун шахсий масъулият ва шахсий манфаатдорликнинг анча камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Айрим фуқаролар фикрлаш тарзида кечагина келажакни ҳаддан ташқари улуғлаш кайфияти, руҳи устуворлик қилган бўлса, бугун ўтмишни улуғлаш, ҳозирги муаммолар ечимини мозийдан излаб топишга уриниш ҳолатлари бирмунча кучайгандек туюлади...

Мустақил шахс ҳамиша ўзининг фикрлаш тарзига танқидий нуқтаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув бўлса, ўз навбатида, фикрлаш маданиятидаги айрим бир нуқсонларни тезроқ бартараф қилишга ҳам кўмаклашиб юборади. Шундай қилиб, юқоридаги айрим фикр-мулоҳазалар ҳам яққол далолат бериб тургандек, ҳар қандай инсон мустақил шахс даражасига

кўтарилмоғи учун, энг аввало, мустақил фикр юритиш малакасига эга бўлмоғи даркор.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мустақиллик ҳар доим хавф-хатарга алоқадор бўлади. Иккинчи томондан, турли-туман хавф-хатарларсиз ахлоқий интилиш ҳам, шахсий ҳаёт мукаммаллигини ҳис этиш ҳам, турли хил қийинчиликлар, мушкулотларни шиддат билан енгиб ўтиш шодлиги ва қувончи ҳам бўлмайди. Мустақил фикрлайдиган, фаолият юритадиган шахслар "эл қатори" юрган кимсаларнинг тинчлиги, хотиржамлигини бузиши ҳам бор гап-да. Мустақил кишилар муттасил равишда кимнингдир осойишталиги ва роҳатини бетиним бузиб туришса-да, барибир, айнан уларнинг беҳад қизғин фаолиятисиз ҳар қандай жамиятнинг тараққиётини ҳам мутлақо кўз олдимизга келтириб, тасаввур қилиб бўлмайди.

Қўрқоқ, ландавур, муте ва боқиманда кимсалар оиласи, юрти у ёқда турсин, ҳатто ўзларини ҳам турли таҳдид ва ғоявий хуруж, таҳдидлардан асрай олмайдилар. Ота Макон истиқлолини фақат эркин, мустақил фикр юрита оладиган интизомли, масъулиятли мустақил шахсларгина чинакамига мустаҳкамлай оладилар...

Бир ҳафталик келинчак ийманибгина қайнонасидан сўради:

– Ойижон, қайчи одатда қаерда туради?

– Телевизорнинг ёнидаги жавоннинг биринчи тортмасидаги қизил рангли кичкинагина қутичанинг ичида турибди. Қайчини ишлатиб бўлганингиздан кейиноқ, тағин айнан ўзининг жойига солиб қўйиш эсингиздан чиқиб қолмасин-а, жон қизим!

– Хўп бўлади, – деди келин, аммо ичида "Вой-бў, биттагина
оддий қайчигаям шунчалик даражада ваҳимами? Пунктуаллигам эви билан бўлиши керак-да", дея ўзича мийиғида кулиб қўйди.

Ҳақиқий ваҳима эртаси куни қайнисинглиси айнан ўқишга кетар пайтида янги кўйлагининг ортиқча ипларини қирқиш учун қайчини ҳовлиқиб қидирган палласидан бошланиб кетди. Ҳамма жойларни қидириб чиқди, аммо қайчини топа олмади.

“Эҳ, афсус, қайнонам айтганларидек, тезлик билан ўз жойига қўйиб қўйсам бўлар экан. Энди нима қиламан?” деганича оёқлари чўғда куйган товукдек типирчилаётган келинчак, ўзи аъзо сифатида қўшилган бу янги хонадондаги ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ оиласи аъзолари ҳафсаласини пир қилиб қўйишдан жуда чўчимоқда эди.

– Ҳаҳ, эсим қурсин-а, қизим, қайчини кеча қўшнимиз сўраб

олган эди-я, – дея зийрак қайнона янги келинини жудаям ноқулай аҳволдан ва мушкулот домидан бир амаллаб етаклаб олиб чиқиб кетди. Иккаласи ёлғиз қолган чоғида бўлса келинига аста деди:

– Унчалик сиқилаверманг, қизим. Оилаларда шунақа ҳоллар

ҳам бўлиб туради-да. Бундан кейин олган ҳамма нарсаларингизни ўз жой-жойига қўйишга одатлансангиз, вақтингиз ҳам тежалади, асабингиз ҳам, яхши кайфиятингиз ҳам ҳеч қачон бузилмайди.

Бу воқеадан ўзига тегишли хулосани чиқариб олган келин энди ҳар бир ишни пухталик билан бажариб уй-рўзғор буюмлари ва ўзга нарсаларни ўзининг тайинли жойига қўйишга одатланиб қолди. Ушбу одатлар бўлса аста-секинлик билан унинг кундалик одатий фаолиятига айланиб ҳам кетди. Ишхонасида ҳам бошлиғи томонидан топширилган вазифани ўта масъулият билан, айтилган вақтида ва аниқ бажарганлиги учун раҳбариятидан катта мақтов эшитди, ўзгаларга ўрнак қилинди. Ўша чоғларда қайнонасининг пунктуаллигидан ўзича кулган келин бугун ана шундай фазилат, хусусиятга эга бўлиш учун тинимсиз тарзда тиришиб келяпти.

Хўш, пунктуаллик дегани нима ўзи? Қандай қилиб бундай хислат, фазилатга эга бўлишимиз мумкин? Пунктуаллик деганда бирон-бир ишни бажаришда ниҳоятда аниқ ва саранжом бўлиш тушунилади. Бошқача ифодалайдиган бўлсак, пунктуаллик бу – айни вақт борасида ўзига хос саранжомлик. Демак, пунктуаллик беқиёс улуғ бойлик бўлмиш вақтни қадрлаш ва режалаштирилган ишини аниқ-тиниқ бажариш, юксак масъулият, тартиб-интизом, қатъийлик тушунчалари

билан чамбарчас боғлиқ экан-да. Тартиб-интизомли киши, энг аввало, ўз вақтини жудаям тўғри тақсимлаб, ишини ниҳоятда пухта қилади. Бироқ, ўзимиз баъзан қанчалик даражада уринсак-да, кўзлаган манзилимизга вақтида етиб бора олмаймиз ёхуд бошлаб қўйган ишларимизни ҳам охирига қадар етказа олмай роса хуноб бўламиз. Шундай пайтларда эса ҳамма кишилар ҳам пунктуал бўла олмас экан-да, деган фикр-мулоҳаза ўтади бизнинг ўй-хаёлимиздан. Эҳтимол, бу туғма қобилиятдир?

Айтишларича, тартиб билан меҳнат қилишнинг уч фойдаси боракан. Улар: ақл-фаросатни намоён қилиш, олтиндан қимматли вақтни бекор ўтказмаслик, барча нарсаларни яхши, эҳтиётлаб ва кўз қорачиғидек асраб-авайлаб сақлашга эришишдан иборатдир.

Ҳар қандай нарсаларни ўзининг ўрнига қўйиб ишлашга эса учта ёрдамчи лозим бўлар экан: энг аввало, ҳавас билан ишламоқ, диққатни бир жойга яхшилаб жамлаб олмоқ ҳамда ўта моҳирлик.

Энди бўлса бетартиб равишда ишлаш келтириб чиқарадиган уч зарар-зиён ҳақида маълумотга эга бўлиб қўйсак сира ҳам зарар бўлмайди: **ишдан безиш, сабрсизлик, вақтни беҳуда совуриш**.

Энг қизиғи, бетартиб, ўринсиз ишлашга ҳам қизиқтирувчи учта омил бор экан: **шошқалоқлик, ялқовлик ва ғофиллик**.

Инсон чиройли, озғин, дўмбоққина ё новча бўлиб туғилиши мумкин, аммо ҳеч ким ҳамма нарсаларни жуда яхши биладиган ва тартиб-интизомли бўлиб туғилмайди. Ундай ҳолда биздан кўра ақлли, доно ҳамда бахтлироқ бўлиши шарт бўлган болаларимизда пунктуаллик хусусият, фазилати қандай қилиб шакллантирилади?

Пунктуаллик деганлариям туғма фазилат эмас. Шунинг учун “Фарзандим улғайгач, барча ишларни ўз вақтида бажариб кетади” деб мутлақо орзу-умид қилмаслигимиз ҳам даркор. Айниқса, бир вақтнинг ўзида бир неча ишга улгураман деб уларнинг уддасидан чиқа олмайдиган айрим ота-оналар ўзларининг фарзандларидан уни кутмасаларам бўлаверади. Ўз дилбандини тартиб-интизомли ҳамда ғоятда масъулиятли

қилиб тарбиялашга дунёдаги энг олий ҳакам бўлмиш – вақтнинг ҳар бир дақиқасидан унумли равишда фойдалана оладиган, биринчи даражали ишларни энг олдин эплаб қўядиган инсонгина сазовор бўлиши мумкин. Низом, интизом ва мунтазам сўзларининг этимологик маъносиям, энг аввало, тартиб маъносига бориб тақалади. “Интизом” истилоҳи эса “дурни ипга тизди” деган маънони англатган. Кейинча “мунтазам тус бериш”, “тартибга солиш” ва “маълум бир қоидаларга қатъий тарзда риоя қилиш” сингари бир қатор янги маънолар ҳосил қилинган. Демак, пунктуал бўлиш учун барчамиз бор-йўғи низомлар ва интизомга мунтазам равишда риоя қилмоғимиз даркор экан, холос.

Агар ўзимиз пунктуаллик фазилатига эришишмоқчи бўлсак қуйидаги тўрт шартга қатъий риоя қилишимиз зарур бўлади.

1- шарт. Кун тартиби бола билан келишган ҳолда тузилиши керак. Кўпинча катталар кун тартибини ўзлари хоҳлагандек тузиб чиқадилар. Ўз қизиқишлари, ҳоҳиш-истаклари мутлақо инобатга олинмаган болада, турган гап-ки, руҳий зўриқиш пайдо бўлади. Натижада бўлса, у кундалик вазифаларига нисбатан масъулиятни ҳис қилмай қўяди. Кун тартибига риоя этишда мунтазамликка эришиш ниҳоятда муҳим. Агарда уйқуга ётиш вақти қатъиян соат 21^{00}га белгиланган бўлса, боламизнинг “Ухлашни хоҳламайман, яна битта мульфильмни кўрволай”, деган оҳу зорлари ва ялиниб-ёлворишларига ҳам асло қулоқ тутилмагани маъқулроқ бўлади.

2- шарт. Оилангиздаги энг муҳим ишларни режалаштиришда болангиз ҳам иштирок этаверсин. Агарда сиз дам олиш кунлари ниманидир мўлжаллаётган бўлсангиз, ўғил-қизингиз иштирокини ҳечам четроқда қолдирманг. Фақат шундагина улар ҳам сиз билан биргаликда масъулиятни кўпроқ ҳис этадиган бўла бошлайдилар. Қолаверса, болангизнинг ҳам жўялироқ таклифи бўлиши мумкин. Ўзингизга жудаям яхши таниш бўлган ўзбекона, “Ақл ёшда эмас, бошда”, деган мақолни эсга олишнинг ўзи кифоя қилса керак. Шу сабабдан ҳам унинг бачкана (болаларча)мас, оқилона фикрларини жиддийроқ қабул қилиб, уни амалга оширилишига кўмаклашиб

юборсангиз ўзингизга ҳозирда ҳам, келажакда ҳам яхши бўлади. Ота-она қўллаб-қувватлаши фарзандлар учун жуда муҳимлигини эса ўзингиз ушбу битикларнинг муаллифидан ҳам яхши биласиз.

3- шарт. Болаларимизга муҳим ишларини олдиндан бажариб қўйиш малакасини ўргатишимиз даркор. “Авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони” Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “Илоҳий ишқ куйчиси ҳамда буюкликнинг кўз илғамас чўққиси” бўлмиш – Жалолиддин Румийнинг “Ичинчидаги ичиндадур” номли фалсафий-маърифий китобида ҳам қайд этилганидек, “Биттаси: “Бу ерда бир нарсани унутибман” деди. Мавлоно буюрдики: Дунёда бир нарса борки – асло унутилмас. Агарда ҳамма нарсани унутиб, уни унутмасанг, қўрқмасанг ҳам бўлаверади. Масалан, бир подшоҳ муайян ишни бажариш учун сени қишлоққа жўнатди. Сен тайинланган ишни қилмай, бошқа юз турли ишларни адо этсанг ҳам ҳеч нарсаларни бажармаган бўласан. Шунинг учун инсон бу дунёга бир иш учун келган: асосий ғоя удир, агар уни қилмаса, ҳеч бир иш қилмаган ҳисобланади”.

Фарзандларимиз, невара, эвара ва ундан кейин чеваралармиз ҳар куни мактабга борадилар. Унга тайёргарликнинг кечқурун ё эрталаб кўрилиши орасида катта фарқ борлигини бўлса, ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз. Агар ўқувчи мактабга кетишидан 5 дақиқа олдин сумкасини ёхуд кийим-кечагини қидиришга тушиб қолса, бу унчалик ҳам яхши одат эмас. Ота-онаси унга худди шу ишни кечки пайтларда уддалашга ўргатиб қўйган бўлса, тартиб-интизомли бўлиш муаммоси ўзининг дастлабки ечимини топган ҳам бўлар эди. Ҳамма иш, қанчалик даражада қийин бўлмасин, дастлабки қадамга боғлиқ эканлигини болаларимизнинг онгига ва қалбига тинимсиз тарзда сингдириб бораверишш шарт эканлигини бўлса бизнинг болаларимиз ҳам, албатта, яхши билишлари шарт.

4- шарт. Рағбатлантириш ва танбеҳ бериш ўзининг ўрнида ва меъёрида бўлмоғи даркор. Агарда бола ҳар бир ишини аниқ режа асосида бажаришга уринаётган бўлса, унга буни қайта-қайтадан тушунтиришга ҳеч қандай ҳожат ҳам йўқ. Фақатгина

вазифалар бироз мураккаблаштириб борилади. Боланинг сайр ёхуд ўйиндан уйга қанча вақтда келишини олдиндан белгилаб қўйганингиз ҳам маъқулроқ. Мабодо, у 15 дақиқага кеч қоладиган бўлса, келишув ҳақида эслатиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, бу ҳозирча унчалик ҳам каттагина фожиа эмас. Агарда бола 1 соатга кечикса, бу унда тартиббузарлик иллати шаклланаётганлиги аломати ҳисобланади. Бола билан суҳбат жараёнида келишув бузилганлиги хусусидаги маълумотни қистириб ўтишингизам мумкин. Болани унча қаттиқ танқид қилмаган ҳолда, тартиб нима учун бузилгани ҳамда бунга асли нима туртки, сабаб бўлганини аниқлаб олмоғимиз ҳам зарур.

Демак, пунктуаллик фазилатини болаликдан шакллантириб бормоғимиз даркор экан. Акс ҳолда, бугун унчалик ҳам арзимас бўлиб туюлган кичкина хато аста-секин доимий одатга, кейинроқ бўлса бизнинг тақдиримизни бутунлай ҳал этиши мумкин бўлган жудаям ярамас характеримизга айланиб кетиши ҳам турган гап.

Шу ўринда мавриди келиб қолгани туфайли, гарчи ўзингиз кўп бора ўқиб чиққанингизга қарамай, сал кўпроқлиги сабабли, сиздан узр сўраган ҳолда, беҳад машҳур педагог олим Муҳаммад Қуроновнинг “Болам бахтли бўлсин десангиз...” номли ниҳоятда фойдали китобидан “Миллий тарбия услублари”нинг асл мазмун-моҳиятини диққат-эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

“Миллий тарбиямиз ўзининг ўта бой услубий хазинасига эга. Масалан, “кечирмоқ” – тарбияланувчиларга тарбиявий жиҳатдан таъсир ўтказиш мақсадида у йўл қўйган хато, гуноҳни авф этмоқ усули; “ўйнамоқ” атамаси – бу болалар билан улардаги ижобий сифатларни ривожлантириш, салбий сифатларни эса камайтириш мақсадига йўналтирилган, маълум қоида ва усуллар билан ижро этиладиган ўйинлар билан ўйнаш усули ва ҳ. к. Булар буюк ўзбек халқи фарзандларида қадим замонлардан ижобий фазилатларни ривожлантириш ҳамда салбий хулқ-атворларни эса зудлик билан бартараф қилиш мақсадида қўллаган ва ҳанузга қадар қўллаётган йўл-йўриқлар, ҳаракат тартибларининг минглаб бор синовлардан муваффақиятли равишда ўтиб келган ўзига хос тизимидир.

Бунда қуйидаги 44 усулни қўлланг:

1. Айбламоқ – боланинг қилган гуноҳи ҳамда хатоси учун адолатли равишда айбдор деб топмоқ, айб қўймоқ ва боланинг эса буни теран тарзда англаб етишига, тушунишига эришмоқ.

2. Аразламоқ – қилган бирор салбий қилиғи учун болани айбситиб, ундан ўпка қилиб юрмоқ ёхуд тарбиявий мақсадларда маълум бир вақтга қадар ундан атайлаб юз ўгирмоқ.

3. Баҳоламоқ – бола хулқига унинг аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида ижобий ёки салбий фикр-мулоҳазаларни билдирмоқ.

4. Баҳслашмоқ – ўқувчилар билан (мактабда), ўғил-қизлар (фарзандлар) билан барча ўқув юртларида, уйда илмий, адабий, ахлоқий, миллий-мафкуравий мазмунда мунозара қилмоқ.

5. Бегона қилмоқ – боланинг ёлғон гапиргани аниқланиб, қўполлиги эса муҳокама қилингач, ундаги виждонни жунбишга келтириш, қилмишига пушаймон қилиши учун ўқитувчи, ота-она ёки онанинг уни ўзидан вақтинчалик узоқроқ тутиб юриши.

6. Бириктирмоқ – одоб-ахлоқда, бирор ҳунарда кўпчиликка намуна бўлган устоз тарбиясига бермоқ. Ўтмишда қўпни кўрган ота-оналар фарзандларининг ҳаётини, одамлар, бегоналар билан муомала қилишни ўргансинлар деб, ўз ўғилларини чойхоначига хизматкорликка, янада ҳам аниқроғи, дастёрликка беришган экан.

7. Битим – боланинг ҳаётига, ўқишига ҳамда келажагига оид жиддий масалани унинг ўзи билан обдан муҳокама қилиб, ўзаро ижобий келишув, бирон-бир тўхтамга, жўяли қарорга келмоқ.

8. Буюрмоқ – вазиятнинг тақозоси ила тарбиявий мақсаддан келиб чиққан ҳолда боланинг ўзи учун, жамоа, миллат ва Ватани манфаатларини кўзлаган ҳолда унга бирон-бир буйруқни бермоқ.

9. Ваъда олмоқ – боланинг ўз сўзига содиқлигини, сўзи ва иши бирлигини синаб кўриш мақсадида ундан бирорта ишнинг, бурч ҳамда мажбуриятнинг аниқ бажарилиши ҳақида сўз олмоқ.

10. Гиргиттон бўлмоқ – меҳрибонлик билан, “айланай”, “ўргилай” сўзларини ишлатиб, унинг исмига “жон”, “хон”, “бек” сингари беҳад “юксак унвон”ларни қўшиб болаларни эркалаш.

11. Ёрилмоқ – боланинг ноўрин хафалигини билгач, танҳо қолдириб, асл мақсад – унинг муваффақияти эканлигини айтиш. Хайрихоҳлик, самимийлик бу усулга муваффақият келтиради.

12. Иноқлашмоқ – бола билан яқин ва дўстона муносабат боғламоқ, у билан ҳаёт ва иш жараёнида жуда аҳиллашиб кетмоқ.

13. Кафил бўлмоқ – бола билмай, адашиб хатога йўл қўйган чоғда унинг яхшилиги ҳақида бошқалар (ўқитувчи, ўқувчилар)ни ишонтириб, бола учун масъулиятни ўзининг зиммасига олмоқ.

14. Кенгашмоқ – боланинг синфи жамоаси олдида турган турли-туман муаммоларни биргаликда муҳокама қилмоқ.

15. Койимоқ – жазо беришнинг енгил тури. Болага танбеҳ ва дакки бермоқ, бошқа бунақа қилмаслиги учун уришиб қўймоқ.

16. Кузатмоқ – синф аҳли, ҳар бир боланинг хулқ-атворини зимдан қараб, текшириб турмоқ, кўздан кечирмоқ, қайд этмоқ.

17. Кўрсатмоқ – болага, болаларга ўрнак ё ибрат олишлари ёки уларда янги тушунча, билим ҳосил қилиш мақсадида бирон та нарса ёки ҳолатга энг асосий диққат-эътиборларини жалб қилиш.

18. Мақтамоқ – болани унинг ўзига ёки бошқалар олдида фақат яхши, ижобий томонларини кўрсатиб, ўзга болаларга ўрнак ва ибрат қилиб гапирмоқ, яъни яхши қилиб кўрсатмоқ.

19. Насиҳат – сокин ва хайрихоҳлик вазиятда болани яхши йўлга солиб юбориш, унинг ёркин келажагини кўзлаб ва таълим-тарбия бериш мақсадида айтилган гап, маслаҳат, панд, ўгит.

20. Овутмоқ – боланинг, унинг оиласининг бошига бирон та ғам-ташвиш, кулфат тушган чоғида унга тасалли бериб

юпатмоқ, овунтирмоқ, йиғлашдан тўхтатмоқ ва кайфиятини кўтармоқ.

21. Одатлантирмоқ – одоб меъёрларини машқ қилдириш. Масалан, саломлашиш, мурожаат қилиш, меҳрибонлик кўрсатиш ва ҳоказоларга доимий равишдаги одат пайдо қилмоқ, ўргатмоқ.

22. Оқламоқ – шундай вазиятлар бўладики, бола йил бўйи жуда ажойиб хулқ-атвор, ўгит намуналарини кўрсатиб келади-ю, билиб-билмай хатога йўл қўяди. Масалан, биров билан уришиб қолиши мумкин; ҳашарга келмай қолади ва ҳ. к. Шундай ҳолатда ўқитувчи – синф тарбиячиси болани (олдинги намунали хулқи ҳурмати) ўзга, айбловчи, қораловчилар олдида оқлаши даркор.

23. Сўрамоқ – боланинг илмий, ахлоқий билимлари ҳақида маълумот олмоқ, текширмоқ, норасмий тарзда имтиҳон қилмоқ.

24. Талаб қилмоқ – тарбиялаш мақсадида боладан доимо бирон-бир нарсани, дарсни, ишни қатъият билан сўраб туриш.

25. Тасалли бермоқ – муваффаққиятсизликка учраб қолган болани юпатиш, унинг кўнглини кўтариш учун яхши гапирмоқ, руҳини юксакликка кўтарувчи бирон-бир иш-ҳаракатни қилмоқ.

26. Таъбирламоқ – болалар, синф ва жамоат аҳлида баъзан учраб турувчи турли-туман хатти-ҳаракатларни сифатламоқ.

27. Таъкидламоқ – болалар билан ўтказиладиган ҳар қандай вазиятда, ҳолатда уларга малол келмайдиган ахлоқий мазмунни доимий равишда уқтириб, бетўхтов тарзда тайинлаб бормоқ.

28. Тақдирламоқ – ўқувчи, фарзандни қадрламоқ, муносиб даражада баҳоламоқ, болаларга уларнинг ўзига хос қадр-қиммати ҳам ҳақиқатда мавжуд эканлигини сездириб қўймоқ.

29. Тақиқламоқ – тарбиявий мақсадларда болага, ўқувчига бирон-бир номақбул, бемаъни нарсаларни мутлақо ман этмоқ.

30. Таҳсинламоқ – ўқувчи, фарзандни “балли”, “баракалла”, “офарин” каби олқишлар билан қарши олмоқ, юксак баҳоламоқ.

31. Тенглашмоқ – бола, ўқувчи бирон таҳсинга сазовор иш қилганида унинг хатти-ҳаракатини энг ҳурматли ва азиз кишилар хулқига қиёслаш, ёмон иш қилиб қўйганида бўлса ўз қишлоғи, маҳалласи ҳудудидаги “ёмон” деб ном қозонган айрим бир палид кимсалар хулқ-атворига ўхшатмоқ, улар билан таққосламоқ.

32. Тергамоқ – вақти-вақти билан болага етарли даражада қаттиққўлликни намоён қилиб, текшириб, ножўя хатти-ҳаракати учун койиб, танбеҳ, дакки бериб “йўли”дан қайтариб туриш.

33. Уялтирмоқ – номаъқул қилиғи учун болаларга ниҳоятда ноқулайлик туғдириш, хижолат, андиша, номус қилдирмоқ.

34. Шавқлантирмоқ – боланинг хулқи, ўқиш жараёнидаги муваффақиятлари, унинг келажагига ғоят мамнунлик ҳисси билан берилмоқ, руҳий кўтаринкилик билан қизиқмоқ, завқланмоқ ва завқлантирмоқ, қаноатлантирмоқ.

35. Эркалатмоқ – аҳён-аҳёнда ўғил болаларни қўзичоғим, арслоним, тойчоғим ва полвоним, қиз болаларни бўлса оппоғим, онажоним, аннажоним, моможоним дея силаб-сийпалаб суймоқ.

36. Ялинмоқ – агарда бошқа усуллар кор қилмаслигига кўз етса, боланинг қалбида меҳрни янгилаш, уйғотиш мақсадида, уни бирор нарсага кўндириш учун илтимос қилмоқ, ўтиниб сўрамоқ.

37. Яраштириш – оилада, синфда баъзан учрайдиган ўзаро уруш-жанжални тўхтатиш, бошқа урушмасликка аҳд қилдирмоқ, муносабатни яхшиламоқ, низолашганларни эса тотувлаштирмоқ.

38. Ўйнамоқ – бола билан унда ижобий сифатларни янада ривожлантириш, салбий сифатларни буткул йўқотиш мақсадига йўналтирилган маълум бир тартиб-қоида ва усуллар билан ижро этиладиган ҳар хил қизиқарли ўйинларни бирга ўйнаш усули.

39. Ўргатмоқ – болага бирон-бир иш-ҳаракат (масалан, чой дамлашни, турли жой, вазиятларда ўзини тутишни, гапиришни ва ҳ. к.)ни бажариш усули, йўл-йўриғини тушунтирмоқ, билдирмоқ ва уларни мана шу ишни ўзи мустақил бажара оладиган қилмоқ.

40. Ўқитмоқ – ёзилган нарсани ёхуд матнни ундаги турли хил белгилар, ҳарфлар воситасида айнан айтиб, эшиттирмоқ.

41. Қайтармоқ – бола, ўқувчи жаҳли чиқиб, қизишиб, бирор кор-ҳол, ёмонлик содир этишга қарор қилса ёки унинг важоҳати ҳам айни шуни кўрсатиб турса, уни бундай номақбул, ножўя иш, хатти-ҳаракатлардан ўзини тутиб туришга ундамоқ, тиймоқ.

42. Қизиқчилик қилмоқ – ўқувчи, бола билан муносабатда расмиятчилик, психологик тангликни бартараф қилиш мақсадида мавзуни буриб юбориш, эрмак, ҳазил қилиш, болани кулдириш.

43. Совға бериш – болаларга байрам, ҳайитлар муносабати билан имкон даражасида, унчалик қимматбаҳо бўлмаса-да, турли туҳфалар қилиб, унинг меҳрини ҳам янгилаб ва ошириб туриш.

44. Ҳомийлик қилиш – болага бирон-бир соҳага қизиқиб, берилиб шуғуллангудек бўлса, бу ишда унга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам, мадад бериш ва муаммолардан муҳофаза этиш.

Мана бу 12 усулни эса асло қўлламанг:

Шу билан биргаликда ўқувчи, болаларга, тарбиявий таъсир ўтказишнинг салбий усуллари мавжудлиги, уларга иложи борича, барҳам бериш учун улардан айрим бир намуналар келтирилди:

1. Алдамоқ – ўз тинчини кўзлаган ҳолда ёлғон-яшиқ гаплар билан, турли хил ёлғон ваъдаларни бериб аврамоқ, лақиллатмоқ.

2. Бачканалашмоқ – ўқитувчи, ота-оналарнинг катталарга, улуғларга номуносиб қилиқлар, хатти-ҳаракатларни қилмоғи.

3. Вайсамоқ – болаларни, ўқувчиларни томонларга бўлиб, бир-бирига қарши оёқлантириб, тезлаб, улар орасида зиддиятни кучайтирмоқ; мавжуд низони янада авж олдирмоқ, олқишламоқ.

4. Гина қилмоқ – ўқувчи, болаларга нисбатан билиб-билмай қилган иши учун қалбда, дилда, кўнгилда хафалик, кек сақламоқ.

5. Ёмонламоқ – боланинг олдида ё орқасидан уни ҳар кимга роса ёмонлаб, ёмонга чиқариб, ғийбат қилиб, қоралаб гапирмоқ.

6. Зарда қилмоқ – бирор гуноҳи учун, гина сақлаган ҳолда болага, ўқувчига ҳадеб зарда қилавериш, жаҳлни сочавериш.

7. Зорланмоқ – болалар қошида бирор нарсадан, вазиятдан ҳар доим нолиб юрмоқ, шикоят қилмоқ, ҳасад қилмоқ ва ўзининг ночорлигини эса ўзгаларга ҳам намоён қилмоқ, билдирмоқ.

8. Мажбур қилмоқ – ҳеч бир асоссиз ўқувчининг, синфнинг муносабати билан ҳисоблашмасдан, амр, зўрлик билан ёки бирор нарса ёки ҳолат тақозоси билан, гарчи асосли бўлмаса-да, бирон-бир иш, юмушни қилишни буюриш, кўр-кўрона талаб қилиш.

9. Низо – ўқитувчи ва ўқувчи, бола ҳамда ота-онаси орасида бир муаммо юзасидан ўзаро келишмовчилик ё қарама-қаршилик, душманлик, адоватли муносабат, ихтилоф, нифоқ ҳосил қилиш.

10. Сўкмоқ – болани жуда ёмон, уят сўзлар билан уришмоқ, росаям ҳақорат қилмоқ (одатда бу усул сўкилувчининг сўкувчига нисбатан бемеҳрлиги аста-секин ошиб боришига олиб боради).

11. Хўмраймоқ – фарзандига, ўқувчиларига, қовоғини солиб тикилмоқ, гезармоқ, ёмон кўз билан қарамоқ.

12. Қарғамоқ – фарзандга бирон-бир ёмонлик, бахтсизлик ёки ўлим тилаб койимоқ; ёмон, ёвуз ният тиламоқ”.

(Қуронов Муҳаммад. Болам бахтли бўлсин, десангиз...: тарбия китоби / М. Қуронов; масъул муҳаррир А. Холбеков. – Тошкент: “Маънавият”, 2014, 165 – 170- бетлар).

МУСТАҲКАМ ОИЛА – БАРҚАРОР ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧИ

Шарқда қадим-қадимда оила беҳад муқаддас ватан саналган. Агарда оила соғлом ва мустаҳкам бўлсагина, маҳаллаларда ҳам тинчлик ва ҳажиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳаллалар мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонликнинг асосидир.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Оила ўзи нима дегани? Ушбу сўз қандай луғавий маъноларга эга? Асли у қайси тилларга мансуб? Ижтимоий ҳодиса сифатида бўлса нимани англатади? У қандай ва қачон пайдо бўлган? Оила ўзи ҳозирга қадар қанақа тарихий-тадрижий йўлни босиб ўтган?

Оила деган истилоҳ аслида араб тилида “аёлманд, ниёзманд” маъносини билдирувчи “оил” сўзидан келиб чиққани “Фарҳанги забони тожики”да қайд этилган. Оила “аёл” сўзи билан ўзакдош бўлиб, фарзандларни тарбиялаш, ёшлар маънавий ва жисмоний камолоти, уларни жипслаштириш, жамият иқтисодий-ижтимоий тараққиётини таъминлаш сингари муҳим вазифаларни бажаради. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан 2006 йилдан чоп этила бошлаган беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг учинчи китобида ҳам ушбу сўзнинг арабча эканлиги таъкидланиб, унинг бешта маъноси берилганди. Энг дастлабки бош маъноси: “Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва

энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишиларнинг мажмуи, хонадон”. Иккинчиси – кўчма маънода: “Бир мақсад ва маслак билан бирлашган кўп кишилар, халқлар ва мамлакатлар”. Учинчи маъноси: “Ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасида тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, келиб чиқиш жиҳатидан ўзаро яқин бир неча уруғни ўз ичига олган гуруҳ: Дуккаклилар оиласи. Ўрдактумшуқлилар оиласи”. Тўртинчи маъноси бўлса: “Қардош тиллар гуруҳи: Олтой тиллар оиласи. Сом-хом тиллар оиласи”. Бешинчи маъноси жонли сўзлашув тилида қўлланади: “Рафиқа, хотин. Масалан: Оилам мактабда ўқитувчи (сифатида фаолият кўрсатади)” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, учинчи жилд, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2007, 97- бет).

1981 йилда Москвада “Рус тили” нашриётида чоп этилган икки томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да оила атамасига “Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишиларнинг мажмуи, хонадон” сифатида таъриф-тавсиф берилган, биз учун изоҳланган (1- том, 526- бет).

“Оиланинг келиб чиқиши ҳали батамом ойдинлашган эмас, – дейилган Шўролар замонида чоп этилган “Философия луғати”да. – Мутахассисларнинг аксарияти ибтидоий жамоа тузумининг энг аввалида тартибсиз жинсий алоқалар ҳукм сурган ва у вақтларда оила ҳали бўлмаган, ушбу алоқаларнинг ўрнини группавий никоҳ эгаллаган, сўнгра бўлса мазкур жамият оиланинг асосий формаси сифатида жуфт оила пайдо бўлган, деб ҳисоблашда ҳамон давом этмоқдалар. Янги тадқиқотлар бир қанча олимларни энг аввал-бошданоқ жуфт оилалар мавжуд эди, бу оила эр ва хотин уруғи базасида (оталик даври, оналик даври) яшаган ва қариндошликни оталар томондан ҳам, она томондан ҳам ҳисоблаб борган, деган бир илмий хулосага олиб келди” (“Философия луғати”, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти. 1973, 355- бет).

Файласуф Ф. Адлернинг фикрига биноан, “Оила мўъжазгина бир жамиятчадир, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ”. Ж. Сантаяна бўлса

“Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир” деган ғоятда муҳим ва ҳақли хулосага келган эди. Инсониятнинг тарихидаги энг буюк воизлардан бири Цицерон “Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонасидир”, деган беҳад муҳим фикр-мулоҳазаси, хулосасини билдирган эди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса оилага қуйидаги таъриф берилган: “Оила – никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзғорининг бирлиги, ўзаро ёрдам ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. Оиланинг муҳим ижтимоий вазифалари – инсон зотини давом эттиришдан ва болаларни тарбиялашдан, оила аъзолари турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали тарзда уюштиришдан иборатдир. Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ҳамда мафкуравий муносабатлар билан белгиланади ва уларнинг таъсирида ўзгариб боради. Шунга мувофиқ, ҳар бир жамият ҳам ўзгариб, ўзига мос оилалар типини ва оилавий муносабатларни ўрнатади” (6- жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 469- бет).

“Фалсафа: қомусий луғат”ида (Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Бош таҳририяти, 2004, 310 – 311-бетлар) “Оила – эр-хотинлик иттифоқи, қариндошлик алоқалари, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-оналар ва болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, бува-бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ ва жамият асоси, давлат қудратининг манбаи” деган таъриф бор.

“Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да (Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент. 2009. 451- бет) ҳам юқоридаги фикр, таъриф яна бир бор тасдиқланган.

“Оила” махсус илмий-маърифий, ижтимоий-психологик ва рангли-безакли журналининг 2004 йилдан чоп этила бошлаган 1- сонида (64- бет) эса кўрилаётган масалага доир қуйидаги таъриф мавжуд: “Оила – ҳаёт абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлаб берадиган, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ахлоқий ва меъёрий тартиб-қоидаларни

мужассам этган, келажак авлод тарбиясига ҳам бевосита таъсир кўрсатадиган, инсонлар ўртасида ўзига хос муносабатлар шаклланадиган ижтимоий макондир”.

Ушбу журналнинг 74- бетида эса “Оила бу – яшаш муҳити ўзига хос авлодлараро ва фуқароларарo ўзаро муносабатларнинг ўзаро мажмуи, инсонни шахс сифатида шакллантирувчи тарбия маконидир”, деган ўзига хос янги таъриф-тавсиф баён этилган.

Тағин бир таърифга биноан бўлса, “Оила – жамият ҳаётини олға сурувчи, уни янадаям юксакроқ янги бир босқичга кўтариб, равнақ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган ниҳоятда муҳим ўчоқдир” (“Оила” илмий-маърифий... журнали, 2005, 3 – 4- сон, 82- бет).

О. Сафаров ва М. Маҳмудов ҳаммуаллифлигида ёзилган “Оила маънавияти” номли китобда эса қуйидаги таърифга ҳам дуч келамиз: “Оила – инсониятнинг ўз-ўзидан кўпайиш, ўз-ўзини бошқариш ва яхлит бир жамиятни бунёдга келтирган ҳолда яшаш ниятида юзага келтирган илоҳий ҳамда мўъжизавий кашфиёти” (Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2009, 245- бет).

“Оламни маҳлиё айлаган диёр”, “Серқуёш ҳур ўлкам”из – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида эса ҳозирги пайтга қадар “Оила” атамасига бирортаям расмий таъриф берилмаган. Расмий таҳрирдаги Оила Кодексимизда ҳам ушбу масалага дахлдор барча масалалар оила деган тушунчага алоҳида таъриф-тавсиф берилмаган ҳолда изоҳланган ва тушунтирилган.

Ҳозиргача дунёдаги бир қатор давлатларда илмий фаолият кўрсатувчи юзлаб тадқиқотчилар томонидан ҳам оила деган бир тушунчанинг барча функцияларини ўз таркибига буткул қамраб олишга ҳаракат қилинган, лекин барча томонидан якдил тарзда ва бир овоздан тан олинмаган юзлаб турли таърифлари берилган.

Ҳозирги дунё ва даврда оила ҳодисасига ижтимоий-ҳуқуқий маънода таъриф бериш зарурияти ва эҳтиёжи ўзини яққол намоён этмоқда. Оила ижтимоий ва табиий ҳодиса сифатида

турли-туман ҳуқуқий қоидалар воситасида шаклланади ва мустаҳкамланади.

Оиланинг айни бундай мақоми Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг 16- моддасига кўра, “Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли”. Ушбу Декларациядаги оила тушунчасига берилган айни шундай таъриф Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг аксини топган. Асосий қонунимиз, яъни Қомусимизнинг 63- моддасига биноан, “Оила – жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.

1997 йилнинг 5 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлиги беш йиллигига бағишланган тантанали мажлисда эса Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳам “Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги” деб номланган табрик сўзида ушбу масала хусусида шундай фикр-мулоҳазасини билдирган эди: “Шу Конституцияни ёзишда ўзим ҳам иштирок этганман, унга ўз билимимни, керак бўлса, бутун борлиғимни ҳам берганман. Бу сир эмас.

Мен ҳозирги пайтда айтардимки, “...ҳуқуқига эга” дегани сал юмшоқроқ айтилган. Унинг ўрнига, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамият ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо этяпти, бизнинг кўзимизни очиб, ҳаётга бошқача қарашни талаб қиляпти.

Биз Оила ҳақида гапирар эканмиз, аввалambор, оила ҳаётнинг абадийлигини ва авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, энг муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлсагина, маҳаллаларда ҳам тинчлик-омонлик ҳамда ҳамжиҳатликка эришилади.

Бинобарин, маҳалла ҳамда юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда ҳам осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради...

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, кўз ўнгимизда Она сиймоси шаклланади. Нимага деганда, оиланинг муқаддаслигини таъминловчи энг биринчи омил – Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру мурувати, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Мана шунга алоҳида диққат-эътибор беришингизни сиздан илтимос қилмоқчиман: табиийки, Она алласи фақат чақалоқ ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ кириб келади. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради" (Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 400 – 401-бетлар).

Юридик атамаларнинг қомусий луғатида оила тушунчасига қуйидаги таъриф-тавсиф берилган: "Оила – кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги..."

Башарият тарихида муносиб из қолдириб, ҳамон инсониятга холис хизмат қилишда толмай давом этаётган бир вақтнинг ўзида ҳам Ҳиндистон, ҳам Бангладеш давлатлари Мадҳиясини яратиб қўйган Робиндранат Тагор шундай мулоҳазасини билдирган эди: "Оила" сўзининг минглаб мазмуни бор. Лекин, ушбу сўз одамлар ҳаёти билан биргаликдагина мазмунга эга. Одам унда мужассам бўлмаса, бу сўзнинг аҳамияти қолмайди. Агарда "оила" сўзининг энг асосий мазмуни муҳаббатдир десам, билингки, муҳаббат оила тушунчасига қараганда ҳам ҳаётга кўпроқ даражада боғланган".

Ҳозирга қадар Оила хусусида алоҳида фан тўла шаклланиб улгурмаганлиги туфайли оилага унинг барча хусусиятлари ҳам ижтимоий-табиий, ҳам ҳуқуқий маъно жиҳатдан ҳар томонлама мукаммал равишда ўзининг ифодасини топган яхлит бир таъриф берилмаган. Оила ҳаёти эса, ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, моддий (биологик ҳамда хўжалик), маънавий

(ахлоқий, ҳуқуқий, психологик) турли хил муҳим жараёнлар билан характерланади.

Ҳозирги замонда “оила инвестиция портфели” деган янги бир тушунча ҳам олимлар томонидан илмий муомалага киритилган. Бунга биноан, оила нимага сармоя киритса, қанча даромад олиши аниқланган. Оқибатда бўлса энг кўп даромад келтирадиган нарса фарзандлари тарбиясига киритилган сармоя эканлиги гап-сўзсиз, минглаб далиллар воситасида исботлаб берилган. Бу ерда фақат масаланинг моддий жиҳати, шу билан бирга болаларга берилган меҳр-муҳаббат, унинг тарбиясига алоҳида ажратилган вақт ҳамда сарфланган психологик ва жисмоний куч ҳам ҳисобга олинган.

Оилаларнинг маънавий олами серқирра ҳодиса бўлиб, наинки оиланинг жамиятдаги сиёсий-ижтимоий мавқеи, шу билан бирга, тарихий тараққиётга хос бўлган турли хусусиятлари, шунингдек, унинг иқтисодий имкониятлари, демографик ҳамда этнографик, этнопедагогик ва этнопсихологик анъаналарни ҳам ўз таркибига қамраб олади. Масаланинг шу жиҳатниям алоҳида эътироф этиш шартки, оила ҳаётининг турли қирралари этнология, демография, ижтимоий география, социология, статистика, оила педагогикаси, психология, ҳуқуқшунослик каби гуманитар фанлар томонидан жиддий равишда ўрганилади. Масалан, социология илмида оила дейилган чоғда шахсларнинг никоҳ, қариндошликка ва болаларни ўз тарбиясига олишга асосланган ҳамда турмуш ва манфаатлар муштараклиги, ўзаро ғамхўрлик билан алоҳида равишда ажралиб турадиган ўзига хос иттифоқи англанади. Ҳуқуқий маънода эса, оила ўзига хос юридик муносабатлар демакдир. Бу ўринда бўлса, турган гап-ки, оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми, турли-туман ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари энг биринчи ўринга қўйилади.

Оила – тарихий категория сифатида кишилик жамиятининг ўтмишида азал-азалданоқ мавжуд бўлмаган эди. Ибтидоий жамоа тузумининг энг дастлабки босқичида, кишилар тўда-тўда бўлиб яшаётган даврда турли жинслар орасидаги муносабатлар муайян бир тартиб-қоидаларга эга бўлмай, гуруҳдаги барча эркаклар ва аёллар бир-бирига нисбатан умумий эр-хотинлар

ҳисобланганди. Бундай шаклдаги энг ибтидоий жинслараро муносабат этнология фанида промискуитет (лотинча – аралаш-қуралаш) деб аталади.

Тарихий тараққиёт жараёнида эса, ногирон болалар туғилиши оқибатида жинсий муносабатлар ҳам аста-секинлик билан муайян тартибга солина бошлаган. Даставвал ота-она билан фарзандлар ўртасида, сўнгра ака-ука ҳамда опа-сингиллар орасидаги жинсий муносабатлар (инцест оила) тақиқланиб ва унинг ўрнида гуруҳли оиланинг шакли пайдо бўлган. Лекин, бундай оилаларда ҳали эр-хотин никоҳи унчалик даражада барқарор эмас эди, улар алоҳида хўжаликка ҳам эга бўлмаган эдилар. Бу даврда табиий омил ҳам ўз вазифасини тугаллаган, яъни жинсий муносабатлар доирасида **қон-қариндошларнинг ўзаро никоҳи истисно қилинган.**

Ҳозирги замон олимларининг фикрига кўра, чақалоқ дунёга келар экан, 50 фоиз генини отасидан, 50 фоизини онасидан олади. Ота-оналардан фарзанд нафақат кўзининг ранги, соч тузилиши – жингалак ёки силлиқ бўлиши, қон гуруҳи ва ҳоказолар қаторида касалликларни ҳам ўзига “мерос” қилиб олади. Инсон геноми ҳозирги пайтда тўлиқ ўрганиб чиқилган бўлиб 35000 ген маълум, назарий жиҳатдан улардан ҳар бири мутацияга учраши мумкин. Аниқланган ирсий касалликларнинг сони 5000дан зиёд бўлиб, уларнинг айримлари бола туғилгандаёқ намоён бўлади. Масалан, Даун синдроми, баъзи болалар 2 ойлик бўлса-да фенилкетонурия, 1 ёшли гўдакларда сфинголипидозлар, 5 – 6 ёшлиларда Дюшен мушак дистрофияси, 40 ёшда Генгтингтон хореяси ёхуд 60 – 70 ёшларга келиб паркинсонизм, альцгеймер каби синдромлар юзага чиқади. Айниқса, авлодида яширин касалликларнинг белгилари кузатилса, масалан, йигит ва қиздаги ўхшашлик, иккаласининг бўйи паст ёки новчалиги, авлодида эшитиш ёки кўриш, номаълум сабабларга биноан ақли заифлик каби муаммолар аниқлангудек бўлса, уларга ўзаро турмуш қуриш сира ҳам тавсия этилмайди.

Насл-насаб тозалиги бир томондан оиладаги соғлом муҳитга, иккинчи тарафдан эса, оила аъзоларининг ақл-идрокига боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзандининг сиҳат-

саломатлигига ҳам эътибор бериши, ҳали балоғатга етмаган фарзандини уйлаш ёки турмушга беришга шошилмаслиги, айниқса, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга сира йўл қўймаслиги даркор. Акс ҳолда эътиборсизлик келгусида турли хил муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига асосан яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланади. Бу Кодекс орқали қавм-қариндошлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган. Унинг 16- моддасига биноан: насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ҳамда ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, худди шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида ҳам никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ногирон бўлиб қолишига энг аввало, ота-оналарнинг ўзи сабабчи. Буни қариндош-уруғлар никоҳидан кейин туғилган зурриётлар ўртасида ногиронлик нисбатан кўпроқ эканлигидан ҳам бемалол кўриб ва билиб олишимиз мумкин.

Кайковус ўғлига бу масала хусусида насиҳатини бера туриб, худди мана шуларни уқтирган эди: “...агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқни тиласанг, зинҳор ўз қариндошларинг билан беришиб-олишмағил. Бегонадин хотин олғил, нединким, ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа бир қабилалардин хотин олғил. Бу билан бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегоналарни ўзингга қариндош қилғайсан, токи биргина қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ҳамда кўмагинг кўпайғай”. Гарчи Қайковус “қабила” сўзида ижтимоий маънони ифодалаётгандай туюлса-да, асли уни уруғ маъносида ҳам тушуниш мумкин. Зеро, бу маънода у айнан мавжуд ёки бўлажак наслнинг соғломлигини англатади.

Энди сўз навбатини бу масалада ўта катта ҳаётий тажрибага инсон, таниқли ёзувчи ва драматург, олим ва педагог, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовга берсак, янада ҳам аниқроғи, унинг қаламига мансуб “Шиорнинг моҳияти нимада?” номли рисоладан

(Тошкент, “Маънавият”, 2012, 64 бет) бир беҳад ибратли мисол, сабоқни эътиборингизга ҳавола этсак:

“Чорак аср аввал жудаям катта бир тўй бўлди. Катта магазин директори синглисининг қизини келин қилди, яъни қиз тоғасига келин, йигит аммасига куёв бўлди, “қўйнидан тўкилса – қўнжига” қабилида иш тутилди. Ёш оила бешта фарзанд кўрди, тўртта қиз ва бир ўғил. Аввалига ака-сингил қудалар “яқин қариндошлараро никоҳдан соғлом фарзандлар туғилаверар экан, мана исботи”, – деб ўз қилмишларини оқлашди. Лекин, орадан йиллар ўтгач, қон яқинлиги ўзининг салбий натижасиниям кўрсатди. Тўнғич қизда суяк мўртлиги касаллиги авж олиб, у юролмай тўшакка михланиб қолди. Иккинчи қизни қарши қуда бўлишиб, аммасининг ўғлига узатишди, икки – уч йилдан бери фарзандлик бўлмагани сабабли ака-сингил ўртасигаям совуқлик тушибди, деб эшитдик. Учинчи фарзанд – ўғилни уйлантирмоқчи эдилар, бироқ, ҳозирча келин топилмаяпти, анча-мунчани тушунган оилалар у хонадонга қиз беришга чўчишяпти, ҳадиксирашаяпти, бунинг сабаби – оиладаги бешинчи фарзаднинг – яъни кенжа қизнинг оёғи аста-секинлик билан қийшайиб бораётган экан...” (6 – 7- бетлар).

Оилавий поликлиника шифокорлари тўплаган сўровномалар шундан ҳам далолат бермоқдаки, белгиланган туғма ногиронлик аломатларининг 26 фоизи ирсий касалликлар, 25,8 фоизи бўлса қариндошлар ўртасидаги никоҳ, 24,9 фоизи эса зарарли одатлар туфайли келиб чиқиши кўрсатилган. Ногиронликка олиб келувчи сабабларнинг 24,2 фоизи ота-оналар тиббий билими пастроқлиги, 31 фоизи оиланинг носоғлом турмуш тарзи, 44,8 фоизи оиладаги ноғлом ижтимоий муҳит туфайли юзага келиши ҳам аниқланган.

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний “Минерология” номли асарида ота-онанинг фарзанд тарбиясида шахсий намуна бўлиши ҳақида беҳад қимматли фикр-мулоҳазаларни билдирган: “Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилганлигидир. Жамиятга бундай фарзандлардан наф йўқ. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиби бўлган

ота-оналардангина туғилади. Агарда ота-оналари ҳам ахлоқсиз бўлса, уларнинг соясида тарбия кўрган фарзандлар ҳам албатта, келажакда бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв-келин хушахлоқ бўлиши энг яхши фазилатдир”.

Ҳар бир ота-она фарзандининг бахтли турмуш қуришини орзу қилади. Келин ёки куёв танлашдан олдин, етти пушти ва турмуш шароитини суриштириш сингари жуда қадимий удумлар асосида соғлом оила қуришдек мақсад мужассамдир. Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ масаласини қадим замонлардан бошлаб бағоят кўп олимлар ўрганганлар. Бундай никоҳнинг маъқул эмаслиги эса илмий жиҳатдан ҳам аллақачонлар ўз исботини топган. Ҳозирги пайтда жаҳон олимлари ирсий муаммоларга 80 фоиз ҳолатларда қариндошларнинг ўзаро никоҳи ҳамда экологик муаммолар сабаб бўлаётганлигини таъкидлашмоқда. Айниқса, жудаям яқин бўлган қариндошлар ўртасидаги никоҳ миллатнинг ирсий заифлашувига сабаб бўлар экан. Сўнгги йилларда эса ажримга сабаб бўлаётган ҳолатлардан бири қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан оилада ногирон болалар туғилишиям ҳисобланади. Айрим кимсаларнинг “фарзандларимизни бегона қилмайлик” ёхуд “топган мол-давлат бегоналар қўлига ўтмасин”, “яхши қизларимиз, зўр йигитларимиз ўзимиздан узоққа кетмасин” қабилида иш тутишлари ҳалокатли оқибатларга олиб келаётганини ўзингиз кўриб ва билиб турибсиз.

Муҳтарам, ўқирманлар! Ўзингизам ҳозир ўқиганларингиздан гувоҳ бўлиб турганингиздек, не-не замонлар аввал улуғ аждодлар тақиқлаган урф-одатларнинг бугунги даврда айрим бир кимсалар томонидан менсилмаслиги оқибатида оилага ҳам, жамиятга ҳам ўта катта кулфат, фалокат, ҳалокатлар таҳдид солмоқда. Келинг, яхшиси, “мозийга қайтиб иш кўриш хайрли” деганлари каби, узоқ ўтмишга хаёлан қайтиб, суҳбатимизни эса келган жойидан давом эттириб, сўнгра ўзимизнинг янги замонамизга қайтиб келсак...

Матриархат (қариндошчилик она томонидан белгиланиб, уруғ ва оиланинг бошлиғи аёл бўлган) даврида (мил. авв. 35 – 3 минг йилликлар) гуруҳли никоҳнинг полиандрия (поли... ва

юнонча andros – эр) – кўп эрлилик шакли кенг тарқалганди, яъни ҳар бир аёлнинг бир нечтадан эрлари бўлган эди. Полиандрияда хотинлар эркин равишда ўзларига янги эрларни танлаб олавергандилар, эр-хотинлик ва оилавий муносабатлар бўлса, турган гап-ки, турғун бўлмаган. Полиандриянинг асосий шакллари қуйидагича бўлган: 1) бир уруғ авлодлари полиандрияси (битта уруғ аъзолари бўлган эркаклар бир аёлга ёки аёллар)га эр бўлади; 2) ака-ука (туғишган биродарлар) полиандрияси (туғишган ака-укалар бўлган бир неча эркак бир аёлга эрлик қилади). Ака-укалар полиандриясида катта акасининг хотини, бир пайтнинг ўзида, ҳамма укаларга ҳам хотин ҳисобланади. Туғилган чақалоқлар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳамма оталар зурриёти сифатида тан олинаверади. Бу оилага тегишли ер ва мулк бўлса, аждодларининг вафотидан кейин болаларнинг энг каттасига мерос сифатида қолади. Оиланинг бундай полиандрия шакли шимолий Ҳиндистон ва Тибетдаги айрим бир этнографик гуруҳларда (ҳукуматнинг қатъий тарздаги тақиқловига қарамай) ҳанузга қадар сақланиб, ўз ҳаётини ҳам давом эттириб келмоқда.

Маиший турмушимиздаги қадимий урф-одатларнинг айрим бир элемент (унсур)лари илдизи матриархат замонларига бориб тақалади. Масалан, ўзбек оилаларида ҳозирга қадар она томондан қариндошларнинг, айниқса, тоғаларнинг роли жуда катта. Бундай ҳолат эса этнография (этнология) илмида авункулат номли оила-никоҳ тартиблари билан чамбарчас равишда боғлиқ бўлиб, тоға-жиянлар муносабатларига алоҳида диққат ва эътибор қаратилиши матрилокал (эрнинг хотин хонадонига келиб яшаши матрилокал, хотиннинг эриникига келиб турмуш кечириши, этнология илмида патрилокал оила дейилади) тартибларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Қадим-қадимдан Тоғанинг жиянининг бешик ё суннат тўйларидан то унинг уйлангунигача барча маросим, тадбирларига бош бўлиб, иқтисодий ҳамда маънавий жиҳатдан ёрдамлашиб, кўмак бериб туриши одат ҳуқуқида мажбурий, яъни шарт бўлган.

Авункулат ва кишиларни, энг аввало, ёшига қараб гуруҳлаш тартибларининг айрим бир элементлари бўлса қавм-

қариндошлик атамаларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топиб олган. Масалан, қадим замонлардан ўзбекларда она ва ота томондан қариндошлар номи бир-биридан ҳам фарқланган: онанинг ака-укалари жиянига нисбатан тоға ҳисобланса, отасининг туғишган ака-укалари бўлса амаки дейилган. Тоғанинг мавқеи ҳамда мартабаси амакиникидан нисбатан баландроқ бўлиши қадимий авункулар қоидаларининг ҳозирги даврлардаги ўзига хос акс-садоси ҳисобланади. Онанинг опа-сингилларига хола, отаникига бўлса амма сифатида мурожаат қилинишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Этнология илмида аммалар “аёл жинсидаги ота” сифатида баҳоланади. Ўзидан ёши каттароқ ўғил биродарига ака, кичигига бўлса ука ва аёлларнинг каттасига опа, кичигига эса сингил, акасининг хотинига келинойи ёхуд янга, укасининг хотинига келин, опасининг эрига эса почча (язна), синглиси ёки қизининг эрига куёв, ота-онасининг отасига дода, оппоғдада, бобо (бува), ота, онасига момо, буви, (ача, анна), катта аба, ака-укаларнинг фарзандларига ёшига қараган ҳолда ака ёхуд ука, опа-сингилларникига – жиян ва ҳоказо атама (истилоҳ, термин)лар доимий тарзда ишлатиб келинган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг турлича вилоятларида, ҳатто, бир вилоятнинг айрим туманларида мазкур номлар ўзаро фарқланишиям мумкин. Қадим замонларда туркий боболаримиз Онани ҳам Отаниям бир хилда АБО деб атайверганлар. АБО сўзи аслида ОТА деганидир. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, руслар ота-оналарни биргаликда, гарчи ота боласини туғмаган бўлса ҳам “Родители, Предки” (яъни аждодлар) деб атайверадилар. Бугунги кунларда эса амакиларга нисбатан қўллайдиган ОВА деган сўзимиз ҳам қадимий АБОнинг замонлар ўтиши билан ўзгариб кетган шаклидир. Шунисини ҳам алоҳида қайд этишимиз зарурки, бу сингари қавму қариндошлик атамалари эса ҳозирга қадар ўзаро қариндош бўлмаган ўзбеклар орасида ҳам бемалол ишлатилаверади. Бундай вазият эса аслида қадимий жамоатчилик муносабатларининг ўзбек халқи турмуш тарзида беҳад чуқур илдиз отганлигининг тағин бир кўзга яққол ташланиб, ҳаммага бемалол кўриниб турган ҳаётий далилидир.

Инсониятнинг қадимий тарихида термачилик, баликчиликка ҳамда овчиликка асосланган табиат неъматларини ўзлаштирувчи хўжаликдан кейинроқ ишлаб чиқарувчи хўжалик – чорвачилик ва деҳқончиликка ўтилиши ва унинг аста-секин ривожланиши билан эркаклар меҳнатининг қадри ҳам орта бошлаган. Маҳсулот ишлаб чиқаришда эркакларнинг улуши ҳам ортган, бинобарин уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам, турган гап-ки, тубдан ўзгариб кетган эди. Оила-никоҳ масалаларидаги ўша пайтлардаги мавжуд тартиблар-қоидалар – фарзандларнинг фақат онагагина тегишли бўлиши ва онанинг мол-мулкига меросхўр ҳисобланиши эркакларнинг энди эгаллаб олган янги мавқеига анчагина зид келиб қолган. Бунинг натижасида эса, энди ота ҳуқуқига асосланган патриархал ҳамда патрилокал (патер, падар – ота) оилалар вужудга кела бошлаган.

Матриархатдан патриархатга ўта бошлаш даврида (мил. авв. 3 мингйиллик) шаклланиб, ва биргаликда ўз хўжалигини юритувчи қавм-қариндошларнинг бир нечта авлодларидан ташкил топган патриархал оила, асосан, илк хўжалик жамоаси бўлган эди, унинг иқтисодий асосини бўлса ерга ҳамда ишлаб чиқариш қуролларига (ишлаб чиқаришга ҳам, истеъмолга ҳам) умумий эгалик ташкил этган. Патриархатга хос бўлган оила ва никоҳнинг шакли фанда полигиния (поли... юнонча gine – хотин) деб аталади. Айрим бир этносларда кўпроқ, мусулмон халқларида никоҳнинг ушбу шакли ханузгача сақланиб қолганлигини ўзингизам жуда яхши биласиз. Полигиния атамаси баъзи ҳолларда полигамия (кўп никоҳлилик) шаклида ҳам қўлланаверади. Полигиния асли гуруҳли никоҳнинг ўзига хос қолдиғидир. Унда бир уруғнинг ҳамма аёллари бошқа бир уруғнинг барча эркакларига умумий хотин ҳисобланган эди.

Кейинчалик бўлса даврлар, замонлар ўтиши билан жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳамда маданий ҳаётнинг юксалиши туфайли бир никоҳлилик – моногамияга ўтилган. Моногамиянинг қарор топиши биланоқ аёллар ҳам аста-секин бўлса-да, эркаклар томонидан асоратга солинган. Аёл бўлса ўз эри – хўжайинининг мулкига ва қулига айлана борган. Бойлик ва мол-мулк орттириш ҳамда уни ўзининг

қонуний ворисларга мерос сифатида қолдириб кетиш оиланинг энг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолган.

Марказий Осиёда бундан 3 минг йил муқаддам шаклланган ва тарқалган “Авесто” замонидаги қадимий зардуштийлик динида оила ва никоҳ масаласига ҳам муҳим аҳамият қаратилганди. Аёл ҳар гал фарзанд кўрган чоғида унга бир туя туҳфа қилиш билан рағбатлантириш анъанаси ҳам қонунийлаштириб қўйилган эди. Аксинча, балоғатга етгач, қасддан турмуш қурмаётган қизларни қопга солиб 25 дарра уриш ва бўйдоқ йигитларга тамға босиш ҳамда ўта оғир занжирни уйлангунига қадар белига боғлаб юриш жазолари тайинланган эди. Қадимги аждодларимизнинг наздида, оила ҳамда никоҳ Яратувчи талабларига мос келганлиги туфайли, уни бузиш тақиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчиликни содир этгудек бўлса, барча кишиларнинг кўз ўнгида таёқ билан қаттиқ саваланган. Аждодларимиз турли-туман шундай воситалар орқали ҳам жамият ҳаётининг асоси бўлмиш оила мустаҳкамлиги учун бетиним равишда курашиб келганлар.

“Авесто”нинг туб ва асл мазмун-моҳиятини ифодалаб турган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили бугун ҳам оила камоли йўлида йўлчи юлдуз мисоли ярқираб турганлиги билан бетимсол аҳамият касб этмоқда. Буни оилаларимизнинг бетакрор анъана ва удумлари, маросим, урф-одатлари мана шу ўлмас меросдан баҳра олганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, зардуштийлик ақидаларида қизлар тарбиясига хушфеъллиг-у хушмуомалалик ва ғоятда эътиборлилик билан ёндашилганлигини кўрамиз. Зардушт таълимотича, ҳар бир ота-она ўз қизини балоғат ёшига етгунига қадар ўша пайтдаги касб-ҳунарларни пухта ўрганиши, уй-рўзғор юмушларида чечан бўлишига эришиши, зийрак, ниҳоятда эпчил, фаҳму фаросатли, топқир, хушхулқ, меҳнатсеевар ва иболи қилиб тарбиялаши талаб этилган. Қизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом улғайиши бўлса она зиммасига юклатилган. Бу билан қиз боланинг янги оила қувончига янада қувонч қўшадиган ва қадами қутлуғ келин бўлишига замин яратилган. Бу, бир томондан, ота-она ишини енгиллатиб, хонадон юмушларини

ҳамиша саранжом, пок ҳамда исрофгарчиликларсиз бўлишини таъминласа, иккинчи тарафдан, қиз тушган хонадоннинг ободлигини ҳам таъминлашга заминни яратади, қайнота ва қайнона, куёвнинг бўлса ҳурматини қозонади, янги оиланинг беҳад мустаҳкамлигини таъминлайди.

“Авесто”нинг жуда кўп ўринларида бевосита аёллар мадҳини учратамиз. Жумладан, 3-ҳотда “Биз барча аёллар ва эркакларнинг пок рафторлари ва равонлигини мадҳ этамиз” деган фикрларни ўқиймиз. Зардушт барча кишиларга қарата: “аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у ҳам нодонликнинг белгисидир”, дейди.

Аждодларимизнинг оилага ҳурмат ва муҳаббат билан қараган ҳолда ўғилларини уйлантириш ва қизларини турмушга чиқариш масалаларида зукколик ҳамда масъулият жиловини маҳкам тутиб турганликларини кўрамизким, бу ҳам рўзғор тутиш, вазифаларни тақсимлаш, адолатли бўлиш, саранжом-саришталик ва ҳалоллик мезонларига қатъий амал қилишда муҳим ўрин тутган. Оиланинг тинчлигини, аҳиллиги ва тотувлигини мустаҳкамлашда ўзига хос тарбия мактаби вазифасини ўтаган. Бундай бағоят ажойиб хислат ва фазилатларга эга бўлган оилалар ниҳоятда қадрланган ҳамда бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилган. Мақтовга сазовор бўлган.

Зардушт ўз қизини турмушга узатар экан, унга шундай дейди: “Эй, Пручисто! Эй, жондан ҳам суюкли кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман, Жомаспни айни сенга жуфти ҳалолликка интихоб этдим (танладим). Энди эса сен ўзинг билан – ақлу фаросат билан маслаҳат қилгин, агар бу маслаҳатни қабул этсанг поклик расми билан ақди (боғлаш, банд қилиш – Б. И.) никоҳ боғлаймиз”.

Бундан минг-минг йиллар аввал отанинг қизига меҳрибонлик билан айтган бу насиҳати бугун ҳам қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Бугун ҳам ота ўзи туғилиб ўсган хонадонини тарк этаётган қизига насиҳат қилади. Берган тарбиясини ва айтган ўгитларини тағин бир бор такрорлаб, қизи уларга амал қилишини, доим ёдида тутишни тайинлайди. Бу қизнинг янги оилада оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юришига, қайнота ва қайнонасига келин эмас, қиз бўлишига

интилишига, ўз оиласида ўрганганларини бенуқсон бажаришга, эри билан аҳил яшашга даъват этибгина қолмасдан, оиланинг тўкин-тўкислигини, тинчлиги, обод ва фаровонлигини таъминлаш жараёнига ҳам муносиб тарзда холис хизмат қилган.

Зардуштнинг бўлғуси келин-куёвларга қилган бу мурожаати эса эр-хотиннинг тотувлиги-ю, оиланинг янада мустаҳкамлигига қаратилган: “Энди эса мен Сизларга шахсан мурожаат этаман: бу пандимга қулоқ солинг, айтганларимни эса хотирангизга муҳрлаб олинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинглар. Ҳар бирингиз энг яхши одоб ва хулкингиз билан бир-бирингизга меҳр-муҳаббат қўйинг, токи муқаддас эр-хотинликни ниҳоятда хурсандчилик ва беҳад хушвақтлик билан ўтказинг”.

Зардуштийликда никоҳ бир умрга муҳрланган бўлиб, эркакка икки никоҳлиликка ёхуд вақтинчалик никоҳликка мутлақо рухсат берилмаган. Эр ва хотиннинг бир-бирига нисбатан хиёнати бўлса кечирилмаган, ниҳоятда қаттиқ жазоланган, айбдор, ҳатто бадном қилинган. Айнан мана шундай тартиб-қоида эр билан хотиннинг бири-бирини ҳурмат билан қадрлаб Зардушт айтган панд-насиҳат ва маслаҳатларга амал қилиб яшашларига кенг йўл очиб берган. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳеч камситилмаган, чекланмаган ҳам. Аксинча, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши, уларни оила ва жамиятдаги мавқеларини яна оширишга ҳаракат қилинган. “Авесто”да ифода этилишича, хотин-қизларга жамият ҳаётининг барча соҳаларида катта эркинлик берилган, ҳуқуқлари йўлига тўсиқ қўйилмаган. Бу билан аёлларнинг оила тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда унга ҳуқуқий имконият яратилган.

Милоддан аввалги II – I асрларда Давань (Фарғона) давлати ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва роли ғоятда юксак бўлган. Қадимги Хитой муаррихлари маълумот беришича, агарда аёл ўз эрига бирон-бир топшириқ қилса, эр уни бажармасликни хаёлининг бир четигаям келтирмасди. VII – VIII асрларга мансуб ҳужжатлар ҳам Ота маконимизда аёллар ҳуқуқ ва эркинликлари муносиб равишда ҳимоя қилинганидан

далолат беради. Масалан, Қалъаи Муғ ҳужжатлари орасида Уттегин исмли бир йигит билан Дундғунча исмли аёлнинг ўртасида тузилган никоҳ шартномаси топилганди. Унга кўра Дундғунчанинг ўз ихтиёри билан қонунга мувофиқ, Уттегин севимли ҳамда ардоқли хотин сифатида қабул қилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, зеб-зийнат билан таъминламоғи ва жуда иззат-ҳурмат қилмоғи даркор эди. Ўз ўрнида Дундғунча ҳам Уттегинни севимли ва ардоқли эр сифатида тутмоғи ва унинг бахтли турмуши ҳақида қайғурмоғи, унинг буйруқларини қонун сингари тингламоғи даркор эди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда эр-хотинлардан бири иккинчисининг розилигисиз никоҳ битимини бузмаслиги шартлари баён этилган. Шу жумладан, агар Уттегин Дундғунчанинг расмий ижозатисиз унинг устига яна уйлангудек бўлса, у вақтда Дундғунчага 30 динорий соф кумуш драхма товон тўлаши ва уни бундан буёғига на хотин ва на хизматкор сифатида тутиб турмасдан, ўта зудлик билан озод этиши шарт бўлган...

“Авесто”нинг алоҳида Яштларида эса Аҳурамазда ё Зардушт томонидан келин-куёвларга қилинган даъватлар ҳам келтирилган. Масалан, Аҳурамазда дейди: “Эй, Спитама Зардушт! Мен оилали эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутаман. Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитларнинг уйланишига ёрдам берса, унга бу дунё-ю у дунёда катта савоб ёғдираман”, “уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига тўғри йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ эса барча ҳаммазҳабларимизнинг вазифасидир”.

Зардушт шундай дейдики: “Эй, оила қураётган йигит-қизлар! Сизларни огоҳлантириб, шуни ҳам айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат, жидду-жаҳд қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ, яхши хатти-ҳаракат, амал билан оилангиз ҳаётининг мустаҳкам, шод-хуррам ҳамда саодатли ўтишига эришингиз!”

Шуниси характерлики, зардуштийлар одатича қиз балоғатга етгач, уни турмушга бериш ота-онаси измида бўлса ҳам қизнинг розилигиям албатта сўралган ва у билан ҳисоблашилган. Кадхудо (эр) кадбону (хотини)нинг машваратисиз, розилигисиз қизни эрга бериш ҳуқуқи бўлмаган.

Ўз вақтида жуфти ҳалолни танлай олмай ёки бошқа жисмоний сабабларга биноан турмуш қурмай, ёшлари ўтиб қолган аёллар додгустир (қози) фатвоси билан Оташкада ва унинг қарамоғидаги китобхоналар, дармонгоҳ (поликлиника)лар, сиҳатгоҳ (касалхона)лар ҳамда ҳужраларда истиқомат қилганлар. Улар бу хизматлари учун натурал равишда маош олиб турганлар.

Шунисиям диққатга сазоворки, “Авесто”да аёлларнинг номи рамзий маънога эга эканлиги изоҳланган. Масалан, ёдгорликнинг матнида хотинлар “Рита Сиябону” ёхуд “Ошабону” деб аталган. Бунинг маъноси “поклик ва ростлик нури”дир. “Бону” сўзи ҳам “чароғон, ёруғлик” маъносини англатади. “Матри” яъни “**ОНА**” сўзи “тарбияловчи, устоз” маъносида изоҳланган. Энди ўзингиз ҳам англаб етгандирсиз “Устоз отангдан улуғ”, деган неча минг йиллар муқаддам туғилган ўзбек мақолининг маъно-мазмунини. “Авесто”да сингил сўзи “Совасри” шаклида қўлланилган бўлиб, “Муқаддас ва хайрихоҳ” маъносини билдиради. Ушбу сўзларнинг асл маъносини ёдлаб олиб, ўзгаларни ҳам олган билимингиздан баҳраманд айласангиз нақ савобнинг тагида қолган бўлардингиз.

Бундан ташқари бўлса, “Авесто”да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳаза ва фикрлар мавжуд: “Эй, мардум! Ўзгаларнинг яхши маслаҳатига қулоқ тутинг ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фурсатни сира бой бермасдан ўзи тўғри йўлни танласин, токим ҳаёти пок, ҳалол ва хирадманд (ақлли, доно) ёр билан ўтадиган бўлсин”.

Қуйидаги фикр аёл зотининг жамиятда, оилада ва башарият тарихида тутган ўрнига берилган энг адолатли баҳодай туюлади: “Дастлабки кундаёқ Аҳурамазда аёлларга буюрди: “Эй, аёл! Сени эътиқодли ва паҳлавон эркакларни вужудга келтириб меҳрга тўла оғушингда парвариш этгин, деб яратдим. Токи улар нодурустлик ва нопокликнинг ўқ илдизини ер юзидан буткул йўқотсинлар”.

Бундай чақириқли панд-насиҳатлар эса одамларни саховатли, бағрикенг, меҳр-оқибатли бўлишларига чинакам таянч сифатида хизмат қилибгина қолмай, уларни оилага ҳурмат билан қарашга, фарзандларнинг оила қуришига биргалашиб кўмак беришларига, бу ишни ўзларининг эзгу вазифалари деб билишларига чорлаган.

Шунингдек, “Авесто”да ёр танлаш ва оила қуришда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ва аввалambор, ўз ота-оналари ҳамда кексалар маслаҳатларини қадрлаш ҳамда улар насиҳатларидан юз ўгирмаслик хусусида ҳам роса кўп ажойиб фикрлар баён этилган.

“Эй, мардум! Ўзгаларнинг яхши маслаҳатларига қулоқ тутинг ҳамда уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бермай ўзи тўғри йўлни танласин, токи ҳаёти пок ва хирадманд (ақлли) ёр билан ўтадиган бўлсин”, каби ғоятда пурҳикмат маслаҳатлар оила маънавиятини янада юксалтириш жараёнида бебаҳо ҳамда бебақо хазина – махзандир десак, асло муболаға ҳам бўлмайди...

“Қуш уясида кўрганини қилади”, “Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар”, “Сут билан кирган жон билан чиқар”... Бундайин ҳикматларни кимдир кеча ёхуд бугун тўқигани йўқ, албатта. Бу халқимизнинг бир неча минг йиллик ҳаётий хулосаси, йўллару манзиллардаги тўхтами, турмуш ва тафаккур тарзи ифодасидир.

Ўзбекнинг оиласи жуда кўпминг йиллик миллий шаклланиш босқичларини минг машаққат ҳамда заҳматлар билан босиб ўтган улуғ қадриятларимизнинг чинакам махзани (маънавий хазинаси). Никоҳнинг муқаддаслиги, оилавий муносабатларни ота-оналарни бағоят улуғлаш, фарзандлар тарбияси, одоб-ахлоқ, андиша, вафо, садоқат, шарм-ҳаё, ҳалоллик ҳамда покизаликнинг асосига қуриш фақатгина шарқона ҳаёт фалсафасига хосдир. Аждодларимиз ҳаё-иффатли, ўз эрига ҳамда оиласига садоқатли аёллар учун махсус бир байрамниям нишонлашгани, юқорида ҳам қайд этилганидек, “Авесто”даги оила тартиб-қоидаларида соғлом, покиза наслнинг давомийлигини таъминлаш бирламчи ва

асосий вазифа сифатида белгилангани, муқаддас динимиз асоси Қуръони Каримда оила-никоҳ муносабатларига доир мукаммал тартиб-қоидалар тизими нозил этилгани эса бунинг яққол далили ва исботи ҳисобланади.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашларида оила ва оилада бола шахси тарбияси, интеллектуал таълим, ахлоқий ҳамда жисмоний тарбия, меҳнат ва инсонпарварлик тарбияси масалалари алоҳида ўрин эгаллаган. Беруний оилаларнинг бузилишига кўпинча рашк асосий сабаблардан бири бўлишини кўрсатиб: “Эй, қизим! Рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг калитидир. Ўз эрингга ҳадеб гина қилишларингни ман этаман, чунки у нафратни уйғотади. Яхшиси, сен ўзингга пардоз бергин. Агар саҳрога чиқар бўлсанг ҳар доим ёнингда сув бўлсин... Ўз эрингни кўрганингда, хушчақчақ бўлган вақтида сен хафаликдан, у хафа бўлган вақтда бўлса сен хушчақчақлик қилишдан сақлангин. Эрингнинг сирини асло фош этмагин, акс ҳолда унинг олдида ўзингниям камситган бўласан...”, деб панд-насиҳат қилган, жўяли маслаҳат берган эди.

Бир куни Луқмони ҳаким ўтиб кетаётсалар, бир онахон қизига насиҳат қилиб, яхши одатларниям ўргатаётган эмиш: “Қизим, сен ҳам балоғат ёшига етиб қолдинг. Эртага ўзинг бировнинг хасмига борасан, меникига бўлса меҳмонга келасан, холос. Сен яхши ҳаёт кечираман, обрў-эътиборли бўламан десанг, қайнонангни ҳурмат қил. Ҳаммадан эрта тур! Ҳаммадан кеч ёт! Қўлинг эгри бўлмасин, бошингга кескир қилич келса ҳам рост гапир. Ёлғончи, чақимчи, иккиюзламачи, ғийбатчи бўлма, қўлингдан келган хизматни асло аяма, келган меҳмоннинг иззат-ҳурматини ўз жойига қўйиб кузат. Қайнонангни ва оила аъзоларингни бировларга ёмонлама, зийрак, доно, ақлли бўл! Куёвингнинг ҳурматини жойига қўйгин, кўчадан келганида кутиб ол! Кетганида кузатиб қўй! Борига шукр қилгин! Нафс овораси бўлмагин. Шундагина бахт сенинг асл йўлдошинг, турли ғам-ташвишлар эса чинакамига кундошинг бўлади”, дебди.

Шунда Луқмони ҳаким “Онасини кўриб қизини ол, қирғоғини кўриб бўз ол, отасини кўриб қизингни бер!”

деганлариям аслида шу бўлса керак-да деб, ўз йўлларида давом этаверган эканлар.

Турк олими Юсуф Товаслий тўплаб нашр этган “Ҳикматлар китоби”да онанинг келин бўлаётган қизига берган насиҳати ҳам алоҳида диққатга молик. Шу боисдан ҳам уни тўлиқроқ ҳолатда сизнинг эътиборингизга, ўзгаларга албатта айтиб беришингиз ва улардан раҳмат ва ташаккур олишингиз учун, ҳавола этмоқдамиз:

“Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўгит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганини эса эсга солади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак эса аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар бўлса эркаклар учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан-ки, ушбу қонунни ҳеч ким буза олмайди. Шу сабабли сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб ва ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб кетиб, ўзинг билмайдиган, буткул нотаниш бир уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундайин хизмат қилгинки, ул ҳам сенга қул бўлсин. Сен эса унга асл ер бўлгинким, у сенга осмон бўлсин.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўнта ўгитимга қулоқ сол! Бу пандларни доимо ёдингда тутгин, эсингдан сира ҳам чиқармагин:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга ниманики олиб келса, у хоҳ ейдиган ва хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб олгин! Эрингга минг ташаккур айтиб, хушнудлигингни кўрсатгин. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир, ўзининг ҳолига шукр этмаган, ўзининг нафсини сира тия олмаган кишиларда кўнгил ҳузури ва қалбнинг роҳати ҳам асло бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, унинг қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма. Яъни, эринг билан суҳбатлашганинг, мулоқотда бўлганингда итоатли бўлишингни ва унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан ҳам тушуниб оладиган бўлсин. Шунда

Аллоҳ таоло сендан хушнуд ва уйингиз эса ҳар доим бахт-саодатнинг нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бергин! Яъни уйинг ичини ва ташқарисини ниҳоятда тоза тутгин, шундай қилгинки, эрингнинг кўзига бирон-бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйингни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки, ёмон ҳидлар эрингнинг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ҳамда зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик эса шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрлагин, яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирмагин. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, айнан ўша вақтда унинг овқатини тайёрлаб қўйгин. У уйга етиб келиши биланоқ, дарҳол дастурхонни сол. Шуни яхши билгинки, очлик одамнинг жаҳлини ва ғазабини жуда ҳам тез келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини жуда ҳам яхши билиб ол! Яъни, эрингнинг қачон уйқуга ётиш пайти етиб келганда, ўрнини зудлик ила тайёрлаб қўйгин. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асаблар бузилиши ва хафақонлик одамларнинг эҳтиросли меҳр-муҳаббатини ҳам аста-секинлик билан сўндириб юборади.

7. Эрингнинг моли-ашёсига эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгин. Чунки, унинг мол-дунёси асли сеники. Эрингнинг мол-дунёсини исроф этмаслик – ишни яхши билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндошларига ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни, эринг қариндошлари-яқинларига ҳурмат унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш эса – эрингни иззат-ҳурмат қилиш демакдир. Бу бўлса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтмагин! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билиб қолган вақтингда жуда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировга айтиб юрма. Агар айтиб

қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини ҳам йўқотасан. Бунинг оқибатида эса энди тузаётган оилангиз ниҳоятда тезлик билан бузилиб кетади.

10. Эрингнинг динига тўғри келадиган барча буйруқларни адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бирор ҳаракат бўлмасин. Агарда биргина шундай ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб, охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди".

Аслида бу ўгитлар ўша она ҳаётий тажрибаларидан туғилган, уларда онанинг ўзи тутган ҳаёт йўли умумлашган. Табиийки, она ва қизи ўртасидаги бундай яқинлик туфайли қизи унинг ниҳоятда ишончли бир сирдошига, меҳрибон дардкашига, ҳамкору ҳамдаст дўстига айланиб аста шаклланади, ҳар қалай у ўғил фарзандига нисбатан ўз онасига яқинроқ даражада мушфиқа бўлиб улғаяди.

Шу ўринда эса Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг соҳир қаламига мансуб "Бахтиёр оила" номли машҳур китобда (Т.: "Hilol-Nashr", 2018, – 528 б.) келтирилган бўлажак куёвларга насиҳатлардан ҳам баҳраманд бўлиб қўяверсак, яхши бўлар эди:

"Сен эр ўлароқ ҳам билгинки, аёлинг аёл бўлгани учун сендан бошқачароқ услуб билан тафаккур ҳамда тасарруф қилади, унинг нафсониятини фаҳмлашинг ва эҳтиромини қозонишинг учун ҳам қуйидаги насиҳатларга қатъий амал қилишинг керак бўлади:

1. У ҳам сен каби тасарруф қилиши керак деб ўйлама. Чунки,

у сендан бошқачароқ қилиб яратилган.

2. Уни эътиборсиз қолдирма. Унга муҳаббат, меҳр ва омонлик

ҳадя эт. Чунки у аёллик табиати ила шу нарсаларга муҳтождир.

3. Унинг шикоятларини эътиборсиз қолдирма. Аёл киши ҳар

доим ҳам маънавий ва меҳр-муҳаббатли қўлловни истайди.

4. Унга совғалар қилишда асло бахил бўлма, чунки аёл зоти бахил эрни мутлақо ёқтирмайди.

5. Аҳлини зиёрат қилишига қарши бўлма, агар бунга қарши бўлсанг, унинг меҳр-муҳаббатини ҳам йўқотиб қўясан. Аёллар ўз аҳлига кўпроқ даражада боғлиқ бўлади.

6. Гоҳ-гоҳида бўлса-да, рашк қилишингни билдириб тургин. Бу эса унинг аёллик иззат-нафсини рози қилиб туради.

7. Унга лутфингни кўрсат, аёллигини қондириб тур.

8. Унинг айбларини юзига солма. У танқидни ёқтирмайди.

9. Унга хиёнат қилма. Аёл учун энг оғири эрнинг хиёнатидир.

10. Ундан ёрдамингни сира ҳам аямагин. Чунки аёл зоти доим ўзи чиндан ишонадиган ва суянадиган шахсга муҳтождир.

11. Оилавий масъулиятингни ҳамда ваъдаларингни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмагин. Уларга қатъий амал қилишинг аёлингга бўлган меҳр-муҳаббатингни ҳис қилдиради.

12. Ундан муаммоларни мантиқий ҳал қилишини ҳам талаб қилма. Чунки аёл киши одатда кўпроқ ҳаяжонга берилган бўлади.

13. Уйнинг майда-чуйда ишларига аралашаверма. Бу борада унга ишон. Бу унга уйнинг асл бекаси эканини сездириб туради.

14. Аёлингнинг шахсий ҳурриятини ҳам ўта кўп чекламагин. Хусусан, ижтимоий алоқаларда...”

Келинг шу ўринда мавриди келиб қолгани сабабли бир ҳаётий мисолниям эътиборингизга ҳавола этсак-да, сўнгра суҳбатимизни келган жойидан давом эттираверсак, қарши бўлмасангиз керак.

Ўзингизгаям яхши маълумки, ҳозирги пайтда қудалашадиган томонлар қизни ҳам, йигитларни ҳам маҳалладан суриштириши анъанага айланиб боряпти. Бир оғайнимиз ўғлини уйлантирмоқчи бўлди, ёшлар бир-бирини яхши билишар экан, нима ҳам дердик, бирон-бир тўхтамга келмасак асло бўлмайди, деди. Қиз оиланинг ёлғиз фарзанди, онаси муаллима ва отаси ҳайдовчи экан. Даврада ўтирганлардан кимдир луқма ташлагандек бўлди, якка-ёлғизгина ўсган қизларнинг аксари тантиқ бўлади, яна ўзинглар биласизлар, шошилмай суриштириш керагов, деди. Онасининг муаллималиги қизнинг ижобий фазилатларига кафолатдай

туюлди-ю, тўй бўлди, ёш оилада кетма-кет фарзандлар туғилди. Ёлғиз қиз бир ўғил ва бир қизли бўлди, ота-онаси бундан хурсанд бўлишди, уларнинг ҳам “этаги тўлиб қолди”. Кўп ўтмай ҳамманинг ҳавасини росаям келтирадиган шу ёш оилада келишмовчилик чиққанлиги ҳақида узунқулоқ гаплар тарқалди. Келин ўз эрини бўлар-бўлмасга рашк қилиб, ишхонасигача бориб асабларини қақшатаётгани маҳаллага маълум бўлди. Шунда ана ўша даврада оғайнимиз айтган гапда жон борлигини эсладик, чунки муаллима опа ҳам ўз эрини фақат тергаш билан соғлигиниям бир жойга олиб борган, кўпгина яхши ишлардан бўшатиб олган ва оилада етакчиликка даъвогар бўлган экан. Ёлғизгина қиз эса ана шу муҳитда катта бўлиб, оила қилиш муроса ва мадора асосида тикка туришидан бехабар бўлган. Мана шу ва шунга ўхшаш мисоллар таҳлили кўрсатадики, оила, аввало, маънавий қўрғон устига қурилмоғи, у ҳар икки томондаги, яъни йигит ва қиз мансуб бўлган оилалар анъаналарини омухта қилиш, уларни бир-биридан асло камситмаган ҳолда, энг саралари ҳамда қулайликларига амал қилиш асосида янада бойиб бориши керак.

Беруний бобомизнинг тағин бир ўта муҳим аҳамиятга молик фикрларини ҳам уқиб олсак, зарар қилмаймиз: “Аёллар олмосга ўхшайди. Олмос олмос бўлгунича, неча-неча чархлардан ўтади ва қанчадан-қанча машаққатларга ҳам чидайди. Натижада эса, унинг қирралари шундайин ишлов топадики, ярақлаганида кўзни олади. Олмос мана шу тариқа чинакам қимматбаҳо тошга айланади-да. Аёллар ҳам тортган машаққатлари ҳамда сабр-қаноатлари эвазига шундайин бир юксак баҳога сазовор бўладилар. Қизларимиз ҳам ўзи борган хонадонларда ақллилик, зукколик, камтарлик билан иш кўрсалар, бу ёруғ дунёда улардан бахтлироқ аёл бўлмайди”.

Абу Райҳон Беруний оила барқарор бўлиши учун “эр ва хотин ўз ҳирсининг маънавий шифокори бўлиши даркор”лигини доимо уқтирса, Абу Али ибн Сино оила бахтини чин севги-муҳаббатда деб ҳисоблаган эди. Ибн Сино “Китоб-ул шифо” асарида оилалар бузилишининг асосий сабабларини қуйидагича кўрсатган эди:

– биринчидан: ўзаро эр-хотинликдан фарзанд бўлмаса;

– икккинчидан: хотин ўзининг эрига хиёнат қилиб қўйса;

– учинчидан: агар хотин ўта тарбиясиз бўлса;

– тўртинчидан: эр-хотин бир-бирларига мутлақо ёқмайдиган, ўзаро зид ва қарама-қарши хусусиятларга эга бўлсалар...

Ўтмиш манбаларида қайд этилишича, буюк табиб, муаллим, мураббий Ибн Сино вояга етиб, уйланиш вақти-соатиям келибди. Унга тавсия этилган қизлардан ҳеч бири сира маъқул бўлмабди. Қўшни қишлоқда бир шаккок, тили ўта заҳар, қайсар бир қиз бор экан. Шундан бохабар бўлиб, эшитиб қолиб, у: “Агар уйлангудек бўлсам, фақат ўша қизга уйланаман”, – деб оёғиниям тираб туриб олган экан. Ота-онасининг: “Уни жуда тантиқ, қўпол, роса кўрс қиз дейишади, сенга бўлмайди. Унга бас келолмайсан, уйимизга даво истаб келган турли беморлар дилини хира қилиб қўйишиям мумкин. У сени ниҳоятда кўп ташвишларга солиб қўяди”, – деган эътирозига, йигит “Менга бўлса айнан шунақаси керак-да”, – деб қайсарлик қилиб, икки оёғини жуда қаттиқ тираб туриб олибди.

Ниҳоят, йигитнинг кўнглига қараб, ноилож ўша қизни Ибн Синога никоҳлаб қўйишга мажбур бўлишибди. Орадан унчалик кўп вақт ўтмасдан ўша келин бўлган қиз ҳамма кўрса беҳад ҳавас қилгудай ахлоқ-одобли, ширинсўз уй бекасига айланиб қолибди. Эшитганлар қулоғига, кўрганлар эса кўзига сираям ишонмасмиш. Одамлар “Ибн Сино хотинини уриб-сўкиб, дўқ-пўписалар билан эгиб олибди. Ибн Сино қўпол дағал кишини мулойим, кеккайиб кетганини камтарин, заҳар тилини ширин тилга айлантирадиган дори ичириб, ўшандай баджаҳл, қўпол ҳамда ярамас қизни яхши аёлга айлантириб олибди”, – деган миш-мишниям тарқатибдилар. Келиннинг ота-онаси ҳам қизларининг бунчалик ўзгаришига Ибн Синонинг калтаклари-ю, дўқ-пўписалари ёки “Жодули китоб”да ёзилган заҳар тилниям ўзгартириб юборадиган дори сабаб бўлган бўлса керак, деб ўйлашиб, қизларидан сўрашган пайтида эса, у: “Ширин тили ҳамда беҳад яхши муомаласи билан мени бутунлай ўзгартириб юборди”, – дея жилмайиб жавоб берган экан. “Яхши гапга илон инидан, ёмон гапга қилич қинидан

чиқади” деган нақл ҳам бежиз дунёга келмаганига ўзингиз ҳам имон келтиргансиз...

Сарбаланд Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг фарзанду невараларига келин ёки куёв танламоқни давлат юмушлари билан тенг кўрганлиги хусусида эса ўзингиз ҳам кўп бора ўқигансиз.

Темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ҳам бобокалони изидан бориб, бу ниҳоятда нозик масалага алоҳида эътиборини қаратган. Бобур Ҳумоюннинг нафақат ўзининг укаларига бўлган муносабатига, шу билан бирга унинг саводхонлигига ва одамлар билан ўзаро мулоқотларига қадар барча масалаларга диққатини жалб этганди. Ҳумоюн нафақат оиладаги бош фарзанд, шу билан бирга тож ва тахтнинг вориси. Шундан бўлса керак, Бобур унинг комил инсон бўлиши борасида куюниб, панд-насиҳат қилганди:

“Аждодларимизнинг кўпчилиги фидойиликни унутиб, буткул йўқ бўлиб кетди. Ўғил отани ўлдирди. Оға инисига хиёнат қилди. Оқибатда бари разолатнинг қурбони бўлди. Ундан кўра яхшилик фидойиси бўлган афзалроқ эмасмиди? Сен ҳам энди иниларингу авлодларингни мардликка ва фидойиликка ўргатгин!”

Гулбаданбегим “Ҳумоюннома” асарида Бобурнинг қариндош аёлларга бўлган ҳурмат-эҳтироми борасида қуйидагиларни ёзган эди: “Подшоҳ ҳазратлари Агра шаҳрида тўрт йил турдилар. Ҳар жума куни аммаларини кўргани борардилар. Бир куни ҳаво беҳад иссиқ эди, онам ҳазратлари эса: “Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар жума куни бормасангиз, ўзи нима бўлади, бегимлар бундан хафа бўлмасалар керак”, деб сўрадилар. Подшоҳ онамга мана бундай жавобни берган эдилар: “Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши жуда таажжубдир. Ҳазрат Абу Саид мирзонинг қизлари ўз оталари ва ўзларининг биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади”.

“Бобурнома”да ёзишича ота Бобурнинг ўз ўғиллари Ҳумоюн, Комрон, Аскарий, Ҳиндол тарбиясидан доим ҳам дили тўлмаган. Улар орасидаги нифоқ эса, айрим пайтларда душманликкача етиб борган. Оға-инилар ўртасидаги мулк

талашиш ва улар хулқидаги салбий жиҳатлар ота сифатида уни ҳамиша ташвишга солган. Бу борада бўлса Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактуби ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур мактуб Бобурнинг вафотидан икки йил олдин Ҳумоюнга жўнатилганди. Бу даврда Бобур Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий қисмини ҳам забт этиб бўлиб, ўз давлатини тўла маънода мустаҳкамлаб олган эди. Аммо, Ҳумоюн ва Комроннинг бир-бирларига бўлган муносабати ҳам тобора чигаллашиб, Бобур салтанатига таҳдид даражасига қадар етиб борган: “Сизларнинг жон тортиб ва қилич чопмоқ маҳалларингиздир. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжолиқ (оғиртабиатлик, вазминлик) била коҳиллик (танбаллик) подшолик била сира рост келмас... Яна ўзинг (яъни, Ҳумоюн – Б. И.) билур эдингким, доим бу қоида маръий эди: беш ҳисса Комронға бўлур эди. Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яъни ининг била яхши маош қилғайсен. Анинг ҳам муташарръи ва (бағоят) яхши йигит қўпубтур, ул ҳам мулозамат ва якжиҳатликқа тақсир қилмағай”.

Бобурнинг бу мактубида бошқа бир қатор муаммолар билан биргаликда фарзандларнинг ўз оталаридан ўз вақтида хабар олиб туриши масаласи ҳам жиддий ўртага қўйилган. Мактубнинг мана бу ўринларида Бобур Ҳумоюнни нақадар яхши кўриши, бу меҳр ва ишонч замирида эса отанинг ўғлига айтиши мумкин ва зарур бўлган баъзи бир эътироз ва армонлари ҳам борлигини кўрамиз. “Яна сендин озроқ гинам ҳам бор, бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлурми? Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузликким, дебсан, (ва) подшоҳликта айбдур... Ҳеч қайде подшоҳлиқ қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлуқ рост (тўғри) келмас”.

Бобур ўз мактубини давом эттирар экан, Ҳумоюн томонидан тузилган матнлардаги саводхонлик ҳақида сўз юритган эди. XV – XVI асрларда темурийлар салтанати ва умуман бошқа ҳудудларда ҳам шаҳзода, беклар саводхонлиги масаласига ҳам катта эътибор қаратилган. Шу ўринда Бобурнинг имло ва саводхонлик борасида ўғли Ҳумоюнни

қаттиқ имтиҳон қилиши, унинг камчиликларини кўрсатиб беришиям эътиборга лойиқ. Айни пайтда, Ҳумоюн хат – мактубларидаги имлонинг ғалатлиги, ҳуснихатнинг ночорлиги ва мантиқий занжир таъминланмаганлиги, фикр баёнида уйғунлик мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор қусурлар, энг аввало, Бобур томонидан ҳақли тарздаги жиддий эътирозга сабаб бўлган эди...

Шу ўринда фурсати келиб қолгани сабабли орага бир ибратли ҳикоятни қистириб кетсак, асло ортиқчалик қилмаса ҳам керак.

Юз ёшга кирган ҳамда қадди ёйдек букилган бир кекса киши ҳассасини ушлаб борар эди. Бир йигит уни масхара қилиб дебди: “Эй, шайх! Бу ёйни ўзи қанчага сотиб олдинг, айт мен ҳам сотиб олайин”. Шайх: “Агар узоқ яшасанг ва сабр қилсанг, бунақа ёйни сенга сув текинга келтириб берадилар”, – деб жавоб берган экан...

Бобурнинг бу мактубидаги ёшлар тарбиясига бевосита боғлиқ бўлган тағин бир жиҳатга диққатингизни қаратмоқчимиз. У ҳам бўлса озгина устунликка ё мансабга эришган, маълум миқдорда моддий имкониятга эга бўлган ёш йигитларнинг ёши анча улуғ кишилар ила ўз тенгдошлари қатори ҳазил-мутойибага киришиб кетишлари ва уларни кўпчилик олдида изза қилишидир. Бизнинг назаримизда, Ҳумоюн ҳам Бобуршоҳнинг номдор беки ҳазилкаш Хожа Калон билан айнан шундай муомалада ҳам бўлганки, Бобур ўғлига ўринли танбеҳ берган эди. Бу танбеҳ бугунги айрим ёшлар учун ҳам чинакамига ўзига хос ибрат дарси ҳисобланади: “Яна, Хожа Калон, менинг била густохона (тортинмай) ихтилот (ўзаро алоқа) қила ўрганиб эди, сен доғи, нечукким мен Хожа Калон била ихтилот қилур эдим, (худди) ўшундоқ ихтилот қилғайсен?”

Салтанат ва давлат ишларининг гирдобида қолган Бобур учун оилавий дастурхон атрофида ўтириш ва оила аъзолари дийдорига тўйиш, улар билан суҳбатлашиш амри маҳол бўлган. Шаҳзодалар турли вилоят-у, ўлкаларда мутасаддий шахслар сифатида юртни бошқариши боис, Бобур оиласининг бир жойда жам бўлиши ўта кам кузатилган. Бир куни Бобур Аграда

Ҳумоюнни эслаб суҳбат қуриб турганида, тўсатдан Ҳумоюннинг ўзи Бадахшондан келиб қолганди. “Бобурнома”да бу эса ҳолат қуйидагича тасвирланган эди: “...Муҳаммад Ҳумоюн бизни иштиёқимизни айтиб, Мирзо Ҳиндолни Қобулдан Бадахшонга йиборуб, бизни тарафға юра берур. Бир неча кунда дорулхилофа, Аграга етиб, ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тутуб, сўзлашиб ўлтуриб эдукким, ета ўқ келди. Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар ҳам чироғдек ёруди. Муқаррар ҳар куни жашн (базм) эди, ва лекин анинг ўзиға тўй бериб, хушҳоллиғлар қилдук. Ва неча муддатгача бир ерда бўлуб, мусоҳибона бир-бир сулук қилур эдик. Ва алҳақ суҳбатта бебадал (тенги йўқ) эди ва инсони комилким дерлар, ўшал эди”.

Авлодлар тарбиясининг бешиги бўлган оила ҳамда у билан боғлиқ қарашлар ғоятда хилма-хилдир. Лекин, асрлар синовидан ўтиб келган анъаналар ўз моҳиятини ҳеч қачон, асло йўқотмайди. Улар биз учун, келажак авлодлар тараққиётига дахлдор ибрат ва сабоқ мактаби вазифасини доимо шон-шараф билан ўтайверади.

Ҳар қандай этнос оиласининг ўзига хослиги, энг аввало, мана шу халқнинг характеридан келиб чиқади ва даврнинг эврилишига қараб ўзгаради ва такомиллашади; бошқа халқлар билан ёндош яшаши туфайли қўшнилари характеридаги ижобий жиҳатларини ўзлаштириб, ўз фазилатларини ҳам доим бойитиб боради. Чунки, ҳеч қайси халқ ҳеч қачон миллий маҳдудлик деворининг ичига қамалиб олиб яшай олмайди. Ўзбекнинг оиласи ҳам фақатгина ўз қобиғига ўралиб олиб кунини кечирадиган худбин оила эмас, бу фазилат, энг аввало, қўшничилик муносабатларидаям яққол кўзга ташланади. Ўзбек халқининг минглаб йиллик турмуш тарзида узоқдаги этдан (қариндошдан) яқиндаги ёт, яъни ён қўшни яхши, деб қаралади. Беҳад лаззатли таом тайёрланганида, энг биринчи навбатда, ўз болалари орқали қўшниларга қўшнитовоқ узатилади. Тўй-маъракалар пайтида қўшнининг уйи ва ҳовлисидан беминнат тарзда фойдаланилади. Яхши-ёмон кунларда, тўй-маъракаларда оилага, энг биринчи бўлиб, қўшни илтифот ва мурувват қўлини чўзади. Яхши қўшничилик муносабатлари эса оиланинг

кундалик ҳаётига, энг муҳими бўлса, болалар тарбиясига бевосита ижобий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам қуда-андачилик ва қариндош-уруғчилик муносабатларига нисбатан ҳам, энг биринчи навбатда, яхши қўшничилик алоқаларига ниҳоятда катта аҳамият берилади.

Буюк аллома, ён, жон қўшни қирғиз халқининг улуғ фарзанди – Чингиз Айтматов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги арафасида юртимиз ҳамда халқимизга нисбатан қилинган асоссиз иғволар, туҳмат ва бўҳтонларга ўз муносабатини билдириб, яхши қўшничилик анъаналарига қатъий амал қилиб, шундай ёзган эди: “Бизлар Туркистон тоғлари ҳамда кенг чўлларида бирга яшаймиз, болаликдан қадим тарих ва маданиятга эга ўзбек халқига ҳурмат руҳида тарбияланганмиз. Ўзбек ўзининг беқиёс даражадаги гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган ҳурмат-эҳтиромга лойиқдир. У битмас-туганмас, ақл бовар қилмас меҳнатсеварлиги, ҳунарларда беҳад моҳирлиги ва ажойиб тарзда сақланиб қолган ўта ноёб анъаналари билан айни шундай ҳурматга лойиқ” (“Қайта қуриш, ошкоралик – омонлик дарахти”. “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1988 йилнинг 14 феврали).

Ҳақиқатан ҳам, бу дунёда ўзбекнинг қўлидан келмайдиган иш мавжуд эмас. Юқоридаям қайд этилганидек, қозоқ ёзма адабиёти асосчиси Абайнинг “Насиҳатлар” китобида ёзган эътирофини ҳеч бир кимса асло инкор эта олмайди: “Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосилни олмайдиган экиннинг ўзи ҳам йўқ, ер юзида ўзбек савдогари оёғи етмаган жой йўқ ва ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ҳушёрлик, ўткир зеҳн, усталик, эпчиллик, катта маҳорат, тадбиркорлик, уддабуронлик ва абжирлик – буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос бўлган хусусиятлардир”. Донғи курраи заминга таралган буюк зотларнинг эътирофлари, шак-шубҳасиз, оилапарвар буюк ўзбек оиласига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Жамиятнинг роса муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила аввало, никоҳдан бошланади. Оила қанчалик соғлом, тўқ ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам айни шунчалик даражада соғлом, тинч ҳамда фаровон ривожланади-да. Шунинг учун никоҳ

ибтидоий жамият давридан бошлаб махсус урф-одатлар орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан кенг нишонланиб, даставвал одат, ва кейинчалик бўлса ёзма равишда қонунлаштирилган маросимдир. Оилавий ва оммавий байрамлар ҳамда сайилларда ўтказиладиган қадимий маросимлар ҳам никоҳ масалаларини самарали ҳал қилишга, масалан, иккала ёшни бир-бири билан учраштириб, уларни таништириш, яқинлаштиришга қаратилган йигит-қизнинг айтишувлари ва сумалак базмлари, гул ва олмалар ҳадя қилиш каби ёшларнинг баҳор ўйин ва сайиллари ҳам янги оилаларни барпо этишга беминнат хизмат қилиб келган.

Минг афсусларки, биз шўролар истибдоди замонида никоҳни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фақат ислом динининг турли хил урф-одатлари билан боғлаб, уни фақат феодал патриархалчилик тузуми сарқитлари сифатида камситиб келганмиз. Никоҳ ҳар бир этноснинг эзгу орзу-ниятларини рўёбга чиқарилишига қаратилган энг ажойиб, беҳад гўзал маросимлардан бири ҳисобланади. Ҳатто ислом ҳам ўз ақидаларида эркак ҳамда аёл орасидаги ижтимоий тенгсизликни патриархал тузум асосида қонунлаштирган никоҳ масалаларида оталарнинг ҳуқуқини авторитар қонун-қоидаларига бўйсундирган бўлса-да, Марказий Осиёда қадим-қадим замондан одат бўлиб келган қиз-йигитларнинг ўзаро учрашувларини, эркин севги ҳамда ишқ-муҳаббат туйғуларини изҳор қиладиган миллий урф-одатларни бутунлай ман қилмаган эди. Аксинча, барча қиз-йигит айтишувларини, ёр-ёрларини, тўй-томошалар билан боғлиқ маросимларини, халқимиз томонидан ижод қилинган анъанавий никоҳ, у билан бевосита боғлиқ қадимий удумларини маълум бир даражада исломлаштиришга мажбур бўлганди. Ислом дини тўла ҳукмронлик қилган Бухоро ва Хива хонликларида ҳам ўзбек ва тожик миллатига мансуб аҳоли орасида никоҳ маросими билан боғлиқ расм-русумларда, айниқса, тўй пайтларида йигит-қизларга анча-мунчагина эркинлик ва енгилликлар яратиб берилган эди.

Юртимизда ҳозирга қадар риоя қилиниб келинаётган шаръий, мусулмончилик никоҳи аслида, умуминсоний қадриятлар асосида оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Қуръон ва шариат оилада камол топаётган фарзандларга юксак инсоний фазилатлар, одоб-икром, садоқатлик, ғамхўрлик, ўзининг бурчлари, вазифаларини теран тарзда англаш каби туйғуларни чуқур сингдириб, оилавий муносабатлар, қадриятларни кўз қорачиғидек қўриқлаб келган.

Бу хусусда эса рус шарқшунос олими Д. Н. Логофет шундай деб ёзган эди: “Мусулмон олами ноқонуний туғилишларни ҳатто билмайди ва мутлақо тан олмайди ҳам, табиат қонунлари асосида туғилганлар ҳамма вақтлар қонунан туғилган бола ҳисобланади ва шунинг учун ҳам болалар ота ва боболарининг номини олади. Бундан бутунлай бошқача хулосага ҳам келиш мумкин, яъни биз европаликлар ҳам осиёликларнинг тажрибасини жиддий ўрганиб, ўзлаштиришимиз керак ва ушбу ўринда шуни ҳам эслаш жоизки, Шарқ ўзининг боласини ўлдиришни мутлақо билмайди. Европача асослардаги фоҳишабозлик мусулмон давлатларида яқиндагина пайдо бўлган, у ҳам бўлса, европаликлар мусулмон давлатларини қурол воситасида истило этиши натижасидир” (“Бухоро тоғлари ва текисликларида”, “Саодат” журнали, 1950, 12- сон, 25- бет).

Оила ўзига хос бўлган тарихий ва ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамияти тараққиётида қатор вазифаларни бажариб, ҳам ўзининг, ҳам жамиятнинг янада ҳам такомиллашувини таъминлаб келмоқда. Чунончи, оиланинг энг дастлабки ва бош вазифаси – демографик вазифадир. Аслида, оила нафақат жинсий алоқаларни тартибга солиш, шу билан бирга зурриётни ҳам давом эттириш эҳтиёжи ва зарурияти туфайли юзага келган ижтимоий-биологик ҳодиса ҳисобланади. Қадим даврдан халқимизда ўзининг шахсий фаровонлигидан ҳам кўра оиласи шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғлар, қўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишнинг энг биринчи ўринга қўйилишиям – олий даражадаги миллий қадрият ҳисобланган. Бу борада эса жамият ҳамда давлат интизомининг сарчашмаси – оила интизомига ҳам алоҳида эътибор

қаратилган. Оиласида интизом туйғуси шакллантирилган кишилар жамият ва давлат ишидаям мана шу туйғу соҳиби сифатида хизмат қилади, давлатнинг адолатли қонунларига чап беришни бўлса хаёлининг катта кўчаси тугул, сўқмоғига ҳам келтирмайди, ҳар бир ишни ўз жойида ўз вақтида белгили тартиблар асосида бажаради. Бундай тартиб-интизом бутун халқ ва миллатнинг шарафигаям айланади. Тараққийпарвар ва жафокаш жадид аждодларимиздан бўлмиш Абдурауф Фитрат ҳам бундай тартиб ва интизомлилик ижтимоий моҳияти хусусида “Оила ва оила бошқариш тартиблари” номли асарида мана шундай деб ёзган, бунёдкор ғояни илгари сурганди: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, ушбу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига бевосита боғлиқдир. Тинчлик ва тотувлик бўлса ана шу миллат оилаларининг интизомга таянади. Қаерда оила муносабатлари кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунчалик даражада кучлироқ ва мунтазам бўлади”.

Ўз-ўзидан янада равшанлашадики, оилавий тартиб-интизом муаммолари унинг ҳуқуқий вазифаларини ҳам белгилаб беради. Бунда, энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига хос ички тартиб-интизом маданияти, ўзининг бурчи, масъулиятини чуқур англаш даражаси ва оилавий муҳитда ўзининг ўрнини белгилай олиши, оилавий муносабатларни иззат-ҳурмат қила билиши ва оиланинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, оиланинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлашга интилиши, оила шаъни-шавкатини юксак даражада шарафлаши, ва хуллас, оилада ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловатини ҳис қилмоқ учун ҳалол ва самимий бўлмоққа эришиши даркор.

Ўзингиз ҳам номини жуда кўп бора эшитган улуғ аждодимиз Ҳусайн Воиз Кошифий ҳозирги ниҳоятда мураккаб ҳамда мўрт, шиддатли замонга хизмат қилишда давом этиб, бизларга шундай дейдилар: “Оталар-оналарга нисбатан одоб неча хил бўлади, деб сўрасалар, ўн бир хил деб айтгин. Биринчидан, керакли даражада уларнинг ҳурматини сақлаш. Иккинчидан, улардан дунё молини аямаслик, уларга асло қаттиқлик қилмаслик. Учинчидан, қилган яхшиликларини

миннат қилмаслик. Тўртинчидан, ота-она юзига тик қарамаслик. Бешинчидан, агар ота ва она чақирсалар, зудлик билан ҳузурига келиш. Олтинчидан, ота ва она билан мулоқотда юзни тескари бурмаслик. Еттинчидан, агар гуноҳга сабаб бўлмаса нимаики буюрсалар, зудлик билан бажариш. Саккизинчидан, ота-она билан суҳбатда ё улар ҳузурида бошқалар билан гаплашганда овозни асло кўтармаслик (бақирмаслик). Тўққизинчидан эса, ота-оналар ризолигисиз ва дуосисиз сафарга чиқмаслик. Ўнинчидан, ҳар доим ота-оналар хурсандлигини таъминлаш пайида бўлиш.

Ўн биринчидан эса, ота-онага марҳаматни ибодат деб билиш, яъники, “жаннат оналар оёғи остида” эканлигини унутмаслик”.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Рисликҳон Мажнунова қаламига мансуб “Буюк орзулар – мактаб партасида туғилади” сарлавҳали мақолада (“Наманган ҳақиқати” 2018 йил 7 февраль) барчамизни ўйлашга, фикрлашга чорловчи ҳаммамизга дахлдор жуда ҳам ибратли бир мисол келтирилган:

“Синф раҳбари дарсни якунларкан, одатдагидек ўқувчиларга янги уй вазифасини оҳиста, лекин ўта қатъий тарзда топширди:

– Келгуси дарсимизга эса ҳаммангиз жаннатнинг тупроғидан олиб келинглар...

Уй вазифаси бу сафар ғайритабиийроқ эди. Болажонлар жуда ҳайрон бўлиб, бир-бирларига астагина қарашди-ю, ўз устозларига савол беришдан тийилиб, бирин-кетин синфхонани тарк этишди.

Эртасига навбатдаги дарс машғулоти бошланганида муаллим ўқувчиларидан уйга берилган топшириқ ижросини сўради. Ўттиз боланинг йигирма тўққизтаси жим-жит, сукутда: бу ўзи қандай ғалати вазифа бўлди-ю, уни эса қанақа қилиб бажариш мумкин?

Шунда ўртароқ партада ўтирган қорачадан келган бир ўқувчи бола ўнг қўлини кескин кўтариб, астагина ўрнидан турди-да:

– Устоз, мен сиз айтган уй вазифасини бажариб келдим, – дея қўлидаги икки сиқимгина оддий бир тупроқ солинган целлофан халтачани ўқитувчининг столи устига авайлабгина қўйди.

– Бу нима? – ҳайратини яшира олмади домласи.

– Бу – ўша ўзингиз айтган жаннатнинг тупроғи!

– Сен буни ўзи қаердан олиб келдинг?

– Ахир сиз бизга ҳамиша “Жаннат – оналар оёғи остидадир”, – дея ўргатиб келгансиз-ку! Шу ўгитингиздан хулоса чиқариб, мен ҳовлимиздаги тупроқдан икки ҳовучини онамнинг оёқлари остига тўшадим. Шу тупроқ устидан босиб ўтишларини илтимос қилдим. Онам эса йўқ демай, айтганимни қилдилар. Ва мана шу тупроқ ўзингиз ўргатганингиздай жаннат тупроғига айланди...

Ана сизга донишманд устознинг доно шогирди тутган ақлли тадбир. Буюк инсонларнинг энг буюк орзулари, энг аввало, айнан мактаб партасида кўз очади, деганлари ҳам шу бўлса керак-да...

Наманган шаҳар халқ таълими бўлими мудири Дилбархон опа Ҳошимованинг тўқсон атрофидаги мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари тўпланган бир йиғинида келтирган ушбу мисоли барчанинг қалбини жунбишга келтириб юборди. Чунки, бу – ривоят эмас, ҳақиқат, чиндан ҳам бугунги ҳаётимизда бўлиб ўтган беҳад ибратли воқеа эди-да”.

Келинг, айнан шу ўринда мавриди келиб қолгани сабабидан ҳам “Ватанпарвар” газетасида босилган (2017 йилнинг 6 октябри) Назокат Нодиршоҳова қаламига мансуб, китоб муаллифи, камина томонидан бирозгина таҳрир қилинган, “Қизлар” сарлавҳали яна бир ғоятда ибратли битикни биргалашиб ўқиб чиқсак-да, ундан кейин бўлса суҳбатимизни келган жойидан давом эттираверсак:

“Малоҳат ўз опасининг овозида аллақандай мунг борлигини илғади. Ҳамма ишларини ташлаб, опаси айтган жойга шошилди. Опа-сингил бирор жиддийроқ ишнинг маслаҳатини пишитмоқчи бўлсалар шаҳар чеккасидаги қаҳвахонада учрашар эдилар. Бу ер шинам, шовқин-суронда

холи эди. Малоҳат бориб опамни кутиб тураман, деб ўйлаган эди. Қараса опаси аллақачон келиб, ҳовуз олдидаги ўзларининг аввалдан қадрдон бўлиб қолган жойларида ўтирибди. Ўз синглисини кўриб, юз-кўзлари анча ёришган бўлса ҳам Мастуранинг овозида салгина толиқиш ва ҳорғинлик бор эди.

У-бу нарса тотинган бўлдилар. Малоҳат чидаб тура олмади:

– Опа бирон-бир гап бўлдими, уйингиз, бола-чақаларингиз тинчми, мени бунақа хавотирга солмасдан тезроқ айтсангиз-чи!

Мастура чойдан бўшаган пиёлани кафтлари орасига олволиб бир муддатгина сукут сақлаб, жим турди-да, сўнг аста "ёрилди":

– О-о-отам касалхонада қаровсиз қолиб кетган эмиш...

Улар орасига анчагина узоқ жимлик ва сукунат чўкди. Опа-сингилнинг ҳар иккиси ҳам ўз хаёллари билан буткул банд эди.

... Ўшанда энг кичик сингиллари Нозима дунёга келган эди. Онаси туғруқхонадан келгунича оталари уйдан кетиб қолди. Ўғил кутаётган экан-да. Еттинчиси ҳам қиз туғилибди Мастура ўн тўрт ёшда эди. Онаси етти қиз билан қишлоқ чеккасидаги икки хонали уйда қон йиғлаб қолаверди. Аввалига қариндош-уруғлар қарашиб турдилар. Бироқ, қўлдан берганга қуш ҳам тўймас, деганларидек, уларнинг ҳар замондан кўрсатадиган мурувватн катта оила учун ҳеч нарса бўлмасди. Онаси тикувчилик қиларди, қизларам унинг ёнига қўшилди. Қиш кечалари тўн қавишар ва кўрпа-кўрпачалар тикишарди. Эрта баҳордан эса дала ишларига чиқиб кетишар эди. Ҳаётлари қанчалик оғир бўлмасин, қизлар мактабда аъло баҳолар билан ўқирди. Мастура ўнинчи синфни битираётганда онаси ҳам оламдан ўтди. Қўли анча калталиги учун қизларининг ризқидан қиймаслик мақсадида ўз касали ҳақида лом-мим демаган экан.

Рўзғорнинг бор оғирлиги икки катта қиз зиммасида қолди. Улар шундай мураккаб шароитда ҳам ўз сингилларининг ўқишни давом эттиришлари учун ҳаракат қилавердилар. Мастура ўзининг бир синфдошига турмушга чиқди. Совчилардан биргина ундан келгани ичкуёвликка рози бўлган

эди. Эри ўта яхши инсон чиқди. Қўлидан келганича қизларга ўз отаси йўқлигини билдирмасликка уринар эди. Уларнинг ҳаммасини бир ўзи бош-қош бўлиб узатди.

Отаси касалхонада қаровсиз ҳолда қолиб кетганлигини ҳам эридан билиб олган эди. Мастура ёшлигидан отасининг бир кун эмас, бир куни эшикдан кириб келишини интиқлик, умидворлик билан кутарди. Бироқ, отаси эса уйга, умуман ортига қайтмади.

Ўзи орзу қилганидек ўғиллар кўрди. Улар учун данғиллама уйлар ҳам қурди. Орзу-ҳаваслар билан уйлантирди. Бироқ йиллар кимга шафқат қилибди дейсиз? Нотавон кексалик ҳам етиб келди. Бот-бот касалхонага тушар, бир оз ўнгланиб, оиласига қайтарди. Ўзини эплаб турган пайтида ҳеч кимнинг ундан хабар олмаётгани унчалик ҳам билинмасди. Тўшакка михланиб қолганида эса...

Малоҳат беҳад оғир хаёллар гирдобида кўзи тўла ёш билан, музтариб ҳолда, қайғу ва ҳасратга ботиб, опасига аста термилди. Мастуранинг аҳволи бўлса уникидан унчалик ҳам яхши эмасди.

– Опа, у киши бизларни ташлаб кетсалар ҳам ўз йўлимизни барибир бир амаллаб топиб олдик-ку. Бироқ... ҳозир... ҳозир... биз ҳам у кишини ўз ҳолига ташлаб қўйсак... яхши бўлмас.

– Шунинг учун ҳам ёлғиз ўзингни чақирган эдим-да, – деди Мастура йиғидан энтикиб. – Сингилларимиз отамни кечиролмаса керак, деб ўйлайман. Кел, икковимиз отамга қарайлик. Ахир, беш қизни бемалол эпладик-ку! Сал-пал ўзига келиб қолса, уйга олиб кетаман. Поччанг билан аллақачон бир қарорга келиб қўйганмиз.

Опа-сингил касалхонага етиб келишди. Палатани бадбўй ҳид буткул тутиб кетганди. Касалга тинчлантирувчи дори берилибди. Икковлари ишга киришди. Оталари уйғонгунича тоза кийим-бош ва чойшабларни тахлашди. Илиқ сув тайёрлаб, кута бошладилар. Ва ниҳоят, қария кўзини очди. Ўзига термулиб турган аёлларни дафъатан танимади. Бир оз ўтиб, Мастура, деди пичирлагандек.

Қизлар бўлса лом-мим демасдан отага тувак тутишди. Қария кафтлари билан юзини яшириб, йиғлаб юборди. Мастура унинг бошига келиб тиз чўкди. Қўлларидан аста тутиб, ўзига қаратди:

– Ота, биздан уялманг, биз сизга сира ҳам бегона эмасмиз, ўз қизларингизмиз... Сизни ташлаб қўйишдан номус қиламиз.

Мунграйиб қолган бадбахт қария эса титраб-қақшаб кетди.

Кечга бориб Мастурани лол, ҳайрон қилиб, сингиллари ҳам шифохонага турнақатор бўлиб, аста бош эгиб кириб келишди.

– Сизларни ўзи ким бу йўлга солди? – деди бироғизлик қилган сингилларини бирма-бир ўз бағрига қаттиқ босар экан.

Ҳаммалари бир сўз демай Малоҳат тарафга қарашди.

Қизлар чолнинг атрофига тизилиб ўтиришди. У ҳеч кимга сўз қотмас, мижжаларидан ёш сизарди, холос. Тунга бориб қария беҳаловат бўла бошлади. Қўли билан Мастурани ёнига имлади:

– Мендан рози эмассиз, буни ҳам биламан... Ортга қайтишга бўлса аҳмоқона ғурурим йўл бермаганди, аслида сизларни жуда ҳам яхши кўрар эдим. Фақатгина Онангиз менинг ортимдан уйга қайтишимни сўраб, ялиниб келса, дердим. Мени кечиринглар...

Тўнғич қиз бир оғиз сўз демай қариянинг юзларини силади. Пешонасига йиғидан титраётган лабларини босди. Сингилларим ўз навбати билан опаларининг ишини жимгина такрорлашди.

Қарияни сўнгги йўлга қизлари кузатишди”.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан: “Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ғоятда қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус ва шарму ҳаё, меҳр-оқибат ва меҳнатсеварлик сингари барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади”, дейилганида ҳам худди шу ўзингиз ҳозиргина ўқиган ва ҳаётда кўрган ҳолат назарда тутилган эди.

Тарбия тизимида оила таркиби ва туғилажак фарзандларнинг ёшидаги фарқ ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Кўп йиллик кузатишлар, ҳуқуқий идоралар ҳужжатлари

ҳам шундан гувоҳлик берадики, оила муҳитидаги бетиним уруш-жанжаллар, ота-оналар ўртасидаги ўзаро адоват, ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик боис аксарият ёшлар жиноят кўчасигаям кириб қоладилар. Ака-укалар ўртасидаги баъзи низо-адоватлар эса ота-онанинг фарзандларига эътиборсизлиги, уларга ғоятда кам вақтларини ажратиши билан изоҳланади. Бунинг устига эса, фарзандлар туғилиши орасидаги оралиқ муддат масаласигаям халқимиз унчалик катта аҳамиятини қаратмасдан келган. Психологик тадқиқотлар натижасига биноан, оилада 1 – 3 ёшли болалар улғаяётган бўлса, ота ва онага эгалик қилиш борасида келишмовчилик ҳолатларига ҳам дуч келинади. Гарчи бу бир қарашда унчалик ҳам арзимас масаладек туюлса-да, онг остида жуда жиддий ҳодиса, яъни бир-бирини ёқтирмасдан қолишдек носоғлом рақобат юзага чиқиб келади-да. Агар болалар ўртасидаги фарқ 4 – 5 ёш бўлса, катта фарзандларда ўз укасини ҳимоя қилиш ҳисси ҳам шаклланади. Демак, ака-укалар ўртасида меҳр-оқибатни қарор топтиришда биологик омилларгаям аҳамият бериш даркор эканлигини ўзингиз ҳам сезиб-билиб турибсиз.

Оила барқарорлиги ва Ватан салоҳиятини янада оширишда онанинг роли беқиёс эканлигини эса ўзингиз ушбу битикларнинг муаллифидан ҳам яхшироқ биласиз. Муштипар оналаримиз бир умр жигарбандининг тақдирини ўйлаб, омонлик, тинчлик, ризқ-рўз, барака тилаб яшайдилар. Яратгандан паноҳ сўраши, ўзи емай боласига бериши ва ўзи киймай кийдириши, ўзи кўрмай ўтса-да, боласи кўришига орзумандлиги беҳад даражада чуқур таъзим ва таҳсинга минг бора, миллион марта, миллиард карра сазовордир.

Бироқ бугунги кунда фарзандлар сонининг кўплиги, уларнинг соғ-омон юришини таъминлашнинг ўзи етарли бўлмай қолди-да. Замона тараққиёт суръатига мос юксак маърифатли, бунёдкор ва тиниб-тинчимас авлодни тайёрлашни ўта қатъий талаб қилмоқда. Бу эса давлат ва жамият зиммасига, энг аввало, оилага, оналарга беҳад улкан масъулиятни юклайди. Онанинг мақсадлари, турмуш тарзи, ҳаёт мантиғи мазмунида даврнинг руҳига мос ўзгаришлар юз бериб, фарзандлар таълим-тарбиясини тубдан яхшилаш ҳамда ёндашув услубларини

янгилаш зарурати кун тартибига чиқаяпти. Бу борада бўлса бугунги ўзбек оилаларидаги мавжуд манзарани қуйидагича тарзда таснифлашимиз ва таърифлашимиз мумкин.

Ўз фарзандларини аниқ ва тиниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, турли воситалар кўмагида ҳаётга фаол тайёрловчилар. Айнан ушбу тоифага мансуб оилаларда она барча ўзгаришларни уйғунлаштирувчи ҳамда йўналтирувчи сифатида намоён бўлади. Фарзандлар ўз вақтида, аниқ белгиланган режа асосида мактабда ўқийдилар ёхуд университетда танлаган ихтисослигини пухтароқ ўзлаштириш билан ўта жиддий тарзда банд бўладилар. Режавий таълим қўшимча билим олиш усули (репетиторлик, тўгараклар) билан мунтазам равишда уйғунлаштирилади. Ютуқ ва муаммолар оила муҳитида муҳокама қилиб борилади. Урф-одат, анъаналарга эса меъёр доирасида рационал (ақлга мувофиқ) амал қилинади.

Тарбия, одоб-ахлоқ масалаларига таълимдан кўра устун тарзда аҳамият берувчилар. Бу тоифа вакиллари оилавий муҳит шароитида тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳурматнинг сақланиши, маҳаллада обрў-эътиборли бўлиш, анъана ва урф одатларга жуда қатъий амал қилиш, уйдаги гап-сўзлар кўчага чиқиб кетмаслигига ниҳоятда жиддий аҳамият қаратадилар. Фарзандларини фаол ва бунёдкор шахс сифатида катта ҳаётга тайёрламасалар-да, лекин, уларни жамият аҳлига безарар этиб ўстиришга интиладилар.

Ота-она, фарзандлар ўртасидаги муносабатларда маълум бир даражада масофа мавжуд бўлган оилалар. Бу тоифа ота-оналар фарзандлари таълим-тарбияси учун кўпроқ мактаб масъул ҳамда мажбурдир деб ҳисоблайдилар. Аммо таълим муассасалари билан деярли ҳамкорлик қилмайдилар, ота-оналар мажлисларига ҳам бормайдилар. Фарзандларининг ахлоқий ва маърифий ҳолати билан мутлақо қизиқмайдиларам. Бунақа оилаларда ҳар ким ўзи учунгина яшайди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотига кўра, вояга етмаган ёшлар ўртасидаги тартиббузарлик ва жиноятчилик кўчасига кириб қолиш ҳолатларининг ўндан тўққизиям айнан шу тоифадаги оилаларнинг ҳиссасига тўғри келади. Тағин бир далил:

социологик маълумотларга биноан, жиноятларнинг 61 фоизини нотўлиқ оилада ўсган ўсмирлар содир этмоқдалар. Криминолог олимлар фикрича, ўсмирлар ҳамда ёшлар жиноятчилигига 200га яқин омиллар таъсир қилади. Буларнинг энг асосийси эса болалар яшаётган ва тарбия олаётган ўша оиланинг таъсири ҳисобланади.

Айрим кимсаларнинг ўз боласи таълим-тарбияси учун мактаб масъулдир, деган фикридан келиб чиққан ҳолатда “авлиёларнинг авлиёси” Ҳазрат Навоийнинг ўқитувчилар ҳақидаги фикрларини сизнинг ҳам эътиборингизга ҳавола этиш эҳтиёжи туғилиб қолди:

“Мактабдор домла гуноҳсиз бечораларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблашга ва калтаклашга ўрганган; ўзи раҳмсиз мияси пўлатдан, кўнгли бўлса тош кабидир. Ғазабидан эса қоши чимирилган, гуноҳсизлар билан аччиқлашишга ҳам одатланган. Улардаги кўриниб турган қўполлик ёш болалардаги келишмаган хатти-ҳаракатни силлиқлашга йирик эговдир. Уларнинг ишлари одам тугул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди. Лекин, инсоф билан айтилганда ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактабдор домла эса, бир тўда болага илм-адаб ўргатади. Бунга ўзи нима етсин. Лекин, шуниси ҳам борки, болалар оарсида фаҳми идроки озлар бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Агар шогирд улғайгач, шоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди”...

Жуда кўп оилаларнинг овқатдан кейинги гурунгларига қулоқ тутсангиз, уларнинг жисман росаям яқин ўтиргани билан кўнгли бир-биридан жуда олисдай, кечинмалари эса бегонадай туюлади. Қўшни, мактаб ўқитувчиларининг ғийбатига топилган вақт ўзаро ҳол сўрашга келганда беҳад ноёб бир неъматга айланади-қолади.

“Тўрт-беш йил олдин қишлоққа борганимда адирга чиқдим. Ўн беш яшар бир бола мол боқиб юрган экан. Гаплашгим келди, аммо ундаги совуқ муомала ва одамга ишончсизликдан даҳшатга тушдим. Нима сўрасанг, “устимдан куляпсиз”, дейди. Мактабни битиряпти, аммо тайинли мақсади йўқ. Сабабини билсам, отаси ўғлини одам ўрнида кўрмас экан: бир гал расм

чизиш учун тўртта мўйқалам олиб беришни сўраганида, пул йўқ, деб жудаям қаттиқ жеркиган, барибир мол боқишдан бошқасига ярамайсан-ку, деган экан. Бола бундан ранжиган, ҳатто ҳаётдан ҳам кўнгли совуган.

Эртаси куни эса бозордан дафтару мўйқалам олиб, ўша болага бердим. Сал ишонқирамайроқ олди. Бир тўйда эса отасини ғирт маст бўлиб, раққосани пулга белаганини кўрдим. Расм дафтарга топилмаган пуллар... Яқинда қишлоққа борган чоғимда, ўша бола кўргани келди. Коллежни битиряпти экан. Отасига ҳам инсоф кирган, шекилли, ўғлини уй пардозловчи бир устага шогирдликка берибди. Ўсмирнинг қувончини кўриб, ич-ичимдан роса хурсанд бўлиб кетдим". Дўстимнинг ҳикояси – дарёдан томчи. Турмуш чорраҳаларида бу сингари мураккаб тақдирлар жуда кўп. Айрим оилаларда ичкилик ёки гап-гаштакка пул топилади. Фарзандларга китоб-дафтар олиб беришга келганида эса – чўнтаги тору тангга айланади. Буюк аждодларимиз "оиласида сийланган – элида ҳам азиз" деган нақлниям бежиз дунёга келтирмаганлар. Аслида ҳам киши жамиятда ўз ўрнини топиши учун аввало оиласида ўзининг, у ёки бу даражадаги, маълум бир ўрнига эга бўлмоғи даркор...

Бугун юқорида таъриф берилган оилалардан айнан биринчи тоифага мансуб оилалар миқдори фаол равишда ортиб боришини таъмин этиш ниҳоят даражадаги муҳим фаолият ҳисобланади.

Миллий истиқлол йилларида юртда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш вазифасини ўзининг олдига олий мақсад сифатида қўйган "Оламни маҳлиё айлаган диёр" Ўзбекистон Республикасида оила институтини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилганлигидан ва бу иш жадал давом этаётганлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Жамият тараққиётининг асоси, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур кўзгуси ҳамда ҳурриятнинг ҳақиқий ҳуқуқий ҳимоячиси бўлмиш – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари борасида бошқа ҳеч бир демократик давлатнинг

қонунчилигида мутлақо учрамайдиган принциплар ҳам ўз аксини топган. Асосий қонунимизнинг 45- моддасига кўра, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари айнан давлатнинг ҳимоясидалиги, 60- моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда давлат муҳофазасида эканлиги, 64- моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурликлари, 65-моддасида эса фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ҳамда фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тўла тенглиги, оналик ҳамда болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, 66- модасида бўлса вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги қатъий равишда белгилаб қўйилганини ҳам биласиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 33 миллиондан зиёд аҳолининг 98,5 фоизи ўзининг оиласида яшайди. Истиқлол йилларида ёлғиз яшайдиган қариялар сони эса 3 баравар камайди. Мавжуд 8,7 миллиондан зиёд оиланинг 1 миллиондан ортиқроғи ёш оилалар ҳисобланади. МДҲ мамлакатлари орасида “Оламни маҳлиё айлаган диёр”имиз, “Серқуёш ҳур ўлкам”из эса оилавий ажралишга нисбатан никоҳланиш нисбати янада ошиб бораётган ягона давлат эканлиги қалбимизда оила ҳамда баркамол, соғлом авлоднинг келажагига анчагина катта ишонч ҳиссини уйғотади...

Ҳар биримиз шуниям яхши англаймизки, соғлом демократик фуқаролик жамияти қуришнинг жуда муҳим шартларидан бири, энг аввало, ҳар жиҳатдан соғлом, маънавияти юксак ва мустақил фикрловчи янги баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Чунки, юртимизда қадимдан ҳар бир ота-она ўз фарзандлари тимсолида эзгу орзу-умидларининг рўёбини ва порлоқ келажакни тасаввур қилади. Бу ўринда **ота-она – санъаткор, бола – санъат асари, тарбия жараёни бўлса ўша санъатнинг ўзидир**. Санъат асари муваффақияти, жозибадорлиги, умрбоқийлиги санъаткорнинг асл маҳорати, савиясига бевосита боғлиқлигини ўзингиз ҳам биласиз.

Ислом Каримов беҳад стратегик аҳамиятга молик, 2018 йилда яна қайтадан нашр қилинган “Юксак маънавият –

енгилмас куч” асарида миллат маънавиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш жараёнида оиланинг ўрни ҳамда таъсири ҳақида сўз юритар экан, “оиланинг маънавий олами”, “оиладаги маънавий муҳит”, “оила – маънавият қўрғони”, “хонадондаги маънавий иқлим” каби янги атамалар ва жуда муҳим тушунчаларни ҳам илгари сурган эди.

Ҳар бир инсоннинг келажакда ким бўлиб етишишининг 15 фоизи унинг асл насл-насабига, 40 фоизи бўлса у яшаётган, вояга етаётган ижтимоий муҳитга ва 45 фоизи болага берилган таълим-тарбиянинг қайси йўналишда бўлишига чамбарчас боғлиқ экан.

Биринчи Президент фикрича, “Бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам жуда муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат ҳам бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайверади. Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги ва оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ ва устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб ва юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доим долзарб аҳамият касб этиб келган”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фикрича, “Очиғини айтадиган бўлса, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар ҳам минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатиб турибди. Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий можаро ва уруш-жанжаллар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу нарсага бориб тақалади.

Энг ёмони, айрим пул топиб ақл топмаган маънавий савияси паст кимсалар эса тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топяптилар. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади...

Яқинда ўтган “Камолот” қурултойида мен ёшларнинг оғзини пойладим. Бирор йигит ёки қиз чиқиб, “Эй, дўстлар, тенгдошлар, биз уйланамиз, турмушга чиқамиз деб ота-оналаримизни жудаям қийнаб қўйдик. Келинглар энди, уларни бундай оғир ташвишга қўймайлик, келажагимизни ва миллатимизнинг шаънини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказайлик”, деган гапни кутдим. Минг афсуски, улардан... ҳеч қандай фикр эшитмадим”.

Халқимиз нимага “Орзуга айб йўқ” дея нақл қилади? Орзу – инсонни ҳаракатга ундаш фалсафаси. Бинобарин, одамларга сув ё ҳаво қанчалик миқдорда зарур бўлса, орзу ҳам худди шунчалик даражада керак-да, у – зарурат, у – ҳаётий эҳтиёж. Чунки, амалда инсонийликка номуносиб ишларни ниҳоятда кўп кўрган ҳамда иштирокчиси бўлган одамзод ҳар сафар хаёлининг дарёсига бир шўнғиб олиб, яхши ният билан олға интилаверса, бунинг нимаси ёмон? Аслида инсоннинг чинакам мукаррамлиги, музаффарлиги, буюклиги ва қудрати ҳам шунда-да! У хаёлдан, орзудан куч олиб, келажакда эзгу ишлар ва бунёдкорлик билан машғул бўлади.

Болалик – орзулар оғушидаги бир оламдир. Болалигимизда орзуларнинг адоғи ҳеч кўринмайди, йўқ. Сирасини айтганимизда, болалик, ҳаёт орзулар билан ўта беғубор, сирли ва жозибалидир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам инсон болаликда мукаммалроқ бўлиб туюлар. Бола улғайгани сайин қилажак орзулари ҳам реаллашиб, ҳаётийлашиб, осмондан астагина заминга туша бошлайди. Ҳаёт – шафқатсиз, у орзуларни беаёв мажақлаб ташлайди. У фариштадек бокира орзуларни ҳам бир зумда қартайган, шафтолининг қоқига менгзалган бир кампиргаям айлантиради-қўяди. Буни бўлса, биз аксарият ҳолларда бу одамга энди ақл қирибди, дея изоҳлаймиз. Аслида, ўзингиз ҳам бир ўйлаб кўринг-чи, ҳар қандай инсоннинг юксак орзу-хаёлларидан бутунлай воз кечиб, ҳаётининг кундалик талаблари билан яшай бошлаганлиги ақллилик белгисими? Аммо, ана шу “ақл”и билан оҳ-воҳ қилмасдан, нолимайгина яшаса-ку, майлийди. Бироқ, аксарият одамлар бир кунимас, бир куни келиб, бирибир, умрнинг суви бекорга оқди, деб афсус-надомат чекади-да! Шундай экан, ақл билан хаёл уйғун

яшайдиган оқилона, реал орзу борми? Агар бўлса, у нима? Менимча, бу – инсонийликдир, яъни, орзу-ниятлар ҳам, ақллилик ҳам чинакам реаллик ҳамда асл инсонийликнинг аниқ бир доирасида бўлмоғи, кечмоғи даркор.

Ўзбеклар ҳақида кимлар фикр юритмасин, барибир “содда”, “тўпори”, “мард”, “кўнгли очиқ”, “саховатли” каби сифатларни, биринчи навбатда, тилига олади. Бизнинг назаримизда, ўзбекнинг асл ўзлигини аён этадиган тағин бир муҳим сифат ҳам мавжуд. Бу – беҳад орзуманд халқ эканлигимизнинг яна бир далолатидир. Ўзбекнинг ўзи ҳам чинакамига асл орзудан яралган халқ. Ўзбек эртадан кечга қадар орзу билан нафасини олади. Аммо, ҳеч қачон бировлар зиёнига орзу-ниятини қилмайди. Яъни, унинг кўнглида заррача ҳам қинғирлиги, орзу-ниятида бўлса сира шумлиги йўқ. Ўзбекнинг буюклиги ҳам айнан шунда! У ҳеч қачон фақатгина ўзим бўлайин демайди, биргаликда байрамлар ва тўй-томошалар қилайлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўйнаб-кулайлик дейди...

Германиялик профессор Леонид Левитин бизлар ҳақимизда шундай ёзган эди: “Сизлар ўзингизнинг маънавий маданиятингиз ҳамда турмуш тарзингиз Ғарб мамлакатларига нисбатан анчагина устунроқ эканлигини кўпинча билмайсизлар ҳам. Ўзга юртлардан келганлар эса буни дарҳол сезиб, чин қалбдан хурсанд бўлишади. Ғарб одами ўзини якка-ёлғиз ҳис этади. Ўзбек менталитетидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам руҳи, одамлараро ўзаро мулоқот маданияти, маҳаллалардаги меҳр-оқибатлилик ва бошқа шу каби фазилатлар бошқа халқларда умуман мавжуд эмас ёки жуда ҳам кам, аҳён-аҳёндагина учрайдиган ижобий ҳодиса...

Агар ўзбеклар якка-ёлғизликни ўта ёқтирганида ҳам тарихан таркиб топган буюк анъаналар бундай ҳолга асло йўл қўймайди”.

Энди Биринчи Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига ҳам тағин бир бор диққат-эътибор қаратиб қўйсак: “Ҳаммамиз жуда ҳам яхши биламиз, буюк халқимизнинг ўзига хос бетакрор хусусиятлари ҳамда фазилатлари ҳам борки, уларни ҳеч қачон бошқа ўлкалардан

топиб бўлмайди. Масалан, ота-оналарга, катталарга ҳурмат, кичикларга эса иззат туйғусини ҳамма жойларда ҳам учратиш жуда қийин.

Ғарб мамлакатларида бола озгина оёққа туриб олиб, ўзининг керакли ишларини йўлга қўйиб олса бўлди, у дарров ўзининг ота-онасидан алоҳида бўлиб, ўз билганича яшашга ҳаракат қилади. Бизда эса ота-она билан қанча кўп бирга яшаса ва уларнинг қанча дуосини олса, шунча ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Бизда оилада фарзанд дунёга келса, бу ниҳоятда катта бойлик сифатида қабул қилинади. Бироқ, бу бойликни эъзозлаш, ардоқлаш ва тарбиялаш керак. Бизнинг момоларимиз, ота-боболаримиз ҳаётий ўгитлари, панд-насиҳатлари, шахсий ибрат билан оилаларига кўрсатаётган ёрдамини ўзи нималар билан ўлчаб бўлади? Ўз фарзандларининг боласига, невараю эвараларига кўрсатаётган меҳрни ва эътиборни тағин нималар билан ўлчаб бўлади? Биз ўзи нима учун яшаяпмиз, кимлар учун яшаяпмиз? Албатта, фақатгина кимлардандир ўзиб кетиш учун эмас. Лекин, давлат, жамият барпо этишда ишни, энг биринчи навбатда, нимадан бошладик, деган саволни ҳам ўртага қўядиган бўлсак, буни, аввало, муқаддас оиладан бошладик”...

Қрим Давлат муҳандислик-педагогика университети ректори Февзи Ёқубовнинг асосли фикрларига диққат-эътибор қаратсак: “Ўзбекларда ҳамма нарса оиладан бошланади. Оилага муносабат бу – жамият маънавиятини белгиловчи бош мезондир. Уй қуриш, тўй-ҳашамлар ва диний маросимларни ўтказишда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш, ҳашар ўзбек халқининг жуда ҳам улуғ ва энг азиз одатларидан. Бу амалларда бўлса миллатнинг беҳад юксак маънавий қиёфаси, том маънодаги бойлиги ва беҳад гўзаллиги ҳам яққол намоён бўлади.

Ўзбекистонга миллионлаб меҳмонлар келиб кетадилар. Улар орасида бирорта киши йўққи, ўзига нисбатан наинки мезбоннинг, ҳатто қўни-қўшниларнинг ҳам юксак эътиборини сезмаган ҳамда бундай бетакрор фазилатга тан бермаган бўлсин. Шахсий ташриф билан келадими, хизмат сафаригами ёхуд сайёҳлик гуруҳидами – ҳар бир киши шундай ҳурмат-

эҳтиромга сазовор бўлади. Қишлоқ чойхонасига киринг ва бирпасгина ўтиринг. Сизга зудлик билан чой келтиришади, лекин унинг ҳақи тўғрисида ҳеч қачон эслатиб ўтиришмайдиям. Бирозгина ўтириб қолдингизми, албатта бирон-бир киши сиздан ҳол-аҳвол сўрайди, ўзининг уйига ҳам таклиф этади. Кейинчалик бу ҳақда бот-бот ўйлайсиз, хулоса чиқарасиз, ўз қалбингизда бўлса эзгуликка ниҳоятда катта рағбат уйғонади.

Бу юртда даҳшатли уруш йилларида, ундан олдин ва кейин ҳам мана шундай ахлоқий муҳит устувор бўлиб келган. Шунинг учунам бу заминда турли дин, тил ва маданият дарахтлари бир-бирига ҳеч халал бермай, сира тўсиқ бўлмасдан кўкарди. Дунёда турли хил миллий ва диний низолар ниҳоятда авж олган ҳозирги кунларда бу беҳад бағрикенглик ҳолати айниқса аҳамиятлидир...

Қайси ном билан аталмасин, ҳеч қандай қабоҳат ўзбекларда асрлар бўйи шаклланиб келган ўта мустаҳкам ахлоқий иншоотни асло бузолмайди. Ўзбекнинг адабиётида инқилоб учун онасидан ҳам бутунлай воз кечиб юборган Павел Власов ва ўз отасининг устидан айғоқчилик қилган Павлик Морозовларнинг ака-укалари образи пайдо бўлмаганида ҳам чуқур маъно бор. Етмиш йиллик тарғибот-ташвиқот ва таҳдид-таъқиблар ҳам ўзбекларни ўзининг диний эътиқодидан мутлақо қайтара олмади. Бирорта ота йўққи, ўз ўғлини суннат қилдирмаган бўлсин. Бирорта ҳам оила йўққи, диний никоҳ ўқилмай тузилган бўлсин. Энг оғир, жуда даҳшатли атеистик таъқиб-тазйиқлар шароитида ҳам ўзбеклар вафот этган, оламдан ўтиб қолган яқинларини ҳеч қачон жанозасиз кўммаган.

Бундай халқ ҳеч қачон адолатсизликка қўшилмайди.

Ўзбек менталитетининг бир хусусияти тажриба алмашишга мойилликда кўринади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бўлса керак-ки, ўзбеклар ҳаётида сезиларли даражада овруполашиш, хусусан, рус турмуш тарзига эргашиш нисбатан кучлироқ. Шу жумладан, кейинги юз йиллик мобайнида улар асосан Россия орқали ва рус тилига таянган ҳолда тараққиётга интилиб келди...

Жаҳон тамаддунининг зўр ютуқлари ҳақида сўз борганида, одатда Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Франциянинг маданият, Германия ҳамда Американинг фан-техникага, Япония ва Швециянинг технологияга қўшган ҳиссаси кўп эсланади. Агар айнан мана шу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, тинчлик, атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат тўғрисида гап борса, Ўзбекистонни тилга олмаслик сира ҳам мумкин эмас. Агарда ана шу бебаҳо инсоний қадриятлар юзасидан ҳам халқаро рейтинг ўтказиладиган бўлса, мен яққол аминманки, бу борада Ўзбекистон ва ўзбек халқи энг юқори, беҳад даражадаги юксак натижага эришган бўлар эди...” (“Тафаккур”, 2005 йил, 3- сон, 24 – 28- бетлар).

Ўзингиз томошабин сифатида яхши билсангиз керак. Одатда кинофильмларда энг хавфли, беҳад қалтис вазифани каскадёрлар бажарадилар, лекин уларнинг номлари суратга тушган актёрлар рўйхатига киритилмайди ҳам. Реал ҳаётда ҳам бутун умр бўйи ўзгалар меҳнатини юзага чиқариш учун заҳмат чекиб яшайдиган одамлар борки, уларни бемалол каскадёрларга қиёсласак бўлади. Ўзгаларнинг шодлигини қадрлаб, худди ўзиникидек қабул қилиб, қувона олиш ҳам инсон учун беадад шодлик, бахт ҳисобланади.

Бу ҳаётда ҳар бир одамнинг олдиндан кўзлаган манзили, ўз идеали бўлади, у ўзи ғоятда яхши кўрган, ҳавас қилган идеалига ўхшашга уринади, бетиним равишда интилади. Лекин, барибир, ҳар биримиз ўтмишимизни синчиклаб таҳлил қиладиган бўлсак, ўта кўп хатоларни бемалол топиб оламиз. Одам биологик жонзот сифатида ейиши, ичиши, кийиши даркор. Бу ҳолат яхши маънода нафс билан боғлиқ. Нафсни мутлақо тийиш эса мумкин эмас, гап нафсни фақатгина ақл-идрок билан мутаносиблаштириб, чеклаш хусусида бўлиши мумкин холос. Одатда ҳеч қандай иш қилмаган кишиларгина хато қилмаслиги мумкин. Беайб парвардигор. Хато эса бор-йўғи нотўғри фикр-мулоҳазаларнинг оқибати холос, аммо ўжарлик, қайсарлик билан худди ўша хатода оёқни қаттиқ тираб туриб олиш кўзга яққол ташлангудек бўлса, бу энди

иродасизлик масаласи билан ҳам боғлик ўнлаб белгилардан бири ҳисобланади.

Инсон соцбиологик мавжудот сифатида умуман ўзидан доим қониқиб яшаши ҳам мумкин эмас. Агар у ўзидан қониқса, ҳамма нарса ҳам тамом бўлади, олға интилиш, ҳаракат тўхтайди. Инсон имкон топиб, вақти-вақти билан ўзига-ўзи ҳисоб бериб турса, бир ҳафтами, ўн кунми, борингки, бир йил мобайнида нима яхши иш қилдим, нима ёмон иш қилдим, деб ўзини-ўзи тергаб борсагина, одамга ўхшаб яшаяпман, деса бўлади. Акс ҳолда эса, одам издан чиқиб кетиши, кўпгина номаъқул ишлар қилиб қўйиши мумкин. Ҳозирги ўтиш даври ҳаёти беқиёс мураккаб, айрим масалаларда баъзан кимларгадир ён беришга ҳам тўғри келади. Оқлаш мумкин бўлган ён беришлар билан бирга оқлаб бўлмайдиганлари ҳам бор. Агар ўз шахсингиз, манфаатингизга дахлдор бирорта масалада ён берсангиз, уни бир амаллаб, тушуниш мумкин; бироқ эл-юртнинг тақдири ва бошқаларнинг қисматига тааллуқли масалалардаги ён беришни эса асло оқлаш мумкин эмас. Айрим кимсалар ўзининг чўнтаги (ҳамёни, киссаси)га келиб тушиши мумкин бўлган минг сўм учун бемалол сизнинг 100 минг сўмингиз, ор-номус ва қадр-қимматингизга ўйлаб-нетиб ўтирмасданам таҳдид сола оладилар. Ундай кимсаларнинг идеали бўлса, турган гапки, ўзига ўхшаган фирибгар, товламачи, палид, мунофиқ ва пасткаш кишилардир.

Масалан, биз Алишер Навоийни ўзимизгаям идеал сифатида оладиган бўлсак, турган гапки, унинг умматига айланиб қоламиз. Машраб бобода эса шундай сатрлар бор: “Ул Иброҳимдан қолган эски дўконни на қилай?..” Курраи заминдаги миллиардлаб ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар умр бўйи, бетиним зиёрат қилишга интиладиган Каъбани шундай деб айтяпти-да, Машраб!

Чунки ундан юксакроқ Аллоҳ бор. Аллоҳнинг олдида Каъба ўзи нима, Макка нима деган гап! Машраб ҳаётда ҳаддан ташқари максималист (талаблардаги энг юқори даражали) инсон бўлганди. Демак, у энг юксак, беҳад муқаддас тушунчани биринчи ўринга қўйган. Навоийнинг эса буюклиги, фуқаролик жасорати шундаки, у ўз халқининг қадди-бастини

кўтариш ва бағрини бутун қилиш мақсадида, ўзбек тилининг бошқа ривожланган тиллар билан баб-баравар имкониятга, куч-қудратга эга эканлигини исботлаш учун курашган. Навоий ижоди бўлса чинакам маънодаги бир океанки, ундан ҳар ким ўз имконияти даражасидагина олиб фойдаланиши мумкин холос. Ҳазрат Навоий битмас-туганмас беқиёс даражада улкан хазина. Лекин, афсусланарлиси ҳам шундаки уни англашга, тушунишга эса бизнинг савиямиз баъзан ожизлик қилиб қолади. Идеал аслида юксакроқ бўлгани яхши. Фақат шундагина бизлар майда-чуйда нарсаларга камроқ аҳамият берамиз ва ўйлаган катта ниятларимиз, кўзлаган мақсадимизни кўздан асло қочирмаймиз. Инсон ўзини майда гаплар, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳ-воҳлардан буткул озод қила олмагунича, у пастлик табиатидан озод бўлолмайди. Бу дунёда Сизнинг ҳам, менинг ҳам дардимдек шахсий дардларданда минг чандон бўлган, кўпчиликка алоқадор жаҳоний муаммолар ўзининг мақбулроқ ечимини кутиб турибди. Агар ҳар ким фақатгина ўз дарди билан ўралашиб юраверса, ўзи сезмаган ҳолда бемалол худбинлашиб қолиши ҳам мумкин-да!..

Баъзи кишилар бугунги кунларда санъат ўз ишини қилиши, сиёсатга эса сира аралашмаслиги керак, деган фикр-мулоҳазани илгари суришларига қарамай, ижодкорлар, зиёлилар ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита ва доимий тарзда аралашмоқлари даркор. Чунки шоир-ёзувчи – халқнинг виждони. Уларнинг халқ ҳаётига дахлдор ҳамма ишларга аралашишга маънавий жиҳатдан ҳақлари бор. Лекин, уларнинг баъзилари эл-юртга дахлдор муаммолардан ўзларини четга тортадилар. Бизда ҳали ҳам Шўролар замонидан мерос қолган ҳадиксираш, “бир чўқиб, икки қараш” бор. Қуллуқ қилиш, мутелик бизнинг руҳимизга ҳам ниҳоятда сингиб кетган.

Бундай ҳолатда муаммоларни ҳал этиш янада қийинлашади. “Бир ўзбекларга бориб ёрдам бериб юборайлик, уларни тараққий эттирайлик”, дейдиганлар йўқ, бу дунёда. Очиғини айтиш керак, ҳозирги иқтисодий-сиёсий вазият анча мураккаб. Бутун бир юрт у ёқда турсин, алоҳида олинган оиланинг ўзидаям қанча муаммо бор. Шундай фақат “хўп бўлади” муҳитида ўсган одам курашга дарров отланолмайди.

Курашиш учун кишига, биринчи навбатда, кучли билим, журъат керак. Жамиятдаги айрим муаммолар ҳам баъзиларнинг ўз эътиқодидан қайтиб, яхши одамларнинг нотўғри йўлларга кириб кетишлари оқибатидир. Ижтимоий адолат қарор топмаган юртларда ҳамиша “Сув келтирган хор, кўза синдирган азиз” бўлаверади. Ҳар бир одам болаликдан албатта эзгу ниятлар билан яшайди. Орзу-ҳавасларнинг чеки бўлмайди. Ўзбекнинг ўзи ҳам орзудан яралган халқ. Шу билан бирга, ўз қадрини биладиган одам, энг яхшиси, ўзининг кўрпасига қараб оёқ узатгани маъқул. Чунки, кечагина қўлига биринчи марта қўлқопини кийган вазни ҳам уч карра Осиё биринчилиги ғолиби ва Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўсматовникидек, яъни 49 кг келадиган одам Виталий Кличко, Баҳодир Жалолов ё Тайсонни нокаутга учратаман, деган хом хаёлга бормаслиги керак-да. Боксда вазн тоифаси беҳад катта аҳамиятга эга. Биз яшаётган ўта мураккаб, таҳликали ҳаётда ҳам.

Киши ҳаётда янглишмаслиги учун ўзига идеал танлайди, ўзи маъқул кўрган кишиларга ўхшашни хоҳлайди, кичик ўғри катта ўғрига, ёш шоир халқ шоирига айланишни истайди. Бошқачароқ ўйлайдиган бўлсак, ўзи нега инсон бировга ўхшаши керак? Нега энди у фақат ўзига ёхуд ўзгалар унга ўхшамасликлари даркор. Ҳаётда фақатгина ота-она, раҳбар, бошлиқ хоҳиш-иродасини адо этиш билан шуғулланиб, нуқул бошқалар кўнглига қараб фаолият юритиш аста-секин мавжуд ўзликни ҳам йўқотишга олиб келади. Одам ўзининг ҳаётий, ахлоқий тамойилларини белгилаб олишда реаллик, мавжудликдан келиб чиқмоғи даркор. Айтайлик, сувсиз, қақраб ётган чўл-биёбон, саҳрода бир умр яшаётган кишиларнинг ажойиб, сузувчи ва жаҳон чемпиони бўлишининг имкони деярли йўқ. Ёки катта кўчада консерва банкасини, сувдан бўшаган елим идишни ҳам ҳаллослаб тепиб юриб, Пеле, Месси ёхуд Роналдуга айланиб бўлмайди-да. Имконият, шарт-шароит бўлган ҳолдагина ўша орзуларни амалга ошириш учун ҳаракатни бошламоқ даркор.

Лекин, бу мураккаб ҳаётда одам яхши томонга ўзгариши ёки ёмон иллатларини ривожлантириши учун доим ҳам имкониятлар мавжуд. Биз инсонни онгли мавжудотдир деймиз.

Ўзингиз яхши биласизки, У ҳаётда ёмонликларга, бемаза ишларга ҳам кўп бора дуч келади. Демак, ҳаётдан безиб кетмаслик, одамларга нисбатан меҳр туйғусини йўқотмаслик учун инсон ҳар доим бошқалардаги энг яхши томонларни кўришга, юрагидаги йўқолиб қолган меҳр ўрнини тўлдириб ва бойитиб боришга ҳаракат қилгани маъқул.

Акс ҳолда унинг ўзи ҳам истамаган ҳолда асабий, ичи қора, ёмонликни соғинадиган бир кимсага айланиб қолиши ҳеч гапмас. Баъзан шундай истеъдодли кишилар бўладики, улардан яхшилик кутиб бўлмайди, чунки, унинг ичи қоп-қора. Чунки, улар юрагида меҳр етишмайди, маълум бир соҳаларда истеъдодли бўлишларига қарамай, энг инсоний туйғулар камол тополмасдан қолиб кетган.

Одам умр бўйи комил инсон бўлишга интилади. Балки у ҳеч қачон тугал комил инсон бўла олмас, лекин, ҳар ҳолда киши доим олдинга қараб интилаверса, анча-мунча жойга бориб қолади-да. Одам бу дунёга бир марта келади, аммо ўз ҳаётини ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Баъзилар ўзидан “катталар” олдида бошиям ерга теккунича эгилиб, пой-патак бўлади, ўзидан “қуйироқдагилар”ни эса қўлини бефойда ишлатмаслик мақсадида, оёғининг учи билан кўрсатади. Ўз фикрига эга бўлган кишилар эса ҳар доим ҳам қадр топавермайди. Асосий масала шундаки, инсон дунёга бир марта келар экан, энг аввало унинг ўзи қадр-қимматини билиши даркор. Ғоялар, қарашлар ва ахлоқ нормалари тезлик билан ўзгараётган бугунги дунёда эса қадр-қимматни, ор-номусни сақлаш ҳам осон, жўнгина иш эмас. Улуғ аждодларимиз минг йиллар тажрибасига, реал ҳаётда ўзи ҳам кўрганларига асосланиб, “Ўйнашмагин арбоб билан...” деган мақолни ҳам бежиз бу дунёга келтирмаганлар-да.

Нима бўлишидан қатъи назар, ўзининг асл қадр-қимматини билган киши, албатта, бир куни қадрини топади. Агар бир бутун бир эл ўз қадрини юксак тутса, катта гап бўларди-да. Элимизнинг неча минг йиллардан буён ҳаётда ўз тасдиғини топиб келаётган “Ўз қадрини билмаган киши, ўзгаларни асло қадрламайди”, деган пурмаъно панд-ўгити, ҳикмати борлигиниям жуда яхши биласиз.

Ривоят қилишларича, бир подшоҳ вазири ҳамда навкарлари билан ўз юртини айланиб юриб, ногаҳон катта йўл четида ухлаб ётган икки беҳад жулдур, увадаси чиқиб кетган либосли, кир-чир гадо болага кўзи тушиб қолибди. Подшоҳ вазирига ўша заҳотиёқ буйруғини берибди: – Гадоларнинг ўнг томондагисини эл олдида ибрат бўлиши учун қатл этилсин! Навкарлар ҳам вазир ишораси билан ўша гадонинг қўл-оёқларини чилвир билан маҳкам боғлаб, отга ўнгариб олибдилар. Бироз йўл босилгач, вазир журъат этиб, ҳукмдорга юзланибди: – Шоҳим, мени қийнаётган саволга ўзим ҳеч жавоб топа олмаяпман. Агар Сизга малол келмаса, нега икки гадодан фақат бирини жазога буюрганингизни изоҳлаб берсангиз.

Подшоҳ жавоб қилибди: – Агар бироз эътибор берганинг ва фаросатингни ишга солганингда бундай саволга ҳожат қолмасди. Тўғри, гадоларнинг иккиси ҳам ўзи ва элига бирор-бир фойдали юмуш билан шуғулланиш ўрнига тиланчилик қилиб юрибдилар. Чап томондагиси жазоланмаганлигининг асосий сабаби шундаки, у тагига латта-путта ҳамда хазонларни солиб олиб олиб ухлаётган эди. У гадо бўлса ҳам ўз қадрини сал-палгина бўлса-да, англаган. Бу унинг келажакда тузалиб, ярамас ҳунарини ташлашидан бир нишона. Ўнг томондагиси шундоқ чиқинди, чанг-тўзон, тупроққа беланиб ётган эди. У ҳаттоки ўзининг қадрини ҳам билмайди...

Ўзбек халқининг ноҳақ жабр-зулм кўриб, Шўролар давлати томонидан қатл этилган улуғ фарзанди Абдурауф Фитрат шундай ёзган эди: “Ҳиммати ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир”. Бундан чиқадиган сабоқ, хулоса ҳам аниқ-тиниқ. Демак, миллат ҳимматли, саботли, курашчан бўлмоғи лозим. Ҳар қандай фожиа, муаммолардан устун турган халқгина яшашга ҳақлидир.

Ҳар бир инсон, даставвал, оилада ўз ўрнини топади, оилада ўрнини топа олмаса – жамиятда ўрин топишиям қийин; оилада ўз қадрини туяди, оилада қадр топа олмаса – жамиятда қадрланиши даргумон; оилада меҳрибонлик кўради, оилада меҳрсиз улғайса – жамиятда ҳам худди етти ёт бегоналардек кун кечиради. Оила шундай маънавий ришталар билан Ватанга боғланади ҳамда ҳар бир инсон учун Ватан ичра асл Ватанга

айланади. Оила ва Ватан тушунчалари шу нуқтада ўзаро сингишади. Натижада, оиланинг ҳар бир аъзоси Ватан фуқаросига айланади, оилалар биргаликда жамиятни, жамиятнинг аъзолари эса халқни бунёдга келтиради, бу халқ бўлса, ўз навбатида, бир бутун мамлакат аҳлига айланиб кетиб ўзининг ҳаётини айнан ўзи яратади, қуради ҳамда ўзининг давомийлигини таъминлаш йўлида тинимсиз равишда курашади.

Келинг шу ўринда мавриди келиб қолгани туфайли "САДО" газетаси "Боболар насиҳати – бебаҳо ҳикмат" рукнида босилган (2017 йил, 7 сентябрь) телевидениемиз фахрийси Анвар Тожиев қаламига мансуб "Бағри кенг ўзбек" сарлавҳали бағоят ибратли битикдан беҳад ибратли мисолни эътиборингизга ҳавола этсак.

"Дунёда бизнинг халқимиздек бағри кенг миллат бўлмасаям керак. Аммо, биз ўзимиз бўлса буни оддий ҳолат деб тушунамиз. Ташқаридан қараган ва воқеаларни таҳлил қила олган одамлар бу ҳақиқатни жудаям чуқур тушунадилар... Бундан ярим аср кўпроқ муқаддам бирга ўқиган бир дўстим, ўрта махсус билим юртини аъло баҳоларга битириб, ўзи хоҳлаган институтига имтиҳонсиз кириш имконияти ҳам бўлгани ҳолда, оиласининг моддий аҳволи оғир бўлгани сабабли, заводга ишга келди. Билими жудаям зўр, рус тилини мукаммал билгани учун уни дарҳол конструкторлик бўлимига жон-жон деб ишга олишди. Запорожье шаҳридан ўрта махсус билим юртини битириб яқинда ишга келган хорижлик қиз билан ёнма-ён иш жойи ҳам жиҳозлаб беришди. Шу тариқа икки мутахассис бир-бирларига ёрдам бериб, ўзаро фикрлашиб ишлай бошладилар. Бунисини ҳам қаранг-ки, орадан кўп фурсат ўтмай, йигит шу қизни эси оғар даражада, ниҳоятда қаттиқ севиб қолди.

Аслида шу йигит шаҳарнинг эски "Себзор" қисмидаги деярли хароба ҳовлида онаси ҳамда уч синглиси билан яшар, отаси бўлса Иккинчи жаҳон урушда ҳалок бўлган эди. Онаси аввал қизларини турмушга чиқармагунича ўғлини уйлантириш ҳақида ўйламасди ҳам. Унинг устига хорижлик қизни келин қилишни хаёлига ҳам асло келтирмаган бўлса керак. Бир куни шу қиз йигитнинг турар-жойини кўргани келиб, ҳангу манг

бўлган, “шунақа вайронадаям одамлар яшайдими?” дея афтини буриштирган ва “наҳотки мен мана шунақа хароба ва ташландиқ жойда, сенинг қолоқ онанг ва қишлоқи сингилларинг билан бирга тураман?” деган русчалаб.

Онаизор унинг бу гапларини туппа-тузук тушунган, албатта.

Аммо, қиз йигитнинг юрагидан шунчалик уриб қўйганми ёки иссиқ-совуқ амалларни ҳам қилганми, ишқилиб орадан кўп вақт ўтмай иккала ёш – Украинага, йирик корхонага жўнаб кетишди. Янадаям аниқроғи, йигит ўзининг Ота юртига, оиласига, онасига, сингилларига ва виждонига хиёнат қилиб, ўзга юртдан жаннатни қидирган. Жанннат онасининг оёғи остида эканини эса сира ҳам ўйламаган-да. Ўзининг оиласидаги ягона таянч-суянч эканлигини била туриб ҳам, ўз маъшуқасининг этагини тутиб, қочиб кетган.

Хуллас, орадан анча вақтлар ўтди. Қизлар қийин шароитларда ўқув юртларини битиришди ва яхши жойларгаям келин бўлишди. Она эса, вақти-соати етиб келиб, бандаликни ҳам бажо келтирди.

Йигит бўлса бу воқеалардан ўта йироқда яшади. Хотинининг отаси катта амалдор бўлганлиги учун, у ҳам юқори лавозимларга кўтарилди. Кейин оиласи билан Исроилга, ундан кейин эса қайси бир Европа давлатига кўчиб ўтибди. Бахтининг изидан қувлабди, бироқ унга мутлақо ета олмабди. Қариган чоғида бўлса дарбадар қиёфасида ўзининг Ота маконига, Она Ватанига қайтиб келибди.

“Дарбадар” дейишга ҳам арзийди. Хотини оламдан ўтганига анчагина бўлибди. Қизи қора танли бир йигитга турмушга чиқиб, Канадага кетибди. Уларни эса ота уч-тўрт йилда бир марта, у ҳам бўлса, сафарга келган пайтларида кўрар эмиш. Ота тўйларида ҳам қатнашмабди. Ёшлар ўзларича тўй қилишганмиш. Ўғли эса поляк муҳожирига уйланиб, Австралия тарафга кетиб қолибди. Қайси шаҳар эканлигини эса ҳатто аниқ билмасмиш ҳам. Аввал Сидней экан, кейин Канберра шаҳрига кўчганмиш. Ўзи бўлса сўққабош, атрофидагилар учун ғирт бегона. Ватанидан йироқларда аламини ичига ютиб яшабди. Нафақага чиққанидан кейин дунё кўзига тор кўриниб, вазиятга

асло чидай олмай, “ўлсам, ўз юртимда ўлай”, деб киндик қони томган, кўз очиб кўрган ватанга қайтиб келибди.

Соч-соқоли ҳам оппоқ, кўриниши ажнабийларга ўхшаб кетган бўлса ҳам, сингиллари уни дарров танишибди. Кўз ёши қилишиб, қучоқларини очиб кутиб олишибди. Жигар-да, иззати-ҳурматини жойига қўйишибди. Бирон-бир одам унинг гуноҳи, қилмишлари ва хиёнати хусусида сира ҳам гап очмабди. Жиянлари эса “тоға”, “тоғажон” деб унинг атрофида гирдикапалак, парвона эмишлар.

Қария бўлса онаси ва яқинлари қабрларини ҳар куни зиёрат қилиб, аввало, Яратгандан, сўнг отаси ва онасидан қилиб қўйган аблаҳлиги, хиёнати учун бетиним ёлвориб кечирим сўрармиш...

Одамлар хато қилади ва янглишади, билиб ёки билмай гуноҳ ишларга ҳам қўл уради. Унинг оқибати қанчалик оғир бўлмасин, халқимиз – ҳақиқатан бағри кенг, кечиримли. Энг муҳими бўлса, айбдор ўзининг қилган гуноҳини тушуниб, бу йўлидан қайтсин.

Суҳбатимиз қаҳрамони ҳам ўз вақтида ёшлик қилибми ёхуд аҳмоқликми, ўша даврнинг мафкурасига учибми, ишқилиб, улкан хатога дучор бўлган. Энди эса онаси қабри узра кўз ёшлари билан қилган тавба-тазаррусини аждодлари руҳиям кечирган бўлсин...”

Юқорида аччиқ тақдири ҳикоя этилган кимсанинг кулфатиям миллий илдизидан узилиб, ғарбона ҳамда ғарибона тутумларнинг ортидан гангираб кетиб қолганлигида деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ҳозирги замонда қадриятлар ва ахлоқий қарашлар инқирози нафақат Ғарбга, шу билан бирга Шарқ мамлакатларига ҳам раҳна солмоқда. Америкалик олим Самуэль Хантингтоннинг фикрича, ахлоқий тубанликнинг асосий кўринишларидан бири сифатида оиланинг инқирози, жумладан ажралишлар, ноқонуний туғилган болалар, ўсмирлар ҳомиладорлиги ҳамда тўкис бўлмаган оилалар сонининг тобора ортиб борётганини кўрсатиш мумкин. Сингапур президенти Ви Ким Ви 1989 йилдаги мурожаатида шундай деган эди: “Ўтмишда бизларга куч бағишлаб турган ахлоқ, мажбурият ва жамият тўғрисидаги

анъанавий осиёча қарашлар ғарблашиб, индивидуалистик ҳамда эгоистик дунёқараш билан алмашмоқда”. Шак-шубҳасиз, анъанавий жамиятни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли эса оиланинг анъанавий кўринишини асраб қолишдир. Бугун ўзингиз ҳам ташвиш билан кўриб-билиб турганингиздек, оилавий муносабатлар инқирози жаҳон миқёсидаги жуда долзарб, ечими эса беҳад даражадаги мушкул муаммога айланиб бўлган.

“Янгича тартиблар хусусий ҳаётимизга чуқур сингиб кетади ҳамда оилалар ўртасида ақл бовар қилмас тангликни ҳам вужудга келтиради”, – деган эди Э. Тоффлер оиланинг емирилиши ортига қайтариб бўлмас жараёнлиги борасида фикрларини билдираркан. Америкалик футуролог (келажакни башорат қилувчи олим)нинг хавотирли мулоҳазасига кўра, оила ўзининг дастлабки моҳияти ва кўринишини йўқотади. Ҳозирги кунда Ғарб жамиятида жуда кенг тарқалган оиланинг шакли – нуклеар оиладир. Бунда икки авлод – ота-она, фарзандлар эмас, бир авлод, яъни эр-хотин ўртасидаги муносабатлар биринчи ўринга чиқиб олади. У фақатгина ота-она ва болалардан иборат бўлади. Нуклеар оиланинг кенгайган шакли нуклеар оиланинг ўзи ва қариндошлар (бувилар, боболар, набира, опа-сингиллар, ака-укалар ва ҳоказо), худди шунингдек, у ёки бу сабабларга кўра, яқин одамлардан ташкил топади. Олимларнинг маълумот беришича, энг кейинги пайтларда нуклеар оилалардаги болалар сони камайиб бормоқда ва умуман фарзандсиз оилалар ҳам талайгина. Дарвоқе, оилага нисбатан “нуклеар” (бу сўз лотин тилида ядро деган маънони англатади) атамасини илк бора 1949 йили америкалик социолог Ж. П. Мердок китобида қўллаган эди.

Э. Тоффлернинг фараз қилишича, келажакда эркак ва аёлдан иборат соддалаштирилган ва фарзандсиз оилалар кенг тарқалади. Олим ёзадики, агар чинданам анъанавий оилани тиклаш истагида бўлсак, бунинг эса бир неча йўллари ҳам мавжуд. Шу жумладан, фақатгина якка шахсларга мўлжалланган ахборот воситаларини тақиқлаб қўйиш, аёлни мажбуран ошхонага қайтариш, ҳомиладан сақловчи турли-туман воситаларни чеклаш ва бошқа йўллар.

Ғарбона қарашлар ва маданиятга кўра, бугун инсон ҳаётининг қиймати нечта фарзанд кўргани-ю, уларга қандай тарбия бергани билан эмас, қанча маош олиши ҳамда қанақа лавозимни эгаллаб тургани билан баҳоланмоқда. Ишида муваффақиятларга эришиб, мустақил ҳаётга анча кўникиб қолаётган ҳозирги ёшлар оилавий турмуш масъулиятини чуқур англаган ҳолатда, турмуш қуришга унчалик даражадаям шошилишмаяпти. Уй-жой, қулай ижтимоий шарт-шароит ва порлоқ келажакка ишонч бўлсагина ўзларининг янги оилаларини қуришмоқда. Айни пайтда меҳр-муҳаббат, бир-бирини астойдил қўллаб-қувватлаш, бир-бирига суянишдан ҳам кўра "Манфаат жаноби олийлари" устуворроқ эканлигини бизам тан олмоғимиз даркор. Муносабатлар ўткинчи ҳаваслар асосига қурилаётгани боис барқарор оилалардан кўра ажралишлар фоизи кўпроқ. Замонавий жамият ҳам ижтимоий соҳа мутахассисларини қизиқарли жараёнлари билан ўзига жиддий жалб этиб келмоқда. Ер тезроқ айланиб, кунлар қисқаргани сайин заминимиздаги ҳар хил жараёнлар ҳам роса мураккаблашиб бораётгандек туюлади.

Асримиздаги ҳамма ўзгаришлар XVII – XVIII юз йилликларда Европада вужудга келган илм-фан ҳамда технологиялар таъсири билан бевосита боғлиқ. Мобиль телефон, шахсий компьютерлар ва оммавий ахборот воситаларидан кундалик ҳаётимизда унумли равишда фойдаланиш одатий ҳолга айланган. Бироқ, бизларнинг ҳаракатларимизда тартиб ва барқарорлик йўқолган. Эрталаб ишга шошиб жўнаётган ота-она фарзандларининг кун давомида нима билан банд бўлишини кўпинча билмайди ҳам. Болалар бўлса, ўз навбатида, ҳар хил трансформер ва ўргимчак-одамлар, ижтимоий тармоқлардаги виртуал дўстлари дунёсига шўнғийди. Натижада, аста-секинлик билан авлодлар ўртасида тушунмовчиликлар юзага келади. Оқибатига эса сизу биз ҳам яққол гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сўнгги 30 йил мобайнида АҚШ оилалари сезиларли даражада ўзгаришларга дуч келди ва аввалгисига қаралганида унинг инсон ҳаётида тутган мавқеи ҳам сезиларли даражада пасайиб кетганди. Тўкисроқ оилалар сони ҳам нисбатан тобора

қисқариб бормоқда. Мана, бир неча йилларки, бу мамлакат ажралишлар сони бўйича етакчилик қилмоқда. Ўртача оила қуриш ёши ҳам тўхтовсиз ўсиб бормокда – ушбу кўрсаткич 2000 йилда аёллар учун 25,1 ҳамда эркаклар учун эса 26,8 ёшни ташкил қилар эди. Бир авлоднинг алмашинувидан кейин оила институтига нисбатан америкаликлар муносабати ҳам ўзгарди: никоҳнинг аҳамиятини тан олган ҳолда, улар ўз муаммоларини ечиб бера олмаган оила учун энг мақбул йўл ажрашиш, деб ҳисоблашмоқда. Кўпчиликда фарзанд кўриш истаги бўлса-да, туғилиш сони сони тобора қисқариб бормоқда.

Оиладаги ижтимоий роллар ҳам бирмунча ўзгарган. Аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўртасидаги чегара ҳам ювилиб бормоқда. “Rew Research Center” ташкилоти сўровларига кўра, 2010 йилдаёқ 39 фоиз америкаликлар никоҳ урфдан чиққан институтга айланиб бораётганлигини билдиргандилар. Социолог Т. Смитнинг фикрича, ҳозир XXI аср оиласи моделининг ўзига хос шаклланиш ҳамда анъанавий оиланинг инқирозга юз тутиш жараёни кечмоқда. Буюк Британияда бугунги кунларда ҳар бир 6 никоҳдан 5таси ажралиш билан поёнига етмоқда. Агар воқеалар ривожи айнан ана шу тарзда давом этгудек бўлса, аср интиҳосига бориб, Ғарбда “ота”, “она”, “ўғил”, “қиз” сингари минг йиллар синовидан ўтган сўзлар урфдан буткул чиқиб кетишиям мумкин.

Бугун Ғарбда кўплаб одамлар, айниқса, ёшларнинг идеалига айланиб улгурган машҳур одамларни ҳам ўз сафига қўшиб олган янги бир оқим – фарзанд кўришдан ўз хоҳиши билан воз кечувчи одамларнинг чайлдфри (инг л. child – бола, free – эркин) номини олган оқими борлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Энг дастлабки чайлдфрилар ўтган аср 70- йилларида пайдо бўлиб, ҳаракатнинг оммавийлашиши эса 90- йилларда бошланган эди. Руҳшунослар фикрига кўра, одамлар учта сабаб билан фарзанд кўришдан бош тортадилар: кимдир, масалан, бола туфайли ишга камроқ вақтини ажратишига тўғри келишидан чўчийди. Болани боқиш, ўқитиш ва кийинтириш эса улар учун ниҳоятда катта муаммо ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳга болалигидан оила билан боғлиқ беҳад ёмон хотиралар қолган, фарзанд тарбиялашга ўзини тайёр эмасман, деб ҳисоблайдиган одамларни киритиш мумкин. Ва ниҳоят, учинчи гуруҳ вакиллари бола келажаги учун қайғурганидан кўра, умуман фарзанд кўрмасликни афзал биладилар. Албатта, одам табиатида бу сингари кескин ўзгаришлар бевосита илм-фаннинг тараққиёти ва борлиқ ҳақидаги тасаввурлар билан ҳам боғлиқдир. Масалан, олдин фарзанд тақдирнинг инъоми сифатида қувонч билан кутиб олинган бўлса, ҳозирги одамлар буниям олдиндан режалаштириб олиш мумкин бўлган оддий бир жараён деб ҳисобламоқдалар.

Оддий америкаликлар оиласида одатда 2 – 3 бола бўлади.

– Балки беш йиллардан кейин яна фарзанд кўрармиз – дейди бир машҳур тиббиёт фирмасининг бошқарувчиси Линда.

– Ҳозир ташвишлармиз ҳамда молиявий режалармиз ҳаддан ташқари кўп, – қўшимча қилади турмуш ўртоғи Питер. – Бунинг устига эса, болалар – ҳаддан ташқари қимматга тушадиган роҳат!

Уларнинг тўнғич ўғли – Дилан 8, кичик ўғли Жей эса 6 ёш. Дилан ва Жей бепул муниципал мактабга қатнайдилар. Бу ердаги дарслар текин, бироқ, қолган нарсалар учун пулини тўлаш керак. Битта боланинг тушлиги 2,5 доллар туради, бундан ташқари, бир ойда иккита болага 120 доллар сарфланади. Ғарбда одамларнинг фарзанд кўришни истамаслиги айни молиявий масалаларга бориб тақалади. У ерда болага энага ёллаш, мактаб автобусига эса пул тўлашнинг ўзи ҳам ота-онани роса ҳолдан тойдириб қўйиш учун етарли даражадаги ғам-ташвиш ҳамда бош оғриғи ҳисобланади.

Ўзингиз ҳам жуда кўп марта Америка фильмларини томоша қилгансиз. Эътибор берган бўлсангиз, гап-сўз оилавий шароитлар ҳақида кетганда, кўпинча эр-хотин ажрашган бўлади ва аксарият фильмлар айнан шу муаммо билан бошланади: ота ва она болани ҳайвонот боғига ким олиб бориши ҳақида баҳслашади. Афсуски, бу – фантастика эмас, асл ҳақиқат ҳам шундан иборат. Неча минг йиллар давомида эъзозлаб келинган муқаддас қадриятлар қисқа фурсатларда ер

билан битта бўлди, тупроққа қоришиб кетди. Бу ердаги одамлар эса оний эҳтиёжлар, беқарор ҳисларнинг чинакам тутқунига айланиб бўлган. Алоҳида эътиборни талаб қиладиган буюк тушунчалар эса беихтиёр бир чеккага суриб қўйилмоқда...

Бугунги ниҳоятда мураккаб, мўрт ҳамда ўта таҳликали дунёда глобаллашув жараёни ҳаддан ташқари тезлашган замонда асрлар силсиласидан эсон-омон ўтиб келган ҳамда синовларда тобланган миллатимиз тафаккурининг маҳсули – оилавий қадриятларни ич-ичидан емириб ташлашга ғоявий таҳдидлар, хуружлар ҳам тобора кучаймоқда. Шарқона ва Ғарбона ғарибона қарашлар ўртасидаги тўқнашувлар ҳам кескинлашиб, онгу қалбда, ҳаётда ўзининг акс-садосини бермоқда. Яхши ўйлаб кўрайлик: бугун оила даврасида кўрилаётган баъзи хориж сериалларининг “қаҳрамон”ларига хос зинокорлик, беникоҳ бола орттириш, хотинининг ўз эрига қарата “менинг ҳаётимга аралашма” дейиши – бизнинг ҳаёт тарзимизга, қарашларимизга қанчалик даражада мос?! У бизни қанақа бемаза йўлларга бошлайди? Бунақа ҳолатлар эртага миллатимиз ҳаётига бостириб кириб келмайди, деб ўзи ким ҳам кафолат бера олади?

Бундай жудаям мураккаб саволларга Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан беҳад асосли, ҳаққоний, тўғри жавоб қайтарилган эди: “Биз маънавий ҳаётимизни янада юксалтиришда ва жамиятда эзгу инсоний фазилатларни кенгроқ қарор топтириш жараёнида, тобора кучайиб бораётган, миллий табиатимиз ҳамда урф-одатларимизга буткул зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсир, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни эса асраб-авайлашда, энг аввало, оилани ниҳоятда мустаҳкам таянч сифатида биламиз”...

БАШАРИЯТ БАҒРИКЕНГЛИГИ БАЁНОТИ

“Инсоният тарихидаги энг ноёб ҳужжат” ва “Бутун инсоният учун эркинликлар Хартияси” сифатида таърифланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

қабул қилинганигаям 70 йил тўлмоқда. Дунёда бошқа бирорта халқаро ҳужжат бундай юксак даражадаги баҳога сазовор бўла олмаган. Жаҳон миқёсидаги ялпи эътироф сабабини инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мукаммал концепциясини ниҳоятда замонавий ва мухтасар баён этиб берган Декларациянинг асл мазмуни ва моҳиятидан изламоғимиз даркор.

Ушбу декларация Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинок қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Истиқлол йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича 70та энг асосий ҳужжатга имзо чеккан Ота маконимиз Конституцияси муқаддимаси ҳам “Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон” қилиш билан бошланганлиги Ўзбекистонда инсон ва фуқаролар манфаатлари ва ҳуқуқлари устунлиги қонуний мустаҳкамлангани ҳамда кафолатланганлигини англатади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов қаламига мансуб стратегик аҳамиятга ҳам молик “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китобидаям ҳақли равишда таъкидланганидек: “...Биз давлатимиз келажагини ўзимизнинг қобиғимизга ўралиб қолган ҳолатда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни бағоят чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Ўз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини... ўз ҳаётимизга янада ҳам кенгроқ жорий қилишда кўрамиз”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев эса 2018 йилнинг 5 майида имзолаган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонда ҳам бугунги кунларда “давлатимизнинг БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 10та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айлангани” айтилган.

Инсон ҳуқуқларининг давлатдаги мавқеи ва обрўси жуда кўп жиҳатдан унинг манбалари қандай талқин қилишига ҳам боғлиқ. Бугунги кунларда турли дунёқарашга эга бўлган сиёсатшунослар инсон ҳуқуқларининг таянч манбаларини

турлича изоҳлайдилар. Олимларнинг баъзилари инсоннинг табиий хусусиятларида, одам зотини ушлаб тура оладиган энг асосий эҳтиёжлар – ҳаётни давом эттириш, хавфсизлик, куч ишлатиш ва ижтимоий асосланмаган чекловлардан озодлик, инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, маънавий ривожланиш сингари турли-туман қирраларда ва омилларда ўзини яққол кўрсатиб туради деб ҳисоблайдилар.

Бошқалари, улардан энг юксакларини маънавиятга мурожаат қилиш ҳуқуқи, деб биладилар. Рус файласуфи Николай Бердяев фикрича: “Инсон шахси эркинлиги жамият томонидан ҳеч берила олмайди ва ўзининг манбаи ҳамда хусусиятига кўра унга боғлиқ бўла олмайди ҳам – у маънавий мавжудот сифатидагина инсонга тааллуқли... Инсон устидан жамият ҳокимиятининг чегараларини белгилайдиган ажралмас ҳуқуқлар эса табиатнинг тарафиданмас, маънавият томонидан белгиланади. Буларнинг бари бўлса табиий ҳуқуқ ва эркинликлар эмас, балки маънавий ҳуқуқлардир, табиат ҳеч қандай ҳуқуқ ҳамда эркинликларни белгиламайди”.

Инсон ҳуқуқлари қаторига у онадан туғилиши билан мавжуд бўладиган, одамларнинг инсоният жамиятига қўшилиб кетгунига қадар ҳолатидаги турли ҳуқуқлари йиғиндиси киради. Фуқаролик ҳуқуқлари дейилганида эса, инсон сиёсий жамиятга қўшилгандан кейиноқ эга бўладиган ҳуқуқлари мажмуи тушунилади. Ҳозирги замонда “Инсон ҳуқуқлари” дейилганида муайян маънавий ҳуқуқ эътироф этилади. Бунда ҳамма вақт ҳам давлатда амал қилаётган объектив ҳуқуқ билан инсоннинг маънавий ҳуқуқлари ва ҳуқуқий талаблари бир-бирига айнан мос келавермайди. Улар ҳали қонун шаклида расмийлаштирилмаган бўлса, амалда қонунга нисбатан илгари сурилаётган маънавий талаблар шаклида сиёсий-ҳуқуқий майдонга ҳам чиқиб келади. Қонунларга, масалан, конституцияга киритилгач эса бу ҳуқуқлар энди инсон ҳуқуқлари дейилмасдан, фуқаролик ҳуқуқлари деб юритилади. Хорижда аксарият ҳолда “инсон ҳуқуқлари” дейилган чоғда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, “фуқаролик ҳуқуқлари” атама (термин, тушунча)си орқали бўлса одатда сиёсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликлар назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ҳамда ташқи сиёсати, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида жуда муҳим аҳамият касб этади. Ундаги қоидалар ва хулосалар ҳамда приципиллар, тамойиллар ўз моҳияти ва мазмунига кўра мукаммал даражада ишлаб чиқилган халқаро, бутун дунёдаги инсонларга доир ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодаси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинишидан аввал бу соҳада муайян ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги меъёрлар илк маротаба Миллатлар Лигаси даражасида ўтказилган халқаро Конференцияда ва БМТ Низомининг ишлаб чиқилиши пайтида бир гуруҳ давлатлар унга инсон ҳуқуқлари масаласини ифода этувчи махсус декларацияни киритишни таклиф этган эдилар. Бироқ, бу таклиф масала яхши ўрганиб чиқилмаганлиги туфайли ҳам муҳокамага қўйилмаганди. Ўша даврда БМТ Низомига фақатгина умуминсоний ҳуқуқлар ва эркинликларни янада ривожлантириш, ҳурмат қилиш ва уларни амалга оширишда ҳеч қандай ирқий, жинсий, диний, тил бўйича алоҳида чеклашлар ёхуд камситишларнинг бўлмаслиги ҳақидаги махсус бир тартиб-қоидани киритишга муваффақ бўлинган эди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ҳужжат лойиҳаси 1946 йил январида Лондонда ўтган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида тайёрланган эди. Бу сессияда географик тамойилга асосланган ҳолда 8та давлат вакилларидан сайланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита томонидан бу ҳужжат лойиҳаси Декларация ҳамда Конвенция шаклида тайёрланган эди. Махсус Комиссия 1948 йил 24 майдан 15 июнгача ўтган сессияда турли давлатлар вакиллари таклифлариниям инобатга олиб, Декларация лойиҳасини жиддий тарзда кўриб чиққан эди. Бу бебаҳо тарихий ҳужжат муқаддимасида эса, “мазкур инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини барча халқлар, давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан,

токи ҳар бир инсон ҳамда жамиятнинг ҳар бир ташкилоти ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маориф ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро (турли хил) тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ҳамда ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ёппасига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур”лиги қатъий белгилаб қўйилган.

БМТнинг 1948 йил 10 декабрда Парижда ўтказилган Бош Ассамблеясининг сессиясида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да мустаҳкамлаб қўйилган барча ҳуқуқ ва эркинликларни алоҳида, махсус тўрт гуруҳга ажратиб бафуржа ва батафсил тавсифлашимиз ва таърифлашимиз ҳам мумкин.

Биринчи гуруҳга элементар ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Булар: яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (3-модда); қулликдан эркин бўлиш ҳуқуқи (4- модда); қийнаш ё шафқатсиз, ғайринсоний, қадр-қимматни хўрловчи муомала қилишнинг ёхуд жазолашнинг тақиқланиши (5- модда); қонун олдида тенглик (7- модда); одил судловнинг процессуал кафолатларига доир қатор ҳуқуқлар (8–11- моддалар); инсоннинг шахсий, оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашувдан ҳамда кишиларнинг шаъни ва обрў-эътиборига дахл қилинишидан ҳимояланиш, турар-жойнинг дахлсизлиги, ёзишмалар сир сақланиши (12- модда)дан иборат.

Иккинчи гуруҳга эса фуқаролик ҳуқуқлари: шахснинг ҳуқуқ соҳиби эканлигининг тан олинишига бўлган ҳуқуқи (6-модда); давлат ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар жойни эркин танлаш ҳуқуқи (13- модда); сиёсий бошпана сўраш ҳуқуқи (14- модда); фуқароликни олиш ҳуқуқи (15- модда); никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқи (16- модда); мулкка эга бўлиш ҳуқуқи (17- модда) ва бошқалар киради. Фуқаролик (шахс) ҳуқуқлари – инсоннинг ўз асосига кўра табиий, таянч, ажралмас ҳуқуқларидир. Фуқаролик ҳуқуқлари ҳаёт ва эркинликка бўлган табиий ҳуқуқлардан келиб чиқади ва индивидуал мустақиллик ва эркинликни кафолатлашга,

инсонни ҳокимият ва бошқа одамлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли-туман қонунсиз хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Бу ҳуқуқлар инсонга ўз индивидуаллигини сақлаш, бошқа шахслар ва давлат билан муносабатларда чинакам ўзлигини сақлаб қолиш имкониятларини ҳам яратиб бера олади.

Учинчи гуруҳ бўлса сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар: фикрлаш, виждон, дин эркинлиги (18- модда); эътиқод ва уни эркин ифода этиш ҳуқуқи (19- модда); тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш эркинлиги (20- модда) ҳамда мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи (21- модда)дан иборат.

Тўртинчи гуруҳга эса иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлар, яъни, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, тенг меҳнат учун тенг равишда ҳақ олиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи ва муайян ҳаётий даражага бўлган ҳуқуқ ва илм олиш ҳуқуқи (22 – 27- моддалар) киради.

Иқтисодий ҳуқуқлар орасида хусусий мулк ҳуқуқи алоҳида ўрин тутади. Барча мамлакатлар тажрибаси ҳамда тарихи шундан яққол далолатни берадики, хусусий мулкни тақиқлаш инсон учун ғайритабиийдир. У ихтиёрий равишдаги ташаббускор меҳнатга интилиш хусусиятини йўқотиб қўяди, бунинг натижасида бўлса оммавий хўжалик масъулиятсизлиги ва ижтимоий боқимандалик келиб чиқади, жамиятнинг тўла-тўкис ғайриисонийлашуви ҳамда шахс маънавиятининг емирилиши жараёни бошланишигаям олиб келади. Хусусий мулк ҳуқуқи йўқлиги эса кўпчилик фуқароларни камбағаллик ва қашшоқликка маҳкум этади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий беқарорликка сабаб бўлишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Айни пайтда эса, тарихнинг минглаб йиллик тажрибаси хусусий мулк ҳуқуқини ҳам бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар сингари, маълум бир даражада чеклаш зарурлигидан ҳам гувоҳлик беради. Ҳозирги даврда қатор Ғарб давлатлари қонунчилигида хусусий мулкнинг йўл қўйиладиган чегаралари белгилаб қўйилган, ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш кераклиги кўрсатилган.

Маданий ҳуқуқлар инсоннинг маънавий-маданий жиҳатдан ривожланиши, тараққиётини кафолатлашга йўналтирилган. Улар эса ўз ичига маданий қадриятлардан фойдаланиш, бадиий ҳамда техник ижод, таълим олиш, ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи ва бошқа бир қатор ҳуқуқ ва эркинликларни ҳам қамраб олади.

Шу ўринда эса ҳуқуқ ва бурчнинг бирлигини назарда тутган ҳолда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 26- ва 29- моддаларини сизнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этишни ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. 26- моддага биноан:

"1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Таълим олишда ҳеч бўлмаганида бошланғич ҳамда умумий таълим текин бўлиши даркор. Бошланғич таълим эса мажбурий бўлиши лозим. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда энг асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстлик жараёнига хизмат қилиши ҳамда БМТнинг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар".

Декларациянинг 29- моддасига кўра:

"1. Ҳар бир инсон жамиятнинг олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланиш жараёнида ўзгаларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби ҳамда умум фаровонлигининг одилона

тартибларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳукуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига ва принципларига асло зид бўлмаслиги даркор”.

Инсон ҳуқуқлари фақатгина улар одамларнинг бурчлари ва масъулияти, мажбуриятлари билан узвий боғланган тақдирдагина воқеликка ҳам айланади. Демократик давлатларда фуқароларнинг мажбуриятларига одатда қонунларга риоя қилиш, бошқа шахслар ҳуқуқ, эркинликларини ҳурматлаш, солиқларни тўлаш, милиция (ички ишлар органлари) кўрсатмаларига амал қилиш, табиатни, атроф-муҳитни, маданият ёдгорликлари ҳамда бошқаларни ҳимоя қилиш каби талаблар киради. Айрим бир мамлакатларда давлат органларига ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳамда юрт ҳимояси ўта муҳим мажбуриятлар жумласига киритилган. Баъзи мамлакатлар (Япония, Италия, Гватемала, Эквадор ва бошқалар) конституцияларида эса меҳнат қилиш, бола тарбиялаш (Италия), ўз саломатлиги тўғрисида ўзи ғамхўрлик қилиши ва даволаниш учун ўз вақтида мурожаат қилиш (Уругвай) каби мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилганлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқларининг бутун бир мажмуасини амалда рўёбга чиқариш ўта мураккаб ва кенг қамровли вазифа бўлиб, унинг қай даражада бажарилиши алоҳида мамлакатларнинг ҳам, инсоният цивилизациясининг ўзига хос тарздаги ривожланиш даражасини ва инсонпарварлигини бевосита характерлайди. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларининг сақланиши ва янада бойроқ мазмун билан тўлдирилиши ички ва ташқи сиёсатнинг инсонийлиги ва инсоний ўлчовларнинг ўта муҳим мезонлари, ўлчовлари сифатида сиёсий майдонга чиқмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш орқали алоҳида давлатларда, ва умуман дунёда инсоннинг олий қадрият эканлиги легитим, яъни қонуний воситалар билан тасдиқланади. Алоҳида бир мамлакат доирасида уларга риоя қилиниши соғлом иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг, сиёсатда бўлса соғлом фикр тантанасининг, айрим бир халқлар

устида ҳалокатли тоталитар ва бошқа ёвуз ниятли тажрибаларни ўтказишни, тажовузкор ички ва ташқи сиёсатнинг олдини олишнинг ниҳоятда зарур шартидир.

1789 йилдаёқ Францияда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси муқаддимасида, “Инсон ҳуқуқларини мутлақо билмаслик, унутиш ҳамда ҳурмат қилмаслик ижтимоий бахтсизликнинг ягона сабаби” сифатида изоҳланган эди. Ҳозирги замон фани эса у даражада қатъий фикрни билдирмай, ижтимоий фалокатларнинг бошқа турли-туман сабабларини ҳам тан олиши, эътироф этишига қарамай, барибир инсон ҳуқуқ-эркинликларини ҳурмат қилиш жараёнини ҳар қандай жамиятдаги барқарорлик ва фаровонликнинг энг муҳим шартидир, деб ҳисоблайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқи ҳамда эркинликлари соҳасида амалга оширилаётган фаолиятнинг ҳар хил йўналишлари белгиланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқлар мажбурий характерга эга бўлган барча халқаро ҳужжатлар учун ўзига хос фалсафий асос сифатида хизмат қилади. Ўз мавқеи ва аҳамияти жиҳатидан эса ушбу Декларация БМТ фаолиятида Ташкилотнинг Низомидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Инсон ҳуқуқларига оид бўлган жаҳон андозалари (талаблар) бу Декларациядан ташқари 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳамда унга қўшимча Факультатив Протокол ҳамда ўзга халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мажбурий халқаро норма сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча ғоя ва принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳиятига сингдириб юборилган. Уларни таққослаб ва синчиклаб ўқиган ва уққан ҳар бир киши ўзи бунга амин бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб боришига мутаносиб равишда инсон ҳуқуқларини таъминловчи ташкилий тузилмалар ва ўзга бир махсус

институтлар ҳам қарор топмоқда. Масалан, 1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили лавозими таъсис этилган ҳамда машҳур олима ва жамоат арбоби Сайёра Рашидова шу вазифага сайланган эди. 1996 йил 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида Қонун қабул қилинди. 1996 йил 31 октябрда Президент фармони билан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ташкил этилди. Ушбу Марказга таниқли ҳуқуқшунос олим, профессор ва Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Акмал Саидов раҳбарлик қилаётганини ҳам биласиз.

1996 йил 3 декабрда бўлса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан "Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги Мониторинги институти" ташкил этилган. Бу институт қонунларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги қоида ва нормалари халқаро талаблар (стандартлар) даражасида бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур институтларнинг жуда фаол ва самарали тарзда ишлаши Ота юртимиз – Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини собитқадамлик билан таъминлашнинг энг муҳим даражадаги кафолатларидан бири ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкиланганидек, "Илгари Бош прокуратура, суд, бошқа органлар вакилларининг вилоят ва туманларга боришга вақтлари йўқ эди. Улар Тошкентда ўтириб иш кўрар эдилар. Шунинг учун ҳаётдан ва одамларни қийнаётган муаммолардан (анчагина) узоқлашиб кетган эди.

Бу борада яна бир ўта муҳим ҳужжат – "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида" янги қонун қабул қилинди. Бу Қонунда **фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш** имконияти ҳам янада оширилди. Энди бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органлари,

бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади.

Нима сабабдан бундай қоида жорий этилди. Одамлар сўраб борса, тумандаги энг кичик амалдор ҳам бирорта ҳужжатни унга бермайди. Бунга – катталар рухсат бермайди, деб баҳона қилади. Энди бундай “ўйин”лар кетмайди. Нега дейилганида эндиликда Президентдан бошлаб энг қуйи бўғинлардаги раҳбарларгача халқ хизматида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини ҳам такомиллаштириб бориш эътиборимизнинг марказида бўлди.

Конституциямизда ҳам муҳрлаб қўйилган **“Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”** ҳамда **“Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида”** деган ҳуқуқий нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди”...

2018 йилнинг 14 февралида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасини навбатдаги мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот эшитилди. Қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланишидан бўлса ўзингиз жуда яхши бохабарсиз. 2017 йилдаги бу соҳага оид қонун ҳужжатлариини такомиллаштириш жараёнини таҳлил этиш шундан далолат берадики, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга фақат сўзда эмас, балки амалда эътибор берилмоқда, шу жумладан, ушбу соҳага суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш йўли билан ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳадаги жуда илғор ғоялар амалда рўёбга чиқаётганини деярли барча одамлар ўзларнинг ҳаёти ва фаолиятларида реал равишда ҳис этиб, кўриб ва билиб

улгурдилар. Масалан, фақат 2017 йилнинг ўзидагина судлар томонидан 228 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ҳолбуки, ўтган беш йил ичида эса бор-йўғи 5 нафар шахс оқланганди, холос. Дастлабки тергов органлари томонидан бўлса 3,8 мингта жиноят иши тугатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) У. Н. Муҳаммадиевнинг ахборотига кўра, биргина 2017 йилнинг ўзида Омбудсман идорасига 9074та мурожаат келиб тушган, шундан 1774таси эса шахсий қабуллар ва шахсий сафарлар чоғида келиб тушган. Уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича эса турли ваколатли органлар томонидан 25та жиноят иши, 27та маъмурий ва 44та интизомий иш қўзғатилган. Ички ишлар органларининг 24 ходими, ижтимоий ҳамда ўзга соҳаларнинг эса 35 ходими жавобгарликка тортилган эди. Масала бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 24та қарор бекор қилинган, судларга 10та протест ва даъво киритилган. 34 фуқаро ишга жойлаштирилган ҳамда ўз ишига қайта тикланган, 53 оилага турли моддий ёрдам, 39 фуқарога бўлса тиббий ёрдам кўрсатилган эди. Давлат даромадига 2319 миллион сўм, мурожаат қилувчиларнинг фойдасига эса 263 миллион сўм ундирилган...

Инсон ҳуқуқ, манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масаласи узоқ давом этадиган, ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади. У соф ҳуқуқий, ижтимоий ва ахлоқий муаммоларнинг доирасига ҳам осонгина сиғиб кетавермайди-да. Бозор муносабатлари беҳад чуқур илдизини отган ва умумжаҳон цивилизацияси билан ҳар томонлама интеграциялашган, иқтисодий жиҳатдан ҳам бақувват, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятигина инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва муносиб турмуш шароитини яратиб бериши мумкин. Миллий Истиқлолга эришганлигига бор-йўғи 27 йил бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳам қонунлар йўли билан, ҳам амалда, ҳуқуқшунослар тили билан ифодаланганида, де-юре ва де-факто мана шу жуда юксак марра сари интилмоқда.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн бошчилигидаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий

комиссари бошқармаси делегациясининг 2017 йил 10 – 12 майда мамлакатимизга ташрифи эса Ўзбекистон ҳамда БМТ ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтарганлиги билан беҳад улкан аҳамият касб этди. Ташриф давомида Олий комиссар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ғоятда юқори баҳолаб, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг доирасида амалга оширилаётган ғоятда кенг кўламли ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирган. 2017 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг парламенти томонидан 90дан зиёд тадбирлардан иборат ҳаракатлар режаси қабул қилингани бўлса мамлакатимиз ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги амалий ҳамда очиқ мулоқотларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга янги суръат бахш этди...

2018 йил май ойида эса, 1961 йили Буюк Британияда ташкил этилган, “Amnesty International” халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг делегацияси Ўзбекистон Республикасига келиб, амалга оширилаётган ушбу борадаги ишлар билан ҳам батафсил танишган. Масаланинг жудаям қувонарли жиҳати мана шундаки, бу халқаро нодавлат институтининг Ўзбекистонга қизиқишининг ортиши, давлатимиз билан ҳамкорлигининг янгиланишига туртки бўлган асосий омил республикамизда бошланган кенг кўламли, давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар жараёнидир. Хусусан, 2018 йил февралида “Amnesty International” эълон қилган 2017 йилда дунё давлатларида инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ҳақидаги маърузада Марказий Осиё мамлакатларининг орасида эса фақат Ўзбекистон Республикасида “фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш мустаҳкамлаш борасида ижобий ўзгаришлар юз бергани” эътироф этилган эди. Ташкилот Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳамда сўз эркинлигига доир айрим чекловларни бартараф қилиш, жиноий ишлар бўйича суд тизимини такомиллаштириш бўйича қарорларнинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган.

“Amnesty International” ташкилотнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича директори Мари Стразерс мамлакатимизда бўлган чоғида шундай деган: “Биз Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамжамияти билан ҳам мулоқотларга тайёрлигини юқори баҳолаймиз ҳамда инсон ҳуқуқларининг бизда ҳали-ҳамон хавотир уйғотаётган масалаларини ҳам ўзаро муҳокама қилишдан беҳад даражада хурсандмиз” (“Халқ сўзи”, 2018 йил, 24 май).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2018 йил майида Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузасини ҳам кўриб чиқиш якунлари бўйича ўзининг 200дан ортиқроқ турли-туман таклиф, тавсияларини берган эди.

Шуниям алоҳида қайд этишимиз даркорки, Учинчи миллий маърузанинг асосий натижалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёвнинг АҚШга дастлабки расмий ташрифи давомида икки марта, аввал, Миллий матбуот клубида, сўнгра бўлса етакчи ақл маркази – “Atlantik Council” таҳлил марказида жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборига ҳам тақдим этилган эди.

Ўзбекистон делегацияси эса халқаро ҳамжамият эътиборига мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни яхшилаш, жумладан шу йўналишдаги қатор халқаро мажбуриятлари, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аввал берган тавсияларини бажариш доирасида саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилган. БМТ аъзолари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги самарали саъй-ҳаракатлари ҳамда муваффақиятлари, конституциявий, институционал, маъмурий ислоҳотларни ҳамда мамлакатимизнинг дунёга очиқлиги ва конструктив мулоқотларга тайёрлигини жуда юқори баҳолади. БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер юртимизни жуда яхши биладиган инсон сифатида шундай фикр-мулоҳазаларини билдирган эди: “Охирги пайтларда Ўзбекистонда муҳим тарихий қарорлар қабул қилинди. Женевада Ўзбекистонга билдирилган тавсиялар инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, аёллар, болалар ва меҳнаткашлар

ҳуқуқларини қатъий тарзда муҳофаза қилишнинг барча жабҳаларини ўз таркибига қамраб олган.

Жуда катта аҳамиятга молик Женева сессиясининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги ғоятда кенг нишонланаётган бир вақтда ўтганлигини алоҳида қайд этишимиз даркор. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини кенгайтириш ва уни янадаям мустаҳкамлашга қаратилган махсус Тадбирлар дастури ҳам қабул қилинган. Биз 2017 йил октябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид тавсияларини амалга ошириш "йўл харитаси"ни ишлаб чиқдик. Парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга қатъий тарзда аҳд қилганидан яққол далолат беради. Ўз навбатида бўлса БМТнинг Тараққиёт дастури бу борада ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатишга доим тайёр.

Женевада брифинг доирасида БМТнинг Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида Ўзбекистонда БМТ Низомини ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишниям қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳа имзоланди ("Халқ сўзи", 2018 йил, 24 май).

Конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳар бир шахс ва Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун тааллуқли. Фуқаролик – бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ҳамда доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади. Бундай алоқалар инсон ва фуқаролар қадр-қиммати, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳурматлашга асосланади. Асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам шундаки, улар ҳеч бир истисносиз ҳар бир киши ёки фуқаро учун тенг ва бирдир. Давлат у ёки бу асосий ҳуқуқни тан олишида уларни ҳамма томонидан амалга ошириш имкониятининг ҳуқуқий заминини яратади. Айни шу сабабдан ҳам Ислом Каримовнинг қаламига мансуб "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли китобида шундай ғоя илгари сурилган

эди: “...юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталик сўраб дуо қиламиз... Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқи ҳисобланади. Давлат ва жамиятнинг асосий бурчи мана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборатдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштириш жараёнининг энг муҳим шартларидан биридир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам, энг биринчи галда, худди ана шу мезон билан ўлчанади”.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлиши асосларидан бирмунча фарқ қилади. Бунда эса ягона асос шахс фуқаролигининг мавжуд бўлишидир. Улар ҳуқуқ субъекти бўлган ҳар қандай фуқароларга тегишли ҳуқуқий лаёқатни амалга ошириш билан боғлиқ эмас, балки асосий ҳуқуқлар ва бурчлар шахснинг давлат билан, унинг фуқароси сифатидаги ҳуқуқий мақоми билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари халқаро ҳуқуқ томонидан ҳам эътироф этилган умумий тамойилларга асосланади. Айни шу ўринда “эркинлик”, “ҳуқуқ”, “бурч” атамаларига, уларни турлича талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида, кичикроқ бир изоҳ бериш зарурияти туғилади...

Бу ёруғ оламда ҳар биримиз доим эркин бўлиши хоҳлаймиз, ўзимиз хоҳлаганча яшаш ва юришни истаймиз. Эркинлик дегани бўлса ўзгаларга зарар келтирмайдиган, халақит бермайдиган ҳар қандай ҳаракатни қилиш, демакдир. Бошқачасига айтганимизда, эркинлик – англаб олинган заруратдир. Англаш деганимиз бўлса бевосита “онг” деган тушунча биланам боғлиқ. Инсоннинг ўзини ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи энг асосий хусусият ҳам онг, яъни англаб етиш ҳисобланади. Эркинлик одамнинг ўзидаги беҳисоб истак, хоҳишларни жиловлаш натижасида эришиладиган беҳад олий неъматдир. Эркинлик – ақл-заковатли, доно инсонлар етишиши мумкин бўлган бир руҳий ҳолат. Қолганлар учун эса

у номаълум ва сира ҳам етиб бўлмас манзил ҳисобланади. Яшаш ва эркинликка ҳар бир дақиқа, ҳар бир куни яшаш ва эркинлик учун бетиним курашувчи одамларгина лойиқдир. Эркин одамгина ҳеч қачон ҳеч кимга асло ҳасадгўйлик қилмайди. Эркин одамларгина буюкликни ҳамда юксакликни сидқидилдан тан олади, уларнинг мавжудлигидан ниҳоятда қувонади ва юқори даражага эришган кишилар – инсонларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараб, улар фаолиятидан доимо ибрат олади. Эркинлик ва зарурият, ҳуқуқ ва бурч ҳар доим биргаликда мавжуд бўлади. Масалан, арикдаги сув эркин оқади. Лекин, у ўзи оқаётган ўзандан чиқмаслик зарурияти, мажбуриятига бўйсунади. Шунга кўра, айтишимизам мумкинки, барча ихтиёрий, эркин деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлар аслида ўта зарурий ҳамда мажбурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлади. Эркинлик деган тушунча ҳар бир шахснинг мустақиллиги, унинг ички дунёсига ташқаридан турли-туман таъсир кўрсатилишидан муҳофаза этилиши (виждон, динга эътиқод қилиш, фикр юритиш эркинлиги, бадиий, илмий, техник ва бошқа ижод турларининг эркинлиги кабилар) билан маълум даражада боғликдир. Демак, эркинлик – инсоннинг объектив заруриятни англаши, ўз асосий мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир. Эркинлик бу – қонунлар йўл қўядиган ҳамма нарсаларни қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро мазкур қонунлар томонидан тақиқланган нарсалар ҳамда хатти-ҳаракатларни қила олганда эди, унда унинг эркинликлари ҳам бўлмас эди, чунки, худди шу нарсани бошқа фуқаролар ҳам қилган бўлардилар. Фуқаро жамоада ўзига монанд нуқтаи назар, фаолиятлар оғушида эркинлик ҳис этади. Эркинлик таъминланган жойда ижодкорлик ва бунёдкорликка йўл очилади. Камида уч минг йиллик ўзбек давлатчилигининг ибтидосида энг асосий ҳуқуқий манба ва тартиб-қоидалар мажмуи вазифасини адо этган “Авесто”даям қайд этилганидек, ижодкорлик эркинлик гаровидир ва тап-тайёргина шаклларга мойиллик бўлса ғофиллик, ҳақиқий мутелик ҳамда чинакам қулликнинг бош белгисидир.

Ҳуқуқ бу – давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган ва давлат томонида ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриш қоидалари йиғиндисидир. Ўзгачасига ифодаланса, “ҳуқуқ” тушунчаси кўп даражада давлат томонидан рўёбга чиқариладиган хатти-ҳаракат, кўрсатиладиган хизмат ёки шахснинг маълум ижтимоий-сиёсий, хўжалик тизимида иштирок этишга тўла ҳақли эканлигини билдиради. Шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳисобига амалга ошириши бўлса амалда адолатсизликнинг яққол нишонасидир. Агарда инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар, давлат ва жамият манфаатларига зид равишда амалга оширадиган бўлса, ушбу жамиятда ҳам ўз-ўзидан бошбошдоқлик, анархия ва талотўплар бошланиб кетади-да.

Ҳар қандай дарёнинг иккита қирғоғи, қушнинг икки қаноти бўлганидек, ҳар биримиз муайян бурч ва ҳуқуқларга эгамиз. Дарё бемаврид тошиб кетиб, бирор фалокатга олиб келиши учун қайси қирғоқ ўпирилишининг аҳамияти йўқ. Худди шу каби бурчнинг адо этилмаслиги ёхуд ҳуқуқнинг бузилиши оқибатида жамиятда табиий равишда, янгидан-янги муаммолар ҳам туғилади. Бурч бу – масъулиятга кўпайтирилган ўзига хос бир мажбуриятдир. Бурч туйғуси ривожланмаса у кишини интизомсиз, саботли, системали ҳаракатларга яроқсиз қилиб қўяди. Одатда бурчни ҳис қилувчи кишилар фаол, серғайрат бўладилар. Ўзининг бурчини яйраб адо этувчиларгина ҳаётда ҳеч ким, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай эмин-эркин яшайдилар. Бурч туйғуси унчалик ривожланмаган кишилар эса ҳиссиётларнинг ҳузур-ҳаловатида яшайди, ё бўлмаса мавжуд вазиятга осонгина мослашволиб, оқимга қараб сузиб кетаверади.

Инсоннинг бурчлари бўлса, одатда, тўртга бўлинади. 1) Ўз олдидаги бурчи. 2) Оиласи олдидаги бурчи. 3) Давлат олдидаги бурчи. 4) Ўзга одамларнинг олдидаги бурчи. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда маънавий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда Ота Макони олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, оила, маҳалла, жамоат ҳаёти учун чинакам жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш ғоятда муҳим аҳамият касб

этмоқда. Бурч, моҳиятан жамият, давлат ҳамда шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбуриятни англатади. Бурч виждон, эътиқод, масъулият сингари тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Умуман олганимизда, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Унинг инсонлик бурчи ва мусулмонлик бурчи, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи каби кенг қамровли, барча замонлар учун энг умумий тушунчалари ҳам, шифокорлик бурчи, ҳуқуқшунослик бурчи, журналистликнинг бурчи, олимлик бурчи, ўқитувчилик бурчи, давлат хизматчисининг бурчи сингари касб-ҳунар одоблари доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуддир.

Шу сабабдан ҳам ҳозирги даврда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг нимадан иборат эканлигини ўта яхши билиши, ўзининг бурчини сидқидилдан адо этиши туфайлигина кўзлаган мақсадига етиши мумкин. Демак, ҳар биримиз сарҳад қўриқчиси автомат, ўқитувчи китоб, деҳқонлар кетмон билан қуроллангани каби ҳуқуқий билимлар билан қуролланмоғимиз даркор. Бу қурол – сўз қуролидир. Сўз қуроли эса аслида ҳар қандай қурол сўзидан кучлироқ эканлигини демократиянинг мураккаб йўлидан дадил олға бораётган 80дан ортиқ мамлакатнинг аксарият фуқаролари аллақачон англаб ҳам олганлар. Ҳуқуқ фалсафаси тамойиллари асосида тарбияланган Ғарб кишиси ўзининг ғурур-ифтихори, ор-номуси, қадр-қиммати ва шаън-шарафини, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқи, эркинлигига бўлган муносабатларда кўради. Сиз унинг номини кўкларга кўтариб мақтамаслигингиз, қуюқ салом бермаслигингиз ёки шоҳона дастурхонни безаб, ўзингизнинг иззат-ҳурматингизни билдирмаслигингиз мумкин. Лекин, унинг инсон сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишингиз шарт. Чунки, у ҳуқуқий фалсафа, ҳуқуқий қадриятлар, ҳуқуқий маданият асосида тарбияланиб вояга етган, улғайган. У болалигиданоқ “ўз ҳуқуқ ва бурчларингни англасанггина одам бўласан” деган тамойилга амал қилиб яшаб келган. Уларнинг кўзгаям кўринмас ҳуқуқий қуроли борлигини яхши англаган полициячи ёки бирор зўравон резина таёғи ёхуд

муштини юз марта ва минг бор ўйлаб ишга солади ёки бу ҳунарнинг бўлажак оқибатни ўйлаб, ишга солмай қўя қолади.

XXI аср ибтидосида бутун дунё халқлари ва сиёсатчилари наздида "демократия" энг машҳур сўзга айланди. Бугунги даврда демократияни амалга оширишга даъвогарлик қилмайдиган, ушбу атамадан ўзининг, кўпинча, ҳақиқий, асл демократиядан анчагина йироқ бўлган ният, мақсадларида фойдаланмайдиган бирорта ҳам таъсирчан ҳаракат йўқ. Демократиянинг ўзи нимани англатади ва унинг ниҳоятда машҳурлигининг асосий сабаблари ўзи нимада?

Ҳозирги тилда "демократия" тушунчаси бир нечта маънода қўлланади. Унинг биринчи, асос бўлувчи маъноси этимология – атаманинг келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ. "Демократия" қадимги юнон тилидан "Халқнинг ҳокимияти" сифатида таржима қилинади ёки бошқачасига ифодалаганда, **"Халқ томонидан ва халқ учун сайланган халқнинг бошқаруви"**дир.

Демократиянинг этимологик тушунишдан ясалган кенгроқ иккинчи талқинида **бошқарув ва қарорлар қабул қилинишида аъзоларнинг тенг равишдаги иштирокига асосланувчи ҳар қандай ташкилот тузилиши шакллари эътиборга олинади.** Ушбу маънода сиёсий партия, касаба уюшмаси, ишлаб чиқариш ва ҳаттоки оилавий демократия ҳақида сўз боради. Кенг маънода бўлса демократия деганлари ташкилот, ҳокимият ҳамда бошқарув мавжуд бўлган ҳамма жойларда, у ёки бу шаклда, албатта бўлади.

Учинчи маънода, **демократия – қадриятларнинг маълум бир тизимига асосланувчи ижтимоий тузум идеали** (масалан, эркинлик, тенглик, инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, халқ суверенитети ва бошқалар) сифатида англанади.

Тўртинчи маъносида **демократия – халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадлар ҳамда идеалларни амалга ошириш мақсадида тинимсиз фаолият юритаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар сифатида** тушунилади.

Ислом Каримов фикрига биноан: "...Демократия аввалambор маънавий мезонлар асосидагина бошқариладиган,

кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир”. Айнан шу сабабга кўра Ўзбекистонда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси ишлаб чиқилган ва бу ғояни амалга ошириш масаласига биринчи даражали аҳамиятни қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳам барча нутқ ва маърузалари, Олий Мажлисга Мурожаатномасида жуда кўп бора қайта-қайта таъкидланганидек, “Биз мамлакатимиз ҳаётига доир ҳар бир қарорни ўз халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқотлар асосида қабул қилмоқдамиз. **“Халқ давлат идораларигамас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак”** деган ғоя бу борада фаолиятимизнинг мезонига айланмоқда. Давлат ходимлари, ва энг аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетида ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган беҳад долзарб муаммоларнинг амалий ечимлари билан шуғулланмоқда. Шу маънода 2017 йил халқ билан жуда яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини оқилона, одилона ҳал этиш бўйича янги бир самарали тизимнинг яратилган йил бўлди, деб айтишга ҳам тўла ҳақлимиз.

Бу тизимнинг асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси **фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда”.**

Ҳозирги пайтларда дунёда 7 мингга яқин этнослар мавжуд, уларнинг 254таси ўзини давлатга эгамиз деб ҳисоблайди, лекин БМТ таркибига 193 давлат қабул қилинган холос. Ҳар бир этнос, давлат ўз кучи, иқтидори, салоҳияти имкониятини ҳисобга олган ҳолда олға интилади. Шу билан бирга, кейинги даврларда турли иқтисодий-сиёсий манфаатларни кўзлаб, унга эришиш мақсадида “демократия” ва “инсон ҳуқуқлари”ни ниқоб қилиш ҳоллари ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолганлигидан ўзингиз ҳам жуда яхши

хабардорсиз. Бу борада тағин Биринчи Президентимизнинг фикр-мулоҳазаларига эътиборни қаратсак: “Демократия асли эркинлик дегани бўлса, эркинликни қандай қилиб зўравонлик билан жорий этиш мумкин? Демократияни куч билан ўрнатишга уриниб ётган кимсалар ҳар қайси мамлакат ва халқнинг минг йиллар давомида шаклланган ўзининг миллий қадрият ва урф-одатлари, қарашлари борлигиниям ҳисобга олиши ва уларнинг тавсиялари бошқаларга ҳам маъқул келадими ё йўқми – буни олдин шу юртда яшаётган одамлардан сўраб, кейин бирон-бир тавсия ёки кўмакни бериши керак эмасми? Бундай кучларга қарата эса, бизнинг юртимизда ўтмиши улуғ бўлган буюк халқ яшайди ва бизнинг аждодларимиз дунёдаги қадимий ва беҳад бой цивилизацияни яратган пайтларда сизлар ўзингиз қаерда эдингиз, деган саволни беришни ўринли, деб биламан”. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат Конституция ва қонунлар билангина эмас, шу билан бирга, миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналари, этнос маънавий-ахлоқий дунёқараши ҳамда ҳаётий тажрибаси, одамгарчилиги, ўзаро меҳр-оқибати билан ҳам мустаҳкамланади.

Ўзларини дунёвий демократик тузумнинг тарафдорлари деб намойиш этаётган халқаро ташкилот ва жамғармалар, хорижий институтларнинг айрим вакиллари ўзбек халқининг маънавияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўй-ҳислари, одоб-ахлоқи, ор-номусини ҳисобга олмасдан, баъзида эса бу қадриятларни Ғарб демократиясига қарши қўйиб, ўзларини гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Улар бу ҳаракатлари орқали, эҳтимол ўзлари ҳам унчалик англамаган ҳолда, амалда диний ақидапарастларнинг мусулмонлар орасидаги мавқеини яна оширишга, бутун бошли миллат ва халқларнинг демократияга бўлган ишончини астагина сўндиришга ҳам хизмат қилмоқдалар.

Беҳад буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний минг йил аввал “Ҳиндистон” асарида шундай ёзганди: “Бирон халқнинг у ёки бу удумларига баҳо беришда буниси менга ёқади, униси эса ёқмайди дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, негаки, ҳар бир халқ

удумлари неча минг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллатнинг ҳаёт тарзига айланган”. Шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, ўз қадриятларимизни ўта улуғлаб бошқаларникини камситиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос чиройли удумлари бор. Бироқ, Шарқ билан Ғарб дунёқараши орасида анчагина жиддий тафовутлар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ғарбликлар эса аксарият пайтларда фақат ўз қарашларидангина келиб чиққан ҳолда мана шунақа “инсон ҳуқуқлари” масаласига ёндашадилар.

Ўзини бутун дунёда инсон ҳуқуқларининг холис ҳимоячиси сифатида таништирадиган хорижий ташкилотларнинг айримлари “Маҳалла давлатнинг тазйиқ кўрсатувчи идорасига айланяпти”, деган даъволарниям илгари сурмоқдалар. Улар фикрича, эр-хотин ўртасида тушунмовчиликлар, жанжалли масалалар кўтарилганда, уларнинг зудлик билан тўғридан-тўғри судларга эмас, маҳаллага мурожаат қилиши гўё “инсон ҳуқуқларининг бузилиши” эмиш.

Шу иддао муносабати билан тағин бир мулоҳазага эътибор қаратсак. Аслини олганимизда, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг мезони – маҳалладир. Чунки, маҳалла ўзбек халқи турмуш тарзи, улуғ аждодлардан мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Маҳалла – уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихида доимо ниҳоятда муҳим, аҳолини унинг энг яхши-ёмон кунларида бирлаштиришдек функцияни адо этиб келаверган. Афсуски, шўро замонида бу тузилма жамият бошқарувидан мутлақо ажратилиб, уни майда-чуйда масалаларда ҳар қандай шўро идораси ҳам талаб қилиши мумкин бўлган маълумотнома – справкалар ёзиб бериш пунктига айлантирилганди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги номақбул ўзгаришлар – минглаб йиллик тарихда деярли учрамаган тирик етимларнинг анча кўпайиши, кишилар ўртасида меҳр-оқибатнинг кўтарилиши ҳамда “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” деган зарарли қарашнинг ҳам анча кенг ёйилишида намоён бўлган эди.

Бугун Ўзбекистонда Шўро замонида миллий турмуш тарзи, миллий маънавиятига етказилган заҳаларни даволаш

жараёни ҳам давом этаётган даврда, бу эзгу ниятдан ҳам кир қидирган, унга ўз манфаатига мос бўлган тор қарашлардан келиб чиққан ҳолда баҳо беришга бетиним уриниб ётган “инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари” хатти-ҳаракатларини тушунишам анча мушкул. Ахир, ўнлаб Ғарб давлатларида бир жинсли никоҳларга йўл қўйиб берилган бўлса, “маданиятли миллат” вакиллари демократияни қипяланғоч бўлиб юриш ҳуқуқи, тубан нафсни қондиришни барчага намойиш этиш эркинлиги деб ўзича англаётган бўлса, биз уларнинг ишларига аралашмаётганлигимиз бизнинг бу масалада умуман фикрга эга эмаслигимизни билдирмайди-ку. “Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига”, бизнинг уларга атлас кўйлак кий, бошингга рўмол ўраб юр, деган фикрларни зўрлаб тиқиштириш ниятидан узоқлигимиз ҳам демократияни теран тушунишимиз белгиларидан биридир.

Оилавий можароларни ҳал қилишда маҳалланинг кўмагига таянишни “инсон ҳуқуқининг бузилиши” дея талқин қилаётган ўша жаноблар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64- ва 66- моддаларини ҳам бемалол “шахсга нисбатан зўравонлик” сифатида шарҳлашдан асло тоймасликлари мумкин. Чунки, Ғарб қонунларида худди бизлардагидек “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур” эканлиги ҳамда “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур”лиги белгилаб қўйилмаган.

Ғарбнинг айрим “чаққон” мухбирлари фикрича: “Журналист хоҳлаган пайтида хоҳлаган ахборот воситасида хоҳлаган гапини бемалол айта олган тақдирда ҳақиқий сўз эркинлигиям бўлади!” Ҳаммамиз бир ўйлаб кўрайлик. Бу нима дегани? Бу чекланмаган ҳуқуқни талаб қилишдан бошқа нарса эмас-ку. “Ҳақиқатни айта ва ёза олса” деганда биз ҳам уларни тушунган бўлардик. Лекин, “хоҳлаган гапини айтиш” деганлари нимаси? Унинг “хоҳлаган” пайтда “хоҳлаган” газета ёки телерадиода айтган “хоҳлаган” гапи бегуноҳ бир шахсни абгор қилиш учун ўйлаб топилган туҳмат, бўҳтон ёхуд миш-миш бўлса-чи? Ёки бир миллатни иккинчисига қарши гиж-гижлайдиган, терроризмни тарғиб қиладиган, хуллас, бугун

бошли жамиятда ташвиш, ҳадик уйғотадиган ёвуз ниятли бирон-бир қутқу бўлса-чи? У “хоҳлаган” гапини тўрт улфатнинг орасида ё қаҳвахонада эмас, минглаб нусхада чиқадиган газетада, миллионлаб томошабинлар кўрадиган телевизорда, бутун дунёни нақ ўргимчак тўри сингари ўраб олган Интернетда айтмоқчи-ку! Айтилган сўз – отилган ўқ, деганлари ҳам худди ана шу эмасми?

Қонун ҳужжатларида, оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан бирга жавобгардир, деб белгилангани ҳам бежиз эмас. Баъзиларга оддийгина шуни айтсангиз ҳам малол келади. “Сўз эркинлигини бўғувчи”, “ҳақиқатни айтишдан қўрқувчи” ва “инсон ҳуқуқлари” соҳасида жаҳон андозаларини тушунмовчи”га ҳам айланиб қоласиз-да. Уларни авайлаб-асраб, ўз қаноти остига олиб, аллақачон гўшти еб бўлинган қоқ суякни ташлаб турувчи “ҳимоячилар” ҳам дарровда топила қолади. Хориждаги турли хил марказлар, турфа ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари...

Андоза нуқул “уёқдан” олинади. “Уёқда” ота – ўғлидан, қиз – онасидан, опа – синглисидан йиллаб хабар олмаса, ўлик-тириги билан иши бўлмаса, арзимаган пул учун ота-ўғил судлашиб юрса, бунинг номи шахснинг эркинлиги ва мустақиллиги деб аталади. “Буёқ”даги удумни – қўшнининг бошига ташвиш тушса, югуриб чиқиб ҳолидан хабар олиш ҳамда кўмакка шошилишни “ёлланма тафтишчилар” бировнинг шахсий ҳаётига аралашиш, “ибтидоий жамоанинг ҳаёт тарзи” деб баҳолайдилар. “Уёқларда” “кимнинг кўнгли кимда бўлса, қўяверинг, ўйнасин!” деган шиор эса “эркин муҳаббат” ҳисобланади. “Буёқ”да бўлса йигитдир, қиздир, номус чегарасидан чиқиб, “шох ташлаши” билан қўни-қўшни, маҳалла-кўй ёшларнинг ўзига ҳам, ота-онасига ҳам дашном берса, яна ўша “тафтишчилар” ўта зудлик билан “инсон ҳуқуқини бўғиш” деган хулосани чиқарадилар. Ажабки, Японияда аёл киши эркак олдида бир эмас, уч бора букилиб таъзим қилса, бунинг отини “шарқона менталитет” деб атайдилар, бизнинг аёллар эркакдан икки қадам орқада юрса, “феодал муносабат”га йўядилар. Бундай ҳолатларга айрим

ғарблик мухбир, “тадқиқотчилар” билан мулоқот чоғида камина ҳам бир неча марта дуч келган. Нега “стандарт” икки хил бўлиши керак? Бир-биридан ниҳоятда яхши нарсаларни ўрганиш этносларнинг қадимий удуми. Биз бошқалардан ўрганишга қарши эмасмиз, аксинча, тарафдормиз. Бироқ, бир томон нуқул “устоз – домла”, иккинчи тараф “шогирд – ўқувчи” бўлиши мумкинми? Қўйиб берсангиз, қачон қандай овқатланиш, кимни яхши кўриб, кимни ёқтирмасликни, нимани роса ёқлаб ва нимани қоралашни, қонунни қандай ёзиш-у сайловни қандай ўтказишни ва борингки, бизга қандай яхши яшашни “ўргатадиганлар” ҳам учраб туради.

“Амаллар ниятга яраша”, деганларидек, чет эллардан келган айрим “ҳимоячиларнинг” кўзи фақат ёзилган, бировнинг бошига уриш ниятида қўлга яхшигина бир дастак қилиш мумкин бўлган қонун-қоидаларни кўради холос. Ҳолбуки, элда қалб кўзи билан кўриладиган, миллатнинг руҳиятига, қон-қонига сингиб, минглаб йиллик тажрибалар асосида беҳад сайқалланган, кўнгил ва онгга битилган, қоғозга ёзиб қўйилмаган турмуш қоидалари ҳам бисёр. Уларга биноан, оилавий тушунмовчилик, англашилмовчиликлар дарров эл орасида дастурхон қилинмайди, “демократия”, “инсон ҳуқуқлари”ни пеш қилиб олиб, аёл умр йўлдошининг юзига чанг солмайди, куёв қайнотанинг соқолидан, келин бўлса қайнонанинг сочидан тортмайди, эр хотинининг, хотин болаларининг отаси – эрнинг устидан пинҳона ариза ёзволиб судма-суд ёки ҳокимиятга икки оёғини қўлга олиб, ўпкасини қўлтиқлаб, ҳарсиллаб югуриб юрмайди. Модомики, орасидан “қора мушук ўтиб қолган” оила аъзоларининг ҳар иккиси маҳалла-кўй кўз ўнгида улғайган, улар феъл-атвори, характеридан айнан шу маҳалладагилар бошқаларга нисбатан яхшироқ хабардор экан, энг асосийси эса, икки ёшнинг муқаддас никоҳига ана шу катталар гувоҳ бўлган экан, эндигина бошини кўтариб келаётган жанжалнинг олдини олишга маҳалла отахон-онахонларининг бирозгина елка қўйиб юбориши, турган гап-ки, тўғрироқ ва самаралироқ бўлиши ҳам табиийдир.

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ғарбона тушунишнинг яна бир кўринишига диққат-эътиборни қаратсак. Марказий Осиё давлатларининг аҳолиси орасидаям сўров ўтказган бир хорижий ташкилотнинг ўзича чиқарган “хулоса”сига кўра, Ўзбекистонда аёллар ва қизларнинг ҳуқуқи кўпроқ поймол қилинар экан. Энди эса “текширувчилар”нинг бундай фикрга келишига асос бўлган саволларга бир эътиборни жалб этсак: “Оила катталари Сизнинг калта кўйлак кийишингизга қаршилик қилишадими?”, “Кечқурун истаган чоғингизда уйдан кўчага чиқиб кетишингиз мумкинми?”, “Телевизорда ўзингиз истаган фильмингизни, жумладан, беҳаё фильмларни ҳам кўриш имкониятига эгамисиз?”, “Ўзингиз севган йигитни уйга бошлаб келиб ота-онангизга таништира оласизми?”

... Энди, бошимиздаги дўппини қўлимизга олиб, бир ўйлаб кўрсак. Чинакам ва ҳақиқий ўзбекнинг қиз-жувонлари юқоридаги саволларга қандай жавоб қайтарадилар? Қандай жавоб берсалар, уларнинг озодлиги, эркинлиги намоён этилади-ю, қай жавоблари уларни буткул “ҳуқуқсиз” деб эълон қилинишига асос бўлади?

Дейлик, Ғарбда кеча вояга етган қизалоқ бугун ўзи ёқтириб қолган, каттакон кўчадан қоронғида топиб олган “ака”сини уйига бошлаб келиб, бамайлихотир “кўнгилхушлик”ни бошлаб юборса, ота-онаси унга монелик қила олмайди. Негаки, у мустақил шахс. Шахснинг эркинлигига дахл қилиш эса қонун билан тақиқланади.

Бизда, Худо кўрсатмасин, қиз бола шунақа қилиқ қилса, ота-она шўрликлар қариндош-уруғ ва маҳалла-кўй олдида бош кўтара олмай қолади. Териси юпқароқ, ор-номусли ота бўлса бунақанги фарзандини, ўйлаб-нетиб ўтирмай, “оқ қилиб” кўя қолади. Ўзбек учун отаси ёки онасидан “оқ” бўлиш ёлғизгина ўзи эмас, келажак авлодларининг ҳам ҳар икки дунёсини барбод қилиш демакдир.

Тасаввур қилишимиз ҳам унчалик мушкул эмаски, ўзларича хориждан келволиб, ўзбек аёллари ҳуқуқининг ҳимоячиси бўлиш даъвосини қилаётган кимсалар фақат ва фақатгина ўз ғарбона ва ғарибона қарашларидан келиб чиқиб бу масалага ёндашадилар ва кутилмаганда юқоридаги сингари

“кашфиёт”ларни топволадилар. Яна бир хорижий ташкилот вакиллари Ота юртимизда эркаклар ҳуқуқлари поймол қилингани хусусида бир неча йил муқаддам ўз юртининг матбуотида “бонг урганди”. Улар бунга асос сифатида Ўзбекистонда эркаклар учун пенсия ёши 60, аёллар учун 55 ёш эканлигини дастак сифатида келтириб, халқпарвар давлатимизни аёлларга ортиқча имтиёзни берганликда айблагандилар. Ҳолбуки, ўзингизам номини кўп эшитган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ногиронлик, қарилик ҳамда боқувчисини йўқотганлигига кўра нафақалар тўғрисида”ги конвенциясида кўзда тутилган пенсияга чиқиш ёши 65 ёш эканлигини жуда яхши билардилар. Демак, бу масала бизда Ғарбга нисбатан ижобийроқ ҳал этилган. Ҳозирги замонда бир қатор Ғарб давлатларида аҳолининг 25–30 фоизини кексалар ташкил этаётганлиги, туғилиш бўлса ниҳоятда камлиги туфайли пенсия ёшини Халқаро конвенция талабларинияm бузган ҳолда энг камида 70га кўтариш хусусида муҳокама-мунозаралар юритилмоқда. Бу ўринда эса доно халқимизнинг “Аввал ўзингга боқ, сўнгра ноғора қоқ” деган нақлини ҳам эслашга тўғри келади.

Албатта, умуминсоний нормалар, қадриятларни биз ҳам тан оламиз. Бош Қомусимизнинг беҳад муҳим 13- моддасига биноан “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принцип-ларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади...” Буюк ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъаналари ва миллий қадриятларининг БМТга аъзо бўлган барча давлатлар томонидан тан олинган умуминсоний қадриятларга зид келадиган жиҳатлари йўқ. Шу нуқтаи назардан биз инсон ҳуқуқларига доир ҳужжатларни, демократик қарашларни сув қилиб ичиб юборган, уларни ўзича ўзининг идеалига айлантириб олган-у, лекин қалби ва онги миллий қадриятлардан бутунлай бебаҳра қолган одамга бу киши ҳам ўзбек, баркамол инсон деган баҳони бера олмаймиз.

Қадимги Хитой файласуфи Хай Фэй (мил. авв. 288 – 233) фикрига биноан: “Қонунлар халқнинг отаси ва онасидир. Ҳар бир қонуннинг икки таянчи бўлиб, бири жазо, иккинчиси

мукофотдан иборатдир”. Ҳаётдаги ва инсоният оламидаги мавжуд эзгуликлар ва ёвузликларни ўлчовчи мезон фақатгина давлатда бўлади. Ҳар бир давлатнинг қонунлари эса ана шу мезон вазифасини ўтайди.

Одатда энг яхши ишлайдиган, ҳеч кимга мутлақо малоллик келтирмайдиган қонунлар ахлоқ-одоб ва анъаналар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда туғилади. Миллий Истиқлол йилларида ўзбек халқининг неча минг йиллар мобайнида амал қилиб келган қатор одатлари, қадриятлари қонунлар таркибига киритилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қадим-қадимдан эл орасида мавжуд бўлиб келган Ярашув институтининг ҳам ўрин олиши жиноят қонунини эркинлаштиришнинг ниҳоятда муҳим йўналишларидан бирига ҳам айланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66^1- моддасида ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашиб олса ва етказилган моддий зарарни қопласа, жиноий жазолардан озод этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Қонун қабул қилинган пайтларда Ярашув институти борасида қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар туркуми 26тадан иборат эди. Кейинги давр талаби ва жамиятдаги эркинлаштириш ривожи оқибатида киритилган ўзгартиш-қўшимчалар натижасида эса уларнинг сони бугунги кунларда 60тадан ҳам ошиб кетди...

Инсон биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида манфаати ҳамда дунёқараши асосида ҳаракат қилади. Ўзича нималарнидир яхши, ниманидир ёмон, адолатли ёки адолатсиз, деб ҳисоблайди. У баъзан ўзича адолатни тиклаш мақсадида, гоҳида эҳтиётсизлик оқибатида ёки жаҳл устида жиноят содир этиб қўйиши мумкин. Ундан кейин эса ўз қилмишидан уялиб, қаттиқ пушаймон бўлиши ҳам мумкинлигини яхши биласиз, бошингиздан ўтган бўлса ҳам керак. Бунисига ўзингиз ҳаётдан керагича мисол келтира оласиз.

Масалан, халқимизда минглаб йиллик ҳаётий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда “Эр-хотин уруши дока рўмол қуриши” нақли бежиз туғилмаган-да. Баъзан арзимаган, майда-чуйда нарсадан ва гапдан эр-хотиннинг ўртасидан қора

мушук югуриб ўтиб қолади. Бунақа пайтда икки-учта ўғил-қизнинг отаси асабини жиловлай олмай ёхуд ошна-оғайниларининг “урдуқ” деган даъвати асосида чойхонадан орттириб келинган ширакайфлик натижасида турмуш ўртоғига енгил тан жароҳатини етказиб қўяди. Кейин эса унинг ўзи беҳол хотинини шифохонага олиб бориб, дори-дармонга оила бюджетида, аввалрокдан белгилаб қўйилмаган, маблағни сарфлаб яхшилаб даволатади. Даставвал жаҳл отига миниб олган аёл ҳам ўзича ёки кимнингдир қутқусига учиб, эрининг устидан тегишли идорага ариза ёзиб беради. Бироқ, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, улар бир-бирларидан яхшигина узрни сўраб, ярашиб оладилар.

Ёки ўзингизам жуда кўп бора гувоҳи бўлган яна бир мисол. Одатда ёш болалар ўта ҳаракатчан, адолатсевар бўладилар. Улар ўртасидаги қизғин ўйиндан эса қизиққонлик, адолатга ташналик оқибатида баъзан “ўт чиқиб” ҳам туради. Бундай ҳолларда гоҳида айрим ота-оналар ёш болаларнинг ўртасига тушганларини ўзлари ҳам билмай қолиб, дастлабки айтишув, даҳанаки жанг ростмана тўс-тўполон, муштлашувга айланиб ҳам кетади. Жаҳл келса, ақл қочади, деганларидек, сал салмоқлироқ муштни еб қўйган қўшни профилактика инспекторига мурожаат қилади. Бироқ, воқеанинг эртасигаёқ, болалари яна ораларидан “қил ўтмас”, “апоқ-чапоқ” бўлиб ўйнаётганларини кўрган ҳар икки қўшни ҳам қизиққонлик қилганларидан, кечаги ҳолатдан мулзам бўлиб, бир-бирларидан узр сўрайдилар агар юқоридаги ҳолатларда эр ёки қўшнилардан бири жиноий жавобгарликка тортилганида ўртадаги меҳр-оқибат анча юқорига кўтарилиб кетган, зиддият эса янада чуқурлашган бўларди. Айни шу маънода, Ярашув институтининг қўлланилиши оилалар мустаҳкамлигини асраб қолиш ва қариндош-уруғчилик анъаналарини қайтадан тиклаб, милий қадриятлар барқарорлиги, аҳоли орасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳаётда қоқилиб қолган шахсни фақат жазолаш эмас, шу билан бирга уни тарбиялаш, тўғри йўлни топиб олишига кўмаклашиш энг муҳим ўринни эгалламоқда.

Ўзбек халқининг табиатига хос бўлган ҳис-туйғу, маънавий кўникмаларнинг аксарияти одат ҳуқуқи, анъаналар, маросимлар шаклида минг йиллар мобайнида қон-қонимиз, онгу шууримизга сингиб кетган. Ота-она ва фарзандлар, қуда-анда, қариндош-уруғ, ёр-биродар, маҳалла-кўй ўртасидаги турли хил муносабатларнинг ҳаммасини ҳам қонунларга кўчириб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳатто оппоққина қоғозда акс эттиришимиз мумкин бўлган имон, инсоф, ор-номус, шарм-ҳаё, мурувват, андиша ва истиҳола, меҳр-оқибат, иффат каби миллий фазилатларнинг жуда кўп тилларда таржимаси ҳам йўқлиги бизга ўзича инсон ҳуқуқларидан сабоқ бермоқчи ва бизга дарс ўтмоқчи бўлган айрим хорижий нодавлат ташкилотлари вакилларини, бироз бўлса-да, ўйлатиши лозим эди.

Ҳар бир инсон, этноснинг ўзи бир беқиёс олам, ҳатто Ҳасан ва Ҳусан, Фотима ҳамда Зуҳранинг тафаккури, дунёқараши бир-биридан фарқ қилади. Агар кимлар учундир фақат ўзини ўйлаб, индивидуалистик ва ғирт эгоистик дунёқарашга асосланиб яшаш яхшироқ, қулайроқ туюлса, бу – уларнинг ҳуқуқи. Биз уларнинг бу ҳуқуқига дахл қилишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Аввал ҳам эсга олганимиз “Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига” деган ўзбекона нақл ҳам бежиз туғилмаган. Минглаб йиллар мобайнида ўзбек халқи жамоавий турмуш тарзига амал қилиб келмоқда ва бундан кейинги ҳаётини ҳам айни шу тамойил талаблари билан боғлайди. Қадимги Хитой файласуфи Сюн-Цзи (мил. ав. 313–235) ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Инсон бақувватлик борасида ҳўкиздан ожизлик қилиб, чопқирликда эса отдан ортда қолса-да, бу жониворларнинг ҳар иккисини ўз измига бўйсундириб, ишлата билади. Бунинг сабаби нимада? Чунки, одамлар ҳўкиз ва отдан фарқли ўлароқ ҳамжиҳатликда яшаш иқтидорига эгадирлар. Хўш, инсонлар ниманинг эвазига ҳамжиҳатликда яшайдилар? Бунинг сири инсонлар ўртасидаги вазифалар ўзаро тақсимланишидадир. Хўш, бу тақсимланиш нимани эвазига амалга оширилади? У айни масъулият, мажбурият, бурч туйғуси эвазига амалга оширилади”.

Ўзбекнинг битта боласига етти маҳалла ота-оналик қилиши ҳеч кимга малол келмайди, қизи ва келини ахлоқи, юриш-туриши учун қўни-қўшнилар ҳам ўзини жавобгар, бурчли деб ҳис қилиши фақат яхшилик аломати ҳисобланади. Бирор кишининг фарзанди ножўя, қинғир қадам қўйгудек бўлса, маҳалладошлар ота-онани вақтида огоҳлантирса, унга фақат раҳмат айтилади. Ўзбекларда чинакам инсонга хос ва мос деб мана шундай ҳаёт англанади ва у ҳамма томонидан ҳар томонлама рағбатлантириб борилади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти “Миллатни, миллий қадриятларни асраш керак” деган ғояни қайта-қайта уқтиришдан сира чарчамаган. Миллатни асраш – унинг дину диёнати, имон-эътиқоди, ахлоқ-одоби, урф-одат, анъаналарини ва бугунга қадар етишган маънавий даражасини асраш демакдир. Чунки, инсоният оламида маънавий қулликданам шармандалироқ мутелик мавжуд эмас. Ўтмишда юртимизга бостириб келган ҳар қандай мустабид борки, энг аввало, миллий қадриятларни ва миллатнинг руҳини синдиришга ҳаракат қилаверган. Чор Россияси генерали Михаил Скобелев (1843 – 1882) шундай ёзган эди: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, унинг маданияти, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи ҳам таназзулга учрайди”. Бундай ёвузликнинг моҳиятини теран англаган маърифатпарвар зиёлилар – жафокаш жадидлар миллатнинг маданияти, санъати ва тилини асраб қолиш мақсадида газета, театр, мактаблар очиб элга илм-маърифат тарқатишга жадал киришиб кетганлар. Халқнинг ўзлигини англашга интилишидан ғоятда хавфсираган Туркистон генерал-губернаторининг махфий буйруғи тайёрланиб, вилоят ва волостларга юборилган. Буйруқда, улар мактаб очмоқчи эканми – майли, рухсат берилсин, дарсликлар яратмоқчиларми – бемалол ёзаверсинлар. Аммо, битта ниҳоятда муҳим шарт билан: ҳар бир вилоятнинг мактабларидаги дарслар ўша ернинг лаҳжасида олиб борилсин, яъни шевасида ўтилсин. Дарслик ва қўлланмалар ҳам айнан ўша шевада ёзиладиган бўлсин. Ушбу махфий буйруқдан кўзланган асосий мақсад – ўзбек адабий тилининг яратилишига йўл қўймаслик эди. Ушбу ҳужжатда ўзбекларни

бирлаштиришга хизмат қилувчи адабий тил чор Россияси манфаатларига мутлақо зид эканлиги эса очиқдан-очиқ, тан олинган, қайд этилганди...

Биз бугун XIX ёки XX асрда эмас, учинчи минг йилликнинг дастлабки юз йилида яшаяпмиз. Ғарбдагилар XX аср интиҳосида бизнинг миллий истиқлолга эришганлигимизни яхши биладилар. Лекин, “инсон ҳуқуқлари”, “демократия”ни пеш қилиб, Скобелев маслаҳатига асосланган ҳолда, бизни ўзлигимиздан жудо айлаб, юрт бойликларига эгалик қилиш ниятидан қайтишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Даврга мос равишда бизнинг руҳиятимизга нисбатан давом эттирилаётган маънавий-мафкуравий экспанция усуллари ҳамда йўллари ҳам тобора нозиклашиб, бошқачасига ифодалайдиган бўлсак, “маданийлашиб” бормоқда. Турли-туман кинофильм, телекўрсатув радиоэшиттиришлар шаклида, газета-журналлар, Интернет тармоғи ва бошқа йўналишларда узлуксиз равишда пинҳона тиқиштирилаётган, бизнинг миллий тушунча ва қадриятларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни бўлса заифлаштиришга, ёшларни дурагайлаштиришга қаратилган хавф-хатарлар ҳамда тажовузлар кучайиб бормоқда.

Айрим куч ва марказлар томонидан “демократия тарғиботи” шаклида амалга оширилаётган ишлар, асли тўғридан-тўғри Ғарб турмуш тарзининг бизнинг онгимиз ва қалбимизга зўрма-зўраки тиқиштирилишига айланиб кетаётганлиги эса бугун кўпчиликка сира сир бўлмай қолди. XX аср биринчи ярмида “жаҳон пролетар инқилоби” қандай шакллар ва усулларда экспорт қилинган бўлса, бугунги кунда “инсон ҳуқуқлари” сифатида уятсизлик, беҳаёлик, бесоқолбозлик, шафқатсизлик ва зўравонлик каби ғайриинсоний тушунчалар худди шундай экспорт қилинмоқда. Бу экспортнинг айрим кучлар томонидан эса “ҳақиқий, чинакам демократия” деб номланаётгани айни қадриятнинг обрўсини тўкишдан бошқа ҳеч нарса эмаслиги ҳам заррин нурини сочиб турган қундай равшан.

Кўзлари кўр, сўқир бир нотавондан энг катта орзуси нима эканлигини сўрашганида, у кўзлари очилиб ёруғ оламни

кўришни эмас, аксинча, бошқа барча одамларнинг сўқир бўлиб қолишини айтгани тўғрисидаги ривоят кўпчиликнинг ёдида бўлсаям керак. Бугун бизга ўз яшаш тарзини экспорт қилиб ёшларимиз онги ва қалбига турли йўллар орқали сингдирмоқчи бўлаётган Ғарбдаги айрим кучлар уринишларини ҳам ўша сўқир ҳолатига қиёслаш мумкин. Улар ўзларини маънавий ҳалокат ёқасига бошлаб келган "асл эркинлик деганлари – кишиларнинг хоҳлаган ишини истаган пайтда, хоҳлаган ерида, хоҳлаган шаклда, хоҳлаган муддатда, дуч келган кишиси билан қилавериш ҳуқуқидир..." деган ғояларини дунёга ёйиш билан ўз умрини узайтириш ниятида юрибдилар.

Четдан туриб, тирноқлар орасидан кирни қидириб, камчилик топиш, бошқа минтақалардаги реал воқеликни ўз қаричи билан ўлчаб, бурун жийириш, танқид қилишдан осон ишнинг ўзи йўқ. Инсоф юзасидан бир мулоҳаза қилиб кўрсак. Бугунги кунда Ғарб давлатларида бир оилада биттадан фарзанд бор ёки у ҳам мавжуд эмас. Бошқача ифодаланса, бу оилаларнинг зурриёт билан боғлиқ биргина муаммоси бор, холос. Бизда аксарият оилалардан камида бештадан бола бор. Демак, муаммоларимиз ҳам уларникидан беш карра мўлроқ. Энди буни 33 миллионли аҳолига эга Ўзбекистон давлатининг миқёсида ҳисоблаб кўрсак-чи? Бу болаларнинг ҳар бирини бепул ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ҳаттоки уларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳам давлат ўз зиммасига олмоқда.

Яна ҳам аниқроқ далилга диққат-эътиборни қаратсак. Ғарб кинофильмларида болаларни мактабга ташийдиган сариқ рангли автобусларам кўзга ташланиб қолади. Ҳақиқий аҳволдан бехабар соддароқ одам "бу давлатлар шунчалик бойиб кетганки, боласини ҳатто тўрт қадам жойга ҳам машинада олиб боради", деган фикр-мулоҳазага келиши мумкин. Аслида-чи? Аслида гап нимада? Гап шундаки, Ғарб оламида туғилишнинг ўта кескин пасайиб кетиши туфайли бу жойларда ҳар 10 – 15 километрдагина битта мактаб қурилишига талаб мавжуд, холос. АҚШнинг 20га яқин штатида эса туғилишнинг пасайиши оқибатида мактабларнинг орасидаги масофа нақ 100 – 150 километрни ташкил этаётганлиги туфайли ўқишни ҳам ҳафтада 4 кунгача қисқартиришга мажбур

бўлинди. Масалан, биргина бизнинг Наманган шаҳрида 90дан зиёд мактаб фаолият кўрсатаётган бўлса, уларда бўлса шундай ҳудудда жуда бўлса 5 – 6та мактаб бор, холос. Агар уларда учта хонадондан биттагина бола мактабга йўл олса, бизда бир ҳовлидан камида уч бола мактаб сумкасини кўтариб чиқади, яъни бизда мактабгача таълим муассасаси – болалар боғчаси, мактаб, лицей ва коллежга Ғарбдагига нисбатан камида ўн марта кўпроқ болалар қатнайди.

Бу таълим-тарбия муассасалари қурилиши ва улар таъмири, жиҳозланиши, иситиб-совутилиши, ўқитувчи-мураббийлар билан таъминланишига ва тағин бошқа ўнлаб харажатларга эл-юртнинг камида ўн баробар кўпроқ маблағи ҳам талаб этилади дегани-да.

Агар Ғарб давлатларида эр-хотин ишлаб, биргина боланинг ташвишини тортгудек бўлсалар, бизнинг аксарият оилаларда эр топган даромадига тўрт – беш бола ва хотин кўз тикиб туради...

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда айрим Ғарб мамлакатларида бир йилда ҳар ўнта никоҳнинг камида еттитаси бузилиб кетади. Ўнлаб (янада аниқроғи 30дан зиёд) давлатларда бир жинсли никоҳларга қонун орқали йўл очилган ва бола ўрнига кучук-мушукларни қучоқлаб юрилади, кўчаларда эса қип-яланғоч юришдан истиҳола қилинмайди, хотин хоҳлаган пайтда жазмани таклифига кўра эрининг паттасини қўлига тутқазиб қўя олади ва ҳоказо. Ғарб дунёсидаги эркинликни, “инсон ҳуқуқлари”ни ниқоб қилиб кийиб олган шу кимсалар нафақат бизнинг анъаналаримиз, шу билан бирга, умуман одамзод, барча халқлар учун ўта қадрли бўлган чинакам инсонийликнинг ақидаларига тўғри келмайдиган турли-туман бузғунчиликларни ОАВ орқали жудаям кенг тарғиб-ташвиқ этмоқдалар, ўзгаларниям шунга ундамоқдалар. Масалан, Буюк Британияда Элтон Жон исмли жуда машҳур қўшиқчи ўзига ўхшаган “эркак” билан никоҳдан ўтган. Бундай “оила” эркинлик намунаси сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилинмоқда. Ғарбдаги бузғунчи кучлар минг йиллар мобайнида шаклланган, инсонни ёввойи ва маданийлаштирилган, қўлга ўргатилган ҳайвонлардан ажратиб

турадиган анъаналар ва қадриятларни одамийликка зид майллар билан алмаштириш, одамзод онги ва қалбидан соғлом қарашларни сиқиб чиқаришга уринмоқдалар. Бу хусусда Ислом Каримов қаламига мансуб “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китобда “кўп ва хўб” далил ва маълумотлар келтирилган.

Ёш авлодни катта ҳаётга йўллаш учун муайян бошланғич нуқта – старт позициясини яратиб беришга муносабат турли хил этносларда турличадир. Ғарбнинг айрим халқлари менталитетида фарзандлар вояга етгач, ўз ота-онаси, оиласини ташлаб, фақат ўз кучи билан мустақил оёққа туриш учун уйини тарк этиши оддий бир ҳол ҳисобланади. Ўзи ҳам фарзанд кўриб, уни катта қилгач – боласи ҳам авлодларнинг ворислигига чек қўйиб, оиласини тарк этади. Кексайиб, ишга ярамай қолган ота-онасини қариялар уйига топширвориш эса уларда уят ҳам, номус ҳам ҳисобланмайди.

Бизда ҳам фақат 16 ёшгача тарбия бериб, мўйлови эндигина сабза урган ўспиринларни кўчаларга – “мустақил ҳаётга” чиқариб юбориш тағин қўшимча муаммоларни туғдиришини ўзимиз яхши биламиз. Ўзбекларда ёшлар учун жуда юқори старт позицияси яратиб бериб, катта ҳаётга йўлланади. Уйланаётган йигитчага энг камида 1 – 2 хонали уй, турмушга чиқаётган қизга уй анжомлари тақдим этилади. Икки ёш фарзандли бўлгач, ота-онага айлангач, улар ҳам ўз навбатида, бу эстафетани қабул қилиб олиб, кейинги авлодни, яъни ўз болаларини катта ҳаётга тайёрлай бошлайдилар. Ушбу миллий қадрият оилавий муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган бегоналашув жараёнини бартараф этади, авлодлар ворислиги учун замин яратади. Юқорида ҳам эслатганимиздек, буни беҳад теран англаб етган Германия профессори Л. Левитин шундай ёзганди: “Сизлар ўз маънавиятингиз, турмуш тарзингиз, Ғарб мамлакатларидагига нисбатан устунроқ эканлигини кўпинча билмайсизлар ҳам. Бошқа юртдан келганлар буни дарҳол сезиб, чин қалбдан хурсанд бўладилар. Ғарб одами ўзини якка-ёлғиз ҳис этади... Агарда ўзбек якка-ёлғизлигини ёқтирганида ҳам тарихан таркиб топган анъаналар бунга мутлақо йўл қўймайди”. Бундай

шароитда айрим бир ғўр ва тажрибасиз ёшларнинг Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасини “европача маданият” ва “эркинлик” сифатида қабул қилиб, алданиб қолиши, халқ келажагига таҳдид солади.

Ғарбнинг айрим кучлари томонидан фақат ўз дунёқарашини тўғри деб ҳисоблаб, мутаассибона бир ақидага айлантириб олиши инсониятнинг бошига янги ташвиш, фожиаларни олиб келмоқда. Ҳеч шубҳасиз, демократия ҳамда “инсон ҳуқуқлари” ниқобидаги “универсал қадриятлар”нинг ақидапарастлиги ҳам большевизм, фашизм, диний ёки бошқа ақидапарастликлар сингари башарият ҳаётига тажовуз қилмоқда. Турли хил ниқобларга бурканиб олган хавф, таҳдид, тажовузлардан қандай қилиб ҳимояланиш мумкин? Одатда, қандай нарсанинг қўрғони, тўсиғи бўлса, уни маълум бир даражада хавфсизлиги таъминланган деб ҳисоблаш мумкин. Тўрт девори мавжуд, эшик-деразаси мустаҳкам уйга ҳўкиз ёхуд эшак кира олмайди. Лекин, таҳдидлар халқ, энг аввало, ёшлар қалби ва онгини нишонга олган-ку. Ундай бўлса, қалбнинг ва онгнинг ҳам қўрғони борми? Агар бўлса, уни қандай мустаҳкамлаш мумкин? Чунки, қалб, онг бузилса, инсон бузилади ва инсоният бузилади, дунёнинг тинчи бузилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади. Қалбу онгнинг ҳам қўрғони мавжуд. У қўрғоннинг номи маънавият, маърифат, илм деб аталади. Худди ана шу уч қаватли, уч “девор”ли қўрғон билан муҳофазаланган онг ва қалбгина ҳар қандай хавф-хатар, тажовузлардан омон қолади. Бунга жаҳон ва уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихидан керагича факт ва далилларни эса ўзингиз ҳам бемалол келтиришингиз мумкин...

ТЎЙЛАР – ТАРБИЯ МАКТАБИ

“...Ота-боболармизнинг удумларини қайта тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан-да оғирроқ ва шарафлироқ вазифанинг ўзи йўқ бу дунёда”.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти “ота-боболаримизга... муносиб ворис бўлиш” жуда ҳам оғир вазифа эканлигини таъкидлаганидан буён анча-мунча йиллар ҳам ўтиб кетди. Ҳаётнинг ўзи ҳамда кечган воқеаларнинг кейинги ривожи давлатимизнинг биринчи раҳбари, бошлиғи нақадар узоқни кўра олгани ва қай даражада ҳақ бўлганини ҳам яққол тасдиқламоқда.

Ўзбекларнинг тилида “ҳад” истилоҳи билан ифодаланадиган бир ҳолат мавжуд. Уни назар-писанд қилмай, устидан ошиб ўтиш бўлса амалда инсонийлик ва давлат сарҳадини сурбетларча бузиб ўтиш билан баравардир. Сарҳад посбонлари мавжуд қонунларни мутлақо менсимай, чегарани бузиб ўтган кимсаларни қўлга олиб, “тегишли” органларга топширадилар, агарда ўша девордан ошиб ўтиб онамиз, синглимиз ёки қизимизга тажовуз қилмоқчи бўлган бузғунчи қонунга қаршилик кўрсатгудек бўлса... нима бўлишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз... Ҳаддидан ошиб-тошиб кетган ўша кимсалар эса ҳозирча халқимизнинг иродаси бўлмиш қонун билан “сичқон – мушук” ўйнашга бетиним уриниб ётибдилар.

Биринчи Президентнинг 1998 йил 28 октябрда имзолаган Фармонида ана шундай бемаъни ҳолатлар “ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиб, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришига олиб келганлигини” ҳам таъкидланиб, биргина Фармонда 20га яқин “шуҳратпарстлик”, “дабдабабозлик”, “исрофгарчиликка йўл қўйиш”, “ўзини кўз-кўз қилиш” каби салбий хислатлар, янада ҳам аниқроғи, иллатларни тилга олишга мажбур бўлган эди. Миллий

мустақиллигимизнинг ўтган йилларида Биринчи Президентимиз томонидан имзоланган бирон-бир ҳужжат бу даражада ниҳоятда қаттиқ оғриқ, изтироб, бу қадар оғир танбеҳ-дашномларга тўлиб-тошиб кетмаган эди.

Миллий истиқлолнинг ўтаётган йилларида ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётида, маънавий-сиёсий ва ахлоқий-ҳуқуқий ҳаётида жуда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Агарда мавжуд ҳаётга реал қарайдиган бўлсак, “юқори” ва “қуйи”да бўлаётган ўзгаришлар суръати ҳам бир-бирига унчалик мос келмаяпти-да. “Юқори”даги жиноят, номаъқулчилик, салбий хусусиятларни қонун, Фармон ва фармойишлар, қарорларни қўллаш воситасида маълум даражада ўзгартириш ҳам мумкин. “Қуйи” бўлса кўпроқ қонунларга эмас, анъаналар, расм-русум ва урф-одатларга асосланиб тирикчилик қилиб келаётгани важидан, унинг онгидаги ўзгаришлар нисбатан секинроқ, сустроқ кечаётир. Шу боисдан ҳам донишмандлардан бири “Халқ консерватизмига қарши кураш тахт консерватизмига қарши курашишдан ҳам анчагина мушкулроқдир”, деб ёзган эди.

“Муносиб ворис бўлиш” ҳақиқатан ҳам ғоятда “оғир” экан. Аммо, ҳамма гап аждодларимиздан қолган меросда. У Она замин бағрига авайлаб кўмиб қўйилган ва кўзга унчаям яққол ташланиб турмайдиган олтин сандиқда яшириниб ётибди. Ўша мероснинг ўзи нималардан иборат? Унинг ҳаммасини ҳам миллий қадрият дея оламизми? Эҳтимол, аждодлардан қолган мероснинг замона талабларига жавоб бера олмайдиган бир қисмидан узил-кесил воз кечишимиз керакдир? Ушбу мушкул саволлар занжирига барчани қониқтирадиган жавоб қайтармай туриб, “ворис” бўлиш чиндан ҳам оғирми ёки енгилми, у аслида қанақа тарозида ўлчанади, ва халқона лаҳжада, ўзимизнинг шевамизда ифодалайдиган бўлсак, ченалади? – деган ўзга саволларга ҳам асло жавоб бера олмаймиз.

Бу ҳаётнинг чинакам муаллими – тарих илмининг гувоҳлик беришича, бизларнинг аждодларимиз маълум даражада “кўрпага қараб оёқ узат”ишган, “бўйига қараб тўн

бич”ишган, ким ўзарга тўйпарастлик борасида эса бизлар сингари пойга ўйнашмаган...

Халқимизда “ТЎЙ” номи билан юритиладиган турли-туман анжуманлар эса ўнлаб, юзлаб топилади. Бундай маросимларнинг барчаси қадим-қадим замонлардан ҳамкорликда ўтказиб келинган ва ҳанузга қадар худди ана шундай тарзда давом эттирилмоқда.

Ўзбеклар айрим бир хушчақчақ, кишиларга ширин кайфият берадиган воқеа ва ҳодисаларни ҳам, эл-юрт бошига келган оғир мусибатли, рутубатли ва қайғули онларни ҳам “эл бошига келган тўй” деб номлайдилар. Кенг жамоатчилик ва оилалар бошидан кечирган воқеалар ҳам қадимдан тўй деб аталган. Ва шунингдек, анча узоқ умрни кўриб, умрбоқийликка етишган (яъни 90 ёшдан ошган), эл-юртнинг орасида жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлган кексалар қазо қилсалар ҳам бу кишининг “тўйлари” деб қўйишади. Шу маънода турли маъракаларга нисбатан ҳам “тўй” иборасини қўлласак, унчалик ҳам катта хато ҳисобланмаса керак.

Аждодларимиз чақалоқ (у 11- кунидан бошлаб “гўдак” деб аталади) туғилган, яъни фарзанд бу дунёга келганидан эътиборан дилхуш орзу-ният оғушида бўлажак тўйларга жиддий тараддуд ва тайёргарликни бошлаб юборганлар. “Олтидан йиғсанг ортади, еттидан йиғсанг етади”, “Қизингни бешикка солгин, сепини эса сандиққа” деган беҳад пурмаъно мақоллар ҳам ота-боболаримиз, буви-момоларимизнинг кўп минглаб йиллик ҳаётий тажрибалари асосида дунёга келган. Ўрта яшар таниш ёхуд нотаниш эркаклар ва аёлларнинг ўзаро мулоқотида “Ҳаммасидан қутилганмисиз?” деган бир савол ўртага тушишиям табиий. Бу “Ўғилларни уйлаб, қизларниям чиқариб бўлганмисиз?” деган маънони англатишини бўлса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Эзгу орзу-умидлар билан ўғил-қизларини росаям авайлаб ўстирган, тарбиялаган ота-оналар борки, фарзандларини оилали, уй-жойли қилиш ташвиши билан яшайди, ўзини ўтга-чўққа уради ва боласининг бахт-саодати учун жону жаҳонини беришга тайёр туради. Бунақа ширин ташвишлар эса улар ҳаётининг чинакам мазмун-моҳиятига айланиб қолади.

Бир эр-хотин жудаям узоқ умр кечиришиб, анча вақтга қадар фарзанд кўришмабди. Кексайиш палласига кирган бир чоғда эса Аллоҳ уларга бир қиз ато этибди. Қизча ақлли, фаросатли ҳамда эпчил бўлиб улғайибди. Вояга етгач, ўзининг хулқ-атвори билан ота-онасини мамнун қиладиган даражада гўзал қизга айланибди. Қиз балоғатга етгач, уларнинг уйига бетиним равишда совчилар ҳам кела бошлабди. Аввалига, қизнинг қўлини сўраб Давлатдан совчилар келишибди. Кекса ота-она: "Қизим! Давлатга турмушга чиқа қолгин, ҳеч нарсадан камчилик кўрмай, сира ҳам зориқмай яшайсан, бизнинг ҳам кўнглимиз хотиржам бўлади", дейишибди. Лекин, қиз кўнмабди: "Мен Давлатга турмушга чиқа олмайман, молу давлат қўлнинг кири, бир кунмас бир куни тўсатдан кетиб қолиши ҳам мумкин", деб жавоб қайтарибди. Ундан кейин унга Ақлдан совчи келибди. "Энди турмушга чиқарсан, ахир ақлинг кўп бўлса сира ҳам кам бўлмайсан-ку!" дейишибди ота ва онаси. Қиз пича ўйланиб туриб, "Йўқ, онажон, отажон, унгаям сира тега олмайман, жаҳл келган пайтида, ақл кетади. "Ақллилик балоси" деган гапни ўзингиз ҳам менга айтгансиз-ку. Бир умр хавотирда ва таҳликада яшашни истамайман", – деб рад жавобини берибди.

Бир куни қилтиллаган, ориққина, ночор, тортинчоқ Умиддан эшик супургани элчилар келишибди. Чол-кампир хомуш тортиб, "Ана, Давлатга тегмадинг, Ақлга эса "Йўқ" дединг, энди мана шу ночор Умидга тегасанми?" дейишибди. "Ҳа, мен розиман – дебди қиз, яхши ниятлар қилиб Умид билан яшайверсам, еганим ҳалол, рўзғорим ҳам бут бўлиб бораверади. Мен шу йигитга турмушга чиқаман", дебди ва ўша Умид билан бир ёстиққа бош қўйишга аҳд қилибди. Шундай қилиб, эзгу орзу-ҳавас, яхши умид-ниятлар қилган Қиз Умид билан турмуш қурган ва бахтли яшаган экан...

Тўй – халқ маънавиятининг чинакам кўзгуси. Тўйларимиз ёшлар тарбияси ва дунёқарашининг шаклланишида сўзсиз беҳад муҳим ўрин тутади. Миллий ғоямизнинг кенг омма онгига ҳамда қалбига сингдирилиши, маънавиятимизни янада юксалтириш ва ҳозирги ниҳоятда мураккаб, беҳад мўрт, жуда таҳликали дунё ва давр талаблари даражасига кўтариш

бизларнинг тўйларга бўлган муносабатимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Баст, шундай эканки, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида эътироф этилаётган ҳозирги тарихий даврда бу муҳим масалага бепарво, беписанд бўлишга ҳеч биримизнинг маънавий жиҳатдан сира ҳам ҳаққимиз йўқ. Шуниям асло эсдан чиқармаслигимиз зарурки, энг қадимий туркона тўйларни тарғиб ва ташвиқ этиш масаласи фақатгина мозийнинг ўзига хослигини, маънавий-руҳий ҳолатнинг янада теран идрок қилишга эришиш билангина чекланиб қолмайди. Энг асосийси бўлса, уни анчагина ҳафсала билан сайқаллаш ва ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Айнан бундай ҳолат бўлса, ўз навбатида, ниҳоятда кўп миллий анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилиб олишига холисона кўмак, ёрдам бериб юбориши ҳам мумкин.

Никоҳ тўйлари ўзига хос бир ижтимоий ҳодиса сифатида ибтидоий жамият даврида матриархат (она уруғи ҳукмронлиги) босқичидан патриархат (ота уруғи ҳукмронлиги)га ўта бошлаш жараёнида пайдо бўлганди. Бу ижтимоий ҳодиса эса турли-туман қичқириқлар, бақир-чақириқлар, ҳайқириқлар, товушлар орқали чор-атрофгаям овоза этилган. Кейинчалик тўйларда чалинадиган карнай-сурнай, ноғора ҳамда доира (чилдирма) садоларидан энг асосий мақсад ҳам бу тантана иштирокчиларини фақатгина ўйин-кулгига чорлашдан ҳамда мириқиб, “бити тўкилгунича” рақсга тушишга, ўйнашга даъват этишдангина иборат бўлиб қолмаган. Ушбу садолар моҳиятан, бир томондан, айнан ўша тўй бўлаётган хонадонга зарар етказиш ғаразида астагина яқинлашиб келаётган инс-жинслар, бало-қазо, ёмон кўзли нигоҳлар, суқ, кинна, ҳасад каби бошқа зараркунандаларни ҳаддан ташқари баланд овоз, яъни ҳайқириқ кўмагида қувиб юборилишига хизмат қилган. Иккинчи тарафдан, дунёга янги инсон, йигит (инициация – яъни ўсмирни жисмоний жиҳатдан синаш, қийнаш, калтаклаш, суннат қилиш... орқали), оила келганини ҳам барчага овоза этган. Келин-куёв ўз тўйларида ҳозирги замонлардаги сингари қаттиқ гапириши, овоз чиқариб кулиши ва диканглаб рақсга тушиб, ўзгалар диққатини ўзига жалб этиши ўта беодоблик

ҳисобланган. Бу нарса ибтидоий давр одамларининг эътиқодига биноан табиат, яралиш, туғилиш шовқин-суронлар билан эмас, айни сукунат, сокинлик орқали юз беради, деган тасаввур, тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ эди.

Ўзингизга ҳам ғоятда яхши маълумки, кейинги пайтлардаги турли-туман тўйларимиздаги замонавий эстрада усулларида ижро этиладиган енгил-елпи қўшиқлар, беҳаё рақслар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Энг қизиғи эса, тўй санъаткорнинг вақтига қараб белгиланади. Бу ҳам майли, фалон сўмга олиб келинган қўшиқчи эса бемалол фонограмма орқали тўй эгаларини мириқиб "соғиб", томошабинлар олдига эса похолни солиб, лақиллатиб кетаверади.

Биласизки, ҳозирги тўйларимиз асосан маҳалла гузари ёки қишлоққа яқинроқ тўйхоналарда ўтяпти, тўй соҳибиниинг уйида эмас. Бунинг ўзига яраша афзаллик томонлари ҳам бор, албатта, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади. Лекин, росаям қий-чувлар ва мусиқанинг шовқин-сурони тўйхоналар олдида карнай-сурнай ҳамда ноғоралар орқали ҳар куни мана шу жой атрофида яшовчи одамларга ғоятда ноқулайлик туғдириб, асабини бузиб, уларнинг иккала қулоғини ҳам керагича қоматга келтирмоқда.

Тўйхоналарнинг ичида-чи? Ўнтагача карнайда одамларнинг қулоғини гаранг қилиш ва меҳмонларнинг эса шу тўйга келганига беҳад пушаймон қилдириш, уларнинг соғлиғига жуда катта зарар етказишдан бошқа нарса эмас. Бу "одатни" карнайчилар кўпроқ пул ишлаб олиш учунгина ўйлаб топишган, десак хато қилмасак керак. Чунки, ўзбек халқи тарихида ёпиқ ва овоз кучайтирилган бинода одамлар қулоғининг тагида ғат-ғат қилиш ҳолати илгари умуман урф бўлмаганди. Тўй давомида ижро этиладиган мусиқий "дастур" ҳам бундан асло кам бўлмаган. Ота-боболаримиз эса бу қадар, яъни қулоқни росаям қоматга келтирадиган овоз, мусиқани тингламаган. Шарқ мусиқасининг яхши хусусияти ҳам шундаки, уни тинглаган кишилар оҳистагина чайқалиб, мароқланиб эшита бошлайди. Бунақа ҳолат "Қуръон" тиловатида ҳам шундай. Ғарб мусиқасида бўлса бутунлай бошқа ҳолат. Уларда ритмика устун туради ва ғарбона

мусиқани тинглаган одам аста-секин жазавага тушиб, онги ва қалби эмас, танаси билан ҳаракатлана бошлайди.

Энди шовқиннинг инсон руҳиятига таъсир омили эканииям инобатга олайлик-да, мана шу шовқиннинг кучайиши одамларни атайлаб жазава ҳолатига олиб келишини кимга қандай наф ҳамда фойда келтиришиниям хулосалайлик. Жазавага тушиб бораётган одамлар ўзи қилаётган ишини руҳан назорат қилиш даражасидан чиқиб, руҳий назоратни ҳам йўқота бошлайди. Бундан бир соатча олдин чўнтагидаги пулдан оиласига бирор фойдали нарса харид қилишни бошини чангаллаб, ўйлаб ўтирган одам, бу жазаванинг таъсирида фикран мутлақо бошқа бир кимсага айланиб қолади. Демак, у кимса кўпроқ, атрофдагиларга, мусиқачилар, отарчилар фойдасига бор пулини сочиб юбориш ҳолатига ҳам етиб келади.

Шундай экан, тўйлардаги шовқин-сурон ва унинг зарарини тасаввур қилиш учун энг биринчи ўринда инсон жисмига шовқин меъёрининг таъсирини жиддий равишда кўриб чиқиш зарурияти туғилади. Бу меъёр фанда кундузи 55 децибелгача, кечаси эса 40 децибел деб белгилаб қўйилган. Албатта, биз ҳозирги даврнинг технологияси ва техника тараққиётига анча мослашиб, атрофдаги шовқинларга анча-мунча ўрганиб қолганмиз ҳамда шунинг учун машина сигнали кундузи 80 децибел бўлишини ҳам оддий ҳол сифатида бемалол қабул қилмоқдамиз. Аммо, худди мана шу 80 децибел даражадаги машинанинг сигнали бизни кечаси ухлатмай, анча безовта қилиб, уйқусизлик деган балога ҳам гирифтор этади.

Олимлар хулосаларига биноан, баланд шовқин ифлосланган ҳаводан ҳам зарарлироқ. Аэропортлар, жуда тирбанд, серқатнов йўллар яқин атрофида яшовчи кишилар юрак касалликлари ҳамда инсультдан кўпроқ азият чекадилар ва аксарият ҳолларда бевақт ўлим ҳолати юзага келади. Масаланинг эътиборли жиҳати, ҳар 10 децибел шовқин ушбу ҳолатни яна 7 – 17 фоизга оширади. ЖСТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) мутахассислари хулосасига кўра, 55 децибел ва ундан юқори товуш частотаси узоқ вақтлар давомида таъсир қилиб турса, инсоннинг қон босимини

ошириши ёхуд юрак хуружини бемалол келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Шовқин ҳадик ҳиссини ҳам ўз уйқусидан уйғотиб юборади – бу инсон эволюциясининг ажралмас бир механизми ҳисобланади. Натижада, организмда адреналин, норадреналин ва кортизол каби стресс гормонлариям ажралиб чиқади. Бу гормонларнинг юқори даражаси бўлса бир қатор хасталикларни, жумладан, қўзғатилган ичаклар синдроми, бош оғриғи, уйқусизлик, юқори қон босими ҳамда, ниҳоятда хавфлиси, бепуштликни ҳам келтириб чиқаради.

Корнелль университети тадқиқиқотчиларининг аниқлашича, очиқ типдаги идораларда меҳнат қиладиган аёллар организмида адреналин миқдори нисбатан юқорироқ, ишга нисбатан рағбатлар бўлса анчагина паст бўлар экан. Шунингдек, сершовқин муҳитда улғайган болалар ўқиш, тил ўрганишда ва турли маълумотларни эслаб қолишда бошқа тенгқурларидан ортда қолишган. Шовқин, ҳатто одам семиришига ҳам олиб келади. Швециялик экспертлар фикрига кўра, 45 децибелдан бошлаб қўшилувчи ҳар 5 децибел ортиқча вазн хавф-хатарини янада ҳам ошириб бораверар экан.

Австриялик олим Грифитнинг тадқиқотларига биноан, 80 ва 90 децибелли шовқин доимийга айланса, у инсон ҳаётини 8 – 12 йилга қадар қисқартириб юборар экан. Шу ўринда эса қайд этиш лозимки, қадимий хитойликлар ҳар қандай инсоннинг соғлиғига беқиёс даражадаги кучли зарба ва ўлим жазоси қуроли сифатида шовқин-суронданниҳоятда унумли равишда фойдаланганлар.

Бу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда завод ва фабрикаларда шовқин 70 децибелдан ошадиган ҳолатларда ходимларга махсус қулоқчин берилади. Бунақа фикр-мулоҳазалардан кейин ўйланиб қоласан киши, нима, энди биз ўзимизнинг ўзбекнинг тўйларига ҳам махсус қулоқчинларни кўтариб олиб боришимиз керакми?..

Навоий шаҳридаги “Меъмор” МФЙ раиси Холёр Эшқобилов “Ҳуррият” газетаси (2017 йилнинг 6 сентябри)да босилган “Тўй биттаники – ташвиш эса ҳамманики” мавзуидаги давра суҳбатида шундай маълумотларниям келтирган эди:

“Яшириб нима қилдик, кўпчилик дабдабага беҳад ўч, бўйнига қадар қарзга ботиб кетса ҳам атрофдагиларга ўзини кўрсатишни жуда яхши кўради. Бугун тўйларимиз хусусида қанчадан-қанча гап-сўз бўляпти, лекин ҳеч кимнинг сўзини қулоққа олмайдиган кимсаларам учраб турибди. Яқинда Навоийда машҳур футболчилардан бири ўз жўрасининг никоҳ тўйида кетма-кет кўкка салют отиб, энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди. Бундан куёвнинг ўзи, санъаткорлар, маҳалладагилар ҳам жабр кўрган. У бизга ўз дўстига кутилмаган совға қилиш ниятида мушакбозлик қилганини айтди. Ўзи жуда катта сарф-харажат устида турган тўй эгасига бу “томоша” қанчалик қимматга тушганини биласизми?! Пулни ҳеч ким катта кўчадан супуриб олмаса керак, йўқ жойдан шунча жаримани тўлаш ўзи кимга ҳам ёқади, дейсиз?”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 августида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузасида “бир муҳим, таъбир жоиз бўлса, нозик” масала хусусидаги фикр-мулоҳазаларини шундай ифодалаганди: “Жойларда бўлаётган учрашув ва мулоқотларда кўп-кўп одамлар менга айтяпти. Виртуал қабулхонага ёзяпти, “Тўй-маъракаларни тартибга солиб беринглар”, деб мурожаат қилишяпти. Ҳақиқатан ҳам, айни шу масала неча йиллар, ҳатто бир неча асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келади...

Мана, ўзингиз кўряпсизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар элликка кирмасдан турибоқ тўсатдан инсульт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, у бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиламан, деб қарзга ҳам ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутилмасдан, яна тўй қилиши керак. Очиғини айтадиган бўлсак, тўй ва ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки, бутун ҳаётига ниҳоятда жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда...”

Буюк аждодларимизнинг онгида ўзларининг қонунларданам кучлироқ даражада таъсир қилувчи ички тўсиқлари ҳам мавжуд бўлган. “Бу мумкин эмас”, “жуда ёмон бўлади”, “гуноҳ бўлади”, “охиратда жазосини оласан”,

“қарғишга дучор бўласан” сингари табу (тақиқ) унсурлари неча минг йиллар мобайнида вазифасини шараф билан адо этиб келган. Бундай тўсиқлар традицион, яъни анъанавий жамиятларда ҳанузга қадар ўз зиммасига юкланган вазифани маълум даражада бажариб келаётганидан ўзингиз ҳам яхшигина бохабарсиз. Ўзингизга ҳам тузуккина маълумки, айрим анъана, расм-русум ва урф-одатларни анча-мунча ҳуқуқбузарлар, ҳатто ашаддий рецидивистлар (ўта жиноятчилар) ҳам инкор қила олмайдилар, уларга эса шак-шубҳасиз, ғинг демай бўйсунадилар.

Таассуфларки, тўқайга ўт кетгудек бўлса ҳўлу қуруқ баробар ёнади, деганларидек, XIX аср иккинчи ярмида Ота маконимизда бошланиб кетган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва юртимизнинг истило этилиши, “Рустамлака” (бу ибора бизники – Б. И.), яъни ўзига хос бўлган истибдод тузумининг ўрнатилиши ва шўролар томонидан мустамлакачилик давом эттирилиши оқибатида бўлса тўйларимиздаги миллийлик ҳам анчагина сусайиб кетди. Генерал Скобелев Туркистон ўлкаси босиб олингач, беҳад ёвуз таклифни билдирганди: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириб ташлаш ҳам шарт эмас, унинг маданиятини... йўқ қилсанг бас, тез орада ўзиям таназзулга учрайди”. Бу сиёсат эса, турган гап, шўролар даврида ҳам “муваффақиятли” равишда давом эттирилган эди-да. Бунинг натижасида шўро ҳукумати даврида... шахсан ўзига ҳам, ўтмиши-ю, келажаги, ўз тақдирига ҳам лоқайдлик билан қарайдиган халқ эмас, аҳоли қатлами, оломон “тарбияланган”, етиштирилган эди.

Тўғри, тан олмоғимиз даркорки, шўроларнинг замонида ҳам тўйларимиз хусусида баҳс-мунозаралар бўлиб турган эди. Даврий нашрларда ҳар хил мақолалар босилган, лекин тўйлар масаласига ёндашувда эса бир ёқламалилик устунроқ бўлган эди. Айниқса, тўйларнинг қадимий манзараси асосан қора бўёқлар воситасида тасвирланиб, айнан юқорида номиям қайд этилган чор Россияси генерали Скобелевнинг беҳад ёвуз тавсиясига амал қилинган эди.

1957 йили Андижонда, 1960 йилга келиб эса Наманганда илк маротаба “комсомолча тўй” ўтказилиб, у жаҳоншумул

кашфиёт сифатида тарғиб-ташвиқ қилинганлиги ҳали айрим бир кексалар ёдидан унчалигам кўтарилиб улгурмаган. Айнан ўша маҳалларда “комсомол”, “қизил” ҳамда “янги” тўйларнинг ижодкорлари ва ташаббускорлари тўйларимиздаги ўзига хос беҳад нозик миллий туйғуларга қақшатқич зарбани беришга улгурган эдилар. Сўнгра бундай тўйлар “базм” деган ном билан атала бошлаган эди, унга мутаносиб равишда майпарастлик иллати ҳам авж олиб кетганди.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистонни жиддий “ўрганишга” келган рус муҳожирларидан бири Россия салтанати императори Александр II номига йўллаган мактубида жуда қабиҳ бир таклиф киритган: “Бу юртнинг эрлари иймонли, хотинлари оилапарвар. Бу мўминларни “шайтон суви”га ўргатишимиз даркор. Аёллари эрлари юзига ва қизлари оталарининг юзига бемалол, тап тортмай тик қараш даражасига етганидагина уларнинг руҳиятини буткул ўзгартириш, ўзлигидан жудо қилиш ҳам ниҳоятда осон кечади...”

Халқ, янада аниқроғи, аҳолининг орасида “ичкиликсиз тўй ўта зерикарли бўлади, бундай тўйга боргандан, бормаган афзал”, деган ақида шаклланиб қолган эди. Эркаклар ва аёлларнинг бир дастурхон устида ўтириб майхўрлик, ўйин-кулгига берилишлари бўлса улар ўртасидаги ҳаё ва иффат пардасига ўт қўйиб юборди. Камида 3,5 минг йиллик давлатчилигимиз ва халқимиз тарихида ҳеч кузатилмаган зино, фаҳш сингари инсонларни хорлик-зорлик сари етакловчи турли-туман қилмишлар ҳам содир бўла бошлади.

Қарши туманидаги “Пахтазор” МФЙ раиси Комил Султонов афсус билан шундай дейди: “Воҳанинг тўйларини ўзингиз жуда яхши биласиз, анави заҳри қотилдан беш-олти яшик бўлмаса, тўй қизимайди. Ичилган ичимликларнинг сони ва сифати, дастурхон безакларига қараб, тўй эгасининг обрўси ҳам белгиланади. Агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлолмаса, узоқ вақтларгача давраларда гапириб юрилади. Бунақа исрофгарчиликлар одат тусига кириб қолаётгани ачинарли ҳол, албатта. Спиртли ичимликлар мўл-кўл базмларда ҳатто келин-куёвларни ҳам ичишга мажбур этишади. Ҳозир тўйдан сархуш бўлиб қайтган шаробхўр, майпарастларни кам учратамиз.

Лекин ўша “зормонда” ҳанузга қадар қанчадан-қанча оилалар ажралиб кетиши ва ногиронлар сони кўпайишига сабаб бўляпти. Майиб-мажруҳ болалар эса нафақат ўз оиласи, шу билан бирга, бутун бошли бир жамиятнинг чинакам фожиасидир!

Тўйлардаги ичкиликбозликка чек қўйиш билан бирга, тағин бир турмушнинг кўзга унчалик ҳам кўринмас энг нозик томони бизни ниҳоятда ўйлантириб келади: бу яқин қавм-қариндошлар ўртасидаги никоҳ. Айримларнинг “нима қилса ҳам ўзимники, бир кунимга яраб қолади”, деган эскича қарашлари бошқаларга ҳам юқяпти. Маҳалламиздаги жудаям кўп оилаларнинг қони бир хил, кимдир амакисининг ўғлига турмушга чиққан, тағин бирови эса аммасининг қизига уйланган. Бунинг натижасида бўлса, яна ўша аянчли тақдирларга гувоҳ бўляпмиз. Никоҳ бу илоҳий риштадир, уни оёқости қилиш беқиёс гуноҳ. Чет элларга ишга кетиб, бир-бирлари билан топишиб қолган ёшларгаям телефон орқали никоҳ ўқиган “домла”ларнинг танобини тортиб қўйган пайтларимиз ҳам бўлди. Бу борада маҳалла гузарларида тушунтириш ишлари ҳам йўлга қўйилган, ва лекин маҳалла – бу маҳалла-да, ўгитларимиз гузардан нарироққа ҳам ўтмайди. Ўзбекчилик деб ўзини даврага ураётганлар эса миллий урф-одатларимизнинг бу томонларидан бехабар. Эҳ, қанийди, айни, қавм-қариндошлар ўртасидаги никоҳ масаласи кенгроқ ва катта доираларда муҳокама қилинса, бунинг фожиалари марказий телеканаллар орқали намойиш этилса, дин уламолари чуқурроқ таҳлиллар билан бунинг гуноҳ эканлигини тушунтириб беришса, ҳаётимиздаги кўпгина жумбоқларга ечим топилган бўларди-да” (“Ҳуррият” газетаси 2017 йил, 6 сентябрь).

“Дунё бўйлаб” телеканали орқали намойиш этилаётган баъзи бир кўрсатувларни томоша қилиш чоғида ёввойи мушукларнинг энг йириги, тез югурувчи, беҳад чаққон ва моҳир овчи бўлмиш пумаларга ҳам кўзингиз тушган ё улар ҳақида ўқиган бўлсангиз керак. Худди ўша пумалар бошқа ҳайвон, йиртқичлардан алоҳида бир хусусиятлари билан ҳам ярқ этиб ажралиб туради. Бу ғоятда ажойиб жониворнинг алоҳида бир хислатиям мавжудки, одамзод болалари ундан

бемалол ўрнак, ибрат, сабоқ олсалар бўлаверади. Асосий гап айни шундаки, кўз илғамас даражадаги беҳад чаққон хатти-ҳаракатлари билан ўз ўлжасини ниҳоятда тез қўлига, янада ҳам аниқроғи, панжаси ва тишига кирита оладиган ўша пумалар овланаётган жониворнинг катта-кичиклиги, қанақа ҳайвонлигига ҳам қараб, сайд (ов) учун куч, тезлик ва вақтни, стратегик режани ҳамда тактикани олдиндан "ўйлаб" белгилаб оладилар. Яъни, ўша пумалар, каттароқ кийик ёки кичикроқ қуённи овлаш учун ҳеч қачон бир хилдаги вақтни ва кучни сарфлаб ўтирмайдилар. Агар ўлжасини ейишдан, одамчасига айтилганида истеъмол ё тановул қилишдан оладиган энергиянинг миқдори ўлжани қувишга сарф бўладиган энергиянинг миқдоридан озроқ бўлса, у ҳолатда ақлли пума бунақа пойгадан буткул воз кечиб, ўзига лойиқ, каттароқ, тишга босишга арзигудек "ёғли" ўлжани излаб, қидириб кетади. Айнан шу сабабга кўра, пумалар кийикларнинг ортидан кўпроқ, қуёнларнинг орқасидан бўлса нисбатан камроқ қувадилар. "Телба пума синдроми" ибораси психология илмида шу хусусиятнинг бутунлай тескарисини бажарадиган, яъни деярли арзимайдиган, кичкина ўлжанинг орқасидан йиллар мобайнида қувлаб, ниҳоятда улкан куч ва меҳнатни сарфлаб, оқибатда қўлга киритганини бир куннинг ўзида буткул еб битирадиган нодон одамларга нисбатан қўлланади. Одамзод қавмида "телба пума синдроми" хасталигига чалинган ва йиллар мобайнида топган-тутганларини бир кунлик тўйга сарфлаб юбориб, тағин янгиси ортидан ҳаллослаб чопиб ва ҳолдан тойиб, том маънода яшаш эмас, бор-йўғи кун кечирадиган кимсаларнинг беҳад даражада кўп эканлиги ҳам бағоят ачинарли.

"Элнинг тўйи, маъракаси, йиғини ва худойисига борганман. Ошиниям еганман. Еган оғиз уялади-да. Мен ҳам катта дастурхон ёзмасам, одамлар устимдан кулади", деган фикр, ғоя аста-секин устунлик қила бошлаган эди. Келинг, шу ўринда мавриди келиб қолганлиги туфайли ўзингиз ўта кўп марта ўқиган, деярли ёдлаб ҳам олган, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб "Тўйчибой" сарлавҳали битикни тағин бир бор жиддий равишда ўқиб чиқсак ва агар қўлимиздан келса уқиб ҳам олсак:

“Тўйчибой тўй қиладиган бўлди: суннат тўй...

“Сабзи тўғрар”га келган маҳалланинг оқсоқоллари “юз кило гуруч дамлаш шартми, ўзингизни қийнамай қўяқолинг”, деган эди, астойдил хафа бўлди:

– Нима, мен одаммасманми? Ўзимга яраша орзу-ҳавасим, улфатларим бор... Мен ҳам юртнинг ошини еганман...

... Шундай ҳам бўлди... Юз кило эмас, юз йигирма кило ош дамланди...

Тонг отмасдан машҳур ҳофизлар хониш қилди... Гурас-гурас одамлар келди...

Тўйчибой “юз йигирма кило ошнинг тагида бир капгир ҳам қолмаганини” гапириб юрди...

... Икки ҳафталардан кейин уйида қий-чув бўлиб қолди. Ўзи бақирган, хотини додлаган...

Ҳарқалай, кўздек қўшни... Чиқдим.

Қарасам, Тўйчибой ток сўри тагида турибди. Кўзлари бежо.

Нуқул бир гапни бетиним такрорлайди: “Ўзимни ўлдирсам қутиламанми? Ўлиб кетсам қутиламанми санлардан?!”

Янга нарироқда шумшайиб турибди.

– Тўй қиламан деб нақ бўғзимгача қарзга ботдим! – деди қўшним чинқириб. – Мени хонавайрон қилмоқчимисан?.. Ўзимни ўлдириб қўяқолай!..

Янга мени кўриб бир қадар таскин топди, шекилли эрини юпатди:

– Қўйинг, дадаси, ўзингизни босинг... – Кейин бўлса айвон томонга қараб мушт дўлайтирди. – Сан, қиз ўлгурга қачон ақл киради-а? Ман буни нонга чиқарсам, китоб обкебди!.. Ҳа, ўша санга китоб ўқишни буюрган ўқитувчингнинг уйига ўт тушсин! Саккиз юз сўмгаям китоб оладими, жувонмарг?! Китоб санга ош билан нон бўлармиди, ер ютгур!

... Қўшнимнинг еттинчими, саккизинчими синфда ўқийдиган қизига энди кўзим тушди.

Қизалоқ айвоннинг устунига суяниб турар, кафти билан юзини тўсганча, унсиз, ўкиниб-ўкиниб йиғлар эди...

Индамай чиқиб кетдим.

...Ростини айт(адиган бўл)сам, умримда биринчи марта... ўзбек бўлганимга уялдим...”

Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, одатда тўйга еб-ичиш, кайф-сафо, ҳузур-ҳаловат, айш-ишрат учун борилмайди. “Тўйга борсанг – тўйиб бор” нақлиям бежиз туғилмаганлигини биласиз. Наманган шаҳрида ичикиликсиз тўй ўтказишнинг ўзиям озмунча гап-сўз ва маломатларга қолмаганлигидан ҳам яхшигина бохабар бўлсангиз керак. Тасаввур қиляпсизми, ичкиликсиз тўйни гуноҳ даражасида талқин қилган айрим кимсалар арақ, коньяк қўймай тўй ўтказганларни оғзиларга сиққани қадар калака қилгандилар. Эндиликда эса вилоятимизнинг кўпгина жойларида ичкиликсиз тўйлар, меҳмондорчиликлар ва “гаплар” одат тусигаям кирмоқда. Лекин, бу соҳада ҳам ҳали жуда кўп тер тўкишга тўғри келади.

Бундан бор-йўғи 27 йил муқаддам ўз умрининг поёнига етиб келган социалистик, коммунистик тузум ўз халқининг руҳини ва урф-одатларини сира ҳам билмайдиган манқуртларга таянар эди. Одатда маънавий жиҳатдан қашшоқ одам манқуртликдан бошқа бирон-бир нарсага ярамайди. Манқурт эса на Ватанни билади, на онани тузук-қуруқ танийди. Худди ўша манқурт дегани ёвузлик, разолат, қабоҳат ва шайтанат... қўлида ўзига хос ўйинчоқ ҳамда бировларга озор, зарар етказиш қуроли бўлади, холос. Шўролар замонида улуғ аждодларга ва уларнинг юксак маънавий меросига нисбатан сингдирилган ўзига хос инкор ва нафрат туйғуси катта ёшли кишиларга ҳали анча-мунча азоб-уқубат беради, шекилли.

Мустамлакачилар кўпгина урф-одатларимиз, удумларимизга қаттиқ зарба беришга улгурганларидан ўзингиз ҳам бохабарсиз. Лекин, шунга қарамай илдизи бутун, палаги тоза, буюк халқимиз ўзлигини сақлаб қола билди. Чунки, Ота маконимизга бостириб келиб, маҳаллий ҳукдорларни эса маҳв этиб, сиёсий ҳокимиятни қўлига киритиб олган босқинчилар, ҳукмронликлари мобайнида ўзбекларнинг минглаб йиллик маданиятини йўқ қила олмаганлар, янадаям аниқроғи, йўқ қила олмасдилар ҳам. Айнан шу сабабга кўра Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48- сессиясининг минбарида туриб: “Бизнинг энг асосий

бойлигимиз ўзининг шаънини ва қадр-қимматини ҳис эта олиш билан фарқ қиладиган кўнгли беҳад очиқ, меҳмондўст ҳамда мағрур халқимиз", дея қатъий ишонч билан жумлаи жаҳон аҳлига баралла эълон қилган пайтида минг бора ҳақ бўлган эди.

Биринчи Президентимиз миллий истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ "Энди адашишга, гоҳ у ёққа, гоҳида бу ёққа оғишиб юришга, ўтмиш хатоларини такрорлашга вақтимиз ҳам ҳаққимиз ҳам йўқ"лигини таъкидлаганида, энг биринчи навбатда, миллий анъаналар ва қадриятларимизни кўзда тутган эди. Унинг бекорга хавфсирамагани ва огоҳликка даъват этмагани кейинги йилларда очиқдан-очиқ кўриниб, ойдек, кундек равшан бўлиб қолган эди.

Ижод оламида шундай ўлмас мавзулар ҳамда боқий асарлар борки, улар қайси даврда ва қандай ҳолатда яратилишидан қатъи назар, аҳамиятини сира ҳам йўқотмайди. Жафокаш Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан жуда афсус-надомат билан битилган "Бизни кемиргувчи иллатлар" мақоласи ва Абдулла Авлоний қаламига мансуб "Маданият тўлқунлари" номли фельетони ўзбеклар учун айнан шундай беҳад бебаҳо ва боқий асарлар сирасига киради.

Беҳбудий бобомиз биздан сўрагандилар: "Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёйинки, сил, сил-ар-ия (ўпка сили) ва махавликними дерсиз? Йўқ, андин ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош (жон азоби), бевоя, хонавайрон ҳамда ғариб этгувчи бир дард, биз – туркистонийларни шаҳри, қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизғача истило этиб, бутун тириклигимизға сорилған ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататурғон тўй, азо исминдаги иккита қаттол (ўлдирувчи) душманни дерман...

Атомизданам меҳрибон Тангримиз жалла ва аъло Қуръони каримда "Ло талаққу би якидум ала таҳликкатиҳи", яъни сиз ўз қўлларингиз билан ўзингизни таҳликага отмангиз, дер. Биз бўлса бадбахтона ва Худонинг амриға бўюн қўймасдан... бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлушимизға сабаб бўлган одатларга бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз... Жуда кўп кишилар сайр ва кўпкари шумлиги ила ишидан ва зироат

вақтидан қолур. Уйиға йўқ, ҳўкузи ва соғар сийири йўқ экан, бир неча юз сўмға от олиб ҳар куни анга ҳиндек парастиш (топиниш ва чўқиниш) этиб, ҳар куни сўм сарф этар, ва на учун? Тўй ва сайрларға кўпкари чопмоқ учун-да! Ўн-йигирма чақиримға тўй бўлдими, ҳар ким ўз ишини ва деҳқончилигини қўюб, отланиб кўпкарига кетар. Деҳқон учун олтундан азиз вақт фавт (йўқотиш) бўлади-кетади. Экин биргина кун йиғилган учун ёғинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб кетар...

Шариат китобларидан “Фароиз, яъни Худони буйруғи деган китобларға: “Ўлукни молидан аввалан ўлукға керакли мувофиқ суннат ва исрофсиз кафан қилиб, дафн қилмоқға сарф қилинсун, сўнгра қарзини берилур, сўнгра эса ортган молларни-варасасига мувофиқ шариат Тақсим қилиб берилур”, – дейилган экан, бизлар билъакс кафандан сўнгра қарзга бермай ва ҳатто, сағир ва бенаво хотунлар меросини йиртиш, азойи, садақа ва хайрот, билмайман, нималар ужраси деб, қарздан ворисидан илгарироқ тақсим қилиб олармиз. Беш-олти маърака ва худойи, 8 – 10 жумъа оқшоми деб бутун маҳалла ва қишлоқнинг халқиға палов берармиз. Баъзи бир бечора сағир ва муштипар аёллар меросдан ва ҳақларидан ноқис олурлар. Баъзи қарзхоҳларни ҳаққи худойи ва хайрот, нохудойи ва шаррот сабаби ила куюб кетур, бечора ўлук зиммаси қарздан қутулолмай қолур. Худо учун айтингиз, бу аслида хайротми ёки худойими? Беш-олти кун сўнгра ушбу худойи ва хайротлар учун варасани ҳаққи бўлган моллар ва ерлар сотилур. Берилган данга адрас, азойи ва ғанилар (бадавлатлар) олган йиртиш, садақалари учун берилур. Энди бечора вараса дарбадар, ҳам отасидан, ҳам ватандан айрилди-кетди. Бир ўртаҳол, бир бечора фақир ўлур...

Астағфурилло, субҳаналло. Қилатурғон бу ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ ва хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунича ундан қутулуб бўлмайдур. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтурарға хона ва бир боғи бўлган бир киши никоҳ учун икки минг сўмни сарф этар ва ўғул хатнаси учун бўлса ҳеч бўлмаганда минг сўм. Ҳар бир бенаво (бечора, йўқсул) киши бу мавридларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар бўлса беш минг ва ўн

минглаб сарф этар. Энг охирида эса нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бувасидан қолган мулки ва ватанини ўз ихтиёри билан зўраки бойнинг ўзи ўлганидан сўнгра бирон-бир... ажнабийға сотиб, тўй ва таъзия қарзини берур. Ўзи сотмаганида судға сотилур. Мана юқоридаги сарлавҳада “Бизни кемиргувчи иллатлар” деган ўта бемаъни одатларимиз, айнан шу тўйларимиз ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур.

Бир дўкончи, бир гулкор, бир фақирҳол, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумданам қатиғдурки, мунинг учун бечора ҳар куни ўлур. Ҳар кун ўлгани ила қутулмас-да. Ўзидан сўнгра аҳлу аёлиға бу йўқсуллик ва бу мусибатни мерос қўяр... Бир ҳавли, бир рўзғорда масалан, икки ўғул, икки қиз бор. Ато ўлса, анинг моли тўртга бўлинур ва уларнинг ҳар бириға никоҳ ва хатна ва ўлум мавридлари ҳам муқаррардур. Ўзларини замонча илми ва ҳунари йўққи, контурға, маҳкамаға ва бонкаға кириб вазифа олса. Энди ноилож атторлик ва ё баққоллик ва ёки у ҳам бўлмаса, муздурлик (ёлланиб ишловчилик) ва мардикорлик қилиши лозим келиб, бу ишлардан фақат аларни қорни тўядур. Ортдурмоққа йўқ. Мунинг устиға бўлса тўй ва таъзия деган даҳшатли балолар келганидан сўнгра бу азиз оила ва рўзғорға ёниб кул бўлмоқдан бошқа илож йўқдур... Бизга лозимки, тўй ва таъзияларимизни кичик қилиб ва ҳолимизча хатти-ҳаракатда бўлуб, келар замонамизни ўйлайлук...

...Тўй ва таъзияларға сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлиға сарф этсак, анқариб (яқин кунда) оврупойилар сингари тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимизда обрўй ва ривож топар...” (“Ойина” журнали, 1915 йил, 13- сон).

Ўша “Ойина” журналининг 1913 йилдаги 6 – 7- сонларида босилган “Аъмолимиз ёинки муродимиз” сарлавҳали мақоласида ҳам юқоридаги сингари миллатнинг ғам-ташвиши муаммоси акс эттирилган эди. Ундан ҳам рухсатингиз ила бир парча ўқиймиз:

“Аксар халқимизнинг аъмоли шуки, ишласа ва фойда қилса. Шоядки, ўғил ва қизини тўй қилса ва ҳам қандай қилиб? Ўзининг қаториндаги одамлар қилган тўйларидан ҳам зиёдароқ қилиб-да!

Бечора косибнинг аъмоли тўйдир. Ўзи эса роҳатнинг юзини асло кўрмайдур. Кеча-кундузки 18, балки 20 соатини меҳнатға ўткаратурғон косибларимиз ҳам бисёрдур. Ҳаққинча емайдур ва киймайдур. Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва худодан ўғил тилар, тўй қилмоқ учун. Ана, бечоранинг аъмоли. Йигирма саналик меҳнати эса уч кун тўйда тамом... Тўй мусрифи (сарфи) учун қарз эгаларидан қочадур. Каттакон тўй қилиб хотун олғон бир қисм бечораларнинг ҳолиға йиғламоқ керак. Бор-йўғи уч кунлик тўйнинг азоси баъзи оилаларда ўн йил, ва ҳатто, бир умр сурар, балки беватан ва хонавайронликға ҳам сабаб бўлур.

Бир косибнинг никоҳи, тўю обрўсиға минг сўм. Бир ўртаҳол учун 2000 ё 3000 сўм. Нимбой учун тўрт-беш минг сўм керак. Бу сўмларнинг юздан олтмиш беши эса ейилиб-ичилиб... кетар.

Бу сўмлар асли кимники эди? Бонка, фирма, фойдахўрники. Табиий, буларға пулларини бермоқ лозим, на берилур. Боғу хона ва уй ичиндаги асбобларни сотиб бермоқ керак. Бечора келин ва куёвнинг кўрпалари ва либосиғача сотилур ва қарзхоҳға берилур. Нимбойлар синар. Тириклигида бўлмаса, ўлганида синар. Аҳлу аёли дарбадар бўлур. Ой, бу нима? Тўғриси, бир нав девоналик эмасми? Субҳаналлоҳ, бировлардан қарз олиб халқға ош бермоқ ғоят даражадаги ақлсизлик эмасми? Ҳамда иллати бедавосидур”.

Аллома Беҳбудий бугунги замонларга ҳам дахлдор шундай фикр-мулоҳазаларини ҳам аччиқ алам билан ёзган эди: “Маълум бир шаҳарда яҳудийлар ўлукларини оқшом элтиб кўмурлар. На учун? Кундузи ишдан қолурлар. Биз бўлса ўлук ва тўйлар учун ҳафталар, ҳаттоки ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам Пайғамбар акрам саллолоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганларни тезроқ кўмуб ва кўмганидан сўнгра тезроқ тарқалиб, ишга кетмоқға ва ўлукхона халқини эса уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро либосларни киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз нима учун Худонинг ва Расулнинг сўзлариға сира ҳам амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташқаримиз? Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!”

“Ойина” журналининг 1914 йилдаги 21- сонида босилган “Ёшларға мурожаат”да ҳам бу муҳим масала яна кун тартибига қўйилган эди: “...сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласангизки, сизлардан кўра тараққий этса, дин ва миллатға хизмат этса (дин ва миллатға хизмат илм ва ақча билан бўлур), илми замоний таҳсил қилмоғи учун ҳаракат қилмоғингиз ҳам лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкини сотиб тўй қилғонидек, сиз-да, ҳатто лозим бўлган пайтларида, мулкингизни сотсангиз-да, ўғлингизни замонча ўқимоқиға ҳам саъйи (ҳаракат) қилингиз. Тўйларға исроф қилатурғон ақчаларингизни (маблағни) эса (замоний таҳсил) ўқимоқ йўлиға сарф қилингиз!..”

Бобомиз Беҳбудийнинг бу сўзларидан шундай хулоса қилиш ҳам мумкинки, биз турли маиший эҳтиёжларимизни қондирмоқ учун турли-туман керакли-кераксиз тадбирларни ҳам жорий этиб олганмиз. Нафсимизга нималарки мақбул бўлса, ўша нарсаларни “қадрият” ёки “урф-одатлар” сифатида аста-секин оммалаштириб бораверганмиз. Ва мана шу тариқа халқимизнинг устувор турмуш тарзига ҳам айланиб қолган турли-туман иллатлар бизларни дунё тараққиётиданам орқада қолдириб кетган эди. XX аср интиҳосида ёзилган баъзи мақолалар ва рисолаларда буюк маърифатчиларни динга қарши қўйиш майли ҳам сезилиб туради. Аслида эса, улар ҳақиқий диндор инсон эдилар. Уларнинг Туркистондаги чинакам етакчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари бўлса Самарқанд муфтийси эди. Жадид-маърифатпар боболаримиз ўзлари яшаган даврга халифаликнинг замони нуқтаи назаридан эмас, айнан XX аср ибтидосидаги бутун жаҳоннинг тараққиёти нуқтаи назаридан реал ва очиқ кўз билан қарар эдилар. Худди ана шу нарса, ҳолат эса уларнинг Бухоро қозиси ва бошқа ақидапарастлик ботқоғига қовоқ калласи билан ботиб қолган “уламолар” томонидан тўй ва маъракалар билан буткул банд аҳоли, оломонга кофир сифатида эълон қилинишига энг асосий сабаб ва бир баҳона бўлган эди.

Абдулла Авлонийнинг ўзбек миллатимизнинг ўша даврдаги турмуш тарзи, дунёқараши, тафаккури ҳамда маданий-маърифий даражасини ифодалаб берган фикрлари

бўлса мулоҳазаларимизни янада мустаҳкамлайди. Жумладан, у бундай ёзган эди: “Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифат, тарбия ва таълим, ҳунар, санъатни ўта яхши кўрадур, деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу фикрларингиз беҳад ёнглишдур. Эшонларимиз тоат ва ибодат, панду насиҳат ва зикру тасбеҳнинг ўрнига тўйларда тўнларни кийуб, кўп ошаб, кўп ухлашни яхши кўрурлар. Уламоларимиз бўлса дарсу таълимнинг ўрниға, бир-бирлари билан ўрин талашуб мукаррар (қайта-қайта) ва мударрис (муаллим) бўлиш, агар ўзлари бўла олмай қолсалар, эшикма-эшик юруб сайловларни бузушни жуда яхши кўрурлар.

Имомларимиз, халойиқға ваъз ҳамда насиҳат ўрниға, тўй ва жанозаларда юруб, жома кийишни яхши кўрурлар. Бойларимиз орқа-ўнгларига қарамай, фойда ва зарарларини ойирмасдан бир-бирига қаттиқ рақобат қиламан деб “бонка” ва “кридит”ларини яна кўпайтуруб, дўффилари тор келганида рус ва яҳудийларнинг букиб-синишини ҳам яхши кўрурлар. Мўйсафидларимиз намоз ва ниёз ўрнига масжидлар эшигига йиғилиб ўтуруб, ҳар кимларни ғийбат ҳамда шикоят қилишни ниҳоятда яхши кўрурлар. Баъзи муаллимларимиз бўлса бир-бирларидан қизғонишуб, болаларни арзонроқ ўқитаман деб, бир ўзларига юз, юздан ортиқ бола йиғуб, ўзлари тўй ва маъракаларда, болалар умрини бекор ўткаришни яхши кўрурлар. Аммо, мен эса ҳозир замонда индамай туришни жуда яхши кўрурман” (“Тафаккур”, 2015, 4- сон, 21 – 22-бетлар).

Улуғ аллома Абдулла Авлоний юқорида номи қайд этилган “Маданият тўлқунлари” сарлавҳали фельетонида ёзишига кўра, халқни том маънода маданиятли қилиш учун, аввало, иқтисодий ҳолатини яхшилаш керак. Қорни оч ҳамда усти ямоқ одамларга “Китоб ўқинг!” денг-чи, улар нима дейишлариниям кўраверасиз. Жудаям узоққа бориб ўтирмай ўзимиздан ҳам мисол келтирсак, қорнимиз росаям оч пайти, ҳатто ниҳоятда зўр мусиқа тинглашни ҳам мутлақо хоҳламаймиз. Бу масала юзасидан Авлоний шундай фикр-мулоҳазаларини билдирган эди: “Ҳар бир миллат маишат тарафиндан тараққий сари юз қўймаса, маънавий тарафдан,

яъни маърифат тарафидан ҳам тараққий қила олмас, бир кишининг ўз маишатига етарли даражадаги молу дунёси бўлмаса ва буларнинг сабабига ниҳоятда жиддий хатти-ҳаракатини қилмаса, моддий ва маънавий ишларни ижро қилмоқдин ҳам буткул ожиз қолур”.

Ушбу фельетон ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий ҳолати ҳақида бизга бағоят образли тасаввур беради. Унда одамларнинг ейишга нони йўқлиги ва саксон олти фоиз аҳолининг жуда паст, яъни фақат жисмоний кучни талаб қиладиган ишларни бажариб, бир амаллаб, зўр-базўр кунини ўтказаётганлиги ҳақида ниҳоятда куйиниб ва ачиниб ёзилган эди. Шароит жуда оғир бўлса-да, тўй-томоша учун сарфланган харажатларнинг кўплиги қаттиқ танқид остига олинади. Исрофгарчилик қораланади: “Ажабо. Бу исроф тўлқинлари бизларни на ерларга олиб борадир?.. “Дард устига чипқон” деганларидек, кундан-кун бидъатнинг устига бидъат ҳам ортмакда. Уламо, фузало ва эшонларимиз зикр ва тасбеҳ ўрнига “тўй устига тўйлар бўлаверсин!” сўзиниям вирди забон қилмоқда. Ағниё ва сарватдорларимиз тўй пойгаси қилуб, бир-бирларининг бор-йўғига қарамай, фақир-камбағалларимиз ўзларининг уйлари, боғлари, отларини ва тўнларини сотуб тўйга сарф қилмакдалар”.

Ушбу жумлаларни бугунги кунлар учун ҳам бемалол татбиқ қилишимиз мумкин. Ўзингиз ҳам айтингчи, бугун тўй пойгалари қандай даражада давом этмоқда? Одамларимиз тўкин-сочинлик, исрофгарчилик билан қилинган тўйларни катта обрў, деб қабул қилаётгани бағоят ачинарли ҳолдир. Ҳаттоки, тўй куни қанчалик егулик ортиб қолса, маросим шунчалик даражада зўр бўлди, дея баҳоланади. Ўзи емай-ичмай фарзандларининг эҳтиёжларини бир чекага суриб қўйиб, йиғилган маблағларни бир кунлик ҳашамга сарфлаб юборилишига Сиз ўзингиз нима дейсиз, ва бу муаммога қандай қарайсиз, унинг муқобил ҳамда оқилона ечимига-чи?

Ўрни жудаям келиб қолганлиги боис ўзбекнинг дилбар Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг 2006 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 20 январдаги сонида босилган ва ҳазил аралаш беҳад аччиқ ҳақиқатга

йўғрилган “Нега япон юз йил яшар...” сарлавҳали шеърини тағин бир бора ўқиб, ўз хулосангизни чиқарсангиз ёки аввалгисини тасдиқлаб олсангиз:

Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
Чунки япон биздек қоронғу
Саҳар туриб ошга бормайди.

Мотамида у обрў учун
Элни чорлаб зиёфат қурмас.
Байрамида бел боғлаб уч кун
Шамдек қотиб кўчада турмас.

Гарчи биздан юз бор фаровон,
Гарчи биздан юз карра тўқдир.
Тўй харжида юзта бой япон
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.

Бу сўзимни японга айтсам
Деди баттар қисиб кўзини:
Япон бундоқ яшолмас ҳеч ҳам,
Харакири қилар ўзини.

Ўзбекнинг неча минглаб йиллар мобайнида заррача бўлсада оҳори сира тўкилмай, қадр-қиммати тушмасдан келаётган “Уят – ўлимдан қаттиқ” деган мақоли борлигини ўзингиз ҳам ўта яхши биласиз. Японларда ҳам бор айнан шунга ўхшаган гап ва сўзлар. Китобларда ўқигансиз, киноларда кўргансиз, жудаям қаттиқ уят, роса гуноҳ ишларни ҳам қилиб қўйган, самурайларнинг ўзига хос Кодекси “Буси-до”ни билиб-билмасдан бузиб қўйган ўша япон, шундоққина ўз қиличини ёхуд ханжарини қинидан чиқаради-да, атрофидаги ҳамманинг кўз ўнгидаёқ ўзини ўзи шартта чавақлаб ташлайди. Ўша сиз киноларда кўрган ниҳоятда даҳшатли воқеа “харакири” деган биргина ўткир, кескир сўз билан ифодаланади.

Мавриди келиб қолгани туфайли, тағин бир муҳим фикрни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Худди ўша

японлар ҳақида барчамиз маънавий ўзига хослигини сақлаб қола олган халқ дейишни яхши кўрамиз. Бироқ нега ва нимаси билан ўзига хос деган савол қўйиш аксарият ҳолларда эсимизгаям келмайди. Ёки ўзимизни бундай саволни қўйишга ҳақсиз сезамиз. Зеро, ҳар бир инсоннинг жўяли саволлар қўйиш ва унга ўз-ўзича оқилона ечим излаш ва ечимини топиш ҳуқуқи бор. Японлар айни шунақа халқ. Улар ўзга этносларнинг моддий ва маънавий маданиятини беҳад даражада синчиклаб ўрганишади, жуда ҳам жиддий таҳлил қилишади, роса алқашади ва ҳурматлашади, кераклисини бўлса Кун чиқар юртга, ўз уйларига олиб ҳам кетишади аммо ўзгаларга сира ҳам тақлид қилишмайди. Улар бир куннинг ўзидаёқ ўн бора либосни, йигирма марта кийимларини ўзгартиришлари мумкин, бироқ, ўша либоснинг ичидаги япон руҳини бўлса ҳеч қачон ҳеч нарсага алмаштиришмайди. Японлар худди шунақа руҳи ғоятда мустаҳкам, асрлар мобайнида ўзлигини асраб қолган асл миллат.

Япон учун тана бир либос, кийим холос. Япон учун тана эрк ва тафаккурнинг ўзига хос қафаси. Японлар тафаккурига биноан, инсон айнан шу танаси туфайлигина жамият, борлиқ дейилмиш беҳад улкан мақбараларда тутқун. Тана деганлари шундайин бир нарсаки, уни сотиш, сотиб олиш, ўғирлаш, алдаш, ўзгартириш ва ўлдириш мумкин. Бироқ тананинг инқирози эса одам ўлди, халқ буткул қирилиб битди, миллат йўлидан озди дегани ҳам эмас-да. Тананинг фожиаси (агар шуни фожиа дейиш мумкин бўлса) чин маънода фожиа саналмайди. Бунинг асл сабаби, либос деганлари ўтда гуриллаб ёнадиган, қилич билан шартта чопиб, бурда-бурда қилиб ташланадиган дунёнинг оддий бир матоҳи холос. Миллий руҳият, миллий маънавият илм-маърифат бўлса абадийдир. Япон миллатининг ўзига хос жиҳати ҳам айнан шундаки, у ҳар қандай либос ичра руҳий-маънавий фикратни сақлай олади. Худди ўша тиниб-тинчимас японларнинг наздида мурғак ўлик (келажак)нинг ёши улуғроқ тириклардан устунлиги ҳам айнан мана шунда...

Энди бу шеърда ифодаланган ғояга ҳам бир назар ташласак. Ҳозирги кунларда ҳам японлар юз (100)га кириш

бўйича мутлақ жаҳон чемпионлиги даражасини бир амаллаб сақлаб турибдилар. Ўша японларда 100 ёшдан ўтган инсонлар – бува, бувиларнинг сони 65 мингдан кўпроқ. Уларнинг ортидан эса ҳаддан ташқари тезлик билан хитой деганлари ҳам ҳаллослаб қувлаб келмоқда. Хитойлар бу борада японлардан ҳам ўзиб кетишни кўзлаганлар. Уларда бундай умрбоқийлар сони 65 мингга яқинлашиб қолди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таснифига биноан, 60 – 74 ёшлилар кексалар, 75 – 89 ёшли бува-бувилар қариялар (нуронийлар), 90 ёшдан ўтган инсонлар эса узоқ умр кўрувчилар, яъни умрбоқийлар деб аталишидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Эркин аканинг бу шеъри ёзилган, янада аниқроғи шоирнинг соҳир қаламидан қордек оппоқ қоғозга дард-алам бўлиб тўкилган чоғларда 100 ёшга етиб олиш масаласида ўзбеклар япон, хитой ва инглизлардан салгина орқароқда эди. Бугун эса Ўзбекистонимиз умумий аҳолисига нисбатан 100 ёш ҳамда ундан ошган инсонлар сони бўйича Буюк Британия ҳамда Япониядан кейин 3- ўринни эгаллаб турибди. Дунё мамлакатлари 100 ёш ҳамда ундан ошган инсонларнинг энг умумий миқдори бўйича ҳам қиёсланган. Унга биноан Ўзбекистон дунёда 6- ўринда (9 минг бува-бувилар) қайд этилган. Биздан олдинда Япония, Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва Италия бор, холос. Тинчлик-омонлик, қонунларга итоат қилиш борасида японларданам ўзиб кетганимиз, дунё бўйича Сингапур давлатидан жичча ортда қолиб, 2- ўрин бизники бўлганидан эса бохабарсиз. “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, асло кам бўлмаймиз ҳам”, деган хулоса, мақсаднинг тағин бир исботи эмасми, бу?

Лекин, ушбу рақамлардан ғурурланиб кетиб, эсини йўқотиб қўядиган халқ эмасмиз, биз. Ҳали бизлар ҳал қилишимиз даркор бўлган ўзимизга хос муаммоларимиз ҳам талайгина. Улар эса ўз ечимини ўзгалардан эмас, айни ўзимиздан – биздан кутиб ётибди.

Тағин ўзбекнинг тўйи масаласига қайтсак ва суҳбатимизни келган жойидан давом эттирсак, ўзаро дардлашсак. Аввалги давр тўйларида халқ оғзаки ижоди – лапарлар, термалар,

миллий рақс ва қўшиқ санъати керагича равнақ топган эди. Кейинчалик донғи тўрт тарафга кетган, фонограмма орқали ўз элини лақиллатадиган санъаткорларни ёллаш ва махсус бақиртиргичларни ўрнатиб, тўй овозини етти маҳаллага қулоқларни қоматга келтириб мажбуран эшиттириш оқибатида эса унинг халқ ижодкорлик қобилиятини шакллантирувчилик вазифаси ҳам аста-секинлик билан барҳам топа бошлади. Инсоннинг маънавий оламини бойитувчи, бадиий қобилиятини шакллантиришга хизмат қилувчи, энг муҳими эса, маросимнинг кўрки ва файзи бўлган лапарлар ҳозирги тўйларни деярли тарк этиб бўлганлигидан ўзингизам бохабарсиз. Халқимиз поэтик тафаккури акс этган ва кексаю ёшларга бирдек маънавий, эстетик куч-қувват бағишлайдиган ёр-ёрларнинг ўрнини турлича сунъий урф-одатлар, ҳиссиз хушомадлар, бачкана ваъзхонликлар эгаллаб олаётгани ниҳоят даражада ачинарлидир. Ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, турли даражадаги раҳбарларнинг тўйдаги иштироки даврага алоҳида бир файз бағишлайди. Аммо, ўзининг фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ҳамда лўнда ифода этишга қурби етмайдиган баъзи масъулиятли лавозимдаги беҳад масъулиятсиз одамларнинг кўпчилик олдидаги пойинтар-сойинтар гаплари, ғализ, тўмтоқ жумлалари билан аччиқ ичакдек чўзилишлари эса тингловчиларнинг ғашига тегиши ҳам табиий.

Ёр-ёрларни ўта яхши биладиган, уларни маромига етказиб, мусиқий оҳангларда энг нафис ва нозик қирраларигача таъминлаб ижро эта оладиган онахонлар ҳам тобора камайиб бормоқда. Энг қадимий ҳаётий тасаввурлар билан бевосита боғлиқ ёр-ёрларнинг бугунги тўйларимизда кам айтилиши ёки бутунлай айтилмаслиги ҳам аслида мана шу ҳолатдан яққол далолат бериб турибди...

Шу билан бирга эса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти “Ўтмиш қадриятлари, анъаналари ва турмуш тарзига бетартиб, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка, яъни, ҳозирги замонни қабул қилмасликка ва жамиятни янгилаш заруриятини бўлса инкор этишга олиб келиши мумкин” эканлиги масаласига алоҳида диққат-эътибор

қаратган эди. “Кишиларнинг тафаккурини ва одат тусига кирган қоидаларни ўзгартириш жуда муҳим”лиги эса “Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида кўндаланг қилиб қўйилган эди.

Бу улкан вазифанинг амалга ошиши эса, ўзингиз ҳам кўриб-билиб турганингиздек, жудаям қийин кечмоқда, лекин замоннинг қатъий, кескин талаби худди мана шу, орқага эса асло йўл йўқ...

Ўзбекистон ўзининг ислом фалсафаси, ислом динининг ғоят олижаноб ғояларини юксалтириш, унинг илмий асосларини ҳам яратиб ва динимиз обрўсига обрў қўшгани билан ислом оламида беқиёс мавқега эгалигидан ўзингиз ҳам жуда яхши хабардорсиз. Исломда ҳам никоҳ тўйидаги хурсандчилик дамлари асло инкор этилмайди. Ойша онамиз ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ ҳам шундай деган эканлар: “Никоҳни (халққа) эълон қилинглар ва уни масжидда бажаринглар ва сўнгра доира чалинглар”.

“Саҳиҳи Термизий”даги ушбу муқаддас ҳадис ҳам айнан шу масала ҳақида. “Анас (ибн Молик)нинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ Абдураҳмон ибн Авф юзида куёвлик белгиси бўлган сариқ рангни кўриб қолиб, ундан: “Бу нима?” деб сўраганлар. У “Эй Аллоҳнинг расули, бир аёлга данак оғирлигида тилла (маҳр) бериб уйландим”, деди у. Расулуллоҳ бўлса, “Аллоҳ сенга барака берсин! Бир қўйни сўйиб, никоҳ тўйингни ўтказгил!”, дедилар.

Ҳадиси шарифлардан бирида “хотинларнинг баракотлироғи уйланиш харажатлари енгилидир”, деган фикргаям дуч келамиз...

Элликбоши: – Сўзим шуки, совчигарчиликнинг олуғ-солуғи сўйлашилмаса, чунки куёв бўлмиш йигит эса ўзингизга маълум, етим, ҳам камбағал. Яъни олуғ-солуғ шаръиатда йўқ гап. Олуғ-солуғ қилинса, куёвдан кўпроқ ақча олинса, қарздор бўлиб қолса яхши эмас, дейман-да. Кераклик нарсаларга озроққина оқча олуб, никоҳлаб берсангиз, шаръиатдаги иш бўлур эди.

Файзибой: – Олуғ-солуғлари бўлмаса, тўй – тўй бўладими? Менинг ҳам бошимда биргина қизим бор, холос, орзу-ҳаваслик

дунё, яхшилаб орзу-ҳавас қилсам, деган ниятим бордир. (Домлага қараб) Тақсир, бу кишининг сўзлари дурустми?

Домла-имом: – Агар бу кишининг айтканларидек қилсангиз халққа роса кулги бўласиз. Олуғ-солуғ қилинмаса ҳеч бўлмайдур. (Элликбошига қараб) Олуғ-солуғ деганлари юртнинг расми, буни қилманг демоқингиз айб гап!

...Тўйға кеткан оқчаларни Худо ўзи етказадур, қарздор бўлса бўлар. Қарз узилар, хотин эса ёнга қолар...

Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” драмасидан олинган мазкур лавҳа ўзингизга жуда яхши таниш бўлса керак. Очиғини айтилганда, бу сингари савол-жавоблар ғоятда кўпчилигимизнинг бошимиздан ўтган. Файзибой айтгандек, ҳар биримизнинг орзу-ҳавасларимиз бор. Қолаверса, барчамизнинг ғуруримиз тоғданам баландроқ, бировдан асло паст, сира кам бўлгимиз келмайди-да.

Юқорида ҳам қайд этганимиздек, буюк Беҳбудий бобомиз бундан бир аср аввал, “Бизни кемиргувчи иллатлар” сарлавҳали жуда машҳур мақоласида: “Биз на учун худо ва расулнинг сўзига ва ўзимизнинг нафъимизга амал қилмаймиз. Биз нима девонами?” дея пичинг, киноя қилган эдилар. Ўйлаб қаралса, ўзбекнинг тўй-маъракаларида қилинаётган ишлар айнан шунга ўхшайди-да. Ўзи зўрға кун кўрса-да, миллионлаб сўм қарзга дабдабали тўй қилса. Бу қайси ақлга сиғади? Бунақа мисоллар эса ҳаётимизда керагича ва аслида керагидан юз баравар, минг карра ортиқроқ топилади...

Маҳалла имоми никоҳ ўқитиш учун бош эгиб, уялинқираб кириб келган келин-куёвга, энг аввал уларнинг ота-оналари билан бафуржа суҳбатлашиб олишини айтди. Эшитганлар бўлса росаям ҳайрон. Нима учун? Йигит ва қизнинг ота-онаси ҳам чорланди.

Имом аввал йигитнинг ота-онасига мурожаат қилди:

– Ўғлингиз уйланишга, ўзингиз тўй қилишга тайёрмисиз?

– Ҳа, албатта, ўғлим тап-тайёр, роса кўп йиллар мобайнида бўлажак тўйга жуда ҳам жиддий тайёргарликни кўриб келганмиз.

– Қандай тайёргарлик кўргансизлар?

– Шаҳарнинг беҳад улкан тўйхонасини аллақачон гаплашиб қўйдик. Ҳофизларнинг энг донғи чиққанлариям келади. Машҳур чойхонанинг ошпазларини ҳам чақиртирганмиз. Ўғлим бўлажак никоҳ маросимига нақ ўнта чет эл машинасини буюртма қилган. Худо хоҳласа, ҳеч кимникидан кам бўлмайдиган тўй қиламиз!

– Ҳа, яхши!

Йигитнинг ота-онаси ила тўй бобида бафуржа суҳбатлашиб бўлгач, имом-хатиб энди ўша қизнинг ота-онасига ҳам юзланди.

– Қизингиз ҳақиқатан ҳам турмушга чиқишга, оила қуришга тайёрми, ўзингиз ҳам тўйга тайёргарликни кўриб қўйдингизми?

– Ҳа, албатта, қизимиз ҳам, ўзимиз ҳам тап-тайёрмиз-да.

– Қанақа тайёргарлик кўриб қўйгансизлар ўзи?

– Онаси жуда яхши аёл. Қизим туғилганидан сарпо йиғади, кўрпа-тўшаги тап-тайёр. Ўзимизнинг мебеллар ёқмагани сабабли чет элдан росаям зўрини танлаб олиб келдим. Қизимизни бекаму-кўст қилиб узатмоқчиман. Сепларини ҳам тахт қилиб қўйганмиз, – дея кўкрагини эркак ғоздек кериб мақтанди ўша қизнинг отаси.

– Ҳа, яхши.

Имом ҳар икки ота-онанинг жавобини тинглаб бўлгач деди:

– Мен никоҳ ўқимайман! Сизлар эса бемалол бораверинглар!

Имомнинг сира кутилмаган жавобидан тўйбошилар жудаям ҳайрон бўлиб бараварига “Нима учун?” дея уни сўроққа тутишди.

– Мен Сиздан “Ўғлингиз ва ўзингиз тўйга тайёрмисиз?” деб сўрадим. Сизлар эса “Ҳа, тайёрмиз”, дедингиз, шундайми?

– Ҳа, Сизнинг гапингиз тўппа-тўғри, биз тайёрмиз, дедик.

– Аслида фарзандингиз келажаги учун ҳеч нима қилмабсиз!

Йигитнинг отаси имом айтган сўзларнинг мағзини унчалик ҳам тушунмасдан, менсимайгина, секингина минғирлаб сўради:

– Сиз қандай сабабга биноан никоҳ ўқишни рад этяпсиз?

– Сиздан “Тўй қилиш учун тайёрмисиз?” деб сўраганимда данғиллама, ўта дабдабали тўй қилишни назарда тутмаган эдим.

– Хўш, унда яна нималарни назарда тутган эдингиз?

– “Фарзандимизни жуда яхши тарбия қилдик. Дин-диёнатли, оқни қорасидан ажрата оладиган қилдик. Ўқитдик, илм ўргатдик. Ҳунарли, ишли бўлди. Бир оилани боқа оладиган маошни оляпти, ҳатто ўз оиласидан ортиб, менга ҳам ёрдами тегадиган даражага етди”, дейишингиз керак эди. Ота-онанинг ўз фарзанди олдидаги энг асосий бурчиям шу эмасми?! Данғиллама тўй-томоша қилиш билан вазифангиз асло адо бўлмайди. Сиз аввал фарзандингизга эзгу тарбия беринг. Ўқитинг ва ҳунарли қилинг. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тушунадиган етук инсон қилинг. Кейин эса уни оқила қизга уйлантиринг. Ана ўшандагина мажбуриятингиз адо бўлади.

Имом энди келин бўлажак қизнинг ота-онасига юзланди:

– Сиз ҳам тўйга тайёрман, дедингиз-а?

– Ҳа, Сизнинг саволингизга худди шундай жавоб бердим.

– Сиз ҳам ҳали ўз қизингизни турмушга беришга мутлақо тайёр эмассиз. Кўрпа-тўшаклар ва қимматбаҳо мебеллар қизингиз турмушга чиқишга тап-тайёр деганиям эмас-да. Сиз ҳам сандиққа бетиним сеп йиғиш ўрнига, қизингизни ёшлигидан одоб-ахлоққа ўргатишингиз ва оқила қилиб тарбиялашингиз, пазандалик ҳамда бичиш-тикишни, куёвни қандай иззат-ҳурмат қилишни ва унинг ота-онасига қандай муомалада бўлиш илмларини ўргатишингиз керак эди. Қилган сарпо-мебелларингиз эса юз йил бир бурчакда тураверади. Лекин, қизингизнинг хулқи, одоби эса ҳар доим унга ёрдам беради, бахтга элтувчи йўл бўлади. Қани, айтинглар-чи, эр-хотин ёки қайнона-келин арзимаган нарсаларни баҳона қилволиб уришиб, жанжаллашаётганида, чет эл мебели оёқ чиқариб келиб, уларнинг ўртасига тушиб, бирор марта яраштириб қўйганининг гувоҳи бўлганмисиз? Ҳеч қайси бир макон ва замонда бўлмайди бунақаси. Фақат қизингизнинг одоби, ширинсуханлиги, ўйлаб иш тутиши ўша жанжалга барҳам беради. Демак, сиз ҳам тайёр эмас экансиз! Айтган сўзларимни ўйлаб кўринглар. Унга амал қилиб,

фарзандларингиз мен айтган фазилатларга эга бўлган чоғларида никоҳ ўқийман. Айни дамда бўлса сираям никоҳ ўқий олмайман. Иккала ёшнинг бир йилга бормасдан ажрашиб кетишларини ҳам асло истамайман. Никоҳ – муқаддас! Ҳаёт – данғиллама тўйлар, қимматбаҳо сарпо ва чет эл мебели, дегани эмас. Икки ёшнинг келажак ҳаёти сизлар учун орзу-ҳаваслар ушалиши, сохта обрўга эга бўлиш, фарзандлар келажагига "ўйинчоқ" деб қараш эмас!..

Юқорида бежиз имом-хатиб билан боғлиқ воқеани қаламга олмадик-да. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳам бу борадаги мурожаатидан муҳим парчасини эътиборингизга ҳавола этсак-да, сўнг суҳбатимизни айни келган жойидан давом эттираверсак, унча ҳам қарши бўлмасангиз керак: "Муҳтарам имом-хатибларимиз Худонинг йўлида холис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни энг аввало кимдан сўраймиз? Сиз, азизлардан сўраймиз. Шу борада эса барчамиз айнан кимдан ибрат оламиз? Сиз, азизлардан.

Айнан шунинг учун ҳам сизларнинг катта билимингиз, обрў-эътиборингизни инобатга олиб, мен сизларга, барча дин аҳлига, жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман: юртимизда тинчлик, омонлик ва осойишталикни сақлашда бизга ёрдам беринг.

Агар маҳаллангизда бирорта бола зарарли диний оқимларга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўллардан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболарнинг йўли эмас, бу нотўғри йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким ҳеч қачон асло кам бўлмаган деб, уларни айнан соғлом эътиқодга ишонтириш керак...

Йўлдан адашган болаларни дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз ва юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда улар қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса...

Бир боланинг йўлдан адашиши – бу нафақат бир оила, балки бутун жамиятнинг бошига тушган кулфатдир. Бундан аввало, ана шу болаларнинг ота-онаси, ака-укалари ва яқинлари жабр кўради. Бундай пайтларда уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини ҳам беш баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни эса ўзимизга ашаддий душман қиламиз.

Натижада нима бўлади? Кулфат камайиш ўрнига кўпаяди. Бошқа оилаларнинг тинч ҳаётига ҳам бостириб кириб боради...

Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болаларни “Бу – қўшнининг боласи, бошқа қишлоқ ёки туманнинг боласи”, деб лоқайд бўладиганларам орамизда йўқ эмас. Кимдир четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб юрган бўлса, баъзи бир раҳбарлар, у Фарғонадан эмас, Андижондан, Қашқадарёдан эмас, Самарқанд тарафлардан деб бепарво бўлмоқдалар. Лекин у Ўзбекистоннинг фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси-ку!..

“Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, дейди беҳад буюк алломаларимиз. Болаларимиз, улар тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбияни бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб юрмасак ва уларни замонавий илму ҳунарларга ўргатмасак, бу ўта бебаҳо омонатни бой бериб қўйишимиз ҳам ҳеч гап эмас...

Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган **“Ўз уйингни ўзинг асра!”** деган даъватга бугун **“Ўз болангни ўзинг асра!”** деб қўшимча киритиш вақти ҳам келди деб ўйлайман...

Баъзи йигит-қизларга меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларнинг онгида бефарқлик ҳамда масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар ҳам пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат...

Ёш оилалар орасида арзимаган сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб,

меҳр-эътиборга ғоятда ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолиб кетмоқда.

Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин ва эр-хотинлар ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасидаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда.

Шу ўринда яна бир нозик масала бўйича алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзан бу ҳаётда "ЗАГС", яъни, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида рўйхатдан ўтмасдан туриб, пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотиннинг устига яна хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди...

Ахир, тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган "никоҳ"дан туғилган фарзандларнинг тақдири ва келажаги нима бўлади? Табиийки, давлатнинг қонунлари бўйича улар кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолади. Хусусан, оталикни белгилаш, туғилганлик тўғрисида гувоҳномани олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб-улғайганидан кейин боғчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларида ҳам қанчадан-қанча янги муаммолар пайдо бўлади.

Энг ёмони, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли хил маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар эса, турган гапки, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб асло ҳис эта олмайди.

Ҳурматли, муҳтарам имом-хатиблар, сиз Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатни мутлақо кўрмасдан туриб, турли-туман бойваччаларга шаръий никоҳ ўқиб бераётганингизда худди мана шундай ишингиз оилаларга қандай бахтсизлик ва жамиятга қандай катта муаммо олиб келаётганини лоақал тасаввур қила оласизми ўзи?!

Ҳозирги кунда ҳаётимизда авж олаётган ана шундай хунук, ярамас ҳолатларга чек қўйиш мақсадида алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда (2017 йил 15 июнь). Бу қонунда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатга эга бўлмаган шахсларга шаръий никоҳ

ўқиган ҳар қандай муллага агар у валломат бўлса ҳам, жиноий жазо бериш кўзда тутилади”.

Президентимизнинг афсус-надоматларга тўлиб кетган фикр-мулоҳазаларини ўқиб чиққанингиздан кейин бир ибратли воқеани қоғозга туширмасагам бўлмайди. Гарчи кейинги пайтларда анча-мунча даражада камайганлигига қарамасдан, ўзингиз аҳён-аҳёнда бўлса-да, бунақа ташвишли ҳолатларга ҳам дуч келиб турибсиз.

“Қиз болани совчилари “қизиганида бер”, деган мақолга Она эрини ҳам бир амаллаб кўндирди. Мана, 16 ёшга тўлиб-тўлмаган ёш қизини бой-бадавлат хонадоннинг ўғлига унаштириб қўйиб, етти маҳаллага донғи кетажак тўйга тараддудланиб ўтирибди.

Совчилар, тоғора-ю саватларда келган патир-у ширинликлар ҳақидаги гап-сўзлар маҳаллага овоза бўлди. Бунақа гаплар бўлса, турган гапки, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси қулоғига ҳам чалинди.

Ҳар бир оила аҳволи билан яхши таниш бўлган маслаҳатчи унаштирилган қизнинг эндигина коллежга ўқишга кирганини ҳам билар эди. Ота-онанинг ҳаддан ташқари шошилаётгани бўлса уни ҳушёр торттирди. Бу масаланинг тагига етиб боришга астойдил бел боғлади. Қизни жувонмарг қилиб, уволига қолмайлик тағин, деган ўй ўтди дилидан. Чунки, аввалларида ҳам бир-иккита шундай ҳодисалар яхшилик билан тугамаганлигини у асло унутмаган эди.

– Ассалому алайкум, – деган овоз онани ўзига келтирди. У сўрида чордона қуриб ўтириб олиб, кўрпа-тўшак тикишга бутун вужуди билан берилиб кетганди. Она маҳалла маслаҳатчисининг нақ сўри олдига қадар кириб келганини эса сезмасдан ҳам қолди.

– Қизингизни унаштирганингиз ҳақида маҳаллада тарқалган гап-сўзлар ростми, мен буни нотўғри эшитмадимми, ишқилиб?

– Ҳа, энди тақдир-насиба дегандай, қолаверса, машойихлар ҳам вояга етган қизингни тезроқ эрга бериб юбор, дейишган экан.

Шундай қизнинг онаси бўла туриб, маслаҳатчининг гапига машойихлардан мисол келтиргани унга унча ёқмади. Маслаҳатчи бу масаланинг мушкулроқ кечишини астагина чамалай бошлади.

– Ўтган машойихларни қўйиб туринг-чи, ҳозирги замондаги таомил бўйича гаплаша қолайлик. Қиз болани 16 ёшда турмушга бериш асло мумкин эмаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку.

– Қиз бола бировнинг хасми-да, айланай, ёшлигида турмуш қурса, оилавий турмушга кўникиши осон бўлади, – деди она ҳам гап-сўздан қолмасдан. Айни пайтда эса маслаҳатчининг гаплари унга унчалик ёқмаётгани ҳам яққол билиниб-сезилиб турар эди.

– Қизим ўзга хонадонда кўз ёшларини тўкиб юрмасин, йўқ жойдан янгидан-янги муаммолар туғилмасин, десанглар, ҳалиям кеч эмас, келинг яхшиси, мана шу қарордан ҳам қайта қолинглар!

– Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а, маслаҳатчи опа, – деди она ҳайратлангандай. – Биз лафз қилиб қўйганмиз-да, қолаверса, қиз ўзимники, нима ишлар қилишни ҳам жуда яхши биламан, бунинг устига бўлса қизимнинг ўзи ҳам кўнган, аллақачон рози бўлган.

– Ундай қилишга йўл қўя олмаймиз, қонун бор, маҳалла-кўй бор. “Оила кодекси”нинг 17- моддасига биноан, қиз болалар 17 ёшга, ўғил болалар 18 ёшга тўлганларида оила қуриш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунинг устига эса, қизингиз эндигина касб-ҳунар коллежига ўқишга кирган бўлса. Мажбурий таълим деганиниям эшитганмисиз, ўзи? Шуни биласизми? Буларга амал қилмасангиз қонун олдида жавобгар бўласиз. Масаланинг бу томонларини ҳам ўйламабсизлар-да, – деди маслаҳатчи ниҳоятда қатъийлик билан.

Она бўшашди. Юзида қабул қилган қароридан пушаймонлик ва ўкинчга ўхшаган туйғу зоҳир бўлди. Маслаҳатчига тағин очиқ бирон-бир эътироз билдирмади-ю, лекин, қалбидаги маъқуллаган гапини ҳам айтмади. У иккиланарди, орзу-ҳавас деб қизгинасини эрта унаштиргани ҳам, қудаларга ота-она бирга берган лафз ҳам кўзи олдидан

бир-бир ўтди-ю, маслаҳатчининг қонун хусусидаги гаплари эса қулоғи тагида жаранглади. Онанинг ўйга толганини кўрган маслаҳатчи ҳам ўз фикрини якунлашга тараддудланди.

– Турмушни мушт, дейдилар. Оила фақат қувончли кунлар йиғиндиси эмас-да, аччиғи ҳам, чучуги ҳам бўлади. Ўз келинлик даврингизни ҳам бир эсланг, ахир, – деди маслаҳатчи. Тўйга эса шошилманг. Менинг айтган гапларимни эрингизга ҳам етказинг.

Кечқурун шу ҳақда эри билан гаплашгандан кейин улар анча вақт жим қолишди. Маслаҳатчининг қизларининг тақдири ҳақида куйиниши ота-онани таъсирлантирди. “Яхшиям маҳалламизнинг маслаҳатчисидай аёллар бор. Улар виждоннинг қоровулларидир”, кўнглидан ўтказди она. Хотинининг миқ этмай қолгани юрагини ҳам сиқиб юбордими, бу жимликни эри шартта бузиб юборди:

– Маслаҳатчи – ҳақ, шошмаслигимиз шарт, – деди. Қудалар билан гаплашиб, тўйни бир йилга кечиктирамиз. Унгача қизимиз касб-ҳунар ўрганади ва эпли қиз бўлади, – деди қатъий оҳангда.

Орадан олти ой ўтгач, эр-хотин маслаҳатчи опанинг чиндан ҳақ бўлганини тан олишди. 16 ёшда турмушга чиқиб, ҳомиладор бўлган қўшни қишлоқлик қизнинг кўз ёриши чоғида беҳад оғир жарроҳлик ҳолатини бошидан кечиргани ҳақидаги гап-сўзлар бу қишлоққа ҳам етиб келди. Чақалоқ нобуд бўлган, ёш она ҳаёти эса ғоятда қийинчилик билан асраб қолинган. Бу воқеадан хабар топган ўша ота-она оёғини қўлига олиб, ўпкасини эса қўлтиқлаб маслаҳатчи олдига чопишди. Улар маслаҳатчининг қатъийлиги учун чин дилдан миннатдорликларини билдиргани келишган эди.

– Опажон, Сиз бизни ўз вақтида огоҳлантириб, қизимизни улкан фалокатдан асраб қолибсиз, катта раҳмат, сиздан бир умр миннатдормиз, – деди она кўз ёшларини енги билан аста артиб...

Кичик изоҳ: Президент фармонига кўра, 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозими тугатилган. Эндиликда унинг ўрнига хотин-қизлар билан

ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, деган самаралироқ ишлаши мўлжалланган янги лавозим жорий этилган.

Энди ўзингиз ҳам кўп бора дуч келган, ва юқоридаги масала билан боғлиқ яна бир муҳим ҳолатни ҳам ёдга олмасак бўлмайди.

Яқин атрофдаги кўп қаватли уйлардан бирида “зўр” отинойи яшашини эшитгач, онаизорнинг кўнгли таскин топгандек бўлди. У “бахти бойланган” қизларнинг йўлини ланг очиб берар эмиш. Оёғини қўлига олиб, ўпкасини қўлтиқлаб, кўпчилик одамларнинг мушкулини осон қилаётган ўша хотин хонадонини суриштира-суриштира излаб топди. Учинчи қаватда яшайдиган отинойининг эшигига сира ҳам йўлаб бўлмайди. Турнақатор навбатни кўрган ҳожатманд, дарди ўзига етарли аёлнинг “капалаги учиб кетди”.

– Ким охири? – деб сўради норозироқ, зардали бир оҳангда.

– Мен, – деб аста жавоб қайтарди мўйсафиднамо бир киши.

“Хотин кишиларнинг олдида эркакларга бало борми? Демак, дуолари жуда кучли бўлса керак! Ишқилиб, гўзал қизгинамнинг тақдирида нима борлигини билиб берса бўлганида”, дея хаёлидан ўтказди “қизидан қутилиш” ва тўй дардига йўлиққан ўша жувон.

Чамаси икки соатлар ўтиб, аёлнинг навбати келди. Ичкарида ёши элликдан ошган, кўпни кўрган, фол очишнинг ҳадисини роса олган семизгина хотин ўтирар эди. Салом-аликдан кейин у савол назари билан ўзининг навбатдаги “клиенти” – мижозига қаради.

– Қизим ўн тўққизга қараб кетяпти, бир-иккита жойлардан совчилар келишди, аммо негадир йўли сира ҳам очилмаяпти-да.

Фолбин хонтахта устига қўйилган косадаги сувга қаради ва худди бир нималарнидир кўргандек бўлиб, унга аста юзланди:

– Қизингизнинг бахти бойланган, кўзимга катта-катта қулф кўринди, буни зудлик билан очиш керак, – деди аёл ўзига

чиндан нажот кўзлари билан мўлтираб термулиб турган суҳбатдошига.

– Ростданми, қандай қилиб? Буни ўзи ким қилган экан-а?

– Дўстингиз ҳам, душманингиз ҳам қилиши мумкин. Энди бозорга бориб, учта қулф-калит оласиз, уларни очмай туриб, учта жойга ташлайсиз, оқлик олиб, сувга оқизасиз. Худо хоҳласа, шу амалларни бажарсангиз, қизингизга яхши жойдан ато қилади...

Воқеага шарҳ: фолбиннинг хонадонидан чиқибоқ, қаҳрамон аёл шу амалларни қилган бўлса ўзига. Шу билан ўзини таҳликага солаётган муаммосига ечим топгандек вақтинча енгиллашар ҳам. “Ўқитиш”, “дам солдириш”, “иссиқ-совуқ қилдириш” ва “қаттиқ бойланган бахтни очиш” каби хатти-ҳаракатлар ўн тўққиз яшар қизнинг тақдирида қандай қилиб бурилиш ясай олади, ишонгинг келмайди. Ёшликнинг беҳад тотли дамларига эндигина қадам қўя бошлаган қизини узатиб юбориб, ўз эгасига тезроқ топширвориш ташвиши домига тушиб қолган онани оқлаш керакми ё қоралаш? Қўлимиздаги беш бармоқ баравар эмас, бири калта ва бири узун. Демак, бу саволга жавоб ҳам ҳар хил. Саволдан савол туғилади: нима учун айрим юртдошларимизда вояга етган ёки балоғат ёши остонасидаги қизларини эртароқ ўзга хонадонга узатиш, улардан тезроқ “қутилиш” ҳисси, фикри устунлик қилади? Бунинг илдизи, энг асосий сабабларининг ўзи қаерда? Бу ниҳоятда қийин саволга ўзимизча жўялироқ жавоб беришга бир уриниб кўрамиз-да, энди.

Тўғри, қиз бола бировнинг хасми, вояга етгач ва тенги чиқса, ўзга оилага узатилиши керак. Фикрлаш доираси тор, узоқни унча кўра олмайдиган ва фарзандининг тақдирига худди мол ё буюмни сотгандек қарайдиган ота-оналар борки, улар билан баҳслашиш бефойда. Ушбу тоифадаги кимсалар қадим-қадимдан шаклланган қиз болани эртароқ ўз эгасига узатсам, тинч ва хотиржам юраман, деган ақиданинг ғирт қулига, янада аниқроғи, малайига айланган.

Эски даврдаги қарашларнинг айрим замондошларимизнинг онгига мустаҳкам ўрнашиб қолганини сираям кечириб бўлмайди. Ўтмиш орқада қолди, бугун

тараққиёт туфайли ҳаддан ташқари шиддат билан ўзгариб ва янгиланиб бораётган турмуш тарзига бўйсунмасликнинг асло иложи йўқ. Энг аввало, жамиятимизнинг қонунларида аёл кишининг мавқеи ҳамда ролини ошириш, ўзаро тенгликни қарор топтириш устувор аҳамият касб этмоқда. Замона зайли шуки, оила қурган ёшлар “арава”ни бирдек тортиши керак. Дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг ҳаддан ташқари, беҳад тезлик билан кучайиши ва турли ахборот хуружларининг кескин тус олиши, маънавий таҳдидларнинг янада кучга тўлиб бориши оила деб аталмиш сирли қўрғон соҳиби – эрни қийнаб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Бундай шароитда унга бир умрлик жуфти ҳалоли кўмакка тап-тайёр турмоғи зарур. Агар аёл соғлом, бирор касб-ҳунарнинг эгаси, уддабурон, тадбиркор ва оқила бўлса, янги оиланинг тиргаги, устунларидан бирига айланади. Аксинча, бўш-баёв, муте, эпи ҳам йўқ, ишдан ҳориб келадиган эрининг қўлига оғзини очиб қараб ўтирадиган, бунинг устига фарзанд тарбиялаш учун етарли укув, малакага эга бўлмаса, ҳаётий мўлжални тўғри ола билмаса, фожианинг бари шундан бошланади. Бунақа хотин калласида тўй ва маъракалардан, сохта обрў топишдан бошқа ҳеч вақо бўлмайди. Унинг эрини бўлса “урди Худо” деяверасиз-да!

Ёруғ оламдан ўтган инсонларни эслаш – халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири ҳисобланади. Айнан шу боисдан ҳам Ота маконимизнинг бош қўшиғи – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясида бежиз “Аждодлар мардона руҳи” тилга олинмаган-да. Шу билан бирга ҳар қандай этнос, миллатларнинг вакиллари ўз аждодларини миннатдорлик билан эслаш ва уларнинг ҳурматини ўз жойига қўйишга интилади. Лекин, минг афсуслар бўлсинким, бугунги кунларга келиб ўша “эслаш” ҳам аслида тўйларга ўхшаб қолаётир. Турли хил маъракалар асосан диний одатларга биноан ўтказилиши сабабидан ҳам, ислом динида бу соҳада ўртаҳоллик, мўътадиллик ва мавжуд меъёрларга амал қилиш маъқулланади.

Кейинги бир неча йил мобайнида Ўзбекистон Мусулмонлар идораси томонидан ҳам марҳумлар руҳига бағишлаб қилинадиган турлича маросимлар, улардаги бидъат ва исрофгарчилик ҳақида, хатна тўйи, бешик тўйи каби

маросимларнинг келиб чиқиши ва уларнинг шариатга хилоф бўлган айрим хусусиятлари тўғрисида Фатволар ҳам қабул қилинганди. Аммо, жамиятдаги турли-туман маънавий хасталиклар билан бир қаторда ушбу фатволарнинг амалга оширилиши ва тўйларни сал-пал бўлса-да, “тузатиш” иши олдиндан кутилган натижаларга олиб келмади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг “Тўй-ҳашамлар, маърака-маросимлар...” билан боғлиқ 1998 йилнинг 28 октябридаги Фармонидан кейин бу идора 3 ноябрда янги фатвони қабул қилганди. Унда ҳам тўй-маъракалардаги ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик ва манманлик каби иллатлар қаттиқ қораланган. Фатво талабларининг 4- моддасида “марҳумлар дафнидан кейин одат тусига кирган 7, 20, 40, йил, ҳайит каби маросимларнинг шаръий эмас”лиги ҳам қатъий равишда белгилаб қўйилган.

Бизларга аждодлардан мерос барча анъаналардан миллий ва диний унсурларни ўзаро ажратиб олиш ниҳоятда мушкул. Буюк халқимизнинг турли-туман анъана, урф-одат ва маросимлари бир вақтнинг ўзида миллий, диний, этноконфессионал унсурларнинг ўзига хос мустаҳкам қоришмасидан иборатдир. Айни шу нуқтаи назардан қандайдир анъанани, бор-йўғи бизларга хуш келмагани боис, ўтмиш сарқити дея унга танқид найзасини ўқталганимизда тоғорадаги ифлос сув, мағзава билан бирга унинг ичида йиғлаб ётган ва ҳали покланишга улгурмаган чақалоқни ҳам улоқтириб юборишга уринаётганимиз эса ёддан кўтарилмаслиги даркор.

Худди шу сабабга биноан, Ўзбекистон мусулмонлар идораси “кўп жойларда... миллий анъаналар ва маросимларга оид диний кўрсатмаларни менсимаслик ҳолатлари жуда авжга чиқаётганини ҳам эътиборга олиб”... ҳамда “фатволарни ҳаётга татбиқ этишда совуққонлик кўрсатган ва раҳбарлик масъулиятига ўта лоқайдлик қилаётган имом-хатибларга нисбатан тегишли чоралар” кўриш масаласини назарда тутган. Ўзбекнинг турмуш тарзига баъзи бир жойларда кириб келган “янгича”, “исломий тўйлар” ҳам ҳозирча кутилган натижаларга олиб келмади. Чунки, диний саводининг савияси салгина “мундоқроқ” отинойилар бундай тўйларни қуруқ ваъзхонлик,

қуръонхонликка айлантириб юборишга бор кучлари билан уринмоқдалар. Айрим бир эътиқоди “ниҳоятда мустаҳкам” биродарларимиз бўлса тўйлардаги мусиқа, қўшиқ ва шеърхонлик сингари маънавий-маърифий удумларни “шайтоннинг найранги” сифатида эълон қилишга ҳамда уларга қарши кескин кураш олиб бориш кераклигига “даъват этиш” даражасига ҳам етиб бордилар.

Биз бундан деярли ўттиз йиллар аввал жумлаи жаҳон аҳлига баралла эълон ва мақсад қилганимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳамда очиқ ташқи сиёсатга эга, ҳуқуқий демократик давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги барча уринишларимиз иқтисодимиз ва маиший турмушимиздаги тош-метиндек қотиб қолган тушунчалар, икир-чикирларга урилиб, парчаланиб кетиши ҳам мумкин. Айнан шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти “агар чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, жуда улкан қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик”, деб даъват қилган чоғида даставвал маънавият соҳасидаги мураккаб ислоҳотларни назарда тутганди.

Минг афсуслар бўлсинким, халқимизнинг табиатидаги бир ёқларга оғиб кетиш хасталиги баъзан ҳаддан ошиши касаллигига ҳам айланиб кетади. Ҳозир майпарастлик сингари тўйпарастлик дардига йўлиқиб қолганмиз. Тўйдан тўйпарастликнинг жуда ҳам катта фарқи бор. Бизлар бўлсак тўйпарастлик билан фахрланиш даражасигача етиб келдик. Бу “олтин мерос”ни биздан кейинги авлод ғурур ва фахр-ифтихор билан қабул қилиб олиб, уни янада “бойитишни” хоҳлармикин? Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 3 августида билдирилган фикрни тағин қайтаришимизгаям тўғри келади: “Яқинда бўлиб ўтган “Камолот” қурултойида мен ёшларнинг оғзини пойладим. Бирорта йигит ёки қиз чиқиб, “Эй, дўстлар, тенгдошлар, биз уйланамиз, турмушга чиқамиз, деб ота-оналаримизни ниҳоятда қийнаб қўйдик. Келинг энди, уларни бундай оғир ташвишга қўймайлик, келажагимизни, миллатимизнинг шаънини ўйлаб, тўйларимизни камтарона ҳамда ихчам қилиб ўтказайлик”, деган гапларни айтармикан,

деб роса кутдим. Афсуски, улардан... ҳеч қандай фикр эшитмадим.

Тўй-маърака – бу фақат шахсий иш эмас, балки (ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик) ижтимоий масала ҳисобланади...”

Инсоният яралганидан буён барча маконлар ва замонларда “Оталар ва болалар” муаммоси мавжуд бўлиб келган. Аслида ҳам дунёнинг қандай бўлиши, унинг тараққиёти ёки таназзули 20, 40 ва 60 ёшли кишилар фикрлаш ҳамда турмуш тарзи мувозанатига бевосита боғлиқдир. Агар биз тўйпарастлик деган “мерос”ни XXI аср ёшларининг турмуш тарзига ҳам орзу-ҳавас ниқобига буркаб тиқиштиргудек бўлсак, урф-маросимларимизам кўпроқ даражада хотин-халажнинг ниятлари чўққиси бўлганлиги важидан “оналар ва болалар” муаммосининг туғилмаслигига кимлар кафолат бера олади? Ҳозирги ёшларнинг аксарият кўпчилиги биздан анчагина илғор, прагматик, рационалист, ўзининг келажагини ҳам биздан анча-мунча яхшироқ ва теранроқ тарзда тасаввур қила оладилар.

Инсоният тараққиётни турли даврларда, ҳар хил маконларда ва турли-туман ҳолатларда кўрган. Жаҳон тараққиётига бевосита дахлдор бундай ҳодисалар (цивилизация) масалан, Юнонистон (Греция, Эллада)да – нафосат ва санъат, Европада эса – моддиёт, қадимги Ҳиндистонда – дин, Туронзаминда ахлоқ (маънавият) шаклида вужудга келган ҳамда такомиллашиб ёхуд маълум бир даражада заифлашиб бораверган. Ғарбона яшаш тарзида “Мен” ақидасига риоя қилинса, Шарқда кўпроқ “Биз”га асосланилади. Шунинг учун ҳам Шарқда инсон учун цивилизация (тамаддун) моҳиятидан ҳам кўра кўпроқ унинг ташқи кўриниши, яъни шакли нисбатан муҳимроқ туюлади-да. Шарқ дунёсида ҳар қандай одам эмас (одам – биосоциал, инсон – соцбиологик мавжудот), айнан инсонларнинг олдида “маҳалла-кўй, эл-юрт, таниш-билиш, қуда-андалар... нима дейди?” деган савол доим кўндаланг тураверади. Бирон-бир анъана, урф-одатлар ҳамда маросимларнинг ўзгариши, трансформацияси (замонавийлашуви) ҳам ғоятда қийин кечади.

“Гап кўтармайди”ган кишилар эса “гап”га дучор бўлмаслик учун кўпчиликнинг ортидан эргашаверадилар, чунки “оч қорним – тинч қулоғим”, бирор “гап чиқмаса”, унга “гап тегмаса бўлди”. Унақалар “гап айланса”, ўз “гапини ичига ютиб” юраверадилар, ундан бошқасига бир амаллаб чидасаям бўлади. Бунақа тўйпараст кишилар эса “гапнинг тагига етишга” ҳафсала ҳам қилмайдилар, негаки, улар учун “кўпчилик” асл ҳақиқат мезони ҳисобланади. Аслида бўлса кўпчилик доимо ҳам ҳақ бўлавермайди, кўпчилик кўпчилик бўлгани туфайлигина кўпинча ғолиб чиқади, кўпчилик кўпчиликнинг фикрларини ифодалайди, холос. Башарият ўзининг минглаб йиллик оғир тарихи мобайнида айнан ўша кўпчиликнинг касофати туфайли ҳар хил бало-қазо, ғам-ташвиш, дод-фарёдлар, қонли қирғинларга дуч келган. Гарчи “гапнинг тагига етганлар”, кўпчиликнинг бахти учун ўз “жонини тиккан” инсонлар отилган, осилган, сўйилган, нимталанган, қирғин, сургун қилинган бўлса-да, айнан озчилик донолар, даҳолар ниҳоятда қаттиқ қаршиликка қарамасдан банибашарни – инсониятни тараққиёт томон судраб келаверганлар. Бугун мозийга жиддий назаримизни ташлагудек бўлсак, айнан ўша озчиликнинг сира ҳам ўлиб кетмаганлигига, уларнинг ҳамон ўзини тирик деб ҳисобловчи, аслида кун кечириб юрган кимсалардан ҳам тириклигига ҳамда ҳанузгача тараққиётга беминнат хизмат қилиб келаётганларига яққол гувоҳ бўламиз.

Ўзбекнинг “истиҳола ва андиша” деб аталмиш ажойиб бир сўзлари бор. Ўша андиша бир вақтнинг ўзида ўзбекнинг бахти ва бахтсизлиги ҳисобланади. Ўзимиз ҳам кўпгина ҳолатларда беҳад номақбул, инсонийликка мутлақо ярашмайдиган ҳолатларга дуч келиб қолгудек бўлсак, “кўзимиз асло кўрмай, қулоғимиз сираям эшитмай қолади ва ғирт соқовга айланамиз-қўямиз”. “Одамнинг юзи иссиқ ва кўз-кўзга тушади” дея айрим бемаъниликларни ҳам назаримиздан четроқда қолдирамиз. Кейин эса бизнинг кўзимиз тушган “кичкинагина” бир яра газак олиб ва мадда бойлаб, унинг оғир оқибатини кўрганимизда “эҳ, аттанг, ўша пайтда фикримни айтиб, уни огоҳлантирсам бўлар экан”, дея афсус-надомат қилиб, оқибатда эса унинг ғам-ташвишини биргаликда чекишиб юрамиз.

Ўзбек жудаям андишали, содда ва кўнгилчан бўлиши билан бирга иззат-нафсини баланд тутган халқ бўлганлиги туфайли ҳам ўз ўрни, мавқеи, қадр-қимматини ўта яхши билади. Ўзбек ҳамма қийинчиликлар ва мушкулотларга чидайдиган халқ, лекин унинг “гап ташиши” осонроқ, “гап кўтариши” эса ниҳоятда қийинроқ, бировлардан “гап эшитиш”, ўзи ҳақида “гап чиқиши”ни эса асло истамайди ва “жонини ҳовучлаб” туради. Қадрсизлик, шаънининг топталиши унинг учун ўлим билан баравар. “Оч қорним – тинч қулоғим” деган ақидага риоя қилади, йиғласа ҳам “қорнига эмас, қадрига” йиғлайди. Бу эса қорни унча тўймагани, яхши едириб, ичириб, кийдириб, сарпо-суруғ қилиб эъзозламаганига эмас, тўй-маърака, йиғин, кўпчилик олдида мени ҳурмат қилмай, назарига илмай, иззатимни қилмагани, қадримга етмагани ва одам ўрнида кўрмаганидан роса хафаман, деганидир. Ушбу ибора буюк ўзбек халқи руҳиятининг ўзига хос ихчам бир тавсифи ҳисобланади.

Тасаввур қилинг, кўз олдингизга ҳам келтиринг. Йигитнинг “юрагига ўт тушди”, унинг ҳаётида эса “кўз остига олиб” қўйгани ҳам пайдо бўлди. Уйида сал нарсага ҳам тажанглашиб, укалари, сингилларига дўқ-пўписа қилганича, пақирниям даранглатиб тепа бошлади. Оғзининг таноби қочган. Ўша қиздан бошқаси мутлақо кўзига кўринмайди. Қизнинг оиласини, таг-тугини, палагини ҳам суриштириш шартми? Тўй қилиниши даркорми? Керак ва зарур! Хўш, нима, ёшлар ФҲДЁ, халқона тилда айтганимизда ЗАГСга бормасинми? Боради-да! Келин бўлмиш “бели бақувват” оиладан экан, “баланд охурдан (росаям керагича тўйиб ва бўкиб) емни еб қўйган”лар. Ўзингиз ҳам, ўғлингиз ҳам ЗАГС тантаналарига бир неча анвойи машиналарда 25 – 30та ёш-яланглarни чулдиратиб-эргаштириб юришга асло, сира ҳам тоқатингиз йўқ. Лекин, келин бўлмишнинг беҳад нозик кўнгиллари айни шуни тусайди, “оғизга тушиш”ни жудаям хоҳлайдилар-да. Энди нималар қиласиз? Ҳали уйингизга етиб келмаган, чимилдиққа кирмаган келин боланинг раъйини синдирасизми? Тўй-томошалар бошланмай туриб “Куёв томон зиқна, ғирт нонемас ва қурумсоқ экан!” деган таъналар ва маломатларга чидай оласизми? Йўқ!

“Тенг тенги билан...”, лекин “бошим омон бўлса, дўппи топилади”, дейсиз-да “тишни тишга босиб”, “тишнинг кавагида сақланган” ғамламангизни ҳам “бош-кўздан садақа” деб шартта бир кунлик тўйга сарфлаб ташлайсиз. Тўйингизни “эл қатори” адо этишингиз шарт! Акс ҳолда, ўзингиз нақ катта бир “гапнинг тагида қолиб кетасиз”. Эл урфидаги тўйни қила олмасангиз, одамлар (аслида оломон) устингиздан кулади, қудалар билан сизнинг орангизгаям совуқчилик тушади. Андалар (қудангизнинг қудалари) ҳам сизга бемалол пастроқ назар билан қарашлари, мана шунга яраша муносабатда бўлишлари мумкин.

Энди эса сўз навбатини бу масалада катта ҳаётий тажрибага эса инсон, таниқли ёзувчи, драматург, олим, педагог, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовга берсак, янада ҳам аниқроғи, унинг қаламига мансуб “Шиорнинг моҳияти нимада?” номли рисоладан (Тошкент, “Маънавият”, 2012, 64 бет) бир беҳад ибратли мисол, сабоқни эътиборингизга ҳавола этсак:

“Бундан анча йил олдин икки бой-бадавлат ҳаммаҳалламиз қуда-анда бўлишди: бири ўн саккиз яшарлик ўғлини уйлантирди, иккинчиси эса ўн етти яшар қизини узатди. Катта тўю томошалар бўлиб, бир неча кун давом этди. Бир неча йил давомида келин-куёвлар иззатда бўлишди ва гўё жаннатдагидек яшашди, ҳеч бир нарсадан камчилик йўқ. Келин институтга киритиб қўйилди-ю, лекин ўқишга бора олмади – оғироёқ бўлиб қолган эди. Куёв ҳам университетдаги ўқишини ташлаб юборди. На касб орттирди, на ҳунарли бўлди. Бой отасию, бадавлат қайнотанинг даврида чет эл русумидаги қора енгил машинасини миниб, давру даврон суриб юраверди. Бу орада беш йилда тўрт фарзандлик – икки ўғил, икки қизлик бўлишди – келин бир йилда икки марта – орқама-орқасига фарзанд кўрди. Гўдаклар она сутига тўймагани сабабли нимжон, касалманд. Келиннинг ҳуснигаям путур етди, юзларига билинар-билинмас ажинлар тушди, ўттизга етмай “ўтин” бўлди. Қаримсиқ бўлиб қолаётган хотинидан куёвнинг кўнгли совуб, кимларгадир илакишаётгани ҳақида кўча-кўйда гап-сўзлар ҳам тарқалди...

Вақти соати етгач, балогардон ота ёруғ дунёдан ўтиб кетди, тоғдек суянчиқ қайнота ҳам бандаликни бажо келтирди. Ётволиб еганга тоғ ҳам чидамас деганларидек, оила моддий тарафдан анча қийналиб қолди, бунинг устига тўртала фарзанд ҳам ўта нимжон, нозикроқ, еган-ичганига қараганда дори-дармонга кўпроқ маблағ кетади. Келин эса аввалига ўзи бир пайтлари аъло баҳолар билан битирган мактабига фаррош бўлиб ишга кирди, лекин орадан кўп ўтмай, фаррошликнинг ойлиги камлик қилди шекилли, аризасига биноан шу мактабдан бўшаб кетди. Дунёда раҳмдил одамлар ҳам бор. Дугонасининг ниҳоятда аянчли аҳволидан хабар топган асли шу маҳаллалик, қўшни маҳаллага келин бўлиб тушган, институту аспирантураларни битириб, номзодлик диссертациясиниям ҳимоя қилиб, эндиликда доцент лавозимида ишлаётган дугонаси уни уй хизматчиси, яъни оқсочликка ёллаб олди. Бир пайтлари кимсан фалончи бойвучча келин эрталаб дугонасиникига уларга нонушта тайёрлагани шошилади, пешинда у ердан у-бу нарса олиб келиб, касалманд болаларидан хабар олиб кетади. Шомдан кейин елим халта кўтариб уйига қайтади. Собиқ бойвачча куёв аввалига унча-бунча ишга бўйин бермади. Кейинчалик рўзғорнинг ола хуржуни бўйнига тушгач, шахсий машинасида киракашлик қилди. Бирор марта таъмирланмаган машина тез орада шалоғи чиқиб, минишга яроқсиз бўлиб қолди. Яқингинада Эски шаҳардаги бензин қуйиш шохобчаларидан бирида машинага ёнилғи қуйиб ва харидорларга турли матолар таклиф қилаётганига кўзим тушди” (5 – 6- бетлар).

Ушбу ҳаётий воқеадан хулосани ўзингиз ҳам чиқара оласиз.

Бугун ўзбекнинг шарт-шароитлари камтарона, камчиқим ва дабдабасиз тўй қилишга унча ҳам тўғри келмай қолган, чунки:

– Оиладаги яккаю-ягона, арзанда ўғил (қиз) бўлса...

– Биринчи (охирги) марта катта тўй қилишлари бўлса...

– Эл-юртдан кам қилмасдан акасини уйлантирдик (опасини узатдик), энди буям хафа бўлиб қолмасин, боши хам бўлмасин...

– Мен (дадам, акам, укам, тоғам, амаким, ўғлим...) кимсан фалончи бўлса, пистон жойда роса катта амалдор, раҳбар бўлса...

– Хотиним қудаларимизнинг олдида (онаси олдида ва опаси олдида, синглиси олдида, анави “кўзини роса ёғ босган”, ҳаммани “оёғининг учида кўрсатадиган”, “оғзи катта” ўта ярамас қўшниси олдида, катта аммасининг ола-була бузоғи олдида) қандай қилиб бошини кўтариб юради, дўст-душман деганлари ўзи нима дейди...

Айнан, мана шунинг учун ҳам:

– Келин-куёв ЗАГСга борадиган бир хил ранг ва русумдаги машиналарнинг сони 15тадан сира ҳам кам бўлмаслиги шарт...

– Келин болачамизнинг ажабтовур тақинчоқлари орасидаги 4та узугидан 2таси, албатта, бриллиант кўзли бўлиши керак...

– Меҳмонлар сони 1000 кишидан кам бўлмаслиги даркор...

– Хонанда Эшмат бизга асло тўғри келмайди, қандай қилиб бўлмасин, ким воситасида бўлса ҳам бошкентимиз – Тошкентдан Тошматни олиб келиб, маҳаллани қойил қолдиришимиз зарур...

– Ишқилиб, душманларимизнинг ичи куйиб ўлиб кетсин!

Қарабсизки, “тўй тўйдай бўлиб ўтади” ҳамда кейинги тўйга қадар “маҳаллада дув-дув гап” бўладиям. Ҳаммасидан қизиғи ҳам шундаки, сиз тўйингизга таклиф қилган ҳар битта меҳмон сиз ўзи кимлигингизни, қандай одам эканлигингизни жуда яхши билади ва аллақачонлар сизга ўзича баҳони бериб қўйган ва бу мутлақо табиий. Шундай экан-ки, тўйингизда фаол қатнашганидан кейин одамларнинг сиз тўғрингиздаги фикри ижобий томонга ўзгариб кетиши, сизга нисбатан ҳурмат-эътибори ошишини кутиб ўтириш ҳам ўта ғалати эмасми? Сизнинг тўйингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари бўлмиш давлатлари вакиллари иштирокида тантанали тарзда ўтиб, халқаро телеканаллар орқали жумлаи жаҳон аҳлига намойиш қилинган тақдирда ҳам ёхуд бир хонада 10 кишининг иштирокида ўтганида ҳам, сизни ниҳоятда яхши таниган ва билган одамларнинг сиз ҳақингиздаги фикрлари эса

тирноқча ҳам ўзгармайди. Тўғри, сиз дабдабали тўй қилишни маҳкумлар худди озодликни орзулаганидек беҳад орзиқиб кутган бўлишингиз ҳам мумкин, албатта. Лекин, бошқа кишилар ҳам сизнинг тўйингизга шунчалик даражада аҳамият билан қарашини ҳамда қизғин муҳокама қилиб, сизни роса олқишлаб юришларини исташингиз қоғоздан ясалган гулнинг ҳидига бировларнинг роса маҳлиё ё маст бўлиб қолишини интиқиб кутиш билан баробар-да.

Одатда ҳар қандай одамни ўзгаларнинг чексиз қувончлари ва росаям қаттиқ қайғусидан кўра, ўзининг кундалик майда-чуйда ташвишлари кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун ҳам, бошқалар ҳақида кўпинча йўл-йўлакай, ўйлаб ўтирмасдан, фақат гап келиб қолган пайтлардагина гапирилади. Алқисса, бошқа одамларнинг биз тўғримиздаги гап-сўзларида бизлар учун ҳеч қандай янгилик бўлмайди. Эришган ютуқларимизни эса оломоннинг танқиди ёки мақтовлари билан ўлчаш бизга ортиқча хавотир ва безовталикдан бошқа бирон-бир нарсаниям бермайди. Шу сабабдан ҳам француз ёзувчиси Антуан де Риварол ҳақли равишда шундай деб ёзганди: “Биз тўғримизда гапираётган йигирмата одамдан ўн тўққизтаси ёмонлаб гапиради. Йигирманчисигина яхши гап гапиради, лекин ўша гапни ҳам тузук-қуруққина қилиб, яхшилаб айта олмайди”.

Ўзбекона тўйлар моҳиятида ўзга кишиларни меҳмон қилиш, едириш, ичириш, уларнинг қорнини тўйдириш орқали ўзгаларга амалдагидан яхшироқ кўриниш руҳияти ҳам мавжуд. Ўзбекнинг онгида бўлмаса ҳам шуурида, яъни онгининг остида ана шундай ҳотамтойлик руҳияти биқиниб, яшириниб ётади. Ўзбекнинг ўзи эса унинг мавжуд эканлигини пайқамаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолат эса, албатта, вақт-соати етиб, қудратли бозор иқтисодиёти машинаси ғилдираклари ва баҳайбат танкининг занжирлар остида мажақланиб, йўқ бўлиб кетишиям мумкин. Бундай иқтисодиётга асосланилган шароитда эса “ҳар ким ўзи учун, ёлғиз худо ҳамма учун” деган индивидуалистик ақида танҳо ҳукмронлик қилади.

Иқтисодиёт илми пойдеворигаям пишиқ ғиштлардан бирини қўйган алломалардан бўлмиш Адам Смит фикрича: “Ҳар қандай инсон табиатан табиийликни жудаям ёқтиради.

Ҳар қандай шахс бахил, фақатгина ўз шахсий манфаати йўлида фаолият кўрсатади ва бунинг натижасида эса жамият ҳам аста бойиб бораверади”.

Албатта, биз жумлаи жаҳоннинг аҳлига меҳмондўстлигимиз билан танилганмиз, бундан ҳатто ғурурланиб юрамиз ҳам. Ушбу ёзувларнинг муаллифи Тошкент (1975 – 1980) ва Қозон (1983 – 1986) Давлат университетларида таҳсил олган пайтларида ўнлаб немис, француз, испан, кубалик ва колумбиялик... оғайниларимиз ўзбекнинг бу хусусиятини умуман хазм қилиша олмагани гувоҳи бўлган эди. Уларнинг фикрини эса колумбиялик Хосе Рикардо де Ортяго де Бекарано (бизлар уни оддий қилиб Хосе деб атар эдик, Юсуф – Абу Муайяд, Умар Абу Уун, Қосим сингари араблар эса уни Ҳусайн деб чақиришар эди) менга соддагина қилиб шундай тушунтирган эди. “Бахтиёр! Сенинг ўзбекча ош дамлаб, биргина ўзинг маза қилиб еявермасдан, ўнлаб кишиларга бир ликопчадан улашиб юришинг бизга жуда тушунарсиз. Сен ўзи биздан нимани хоҳлашингни шартта айтиб қўяверсанг бўлмайдими? Бу ҳолат эса гўёки, болалар боғчасида ёлғиз қолиб кетган, ҳеч кимса у билан ўйнашни истамаётган ва хўрланган боланинг хатти-ҳаракатларига ўхшаб кетади. Сенинг қўни-қўшниларга ош тарқатиб юришинг, боғчадаги болалар мен билан ҳам ўйнасин, ўйинларига мени ҳам қўшиб олсин деган ниятда уларга чўнтагингдаги конфет, олма ва ёнғоқларни совға қилиб ва ялтоқланиб дўстликка интилаётгандек таассурот қолдиради”, деганди. Мен эса, ўзбекча жамоавийлик ва советларча “бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” деган принцип асосида тарбияланганим сабабидан ҳам унинг ва унга ўхшаш фикрловчилар эътирозини, худди улар каби, тушунишни хоҳламагандим. Хорижлик дўстларим Ғарбнинг ва бунинг устига бўлса бозор иқтисодиётининг фарзандлари эдилар. Устига-устак уларнинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз, қилган хатти-ҳаракатлари наф, фойда, манфаат деган тушунчаларга таянар эди. Бозор нима эканлигини бугун биз ҳам анча-мунча англаб етдик. Ҳақиқатан ҳам шўролар давридагидек, марказдагиларга ва ўзгаларга шундоқ бирон-бир наф, фойда, манфаатсиз едириш, ичириш ва

кийдириш ҳисобига сохта обрў-эътибор топиш, гердайиб юриш замони ҳам ўзининг умрини аста-секинлик билан бўлса-да, тугатиб бормоқда.

Жаҳонгир Наполеон Бонапартга тегишли ажойиб бир фикр сизнинг ҳам эсингиздан кўтарилмаган бўлса керак. “Мен жангда бой беришим мумкин, лекин вақтни сираям бой бера олмайман!” Албатта ўша Ғарб дунёсидаги “Вақт – бу пулдир”, деган тушунча бугун куртак ҳолатидан ғунча шаклига кириб, айрим кишиларда эса гуллаб ҳам бўлди. Эҳтимол, у бизлар бозорга янада чуқурроқ тарзда кириб борганимиз сари яшнаб кетар, маълум бир вазиятда очилмасдан сўлиб қолиши ҳам мумкин-да. Бизда вақтнинг қадри анчагина пастроқлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ҳар қандай тараққиёт жамиятда яшаётган одамларнинг мавжуд вақтидан қай даражада фойдаланишларига қараб ё юксак, ё паст бўлади. Шўро давлати иложи борича, агитация-пропагандanинг беҳад қудратли кучига таянган ҳолда, инсон ҳамда вақтни ҳеч қачон бир-бирига асло яқинлаштирмаган. Инсон вақтини аждаҳодек ютиб юбориш ва фуқаролик жамиятини (давлатни эмас) тараққий эттирмаслик учун бюрократия деган енгилмас, сира ҳам синмас, асло бузилмас машина тиним билмай ишларди. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, одатда қобилият ўлдириб ташланган жойда вақт ҳам, тараққиёт ҳам ўз жойида депсиниб, юролмай қолади ҳатто, ўлиб кетадиям.

Биз ўзбеклар азал-азалдан гап-гаштак ва улфатчилик одати қафасига қамалиб, тўрига илиниб, сиртмоғига бўйнимизни тиқиб олганмиз. Вақтнинг асл кушандаси бўлмиш гап-гаштаклар асли, неча ўн минг йиллаб ҳукм сурган ибтидоий жамиятнинг маҳсули ҳисобланади. Аждодларимиз эса бу хусусда ҳатто “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас...” мақолини ҳам яратганлар. Соатлаб, эрта тонгдан қаро тунга қадар дастурхон устида ўтириш, ёнбошлаб ётиш, гап сотиш ўзига хос тўй даражасидаям шаклланиб кетган. Одамларга кўпчилик томонидан бериладиган баҳолар ҳам кўпинча уларнинг тўйлардаги фаол иштирокига боғлиқ бўлиб қолган. Қўли узунроқ, бели бакувват ёхуд дасти калталар, тўйларимизда “қамишдек бел боғлаб” жон-жаҳди билан хизмат қилган

кишилар, гарчи қилган жиноятлари учун икки – уч марталаб “ўтириб чиққан” бўлсалар-да, “жуда яхши одамлар” ҳисобланади. Айни шу ўринда мавриди келиб қолгани туфайли ҳам XX аср ўзбек адабиётининг иккинчи устуни Абдулла Қаҳҳорнинг шу масалага дахлдор бир фикрини биргалашиб ўқиб чиқсак-да, кейин эса суҳбатимизни айни келган жойидан давом эттираверсак, унчалик қарши бўлмасангиз керак: “Порахўр, ўғрилар қўлга тушса, қамоқ муддатини битирганидан кейин “қутулиб чиққан” ҳисобланади, ҳолбуки, у элнинг кўзида энди қўлга тушган, бир умр бошини кўтариб одамларнинг юзига қаролмайдиган, озодлик бўлса унинг учун турмадан даҳшатлироқ бўлиши керак...” Ҳали бу даражага етиб келмаганимизни биласиз.

Лекин, мавжуд қонунларга миқ этмай бўйсунувчи, Ватанга содиқ фуқаролар баъзан давлат хизмати ё бошқа узрли сабаблар туфайли тўйларга келолмай қолган инсонлар кўпчилик назарида “жуда кеккайиб кетган”, “эл-юртни назар-писанд қилмайдиган” “ёмон одамлар”, “одамовилар” ва “яккамоховлар” ҳисобланади.

Минглаб ғам-ташвишлар ва фалокат-ҳалокатлардан қоп-қора сочлари қордек оқариб кетган Мозийнинг шоҳидлик беришича, юқорида қайд этганимиздек, кўпчилик доимо ҳақ бўлавермайди. Кўпчилик бор-йўғи кўпчиликнинг фикрини ифодалайди, холос. Тарихдаги минглаб талотўплар ўша кўпчиликнинг айюҳанноси, қутқуси, орзу-умидлари, нафси туфайли содир бўлганлиги билан боғлиқ юзлаб мисолларни ўзингиз ҳам бемалол келтира оласиз. Инсоният олами кўпчилик туфайли жуда кўп бора зор қақшаган, ўйлайдиган, орқа-олдига қараб юрадиган, фикрлайдиган озчилик эса башарият дунёнинг ўзига хос локомотивидир. Жамоатчилик фикри ҳали жамиятнинг фикри деганиям эмас. Айнан шу боисдан ҳам кўпинча одамга “кўпчилик” ва “озчилик”, жамоат ва давлат томонидан бериладиган оғзаки ва ёзма баҳо бир-бирига унчалик ҳам мос келмаслиги мумкин. Шу боисдан ҳам шоир ёзганидек, “Менинг кимлигимни эл билса бўлди”. Хулосани эса ўзингизам бемалол чиқара оласиз. Бу хусусда аввал фикрлашга

фурсатингиз етмаган бўлса, энди бир ўйлаб кўрсангиз, асло зарар кўрмайсиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан имзоланган ўша фармон матбуотда эълон қилинганига қанча йил бўлганлигини ўзингиз бемалол ҳисоблаб чиқа оласиз. Бу масала бўйича баҳс-мунозаралар ҳам айрим ҳолларда тўхтаб, баъзан эса янада қизғин равишда давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида эса тўйларнинг тағин ўнлаб хилларини, турларини "кашф" қилишга муваффақ бўлинди, улар бўлса, ўз навбатида юзлаб оилаларнинг белини синдиришга, минглаб оилаларнинг барбод бўлиши ва юз минглаб болаларни бўлса етимликка олиб келганлигини ўзингиз роса яхши биласиз. Оммавий ахборот воситаларида муаммонинг оқилона ва одилона ечимини излаб топишга бағишланган мақола, эшиттириш ҳамда кўрсатувлар сони юқори турткиси туфайли гоҳ тезлашиб, айрим ҳолларда эса бирмунча сустлашиб ҳам турибди.

"Барча муаммоларга маҳалла айбдор, асли хотинлар айбдор, ёшлар айбдор, санъаткорлар айбдор..." "Менам айбдорман" деган одам нақ анқонинг уруғи. Фармон бўлса барчамизга баб-баравар тааллуқли. Чунки, ҳар биримиз бунақа ҳодисаларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз, номаъқулчиликлардан ҳам яхши бохабармиз.

Энди буёғига нима бўлади ёки ўзи нималар содир бўлмоқда?

"Шуҳратпарастлик", "дабадабабозлик", "исрофгарчилик" ва "ўзини кўз-кўз қилиш", "манманлик" ботқоғига ботиб қолганлар Фармон эълон қилинган дастлабки пайтда вақтинча эл қаторига тушиб, "ҳалол меҳнат ва пешона тери билан тўплаган" маблағини маълум даражада бошқа ишларга сарфлай бошлаган эдилар. "Қўл учида кун кўриб" рўзғорини зўрға тебратаётганлар эса тўйларини бир амаллаб, қийналиб ва зўриқиб ўтказишда давом этмоқдалар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом"идаги Зиёдулла чавандознинг орзуси, агар асарни ўқиган бўлсангиз, ўзингизнинг ёдингиздан унчалик кўтарилмаган бўлса ҳам керак: "Қўчқордай-қўчқордай ўғилларим бор. Олтита унхалта майизни (айнан) шуларнинг

тўйига босиб ётибман! Бу қиш кучим етмайди, келаси йил қишда катта тўй бераман! Насиб бўлса!..”

Тўёна – халқ оғзаки ижоди биланам қоришиб кетган, асрлар силсиласи, вақт довонидан ошиб ўтиб келаётган бир анъанадир. Шунча йиллардан бери собит амал қилиб келаётган экан, унинг афзаллик жиҳатлари ҳам бисёр. У тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинадиган пул ёки кийим-бош тарзидаги ўзига хос бир совға ҳисобланади. Юртимизнинг турли ҳудудларида ҳар хил шаклларда намоён бўлса-да, аммо унинг энг асл моҳияти эса не-не замонлардан буён сира ўзгармай келмоқда.

Тўй шодиёналари ҳар бир оилага бахт, қувонч олиб келади. Тўёна қавм-қариндошлар ва яқин биродарларнинг қувончингизга шериклигининг ўзига хос бир нишонасидир. Баъзи бир жойларда тўйдан олдин кенгаш бўлади. Унда оиланинг яқинлари бир уйга йиғилиб олиб, тўйни қандай ўтказишни режалаштирадилар, барча тўй харажатлари учун ўз имкониятидан келиб чиқиб, бирон-бир нарса атайди. Кимдир гуруч-сабзисини, кимдир эса ичимлигини бўйнига олади ва мендан тўёна бўлсин деб, қўшиб қўяди. Бундай йиғинлар халқимиз аҳиллиги ва бир-бирларини қувончли кунида ҳам, оғир кунида ҳам қўллаб-қувватлашининг бир намунасидир.

Элга ош бериб, куй ва қўшиқлар билан икки ёшнинг бахти учун ёки тўйболанинг келажаги учун зиёфат ўтказишнинг ўзига яраша гашти ҳам бор. Хурсандлиги бутун оламга татигулик-куя, бироқ, унинг ташвишлари ҳам етарли-да. Саховатпеша халқимиз харажатларидан сира ҳам чўчимайди, шу ўринда исрофгарчилик ё увол нималигини яхши билишади. Тўёна бўлса уй эгаларининг бироз бўлса-да, оғирини енгил қилишга кўмак бериб юборади.

Фикрлар тасдиғи сифатида бир воқеани эсга олишгаям тўғри келади. Яқинда оғайнилардан бири неварасининг суннат тўйига бормаганимни гина қилиб қолди. Узримни сўрагач, “Тўй қандай ўтди, ташвишлар билан унчалик қийналиб қолмадингми?” дедим. “Мақтанишга йўймагин-у, ҳақиқатанам бир тўймисан-тўй бўлди, меҳмонлар ҳам миннатдор бўлиб кетишди. Ташвишларга келсак, яқинларимиз омон бўлсин,

тўёналарнинг ўзи тўйхона харажатини кўтарди. Ортиб қолганини эса бошқа нарсалар учун сарфладим”, – дея тўлиб-тошиб ва завқ билан бўлиб ўтган тўй ҳақида сўзлай кетди. Ўшанда ушбу удумимиз бежиз неча минг йиллардан бери сақланиб келмаётганлигига тағин бир бор ишонч ҳосил қилдим.

...Қўрда ўтирган меҳмонлар қўлига қалам-дафтарни кўтариб олган кишини ёнига чақириб, унга атаганларини узатади. Одатни билмаган четдан кузатиб турса, қарз беряпти ва ёзиб қўйишининг сабаби ҳам шу бўлса керак, деб ўйлайди. Лекин, тўёна қарз эмас, ҳамма ўз кўнглидан чиқариб, беминнат ҳадя қилади. Унда нимага рўйхат қилиняпти, дейсизми? Ахир, халқимизда бир ибратли сўз бор, “ҳисобли дўст айрилмас”. Бир куни шу меҳмоннинг ҳам тўй-шодиёна қилиши тайин-да. Аслини олганда, бу ҳолат тўғрисида турли-туман қарашлар мавжуд. Кимдир рўйхат қилишни нотўғри деса, тағин кимдир “бунинг нимаси ёмон экан?”, деб эътирозини билдиради. Менинг шахсий фикримча, ҳисоб-китобларни ўрнига қўйиш учун рўйхат қилишнинг сира ҳам ёмон томони йўқ. Айрим жойларда рўйхат қилиб ўтирилмайди, аммо, тўёна бериш удуми юртимизнинг ҳар бир бурчида ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Тўй қилиш умуминсоний қадриятлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари мавжудлигини эса ўзингиз ҳам ғоятда яхши биласиз. Уларнинг баъзилари бизнинг тўёнага роса ҳам ўхшаб кетади. Масалан, грекларнинг тўйларида келин-куёв рақсга тушаётган пайтини пойлаб турган меҳмонлар уларнинг кийимига ҳар хил миқдорда пул ёпиштириб кетадилар.

Польшада бўлса тўйга келган меҳмонлар келин-куёвни ўраб оладилар. Шу пайтда бўлса куёв келиннинг фатасини қўлга олиб, меҳмонларга тутади. Ҳар ким ўз атаганини фатага ташлайверади.

Қадимий анъаналарга беҳад бой Хитой мамлакатида келин-куёв тўйга келган меҳмонлардан совға сифатида турли хилдаги уй-рўзғор буюмлари ва пул солинган қизил конверт олишади.

Ҳа, тўёна минг йиллик одатларимиздан бири. Ҳадя ва туҳфа ҳар доим барчага қувонч олиб келган. Баъзида гувоҳ бўламизки, меҳмонлар тўйнинг эгасига зарбоф чопонни кийдиради. Керакли-кераксиз матолар, қўша-қўша тоғораларни айтмайсизми! Зарбоф тўн инсоннинг кўрки, нархи ҳам фалон пул туради, аммо, ундан мезбон бугунги базмдан кейин фойдалана олмайди-да. Сандиқлар тўрида, тағин кимгадир қачондир тўёна қилинишини “интиқиб” кутиб ётаверади-да. Шунинг учун унинг ўрнига тўй харажатига енгиллик келтирувчи пулми ёхуд ёш оилага асқотадиган рўзғор буюмлариними туҳфа этилса, кўнгилдагидек бўларди. Бир марта фойдаланиладиган нарсаларни эса ижарага олса ҳам бўлаверади.

Илоҳим, тўйлар тўйларга, шодиёналар байрамга, байрамлар айёмга уланиб кетаверсин. Тўйга тўёна билан-да, нима дедингиз?

Ўзбекни “Кўрпасига қараб оёқ узат”гани “эл одати” сираям йўл қўймайди. “Ўғил уйлаганга ўн йил, қиз чиқарганга қирқ йил тегма”слик даркор, лекин... Ўғил-қизнинг укалари ва сингиллари вояга етиб, уларнинг ортидан оёғини қўлга олиб, ҳаллослаб қувиб келишяпти. Ўзи орзудан яралган ўзбекнинг орзу-ҳавасининг чек-чегарасиям йўқ-да. Уларнинг ҳам “бошини иккита, оёғини тўртта қилиш” кейин невара, эвара ва чевараларнинг “қўлини ҳалоллаш” керак. Ўзбекнинг, агарда армони бўлса, у ҳам бевосита бўлажак тўйлар масаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлади-да. “Фалончи неварам билан пистончи эварамнинг тўйини кўриб ўлсам, асло армоним қолмасди”, дея Яратганга илтижо қиладилар бизларнинг нуроний (ўз умрининг 75 ёшидан ўтганлар) ҳамда умрбоқий (90 ёшдан ўтган) бобо-момоларимиз. Уларам вақти-соати етиб келиб “кўплар дунёси”, яъни “индамаслар олами”га кетишгач, фарзанд, невара-эваралар ҳам ўз аждодларининг руҳига бағишлаб “тўйлар” қилишлари даркор. Шундай қилиб, бугунги кунларда ўзбекнинг ҳаёти турли-туман тўйларнинг узилиши беҳад даражада мушкул ва ғоятда узун ворисийлик занжиридан иборат бўлиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев зиёлилар билан бўлган учрашувда ҳам кўпчиликка қараб иш тутишимиз ва дабдабаларга берилмасдан тўйларимизни ҳар бир оиланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тартибли, ихчам ҳамда мазмунли ўтказишни алоҳида таъкидлаган эди. Ростдан ҳам катта тантаналар у ёқда турсин, оддийгина меҳмондорчилигам баъзиларни ўйловга солиб қўяётган бир пайтда данғиллама тўй қилиш қанча харажат талаб қилишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Тўй ниҳоятда хайрли ишларимиздан бири, лекин катта-катта қарз кўтариб ва соғликдан айрилиб, малол келиб қилинган тўй шариатимиз, қонунларимиз, урф-одатларимизнинг ҳеч бирига тўғри келмайди. Ўртаҳолгина оилалар учун бир кунлик тўй ўн йил, ҳатто бир умр, балки узоқ мусофирчилик ва муҳтожликда яшашга сабаб бўлмаяптимикан? Улар кеча-кундуз меҳнат қилиб, унинг роҳатини кўриш ўрнига умри қарз тўлаш билан ўтаётганлиги беҳад ачинарли ҳол. “Элга дастурхон ёзмасам бўлмайди”, “ўзбекчилик” деб ўзини даврага ураётганларни-ку қўя туринг, баъзан ақли расо одамларнинг ҳам тўйни деб ортиқча исрофгарчиликка йўл қўяётганларига ҳайрон қоласан киши. Ўзингизам бир тасаввур қилинг-а, бир тўйда сарф қилинадиган маблағнинг энг камида юздан саксон фоизи фақат ейиш ва ичишга кетади. Бунинг устига келин-куёвга бериладиган сарполар, дастурхончилик, сотиб олинган мебел-анжомлар ҳамда тўйхонада ҳар бир киши бошига тўланадиган харажатларни бир чўтга соладиган бўлсак, одамни ақлдан оздириши ҳам турган гап.

Ҳозирги шароитда беш-олти юз кишилик тўйхоналарда элга улкан тўй бериш шартми? Не-не машаққатлар билан тўпланган оила “бюджети”ни бир кунлик тўйга совуриб юбораётганимизга асло ачинмаймиз, аммо айни шунинг орқасидан довруқ қозониш қачондан буён обрў-эътибор саналиб қолди? Юқорида ҳам қайд этилгани каби, “Биз девонами? Биз таклифдан ташқарими? Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!” деб ҳақ масалани ўртага қўйганлар Беҳбудий бобомиз. Бировлардан қарз олиб ёки фарзандларининг ризқидан чегириб, йиғиб-йиғиб 10 йил тўплаганини бир кунлик тўйга сарфлаб юбориш чинакамига ақлсизликнинг бир

далолати эмасми? Тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида давлатдан олган кредитини тўйга сарфлаб, қўшимча фоизини тўлай олмай сарғайиб ва қисиниб-қимтиниб юрган кишилар қанчадан-қанча!..

Тағин бир нозик масала, бу – келинлик либоси билан боғлиқ. “Қиз боланинг жамики бойлиги – унинг номуси, бу бойлик ҳар қанча меросдан ҳам қимматлироқдир”, деган эди ўзингизам жуда яхши танийдиган ўта буюк Вильям Шекспир. Нақадар жозибадор айтилган бўлса-да, шоир ва драматургнинг ушбу таъриф-тавсифи айни ҳақиқат. Узатилаётган қиз умрида бир бор оппоқ келинлик либосини кийиб олиб, уни гулдек ўта авайлаб парвариш қилиб ўз “эгаси”га эсон-омон топшириш бахтига ноил бўлган ота-онасини эл-юрт олдидаям шарафлайди. Бунинг сира ҳам ёмон томони йўқ, лекин келинларимизни уч-тўрт соатлик “малика”га айлантириш эвазига мўмайгина пул ишлаб олаётганлар ҳам қудалар ўртасига совуқчилик тушишига сабаб бўляптилар. Келин кўйлакнинг ўзи фалон пул туришини ўзингиз ҳам жуда яхши билсангиз керак, бу эса куёв тарафдагиларни анча-мунча ташвишга солиши табиий.

Келинг, шу ўринда мавриди келиб қолгани боис, Президент Шавкат Мирзиёвнинг 2017 йил 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида ҳам афсус-надоматлар билан ўз дилидан тилига чиқаришга мажбур бўлган фикрини ёдга олсак: “... айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар ва маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ҳам ўйлаб топяпти. Буларни (ва шуларга ўхшаш бошқа воқеаларни) эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ўз ёқасини ҳам ушлаб қолади.

Мана, Тошкентдаги тўйларда “келиннавкар” деган янги бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси ўз қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хилда кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқиб келяпти. Ёшларимиз кимдан ўрганяпти буни?”

Тағин юқорида айтилган келин кўйлак муаммосига қайтсак.

Мана шунақа келин кўйлаклардан бирини деб бир келинчак ўз тўйида ҳушидан кетиб қолди. Бўлиққина қизни нозик қилиши учун оқ либосини корсет билан шунақанги тортишганки, тўйнинг ярмида келин-куёв рақсга тушаётган паллада келинчак даврада ҳамманинг кўз олдида ҳушидан кетиб қолди. Бир пасда тўйхона тўс-тўполонгаям айланди. Кимдир дастурхон устига сакраб чиқиб олган, яна бири бўлса томоша қиламан, деб ноз-неъматларга тўла столни тўнтариб юборган... “Тез ёрдам” машинасиям етиб келди. Келинчак шу заҳотиёқ шифохонага олиб кетилди. Суриштирилса, келинчак кун давомида ўз гавдасини қисган корсет билан боғни айланган ва бетиним суратларга тушган. Никоҳ кечага келиб эса ҳоли қолмаган, жуссасини қисиб турган оқ либос келинчакнинг баданини моматалоқ қилиб, корсетининг темирлари эса танасига ботиб кетган. Бечора бир ўлимдан қолди, ва нақ бир йил деганда тузалди. “Элнинг оғзига элакни тутиб бўладими?” Никоҳ кечаси куни шифохонага тушган келинчакни хуморидан чиққунча миш-миш қилишди. Куёв бола бўлса тўйдан кейин унча кўп ўтмасдан бошқатдан катта ва дабдабали тўй қилиб ўзга ёрга уйланиб олди. Шифохонадан ота уйига қайтиб келган қиз эса чимилдиқ кўрмай бева қолди. Каттагина бир мансабдорнинг ўғлига қизини узатиб, гердайиб юрмоқчи бўлган ота-онанинг орзу-нияти сабабидан ҳам ушбу тақдир чала бўлиб қолди. Гавдаси тўла қиз ўзига оқ кўйлак ярашмаслигини минг бора айтсаям ота-онаси, амма-холаларининг қистовлари билан уни кийишга рози, янада ҳам аниқроғи, мажбур бўлган. Бошингизни чангаллаб, ўйлаб қоласиз, агарда, қиз бола этлигина бўлса, унга миллий либосни кийдирса ҳам бўларди-ку! Аммо, минг афсуслар бўлсинки, европанинг оқ либоси қизгинага узоқ кутилган бахт эмас, чинакамига қора кулфатни олиб келди.

Ўзингиз ҳам ўша оппоқ либоснинг қора қилмишлари ҳақида керагича ва ҳатто керагидан ортиқ ибратли мисолларни бемалол келтиришингиз мумкин. Бир тўйда ота-оналар келинчакни оппоқ либосда кўргилари келиб қолди. Унга жудаям қиммат, чет элники бўлган ярми очиқ кўйлакни танлашди. Қишлоқ қизи эмасми, бу кўйлакни даврага кийиб

чиқишни ўзига эп кўрмасдан ўз онасига бошқа кўйлак танлаши ҳақида айтди. Аммо, қишлоқдан шаҳарга келин бўлиб тушаётган қизини ҳаммага кўз-кўз қилишни кўпдан бери орзу қилиб юрган она кўзига кўйлакнинг очиқ-сочиқлиги ҳам мутлақо кўринмади-да. Қайнонанг танлаган кўйлакни киясан, деб ўз қизини жеркиб берди. Ноилож қолган қиз кўйлакни кийиб никоҳ кечасига борди. Оқ кўйлак елкаси ўта очиқ бўлиши билан бирга, этаги ҳам ниҳоятда кенг эди-да. Куёв ва келин бир амаллаб тўрдаги бахт супасига чиқишди. Тўйга келганлар эса келиннинг яланғоч баданидан сира кўз узиша олмас эди. Таниган-танимаган йигитлар, эркаклар галма-гал келин-куёв билан суратга тушишга шайланди. Ўзини беҳад ноқулай ҳис этаётган келинчак бошини ердан асло кўтара олмади. Мағрур қаддини ростлаб турган куёв бўлса суқсурдай келинчак ёнида бош эгиб турганидан гердайди. Бироқ, ёнидаги ёрининг бегона, суллоҳнамо назарлар найзасидан қийналаётганини мутлақо сезмади. Келинчак ёнидаги дугонасига шивирлаб, бошимни ёпган шарфни олиб келгин, илтимос, деди. Дугона шарфни олиб келиб, келинчакнинг елкасига ёпиб қўйди...

Самарқанд шаҳридаги “Лолазор” МФЙнинг раиси Ҳасан Турсунқулов “Ҳуррият” газетасида (2017 йилнинг 6 сентябри) чоп этилган “Тўй биттаники – ташвиш ҳамманики” сарлавҳали давра суҳбатида афсус ила шундай мулоҳазаларни билдирганди: “Бизнинг Самарқандда куёвга сомса юбориш маросимиям аслида ким ўзарга айланиб кетган. Бу жараёнда қиз томонидан ҳар бир фаслга мослаб куёвга совға сифатида юборилаётган турли-туман сарполар, парфюмерия буюмлари ва қайнона-қайноталарга олтин тақинчоқлар, катта лаганларда сомса, ширинликларнинг адоғига ҳам ета олмайсиз. Бундан ташқари бўлса, келин томондан тикиб келинадиган парданинг ўзигина беш-олти миллионга айланади, мебелу уй анжомларининг қаерда ишлаб чиқарилгани-ю, не-не машаққатлар эвазига келганини гапирмаса ҳам бўлади. Катта тўй қилиб, халқда сохта обрўни орттириш миллий қадриятларимизга хилоф иш. Келин турмуш ўртоғининг уйига ётоғидаги тўшагига қадар олиб бораётгани эса

йигитларимизнинг ҳамиятига тегмай қўйди. Наҳотки, уларда йигитлик шаъни ҳам шунчалик даражада сусайиб, пучайиб ва йўқолиб кетган бўлса?! Мен кўпинча ўйлаб қоламан: боқимандалик, тобелик, лоқайдлик ва қарамлик қаердан пайдо бўляпти? Балки фарзандларимизга ҳамма нарсани муҳайё қилиб, уларни аста-секин боқимандалик кайфияти билан яшашга шароит яратиб берганимиздадир? Куёв ҳали бирон-бир ишнинг бошини тутмаган, келиннинг қўлида эса ҳунари йўқ, ўзи болали бўлганидан кейин ҳам еб-ичишидан тортиб, то кийим-кечагигача ота-онаси бўйнида тошдек осилиб турса, бу нима деган гап ўзи?

Хуллас, уй-жой, тўй, сарпо-суруқ ўз йўлига, лекин оилавий ғамхўрликнинг ҳам чек-чегараси бўлиши керак-да. Оналаримиз фақат эри билан талашиб-тортишиб мол-дунё тўплагунича, ўғил-қизларига тарбия, билим беришни ва касб-ҳунар ўргатишни ҳам ўйлаши даркор-да. Данғиллама тўйлар қилиб, икки-учта келинни торгина ҳовлига тушириб, ўзлари уйнинг бир бурчагида қисилиб яшагунича, шу сарф-харажатларни ўғил-қизларининг ҳар бирига алоҳида уй-жой қилишга сарфласа бўлмайдими? Шундаям битта тўйнинг ўзидаёқ энг камида бир-икки хонали уйнинг пули кетиб турибди-ку! Шу билан ҳам иккала ёш ўзларидан тинчиб, шунча нарсанинг қадрига етса, қани? Маҳалламиздаги бир ёш оиланинг ажралиб кетишига нима сабаб бўлганини айтсам, хоҳ кул, хоҳ ўл, дейдиган одамнинг ўзиям йўқ. Ораларидаги тортишув арзимаган сабаб била чиққан. Келин турмуш ўртоғига: “Диванимизга қаттиқ ўтирманг, бунга дадажонимнинг пули кетган”, деб таъна қилган. Куёв бунга чидолмасдан буюмлари билан хотинини отасиникига жўнатиб юборган. Қаранг, биргина “сеники – меники” орқасидан қанчадан-қанча муаммо, дилхираликлар ҳам келиб чиқяпти”...

Бизлар фақатгина мозий, ўтмишимиз эмас, ҳозирги, бугунги кунимиз ҳақида ўйлашни ва уни таҳлил қилишни, оқилона ҳамда одилона баҳолашни, бу хусусда баралла гапиришни ҳам ўрганиб олмоғимиз шарт. Чунки, баъзи инсонлар яшаётган, айримлар кун кечираётган бу ёруғ дунёнинг ўзи, аслида, бир кундир. Ўша кун эса айнан бугундир.

Токи ҳозир, бугунги тобора глобаллашаётган дунё ҳамда давр ҳақида холис ва чуқур, теран фикр-мулоҳазалар юритишга одатланмас эканмиз, ўз онгу шууримизни ўзгартириш йўлидаги барча хатти-ҳаракатимиз ҳам гўё сувни толқон қилиш сингари бемаънилик ва хор-зорлик билан якун топаверади-да...

Қадим-қадим замонда бир олимнинг ғоятда тиришқоқ, жуда иқтидорли шогирди бўлган экан. У тунни тун, кунни кун демай, устози берган топшириқларни елиб-югуриб бажарар экан. Орадан бир йил шу зайлда ўтгач, устози шогирдидан юз ўгириб, ҳайдаб юборибди. Бошқалар эса бундан росаям ҳайрон. Наҳотки шундай меҳнатсевар, келажаги ниҳоятда порлоқ йигит шундай адолатсиз жазога лойиқ бўлса, деб таажжубланишибди. Олим бўлса уларга шундай жавоб қилибди: “Аслида, у бундан баттарига ҳам лойиқ эди. Ҳозирга қадар унинг айни шу меҳнатсеварлиги учунгина аяб келаётган эдим. Шогирдимни ҳайдаб юборишимнинг асл сабаби ҳам шундаки, у ҳеч қачон ўйламайди, мутлақо фикрламайди”...

Оламдан ўтиб кетган шўролар замонида ҳам иложи борича фикрламайдиган, яна ҳам аниқроғи, фақатгина берилган буйруқ- топшириқларни кўр-кўрона бажаришдан бошқа нарсаларга асло ярамайдиган ёшлар тарбиясига асосий диққат-эътиборни қаратиб келинганди. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, руслар айтганидек, “бундай кишилар билан ҳеч қачон разведкага бориб бўлмайди”, ўзбекчасига бўлса, улар ғирт дардисар, ва бунақа кимсалар билан сал-пал узоқроққа бориб, “Тўйпепадан нарига ўтиб бўлмайди”.

Ўзбекларнинг психологияси, дунёқараши ва яшаш тарзидаги турли-туман камчилик ҳамда қусурларни бартараф этмай туриб, олға силжишимиз анча даргумон. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги барча уринишларимиз ҳам иқтисодимиз ва турмуш тарзимиздаги иллатлар ва қотиб қолган тушунчаларимизга урилиб, парчаланиб кетишиниям ҳеч биримиз истамасак, хоҳламасак керак. Одатда узоқ сафарга отланадиган одам ўзи билан фақат энг зарур нарсаларнигина олишга ҳаракат қилади. Ўзбек ҳам боқий йўлнинг бошида турган буюк халқдир. Истиқлолнинг

дастлабки йилидаёқ Биринчи Президентимиз ҳам “Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз”, деб таъкидлаган эди.

Ўзбек халқининг беҳад буюк достони бўлмиш “Алпомиш”да “Бўшалса, ўзади ўзбекнинг оти!” дейилади. Ўзбекнинг чопағон отини чинакамига банди этган энг катта ва мустаҳкам, узилиши бағоят қийин занжирлардан бири унинг тўйларидир. Ўзбекнинг дарди-ғамида куйиб-ёниб “мардона руҳи” эса бизга ёр аждодлар сафига қўшилган аллома Ғайбуллоҳ ас-Салом беқиёс алам билан шундай деган ва ёзган эдилар: “Эвоҳ, ўзбек бўлиш нақадар оғир! Ўзбекнинг ўпгани – туянинг тепгани. Унинг тўйи билан азасини Худо асло кўрсатмасин. Одамни кафангадо қилади. Ўзбекчилик бошга битган бало!...” Агар диққат билан ўқиб ва уқиб, фикрлаб кўрсангиз, дунё тан олган Ўзбек таржимашунослик мактабининг отаси томонидан билдирилган юқоридаги бу хулосада олам-олам маъно яшириниб, биқиниб, писиб ётганлигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Оскар Уайльднинг фикрига биноан, “Хавфли бўлмаган фикр, аслида уни фикр деб аталишига ҳам мутлақо арзимайди”.

Ўзбеклар “Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор” деганларидек, ўзбек алломаси айтган ва ёзган фикр ҳаммага ҳам ёқавермайди, чунки у жудаям аччиқ. Ғайбуллоҳ отанинг шогирди Сайди Умиров билан ҳаммуаллифликда битган “Толибнома” асаридан ўрин олган яна бир фикри билан танишиб қўяверсак, асло зарар қилмаса керак. “Бу дунёда бизнинг одамларчалик болажон халқни топиш қийин. Фидойи ва заҳматкаш, меҳрибон... халқ бизнинг халқимиз. Айни вақтда эса ёш авлодга энг... бепарво халқ ҳам айнан биз бўламиз”. Шу боисдан ҳам ул зот бизларга қарата “Миллатинг нима?” деб сиздан сўраб қолсалар “Ўзбек!” деб айтишдан сира ҳам уялманг. Аммо... яҳудий бўлинг!” дея баралла хитоб қилган эдилар...

“Жамият” газетасининг 2017 йил 27 августида босилган Зафар Ҳошимов қаламига мансуб “Бир кунлик тўй. Бир кунга ҳаммага яхши кўриниш” сарлавҳали мақола ҳам сизларни ҳеч бефарқ қолдирмаса керак, деган ўйда эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Ундан хулосани чиқариш ҳам ўзингизга ҳавола:

“Англияда бирга ўқиган икки дўстимнинг икки, турлича ўтган тўйларини ҳам жуда яхши эслайман. Уларнинг иккови ҳам худди ўша мамлакат – Англиянинг фуқаролари эдилар.

Булардан бири беҳад даражада бадавлат зодагон оиласи фарзанди, бошқасининг келиб чиқиши эса оддийгина мактаб ўқитувчилари сулоласидан эди.

Биринчисининг тўйи Лондон шаҳри теварагидаги ўша тўй эгаларининг оилавий қасрларида ўтказилиб, уч кунгача давом этди. Асосий маросимда 400 нафарга яқин меҳмон қатнашди. Магистратурада бирга ўқиган яқин дўстлар қаторида мен ҳам мана шу тўйда иштирок этдим. Уч кун маросим-у зиёфатлар, асосий кечага бўлса ҳатто, қироличанинг оиласи аъзоларидан бўлмиш Кент шаҳзодаси ҳам ташриф буюрган эди.

Айнан шу жойда, айтиб ўтишим керакки, ҳатто шу каби зодагонларнинг зиёфатларида ҳам бизларнинг тўйлардагидек, столлари ейиладиган-ейилмайдиган овқатлар билан тўлдириб ташланмайди. Балки ҳар бир меҳмонга дид билан ўз меъёрида алоҳида салат, икки хил таом ҳамда десерт вақти-вақти билан тортилади. Бошқа пайт эса столлар марказида фақат чиройли гулчамбарлар билан безалган ҳолда, ҳар хил ичимликлар учун фужерларни инобатга олмасак, бўшлигича туради. Умуман, столларни бизнинг тўйлардагидек ясатишларини мен бошқа ҳеч қаерда, ҳеч қачон кўрмадим. Худдики, меҳмонлар бир ой овқатланмасдан, очликдан силласи қуриб, бизнинг тўйимизга қорин тўйдиргани келади, деган тахмин билан стол ясатамиз.

Хуллас, ҳалиги тўй эртаклардагидек қадимий қасрда ўта дабдабали равишда ўтди, лекин, бизнинг тўйлардаги сингари каби юракни эзадиган исрофгарчиликка ҳеч гувоҳ бўлмадим.

Орадан бир йилча ўтар-ўтмасдан, шу иноқ дўстларимдан иккинчиси ҳам ўз тўйини нишонлади. У тўй эса Лондоннинг шимолидаги ихчамгина кафеда, кўпи билан 40 – 50 меҳмон иштирокида чиройли тарзда

ўтказилди. Яқинда ўта дабдабали тўй ўтказган “аристократ” дўстимиз ҳам ўз қаллиғи билан шу тўйда қатнашишди. Ушбу тўйларнинг иккинчиси ҳам ниҳоят даражада хушчақчақ ўтди. Ҳаммамиз бу дўстимизнинг бахт кечаси баҳонасида дийдорлашиб, мириқиб отамлашиб, ўйнаб-кулиб, маза қилиб ўтирдик. Айтмоқчи, ўша иккала тўйда ҳам, бизнинг тўйлардан фарқли равишда, одамлар ўзаро гаплаша оладилар ва бемалол бири-бирлари овозини эшитишади ҳам.

Бу икки тўйнинг қай бири яхшироқ ўтди, деб таққослаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Ҳозир менга шу саволни берсангиз, мен ҳаттоки жавоб ҳам бера олмайман, фақат бир нарсани эслайман, холос: биринчи тўйда ўрнатилган дресс-код (эълон қилинган кийинишнинг қоидаси) бўйича токсидо, яъни смокинг кийиб, бўйнимга эса бабочка тақиб юришимга тўғри келди. Мен аслида бўйнимга ҳар хил галстук-бабочкаларни тақишни ўлгудек ёмон кўраман, улар мени бўғгудек бўлади.

Хуллас, икки турли хил тўй ҳар хил тарзда ўтди, иккови ҳам биз меҳмонлар учун самимий қувонч, шодликни бахшида қилди, ҳар икки тўйнинг соҳиблари ўзбегимнинг нақли билан айтилганида, “ўз кўрпасига қараб” қувончларини улашишди.

Айрим бир ҳоллар, хусусан, тўй-маъракаларимизда, орзу-ҳавасларимиз ортидан эргашиб, ўзимизни боримиздан-да бой-бадавлатроқ кўрсатишга ҳаракат қилиб қўямиз. Аслида бўлса, бу ҳунарларнинг барчаси фақатгина ташқи сийрат, холос. Бу ҳаётимизга ҳеч қандай манфаат ёки афзаллик олиб кирмайди. Магар, жуда машҳур инсон бўлмасак, бу каби олифтагарчилик ва кўз-кўз қилишимизнинг айнан ўзимиздан бошқа ҳеч кимга мутлақо қизиқ жойи ҳам йўқ. Фақат кулгили бўлиши мумкин, айниқса, бизнинг аҳволимизни яхши билган инсонлар учун.

Одамлар эса роса ҳам борса, “жа ошириб юборибдими...” дейишади-қўйишади ҳамда эртаси куниёқ тўйингизни мутлақ унутишади, сабаби, эртаси янги тўй ва янги таассуротлар бор. Худди шунинг учун ҳам бизнинг

тўйларимизни бири-биридан ҳатто ажратиш қийин бўлиб қоляпти. Тўй эгаларининг ойлаб-йиллаб қийналганлари ва кечалари “тўйим қандай ўтаркин?!” дея уйқудан қолиб чеккан кечинмалари, ўзларидан бўлак ҳеч кимга умуман таъсири ҳам, аҳамияти ҳам мутлақо йўқ. Бир кунлик тўй бўлса ўтадию-кетади ва сиздан бошқа ҳамманинг эсидан тезда чиқади. Агар гапимга ишонмасангиз, бирон-бир дўстингиз ёки қўшнингизнинг бир ой олдин ўтказган тўйини бир эслаб кўринг-а, эсингизга нима келади? Қарийб ҳеч нима.

Бахтли бўламан десак, асл ҳолатимизга рози бўлишимиз, боримизга шукр қилишимиз, бировлар билан ўзимизни доим таққославермаслигимиз, ҳаётимизда босаётган қадамларимиз, чекаётган ҳиссиётларимиз, ўзаро муносабатларимиз, ва ички дунёмиз, ва қолаверса, яшаш мазмунимизни англашимизгина асл аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса ўзимизни бир кунгина ҳаммага бой қилиб кўрсатиб, сўнг қарзларга ботишимиз эмас, балки ҳаётимизда алоҳида ўрин оладиган шу тантанамиздан, соф маънода, ҳақиқий завқ-шавқ ола билишни, уни сурункали дилхираликнинг манбаига эмас, балки ҳақиқий хурсандчилик лаҳзаларига айлантиришни ҳам ўрганиб олишимиз лозим.

Шундай қилсак, аввалига ўзимизни ўзимиз беҳад қийнаб қўйиб, унинг ортидан каттадан-катта идоралар-у порталларга, телевидение ва радиоларга “Ҳой раҳбарлар, бормисизлар ўзи? Биз бу ерда тўй қилиб жудаям қийналиб кетдик-ку, илтимос, бизни бунақа бало-қазолардан халос қилинг”, деган ниҳоятда ғалати шикоятларни ёзиб юришга ҳожатимиз ҳам қолмайди.

Одамлар, энг аввал, ўзларининг ҳою-ҳавасларига ҳам бас кела олмай, онглари, иродалари билан қилиши мумкин бўлган ишларининг уддасидан чиқа олмай, ўзлари қилган хатоларига доим урф-одатларни ёки бошқаларни тўла айбдор қилиб, сўнг аламидан ҳамма учун бир хилдаги чекланишни ўрнатиб бериш йўлида давлат куч ва қудратини чорлашларини кўриш нақадар аянчли манзара. (Шу ўринда

Президентимизнинг 2017 йил 3 августдаги маърузасида билдирилган ушбу масалага дахлдор фикрни тағин эсга олсак: “Жойларда бўлаётган учрашувлар ва мулоқотларда кўп одамлар менинг ўзимга айтяпти. Виртуал қабулхонага ҳам ёзяпти, “Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб беринглар”, деб мурожаат қиляпти...” – Б. И.).

P. S. Менинг ҳикоямни ўқиб чиқиб, Англиянинг бойлари шундай қилишар экан-а деб, тағин тўй ташкилотчиларимиз, бундан буён меҳмонларимизга бабочкаларни тақтириб, шляпа кийишдек янги бир одатни киритиб қўйишмаса бўлди энди...”

Тўй ва маросимларни биров кулмайдиган даражада ўтказиб олайин деган одам ноилож қонун ва виждон чегарасиниям бузиб ўтишга мажбур бўлади. Шунингдек, ўзининг касбини, ҳунари ва илму ижодни ўстириш учун роса керак бўладиган вақти, кучи ва иқтидорини нима қилиб бўлса ҳам пул топиш деган бир мақсадга сарфлай бошлаганини ўзи ҳам билмай қолади. Энди ўзингиз ҳам бир танангизга ўйлаб кўрсангиз, нуқул пул ҳамда фойда ортидан ўпкамизни қўлтиқлаб ва оёғимизни қўлга олиб, ҳаллослаб қувлаб юраверсак-да, аммо, одамларимиз, ўзбекларимиз руҳан, маънавий жиҳатдан люмпен, паупер ҳамда қашшоқ бўлиб қолсалар, бундай жамиятнинг ўзи кимларга керак бўлади? Фақат маиший мақсадга интилишнинг оқибатида одамнинг ижоди ўсмай, касб-ҳунари эса мукаммаллашмасдан ғўралигича қолиб кетаверади-да. Ўзбекнинг ақли анча тўлишиб, илм-ижодини чинакамига чуқур, теран тарзда ўрганишга чоғланиб турган чоғида унинг устига тўй-маросимлар ташвиши қуюндек ва даҳшатли цунами янглиғ ёпирилиб келади.

Энди Биринчи Президентимизнинг бундан анчагина йиллар бурун айтган фикридан, гарчи аввалроқ ҳам бу хусусда Сиз билан суҳбатлашган бўлсак-да, яна бохабар бўлиб қўяверсак: “Биз бола 6 –7 ёшга киргунича унинг тарбияси билан мутлақо қизиқмаймиз. Болани эргаштириб пахта далаларига олиб чиқамиз. У чанг ютиб пайкалларда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради ва қандай аҳволда овқатланади, ўзи нималарга интилади, нималарга қизиқади,

қандай ривожланади – афсуски, буниси билан ишимиз бўлмайди... амалда эса болаларимиз тақдирига бефарқ қараймиз”.

Кейинги пайтларда аҳвол анча-мунча ўнгланган бўлишига қарамай, бу борада қиладиган ишларимизам ошиб-тошиб ётибди. Жоним болам деб, кўп пул сарфлаб қилган тўйимиз ўша севикли боламизнинг ақлий ва руҳий қобилияти ўсишига, бирорта касб-ҳунар ёки илм эгаси бўлиб, ҳаётдаям ўзининг муносиб равишдаги ўрнини топишигаям кўмаклашиб юбора оладими, ўзи? Асло йўқ! Аксинча, тўйларимиз жуда катта маблағ талаб этгани сабабидан болаларимизни кичик ёшидан бошлаб қаттиқ жисмоний меҳнат қилишга мажбурлаймиз, қишлоқ жойларида бўлса бирорта молга боғлаб қўямиз. Бундай “меҳнат тарбияси” эса болани жисмоний меҳнатдан буткул бездириб, тескари натижага ҳам олиб келиши мумкин. Тўйга сочиладиган миллионлаб сўм пулларимизни ўша Ғайбуллоҳ ас-Салом унга ўхшашга ишора қилган “яҳудийларга” ўхшаб болаларимиз таълим-тарбиясига сарфлаганимизам маъқул эмасми? Ҳозирги даврга келиб бизни ўз гирдобига тортиб бўлган бозор иқтисодиётининг ўзаги одам билан одам, мамлакат билан мамлакат ўртасидаги касбий, илмий, ижодий рақобатдан иборат. Таълим, билим, илм ҳам аллақачон беҳад муҳим товарга айланиб бўлган бугунги замонда умр бўйи тийинлаб тўплаган бор пулини тўй дея аталмиш бир кунлик шамолга совуриб юбориб, ўзининг “жондан азиз” болаларига мактаб дарслигини олиб бериш малол келаётган айрим кимсалар ҳам орамизда кўкрак кериб юришибди.

Ўзбекнинг руҳий энергияси, тафаккур қудрати, яратувчилик феномени маиший турмуш турмушнинг кундалик ташвишлари ва икир-чикирларнинг чангалзорига, янадаям аниқроғи, тирноқлари ўткир чангалига тушиб қолган. Амазонка жунглиси сингари роса чигал турмуш ташвишлари халқимиз потенциал энергиясининг амалий фаолиятга айланишига ҳақиқатан ҳам халақит бермоқда. Агар ҳозирги тарихий шароитда ўзбек маиший ҳаётиниям тубдан ўзгартириб, бир қатор ўта зарур бўлмаган тўйлардан воз кечмас экан, айтиш мумкинки, у тараққиёт йўлини топиб олиши ғоятда қийин

бўлади. Ҳатто халқимизнинг иқтисодий аҳволи анча-мунча ўнгланиб, янада яхшиланиб кетган тақдирда ҳам ўта зўр ижодий қобилият ҳамда яратувчанлик салоҳиятимиз турли-туман техника эмас, яна янгидан-янги тўйларни кашф қилишга сарфланаверади.

Бизнинг ушбу фикрларимиз... яп-янги эмас, чунки тарихдаги ҳар қандай янги нарса, аслида унутиб юборилган эски нарсадир. Меҳнаткаш, беҳад меҳмондўст миллатимизни асрий қолоқликдан халос этиш мақсадида жафокаш жадидлар маънавий жасоратни кўрсатиб, ўз вақтида ўзбекча тўйларимизни қаттиқ танқид қилиб, бу нарса ичимиздаги қаттол душман эканлигини айтган ва ёзган эдилар. Тавалло (1882 – 1939) эса тўйлар хусусида ғам-ташвиш, афсус-надоматлар билан шундай муҳим фикрини билдирган эди:

...Ер сотиб тўй қил, дедиму бизга
Ҳақ каломида деди: ғурбат тўй.
Неча бойларни йўлдан оздурган,
Бошга солган асл кулфат – тўй,
Камбағалларни беватан айлаб,
Дарбадар қилғон ушбу лаънат тўй...

Жафокаш жадидларнинг беҳад улуғ мақсадларидан бири XX асрнинг интиҳосида амалга оширилди. Ота маконимиз ўзининг миллий истиқлолигаям эришди. Бизнинг Ота юртимизда Учинчи Миллий Уйғониш (Ренессанс) даври бошланди. Энди эса тўйлар масаласида ҳам ғафлат уйқусидан бошимизни сал кўтарсак ажаб эмас. Лекин, тоталитар жамиятнинг жуда узоқ йиллар мобайнида шаклланган стереотиплари (бир қолипдаги фикрлар ва қарашлар) асорат сифатида муайян вақт сақланиб қолганлиги бўлса мазкур муаммони зудлик билан ҳал этилишига, албатта, тўсиқ бўлади. Ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласизки, биз бугун очиқ жамиятда яшаяпмиз, эркин ва озод ҳаётимизни қуряпмиз. Табиийки, бундай шароитда турли хил фикрлар, ғоя ва қарашлар мавжуд бўлади. Ота юртимиз раҳбарияти барчани кўр-кўрона бир фикрга итоат қилдириш тарафдори ҳам эмас. Фақатгина ёпиқ жамиятлардагина шундай якка ғоя монополияси зафар қучиши, қутуриши мумкин.

Тўйларимиз қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисида ўйлаш ва янгича, тобора глобаллашиб бораётган замонга мосроқ тўйларни жорий этиш жараёнида элимизга кўмаклашвориш ҳаммамизнинг бурчимиз, зиммамиздаги роса юксак масъулиятдир. Бериладиган тавсияларда бўлса Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг ўзига хос хусусиятини ҳам албатта ҳисобга олмоғимиз, уни эсдан чиқармаслигимиз даркор. Акс ҳолда, тағин "қош қўяман деб, кўз чиқариш"имизам мумкин. Шўролар даврининг интиҳосида башариятнинг боқий байрами – Наврўзни "Навбаҳор" деган байрамга айлантириш ёхуд XX аср 80- йиллари иккинчи ярмида Наманганда аёллар томонидан оқ рўмолни ёпинишга қарши "иккинчи ҳужум" (ибора бизники – Б. И.) қандай якун топганлиги ҳали кўпчилик кишиларнинг ёдидан кўтарилмаган. Анъананинг ажойиб хусусияти ҳам шундаки, уни қатъий бир андозага солиш анчагина мураккаб. Умуман олганда, тўйларни бирор амалдор ёки имом-хатибнинг кўрсатмаси билан шунингдек, ўзгаларга, ўзга этносларга кўр-кўрона тақлид билан ўтказиш – миллий анъананинг чинакам фожиасидир. Тўйларимиз инкубатордан гала-галалашиб, чийиллаб чиқиб келган, ҳеч қачон насл қолдирмайдиган жўжаларга ҳам ўхшаб қолмаслиги зарур.

"Тўй қилишнинг нима кераги бор, фалон-пистон жойларда ва ўлкаларда бунақа бемаза одатлар йўқ-ку", деган мулоҳазаларга ҳам қўшилиб бўлмайди. Тўйсиз, яъни жамоатдан яширин ҳолда "оила" қурилаётган Ғарб дунёсида қўйди-чиқди деганлари худди уйланиш сингари ниҳоятда осон. Айнан шу масалада Ғарб олами бизга сира ўрнак бўлмаслиги даркор. XX асрнинг 60- йилларида Ғарб дунёсида содир бўлган маданий инқилоб эр-хотинлар ҳамда болаларни оилавий вазифалар, бурч, масъулиятдан мосуво этиб, оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳолат оила институтининг емирилишига сабаб бўлмоқда, никоҳга эса тузук-қуруқ ўрин ҳам қолдирилмаяпти. Шу боисдан ҳам Ғарб дунёсида оила-никоҳ масаласи ғарибликка ва тобора таназзулга учраяпти. Жамиятнинг ушбу кичик бўғини, янада аниқроғи, юраги – оилага инсон ҳаётининг шахсий ва ўзигагина тегишли бўлган

ихтиёрий иттифоқи сифатида қаралади. Шунга биноан, никоҳ бир неча хил кўриниш, шаклларда ҳам тузилиши мумкин. Бунда томонларнинг бўлажак ота-она сифатидаги масъулияти эмас, балки ҳуқуқлари ва мулкий муносабатларининг шартномавий масаласи бирламчи аҳамиятга эга бўлади. Минглаб оилалар бузилиб кетиши жараёни шу даражадаки, унга, хотин бева ва боланинг етим бўлиб қолиши эмас, кундалик оддийгина бир воқеа сифатида қаралади, холос.

Келинг, шу ўринда фурсати келиб қолгани сабабидан Шарқ оламига доир, аслида эса Ғарб дунёсига ҳам дахлдор ибратли бир ривоят билан яхши танишиб олсак, фойдасиям тегиб қолса керак:

Қадим замонларда бир беҳад золим кимса яшаб ўтган экан. Кунларнинг бирида Яратган унга ҳам инсоф бериб, бутун умри мобайнида қилган ёмонликларини кўзи олдига келтириб, афсус-надомат чекибди. Нима қиларини билмай, ахийри бир авлиёнинг дарагини эшитиб қолиб, насиҳат ва йўл-йўриқ сўрагани борибди. Ундаги тавбанинг астойдиллигини ҳис этган авлиё эса маслаҳат берибди. Яъни, катта йўл ёқасида одамларга сув тарқатишни ва уларнинг чанқоғини ҳам қондириб, раҳмат олишини тайинлабди.

Ҳалиги киши авлиёнинг айтганини қилибди, одамлар жуда серқатнов йўлда туриб, анча вақтгача сув тарқатибди. Бир куни сув улашиб турса, узоқлардан чанг-тўзон ичида келаётган отлиқ кишига кўзи тушибди. Ҳай-ҳайлашига қарамасдан, ҳалиги отлиқ чопиб ўтиб кетибди. Ортидан қувиб бориб, уни бир қултум бўлса ҳам сув ичиб кетишини сўрабди. Ҳалиги отлиқ эса бунга жавобан уни онасидан келиб ҳақорат қилиб, қолмишига бир-икки қамчи ҳам тушириб қолибди. Бу ҳолдан ғазаб отига сакраб миниб олган мешкобчи – ҳожатбарор эса ўша отлиқни уриб ўлдириб қўйибди.

Қилмишидан қаттиқ афсусланиб, яна ўша авлиёнинг олдига борибди. Унинг асли нима мақсадда келганини олдиндан билган авлиё ҳали гапни бошламасданоқ, “сен тўғри иш қилдинг” дебди. Бундан беҳад ажабланган ҳалиги киши бўлса сабабини сўрабди.

– Ўша одам фалон қишлоққа фалончининг оиласини иғво ва туҳмат воситасида бузиб, болаларини етим, хотинини бўлса бева қолдиришдек ёвуз ниятда кетаётган эди. Сен сабаб эса бир оила бузилишдан сақлаб қолинди. Сен савобга эришдинг, – деган экан.

Дарҳақиқат, биргина оилани асраб қолиш нафақат Яратган ҳузурида, шу билан бирга жамият олдида ҳам олижаноб ишдир.

Ғарбда оила деган тушунча тағин 20 – 30 йил ўтиб мутлақо ишлатилмай қолса ҳам мутлақо ҳайрон қолмасак керак. Тезкор ва ўзгарувчан ҳозирги замон учун эркин муносабатлар бир озгина қулайлиги ҳамда ортиқча масъулият юкламаслиги билан жудаям жадал равишда урф-одат бўлиб бормоқда. Афсуски, бундай қулай муносабатлар туғилажак фарзандларнинг руҳан соғлом ва комил инсон бўлишига ўзининг қора соясини солади. Эскича авторитар оила тушунчаси ҳозирги демократик руҳда тарбияланаётган янги авлод учун, эҳтимол, тўғри келмас, аммо русум бўлиб бораётган ниҳоятда эркин муносабатлар асосидаги турмуш тарзи нафақат бизнинг менталитетга, шу билан бирга бутун башариятнинг ҳам келажагига чуқур раҳна солмоқда. Эндиликда оила институтида никоҳдан ташқари лаззат олиб яшаш ҳаётнинг саҳнасида тобора салмоқли ижтимоий ролни ўйнамоқда. Америка касалликларни назорат қилиш ҳамда профилактика маркази ҳисоботларига кўра, ёшлар бир-бири билан никоҳдан ташқари яшаш, муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирмасликни афзалроқ билмоқда.

Ҳозирги пайтларда эса ривожланган давлатларда никоҳдан ташқари туғилишлар сони ниҳоят даражада кўпаймоқда. Мисол учун, АҚШда 1960 йилларда тахминан 5 фоиз болалар турмуш қурмаган аёллардан туғилган бўлса, 1980 йилда 18 фоизга, 2009 йилда 41 фоизга, 2017 йилда эса деярли 50 фоиздан ортиб кетди.

Европадаги давлатларда ҳам расмийлашмаган никоҳлардан туғилиш миқдори сўнгги 10 йилликларда муттасил тарзда ошиб бормоқда. Евростат маълумотларига биноан, 2011 йилда бундай туғилишлар ЕИнинг 27 мамлакатида 37,3 фоизга тенг бўлганди. Исландия (65,5 фоиз), Эстония 60,8 фоиз) Словения (59 фоиз) Болгария (58 фоиз),

Норвегия ва Франция (57 фоиз), Швеция (56 фоиз) каби давлатлар бу борада етакчилик қилмоқда. Бельгия (51 фоиз), Дания (50,6 фоиз), Буюк Британия (48,9фоиз), Латвия (45,7 фоиз) Нидерландия (45,3 фоиз), Венгрия (44,2 фоиз), Чехия (43,8 фоиз), Финляндия (42,8 фоиз), Австрия (42,4 фоиз) ҳамда Германия (35,5 фоиз) сингари давлатларда ҳам ушбу миқдор йил сайин ўта шиддат билан кўпайиб бормоқда. Россия ҳамда Лотин Америкаси давлатлари ҳам булардан сира ортда қолаётгани йўқ. Маълумотларга кўра 2015 йилда Колумбияда 76,3 фоиз, Чилида 72,7 фоиз, Парагвайда 72 фоиз, Перуда 71 фоиз, Бразилияда 67,8 фоиз, Доминикан Республикасида 63 фоиз ҳамда Мексикада 57,2 фоиз болалар никоҳсиз дунёга келганлар. Хуллас, дунёнинг жуда кўп жойларида умрбоқий инсоний қадриятлар, имон-эътиқод ва оилага садоқат ва анъанавий эр-хотинлик тушунчаларига путур етяпти. Шунинг учун ҳам ҳеч қандай масъулиятни ўз зиммасига олишни сира ҳам истамаётган Ғарб оламида қурилаётган ҳар 2 оиладан 1таси бутунлай бузилиб кетмоқда, хотинлар беваликка, болалар бўлса етимликка дучор бўлмоқдалар. Лекин, улар бунақа ҳолларга ўзбеклардаги каби улкан фожиа сифатда қарамайдилар.

Бугунги беҳад глобаллашиб бораётган дунёда башариятнинг қадимий анъаналари, шу жумладан, оилаларга доир умуминсоний қадриятларга жуда чуқур рахна солинаётганини Ғарбнинг айрим давлатлари мисолида ҳам кўриб турибмиз. Жамиятнинг асл олтин ҳалқаси ва юраги бўлмиш оилада эркакнинг ўрни ва аёлларнинг ўз вазифалари мавжудлиги ҳеч қандай исботни талаб қилмайди. “Авлиёлар авлиёси, шоирлар султони” Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” номли асарида бир жинсли одамларнинг оила қуришини нафрат билан тилга олар экан, бунақа шайтоний хатти-ҳаракатлар бутун бошли қавмларни ҳалокатга олиб борганини бир қатор тарихий мисоллар асосида уқтирган, огоҳлантирганди.

2001 йили Нидерландияда бир жинсли никоҳ қайд қилинган эди. 2016 йилга келиб улар сони 32 давлатга етди. Айримларида ота билан қиз, она билан ўғил, ака-сингиллар ўртасидаги жинсий муносабатларга ҳам мовий панжа орасидан

қаралмоқда. Суррогат оналар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Кўплаб давлатларда улардан тижорат мақсадида, тағин айримларида бўлса нотижорат мақсадларида фойдаланишга рухсат этилаверади. Бу вазият бўлса нима қилиб ва нимасини сотиб бўлса-да, пул топиш илинжидаги айрим хотинларни бола ишлаб чиқарувчи конвейерга айлантириб ташламоқда. Улар бировларнинг буюртмасига биноан, бола туғиб беради. Бундай ҳолда ҳам айрим бир муаммолар юзага келмоқда. Яъни, АҚШда суррогат оналик билан боғлиқ "Бэби М ҳолати" юридик қарама-қаршиликни келтириб чиқарди. 1998 йилда Нью-Йорк оила ишлари бўйича суди бир суррогат онанинг буюртма бўйича туққан болани унинг биологик отасига бермаслик бўйича даъвосини кўриб чиққанди. Суд узоқ мунозалардан кейин болани асраб олиш учун буюртмачига бериш ва биологик ота ҳуқуқини ҳимоя қилиб ажрим чиқарди. Шунингдек, суррогат онага болани кўриб туриши ҳамда унинг тарбиясида иштирок этишгаям рухсат берилди. Шу тариқа, АҚШда туққан она ва асраб олган ота-она энди ўша болага бир хилда ғамхўрлик кўрсатишлари мумкин...

Шундай қилиб, тағин Ғарбнинг биз учун "ғарибона" турмуш тарзидан ўзимизнинг ўзбекка қайтсак. Замонлар мобайнида халқ маънавиятидан мустаҳкам ўрин олиб келган тўйларга оид барча расм-русум, урф-одат ва маросимларни асоссиз равишда эскилик сарқити сифатида буткул инкор қилмаслигимиз ҳам шарт. Айни пайтда уларнинг ҳаммасини аждодларимиздан бизга қолдирилган чинакам маънавий мерос (махзан), дея кўр-кўрона қабул қилиш ҳам юксак мақсадимиз, миллий ғоямизга мутлақо зид ҳолатдир.

Танишлардан бири айтиб берган ниҳоятда ибратли воқеа:

"Бир куни шаҳримиз кўчаларидан бирида автоуловим билан кетаётгандим. Бир-иккита йигит қўлини кўтарди. Тўхтаб, уларни ҳам машинамга миндириб олдим. Йўлда кетаётган чоғимизда эса улар ўзаро ичкуёв можаролари тўғрисида гапириб қолишди. Ўз-ўзидан мен ҳам уларнинг ўзаро суҳбатига қўшилиб кетдим ва:

– Ҳой йигитча, уйланганмисиз, оилангиз борми? – десам:

– Ҳа, уйланганимга энди бир ҳафтагина бўлди, – деди.

– Ичкуёвмисиз? – деб сўрадим. У гўё тўсатдан чаён чақиб олган ва орқасига бигиз санчилгандек сапчиб тушиб, жаҳл билан:

– Нима деяпсиз ўзи? Худога шукр, ичкуёв эмасман – деди.

Мен эса унга қарата заҳархандалик, пичинг ва киноя билан:

– Эгнингиздаги костюм-шимингизни келин олиб берганми? Кўйлакни-чи? Ичкийимингиз, ҳатто оёғингиздаги туфлини ҳам ўша келин тарафдагилар олиб беришган бўлса керак-а? – десам:

– Ҳа, шунақа.... – дея сал бошини ҳам эгиб жавоб берди.

Тағин унга қарата қаттиқроқ ботадиган бир оҳангда:

– Ҳозироқ уйингизга борсангиз, у ердаги барча жиҳозлар ва кўрпа-тўшак, ёток учун диван, гиламлар, парда ва идиш-товоқлар барчаси келин тарафидан келтирилган бўлса керак-а? Энди нима дейсиз, сиз ичкуёв бўлмасдан тағин ким ичкуёв бўлиши мумкин? Сиз ўзингизча ичкуёв деганлари фақатгина келиннинг ота-онаси яшайдиган ҳовли-жойга бориб олиб, улар билан битта хонадонда яшашга айтилади, деб ўйлайсиз-да, а? – деб роса тушунтирдим...”

Мана шунақа азиз ва қадрдон хонимлар ва жаноблар! Беклар ва бегойимлар! Ўзингизам ҳозир синчиклаб ўқиб чиққан биргина шу воқеанинг ўзида қанчадан-қанча ибрат ва ҳикматлар мавжуд. Аксарият кўпчилигимиз ўйлаб кўрмаган, ва мутлақо тасаввур ҳам қилмаган, етти ухлаб тушимизга бирор марта ҳам кирмаган, аммо аянчли, аламли, ҳаттоки кўпчиликка умуман ёқмайдиган ва ёхуд сира тан олгиси келмайдиган буюк ҳақиқат ўз ифодасини топган. Бунақа ҳолатлар ўтмишимизда сира ҳам бўлмаганди. Балки бор-йўғи бир нечагина йиллар аввал пайдо бўлган бидъату хурофот, ориятсизлик, ғурурсизлик ва тағин қандайдир иллатлар туфайли пайдо бўлган беҳад даражадаги мусибатдир. Яқин ўтмишимизда ҳам “ичкуёвлик” ҳар қандай йигит учун ниҳоятда ҳақорат, ор ва номус ҳисобланган. Мабодо тақдир тақозоси билан маълум бир сабаб ва узрлар туфайли бирорта йигит ичкуёв бўлиб оила қурса, тенгдошлари, улфат, қавм-қариндошлари орасида бошини кўтара олмас, унинг сўзини ҳеч ким тингламас эди. Ваҳоланки,

шариат нуқтаи назаридан қаралганида узрли ҳоллар (ўша келиннинг ота-онаси кекса бўлиб, қаровсиз қолиш хавфи бўлганда ёки куёв ўта камбағаллиги, ночорлигидан келинни бошпана билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаганида ва тағин баъзи ҳолатларда) ичкуёв бўлиш ҳеч қандай айб эмас, аксинча савоб. Лекин, шундоқ бўлса ҳам илгари бармоқ билан санарли даражада ичкуёвлар бўлар эди. Бўлгани тақдирда ҳам ўша ичкуёвлар суратан ичкуёв бўлса ҳам, ҳақиқатан ўзининг чинакам эрлик масъулияти ҳамда бурчларини сидқидилдан адо этар эдилар. Бу ҳақда ўзингиз ҳам эшитгансиз.

Ҳозирги замонда эса суратан ичкуёв бўлмаса ҳам маънан ва ҳақиқатан ҳам ҳар тарафлама ичкуёвлик кундан-кунга “йигитлар” орасида урф, одат ҳаттоки у билан фахрланиш ва бир-бирларига мақтаниш воситаси бўлиб қолмоқда. Чойхоналарда улфатчилик қилиб ўтирган ёшлар суҳбатига бир қулоқ тутсангиз ўзингиз ҳам бемалол гувоҳ бўлаверасиз-да. Бир йигит: “Устимдаги костюмни қайнотам қанчага олиб берганини биласанми, мана бу туфлини-чи? Яқинда янги машина ҳам олиб бермоқчи”, деса, иккинчиси ҳам ундан қолишмай, мақтана бошлайди: “Мени қайнотам янги мансабга ўтказиб қўйди, тунов куни хотиним туғилган кунимда қайнонамга ҳам топшириқ берибди: “Адамга айтинг, куёвингизга бошдан-оёқ янги сарпо қилиб берсин, “импортний” бўлсин, тағин қайнонам ва эрим, қўни-қўшниларнинг олдида уялиб қолмайин”, – дейди, беҳад улкан ғурур ва ифтихор билан, ўзича гердайиб.

Ўзингиз ўқиётган битиклар муаллифи “ичкуёв”ларнинг бир нечтасига шахсан ва вилоят, шаҳар имом-хатиблари иштирокида айнан оила муаммолаларига бағишланган тадбирлар ва суҳбатлар чоғида, ўзини боса олмасдан, “Бунақа “дардисар йигитлар”нинг мақтаниб ўтиришнинг ўрнига, аслида кафан кийганиям минг бора афзалроқ!” деб ҳайқириб юборишига ҳам тўғри келиб қолган эди.

Келинг, яхшиси бизнинг юқоридаги фикр-мулоҳазларимизга қўшимча сифатида Абдулазиз Холбоевнинг “Маърифат саодати” газетасида (2018 йил 2 февраль) босилган “Йўқолиб кетаётган эркакча хислатлар” сарлавҳали мақоласида келтирилган айрим, унинг ўзи ёзганидек, “кашфиётлар” билан

ҳам танишиб қўйсак: Муаллифнинг тиниб-тинчимас бир дўсти унга, ўқитувчи бўлгани сабабли турли масалалар ечими бўйича мурожаат қилиб туради. Шулардан бири қизларга хос бўлган айрим хислатларнинг нима сабабларга кўра йигитларга ўтиб қолаётганига доир эди. Энди эса шошмай, муаллиф шахсий фикрларини ўқишга ҳам киришамиз:

“Дўстимнинг “хаёлий хавотири” замиридаям ётган ва содда ўзбекона мантиққа асосланган айрим бир фикрлари менинг ҳам тинчимни ўғирлади. Эртасиданоқ мен учун “кашфиётлар” куни бошланди. Бир ҳафталик дарс жараёнидаёқ асли хотин-қизларга хос бўлган, бироқ ўғил болаларнинг хатти-ҳаракатидан ва юриш-туришидан анча мустаҳкам ўрин эгаллаган бир қатор ҳолатларни аниқладимки, агар эшитсангиз ўзингиз ҳам беихтиёр ёқангизни икки қўллаб ушлаб қоласиз-да. Ишонмайсизми? Унда, марҳамат:

– арзимас гапларга ҳам ҳиринглаб кулавериш, ҳуда-беҳудага жилмаявериш ёхуд қовоғини атайлаб солиб, хўмрайиб олиш;

– бир-бирини ҳар кўрганида қучоқлашиб кўришиш (баъзан бир куннинг ўзида бир неча маротаба), ўзича жилпанглаб қўйиш;

– ўзига намойишкорона оро бериш (ҳаттоки, аёлларга хос пардоз-андоз буюмларидан ҳам унумли равишда фойдаланиш);

– дарс пайтида кафтини астагина ўз даҳанига яқинлаштириб, пичирлаб, шивирлаб нималарнидир гапириш, ахборот бериш;

– сергаплик, майдакашлик, бир пулга қиммат гап-сўзлар;

– пичинг отиш, чақма-чақарлик, ғийбат, миш-мишчилик;

– айтишқоқлик (айрим ҳолларда шаллақилик даражасида);

– ўз қадди-қоматига ўзи роса мафтун бўлиши, худбинлик;

– ноз-фироққа ўхшаш аразлаш, сал нарсага зарда қилиш;

– ўрни келганда ўқитувчининг раҳмини келтиришга ҳаракат қилиш, гоҳида эса кўзда ёш ҳалқаларини айлантириб, мўлтираш;

– муносабатларини гоҳида кўз-қошларининг ҳаракати билан қилпиллаб билдириш (кўз билан имо қилиш, қош учириб қўйиш);

– дуч келган жойларда, ҳатто кўпчилик орасида ҳам ўзининг хатти-ҳаракатларини мусиқа оҳангига мослаштиришга уриниш;

– ўзининг соч фасонига алоҳида диққат-эътиборни қаратиш;

– қиз-аёлларнинг кийимига ўхшаш русумдаги, ёрқин рангли турли хил либосларни кийиб юришга ниҳоятда ружу қўйиш...”

Аслини олганда, ўзингиз ҳам куёвчаклар мана шу болаларга ўхшаш эркакча тарбия кўрмаганлардан тарқалишини биласиз.

Бу куёвчакларнинг юқоридагига ўхшаш қўштирноқ ичидаги фахрланишларининг чеки-чегарасиям йўқ. Юришлари эса оламни бузади. Агар улар ичида бирортаси тақдир тақозоси билан ичкуёв бўлиб ҳаёт кечираётган бўлса, улфатларига Худо ўзи қўшқўллаб беради. Ҳар бир ўтиришлари, йиғилишларида асосий мавзу билан нишон айнан ўша мард – ичкуёвда бўлади. Ўтирса – ўпоқ, турса – сўпоқ, гўё унинг улфатлар билан чойхонада бирга ўтиришга, дам олишга ёхуд бирон-бир жойга биргаликда саёҳатга чиқишга ҳам мутлақо ҳаққи йўқдек. Ҳеч кимса у билан асло яқиндан дўст ҳам бўлмайди. У ҳар қанчалик даражада ақлли бўлса ҳам унинг гапи, маслаҳати деярли эътиборгаям олинмайди. Унга нисбатан фақат улфатларигина эмас, балки бошқа таниш-билиш, қавм-қариндош ва ҳаттоки қўни-қўшнилар ҳам ҳақоратомуз гап-сўзларни айтиб, ўзларича роса паст назар билан, жуда ҳам жирканиб қарайдилар.

Ўзларнинг чинакам ҳолатлари қандай даражада эканлигини бўлса асло ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Агарда яхшилаб ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, ҳозирги кунлардаги аксарият оила қураётган “йигитлар” ҳақиқий, чин маънодаги ичкуёвлардир. Лекин, ўзлари буни сезмайдилар ёхуд сезиб, билиб турсалар ҳам буни сира тан олгилари келмайди. Чунки, ичкуёвлик тўғрисида уларнинг беҳад тор ва ўта юзаки тушунчалари мавжуд. Бу хусусда юқорида ҳам айрим бир фикр-мулоҳазаларимизни баён қилгандик. Ана шундай тушунчаларда юрганликлари учун ҳам хотинлари уларга кўпинча итоат қилмайди. Негаки, эрининг устидаги барча

либос (кийим, сарпо)лар, уйдаги жиҳозларнинг кичигидан тортиб каттасигача, ҳаттоки миниб юрган машинасигача келин тараф олиб бергандан кейин, албатта, келин боланинг айтгани-айтган, деганлари бўлса деган бўлади-да, нима ўша тили қисиқ, тишини ғичирлатаётган, “томоғида тош пайдо бўлган” куёв, “йигит”ники бўлармиди?!

Бунақа муаммоларга айрим ҳолларда ниҳоятда кучли таъсир воситаларидан бўлмиш кинофильмлар ҳам “кўмаклашмоқдалар”. Масалан, “Ўзимдан ўзимгача” фильми қаҳрамонларидан бири – Ойша ўғил болани калтаклаб, унга аёл либосини кийдириб олиб, сигир соғишга мажбур қилади. Якунида бўлса ўша бола шу қизга уйланади. Дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўрайлик-чи: бундан ўғил болалар ё қизлар нима маъни ҳамда қандай ибрат олишлари мумкин? Алпомиш эса ўзининг олдига қўйилган барча шартларда қалмоқларни мағлубиятга этиб Барчинга эгалик қилишга чинакам муносиблигини исботлаган. Отабек бўлса оиласининг номусини ҳимоя қилиш учун учта одам билан якка олишиб, барчасини маҳв этган. Шу боис ҳам унга Кумушнинг муҳаббати тағин ўн чандон ошиб кетган. Бу фильмдаги бола бўлса қиздан калтакни еб, сигир соғиб юрибди. Йигитнинг ор-номуси, ғурури ва шаъни ҳақидаги қарашларимиз, эркакларни суянгулик бир елка сифатида англаш ва англатишларимиз ўзи қаёқларда қоляпти? Умуман, бу сингари сюжетлар йигитларимизни эртага ким қилиб тарбиялайди, ўзи? Ўз оиласини асрай олмаган одам эл-юртга қандай наф келтиради?

Ориятсиз яшаб бўладими? Буюк боболар ва момоларимз ўта ориятли бўлганлар. Ҳозир ҳам шундай инсонлар жуда кўп. Орият бобида эркакларга соҳир сабоқлар берадиган аёлларимиз ҳам йўқ эмас. Бизнингча, “Тирикчилик қийин бўлиб кетди”, деган гапни ориятсизлар айтади. Баъзилар бирор жойга ишга кирмоқчи бўлса, ойлигидан ҳам кўра, “тирикчилиги” бор-йўқлиги билан қизиқади. Турли-туман “йўллар” билан бойиган кимсани баъзан қисқагина қилиб, “фалончининг топиши яхши-да”, деб қўямиз. Шу масалада гап-сўз кўтарилган тақдирда, ориятсизликни ўзимизнинг ўзбекка хос бўлган беҳад антиқа мақоллар билан хаспўшлашга киришиб кетамиз: “Лўлининг

эшагини суғору, пулини ол”, “Така бўлсин – сут берсин”, “Ишинг битгунича эшакни тоға дегин”, “Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан”, “Тирикчиликнинг асло айби йўқ...”

Менинг назаримда, ориятни айрим ҳолларда “тирикчилик” деган кенг қамровли тушунча билан алмаштириб қўймоқдамиз. Хотинига рўзғорнинг барча юкини хуржун сингари ортиб қўйиб, ўзи бирон-бир ишнинг бошини ҳам тутмасдан, уйида ўтирадиган эрлар ҳақида Сиз нима дейсиз? Уларнинг ўзларидан сўрасангиз, жавоби ҳам қисқагина бўлади: “Тирикчилик!” Дарҳақиқат, ҳалол ризқ топиш ва тирикчиликнинг сира ҳам айби йўқ. Бироқ, унинг ориятга алмаштирилиши фириб, алдов, муттаҳамлик, қаллоблик, порахўрлик... сингари сон-саноқсиз иллатларнинг пашшалар каби урчиб кетишигаям сабаб бўлмайдими? Ушбу битиклар муаллифи сингари элимизнинг баъзи бир кимсалари ҳамда миллатимизнинг иллатлари, улардан тезроқ халос бўлиши хусусида бетиниб ўйлаб ва ёзиб юрадиган журналист Бахтиёр Ҳайдаровнинг фикрларини ҳам биргалашиб ўқисак, уқсак фойдадан ҳеч холи бўлмаса керак: “Айрим кимсаларнинг луғат бойлигидан “орият” деган сўз ўчиб бораётгани жуда ачинарли ҳол. Баъзи “бойвачча”лар эса “куёвни сийлаш”ни жуда ҳаддан ошириб юбораётгани, буни бошқаларам гарчи қурблари етмаса-да, намуна сифатида қабул қилаётганига, минг афсуски, бугун тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Баъзи бир думбул, ориятсиз “куёвбола”лар кези келган чоғда, келинга қараб: “Сенга уйланиб, бу ҳаётда ўзи нимани кўрдим?” деган гапларни сира ҳам хижолат қилмасдан, тортинмасдан ва уялмасдан айтаётганмиш.

Тунов куни хорижий нашрлардан бирида “қизиқ” бир воқеа ҳақида ўқиб қолдим. Тўқима эмас, ростдан ҳам бўлган воқеа. Бир йигитча ўз хотинини жазмани билан тутиб олади. Бозор иқтисоди шароитидан келиб чиққан ҳолатда, у хотинининг ўйнашидан... уч минг доллар беришни оёқ тираб, талаб қилади. Жазман бўлса уни “пора олаётган” пайтда тегишли идора вакилларига тутиб беради. Шундай қилиб, ўша “эр” жиноий жавобгарликка ҳам тортилади...

Кулишингни-да, куйишингни-да сираям билмайсан. Воқеани “қизиқ” дея қўштирноқда ёзганимизнинг сабабини ҳам

тушунган бўлсангиз керак. Аслида эса, бу нақ фожиа, бошни деворга уриб-уриб ва эзилиб йиғлашга арзигулик “қизиқ” воқеадир. Бу ўринда воқеани эмас, ана ўша ориятсиз кимсага нисбатан “йигит” сўзини қўштирноқ ичида ёзиш янадаям мантиқлироқ, менинг назаримда” (“Оила даврасида” газетасининг 2013 йил 11 апрелдаги сони).

Одатда айрим бир келинлар ўзи тушган хонадон эгаларини ҳар тарафлама қўлга олиш, уларга ўз ҳукми ва инжиқликларини ўтказиш ҳамда қандайдир ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳам мазкур харажатларнинг деярли барчасини ўз зиммасига олади. Ва албатта, бу қилинган сарф-харажатлар бўлса келажакда ўзининг самарасини албатта, бериб, тилли-жағли келин боланинг оғзи қулоғида, тили чўзилади, жуда ҳам узун, бир қарич бўлади.

Донишманд халқимизнинг ҳам “Еган оғиз уялар”, деганидек, куёвбола ва унинг ота-онаси келиннинг оғзига қараб турадиган бўлиб қоладилар. Бирор нарса деб ўз хотинига танбеҳ бериб, унга таъсир ўтказмоқчи бўлай деса, тили қисиқ, “томоғи мойланган”, ҳаттоки тили узун “баланд охурдан ем еган” хотини ажрашаман, деб хархаша қилиб қолишиданам ўлгудек қўрқади. Чунки, бундай бойвучча хотинидан ажралгудек бўлса, ўзи яланғоч, уй-жойлари бўлса қуп-қуруқ қолади, бунинг устига эса ҳозир эгаллаб турган мансабидан ҳам айрилиб қолиш хавф-хатари мавжуд. Ўзингизам дўппингизни бошдан олволиб, ўйланг ва айтинг-чи, мана шундай қўштирноқ ичидаги йигитчалар аслида ҳақиқий ичкуёв эмасми?

Шу ўринда роса мавриди келиб қолгани сабабидан, эҳтимол ўзингиз қачонлардир ўқиганингиз, барча одамларни мулоҳазага чорловчи, миллат дардида беқиёс куюнчаклик билан ёзилган “Куёвчак” сарлавҳали мақоланиям диққат-эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Мақоланинг муаллифи “Ислом.уз” сайти ходими 25 ёшида, ҳали чимилдиқ кўрмай, яъни уйланмасдан оламдан ўтган Айюб Рамз. Мақола “Кун.уз” сайтидан (2017 йил 10 июль, 02:46) олинган ва унга Малоҳат Анвар ҳамда ушбу битиклар муаллифи томонидан жузъий ўзгартириш киритилган, янада ҳам аниқроғи, фикр қолдирилиб, баъзи бир сўзлари, бирозгина таҳрир қилинган:

“Ёшим 24га ҳам тўлди. Мана, 2 – 3 йиллардан бери “Тўй қачон?”, “Нега уйланмаяпсан?”, “Айюбхон, тезроқ уйлангин-да энди!” деган гап-сўзларни ҳам бетиним эшитавериб, охири эса мана шу, ўзингиз ўқиётган мақолани ёзишга қарор қилдим.

Хўш, ростдан ҳам нега ҳалига қадар уйланмаяпман?

Жавобим жуда ҳам антиқа, чунки мен “куёвчак” бўлишни хоҳламаяпман! “Куёвчак” ўзи нима дегани, деб сўраяпсизми? Агарда унинг қандай махлуқ эканлигини билмоқчи бўлсангиз ушбу мақоламни охиригача ўқиб чиқишингизни сўрайман.

Ўзимни жудаям ақлли, деб ҳисобламайман, мансабдор ва бадавлат ҳам эмасман, оддийгина йигитман, Аллоҳим берган ризқимни териб юрган. Лекин, баъзи кишилардан фарқли бир одатим ҳам бор, одамларни ўрганишни жуда яхши кўраман ва уларни ўта жиддий кузатаман. Уйланишга ният қилганимдан бери ҳозирги даврдаги ёш оилаларниям кузатишни бошладим, кузатишларимнинг натижасида эса янги бир нарсани “кашф” қилдим. Айрим бир аҳмоқона урф-одатларимизнинг таъсирида “мутация” бўлиб, янги бир “махлуқот”нинг пайдо бўлганини ҳам кўрдим, ва ниҳоят унга янги бир номни ҳам ўйлаб топдим.

Қарши олинг – “Куёвчак”!

Бу сўзни “келинчак” ва агарда қўполроқ айтсам, “х...лак” сўзларига қофиядош қилиб олдим, чунки, ҳозирги замондаги куёвларнинг ўрни келинлар билан алмашиб қолганлигини эса ўз кўзим билан кўриб, атайлабдан мана шундай қилдим.

Куёвчак таъриф-тавсифи: у – жамиятнинг биологик чиқиндиси, қон сўрувчи каналарнинг оиласигаям мансублиги бор, сабаби тўйгача ота-онасининг ҳисобига яшайди, тўйдан кейинча қайнота-қайнонаси, баъзан улар бўлмаса хотинининг ҳисобига яшайди (бир амаллаб, ўз кунини кечираверади).

Сифатлари: бағоят мебелхўр, чунки, шипшийдам қилиб қўйилган ўз “ини”ниям келинникидан келган мебеллар билан тўлдиради, қанчалик кўп мебель келса

шунчалик кўп хурсанд бўлади, ўзимизникини эмас, албатта чет элникини кутади!

Латтапараст, чунки тўй бошланган пайтидан то умрининг охирига қадар қайнота-қайнонаси ўз қизининг эрига тинимсиз равишда кийим-кечак ва латта-путталарни ташиб юради!

Еб-тўймас очофат, мечкай, чунки у махлуқ тўйдан кейин келинникидан тоғора-тоғора овқатлар кутади ҳамда бетиним еб-ичиб, кекириб туриб ҳам ҳеч қачон рози бўлгиси келмайди!

Жудаям катта “инвестор”, унинг сармояси – аслида бир тийинга ҳам қиммат “орияти”, “ғурури”, “ҳамияти”, фалаж мияси-ю, бўрдоқига боқилган жасади, “куёвчак” шуларнинг ҳаммасини уйига келажак келиннинг сепи учун тикиб қўйган!

Қўлидан келадиган ягона иш – фақат хотини олиб келган кроватда ўз эркаклигини исботламоқчи бўлиш (қўполлигим учун минг бор узр) ва агар Худо берган бўлса, насл қолдириш!

Хоббиси – ўзгаларнинг ҳисобига яшаш! Куёвчак бундай ҳаётга ниҳоятда яхши мослашади, ўй-фикрларининг ҳаммаси фақат ўз фойдасига қаратилган бўлади. Агарда у ишсиз бўлса ёғлироқ иш топиб бериш, оч қолса тўйдириш, пули йўқ бўлса чўнтагини тўлдириш, хотини бошқоронғи бўлса унинг кўнгли тусаганини келтириш, агар хотини туғса боласини роддомдан ўта катта тантаналар билан олиб чиқиш-у, бешик, кроватча... ҳатто памперсигача олиб бериш, хотини касал бўлса зудликда даволатиш сингари барча ишларни сира иккиланмай, осонгина қайнота-қайнонасининг бўйнига илиб қўйган! У ўзини бундай майда-чуйда ишларга аралашиши унчалик ҳам шарт бўлмаган жуда олий насабли, зотдор бир шахс деб билади... ва ҳоказо.

Албатта бу киноя... ва аччиқ ҳақиқатга ҳажвий ёндашув.

Агар жиддий гапирсам, бу йигитлар улар ҳақида мақола ёзишга сира ҳам арзимайди, лекин мавзу ниҳоятда долзарб. Бу мақоладаги ҳар бир нуқта уларга эмас, шундай

“йигит”ларни тарбия қилган ота-она ва жамиятга ҳам тегишлик, сабаби эса у йигитларнинг бундай гапни англайдиган аъзолари ишламайди, агарда онги мавжуд бўлганида, шу даражада ҳам тубанлашиб кетармиди, умри бўйи парвариш қилган қизларини қўшқўллаб берганлариям етиб ортмагандек, яна бошқа лаш-лушларни ҳам қўшиб беришларини интиқиб кутармиди келин томондан?!

Ўзининг қайнотасидан, нафақат мебель, гиламлар, парда, кир ювадиган машина, музлатгич ва бошқа латта-путталарни, ҳаттоки, минадиган машина, иложи бўлса иномарка, квартира ёки ҳовли ҳам кутадиганлари, яна ҳам “уддабурон”лари бирор корхона ёки бирорта мансабни, ёғли ишни олиб беришларини кутадиган бунақа “мард”ларни кўриб, қаҳр ва ғазабдан “Эркак бўлмай асли ўлиб кетганинг яхшийди!” деворгим ҳам келади!

Яқинда қўшнимнинг қизини узатишганда, ҳамма керакли нарсани қилиб берсаям, “сенинг даданг менга “Малибу” олиб бермади”, деб ҳайдаб юборганлигини кўриб, ниҳоят даражада қаттиқ жаҳлим чиқиб кетиб ёзяпман мана шу гапларни.

Энди савол: Қайси бир орияти бор йигит мана шунақа “куёвчак” бўлишни истар экан? Масалан, менам истамайман! Шунинг учун ҳам, ўз оилавий ҳаётим учун зарур эҳтиёжларни ўзим ишлаб топа олмагунимча уйланмоқчи ҳам эмасман!

“Ғам қилма, ҳозирда уйланиш осон, ҳамма нарсани келин томон қиладиган бўлиб кетган”, дейдиганлар ҳам топилади. Мен бўлса ғам чекаман, бахтли оила қуриш учун, келажагим учун қайғураман, чунки, бунақа “куёвчак” бўлишни мутлақо истамайман! Уйимнинг хоналари кенг ҳамда ёруғ бўлишини хоҳлайман, келинникидан келган бачкана мебелу, алламбало латта-путталар билан тўлдириб, кейин ҳаво етишмай бўғилиб яшашни сираям истамайман! Ўзига чанг йиғишдан бошқасига ярамайдиган пардаларнинг қуршовида, тахтиравонга ўхшаган нақшинкор кроватда ётиш эса мен учун БАХТ тимсоли эмас!

Умуман, нега албатта кроватда ётиш керак? Бизнинг ота-боболаримиз Италия ёки Хитойнинг мебелида ётишмаса ҳам бахтли бўлишган-ку! Ҳа, майли, замонга қараб “маданият”ли бўлиб кроватда ётиш шарт бўлса, ўша мебелни ўзим оламан, кўнглимга ёққанини, нақшлари ва ялтир-юлтурлари йўқ бўлса ҳам, “комфортний” ва ухлашга қулай бўлганини, асло келин олиб келган мебелда ухлай олмасам керак, ҳар сафар уйқуга ётганимда ушбу мебелни олиш учун қайнотамнинг қанчадан-қанча соғлиғи ва асаблари емирилиб кетганини ўйлайвериб!

Оддийгина уйимда, оддийгина жиҳозлар билан бўлса ҳам ўзимнинг қалбимга ёққан ва кўзларига қараганимда кўзларим қувонадиган, ўйлаганимда ўзимни ўта бахтиёр ҳис қиладиган аёлим бўлишини хоҳлайман! Эрталаб ҳашаматли хонада ўзим сира ҳам, мутлақо суймаган кишим билан эмас, оддийгина бир уйда бўлса ҳам ўзимни бахтиёр ҳис қилишимга асл сабабчи бўлган ўта қадрдон инсоним билан тонг оттиришни истайман!

Аёлимни ўз отасиникидан олиб келган кунимдан бошлаб ҳамма масъулиятини, соғлик-саломатлигида ҳам, касаллигида ҳам, шўх-шодонлигида ҳам, қайғусида ҳам шерик бўлишни, болаларимни биргаликда чиройли тарбия қилишни, аёлим ҳеч қачон ўз ота-онасиникига кўзида аччиқ ёши билан, ҳаётнинг қийинчиликларидан асло нолиб бормаслигини ҳам хоҳлайман.

Тўғриси, умр йўлдошимга олтин тоғлар ваъда қилмайман, балки етишмовчиликларимизни ўз меҳрим билан тўлдиришга, керак бўлса, агар ўғиллари бўлмаса, қайнона-қайнотамга чин ўғилдек бўлишга ҳаракат қиламан. Бахтли бўлишим учун эса унчалик ҳам кўп нарсалар керак эмас-да! Бахтсиз одамларгина атрофини бекорчи лаш-лушлар билан тўлдириб ташлайдилар! Чинданам бахтиёр инсонларга чайла ҳам чинакам кошона!

Онам яқинда гапириб берган эдилар, раҳматли Анваржон опоқдадамнинг бувимга меҳрлари тушиб, уйланмоқчи бўлган чоғларида, бувим аввалига рози

бўлмаган эканлар, у пайтда улар икковлари ҳам Тошкентда битта институтда ўқишган.

Опоқдадам ортга чекинмай, тинмай совчи қўяверганлар. “Биз ҳали тўйга тайёр эмасмиз”, деган гапларига бўлса “ҳеч нарса керак эмас, тўй қилиш учун ўзим қарашиб юбораман”, деб бувимнинг оилаларида ўғил йўқлигини билганидан кейин эса, уларникига бориб уйларини оқлаб ва тўйга тайёргарликка қарашиб юбориб, қайноналарига овқат қилиб берган, шундай қилиб ҳамманинг меҳр-муҳаббатиниям қозониб олган эканлар. Хотин олиш учун ота-оналари эмас, ўзлари ҳаракатни қилган эканлар, ҳеч қандай сарполар ва мебелсиз, бувимни борларича келин қилиб олиб кетган эканлар уйларига. Токи ўлгунларига қадар бувимни эъзозлаганларини ўз кўзим билан кўрганман.

У киши аёлга керакли беқиёс даражадаги муҳим нарса – меҳр ва муҳаббатни бера олганлар, шунинг учун ҳам бир умр бахтли яшашган, кейинчалик ҳамма нарсаларни ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан қилишган ва ҳаётлари фаровон ўтган. Мана шуни эса бемалол, шак-шубҳасиз эркакча иш дейилади!

Мана шундай қилиб, умр савдоси масаласини ўйлаш ҳам менинг бошимга тушди, янада аниқроғи, уйдагиларнинг беҳад қаттиқ қистовлари бошланиб кетди, “уйланишинг керак”, “сен тенгқурлар 1–2 болалик бўлишга ҳам улгурди” ва ҳоказо...

“Эндими? 20 ёшимда, роса уйлангим келган пайтларида нега юрагимга қўл солиб кўрмадинглар, нимага шартта бирор қизни топиб уйлантириб қўймадиларинг?”, “Энди эса ёш, ғўр йигит эмасман ва осонликча таслим бўлмайман, олахуржунни бўйнимга илиб қўймоқчимисизлар?”, “Ўша пайтда уйланиш масаласи чиққанида, “аввал пул топ, оилангни боқадиган бўл, кейин уйланасан”, дея “доно” маслаҳат берган кишиларнинг ўзларини, оталари 20 ёшидаёқ уйлантириб қўйганлар-да, биз бечораларнинг дардимизни тушунишмаган”, “Энди қачо-о-он пулим роса кўпайиб кетса, ўзим хоҳлаганимда, ўзим хоҳлаган қизга уйланаман”, деб ҳазил аралаш пўписа ҳам қилиб қўяман.

Аслидаям, улғайган сарим оила масъулияти катталигини тушуниб, бу ишда шошилгим келмаяпти. Ўзимча “қаршилик” қилишимга қарамай, қавм-қариндошлар ва таниш-билишлар келинликка ўзларича номзод деб топганлари баъзи қизларни кўрсатишди, бири бироз ёқиб, бири эса унчалик ҳам ёқмади.

Ёққанларининг беҳад кўзга кўринган фазилати солиҳа ва илмга чанқоқлиги, интилувчанлиги бўлди, лекин мен ўзимни ундай қизларга лойиқ ва муносиб деб билмадим, сабаби – мен улар китобларда ўқиб, ўз хаёлларида орзу қилган идеалликдан йироқман, реалист, ҳаётни борича қабул қиладиган йигитман, эртаклар оламида яшамайман, ўша “маликалар”нинг чинакам “шаҳзодаси” эмаслигимни бўлса жуда ҳам яхши биламан.

Ёқмаган қизларнинг ота-оналари бўлса ўз қизларини “50 йиллик тажриба, илм ва бойликка эга, беҳад ҳашаматли уйи, иномарка машинаси, бирор ишлаб чиқариш корхонаси, завод ёки фабрикаси, энг камида икки-учта кичикроқ дўкончаси бор бағоят уддабурон ва тадбиркор бўлган 20 – 25 ёшлик йигит”га узатишмоқчи бўлишлари кулгимни қистатиб, энсамниям роса қотирди, “катталар ҳам эртакка ишонар экан-да”, деб қўйдим.

Баъзи қизлар роса содда ва зерикарли, умрида бирортаям китоб ўқимагани, уй ишларидан бошқа нарсага қизиқмаслиги кўзларидан ўта билиниб турадиган, баъзилари ота-онасининг насл-насабига, мол-давлатига роса бино қўйган, баъзиси бўлса ўзининг ҳозирги шакли, қиёфаси – чиройига жудаям маҳлиё...

Хуллас, ҳали бахтим очилмади, ахир, олмос деганлариям осонлик билан топилмаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку?

Куни-кеча, рус ҳамкасбим билан суҳбатда, “насиб қилса, тез орада уйланиш ниятидаман”, дедим, у ўта хурсанд бўлиб “ким у бахтли қиз” деди, мен эсам кулиб, “ҳали топганим йўқ ўша бахтли қизни, изладим ва ҳозир ҳам излаяпман, нафақат мен, балки бутун қавму-қариндошларам излашяпти, бизнинг юртимизда йигитлар уйланадиган

пайтларда ҳамма яқинлари “брачное агентство”га айланади”, десам у жудаям ажабланиб: “Сизларда роса ажойиб экан-ку, ота-она топиб берса, уйланиб кетаверасизларми? Биз ўзимиз топиб, қизнинг кўнглини олиб, унинг муҳаббати учун курашиб, кейин турмуш қурамиз, ота-оналаримизни фақат тўйимизга меҳмонга чақирамиз”, деди.

Мен эса унга: “Кўпроқ янги лойиҳаларни амалга ошириб, кўпроқ пул топишим керак, чунки қиз топилиб қолса, бориб барча тўплаганимни сарф қилиб, уйланишим керак”, десам, “Бундан нима маъно” дейди, мен эса халқимизнинг севимли шиорини айтиб, ўзимча “фахрландим”: “Эл-юртга дастурхон ёзиб, катта ош бермасак, уят бўлади, одамлар гапиради”, деб кулдим. У: “А когда живёте-то?” (унақада қачон яшайсизлар?) деб сўради. Мен “Никогда!” (ҳеч қачон!), деб ҳазиллашдим.

Ростдан хам, ўзбек йигитининг ҳаёти учга бўлиниб, бири – тўйгача пул тўплаш, иккинчи қисми эса тўйдан кейин қарз тўлаш ва ниҳоят, учинчиси – бу удумнинг янги давомчисини катта қилиш, яъни тарбиялашдан иборат бўлиб қолгандек гўё.

Нақадар зерикарли! Ундай йигитларга ҳам номни қўйиб олдим, “куёвчак”нинг зидди бўлган “куюнчак”лар деб. Ҳар доим атрофидагиларни рози қилиш учун яшайдиган ва топган пулларини одамлар ўйлаб топган анъана, удум ва орзу-ҳавасга сарфлайдиган, ўзлари учун ҳеч қачон яшай олмайдиган бечора “куюнчак”лар. Лекин, барибир худбин “куёвчак” бўлгандан кўра “куюнчак” бўлган яхшироқ. Аммо, энг яхшиси, чинакам ЭРКАК бўлиш ҳаммасидан аъло! Атрофингизга бир қаранг!

Нега мен каби йигитлар ҳалигача уйланмай юрибдилар? Нега ёш оилалар қурилмасидан аввал бузилиб кетяпти? Нега ота-оналар учун фарзанд бахтиданам кўра шахсий орзу-ҳаваси афзалроқ. Кейинчалик яшаб кетар деб, қийноқ-қистов билан, мажбуран бир-бирини ёқтирмаган ёшларниям қовуштирмоқчи бўлишади, катта тўйлар қилинади ва томоша берилади, ҳамма қорни қаппайган, ўзига тўқ

одамлар келиб, еб-ичиб, яна иғво қилиб кетади, ҳеч ким ўйламайдики, “бу икки бечора ёшнинг кўнглида, хаёлида нима гап бор”, деб. Аввалари катта акалар уйланишга ўйланиб қолганларида ҳайрон бўлар эдим, “нимага ахир, оила қуриш зўр-ку”, дея тезроқ менинг тўйим бўлишига қизиқар эдим. Ҳозирги пайтда эса ўзим ҳам ўйланиб қоламан.

Оила қуришга тайёрманми? Уйланишим мумкин бўлган қизлардан бирортаси ҳақиқатан ҳам оила қуришга тайёрми? Жисмоний томондан тайёрлигимга ва ўша қизларнинг ҳам бу борада етуклигига ҳеч шак-шубҳам йўқ. Лекин оилавий бурч, масъулият ва эр-хотиннинг вазифалари деган нарсаларга-чи?

Улуғ аллома ва Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (роҳимаҳуллоҳ) ҳазратларининг “Бахтиёр оила” китобларини ўқиб чиққач, мен ҳам, ҳозир уйланиб ё уйланишга жон-жаҳди билан саъй-ҳаракат қилаётган бирорта йигит аслида оилавий ҳаётга тўла-тўкис даражада тайёр эмаслигини билиб олдим.

Уйланишдан аввал ҳамма, куёв ҳам, келин ҳам, уларнинг ота-онаси ҳам шу ва шунга ўхшаган китобларни ўқиб чиқса бўларди, деб ўйлардим. Лекин китоб бошқа, ҳаёт эса мутлақо бошқача экан. Жоҳил, асло китоб ўқимаган одамларни-ку бир четда қўйиб тураверинг, ҳаттоки баъзи “олим”ларнинг ҳам ўз фарзандларига қанақа тўй-томошалар ўтказаётганини ўз кўзим билан кўриб, ҳафсалам пир бўлди, дунё аҳли каби дабдабага, ўзини кўз-кўзлашга берилиб кетиш уларда ҳам бор экан-да.

Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламга ва у киши саҳобаларига эргашганликни даъво қилаётган “аҳли илм”лар шундай қилиб турса, биз оддий мусулмонлар нима қилайлик?

Лекин, мен уйлангудек бўлсам, суннатга мувофиқ, оддий бир тўй қилгим келади. Тўйимга эса бой-бадавлатларни эмас фақир мискинларни чорлагим келади, ҳаммасиданам яхшиси, келин билан никоҳ ўқитгандан сўнг, зиёфат қилиб беришнинг ўрнига, бирга юриб, мискин

кишиларникига атаганларимизни олиб бориб бериб: “Бизни дуо қилинглар”, дегим ҳам келади...

Қани эди, ана шунақа тўйни орзу қиладиган қиз топилса...

Оила қуриш бу фақат тўй қилиш ва дабдабали ҳаёт эмас! Оила – иккита алоҳида шахснинг бир умрлик турмушга тайёр бўлишидан ҳосил бўлган ўзига хос беқиёс муқаддас битим.

Икки инсон ўзи қачон оила қуришга тайёр бўлади?

Қачон ўзга одамларнинг оғриғини ҳис қила олганда, бир-бирини тарбия қилишга, ягона бир мақсад сари интилганида...

Ҳозирча гапларим шу, агарда яна бирон-бир фикр келиб қолса албатта ёзаман, сизлар билан хайрлашганим йўқ!..”

Ушбу ниҳоятда муҳим масаладаги суҳбатимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилнинг 2 февралида имзоланган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила инсти- тутини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаш- тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидаги айрим бир жиҳатларни эътиборингизга ҳавола этиш орқали уч нуқта қўйсак ва мавриди келиб қолса бу хусусдаги мулоқотни давом эттирсак.

“6. **Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Республика “Оила” илмий-амалий марказининг негизида ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

Оила институтини мустаҳкамлаш соҳаси бўйича, энг аввало, **“Соғлом оила – соғлом жамият”** концептуал ғоясини ҳаётга самарали татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш...;

...замонавий оилани янада ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, жуда бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал... тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга

тайёрлаш ва оилавий ажралишлар олдини олиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга ошириш;

умуминсоний ва миллий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотинлар ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оила мезонларини белгилаш... замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда **“Оила жамият ва давлат ҳимоясида”** конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш ишларини олиб бориш...”

Тўйлар – тарбия мактаби, бу мактаб ҳам чинакам ислоҳга муҳтож. Бу хусусда эса Давлат фармони эълон қилинган. Давлат деганиям мавҳум тушунча эмас, у ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўпдан-кўп кишилар, аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, фуқаролар йиғиндиси ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасиям бевосита ўзимизга боғлиқ. “Сендан ҳаракат...” нақли ҳам барчамизга баб-баравар тааллуқли. Фақат ўзаро келишиб олсак бўлгани, зеро, жуда ҳам кўпни кўрган улуғ халқимиз “Маслаҳатли тўй тарқамас”, деб бежиз айтмаган-да.

ЎЗБЕК ОИЛАСИ ҲАЁТИДА НАВРЎЗ АЙЁМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Янгиланиш ҳамда эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб чин одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват, ҳиммат сингари юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

Ислом КАРИМОВ, ўзбек давлат ва сиёсат арбоби.

Наврўз – умумбашарий аҳамиятга эга байрамдир. Унинг моҳиятида мужассам бўлган гуманистик ғоялар, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ер юзидаги барча пок ниятли инсонлар учун бирдек тушунарли ва қадрлидир.

Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Байрамлар қадим-қадим замонларда, турли хил маконларда банибашарнинг маънавий эҳтиёжи сифатида шаклланган ҳамда ўз вақтида муайян бир мафкуравий вазифаларни бажариб келган. Турли хил ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида жамиятнинг ҳаёти ҳам ўзгариб борган сари унга мутаносиб тарзда ҳар хил байрамлар ҳам мавжуд воқеликка астагина мослашиб бораверган. Айни бир пайтда ҳар бир авлод аждодларидан мерос байрамларга ўз замони талабларидан келиб чиққан ҳолда янги-янги унсурлар ва элементларни қўшган. Натижада, байрамлар жаҳон маданияти улкан хазинасига йиғилган энг қимматли маънавий бойликларни уйғунлаштириш вазифасини ҳам шараф билан адо эта бошлаган.

Байрамлар башарият маданиятининг бошланғич шаклидир. Шу боисдан ҳам айёмлар инсониятнинг ўзи босиб ўтган минглаб йиллик сўқмоқлари, йўлларини, шоҳкўчаларини чуқур англаши, беҳад улкан машаққатлар билан қўлга киритилган ғалабалардан мағрурланиши, эртанги кунларга ўта катта умид билан қарашига ёрдам бериб юборади. Уларда ҳар бир халқнинг кўтаринки руҳи, бир вақтнинг ўзида унинг шон-шарафли ва машаққатли ўтмиши, сермазмун бугуни ҳамда порлоқ келажаги ўз аксини топади.

Улуғ аждодимиз Маҳмуд Кошғарий минг йиллар муқаддам унга шундай таърифни берган эди: “Байрам – одамлар орасидаги шодлик ва кулгу. Гуллар очилган жойларга базрам йэр дейилади. Яъни, ёқимли ер демакдир. Ўғузлар ҳайит кунини байрам деб атайдилар, яъни шодлик ва ёқимли кун”.

Ҳақиқатан ҳам байрамлар шундай кўтаринки руҳий кайфият ҳамда ҳолатни вужудга келтирадики, айнан унда одамлар бошқа кунлардагига нисбатан янадаям хурсанд ва шодонроқ-хуррамроқ бўладилар. Айнан шундай нуқтаи назардан қаралганда, байрамни маълум бир вақт, пайтдаги, палладаги ўзига хос идеал ҳаётнинг тағин бир шакли сифатида бемалол баҳолашимиз ҳам мумкин.

Башарият байрамлари, шу жумладан, ўзбек оиласи ҳаётида муҳим аҳамиятга молик айёмларининг бир қатор афзалликлари ва унинг диққат-эътиборга сазовор жиҳатларидан ҳам бохабар бўлиб қўйиш эса ҳеч биримизга сира ҳам ортиқчалик қилмаса керак:

1) Байрамлар, энг аввало, ҳаётнинг давоми ва унинг муҳим бўлаги, турмушдаги ғоятда муҳим воқеа, ҳодисалар, жараёнларни, қайд этиб, уларни тантанали тарзда нишонлаш учун ҳам керакли шарт-шароитларни яратиб беради. Байрамлар улуғвор ишларнинг тантанали равишда бошланиб кетиши ва жудаям муваффақиятли даражада тугалланиши каби дақиқаларда ҳам вужудга келади.

2) Байрамлар банибашар ҳаётининг давоми ҳисобланишига қарамай, баъзан бўлса айрим бир кишилар учун, гўёки зерикарли ўтаётгандек туюлган энг олий ҳакам – вақтнинг монотонлигини (бир хиллик) шарт бузиб ташлаб, унга муайян ритм (маромийлик) бахш этади. Айни шу сабабга кўра энг қадим-қадимдан байрамлар (маълум бир вақтда доимий такрорланиб тургани учун ҳам) ўзига хос вақт ўлчови ҳам ҳисобланган. Ҳозирги даврда ҳам (ҳаммамиз яхши биладиган тақвим (календарь) бўлишига қарамай) байрам кунларида муайян бир вақт ўтиб кетганлигини (масалан, Наврўз айёми нишонланаётганида тағин бир йил поёнига етганлигини) янада ҳам чуқурроқ, тағин теранроқ ҳис қилишимиз мумкин.

3) Байрамлар, юқорида алоҳида қайд этилганидек, башарият ҳаётининг энг яхши томонларини, қирраларини акс эттирадиган ўзига хос ойна – кўзгу ҳисобланади. Ўзингизгаям яхши маълумки, одамлар айнан байрамлар пайтида бағоят эзгу одатларини ҳамда характерларини намойиш этадилар. Энг чиройли либос, кийим ва сарполарини киядилар, ниҳоятда

лаззатли таомларни мароқ билан тайёрлайдилар, ўзларида мавжуд иқтидор, истеъдод, салоҳиятни эл-юртгаям намойиш этадилар. Бу куни ҳамма бениҳоя кўтаринки кайфиятда бўлади. Аксарият кишилар чин кўнгилдан севадиган байрам кунларида турли-туман иллатларни учратиш ҳам анчагина мушкуллашиб қолади-да: ёмонлар – яхши, хасислар – сахийроқ, хунуклар – гўзал, жуда чиройлилар бўлса янада гўзалроқ бўлиб кетишига байрам чоғида ўзингиз ҳам кўп бора гувоҳ бўлгансиз.

4) Байрамлар қадим-қадимдан озодлик ва ободлик, эркинлик ҳамда фаровонлик куни ҳисобланган. Чунки, аждодларимиз байрам кунлари ниҳоятда оғир жисмоний меҳнат қилишни айб сифатида қоралаганлар. Айнан шу сабабга биноан одамлар кундалик иш ва ташвишлардан анча озод бўлганлар. Байрам, айём кунлари, гарчи вақтинчалик бўлсаям, бари қийинчилик, дард-аламлар унутилган, кишилар ўзларини шод ва хуррам бўлишга роса ҳам шайлаганлар. Айни шу куни одамлар орасида одобсизлик, ўғрилик, зўравонлик, фисқ-фасод сингари бир қатор иллатлар ҳам деярли унутилган.

5) Байрам кунида одамлар орасида ўзига хос тенглик ҳукм сурган, бошқа кунлардагига нисбатан барча тенг, баравар бўлган. Ҳамма бир қозондан лаззатли таомларни тановул қилиб, бир хил томоша, кўрсатув, ўйин ва мусобақалардан баҳраманд бўлганидан кейингина биргаликда ниҳоятда улкан сайилгоҳларга чиққан.

6) Байрам, энг аввал, тинчлик ва омонлик куни ҳисобланган, шу кунда уруш ва жанжаллар, вақтинчалик бўлсада, тўхтатилган. Эл-юртнинг қадимий одатларига кўра бу куни хафагарчиликлар, гина-кудуратлар унутилган, аввалдан аразлашиб юрганлар ўзаро ярашиб олганлар, таниш-билишлар эса энди дўстга айланганлар.

7) Байрамларни нишонлаш чоғида вужудга келган ғоявий-руҳий кўтаринкилик кишиларга эртанги кунларга эзгу умидларни боғлаш, порлоқ келажакка ишонч билан қараш, ўз ҳаётини янада гўзал, озод ва обод қилишга тинимсиз ундайди, чорлайди. Хуллас, байрамлар кишилар психологиясидаги пессимизм (бадбинлик) руҳини аллалаб ухлатиб қўйиб, некбинлик (оптимизм)нинг аста мудраётган ҳаётбахш руҳини

чиндан уйғотиб юбориш жараёнига одамни яхши-ёмонга ажратмай, ўзининг холис хизматини қилади.

Шарқ халқларининг муштарак ижоди бўлмиш – Наврўз узоқ мозийдан бугунга қадар етиб келган азиз ва муқаддас маънавий қадриятлардан бири, асл байналмилал байрамдир. Унинг мазмун-моҳиятига қадимги аждодларимизнинг ибтидоий ва мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг илғор ва инновацион, креатив қарашларигача бўлган ўта улкан маънавият олами сингиб, аралашиб кетган. У инсоният цивилизациясининг узоқ асрлар, минг йиллар мобайнидаги ҳар бир ютуғидан доимо ўзига хос тарзда катта далдани ва куч-қувватни ҳам олиб турган.

Башариятнинг ғоятда узоқ тарихида Наврўздан қадимийроқ бўлган бирорта байрамни топишимиз жуда ҳам қийин, унинг ғоят теран илдизлари неолит (яъни, янги тош даври – мил. авв. VI – IV минг йилликлар. – Б. И.) даврига қадар бориб тақалади.

Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер ҳақида, унинг коинотдаги ўрни хусусида мулоҳаза юрита бошлаган даврларига тўғри келади. Бошқача қилиб ифодалаганимизда, Наврўз айёми одамзодда Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб аста шакллана борган. Дастлаб Наврўз айёмини тантанали нишонлаш ўтроқ деҳқонлар орасида расм бўлган, кейинчалик эса айнан улар орқали ярим ўтроқ ҳамда кўчманчи туркий халқларнинг ҳам доимий амалда бўлган урф-одат, анъаналари ва қадриятлари таркибигаям кириб бораверган. Демак, бундай байрамлар турли гуруҳларнинг ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб эта бошлаган ишлаб чиқариш хўжалиги фаолияти – деҳқончилик билан бир вақтнинг ўзида шаклланган эди. Шундай қилиб, ҳозирги дунё ва давр, макон ҳамда замонда башариятнинг бебаҳо боқий байрами бўлмиш – Наврўз айёми бундан энг камида 4 – 4,5 минг йиллар бурун бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан ҳам аллақачон жаҳон аҳлига исботлаб берилган.

Миллий Истиқлолимизнинг истиқболли йилларида, маълум бир даражада унутиб борилаётган айрим

байрамларнинг бениҳоя ижобий анъаналарини кўз қорачиғи янглиғ сақлаб қолиб, уларни ёш авлоднинг маънавий мулкига айлантириш, келажаги порлоқ, соғлом, баркамол авлоднинг таълим-тарбиясига ўзига хос таянч сифатида хизмат қилади ҳамда камида 3,5 минг йиллик буюк давлатчилик тарихимизни, мутлақо енгилмас куч бўлмиш беҳад юксак миллий маънавиятимизни янада ҳам бойитиб бораверади.

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларидаёқ, яъни бугунимиздан деярли уч ярим минг йил аввалроқ улкан Евроосиё материгининг чинакам юраги бўлмиш Туронзаминда истиқомат, умргузаронлик қилган қадимий аждодларимиз диний эътиқоди зардуштийликка асосланганди. Зардуштийлик таълимотига кўра, бу дунёнинг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам муқаррар, яъни мавжуд борлиқ вақт, замон ўлчамида мутлақо чексиз эмас. Зардуштийлар бутун дунё асосини иккита бутунлай бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳодиса – эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, ёруғлик ҳамда қоронғилик, нур ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим, тана ҳамда жон, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобелик ўртасидаги азалий ва интиҳогача абадий кураш ташкил қилади, деб ҳисоблаган эдилар.

Шунинг учун ҳам улар бу дунёдаги барча ижобий ҳодисалар – фазилатларни эзгуликнинг тангриси – Аҳурамазда (Хурмуз) ва ҳамма салбий нарсаларни – иллатларни ёвузлик худоси – Анхара-Майню (Аҳриман) иродасига бевосита боғлиқ деб тушунганлар.

Аҳриман қўшинлари таркибига девлар, олдинги замоннинг худолари, ялқовлик ва лоқайдлик, тайёрхўрлик, танбаллик, иғво, ёлғончилик ва ҳасад, сингари жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ва жодугарлар кирган бўлиб, улар башарият ҳаёти асоси, пойдевори бўлмиш оловга, ерга, сувга ва чорвага тинимсиз зарар етказишга уриниб ётаверганлар. Аҳриман ўлим, қиш, совуқ, жазирама иссиқ, зарарли ҳайвонларни ва ҳашаротларни яратган, деб ўйланган эди. Аҳриман табиат ҳамда одамзод аҳлига бетиним тарзда ҳужум қилиб инсониятни Аҳурамазда измига юрмасликка доимий равишда даъват этиб, ушбу дунёни вайрона, харобазорга

айлантиришга интилаверади. У инсонларга ҳужум қилган чоғида, кишининг юраги сиқилади, кўзига кенг дунё торайиб кўринади ва дили хуфтон бўлади, “ичига чироқ ёқса, сираям ёришмайди”, деб тасаввур қилинган. Аҳриман ҳасад ва нафс воситасида одамлар ўртасига бетиним нифоқ солишга уриниб ва улар орасига ёлғон-яшиқ, туҳмат, бўҳтон, миш-мишлар уруғини сепиб, эзгу йўлдан адаштиришга уринаверади. У ўзининг бузғунчи кирдикорларини ёрдамчилари – иблислар, ёвуз руҳлар ва шайтонлар воситасида бажаради. Унинг энг яқин кўмакчилари эса “Дайва” (ёвуз қизлар) деб номланганди. Ака Мана (беҳад ёвуз ўй-ният), Таурви (сўлиш, қовжираш), Бужи (ваҳима, қўрқитув ва даҳшат), Зарик (ўлим), Айшма (қутириш, адоват) Аҳриманнинг бевосита ҳамкорлигида энг эзгу ниятли инсонларга доимий тарзда хуруж ва ҳужум қилиб турадилар. Масалан, Айшма адоват, хусумат, зўрлик ҳамда қаҳр-ғазабнинг ҳомийси сифатида уруш-жанжал, нифоқ, мастлик, тўс-тўполонларни ҳамиша илҳомлантириб туради. Бугунги кунда ҳам айш-ишратдан сира боши чиқмаётган, Она табиатга зуғум қилиб, уни булғаётганлар айнан Айшманинг йўл-йўриқлари бўйича иш кўрсатиб қўйиб, бош оғриғига ҳам сабаб бўлаётган кимсалардир.

Аҳриман томонидан яратилган иблислар орасида ёдсизлик, унутилиш ва хотирасизлик билан чамбарчас боғлиғи “Маршаван” деб аталган эди. Унутилиш буюк аждодларимиз томонидан турли авлодлар ўртасидаги ўзига хос маънавий узилиш деб билинган ва улар ўзларини доимо бу ярамас, келажакда улкан фожиага сабаб бўлувчи хотирасизлик иллатидан асраб-авайлашга интилганлар.

Таниқли олим, академик Дмитрий Сергеевич Лихачёв фикри билан ифодалайдиган бўлсак, “Хотира – виждон ва маънавият, маданиятнинг негизидир. Хотирани асраб-авайлаш эса ўзимиз ва келажак авлодлар олдидаги энг асосий маънавий бурчимиздир”...

“Сувни йўқотгувчи” маъносидаги “Апаша” қурғоқчилик, ёмғирсизлик деви ҳисобланган. “Бушйаста” қўллари беҳад узун дев сифатида тасвирланган. У эзгу ниятдаги инсонларнинг куч-ғайрати, шижоати, маррани доимо баланд олиб тинимсиз тарзда

олға интилишини қўллари, яъни “илки узун танбаллик” билан тўхтатиб, дангасалик ва ишёқмасликка тортади, деб ҳисобланган. Шу сабабдан ҳам уни енгиш савоб ишлар қаторига киритилган.

Худди шунингдек, Аҳриман дайвалардан нисбатан камроқ кучга эга бўлган Дэва (иблис қиз)ларни яратган. Араска (ҳасад), Пуш (хасислик), Змака (қаттиқ совуқ билан боғлиқ турли-туман азоб-уқубатлар) улар жумласига киради. Дэваларга Друж (ёлғон, фирибгарлик, каззоблик ва алдов)лар, аёл тимсолидаги баджаҳл махлуқлар – Рўдапо (унинг ўнлаб қўллари ҳамда оёқлари мавжуд, баликчиларни сувга ғарқ қилувчи), Наса (юқумли касалликларни тарқатувчи турли-туман микроб, вирус)лар кўмаклашиб юради.

Аҳурамазда инсонга яхшилик, соғлик, бахт, омад, тинчлик, қут-барака, фаровонлик келтирувчи илоҳ ҳисобланган. Шу боис, зардуштийлар эзгулик илоҳидан фақатгина яхшиликларни тилаб, ёвузлик худосидан эса инсонларга ёмонлик қилмаслигини жуда ҳам ўтиниб, қаттиқ нидо ва илтижо қилиб сўраб, дуо қилганлар.

Аҳурамазда ёвуз Аҳриманга қарши кураш ниятида қуйидаги муқаддас, эзгу руҳлар – Амеша Спенталарни дунёга келтирган: Воҳу Мана (яъни, Баҳман) – Яхши ният (Эзгу Онг); Аша Ваҳишта (Ардибиҳишт, яъни, Ашаҳ – Ҳақиқат) – Бениҳоя адолатлилик (Олий Ҳақиқат); Хшатра Ваирйа (Шаҳривор) – Орзу этилган ўта буюк қудрат (Матлуб Қудрат); Спента Армаити (Сипандормаз) – Диёнатли авлиёлик (яъни, Матлуб тавозе); Хаурватат (Хурдод) – Яхлитлик (Соғ-саломатлик, мукаммаллик); Амарэтат (Мурдод) – Мангулик (Абадий барҳаётлик).

Кейинчалик, Аҳурамазданинг ўзини ҳам шу таркибга қўшиб, муқаддас илоҳлар сони еттитага етказилган ва “барҳаёт азизлар” деб атала бошлаган. Мана шу етти илоҳий хилқатларнинг сонига мутаносиб равишда етти хил нарса ҳам яратилганди. Бу муқаддас руҳларнинг ҳар бири моддий дунёнинг ўзига хос ҳомийлари деб ҳисобланган эди. Қадимги аждодларимиз Баҳманни – ҳайвонлар, Ардибиҳиштни – олов,

Шаҳриворни – металлар, Сипондармазни – замин, Мурдодни – ўсимликлар раҳнамоси сифатида билганлар.

Сипондармаз, Хурдод ва Мурдод илоҳалар деб ҳисобланган. Сипондармаз руҳий оламда сабр-тоқатлилик ва чидамлилик каби хислатларнинг ҳомийси бўлса, моддий оламда эса Она заминни бетиним равишда қўриқлагувчи, уни пок тутгувчи ва барчага қут-барака, бахт-саодатни ато этувчи илоҳадир. Улуғ аждодларимиз Сипандормазни Аҳурмазданинг қизи сифатида ҳам билганлар.

“Комиллик”, “тўғрилик” маъноларини ифодаловчи Хурдод заминий ҳаётда сувга пушт-паноҳ ҳисобланган. “Авесто”да пок, мусаффо ҳаво илоҳи Андарвай деб номланган. У аксарият ҳолда “забардаст” сифати билан бирга қўлланган. Фрадот Фшу “майда чорваларни парвариш этувчи” деган маънони англатадиган илоҳа бўлган. Туманлар ва ҳудудларни ўзининг паноҳига олган илоҳ эса Зантум деб аталганди. Апам Напат бўлса сув илоҳи сифатида тасаввур қилинган. Ушбу сўзнинг ҳақиқий, асл маъноси “сувлар набираси”дир. Апам Напат “Авесто”да “улуғ шаҳриёр”, “учқур” сингари ижобий сифатлар ила қўлланган. Нмаянҳ – уй-жойларни асрагувчи, Поринди эса бойлик, қут-барака ва файз-фаровонлик маъноларини ифодаловчи, турли хил ноз-неъматларни авайлаб-асровчи илоҳа сифатида билинган. Барча ҳайвонларга ҳомийлик қилгувчи илоҳ бўлса Сванҳи, уруғ-насллар ва қишлоқлар илоҳи Вяся, фойдали жониворларларни янада кўпайтирувчи илоҳ Гуш-Урвон, ниҳоятда кенг, покиза ва бўлиқ яйловлар, эл-юрт тинчлик-осойишталигининг маъбуди эса ўша замонда Роман деб аталган.

Зардуштийлик анъаналарининг ўта изчил ривожи мобайнида ўша еттита “барҳаёт азизлар”нинг мифологик табиатини ўзида тимсоллаштирган етти нарса – ҳаво, тупроқ, сув ўсимлик, сигир, одам, олов шарафига еттита байрамни ўтказиш удуми ҳам келиб чиққан эди. Худди ана шундай байрамлардан иккитаси эса бахт-саодат, эзгуликлар, самовий тартибот ва ҳақиқат рамзи сифатида улуғланган илоҳа Ашаҳ номи билан бевосита боғлиқ ҳолда келиб чиққан бўлиб, бу қадимий удумларнинг асрлар давомида муайян ўзгаришларга

учраган айрим бир кўринишлари эса халқимизнинг йилбоши – Наврўзга алоқадор анъанавий маросимлари тизимида ҳам сақланиб қолган. Авестошунос олима Мэри Бойс байрамнинг келиб чиқиши ўта кўркам, ниҳоятда гўзал илоҳа Ашаҳ тимсолида мужассамлаштириб олинган эзгуликларни улуғлаш ғояси билан боғлиқлиги ҳақида шундай ёзганди: "Кўкламнинг келиши Ашаҳ-Ваҳишта ва оловга бағишланган байрам сифатида қадим даврдан тантана қилиб келинганлигига асосланган Зардушт бу шодиёнани баҳорий тенгкунликда нишонлаш, тантана қилишни урф қилган. Етти байрамнинг энг охирги тантанаси сифатида эса бу байрам дунёнинг охирги кунини, яъни Ашаҳ батамом ғалаба қиладиган кунни англатган. Бу ўтаётган йилнинг охирги куни, айни вақтда эса боқий ҳаётнинг янги куни ҳам ҳисобланар эди. Айём йилнинг Аҳурамаздага тааллуқли мавсуми – ёзнинг бошланиб кетиши ва ёвуз Руҳнинг эрта кўкламдаги мағлубиятидан далолат берар эди".

Демакки, ёруғлик ва эзгулик рамзи Аҳурамазда яратган эзгу илоҳа бўлмиш Ашаҳ ҳамда оловга бағишлаб ўтказилган қадимий баҳор айёмининг улуғ аждодларимиз томондан анъанавий тарзда ўтказиб келиниши асосида башариятнинг боқий байрами бўлмиш – Наврўз ҳам келиб чиққан. Зеро, ўзбек халқ афсоналарида ҳам Наврўз пайдо бўлишини қуёшнинг чиқиши ҳамда оловнинг кашф этилиши ва кўкламнинг бошланиши билан боғлаб тасвирланиши ҳам асло бежиз эмас. Чунки, ушбу байрам олов ва қуёш ҳомийси, эзгулик рамзи Ашаҳ номи билан боғланган бўлиб, қиш, совуқ ва зулмат билан алоқадор ёвузликнинг рамзий мағлубияти, баҳор ва иссиқлик ва рўйи заминда нурли кунлар ғалабаси ифодасидир.

Ибтидоий диний тасаввурлардан бири бўлмиш – анимизм ақидаларига кўра ўлган кишилар у дунёда яшашда давом этади, улар руҳи бўлса ўз авлодлари ва қавмларига ёрдам бериб туради, борлиқ муҳит бу ёруғ дунёдан ўтган имонлиларнинг руҳи билан тўла деб тушунилган. Айнан ўша руҳлар "Авесто"да "фраваши" сифатида тилга олинган. Фраваши – инсон таваллудига қадар ва ўлимидан кейин ҳам яшайверувчи Қалб ва мададкор фаришталар ҳисобланган. Фраваши атамаси

ҳимоя қилмоқ ва паноҳ бермоқ, кийинтирмоқ, ўз бағрига, оғушига олмоқ каби маъноларига ҳам бемалол тўғри келаверади. Масаланинг тағин бир қизиқ жиҳати ҳам шундаки, фравашилар инсоният оламини ўраб турган барча табиат ҳодисалари, жумладан, тоғ, дарёлар, кўллар, ўрмонлар ва бошқаларга ҳам тегишли бўлади, деб чиндан дилдан ишонилган.

Халқимиз тафаккуридаям ҳанузга қадар сақланиб келаётган ўтган аждодларнинг руҳи (арвоҳи)га нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром, эҳтиётли, умидворлик билан қараш анъанаси ҳам айнан шундай ҳолат билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисданам ҳозиргача мадҳ этиш ва алқов маъносидаги “Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлсин!” деган дуо кишиларга руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Фравашилар ўтганлар, яшаётганларга ҳамда туғилажакларга бир хилда тегишли. Чунки, “Авесто”га кўра фравашилар Аҳурамазда томонидан дунё яралмасдан анчагина олдинроқ яратилган. Улуғ аждодлар тасаввурида Сув ҳам аввал осмон сингари қўзғалмас бўлган, фравашилар дуосидан кейингина улар бемалол жилдираб оқадиган бўлиб кетган, деган ўзига хос тасаввурлар мавжуд эди.

“Авесто” бўйича Хварно – илоҳий бахт ва омаднинг рамзи. Сўзнинг фонетик ўзгарган шакли, кўриниши – фарр. Хварно ўта ёвуз ниятли кишилардан қочиб юради. У тутқич бермас бир нур кўринишида бўлади. Баъзан бўлса қуш (Ҳумо), оқ рангли қўй ва бошқа қиёфаларга ҳам кира олади. Фар – нур, гўзаллик, шоҳларга хос салобат ва шавкат, ҳайбат... Ҳозирги даврда **фарр** ўзаги ўзбек ва тожик тилларида баъзи сўзларни – исмларни ясашда иштирок этишига эса ўзингиз ҳам эътибор бергансиз. Фарзанд, фарахбахш, фаровонлик, фармон, Фарҳод, Фаррух, Фарида, Фарангиз...

Зардуштийлик фалсафасига биноан, эзгулик ҳамда ёвузлик инсоннинг айнан ўзида, унинг ички дунёсида яшайди. Инсон эса Аҳурамазда руҳидан яратилганлиги сабабли ҳар доим ва бетиним яхшилик учун ҳам курашмоғи зарур. Лекин, ушбу ёруғ дунёнинг асослари яралишига Аҳриман ҳам аралашиб қолганлиги туфайли инсон қалби ва онги ҳам бутун дунё каби

яхшилик ва ёмонлик, нафс ва сабр, ҳасад ҳамда саховат каби фазилат ва иллатларнинг азалий ва абадий кураш, ўзига хос жанг майдони ҳисобланади.

Зардуштийликнинг энг асосий ахлоқ-одоб ва ҳаёт фалсафаси учтагина сўзда – “Гуманту”– эзгу ўй-фикр, “Гутка” – эзгу сўз, “Гваришта” – эзгу амал тушунчаларида ўз ифодасини топган эди. Демак, зардуштийлик дини бўйича имон – фикрларнинг софлиги, сўзлар собитлиги ва амалларнинг инсонийлигидан иборат бўлган.

Айни шунингдек, зардуштийлар эзгулик худоси Аҳурамазда билан бир вақтнинг ўзида, Митра (йигит қиёфасидаги қуёш ҳамда ёруғлик тангриси), Анахита (ниҳоятда чиройли қиз сиймосидаги унумдорлик, ҳосилдорлик ва фаровонлик илоҳаси), Ҳумо (гўзал қуш қиёфасидаги бахт-иқбол, тақдир, бойлик ва қут-бараканинг илоҳаси), Хубби (мард, жасур йигит қиёфасидаги сув тангриси), Миррих (ёшгина жангчи қиёфасидаги уруш ва ғалаба тангриси) сингариларга ҳам эътиқод қилганлар, ишонган ва инонганлар.

Аждодларимиз учун она заминни нурга чулғайдиган қуёш ва ризқ-рўз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва боқий ҳаёт тимсоли ҳисобланган сув ҳамда олов ниҳоятда мўътабар ҳисобланган эди. Шунинг учун ҳам улар ўз уйларининг эшигини қуёшга қаратиб очгандилар. Эрта тонгданоқ чиқиб келаётган қуёшга, тунда тўлин ойга уч марта эгилиб, ўз ҳурмат-эҳтиромларини ифода этганлар. Марказий Осиёнинг айрим жойларида Наврўз куни доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати, ҳаттоки XX аср бошларига қадар ҳам сақланиб келган эди. Шубҳасиз, бу доиралар қуёш тимсоли, ёруғлик, эзгулик рамзи ҳисобланган ва айнан Наврўз байрамида кун билан тун тенглашишига ишора вазифасини ҳам ўтаган эди.

Даставвал Қуёш, унинг садоқатли йўлдоши ҳамда муқаддас оловга алоҳида-алоҳида тарзда топинганлар. Бироқ, бора-бора бу тангрилар ҳам бир-бири билан бутунлай чатишиб кетган. Митра тимсоли ҳам қуёшни, ҳам оловни ўзида жамулжам этган. Мана шу сабабдан ҳам Митра шаънига уюштириладиган маросимлар ва томошалар ҳам шунга яраша

анчагина эътиборлироқ ва миқёси кенгроқ, аҳоли онгига эса таъсирчанроқ даражада ўтказилган эди.

Хоразмийларнинг Курраи Заминга жудаям машҳур “Лазги” рақси келиб чиқишига шу нуқтаи назар билан ёндашсак, сира ҳам хато қилмаган бўламиз. Худди ўша “Лазги”нинг келиб чиқиши зардуштийлик, унинг энг муҳим белгилари бўлмиш қуёш, олов ва Митра тимсоллари билан ҳам бевосита боғлиқдир. “Тарих отаси” Геродотнинг қуйидаги маълумоти эса айнан шундан ҳам далолат беради: “Аракс (Амударё) бўйида яшовчи массагетлар кечалари жуда улкан гулхан ёқиб, ўсимликнинг ҳидидан маст бўлиб, унинг атрофида олов ўчгунича қўшиқ айтиб, роса рақсга тушар эдилар”.

“Лазги” рақсининг бизга қадар етиб келган нусхаларида ҳам зардуштийларнинг қуёш, олов ва Митрага сиғинишининг излари аниқ сезилиб туради. Аввало, бу рақс эркагу аёл, ёшу қари, бою камбағал, шоҳу гадоники – ҳамманики. Ҳамма, ҳатто, шоҳлар ҳам ўйнайди, рақсга тушади. Ҳар ким ўз ёши, жинси, аҳволига яраша рақс ҳаракатларини ҳам тўқиб, ўз ҳис-туйғуларини баралла ифода қилиб, жўш уриб ўйнайди ва ўзига хос тимсолни яратади. Аммо, рақснинг бошланиши бўлса бир хил: қўлларини осмонга кўтариб, уларни майин силкитиб, унга эса маҳлиё бўлиб, бир дам тикилиб турадилар, сўнгра эса кўзларини ерга қадайдилар. Бу ҳаракатлар бир неча бора қайта такрорланади. Бунда бевосита Бобо қуёшга сиғиниш, қуёш шуълалари ҳамда унинг сиғинувчиларга таъсири ифодасиниям кўришимиз мумкин. Кейинги ҳаракатлар ҳам аксар ҳолатда гулхан атрофида ўйинга тушаётган кишилар аҳволини эслатади: улар эса гўёки катта оловга бир яқинлашиб олиб, бир узоқлашадилар, олов тафтидан эса юзларини беркитадилар, олов атрофида айланадилар ва баъзида оловга ҳам салгина тегажоқлик қиладилар. Бироқ, шу билан бирга, “Лазги” таркибида жанговар ҳаракатларни (шу жумладан, ўқ-ёйнинг ҳаракатини) ҳам, табиат ҳодисалари (майин сабо, довул сингари), ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси (олма узиш ва отиш, чағалай парвози каби) тасвирларини ҳам, ҳиссий-руҳий кечинмалар (муҳаббатнинг нашъаси, қувонч, баъзан бўлса ўта изтироб) ифодасини ҳам учратишимиз мумкин. Айнан мана шу

жиҳат Н. Раҳимованинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида 1966 йил 3 августида босилган “Хоразм рақси ҳақида ўйлар” сарлавҳали мақоласида Онаш халфа (1885 – 1952) ижросидаги талқини шундай равишда тасвирланганди: “У қўлларини юқорига кўтариш билан, боқишларини бўлса ерга аста қадади. Бир неча дақиқа мобайнида бир жойда қотиб турди. Сўнг бармоқларининг учига жон киргандек бўлиб, аста-секин ҳаракат мавжи бутун баданигаям ёйилди. Яна у бармоқлари билан беҳад нозик ҳаракатлар қилади. Соллана-соллана қадамини ташлайди, оёғининг учига астагина кўтарилиб, йўрғалай бошлайди. Мусиқа усули ҳам аста-секин тезлашаверди. Унинг сийнаси гўёки учишга тап-тайёр қушча каби олдинга интилади. Билакларига боғланган қўнғироқчалар бўлса бетиним жаранглайди. Шунда у жудаям тез, гоҳ юқорига ва гоҳида ерга боқиб ҳаракат қилади. Аммо, бошини мағрур тутиб, ўйинга янада салобат қўшади... Раққоса ўзининг ниҳоятда нозик ижроси билан гўё лашкарларнинг жанг қилаётган ҳолати, шўх чўл шамолларини ҳамда ўзининг маҳбубига эриша олмасдан ҳижронда беқиёс азоб чекаётган гўзал қиз ғам-аламини ва эркин қушларнинг юксак парвозини ҳикоя қилиб берар эди”.

Тарихий манбалар ҳам шундан яққол далолатини берадики, аждодларимизнинг энг қадимий дунёқараши ва ҳаёт тарзи билан бевосита боғлиқ “Лазги”га ўхшаган рақслари V – VII асрларда фақатгина Турон дунёсида эмас, шу билан биргаликда Хитой ва Ҳиндистонда ҳам беҳад шуҳрат қозонган эди. Чунончи, Хитойда Марказий Осиё орқали ушбу давлатга келиб қолган “Хусюаньу” рақси жудаям машҳур бўлган. Бу рақсни қойилмақом қилиб ижро этган Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Фарғона раққослари Чин шоирлари томонидан ҳам ғоятда юксак даражада мадҳ этилган. Хитойлик шоир Юань Чжань (776 – 831) эса “Хусюаньу” рақсини шундай бир соҳир сўзлар воситасида таъриф ва тавсиф этган эди:

Бу дунёда хуск рақсининг
Маъносини чақолмас ҳеч ким!
Мен хуск рақсин, ўйинчисин ҳам
Сизлар учун таърифлаб берай:

Соч қирқилган, тишлари-чи,
Қировдай оппоқ!
Чарх урганда, олов ҳалқа жилолангандай.
Йўқ! Осилиб турган каби лоларанг қуёш,
Учган каби самовотда қуйруқли юлдуз.
Ялтирайди аждар шакл марварид сирға,
Бошидаги нозик рўмол камалак рангда...
Ҳаракати ўн мингтами? Ажратмоқ қийин –
Қайда унинг бошланиши, қайда охири?
Раққоса чир айланганда пайқаш маҳолдир
Юзи қайда, кўкси қайда,
Қайда кураги, қайда юраги...

Бизларни эса “чарх урганда олов ҳалқа жилолангандай” ва “осилиб турган” сингари иборалар кўпроқ қизиқтиради. Демак, ўша раққоса ўз ҳаракатлари билан оловни, қуёшни ифода қилган ва уларга топинган. Бошқа бир шеърда бўлса ҳарир либос кийган раққосанинг икки қўли билан кўкка интилиши, сўнг гўё қуюндай, арава ғилдирагидай чир айланиши ҳам ажиб бир эҳтиром билан куйланади. Шоирлар раққосалар ижросидаги чархлар тасвирига алоҳида диққат-эътибор қилишганки, бу ҳам бежиз эмас. “Чарх” – бу борлиқ, коинот, фалак; бобо қуёшнинг ҳаракати деганидир.

V – VII асрларда Турондан чиққан раққосалар ўша қуёшга
тақлид қилар эканлар, унинг ҳаракатларини ўзларининг чапдан ўнг томонга роса ҳам гир айланишлари билан ўзига хос равишда ифода қила олганлар. Чархларнинг ўзбек халқ рақсларида ҳамон катта ўрин эгаллаб келиши ҳам худди буюк аждодларимизнинг анъаналарни абадиятга айлантирган айёми билан боғлиқликдан...

Марказий Осиё халқларининг асосий урф-одат ва маросим, байрамлари коинот, она табиат, йил фасллари, меҳнат фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Аждодларимиз борликдаги тўрт муҳим унсур (қуёш, ҳаво, ер ҳамда сув)ни аввалдан аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўртта улуғ кунларни ҳам олдиндан белгилаб, уларни нишонлашга одатланганлар. Масалан, Она табиат уйғониши,

баҳорги кун – тун тенглиги, дала ишлари бошланиши палласида Наврўз; ёзда – қуёш роса тикка бўлиб, тун қисқа, кун жудаям узун давом этганида, ҳаво ҳарорати энг юқори даражага кўтарилиб, жазирама бошланиб ва сувга бўлган эҳтиёж ҳаддан ташқари кучайганида сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом); кузда бўлса кун – тун тағин тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, деҳқонлар даладаги ҳосилни йиғиб-териб олган вақтларида Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда); қишда – энг узоқ тун ва қисқа кун содир бўлиб, совуқ авжига чиққанида (“қишки чилла”), исинишга эҳтиёж кучайган пайтларда эса ўзига хос Сада – Олов байрами (гулханда исиниш) каби маросимларни уюштирганлар. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси ўша замон кишиларининг табиий эҳтиёжлари асосида ва уларнинг ҳаётий манфаатларига мос равишда қарор топган эди.

Милоддан аввалги даврда Эронда ва Туронда зардуштийлик тақвими (календари)дан ғоятда унумли равишда фойдаланилган.

Йил фаслларидаги ҳар бир ойнинг ўзига хос байрамлари ва машҳур кунлари олдиндан белгилаб қўйилган. Масалан, Беруний қайд этишича, “Фарвардин моҳ – ёз боши, тир моҳ – куз боши, меҳр моҳ – қиш боши, дий моҳ – баҳор боши эди. Улар ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (ҳайит) куни бор эди”.

Умуман олинганда, йилнинг мазкур даврларида ўтказилувчи урф-одат ва маросимларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий кураш жараёни турли шаклларда ўз аксини топган эди.

Шарқ халқлари, шу жумладан, Марказий Осиё аҳолиси ҳам

амал қилган ўша қуёш тақвими баҳорги тенг кунлик (21 март)дан бошланган ва янги йилнинг байрами – Йилбоши (хоразмликларда – Новсоржи, сўғдийларда – Навсард), Наврўз (Нав – Янги, рўз – кун) номлари билан шўх-шодонликда ўта катта байрам қилинган.

Қадимги аждодларимиз эътиқоди – Аҳурамазда қонунларида қўриқ, бўз ерларни ҳайдаш ва буғдой экиш, ерни

жамоа ўртасида адолатли тарзда тақсимлаш энг савобли ишлардан ҳисобланган. Авесто Вандидод қисми учинчи фасли башоратида ёзилишича, “Аҳура Мазда ерга яхши, соғлом уруғ сепишдан ҳам ортиқ савоб иш йўқ”, дейди. Илоҳнинг бундай эзгу амрига тўла итоат этиш, ўн минг ясна диний матнларини ўқиб ибодат қилиш ёхуд юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан ҳам афзалроқ ҳисобланган.

“Оламнинг гўзаллиги деҳқончиликдан. Кимки заминга уруғ қадабди, у одамийликка чин имон келтиради, ягона шу йўлгина асл ҳақиқат бўлиб, қолганлари эса саробдир”.

“Авесто”да (“Вандидод” 3- фаргард, 24- банд) “Узоқ замон экилмаган ҳамда омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин эса балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстиқдошга интиқдир”, дейилади. Шунингдек, бобокалон китоб, ўзбек давлатчилиги илк даври мафкураси вазифасини адо этган “Авесто”да ёзилишича: “Қачонки эгатларда уруғ етилса девлар ўринларидан қўпадилар (турадилар). Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса, девлар роса нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар буткул нобуд бўладилар. Қайси бир хонадонда буғдой бош чиқаргудек бўлса, бундай хонадонга девлар (сира ҳам, зинҳор) яқинлаша олмайди”.

Зардуштийларнинг жуда ҳам кўплаб маросимлари халқимиз турмуш тарзида ҳанузга қадар сақланиб қолганлигини ўзингиз ҳам бағоят яхши биласиз. Йилбоши билан боғлиқ кўпгина, сон-саноқсиз маросимлар бўлса бунинг бевосита далили ҳисобланади. Деҳқон, боғбонлар ҳамда чорвадорлар қаҳратон қишнинг аёзли кунларидан эсон-омон чиқиб, баҳорнинг илиқ кунларини ғоятда интиқлик билан кутиб, янги йилга жудаям жиддий тайёргарлик кўрганлар. Энг аввало, омоч-бўйинтуруқ, кетмон ва мола сингари асбоб-анжомлар янги деҳқончилик мавсумига тахт ҳолда келгани яна бир бора диққат билан кўздан кечирилган. Отлар совутилган, аравалар тузатилган, ишга яроқли ҳолга келтириб қўйилган. Энг асосий ишчи кучи ҳисобланган ҳўкизлар эса яхшилаб парвариш қилинган. Шу боисдан ҳам ўрта асрларда Бухорода

ушбу байрам “Наврўзи кишоварзон” – “Деҳқонларнинг байрами” деб аталган.

Қадимги улуғ аждодларимиз баҳорги юмушлар бошланиши олдидан махсус маросим сифатида бирорта жонликни сўйиб, ис чиқарганлар. Ушбу хайри-худойилар масжид ёхуд мозорларнинг яқинида ўтказилиб, унга кекса деҳқонлар, пиру бадавлат оқсоқол, нуроний отахонлар ва умрбоқий инсонлар бошчилик қилганлар.

Қадим замонлардан ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос маросим шаклиниям олган эди. Унда кекса зироаткорлардан бири Бобо Деҳқон қиёфасига кириб, энг дастлабки қўш ҳайдашни бошлаб берган. Қадим-қадимдан халқона тасаввурларга биноан, Бобо Деҳқон ниҳоятда ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи, ўзгалар ҳақидан доимо ҳазар қилувчи ва деҳқонлар меҳнатига эса ҳамиша унум ҳамда қут-барака ато этувчи беқиёс улуғ пир ҳисобланган.

Жуда қадим замондан биринчи кун магияси (сеҳргарлиги)га биноан бирор-бир иш ва фаолият ёхуд йилнинг ибтидоси қандай бўлса, ўша фаолият йил бўйи шундай тарзда давом этади, деган тасаввур ҳукмронлик қилган эди. Булардан ташқари, кекса ёшли, пиру бадавлат, ошиғи доим олчи тадбиркор, ўта обрў-эътиборли кишининг биринчи қўшни бошлаб бериши масаласи фақат унинг хўжалик юритишдаги ниҳоятда бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлиб қолмаган. Айнан бу ўринда узоқ умр кўрган, серфарзанд ва бой-бадавлат кишиларнинг ўзига хос тимсолий фазилатларининг Она заминга ва энди етиштириладиган ҳосилга аста-секин кўчиб ўтишига қаратилган ўзига хос ирим-сирим билан бевосита боғлиқ қарашлар ушбу жараённинг асосини, пойдеворини ташкил этган.

Марказий Осиё халқларида қадимдан ҳўкиз серпуштликнинг рамзи ҳисобланганди. Ҳўкизнинг ғайритабиий кучи ва хусусияти қўш ҳайдаш орқали аста-секин ерга ва етиштириладиган ҳосилга ўтади, деган тасаввурлар ҳам мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам деҳқонлар эрта баҳорда “Шохмойлар” маросимини катта тантана билан ўтказганлар. Бу пайтда шохлари мойланадиган ҳўкизларга бировнинг кўзи сира

ҳам тегмаслиги учун ирим қилиб, уларнинг бўйни ва шохига турли-туман шаклдаги инс-жинс, бало-қазодан, ёвуз кўздан асровчи чиройли тумор эзгу ниятда тақиб қўйилган...

Қўш ҳайдагин йўл билан,
Бел боғлагин қўл билан.
Катта тошлар ағдариб,
Чақил томон ташланиб...

Қўшчи йигитнинг баланд чорлови билан ёш йигит-қизлар далага келишади. Севги-муҳаббат ва ошиқ-маъшуқлик маъносида эса кўпроқ ***мойил*** деган сўз ишлатилган. Қизлардан бири терлаб-пишиб, пешонасини белбоғ билан боғлаб олганча қўш ҳайдаётган йигитга қарата айтган сўзида меҳр-муҳаббат ила шундай дейди:

Ул баҳодир қарармикин мен томон,
Мойил бўлиб юрармикин мен томон.
Дилидаги нима экан, сўраб қолдим,
Қалбим кетди у томонга эзилиб...

Бундан ташқари эса, луғатшунос аллома Маҳмуд Қошғарий соҳир қаламига мансуб “Девону луғати-т-турк” китобида бизга ёзиб қолдирилган “Қиш ва ёз мунозараси” иккита сўзамол, беҳад истеъдодли ижрочи томонидан бир-бирига жуда зид тимсолларда гавдаланувчи, қадим Наврўз айёмига дахлдор асар ҳисобланади. Шундай қилиб, қадимги аждодларимизнинг наздидаги Қиш ва Ёз махсус мунозараси томошасига диққат ва эътиборни қаратамиз:

Қиш билан ёз тўқнашди,
Қинғир (ёмон) кўз билан
бир-бирига қарашди.
(Бир-бирини) тутиб
олишга интилишди,
(Бир-биридан) ғолиб
келишга тиришди.
Ёз билан Қиш
қарама-қарши бўлишди,
(Уларнинг ҳар бири)
мақтаниш ёйини қуришди.

Қўшин тузиб, (бир-бирини)
таъқиб қилишди,
Ўқ отиш учун (бир-бирига)
яқинлашишди.

Ушбу парчадан бири Ёруғлик тимсоли бўлиб, оқ ёхуд кўк пўстин кийиб, иккинчиси эса қоронғулик тимсоли бўлиб қора ёки олачипор пўстин кийиб олган икки ижрочиси икки томондан аста пайдо бўлиб, аввало, давра айлангани, бир-бирига яқинлашгани ва ғанимларча қарашгани, сўнгра эса бир-бирига ҳамла қилгани ва ҳар қайсиси ғолиб келишга интилгани аниқ кўриниб турибди.

Бу бир-бирига душман кучларнинг тўқнашувидир. Афтидан, бу беллашувда кучлар тенг келган, қиш билан ёз бир-бирини сира ҳам енга олмаган. Бироқ, орани бўлса очиқ қилиб олиш керак-ку! Шу сабаб улар энди сўз жангига, яъни айтишувга киришадилар. Қиш Ёзга қарши росаям бақириб-чақириб, унга дўқ-пўписа қилиб ва таҳдид солиб ўзининг роса “совуқ” сўзларини айта бошлайди:

Одамлар ва қорамоллар
Мендан қувват олади,
Касаллик камаяди.
Одамлар чиниқади...
Сенда кўпаяр чаёнлар:
Пашшалару илонлар.
Минглаб, туманлаб,
Думларини гажак
қилиб изғишар.

Ёз эса Қишга шундай жавоб беради:

(Сенда) балчиқ ҳамма ёқни қоплайди,
Юпун кишилар заҳмат чекади.
Бармоқлари совуқ қотиб,
Оғизнинг ели билан
(Пуфлаб) иситадилар.
Саъва сендан қочади,
Менда тинар қалдирғоч,
Булбуллар сайрар менда
Нару мода жуфтлашур...

Қиш билан Ёз шу тариқа бир-бирлари билан жудаям жиддий тарзда мунозара қилиб, ўз фазилатларини айтиб роса мақтаниб ва ғаниминиг ёмон хусусият ва иллатларини фош этиб, уни тезроқ енгишга ҳаракат қилади. Ушбу айтишувда эса Ёз баланд келади. Қиш эса енгилай-енгилай дейди. Аммо, Қиш ҳам осонлик билан таслим бўлмоқчи эмас-да, у ҳам ўз куч-қудратини яхши билади.

Шунда элат оқсоқоллари уларга учинчи беллашувни, энди от миниб олиб, пойга чопишни таклиф этадилар. Пойга ҳам ушбу беллашувни ҳал қилолмаганидан кейин, ёй (камон)дан ўқ отишга киришадилар. Фақат шундагина, Ёз узил-кесил равишда ғалаба қозонади. Бунинг натижасида, вакиллар иштирокидаги муҳораба-мунозара ҳам ўзининг ниҳоясига, поёнига етиб келади:

Турли чечаклар очилди,
(Ерга худди) чиройли гиламлар тўшалгандай.
Жаннат ери кўринди.
Совуқ қайтмас бўлиб кетади.
Ҳамма қуш ва қуртлар тирилди...
Энди улар қоронғу инларига кирмайди.

Икки ижрочи ёз ҳамда қиш қиёфасида гавдаланишган, аввал кураш тушганлар, сўнг айтишув қилишган, пойгада куч синашган ва пировардида бўлса камондан ўқ отишган, яъни эл-юртга тўрт пардали майдон томошаси ҳам намойиш этилган. Ва хуллас, улуғ аждодларимизнинг ана шундай беҳад таъсирчан хаёлий, асотирий тасаввурларидан Ёз палласининг энг боши ҳисобланмиш Баҳорга меҳр-муҳаббат назари билан қараш ва унинг энг биринчи кунини ниҳоятда завқ-шавқ, ғоятда шодонлик ҳамда хурсандчилик билан қарши олиш уларнинг доимий тарздаги одатига айланиб кетган...

Юқорида келтирилган далиллар шунданам далолат берадики, жуда қадимий даврларда аждодларимиз деҳқончилик билан ҳам шуғуллана бошлагач, далада янги мавсум бошланишидан аввал ўзига хос баҳор байрамларини тантанали тарзда нишонлаганлар. Шундай қилиб, меҳнат – бу байрамнинг бош манбаи, асоси, асл замири ва илк сарчашмаси ҳисобланиб, байрам (“байрам ҳолати”) ибтидоий даврлардан бошлабоқ

“яшаш учун кураш воситаси” – жисмоний меҳнат натижаси шаклида вужудга кела бошлаган.

“Наврўз”нинг қандай пайдо бўлгани ҳақида кўплаб афсона, ривоят, мифлар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик илоҳи Аҳурамазда (Ҳурмуз) баҳор ва ёз фаслида, ёвузлик худоси Анҳрамайню (Аҳриман) – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган асотирий қарашлар мавжуд бўлган. Баҳорнинг энг биринчи куни эзгулик илоҳи ёвузлик худосининг устидан ғалаба қилган муқаддас бир сана сифатида байрам қилинган. Бу сана эса айнан банибашарнинг боқий байрами – “Наврўз” кунига тўғри келган.

Наврўз байрами қадим-қадимдан эл ўта суйган қаҳрамонлар хотирасини эъзозлаш билан ҳам боғлиқ айём бўлиб келган. Биз ҳар йили айни Наврўз кунларида азиз марҳумларнинг руҳини ёд этар эканмиз, бевосита ривоятларнинг мағзига аждодлар васияти сингари сингдириб қолдирилган ўша ўта кўҳна энг асл инсоний анъаналарни ҳам ҳозирга қадар давом эттириб келган бўламиз.

Қадимги афсоналарнинг тағин бири мазмунига кўра, Наврўз урф бўлишини олов кашф этилиши билан боғлаб талқин қилиш ҳам ўзига хос мантиққа эгадир. Айтишларига қараганда, Жамшид кунларнинг бирида Мозандарон ўрмонларида товушқон (қуён) овлаб юрган экан, иттифоқо бир сеҳрли илонни кўриб қолиб, ўша заҳотиёқ унга қарата камондан ўқ узибди. Илон бир қоятошнинг остидаги ковакка кириб кетиб, кўздан ғойиб бўлибди. Жамшид камонидан узилган ўқ эса тошга тегиб, ундан учқун чиқарибди. Учқунлардан бири ўша тош ёнидаги қуруқ хас-чўпларнинг устига тушиб аста ёна бошлабди. Одамлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан, шу боис гулханни кўрган барча бу мўъжизадан лол қолиб, дарҳол унга сажда қилибди. Шу-шу одамлар оловни муқаддас билиб, уни сира ҳам ўчирмасликка ҳаракат қилишибди. Жамшид муқаддас оловни кашф этган ўша кунни эса “Янги кун” сифатида жуда ҳам катта байрам, тантана қила бошлабдилар.

Фирдавсий улуғ “Шоҳнома”сида ёзишига кўра, адолатпаноҳ Ҳушанг бир гуруҳ кишилари билан тоққа

бораётганида тўсатдан баҳайбат илонга дуч келиб қолади. Ҳушанг унга қарата каттакон тошни отади, бироқ тош илонга тегмай, қоятошга бориб урилади ва бирдан тошлар орасидан учқун ва олов чиқади. Шу ҳодисадан сўнг Ҳушанг оловни қандай ҳосил қилишни кашф этган экан:

“Бу оловмас, – деди, худо ҳадяси!”
Энди шунга бўлсин юрак саждаси!
Шундан бери оташ қибласи бўлди,
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди.
Кеч киргач, ўт ёқиб қалади гулхан,
Гулхан атрофида аъёнлар билан
Ўлтириб бошланди базм ва байрам,
Сада деб ном берди, дилдан ариб ғам.

Алишер Навоийнинг беҳад машҳур “Тарихи мулуки Ажам” асарида ҳам Жамшид бир неча буюк ихтиролари ва кашфиётлари интиҳосида Наврўз байрами ҳам кашф этилгани баён қилинган. Жамшид “Чиҳил минор” номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қила олмайдиган баланд бинони қуриб... “бу иморат туганди. Ул вақтким, қуёш нуқта эътиқодли равийга таҳвил қилиб эрди, ул эса бу бинода тахт устида ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди (тарқатди) ва ул куннинг отин Наврўз қўйди”.

Турк олими Абу Холиқ Жой томонидан оммалаштирилган бир афсонада айтилишича, бутун рўйи заминни катта сув босиб, тўфон бўлган пайтида, Нуҳ пайғамбар ҳар турли жонзотдан бир жуфтдан олиб, ўзига хос сувости кемасида сузиб юрган экан. Бир куни чор-атрофда қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш ниятида қалдирғочни учириб юборибди. Бир маҳал эса ҳалиги қалдирғоч ўз тумшуғида яшил гиёҳни кўтариб учиб келибди. Бу ҳолат ўз-ўзидан шу яқин орада ер борлиги, гиёҳ эса кўклам келганлигини англатади. Нуҳ ўша қалдирғоч кўрсатган томонга қараб астагина сузиб бориб, сув ўртасидаги бир қуруқ заминни кўриб қолибди. Кемадаги барча жонзотлар ҳам ерга тушиб, тўфоннинг азобидан қутилибдилар. Сувдан қуруқликка чиқиб олинган айни шу кунни эса “Янги кун” дея байрам қилишга ҳам одатланиб қолибдилар.

“Наврўз” айёмининг қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги бу каби ҳар хил афсоналар турли талқин қилиниши мумкин. Бироқ, “Наврўз”нинг қачон ва қандай вужудга келганлиги вақтини аниқ кўрсатиш ўта қийин. Шундай бўлса-да, ишонч билан айтишимиз мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки, “Наврўз” коинот ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан тенг-баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳор келиши билан боғлиқ равишда илмий жиҳатдан асосланиб белгиланган. Бу бўлса ҳар қандай макон ҳамда замон, жамиятда “йил боши” (қачон келишидан қатьи назар) “Наврўз”ни Она табиатнинг бениҳоя улуғ байрами сифатида нишонлаш ҳамда катта тантана қилиш учун чинакам асос ва асл пойдевор бўлган.

Милоддан аввалги замонда қўллана бошлаган зардуштийлик тақвимига асосан ҳозирги февраль ойи биринчи кунида “Кичик Наврўз” (ё “Оммавий Наврўз”) бошланиб, олтинчи кунида “Катта Наврўз” (ё “Махсус Наврўз”) уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврига келиб, бу икки “Наврўз” бирлаштирилиб, кичик ва катта “Наврўз” ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинганди.

Исломга қадар бўлган “Наврўз” байрамининг оддий халққа тегишли урф-одатлари ҳам эътиборга сазовордир. Ўша даврларда “Наврўз” куни одамларнинг бир-бирларига шакар, ширинликлар ҳадя қилиши (ҳаётингиз ҳар доим ширин бўлсин, деган маънода), анвойи гулларни тақдим этиши (жуда гўзал бўлинг, маъносида), бир-бирларига шўх-шодонлик билан сув сепиши (бу йил сув яна кўпайсин ва ҳосилимиз ҳам мўл-кўл бўлсин, маъносида) сингари турли-туман одатлар ҳам эл орасида ниҳоятда кенг тарқалган эди.

Наврўз кунида ширинликлар ейиш муҳим удумлардан бири бўлган. Беруний келтирган муҳим тарихий маълумотларига кўра: “Наврўз куни тонг отганида биров гапиришидан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутса, бу кўп касалларга шифо бўлади… Наврўзнинг олтинчи кунида, яъни “Катта Наврўз” куни тонгда… гапиришидан олдин шакар татиб, ўзига зайтун суртган

кишилардан ана шу йилнинг ҳаммасида турли бало даф этилади”.

Ривоятлардан бирида одамларнинг бир-бирларига шакарни ҳадя этишлари ва уни байрам кунлари махсус татиб кўришлари сабабли ҳам айнан Наврўз кунида шакар пайдо бўлган, дейилади.

Наврўзга тайёргарлик кўришда буғдой ё арпа донини бирон-бир ёғоч идишда ўстириб, баҳор даракчиси сифатида дастурхон ўртасига, яъни марказига қўйиш одати ҳам бўлган. Умар Хайём “Наврўзнома”да ёзишига кўра: “Ажам подшоҳлари униб чиққан арпанинг яхши аломати бор деб ҳисоблаганлар…Арпа дориликка ҳам, емакка ҳам ярайверади… Йилнинг яхши ёхуд ёмон келиши ҳам арпага қараб аниқланади. Агарда арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийшиқ ва яккам-дуккам ўсса, демак бу йил камҳосил бўлади… Мункайган чоллар арпа билан фол очадилар

… Фарвардин ойида айрим аёллар қизларига атаб арпани ток сувига ҳўллаб экадилар… Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврўзда ниҳоят даражада фойдали ҳамда қутлуғ бўлгани учун ҳам айнан арпадан баҳраманд бўлишни истар эдилар”.

Аждодларимиз байрам арафасида етти хилдаги дон (буғдой, арпа, нўхот, жўхори, гуруч, мош ва ловия)дан наврўзгўжасини тайёрлаб, уни яхши ниятлар ила қўни-қўшни, қариндош-уруғлар, таниш-билишларга тарқатганлар. Бундан ташқари, дастурхон “С” ҳарфи билан бошланадиган етти хил ўсимлик (сиб – олма, сабзи, сир – саримсоқпиёз, сирка, сатортошгул, сиёҳдон – қора данак, синжид – ёввойи зайтун сингарилар) уруғидан ўстирилган турли-туман кўкатлар билан жуда ҳам чиройли қилиб безатилган эди.

Ота-буваларимиз Наврўз айёми дастурхонига турли-туман қуритилган мевалардан тайёрланган шарбат, бўялган тухумлар ва бошқа ноз-неъматларни қўйганлар. Байрам дастурхонига алоҳида қўйиладиган тағин бир нарса киши диққатини ўзига тортади. Бу каттагина бир идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйиш одатидир. Бу одат янги йили заминимиз сув ва экинга мўл бўлсин, деган орзу-ниятнинг ўзига хос рамзий ифодаси бўлган.

Шарқ мамлакатлари халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ва
тадқиқотчилар томонидан турли тарихий даврларда ўрганилган ва турлича талқин қилинган асл Наврўз байрамида ўзбекларнинг асрлар давомида шаклланиб келган фалсафий, миллий-маънавий ва тарихий қараш, қадриятлари, маънавияти ўзини намоён этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъбири билан айтадиган бўлсак: “Наврўз – биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш, янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз – бизлар учун асрлар давомида халқимизнинг онги ва тафаккурига, руҳиятига ҳамда бутун ҳаётига беқиёс даражада таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос ажиб бир оламдир.

Наврўз – биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат ва хайру саховатнинг чинакам рамзидир”.

Наврўз ҳар қандай мафкура ва сиёсатдан холи бўлиб, эл-юрт руҳини янада баланд кўтаришда ҳамда мустаҳкамлашда, халқни истиқболдаги буюк мақсадларга сафарбар этиш, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга йўналтиришда жуда муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда...

Зардуштийларнинг тақвимида ойлар номлари, ўз навбатида, кун номларида ҳам такрорланган. Ой билан бир хил номдаги кун келиб қолгудек бўлса, ўша кун ҳам албатта байрам ҳисобланган.

Қадим аждодларимизда эрта баҳорда сув мўл-кўл бўлишини тилаган ҳолда хайри-худойи қилиш билан бирга, экин майдони четига қурбақани ушлаб оёғидан осиб қўйиш одати ҳам бўлганди. Улар қурбақа ёғингарчиликни чақиради, деб ғоятда ишонганлар. Масаланинг ўзига хос энг қизиқ жиҳати ҳам шундаки, ҳанузгача Фарғона водийси аҳолисининг орасида ҳам “қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида ёмғир ёғади”, деган тушунча сақланиб қолган. Қадимги хитойликлар эътиқодича, қурбақа жуда ҳам узоқ яшаб, қариса, қурғоқчиликка сабаб

бўлувчи ёвуз руҳларни еб қўядиган даражада роса кучли бўлиб кетар экан. Хитойликлар ана шундай қурбақани бешинчи ойда сояга қўйиб қуритилгудек бўлса, дарҳол ўша заҳотиёқ ёмғир ҳам шаррос ёғиб юборади деб ишонганлар.

Тибетликлар эса қурбақани чуқурчага кўмиб қўйиб, устига таёқ суқиб қўйилса, ёмғир ҳам тезда тинади деб ирим қиладилар. Доғистонда яшовчи Лак ва Дарғин этносларида бўлса бемаврид ёғиб қолган ёмғирни тўхтатиш учун ўзини туққан онаси, бувиси, катта бувиси, яъни "учта онаси" тирик бўлган аёл яшил матодан қурбақага алоҳида "иштон" тикиши керак, деб ўйлайдилар. Яшил либос кийдириб қўйилган ўша қурбақани бўлса тарновнинг учига ёхуд айвон пештоқига оёғидан илиб қўйиб, "ёмғир тинсин, қуёш тезроқ чиқсин!" дейилса, бошга бало бўлмиш ёғингарчилик ҳам жуда тез орада барҳам топади, тўхтайди деб чиндан ишонадилар.

Ёмғирни тўхтатиш ниятида водийнинг баъзи туманларида айрим ғайри оддий усуллар ҳам ўтмиш даврларда кўп қўлланган. Масалан, Марҳамат ҳамда Қува туманларида одамлар ёмғирни тўхтатиш учун шу қишлоқда қачондир яшаб ўтган ёки яшаётган кал ё кўса одамларнинг исмларини тоқ сонлар билан санаганлар (яъни 1, 3, 5, 7 ва ҳоказо). Улар ушбу саноқни 41тага етказилса ёмғир ҳам тез орада тўхтайди, деб ишонганлар. Агар саноқ 41тага етказилса, у ҳолда саналаётган сочлари буткул тўкилиб кетган, тақир бош – кал кишилар сони роппа-роса 21тани ташкил этган.

Водийнинг Сўх туманида бемаврид ёмғирни тўхтатиш учун бир неча хил маросим ўтказилган, уларнинг аксарияти эса олов билан боғлиқ бўлган. Улардан бири эса қуйидаги шаклда амалга оширилган: оиланинг тўнғич фарзанди Аллоҳдан ўзини сақлаши, асрашини илтижо қилиб сўрайди ва баланд ёқилган олов устидан жуда кескин сакраб ўта бошлайди. Айнан шу пайтда қолган барча кишилар эса, катта-ю кичик тоғоралар, челаклар ва бошқа темир буюмларни беҳад баланд овоз чиқариши учун бир-бирига росаям данғиллатиб уриб, жуда ҳам қаттиқ шовқин-сурон соладилар.

Тўнғич ўғилнинг кўмагида даладаги ишларга халал берувчи бундай бемаврид ёғингарчиликни бир амаллаб

тўхтатиш ниятида амалга ошириладиган шундай удум озарбайжонларда ҳам бўлган. Унга биноан, бирор оиланинг тўнғич фарзанди ойболта муҳраси (тиғига қарама-қарши томони, яъни орқаси)ни тинмай пақирлаб ёғаётган ёмғирга қўйган ва “Мен қора тумшуқли тулкиман, мен бу ёмғирни албатта тўхтата оламан!”, дея ўзича афсун ўқиган.

Шунга ўхшаш одатлар ота юртимизда ҳам ўтказилган, аммо бу жараёнда олов – гулхан ёқилмаган. Қишлоқ, овуллар аҳолиси, асосан ёш болалар томонидан кўчаларга тоғора, пақир ва шунга ўхшаш турли-туман буюмларни олиб чиқилган ва уларни калтак билан жуда қаттиқ гумбурлатиб, росаям шовқин-сурон солинган.

Қадим замонда Марказий Осиё халқлари санъатида қурбақа образидан намгарчилик ҳамда ёмғир ифодаси, бахт ва омаднинг тимсоли, тумор сифатида ўта кенг миқёсда фойдаланиб келинган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз керакки, “Наврўз” куни одамларнинг бир-бирларига сув сепиш одати Ота Маконимизда яқин-яқин даврларгача сақланиб келган. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор ерларида эса, ҳатто, сув сепиш одати асосида қадимдан махсус уюштириладиган “Сув хотин” (“Суст хотин”) маросими ҳам шаклланган эди. Оқсоқоллар кўрсатмасига биноан қишлоқ аёллари катта қўғирчоқ ясашиб, унга қари кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сўнг махсус қўшиқлар куйлаган ҳолда, қўғирчоқни далалар ва кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадон ҳовлисига олиб кирганлар. Уй эгалари уларни ниҳоятда шодон, хурсандлик билан қаршилаб, албатта бу қўғирчоқнинг устидан сув сепганлар. Иқтисодий имкониятлари доирасида хайр-эҳсон ҳам қилганлар.

Кўрилаётган масаланинг жуда диққат-эътиборни тортадиган жиҳати ҳам айнан шундаки, 21 март куни 2002 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус бир қарорига биноан, жаҳон миқёсида “Халқаро қўғирчоқбозлар куни” сифатида ҳам ниҳоятда кенг даражада нишонланмоқда.

Қадим-қадимдан эчки ёхуд улоқча бизда ёз(кўклам) тимсоли бўлиб келган. Элимизнинг тасаввурлари силсиласидаям турувчи маросимлар, шу жумладан, фольклорда ҳам ҳар бир нарсанинг ўз тимсоли мавжуд. Шу жумладан, кўкламнинг зооморфик тимсоли сифатида эчки олинган. Қишнинг зооморфик тимсоли бўлса бўри ҳисобланади. Маросимлар ва фольклорда уларнинг иккаласи бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Маросим ва ўзига хос маросимий ўйинларда эса ҳар иккисининг ҳам ўз ўрни бор. Масалан, эчкини олиб қарайлик. Эчки қайси мавсумий маросимларда муҳим детал сифатида келган? Эчки образи фақат биздагина эмас, дунёнинг ўзга халқларида ҳам мавжуд. Эчкини қадимги римликлар, герман халқлари ҳам кўклам келганида қурбонлик қилиб, олма гулининг шохи билан биргаликда кўклам маросимининг асосий тимсоли сифатида алоҳида эъзозлашган. “Оламни маҳлиё айлаган диёр” –юртимизда ҳам қадим замонлардан эчки баҳор тимсоли сифатида қаралиб, кўклам маросимида ёш улоқни қурбонлик қилиш урф-одати бўлганди. Бундай тасаввур илдизларини халқ қўшиқларида ҳам учратамиз. Болалар кўкка булут чиқиб, ёмғир ёғиши пайсалга солган вақтлари айтиб юрадиган махсус бир қўшиқ ҳам бўлган:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ.
Бойнинг қизининг
Қорни юмалоқ...

Ёмғир ёғалоқ деганлари – ёмғир ёғмоқчи эди. Эчки чақалоқ дегани – ҳали жудаям эрта кўклам бўлгани билан ёмғир негадир кечикаяпти, бойнинг қизи – эндигина яхшилаб ҳайдалган ер эса бўлажак ҳосилга ҳомиладор. Болакайлар эса уруғ тушган ердан майса униб чиқиши учун ёмғир жудаям керак, деб куйлашмоқда. Бу қўшиқ фақат кечикаётган ёмғирни заминга чорлаш, чақириш ниятида, у тезроқ ёғиши учунгина айтилмоқда ва куйланмоқда...

Сувга бағишланган ўта қадимий одатлардан бири Марказий Осиёда беҳад катта байрам даражасига кўтарилган эди. У ёзнинг махсус кунлари одамларнинг дарё ва турли сув ҳавзаларига бориб чўмилиши вақтида вужудга келган эди.

Беруний маълумотларига қаралганда, хоразмликларда Испондорможи ойининг энг 1- куни “Вахшангом” деб аталган махсус ҳайит бўлиб, у Вахш ва Жайхун дарёларининг аждодларимизга ҳаётбахш сувига бағишланган эди.

Шу куни одамлар катта тантаналар билан (Амударё) Жайхун дарёсига бориб маросимий жиҳатдан чўмилганлар. Шунингдек, Беруний эронликларнинг худди Хоразм одатларига ўхшаш ҳайити хусусида эса: “Омул аҳолиси шу куни Хазар (Каспий) денгизи (соҳили)га бориб, куни бўйи сувда ўйнашиб, шўнғишадилар”, деб ёзган эди. Берунийнинг ўта муҳим маълумотларига биноан, қайси бир қишлоқ аҳолисининг гуноҳлари кўп бўлса, улар ёмғир сўраб бунақа маросимларни ўтказсалар ҳам мутлақо ёмғир ёғмас экан.

Улуғ халқимизнинг сув – обиҳаёт билан бевосита боғлиқ урф-одатлари ҳақидаги айрим ирим-сиримларни, гарчи улар хусусида ўзингиз ҳам анча тузуккина маълумотга эга бўлсангиз-да, диққат-эътиборингизга тағин бир марта ҳавола этмоқчимиз. Масалан:

– Инсон эндигина ушбу ёруғ дунёга келганида ҳам, оламдан ўтиб кетган чоғидаям айнан сув билан покланади, яъни ювилади;

– Одам ҳар бир янги кунини сув билан ювиниб бошлайди;

– Ўзбек уйқусидан уйғониб ювиниб олмагунича, бирон-бир кишига қараши ҳам, бирон-бир иш қилиши ҳам мумкин эмас;

– Туш айнан сувга айтилади. Бу хусусдаги баъзи бир нуқтаи

назарлардан бирига кўра, айнан сув турли-туман ёмонлик, бало-қазоларни ўзи билан бирга узоқ-узоқларга оқизиб кетар экан;

– Эрта тонгдан аёллар ва келинлар ўз кундалик юмушларини ҳам ўз ҳовлисига сув сепиш ва уни супуриш билан бошлайдилар;

– Янги оила қураётган келин-куёвларга ширин сув берилади (Ҳаётингиз ширин бўлсин, деган маънода). Никоҳ маросимларида ҳам улар олдига, энг аввало, сув қўйилишини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бу “ҳаётингиз оқ, тиниқ бўлсин!” маъносини англатади.

– Сув ичишни эса одатда кичик ёшдагилар бошлаб беради;

– Рамазон ойида тутилган рўза ҳам айнан сув билан очилади;

– Одамга ҳаяжонланганида ҳам, қаттиқ хурсанд бўлганида ҳам, ниҳоятда чўчиб, қўрқиб кетган чоғида ҳам сув берилади...

Хуллас, халқимизда айни сувга бағишланган урф-одат, ирим, маросимлар, ўйинлар жуда кўп. Сувсиз ҳаётни мутлақо тасаввур қилиб бўлмаганидек, буюк аждодларимиз турмушини ҳам сувга бағишланган одатларсиз сира ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Сув билан чамбарчас боғлиқ одатлар ниҳоятда узоқ тарихий жараёнда ўзбек халқининг турмуш тарзига ҳам беҳад қаттиқ сингиб кетган, унинг ҳаётининг бағоят муҳим таркибий қисмига айлана борган.

Қадимги аждодларимиз – қишлоқ аҳли, эркак-аёл ва бола-бақра далага чиқиб, осмондан заминга сув ҳадя этадиган маъбуда – суст хотинга турли удум ва маросимлар орқали ялиниб-ёлвориб, ундан тезроқ ёмғирни ёғдиришни илтижо қилиб сўраганлар:

Суст хотин, султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Суст хотинга не керак?
Шаррос, шаррос ёмғир керак...

“Суст хотин” одати буюк Авесто ва Зардушт замонидан буён мавжуд маросимлардан, эътиқод меваларидан бири ҳисобланади.

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Ёмғир ёғдир ҳўл бўлсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин.
Майсалар қулоқ ёзсин,
Суту қатиқ мўл бўлсин.
Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин.
Арпа-буғдой бош тортсин,
Кайвонилар ош тортсин.

“Суст хотин” термалари кайвони шахс томонидан айтилиб, унинг нақарот қисмини бўлса ҳамма баб-баравар ўта баланд

овоз билан такрорлаб, ижро этилган. Бу маросимни ўтказиш пайтида ўт-ўланлар ҳамда майда шох-шаббалардан аёл қиёфасидаги улкан “Суст хотин” қўғирчоғи ясалган. Ҳар ким ёмғирни тилаган ҳолда челакда, кўзада, косада, ва ҳаттоки қўлида – ҳовучида ариқдан сув олиб, “суст хотин”га сепган. Ушбу қадимий маросим эса фақат ҳафтанинг хосиятли кунлари ҳисобланган якшанба, пайшанба ва жума кунларигина ўтказилган. Хосиятсиз деб билинган кунларда “Суст хотин” маросими ўтказиш эса бекор, ижобатсиз саналган.

Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,
Буғдойларни бўлдиргин, суст хотин.
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин...

Қурғоқчилик, сувсизлик, ўз навбатида, қаҳатчилик келтириб чиқаришини яхши билган аждодларимиз турли хил қурбонликлар қилиб, қон чиқариб, худодан мадад сўраганлар. Бундай кулфат юз бериши, содир бўлишига одамларнинг гуноҳлари росаям кўпайиб кетгани, ношукрлик, ва энг асосийси, Аллоҳни унутиб қўйишни асосий сабаб деб билганлар. Ёмонларни эса, бисотларида бўлган барча қарғиш сўзларини ишга солган ҳолда роса титраб-қақшаб, энг қабиҳ сўзлар воситасида жуда қаттиқ лаънатлаб қарғаганлар:

Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,
Деҳқоннинг уйи тўлсин, суст хотин.
Ёмғирларни ёғдиргин, суст хотин,
Ёмоннинг уйи куйсин, суст хотин...

“Суст хотин” қўшиғи бошловчи аёлнинг сўзга ўта чечанлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда тинимсиз тарзда давом этаверади.

Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлайлик,
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик.
Кўкламда ўйнаб-кулиб,
Ҳам шўху, ҳам зўр бўлайлик.
Ёмғир ёғди, дўл бўлди,
Еру жаҳон кўл бўлди.
Шафтолилар барг ёзди,
Дунё тўла гул бўлди,

Суст хотин, сузма хотин.

Бу маросимнинг барча шакллари ҳам турли хонадонлардан йиғилган хайр-эҳсонлар эвазига бутун бир қишлоқнинг аҳлига ис чиқариб, хайр-худойи қилиб бериш билан ўзининг якунига етган.

Маросим жараёнида сиғиниладиган ва топиниладиган Суст хотин шахсияти ўзининг тарихий илдизлари билан зардуштийлар муқаддас китоби – Авестода мадҳ этилган, шарафланган осмону фалак сувлари тангриси Тиштрийанинг халқ ўртасидаги бошқача номланишидан иборат. Фольклоршунослик илмида “Суст хотин” атамаси этимологияси ҳамда тарихий асослари масалаларида ҳам муайян бир илмий қарашлар мавжуд. Жумладан, Б. Саримсоқов бобокалон китоб “Авесто”нинг 8- Яштида келтирилган Тиштрия (Сириус) юлдузи ёмғир сувларининг тангриси сифатида тасаввур қилинганлигига ва ушбу астрал культ шарафига бағишлаб муайян маросимларни ўтказилганлигига асосланган ҳолда “Суст хотин” атамасидаги шу “Суст” компоненти “Тиштрия” сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли деган хулосага келган. Унинг ёзишича, “Тиштр” деган сўз халқ ўртасида узоқ вақтлар қўлланиб, Туштр шаклига келиб қолган. Оқибатда, ушбу сўз Туштр//Тустр//Сустр ҳолида бизгача етиб келган. Кейинчалик “Сустр” сўзи охиридаги “р” товуши тушиб қолиши натижасида атоқли от “Суст” шаклида аталадиган бўлиб қолган. “Авесто” “Тиштр яшт” қисмида “барча сувлар уруғин сақлагувчи” бу юлдуз осмонда пайдо бўлган чоғда “отдан-да кучли сувлар келар кўкдан оқароқ”, дея куйланган...

Зардуштийлик дини асосий моҳияти оловга ижобий муносабат билан бевосита боғлиқ бўлган. Зардуштийлик дини ақидаларида эса олов кишиларни ҳар қандай гуноҳлардан, ифлосликлардан покловчи куч, деб қаралган. Шунинг учун ҳам ушбу динга эътиқод қилувчилар ўзга динлар вакиллари томонидан “оташпарастлар” деб аталган. Олов билан бевосита боғлиқ маросим ва байрамларнинг жуда оммалашиши сабаблари ҳам қадимий аждодларимизнинг динига бориб тақалади.

Қадимги аждодларимиз бобокалон қуёшдан аста таралаётган иссиқлик, нур ҳамда ёруғлик бўлмаса, бутун борлиқ зимистонга айланиб, ҳаёт бутунлай тўхтаб қолишини теран англаб етганлар. Айнан шу сабабдан ҳам, улар қиличини қайраб келган қишнинг ўта аччиқ совуқлари тезроқ тугашини ва илиқ баҳор тантанасини ўта орзиқиб кутиб, ўз тушунчаларига кўра, ёруғлик ва иссиқлик манбаи бўлмиш – Қуёшга атаб махсус маросимларни яратганлар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этишимиз зарурки, “Оташ”, “Қуёш”, “Нур” ва “Рўшнолик” зардуштийлик динининг тимсоллари бўлса-да, лекин, зардуштий аждодларимиз ҳеч қачон бевосита қуёш ва оловни сиғиниш объектига айлантирмаганлар. Фақатгина қуёш ва ёруғликка қараб ибодат қилганлар, сайиллар ва тўйларда ўртада катта гулхан ёқиб, унинг атрофида беҳад завқ-шавқ билан рақсга тушганлар, марҳумларнинг руҳини эса шам ёқиб, шод этганлар. Зардуштийлар, юқоридаям таъкидланганидек, оловни Қуёшнинг ердаги бир зарраси – фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимлар палласида катта-катта гулханларни гуриллатиб ёқиб, қишнинг жуда қаттиқ совуғини унинг ёрдами билан “ҳайдашган” ва кўкламни жудаям интиқлик билан чорлашган, “чақиришган”.

Агар баҳор интиҳоси ва ёзда сувга эътиқод қилиш, уни улуғлаш одатлари анча кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда уюштириладиган барча байрам ва маросимларда олов ёки гулхан ёқиш энг асосий таомиллардан бирига айланиб кетган эди. Зардуштийлар ўзлари байрам ёхуд маросимларини ўтказиш учун доимо, ҳеч қачон ўчирилмайдиган ўт (олов) ёниб турадиган “оташхона”га йиғилишган. Масалан, Бухорода Новсард ойи 28-кунида ўтказиладиган “Ромуш оғом” номли байрамда ҳам оташхоналарга тўпланишган ва айёмни ёниб турган жуда катта муқаддас гулхан атрофида нишонлаганлар.

Беруний Оғом байрами ҳақида шундай ёзган: “Оғом ҳайитлари улар учун азиз байрамлардан бўлиб, ҳар битта қишлоқда ўтказилади, улар ҳар қайси қишлоқ раиси ҳузурига йиғилиб, еб-ичадилар...”

Наршахий “Бухоро тарихи” асарида зардуштийларнинг ҳар йили икки марта катта улгуржи савдо-сотиқ ўтказиладиган “Бозоримоҳ” деган жойида ибодатхона бўлгани ҳақидаги далилни маълум қилади. “Бу жой, – деб ёзган эди у, – яна оташпарастларнинг ибодатхонаси бўлди; бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари бу ибодатхонага оҳиста кириб келиб, оловга топинар эдилар...”

Қадимий ва навқирон Тошкентнинг Юнусобод мавзесидаги V асрда бунёд этилган Оқтепа қўрғони (баландлиги 22 метр)нинг ички майдони икки қисмга бўлинган. Унинг ғарбий қисмида ўчирилмас, аждодларимиз учун ниҳоятда муқаддас олов сақланадиган меҳробли каттагина ибодатхона бўлиб, бу ердаги... супаларда эса зардуштий руҳонийлар ўтирганлар ва турли диний маросимларни ўтказганлар.

Зардуштий аждодлар қуёшни барча-барча мавжудотлар, шу жумладан, бу ҳаётнинг бош манбаи сифатида англаганлар. Замин бўлса қуёшнинг ҳаётбахш заррин нурларини интиқлик билан ўз оғушига олувчи бениҳоя гўзал аёл сифатида тасаввур қилинган. Кейинчалик эса бундай тасаввурлар янада ҳам равшанлашиб, Она Замин – Ер ҳосилдорлик, қут-бараканинг маъбудаси ҳисобланган Она Худо – Анахита тимсолида ҳам тушунила бошланган эди.

Аждодлардан мерос, бугунги кунларда Курраи заминнинг 50дан зиёд давлати олимлари томонидан жиддий равишда илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганилаётган “Авесто”да Аҳура Мазда айнан Зардуштга қарата: – Эй, буюк Зардушт, сен мени улуғламоқчи бўлсанг, Анахитани мадҳ этишинг лозим, чунки:

У падарлик нутфасини яратувчидир,
У яратгай бу оламда бор аёл жинсин.
Туғруқ учун волидалик бағр-оғушини,
Тўлғоқ дардин осон айлар аёл зотининг.
Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга тўлдирар
Она кўксини...

Шу сабабдан ҳам:

Ардви Сура хизматига
Ахура тўрт от берди.

Бир тулпори Ёмғирдир,
Бири Ел, Бири Булут,
Тулпорлари Ёмғир, Ел…

(Изоҳ: Анахита “покиза” маъносига эга яхши сифат бўлиб, Ардви Сура исми билан қўшиб қўлланган, бугунги кунларда ҳам Хоразм томонда жуда ақлли-ҳушли, ўта чаққон, ниҳоятда шаддод қизларга нисбатан Онақути деган бир сифат қўлланади. – Б. И.).

Буюк алломаларнинг асл ватани бўлган, бир қатор дунёвий фанларга асос солинган Хоразм қадим замонда, ҳатто эрамиздан аввалги мингинчи йилларда Хвайразм деб аталган эди. Кейинги йилларда амалга оширилган қатор археологик ҳамда этнографик изланишлар ҳам Наврўз байрами илк бора айнан ушбу заминда нишонланганини тасдиқламоқда. Бунга эса Бургут қалъа, Жонбос қалъа ва Нисо қўрғонларида бунёд қилинган ҳамда шу кунларга қадар сақланиб қолган “олов уй”лариям яққол мисол бўла олади.

С. П. Толстовнинг Хоразмдаги экспедициялари қазиган бир қатор қадимий қалъалардан аёл маъбуданинг ниҳоятда кўплаб ҳайкалчалари ҳам топилган бўлиб, уларнинг умумий кўриниши бўлса қуйидагича: кенггина ва узун кўйлак, устидан тиззасигача тушадиган тағин битта либос, бели бўлса тасма билан боғланган, елкасига узун ёпқич ташлаб олган, бошида тепаси ясси қулоқчин, бўйнида шода тақинчоқлар. Улар орасида бошида тож, қўлларида эса салтанат ҳассаси, ой ҳамда қуёш рамзларини тутган, шер ёки йўлбарсни тепкилаётган ҳолда тасвирланганлари ҳам бор. Худди шунингдек, бу маъбуда отга минволган ҳолда, баъзан эса яланғоч ҳолатидаям учрайди. Олимлар бу ҳайкалчаларни, бошқа деворий ва ўйма ҳайкалчаларни зардуштийларнинг маъбудларидан бири бўлмиш Ардвисура – Анахитага тегишлидир, деб ҳисоблаб, айни шу асосда Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ҳамда Фарғона Анахитага сиғинишнинг қадимий марказларидир, деган хулосага келганлар.

Аждодларнинг Ардвисура – Анахитага бағишланган махсус байрам, маросимлари, томошалари кўп бўлган. Шунда коҳинлар – муғлар (кейинроқ эса ижрочилар ҳам) Анахитани

шу тахлитда баланд бўйли, пурвиқор, ниҳоятда келишган, чиройли кийинган, хилма-хил тақинчоқлар билан безанган жуда гўзал аёл қиёфасида гавдалантирганлар. Минг йиллар мобайнида махсус маросимлар чоғида Анахита тимсоли шундай гавдаланган. Кўпгина уруғлар, қабилалар, элатлар, халқлар унга топинганлар, айни чоғда унинг гўзаллигидан, ижрочилар ҳис-туйғулари, маҳоратидан завқланиб келганлар. Қадимги Турон мамлакати Мовароуннаҳрга айланиб, ислом дини ҳукмронлиги ўрнатилган пайтдан бошлаб уламолар зардуштийлик, буддизм каби ўзга динларга қарши қаттиқ кураш олиб бориб, жумладан, Анахитанинг ҳам ҳар қандай тасвирини, маросим, айёмларини йўқотишга бетиним уринган. Аммо, унинг ҳайкаллари, деворий суратлари ва бутлари чил-парчин қилинган бўлса-да, бироқ жонли тасвири, унга бўлган одамлар кўнглидаги эътиқодни буткул йўқотиб юборишга эса кучлари етмай қолган.

Одамлар, жамоалар таъқиблар ва таҳдидлардан қочиб-писиб бўлса-да, Анахитага сиғиниш, унинг тимсолини гавдалантиришда давом этаверганлар. Бироқ, давр, замонлар ўтиши билан маросим ҳам, Анахита тимсоли ҳам асл моҳиятидан астагина узоқлашиб, тобора мавҳумроқ бир маъно-мазмунни кашф этиб, соф ўзига хос оддийгина бир халқ томошаси шаклига эга бўлиб бораверган эди.

Қадимги Эрон, Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Фарғона каби мамлакатларда Анахитанинг махсус ибодатхоналари ҳам бўлган. Чунончи, Экбатан (Ҳамадон)даги Анахита ибодатхонасида жуда кўп жойлардан беқиёс даражадаги чиройли қизларни тўплаб олиб келиб, маросим томошаларида махсус тарзда рақсга туширилган.

Кўҳна ривоятлардан бирига кўра, қадимги Хоразм давлати пойтахти – “Қўйқирилган қалъа” марказидаги мовий гумбазли ибодатхона меҳробида ҳосилдорлик илоҳи Анахитанинг 6,5 метр баландликдаги ҳайкали ҳам бўлган. У диаметри 12 см. келадиган биллур, Зумрад тошини ушлаган ўнг қўлини марказий оташкада (ибодатхона) туйнуги устида шундай бир ҳолатда тутиб турганки, Зумрад тошга тушган қуёшнинг заррин, олтин нури фақатгина 21 мартда туйнук ичкарисида

қаланиб турган қуруқ ўтинни росаям гуриллатиб ёндириб юборган эди. Бу олов беҳад азиз ва муқаддас ҳисобланиб, йил давомида сира ҳам ўчирилмаган. Кишилар айни шу дамни инсонларга эзгулик, поклик, бахт, омад олиб келувчи янги кун сифатида ниҳоятда орзиқиб, интиқиб кутганлар ҳамда бағоят катта тантаналар билан байрам қилиб, нишонлаганлар.

Бутун йил мобайнида турмушда ишлатилган ўша оловдан эса энг охирги марта Наврўз айёмининг чинакам шоҳона таоми бўлмиш сумалак тайёрлашда фойдаланилган. Хоразм воҳасининг кўпчилик жойларида эса сумалак тайёрланадиган қозон тагидаги муқаддас оловни эса, ўзлари ёқиб ўтирмасдан, атайлаб бирон-бир хонадондаги ўчоқда аввалдан ёниб турган оловдан тутатқич олиб келиб ёндириб олиш одати ҳам ҳанузга қадар сақланиб қолган.

Она заминдаги ҳаётнинг бош манбаи бўлмиш Қуёш нуридан Анахита қўлидаги биллур орқали ерга олов олиб борилишида эса жуда ҳам чуқур бир рамзий маъно бор. Ўша замонларда Қуёшга "худонинг жамоли" сифатида муносабатда бўлинган, лекин буюк аждодларимиз наздида ҳар қандай гуриллаб ёниб турган олов ҳам муқаддас ҳисобланавермаган. Агар шаҳар, қишлоқ ёхуд ўрмонга йилдирим (яъни, чақмоқ) орқали ўт кетгудек бўлса, бу фалокат Қуёшданмас, айни Аҳура Маздага қарши турган, зулмат, ёвузлик кучларига раҳнамолик қилувчи Аҳриманнинг қора нияти амалга ошганлигидан ҳам дарак берувчи бир белги сифатида қаралган.

Бутун умрини бобокалон китоб "Авесто"ни тадқиқ этишга бағишлаган инглиз этнологи Мэри Бойс фикрича, оташпарастлар назарида ўлимни ёвуз руҳлар яратганлиги туфайли ҳам мурдалар тоза ҳисобланмайди, унга тегиниб кетганлар бўлса ифлосланади, кирланади. Шу сабабга биноан, марҳум хонадонида қиш пайтида тўққиз, ёзда эса ўттиз кунга қадар сира олов ёқилмайди. Оловни булғамаслик учун мурда ҳам, турли ифлос нарсалар ҳам оловга мутлақо яқинлаштирилмайди. Ўчоқда ёнаётган оловни кир қилиб қўймаслик учун, ҳатто ифлос ўтин ёқиш ҳам тақиқлаб қўйилган. Бундай ўтин ўчоқда ёқилишидан олдин одатда қуёш

нури остида қуритилган ёки унинг устидан тиниқ сув қуйиб, тозалаб ювилган.

Бунга яқин ҳолатлар эса форсларда ҳанузга қадар учрайди. Эрон маздакийлари ҳам оловни ғоятда муқаддас деб биладилар. Улар ҳар оқшом ўчоқдаги чўғни кул билан кўмиб қўядилар, тонг саҳарда эса тағин сарв дархтининг шохчаси билан уни янгитдан ўт олдирадилар, тутаётган сарв шохи хоналар бўйлаб айлантириб чиқилади. Бизда бўлса исириқ тутатилишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Шундай қилинган тақдирда бу хонадонга адашиб, гангираб, зарар етказиш мақсадида кириб қолган инс-жинс, бало-қазо, ёвуз руҳлар орқасига қарамай тирақайлаб қочиб кетар экан.

Олов билан боғлиқ турли-туман қарашлар “Авесто”да ҳам жуда муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур китоб бўйича Худолар (ва диний культлар) тизимида етакчи ўринни Атар – “муқаддас олов” эгаллайди. Аждодларимиз оловни бир нечта турга: осмон олови, ёғоч олови, одам олови кабиларга бўлганлар. Буларнинг барчаси Аҳура Маздanинг осмону фалакдаги қуёш гардишидаги тимсоли ҳисобланганди. Қадимги бува-бувиларимиз олов билан бирга сув (ап), ер (зам), шамол (вата), осмон (асман), қуёш (хуршед), юлдуз (астар) ва бошқаларни ҳам беҳад даражада эъзозлаганлар. Бундай хусусиятларнинг айрим бирларини эса ўзимизам мерос сифатида қабул қилиб олиб, ворисийлик анъаналарини давом эттиряпмиз. Лекин, тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни олов билан боғлиқ айрим удумлармизга маълум бир даражада зиён-заҳмат етказгани ҳам, баъзи одатларнинг унутиб юборилишига олиб келгани ҳам бор гаплигини эса ўзингиз жуда яхши биласиз.

Мисол учун, XX аср 20- йилларида ҳам Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти Илонли туманида **оловдан ҳатлаш** деган бир удум мавжуд бўлган эди. У бир йилда икки мартадан ўтказилган: биринчиси сафар ойи охирги чоршанбасида амалга оширилган ва “қора чоршанба” деб номланган, иккинчи мартаси бўлса “охирги чоршанба” маросими бўлиб, йилнинг сўнгги чоршанбасида, яъни Наврўздан олдин ўтказилган. Кейинги маросим эса сариқ уруғига мансуб туркманлар

орасида “омон ўт” деб аталган эди. Йилнинг охирги чоршанбасида ўт, гулхан ёқиб ва оловнинг устидан ҳатлаб ва сакраб ўтишдек қадимий удум ёвмуд, илали, эрсари сингари уруғларга мансуб туркманларга ҳам жуда яхши маълум бўлган.

Чоршанба куни катта кўчада каттакон гулханни ёқиб, унинг устидан ҳатлаш ҳамда ўша ерда эски сопол ва чинни идишларни намойишкорона синдириб кетиш удуми наврўзолди маросимлари орасида алоҳида ўрин тутган. Олов культи билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу удум кейинчалик, вақтлар ўтиши билан айрим бир жой, ҳудудларда ҳижрий-қамарий тақвим бўйича сафар ойининг энг охирги чоршанбасида амалга ошириладиган бўлиб қолганди.

Қирғизлар удумига биноан, оловдан сакраш амали “куран” (ҳозирги ҳисоб бўйича март ойига тўғри келадиган) ойининг 11- куни бажарилган. Улар йилбоши байрамидан аввал “наврўз гўжа” таомини тайёрлаганлар ва ўша куни кечқурун арча шохлари ва ғўлаларидан катта гулханни ёққанлар ва: “Алас, алас, белекеттен калас!” (“Алас, алас, фалокатдан ва бало-қазолардан халос!”), деб оловдан ҳатлаб ўтганлар. Айрим овулларда эса болалар оловнинг устдан сакраб ўтгач, қиш бўйи ниҳоятда маза қилиб ўйнаб ётган ошиқларини кенг-мўл яйловларга улоқтириб, сочиб юборганлар. Қўлларга таёқ, ҳасса тутволган, мункиллаган кекса чоллар бўлса “Ескы жыл кетты, жаны жыл келды – кутту болсын!” (“Эски йил кетди, янги йил эса келди, қутлуғ бўлсин!”), деб бир-бирларини Наврўз айёми билан, бағирни бағирга босган ҳолда қутлаганлар.

Бизнинг фикримизча, “охирги чоршанба” маросимида турли кишилар томондан олов, гулханнинг устидан сакраб, ҳатлаб ўтиш удуми барча гуноҳлардан буткул фориғ бўлиш, уларга бутун йил мобайнида илакишган турли бало-қазолар, инс-жинслардан, ёвуз кучлар таъсиридан халос бўлиш ва покланиш мақсадида амалга оширилган. Бундан ташқари эса, оловнинг устидан сакраб ўтиш апокретик (сирли, махфий) магиянинг бир кўриниши бўлиб, унда куч-қувватга росаям тўлиш ва бутун йил мобайнида соғ-саломат, хасталикка учрамай юришга қаратилган эзгу ният ифодаланган.

Шу билан бирга, ўша оловдан ҳатлаш “ўзга олам” – ўликлар мулкига бир сакраб ўтиш ва у ердан ҳар жиҳатдан покланган янги бир инсон сифатида “туғилиб”, ушбу ҳаётга қайтадан қайтишни ҳам англатган эди. Айнан шу сабабдан ҳам Европа халқларининг янги йил байрамидаги “рамзий покланиш” билан боғлиқ урф-одатларини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ ҳамда таҳлил қилган М. Элиадэ “янги йил байрамидаги покланиш, тозаланиш билан боғлиқ удумлар шунчаки бир “рамзий покланиш” амали бўлиб қолмасдан, шу билан биргаликда яна қайтадан туғилишни, яъни ибтидо, бошланиш пайтларидаги сингари покиза ҳолатда қайта бу ёруғ оламга, дунёга келишни ҳам англатади”, деб ёзган эди.

Йил тақвими билан бевосита боғлиқ “сафар қочди” деган, номи ҳанузгача унут бўлмаган маросим ҳижрий-қамарий тақвимдаги сафар ойи интиҳосида ўтказилган. Маҳаллий қарашларга биноан, сафар ойи энг оғир ой ҳисобланиб, одамларга жуда кўп бахтсизликлар келтиради, деб ўйланган. Шунингдек, “Аллоҳ бутун йил мобайнида инсониятнинг бошига ўн икки минг офат юборса, шулардан тўққиз мингтаси сафар ойида юз беради” деган тушунча ҳам мавжуддир. Шу боис одамлар бу ойда сафарларга чиқмаганлар, тўйлар ва шунга ўхшаш завқ-шавқли, қувончли оилавий маросимларни ўтказмаганлар. Ойнинг энг охирги чоршанбасида махсус “сафар қочди” маросими ўтказилганди. Эски йилнинг энг охирги чоршанбасида ҳам “сафар қочди” маросими ўтказилган. Бу бўлса нисбатан қадимийроқ маросим ҳисобланади. Фарғона вилояти Сўх туманида бу маросим чоғида ёш йигитлар қишлоқ яқинидаги тепаликка чиқиб олиб сомон, похол ва эски латталарни думалоқ бир шаклга келтириб, уни ёқворганлар ҳамда ушбу тепаликдан пастликка қарата думалатиб юборганлар. Мана шу жараён ҳам ўша пайтларда “сафар қочди” деб номланган эди.

Рамзий жиҳатдан покланиб олиш ниятида оловнинг устидан ҳатлаш маросимида тағин бир жуда қизиқарли удум бажарилган. 1928 йилда Наманган вилояти Косонсой туманига сафар қилган этнограф М. С. Андреевнинг қайд этишига кўра, “сафар ойининг энг охирги чоршанба куни одамлар “алас-алас!” деб бор овозлари билан қичқирганларича, оловнинг

устидан баланд сакраганлар ва олов ёқилган жойда эса турли-туман сопол ва чинни идишларни синдириб ташлаганлар ҳамда шу ерда тирикчилик қилиб юрган итларни урганлар”. “Охирги чоршанба” кунида итларни қийнаш одатига амал қилинганини қуйидаги қайдномада ҳам кўришимиз мумкин: Одамлар “сафар ойининг тезроқ кетишини жудаям орзу қилиб, мана шу ойда бир итни тутиб, думига эски челак (пақир) ёки латтани боғлаб қўйиб, унга ўт тутатиб, итни росаям ҳуркитиб қочирадилар. Ундан кейин бўлса итнинг ортидан калтак кўтариб, ҳайқириб ва шовқин-сурон солиб, унинг эсини чиқариб ортидан қувлаб кетадилар. Ит эса бунақа ваҳимадан ғоятда қўрқиб кетиб қоча бошлайди. Мана шу воқеага “сафар қочди” дейилган”.

Бизнинг фикримизча, оловдан ҳатлаш жараёнида итни уриш ва уни роса қийнаш одати, аслида, йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган бу маросим таркибидаги қатор анъанавий удумлардан бири бўлиб, асосан рамзий аҳамиятни касб этган. Чунки, Фарғона водийсининг энг тоғли ҳудудларларидан биридаги Соймойлитош деган жойидан топилган бир қоятош сурати (петроглиф)да итни қурбонлик қилиш ритуали (маросими) тасвирланганлиги эса мана шу тарихий асосли, ҳақли хулосага келишга ҳам имкон беради.

Археологик илмий тадқиқотлар ҳам милоддан аввалги IV минг йилликларда Марказий Осиё заминида яшаган деҳқончилик билан машғул бўлган қабилаларнинг орасида олов культи мавжуд бўлганлигини тўла-тўкис тасдиқлаган. Олов ўз ёркин шуъласи билан инсон танасига ҳамда руҳига салбий таъсир этадиган баъзи бир зарарли кучларни буткул куйдириб юборувчи ва покловчи ёруғлик тимсоли сифатида зулматга қарши қудрат ҳисоблангани туфайли қадимдан аждодларимиз томонидан ниҳоятда эъзозлаб келинган. Олов билан боғлиқ кўриниш “Гули армуғон” сайлидаги ўзига хос “Зикри жаҳр” маросими бошланган чоғида мозордаги беҳад даражада кекса тут дарахтининг бирор ковагига бир шамни ёқиб қўйиш жараёнида ҳам ўзининг яққол ифодасини топган эди.

Олов билан боғлиқ тасаввурлар тизимида ўчоқ культи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг асосий сабаби, уйнинг ўртасидаги ўчоқ жойи уйнинг топографик маркази бўлибгина

қолмасдан, шу билан бирга, Марказий Осиёда яшаган қадим чорвадор аҳолининг қадимий қарашлари билан ҳам боғлиқ. Шу боисдан ҳам қадим-қадимдан чорвадорларда ўчоқнинг ўрни билан чамбарчас боғлиқ турли-туман урф-одат, расм-русумлар мавжуд бўлган. Масалан, академик Карим Шониёзовнинг илмий маълумотларига биноан, Фарғона қипчоқлари ўтовларидаги олов ҳеч қачон ўчирилмаган. Улар орасида “Оловсиз ўчоқ – эгасиз уй каби” деган нақл бўлган.

Аждодларимиз орасида қадим-қадимдан олов билан бевосита боғлиқ кулга нисбатан ҳам эътиқод ғоятда кучли бўлган. Сурхон воҳасида бронза (жез) даврига оид илк шаҳар бўлмиш Жарқўтон ибодатхонасида олов ва кул муқаддас ҳисобланган, кул махсус бир хонага ташланган. Бунинг архаик илдизларини эса тандир ва ўчоқнинг кули дуч келган ҳар жойга ташланавермаганлиги ва кул тўкилган жойга ўтириш ҳамда унинг устидан юриш ёки таҳорат ушатиш қатъий тарзда тақиқланганида ҳам кўришимиз мумкин.

Қадим чорвадорлар қўзилатиш мавсумида тандир ё ўчоқдаги чала ёнган ўтинни “қўзилар чала туғилиб қолмасин” деган чўчиш ва ҳадикда ташқарига асло чиқармаганлар ва ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган тақдирда ҳам уни тўла-тўкис ёқиб юборганлар. Чақалоқ дунёга келган чоғида, унинг киндиги тушиб бўлмагунича, бошқа хонадонларга олов-тутантирик ҳам берилмаган. Болалар ҳеч олов билан ўйнамаслиги, у билан сира ўйнашмаслиги керак, акс ҳолда муқаддас оловга нисбатан таҳқирлаш ҳамда ҳақоратлаш бўлади, деб тушунилган эди. Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани Очамойли қишлоғида тандир – ўчоқлардаги кул агар пичоқ билан ковлангудек бўлса, ёв, душман, ғанимларнинг тили ғоятда узун ва жудаям кескир бўлади, натижада биз зиён кўрамиз, улар бўлса ғолиб чиқади, деган бир қадимий ирим, ақидага ҳам ишонилган.

Аждодларимиз, юқоридаям бир неча марта қайд этилганидек, тандир – ўчоқ кулини муқаддас ҳисоблаб, уни дуч келган жойга тўкавермаганлар. Кул бу хонадондан анча узоқ бўлган ва одамлар деярли оёқ босмайдиган жойга авайлаб, ҳамма ёқни чангитмай тўкилган. Айрим бир ўзини тутолмай,

қутуриб кетган кимсаларга нисбатан эса “нима бало, бирор ерда кулни босиб келганмисан?” деган ибора ҳам қўлланган. Бунинг сабаби шундаки, барча девлар ва жинлар, одатда кул атрофида суҳбатлашиб ўтиришармиш, агар бирор кимса кулни босиб ўтиб кетса, уларнинг суҳбати бузилиб кетар эмиш. Натижада бўлса бундан ниҳоятда ғазабланиб кўзлари қонга тўлган, башара, турқлари роса бузилган девлар ўша одамни телбанамо ҳамда жинни қилиб ташлар эмиш, деган тушунча воҳа аҳолиси онгида ҳам анча мустаҳкам ўрнашиб қолган. “Фалончани жин чалиб кетибди”, деган иборани жуда кўп бора эшитишимиз ҳам тандир – ўчоқдаги кулга бўлган алоҳида ҳурмат-эҳтиромга йўғрилган муносабатнинг ўзига хос бир маҳсули бўлса ҳам керак. Айниқса, кекса, нуронийлар (75 ёшдан ўтганлар) ва умрбоқийлар (90 ёш билан тўқнашган)нинг ёшларга қарата, “кулни сира ҳам босма, кечқурун кулнинг ёнига зинҳор борма, кул устидан ҳечам сакрама ва тунда тандирнинг яқинига йўлама!” деб панд-насиҳат қилишларида олам-олам маъно бор. Масалан, бирорта нарса ёки ҳолатдан ваҳимага тушиб қолган кишиларга “қўрқувни чиқариб юборади”, деган ўйда уларга кулни аста ялатиш ва кечалари ёш эмизикли гўдаклар билан бирор-бир жойга боришга тўғри келиб қолса, учинмасин деган мақсадда унинг пешонасига тандир ёхуд ўчоқ куясидан суриб қўйиш сингари одатлар сақланиб келаётгани ҳам бежиз эмаслигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Наманган вилояти Поп тумани Найман қишлоғида янги қурилган тандирга дастлабки оловни бу хонадон хўжайини ёқиб беради. Тандирдаги олов эса бир кеча-кундуз мобайнида тутатиб қўйилган. Айни ўша олов ёқилаётганида унга исириқ (ҳазориспанд)ни ташланса янги тандир сира ҳам ёрилиб кетмайди, деб ишонилган. Энг асосийси эса, янги тандир ёрилиб кетмаслиги учун, унга дастлабки оловни ёқаётган киши оғзини сира ҳам очмаслиги даркор бўлган. Нон ва патир яхши ҳамда чиройлироқ чиқиши учун тандирга икки одам эмас, фақатгина бир кишининг ўзи ўтин қалаши лозим бўлган...

Исломгача бўлган даврларда булардан бошқа диққатга сазовор ҳамда қизиқарли байрамлар ҳам кўп бўлган. Улардан бири муқаддас оиланинг чиройи ва чароғбони, оила, жамиятнинг энг

асосий таянчи ҳисобланган аёллар байрамидир. Бу байрам исфандармўз ойининг 5- кунида нишонланган ва “Рўзи исфандармўз” деб аталган. Бу масала ҳақида Беруний: “Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга катта эҳсон қилар эдилар”, – деб ёзган эди.

Исфандармўз сўзининг ҳақиқий маъноси “ақл” ва “мулоҳаза” демакдир (“Исфандармўз” солиҳа, номусли ва иффатли, жуда яхши ишлар қилувчи, Ерга ва ўзининг эрига вафодор ва садоқатли хотинга вакил қилинган фаришта номи ҳамдир. – Б. И.). Демакки, тарихий факт ва далиллар, ҳозирги замонларда ҳам навбаҳор ибтидосида катта тантана билан жуда кенг равишда нишонланаётган 8- март Халқаро Хотин-қизлар айёмининг илдизлари, баъзи давлатларда асоссиз равишда тарғиб-ташвиқ этилаётгани каби, европаликлар ихтироси эмас, аксинча, Сиз билан Бизнинг буюк аждодларимиз замонига бориб тақалишидан ҳам яққол гувоҳлик бериб турибди.

Ҳозирги давр учун ҳам жуда қизиқарли байрамлардан бири – бу Мурод ойи 7- кунида ўтказиладиган – “Мурдоданган” ҳайити бўлиб, у ўзига хос тинчлик, омонлик айёми ҳисобланган. Беруний фикрича, “Мурдоданган” сўзи луғавий маъноси “ўлимсиз мангу ҳаёт” демакдир.

Аждодларимиз эътиқоди асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарихда қолди. Бироқ, бу динга хос кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русумлар ҳозирги пайтгача ҳам сақланиб қолган. Албатта, улар орасида айёмларнинг энг азизи ва беҳад улкани Наврўз байрамидир.

Шу билан бирга, касалликнинг олдини олиш ё ундан сақланиш учун исириқни тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш ва тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт-оловнинг атрофида эса кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг жудаям катта гулхан алангаси устидан сакраш уйинлари, баъзи бир беморларнинг шифо топиш мақсадида гулханнинг устидан ҳатлаб, сакраб ўтишлари, чақалоқларни эса олов устидан ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли матолардан “алам” боғлаш сингари удумларни ҳозир ҳам учратишимиз мумкин.

Қуёшни озодалик билан кутиб олиш, эрта тонгдан ҳовлиларни ҳафсала билан обдан тозалаш, уй-жойни супуриб-сидириш,

ювиниш, ўчоққа ўт ёқиш, олов ёрдамида турли озиқ-овқатларни микроблардан зарарсизлантириш, исириқ, турли-туман гиёҳлар тутатиш удумлари ҳам зардуштийлардан бизга мерос қолган жуда фойдали одатлардир.

Зардуштийлар одатлари аждодларимизнинг бебаҳо тарихий-маънавий мероси ҳисобланади. Албатта, ҳозирги даврларда, XXI асрда зардуштийларнинг барча урф-одатларини қайтадан тиклаш ва турмушимизга жорий этишга катта эҳтиёж ҳам мавжуд эмас. Бироқ, аждодларимизнинг барча урф-одат ва анъаналарини ўрганиб, билиб қўяверсак, асло зарар кўрмасак, билганимиз эса фойда бўлса керак.

Замонамизга ўта мос келадиган, тараққиётга кўмаклашадиган, амалда миллий қадриятга айланиб кетган анъаналардан, албатта, самарали равишда биздан кўра кучли, доно, ақллироқ, ва албатта, бахтли бўлиши шарт бўлган баркамол авлодлар таълим-тарбияси жараёнида ҳам унумли тарзда фойдаланмоғимиз даркор…

Наврўз байрами билан боғлиқ турли воқеа-ҳодисалар ва улар талқинлари ўта кўп бўлиб, барчаси инсонларнинг ўзаро дўстона, тинч-тотув ва осойишта яшаши, эл-юрт ободлиги, мўл-кўлчилик йўлида ҳалол меҳнат қилиши, табиат ва жамият янгиланишидан ҳайратланиб ва қувониб, ўта шўх-шодон турмуш кечиришларига, бир-бирларига яхшилик, эзгулик истаб яшашларига чорлайди.

Помир тоғи атрофидаги халқларнинг тасаввурларига биноан, янги йилни ўта хушчақчақ, шўх-шодон кайфият, тўқ ҳолда кутиб олмоқ даркор. Фақат шундагина бутун бир йил мобайнида сиҳат-саломат юриш мумкин, етиштирилган ҳосил ҳам мўл-кўл бўлади, деб ҳисобланган. Уларнинг удумича, хонадоннинг бекаси Наврўз байрами куни эрта тонгдаёқ бир кўзани палос ёки кўрпача тагига бекитиб қўйган. Уйнинг эгаси бўлса ҳовлига чиқиб, қўш ҳайдаш учун зарур бўладиган омоч – бўйинтуруқ каби асбоб-анжомларни кўздан кечиргач, ичкарига кириб 12 – 14 яшар ўғлини чақирган. Бирор пўстиннинг жунли тарафини тескарисига ағдариб боласига кийдирган ва ўзининг елкасига миндириб олиб: “Кампирни кутиб олинглар!” деб қичқирган. Кўза яшириб қўйилган жойга келганда, ўз боласини

унинг устига ўйлаб-нетиб ўтирмай ташлаб юборган. Бола эса кўзанинг устига йиқилиб тушиб, уни чил-чил синдирган. Халқона қарашларга кўра, кўза – Ожиз момонинг яхши кўрган жойи бўлиб, ушбу идишнинг синдирилиши эса – эски йилнинг тугаши, ниҳоясига етаётган йилдаги барча ёмонликлар, бало-қазолар ва касалликлар йўқ бўлишини англатганди. (Доно халқимизнинг "Сув келтирган – хор-зор, кўза синдирган – азиз" мақоли ёдингизга тушдими?). Фақат шундан сўнг оиланинг барча аъзолари ўша кўзани синдирган болани шўх-шодонлик, қувонч ила Наврўз айёми билан қутлаган ва онаси ўз боласининг устидан мўл-кўл ҳосил рамзи – ловияни сочиб юборган.

Ҳаётда ушбу байрам билан бевосита боғлиқ ҳолатда ҳанузга
қадар сақланиб келаётган аждодлар анъаналаридан яна бири янги туғилган чақалоқларга Наврўз исмини қўйиш одати ҳисобланади. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухорода Наврўз кунида туғилган бўлса, асосан ўғил болалар исми Наврўз, Наврўзбек ва Фарғона водийсида эса, кўпинча қизлар исми Наврўза қўйилади. Шу билан бирга, Райҳон, Раъно, Наргиз, Нилуфар, Гулчеҳра, Ғунча, Гуландом, Лола, Гулираъно, Оқгул, Сарвигул, Гулчирой, Моҳигул, Бахтигул, Бинафша сингари гўзал исмлар ҳам аслида мана шу беҳад қутлуғ айём, шодиёна билан чамбарчас боғлиқдир.

Наврўз дейилган паллада, энг аввало, кўз олдимизда унинг энг лаззатли таоми – сумалак жонланади. "Сумалак сайли" (ёки "Сумалак базми") Наврўз айёмининг "шоҳона таоми" – сумалак тайёрлаш, сумалакхўрликка бағишланган тантанали маросимдир. Ушбу таомнинг номи "саману" (форсий), "сумалак", "сумелек", "сумаляк" (туркий) сингари қатор шаклларда учрайди. "Сумалак" калимаси негадир қиш пайтларида қорнинг эриб оқиб, қайтадан музлаши натижасида, томлар шифтида қаторлашиб гўёки ханжар сингари осилиб турган, найсимон ва чўзинчоқ музларга нисбатан ҳам қўлланади. Муҳаммад Ҳусайн Бурҳоннинг "Бурҳони Қотъи" номли асарида (1650 й.) "саману" деган истилоҳ ҳам учрайди ва у "ҳолвайтарга ўхшаш бир нарса, кўклаган буғдойнинг ширасидан тайёрланади, ундирилган буғдойдан тайёрланган

таом”, сифатида изоҳ берилган. Сумалакка “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам “ундириб янчилган буғдой, ун ва ёғнинг ўзаро аралашмасидан тайёрланадиган ҳолвайтарсимон овқат” сифатида изоҳ берилган.

Маълум бўлишича, дастлабки вақтда сумалакни буғдойдан эмас, аслида арпа майсасидан пиширишган. Маҳмуд Қошғарий шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам “сума” атамаси қўлланганлигини алоҳида таъкидлаган бўлса, Беруний томонидан ҳикоя қилинган афсонада одамлар “баракотга эришиш учун тос ё бошқа идишларга арпа экканлиги” бежизга таъкидламаганлигини эса ўзингиз ҳам тузук-қуруқ сезган, ҳис қилган бўлсангиз керак.

“Сумалак” атамаси таркибидаги “малак” турли ривоятларда келтирилган араб тилидаги “малак” (фаришта) ва “су” форсий “се” (уч) ёхуд “си” (ўттиз) сўзлари билан ҳам бевосита алоқадор эмас. “Сумалак” соф туркийча бағоят гўзал ва кўнгилни юксакка кўтарувчи табаррук сўзимиз ҳисобланади. Буюк аллома Маҳмуд Қошғарийнинг оламгаям машҳур “Девону луғати-т-турк” асарида (Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – 488 б.) “сума” сўзига: “Ивитилган буғдойнинг номи. У қуритилиб, туйилади... ундан угра ош ҳамда нон тайёрланади. Шарбат олиш мақсадида ундирилган арпа учун ҳам шу сўзни қўлланади”, деб барчамизга жуда ҳам тушунарли равишда таъриф ва изоҳ бериб қўйилган.

“Сума” мустақил маънони англатувчи “сув” ва “ман” (дон) сўзларининг бирикувидан ташкил топган. (“Тегирмон” сўзига бир солиштириб кўринг: “тугар” + “ман”, донни тугиб, яъни туйиб ун қилувчи.) “Сума” маросимий – сумалакнинг илк шакли бўлганди.

Қишда қор суви эриб, томларнинг шифтида пайдо бўладиган муз “сумалак” сўзи “сув” ва “буламак”, “буламоқ”, “булатмақ” атамаларининг қўшилувидан пайдо бўлган. “Булатмақ” сўзининг ўзи бир пайтнинг ўзида эса бир неча хил маъноларни англатади:

1. Сувнинг буғида қўзининг гўштини “буғлатиб”, “бувлатиб” пиширмоқ. X – XI асрларда туркий “булатти” деган сўз арабий “шўрва” сўзи ўрнида ишлатилган. Бу тўғрида

Маҳмуд Қошғарий: “Қозон буғида пиширилган ҳар нарсага бу сўз қўлланади”, дейди. (Демак, ердан сизиб чиқадиган сув “булоқ” деб номланиши ҳам унинг айнан қайнаб чиқишига ўзига хос бир ишора ҳисобланади).

“Буғлама” овқати ҳозирги даврда ҳам айнан шу ном билан юритилади ҳамда машҳур миллий таомлардан бири ҳисобланади. Ундан ташқари бўлса, туркий аждодларимиз ўша пайтлар ўзлари хуш кўриб истеъмол қилган шўрвани “мун” деб ҳам атагандилар.

2. “Буламақ” – нонни қатиққа булади, қўлини эса нишолдага булади, оёғи бўлса лой ва балчиққа роса ҳам буланиб кетибди.

3. “Булғамақ” – сўз “буламақ”қа ўхшаш, аммо, лойқалатмоқ, аралаштирмоқ ва ифлос қилмоқ маъноларини англатган. Қадимда томдан эриб тушаётган қорнинг суви сувоқ лойи билан аралашиб, тупроқ ёхуд томнинг устига ёпилган ўша нарсанинг рангига мос тусга кирган, буланган. Тиниқ сувга бошқа нарсанинг аралашуви хусусияти ҳар икки сумалакка ҳам тааллуқли. Бундай мазмунни дарахт танасидан аста-секинлик билан оқиб чиқаётган ўзига хос бир қуюқ суюқлик – “смола” деган сўзда ҳам кўришимиз мумкин.

Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилган қадимий аҳоли лаҳжаси – санскрит тилида ҳам буғдой маъносини билдирувчи “сумана” сўзи бўлган. Тилимизда дони олинган буғдойнинг пояси “сомон” деб аталиши бежиз эмас. Манбаларда қайд этилишича, аждодларимиз эрта кўкламда келаётган йил баракали бўлишини орзу-ният қилиб, муқаддас ўсимликдан бирини туйиб, ширасини олиб ва маросим амалларини бажариш чоғида тановул қилганлар. Ана шундай шарбат тайёрлаш учун махсус идишда туйиладиган ўсимлик қадимги ҳинд тилида “сома” ва “Авесто” битикларида бўлса “хаома” деб аталган. Бу ҳар иккита сўзнинг ўзагиям аслида битта ва ягона бўлиб, “суви сиқиб олинадиган нарса” маъносини билдиради. “Сумалак” пишириш анъанасининг тарихий асослари бўлса турли хил кўкатларнинг кузда рамзий маънодаги ўлиши ва кўкламда бўлса тағин қайтадан

“тирилиши” ҳақидаги мифологик эътиқодларга чиндан ишониш удуми билан бевосита боғлиқ...

Халқ орасида ҳанузгача юрган жуда кўплаб ривоятларнинг баъзилари тарихан асосланганлиги ва ҳақиқатга росаям яқинлиги билан киши диққатини ўзига тортади. Ривоятлардан бирини Сиз – азизлар, гарчи билсангиз ҳам, эътиборингизга ҳавола этяпмиз:

Энг қадим-қадимги замонларда Деҳқон уруғлик учун олиб қўйган ва авайлаб асраган донини баҳорда тезроқ экиш ниятида ҳамма зироаткорлардан анча олдин сувга ивитиб қўяди. Лекин, беқарор об-ҳавонинг авзойи бирдан бузилиб, қўққисдан қор ҳам паға-паға ёға бошлайди. Буғдой эса, табиатнинг асл қонунларига мувофиқ равишда ивитилган идишда ниш урган ҳамда тинимсиз ўсишда давом этаверган. Деҳқоннинг оиласи аъзолари томонидан эса “илик узилди” даврига зўрға етиб келинган пайтда буғдойни бутунлай нобуд бўлишига йўл қўймаслик чоралари қидирилган. Деҳқон эса таваккал қилиб, ниш урган ва анчагина бўй кўтарган буғдой майсаларини қиймалайди ҳамда оила чироғи ва чароғбони – уй бекасидан бундан бирор таом пиширишни илтимос қилган. (Шу ўринда “илтимос қилган” ибораси киши диққат-эътиборини ўзига ярқ этиб тортади. Одатда, ўзбек оиласида эр ўз хотинидан бирор нарсани “илтимос” қилмайди, кўпроқ буюради. Милоддан аввалги 40 – 3 минг йилликларни ичига қамраб олган матриархат (она уруғи ҳукмронлиги) неолит – янги тош асрида (мил.авв. VI – IV минг йилликлар) ўзининг роса ҳам гуллаган даврини бошидан кечирган. Деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги эса айнан неолит даврида аёллар томонидан кашф этилган. Ўша замонда жамиятда аёллар ҳукмрон бўлган, бўлажак турмуш ўртоғини ҳам уларнинг ўзлари танлардилар, агар эри номақбулроқ чиққудек бўлса, унинг паттаси хотин томонидан қўлига бемалол ушлатиб ҳам қўйилиши мумкин эди. Агарда юқоридаги воқеа кейинроқ, яъни мил. авв. III минг йилликдан бошланган патриархат (ота уруғи ҳукмронлиги даври) бўлганида эди, ўша деҳқон ўз хонадони бекасига “таом тайёрлашни **буюрди**” деган сўзлар қўлланган бўларди. – Б. И.).

Бека ўз эри тайёрлаб берган майса қиймасини қозонга солиб, узоқ вақтгача қайнатади. Қарангки, оқ кўнгил деҳқоннинг нияти холис чиқади. Ҳиди ўта ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақтлар эсида қоладиган даражадаги янги ажойиб бир таом дунёга келади. Натижада бўлса, уларда келгуси йилнинг кўкламида ҳам тағин шундай таомдан баҳраманд бўлиш иштиёқи туғилган. Ушбу таом эса эл орасида ўта кенг тарқалиб, баҳорнинг лаззатли маросимий таомигаям айланиб кетган. Кейин эса деҳқонлар донни фақат уруғлик учунгина эмас, балки сумалак пишириш учун ҳам асраб, сақлаб қўядиган бўлганлар. Уруғликка олиб қўйилган дондан мўл-кўл ҳосил кўтарилса, сумалак учун асралганидан бўлса ўзлари ва айниқса, фарзандларининг соғлиги, жисмоний ва маънавий тетиклиги, бардамлигини сақлаш ниятида ғоят даражада ҳаётбахш муқаддас маросимий таом тайёрланган.

Сумалак тановул қилган кишиларда соғлом руҳий кайфият пайдо бўлишини аждодларимиз жуда қадим замонлардаёқ яхши англаб ва билиб олган эдилар. Шу сабабдан ҳам қадим-қадимдан сумалакнинг энг асосий маҳсулоти бўлмиш буғдой илоҳий ҳамда беҳад табаррук ўсимлик ҳисобланган. Зардуштийликда буғдой ва буғдойдан яратилган барча неъматлар илоҳий саналиб, яхшилик, қут-барака, фароғат ва эзгулик рамзи сифатида жуда улуғланган.

Айни шу сабабдан ҳам ҳанузга қадар Наманган вилоятидаги оилаларда, айниқса, Наманган шаҳрида сумалак ҳар доим ҳурмат-эҳтиром ила сизлаб тилга олинади, яъни “Сумалак пишдилар!”, “Сумалакка етказганига минг бор шукр!”, “Сумалакдан ўргилай!” – деб беҳад мамнунлик билдирилади. Тақводор оилаларда бўлса “Сумалакка пайғамбаримизнинг муборак назарлари ҳам тушган”, сумалак асли “Биби Фотима онамнинг таомлари”, – деб сумалак ҳақида тўқилган ҳар хил жуда ибратли ривоятлар ҳам айтилади.

Сумалак қайнатиш жараёнида ҳеч кимга ухлашга ва сумалак ялашгаям рухсат берилмаган. Мабодо биронта қиз ёхуд келинчак ухлаб қолгудек бўлса, қозон бошидаги кайвони кампирлар ухлаб қолган киши оғзига сумалакдан суртиб

қўйишган. Уйғонганидан кейин бўлса унга: “Сен сумалакни ўғирлаб ебсан. Таомилимизни бузибсан!” деб ёлғондакамига дўқ-пўписаям қилишган. Сумалак тайёрлаш маросими, аввало, аёллар, ва айниқса, уй бекаларининг ўзига хос маънавий ва руҳий эҳтиёжи бўлган. Улар бу жараёнда ўзаро мириқиб суҳбатлашиб, ўзларини қийнаётган муаммоларига бирон-бир ечим топадилар, ўзаро ахборот алмашадилар ва орзу-умидлари албатта ижобат бўлишини эса Яратгандан тилайдилар.

Сумалакни тайёрлаш вақтида бўлса бефарзанд аёллар 3, 5, 7 дона ёнғоқни “Келаси йилги сумалакка қадар мен ҳам фарзанд кўрайин”, деган эзгу бир ниятда сумалак қайнаётган қозонга аста ташлаганлар. Сумалак тайёр бўлгандан кейин эса ўзлари қозонга ташлаган ёнғоқларини бошқаларникидан алоҳида ажратиб олиб, чақиб, мағзини эса энг эзгу орзу-ниятда маза қилиб еб олганлар.

Сумалак пиширилаётган пайтларда бола кутаётган иккиқат жувонларга, ва худди шунингдек, бефарзанд аёлларга ҳам буғдой майсаси берилган. Бу билан келаётган йилда албатта фарзандли бўлишларига тилак билдирилганди. Суннат қилинмаган болалар ҳам тезроқ улғайиб, вояга етишларига умид билдириб, уларнинг чопонларининг этакларига буғдой майсасини қистириб қўйилган. Сумалак тагига олиб кетмаслиги учун қозонга солинадиган тош ва ёнғоқларнинг сонини белгилаш жараёнида ҳам ўзига хос жуда қадимий анъаналарга амал қилинган. Чунки, “етти” (7) рақами ҳозирга қадар бутун дунё халқларининг жуда севимли сонидир.

Айнан шу сабабга кўра момоларимиз бир хонадонда 7 марта сумалак пиширилса унинг савоби ҳам ниҳоятда кўп бўлади, деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, сумалак пишаётган қозонга ташлаб юборилган тошни ҳам бағоят хосиятли, деб билганлар. Сумалак тошини келаси йилда янада кўпроқ ҳосил берсин, деган эзгу ният билан мевали дарахтнинг остига кўмиб қўйганлар. Баъзилар эса бу хонадондан ҳеч қачон қут-барака сира аримасин, деган ниятда сумалакнинг тошларини ҳам жудаям эҳтиётлаб, авайлаб келгуси сумалак тайёрлаш маросимига қадар сақлаб, асраб қўйганлар.

Кексаларнинг соҳир суҳбатигаям қулоқ тутсангиз, “Ҳафтада бир, ойда бир, йилда бир” нақлини эшитасиз. Бунинг асл маъноси эса, “ҳафтада бир мартагина яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда эса бирор марта ҳаммомга тушиб, йилда бўлса бир марта сумалакка тўйиб олган одам сира ҳам касалликка чалинмайди”, деганидир.

Халқимиз орасида сумалак пишириш билан алоқадор ғоятда қизиқарли анъана ва удумлар, эътиқод ва инончлар бўлган. Минг афсуски, шўро замонидаги идеологик экстремизм ва мафкуравий тутқунлик оқибатида бундай миллий қадриятларнинг айримлари унутилиб кетганди. Мамлакатимиз миллий истиқлоли асл миллий тикланиш жараёнини бошлаб берди. Наврўзи оламнинг жуда кўп узвлари қайтадан тикланганидан эса ўзингиз яхши бохабарсиз...

Сумалак билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ва инончлардан айрим бирларини билиб қўйсак, сира ҳам зарар қилмаса керак.

Қишдан бир амаллаб эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдойни йиғиб, кўпчилик бўлиб уни ундириб, бир катта дошқозонда пишириб ейишса, улар бир-бирларига нисбатан энг яқин қадрдон ва қон-қариндошлардек бўлиб қолишар экан.

Қадимги доно аждодларимиз сумалак пишириш учун буғдой ундирилаётган уйга бегона кишиларни сира ҳам киритмаганлар. Таҳорат қилиб покланган ва кўнгли тоза инсонларгина (кўпинча, момолар) буғдой ундирилаётган хонага “Бисмиллоҳир роҳманийр роҳийм!” деб кириб келади ва кўм-кўк майсага аста сув сепади. Кўкартирилган буғдой майсасини одамлар кўзларига суртишади, “янгилик, янгилик”, дея тавоф қилишади. Илм-фанда культурема деб аталувчи сўз ва ҳар хил ҳаракатлар бирлиги билан наврўздан бошланадиган янги йилда ҳосил янада мўл-кўл ва юртимиз тинч-омон, фаровон ва қут-баракали бўлсин, деб эзгу ният қилинади.

Бефарзанд аёллар, боласи сира турмайдиган айрим хотинлар, оиласидагилардан бирон-бир киши олис сафарда бўлган оналар, бирорта яқинроқ қариндоши анча оғир хаста бўлиб ётган аёллар сумалак майсасини ўзининг чаккасига

тақволиб, мушкуллари ҳам осон бўлишигаям жуда умид қиладилар. Сумалак пишириладиган қозоннинг қулоғига ҳам аввал замонларда эзгу ниятда, сумалак майсасидан алоҳида ўзига хос “соқол”ларни осиб қўйилар эди.

Қадимда сумалакни пишириш чоғида ҳамма, энг аввало, уни тайёрловчилар янги сарпо-кийимлар кийганлар. Энг янги либос кийишнинг иқтисодий жиҳатдан мутлақо, сираям иложи бўлмай қолган ҳолларда, фаровон ҳаётдан умидворлик рамзи сифатида ўз жимжилоқларига тоза, янги мато бўлагини чиройли қилиб боғлаб олганлар. Бу иш савоб бўлади, деган яхши, пок ниятда қилинган.

Сумалакни тайёрлаётган момолар ундириш учун ўстирилган буғдой майсаси ширасини қизил рўмолда сузиб олганлар ҳамда ўзлари ҳам қизил кўйлакни кийиб, айнан шу рангдаги рўмолни бошга ўраб олганлар. Шундай удумга риоя қилинсагина, сумалак ҳам қиёмига етиб, жуда ҳам қизариб пишади, деб ҳисобланган.

Сумалак майсасининг суви қўни-қўшни ва қариндошларга улашилади. Майсасининг сувидан қуйилган қозонда пишган таом бағоят баракали бўлади, деган тушунча ҳам мавжуд. Сумалакка солинадиган унни пиру бадавлат онахонларгина элайдилар. Икки момо унни элаб бўлгач, супра устига дока ёпиб қўйиб, ташқарига чиқиб кетадилар. Хона эшиги қия очиб қўйилади. Афсоналарга кўра, сумалак Биби Фотима оши сифатида тасаввур қилинганлиги туфайли ҳам у баҳорий таомга атаб ун эланган хона ичкарисига кириб, супрага назар ташланса ҳамманинг муроди ҳосил бўлади. Сумалакнинг шарбатини солишдан аввал дошқозонга ёғни қуйиб қизитилади, тузсиз сувга қорилган хамирдан бўғирсоқ пишириб “ис” чиқарилади. Дошқозон тагига ўтин қалаётган аёл кўнглида нимаики эзгу орзу-нияти бўлса, уни сумалак қозони олдида айтса, орзулари албатта, амалга ошар эмиш. Нопок кишилар, маст-аласт ва банги кимсалар бўлса сумалак қайнаётган қозоннинг атрофига сираям яқинлаштирилмайди. Мабодо таҳорат олмаган ёхуд нияти ниҳоятда бузуқ одамлар бу қозонга ўзининг назарини ташлагудек бўлса, сумалак ҳам ўз-ўзидан тошиб, атрофга тўкилиб кетармиш.

Фарзандталаб аёллар сумалак пишаётган қозон атрофини уч марта айланиб, эзгу орзу-ниятларни айтгудек бўлсалар, уларнинг ҳам муродлари ҳосил бўлади, дейилади. Ўз эгизак фарзандларига таълим-тарбия бериш умидида куйиб-пишаётган онахонлар бўлса ҳар йили эрта баҳорда эл-юртга тантанали сумалак сайли қилиб берсалар, уларнинг болалари ҳам албатта эсон-омон, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб улғаяди, деб ҳисобланган.

Тонгга яқин сумалак ковлаётган аёллар кўзини уйқу росаям элитганида, осмону фалакдан учиб келган малойика, фаришталар қозонга туз ташлаб кетишар экан. Пинакка кетган момолар бўлса буни сезмай қолишармиш. Сумалакка асло туз солинмаслигининг энг асосий сабаби ҳам айнан мана шунда деб ўйланади.

Сумалак пишираётганда ҳамма жуда хурсандчилик қилиши, ҳеч бўлмаганда кўнглини турли-туман ғуборлардан холи қилиши, ҳеч ким бир-бирининг дилини ҳеч оғритмаслиги керак дейилади.

Сумалак роса пишаётган қозонга каттароқ мунчоқ, ёнғоқ ёки тош солинишини эса ўзингизам биласиз. Сумалак сузилаётганида эса кимнингдир идишига мунчоқ тушса, биринчи фарзанди қизча бўлар экан, деб ирим қилинади. Мабодо тош тушса, турмуши тош сингари ўта мустаҳкам, ёнғоқ тушгудек бўлса бамисоли ёнғоқдек сермағиз, яъни серфарзанд бўлади деб жуда ҳам суюнадилар.

Сумалакни тарқатиб бўлинганидан кейин яхши ният қилган аёллардан бири дошқозонни яхшилаб ювиб, қозон ичидан чиққан сувни бирон-бир мевали дарахтнинг тагига эҳтиёткорона тўкади.

Сумалак пишириш удуми табиатнинг ўлиб-тирилиши, яъни куз чоғида рамзий маънода “уйқуга” кетган ўсимликлар олами эрта кўкламда қайтадан жонланиши, тирилиши ҳақидаги қадимий халқона қарашлар асосида келиб чиққан, ҳанузга қадар сақланиб қолган чинакам миллий анъаналаримиздан бири ҳисобланади.

Қай бир хонадонда сумалак пишса, кечқурунлари ўша ерда ўйин – томошаларлар ҳам авжига чиқади. Сумалакни дам-

бадам қўзғаб туриб баланд овоз билан, жўшиб-тошиб қўшиқ айтилади:

Сумалак бо пишади,
Қозонга ёпишади.
Сумалак ейдиганлар
Қумурсқадай чопишади.
Ёқинг гулхан авжга минсин,
Жин-ажина қочишади.
Одам Ато, Момо Ҳаво,
Қут-барака сочишади.
Лола гул алвон-алвон,
Сумалак берар дармон.
Сумалак етмай қолган,
Бир умр қилар армон...

Аждодларимиз неча минг йиллар мобайнида Наврўз айёми арафаси оқшоми улкан дошқозонларда сумалак қайнатишни янги йилнинг баракали, файзли ва серҳосил келиши тимсоли сифатида билганлар. Ўзингизгаям яхши маълумки, сумалак тайёрланадиган дошқозон туну кун тинмасдан қайнайверса, унга анча-мунча ўтин чидаш бермайди-да. Шу боисдан ҳар бир хонадон бир боғ, ярим боғдан ўтин ёхуд бирорта каттароқ тўнкани олиб келиб, сумалак пишаётган қозон остида гуриллаб ёнаётган ўтингаям ўзларининг маълум бир улушларини қўшадилар. Ташқаридан қаралганда, бу гўё унчалик арзимасдек кўринган хатти-ҳаракатнинг остида катта маъно: эл-юртнинг ҳамиша бирлашволиб ҳаракат қилиш, топган-тутганларини эса ҳамжиҳатлик билан биргаликда баҳам кўришга интилишидек буюк бир бунёдкор, беҳад эзгу миллий ғоя ётибди.

Европа олимлари сумалак тайёрлашга кетадиган барча сарф-харажат, меҳнатни ҳисоблаб кўриб, уни тайёрлашдан кўра сотиб олиш ўн чандон арзон бўлишини аниқлашибди. Ғалати тадқиқот – ғарблик мутахассислар дошқозон атрофига йиғилган кишилар қалбидаги бир-бирларига бўлган соғинч, меҳр-муҳаббат, оқибат, ҳамжиҳатлик, мурувват сингари асл инсоний туйғуларни ҳисобга олишмагани ҳам яққол кўриниб турибди! Агарда буюк халқимиз сумалакни фақат таом маъносидагина

тушунганида анъаналар ва урф-одатларимиз минг йиллар давом этмаган, бебаҳо қадриятлар мундарижасидан ҳозирга қадар сира ҳам ўрин олмаган бўларди.

Халқимизда қадим-қадимдан нонни эъзозлаш ҳамда авайлаш азалий удумлар ва юксак маънавий қадриятлардан ҳисобланади. Нон шунчаки бир дастурхон безаги эмас, қолаверса, ҳаёт безаги ва турмуш мазмуни, яшаш манбаи, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясининг бошланишидир. Шу сабабдан ҳам аждодларимиз нонни беҳад муқаддас деб билганлар, унинг шаънига қўшиқлар ва достонлар тўқиганлар. Ерда ноннинг кичик бир увоғини кўриб қолсак, эгилиб олиб, дарров кўзимизга суртишимиз ва эҳтиётлаб покиза жойга қўйишимизнинг ва бошқаларни ҳам худди шундай қилишга даъват қилишимизнинг сабаби ҳам нонга бўлган юксак эътиқодимиз, уни маънавий тарбия жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири, деб англашимиз ва билишимиз натижасидир.

Сумалак ҳам худди нондек юксак қадрланади. Уни тайёрлаш жараёнида алоҳида тартиб-қоидалар, маънавий меъёр, мезонларга амал қилинади. Ҳатто, сумалак пиширилган қозон ювиндиси ҳам дуч келган жойларгамас, мевали дарахт тагига тўкилади. Бундай иримларнинг маънавий ва тарбиявий аҳамияти бугунги кунларда ҳам ўз кучини йўқотмаганлигидан эса ўзингиз яхши хабардорсиз.

Аждодларимиз онги ва қалбидаги “Ёмон бўлади”, “Гуноҳкор бўлиб қоласан” каби ички маънавий-маърифий, ахлоқий тўсиқлар ўз вақтида давлат томонидан белгилаб ва ёзиб қўйилган қонундан ҳам минг чандон кучлироқ таъсир кучига эга бўлган. Шу боисдан бугун ҳам барча этносларнинг эллар ва юртларни бунёдкорлик ва фаровонликка чорловчи ҳамда яхшилик йўлида бирлаштиришга қаратилган айёмона урф-одат, борди-келдилари ва одоб-ахлоққа доир ирим-сиримлари бебаҳо маънавий мерос сифатида миллий таълим-тарбия жараёнида оқилона равишда қўлланиши зарур...

Халқимизнинг қадимий анъаналарига кўра, Наврўз байрами ҳут ойининг энг охирги кечасида, яъни 20 мартдан 21 мартга ўтар пайтда оила даврасида ўтказиладиган “қозон тўлди”

удуми билан бошланган. 1897 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган байрамниям роса мароқ билан кузатган шарқшунос олим В. Вяткин “қозон тўлди” удуми тўғрисида қуйидаги фикрларини ёзган эди: “Бу маросим “оби раҳмат” кечаси ё янги йил арафасидаги оқшомда ўтказилади. Бунда ҳар бир оилада бирор тансиқ таом пиширилади ва овқат тайёрлаётган пайтда қозоннинг тўла бўлишига алоҳида диққат-эътибор берилади”.

“Қозон тўлди” соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпгина ҳолларда, палов), кўк сомса ва бўғирсоқ тайёрлаганлар. Шунингдек, ўтган аждодлар ҳақига “ис” чиқарилган. Ана шу “ис” ёғи билан қўшга қўшиладиган ҳўкиз шохи мойланган. Наврўз байрамига хос “қозон тўлди” маросими чоғида эса улкан қозон бу айёмга мос турли-туман пиширикдар билан тўлдирилган. Тотли таомлар мусофирлар, бева-бечоралар, қариялар, дарвешлар ҳамда бутун уруғ-қабила аҳлига катта ихлос билан улашиб берилган. Шу оқшомда туни билан жуда кўпчилик бўлиб олган ҳолда сумалак ҳамда ҳалим ҳам пиширилган.

Сумалак ҳамда ҳалим нима сабабга биноан айнан буғдойдан тайёрланиши ҳақида ўзингиз ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ваҳоланки, айримлар шунчаки таом ҳисоблайдиган ушбу неъматларда буюк халқимизнинг минглаб йиллик маънавий қиёфаси, инсон ҳаётига доир чуқур билимлари, фикрлари, тасаввури зоҳирдир. Ўзингизга ҳам ниҳоятда яхши маълумки, ҳалимда буғдой ва гўшт янчилади, сумалакда бўлса уруғ кўкартирилади. Ҳалим – кузда қартайган кўкламнинг енгилиши, сумалак бўлса қишда ернинг остига кириб кетиб ухлаётган баҳорнинг аста уйғониши рамзи ҳисобланади.

Илгари уйларнинг тахта поли бўлмаган ва одамлар лойсувоқ қилиб қўйилган полда сандал учун махсус чуқурча қолдиришган. Қиш бўйи бўлса шу чуқурчани чўққа тўлдириб, сандал атрофида ўтирганлар. Айнан “Қозон тўлди” куни ана шу сандаллар олиниб, чўғ солинадиган чуқурчани кўмиб қўйишдан аввал унга озгина ўрик шарбатини аста қуйганлар. Олов культи ва серҳосиллик ғояси билан боғланиб кетадиган ушбу одатнинг замирида ҳам ниҳоятда эзу тилак мужассамлашган. Буваларимиз

наврўзни йил алмашадиган, қаҳратон қишнинг роса совуқ кунлари ортда қолиб, фусункор кўклам шиддат билан бошланиб кетадиган энг саодатли кун деб билишган. Шунинг учун ҳам одамлар томонидан “қишдан эсон-омон қутилиб, кўкламга ҳам етишдик, илоҳим тўрт мучамиз (бу ўринда гап инсоннинг ички ва ташқи, эс-ҳуши ва имони хусусида бормоқда, луғатда унинг оёқ, қўл, кўз ва қулоқ деган маъносиям берилган – Б. И.) бутун бўлсин, бу йил ҳам боғимиз мева-чевага мўл-кўл бўлсин ва экинимизга Бободеҳқон ўзи бир назар қилсин!” деб ўрик шарбати навбатма-навбат ичилган.

“Қозон тўлди” куни барча идиш-товоқлар ун, буғдой ва сувга тўлдириб қўйилган ва етти хил овқат пиширилган. Нуроний бувалар-бувиларимиз айтишларича, беҳиштнинг еттита эшиги бўлиб, кимки “Қозон тўлди” куни етти хилдаги таомни пиширса, охиратда айнан ўша одамга жаннатнинг еттита эшиги ҳам ланг очилиб кетар эмиш.

“Қозон тўлди” куни уй бекаларининг қўли-қўлига ҳеч тегмайди. Улар оиласига қут-барака ниҳоятда ёғиладиган бу мунаввар айёмга тайёргарлик кўрадилар ва ҳар йилги одатга кўра, “уй кўтарадилар”. Яъни уйдаги гилам-палосларни ҳамда кўрпа-тўшакларни ташқарига олиб чиқариб, ёядилар. Ҳамма ёқни супуриб-сидирадилар ва турли-туман эски-туски, кераксиз рўзғор анжомлари чиқариб ташлайдилар.

“Қозон тўлди” удумининг тарихий илдизи аждодлар культига топиниш анъанаси ва эзгуликлар улуғланиши билан боғлиқ қадимий тасаввурлар асосида келиб чиққан Наврўз арафасидаги ўн кунликни ифодаловчи Хамаспадмаэда деб аталган маросимга бориб тақалади. Жуда кўпни кўрган донишманд аждодларимиз айнан шу кунларда фравашилар тириклардан хабар олгани келадилар деб ҳисоблаганлар. Аҳурамазда ва инсон шарафига бағишлаб ўтказилган бу маросимда ҳақиқатнинг ва бахт-саодатнинг тимсоли бўлмиш Ашаҳни улуғлаган ҳақгўй инсонларнинг арвоҳи, руҳи – фравашилар ҳам ёдга олинган.

“Авесто”даги “Фравардин яшт” деб аталган ўн учинчи яшт ҳам аждодларнинг культига бағишланган. Бу алқовнинг 49-бандида ёруғ оламдан ўтиб кетган солиҳ кишилар руҳлари ўз

уйларига келадиган кун ҳақидаги мифологик қарашлар мана шундай тарзда ифодаланган:

Кучли, ғолиб фраваши
Имонлилар руҳига
Намозимиз йўллайлик.
Улар ўз уйларига
Хамаспадмаэда
Кунида келиб сўрар
Тирикларнинг ҳолини.
Ўзларига намозу
Эътиқод борлигини.
Ва шунда ўн кун қолиб
Тириклардан хабардор
Бўлиб, кўнгил тинарлар.

... Қозоқ, қирғиз ва туркман биродарларимиз наврўз гўжаси, тожик қадрдонларимиз наврўз кўмочи, биз ўзбеклар эса сумалак, ҳалим, қўш оши сингари Наврўз таомлари билан бир-биримизни сийлаб ва байрамни қадим-қадимдан биргаликда, ҳамжиҳатликда ўтказганмиз. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва озарбайжон халқлари Наврўз баҳонасида бир-бирларининг миллий, ўзига хос урф-одат, миллий маданиятларини ўзаро тўлдириб, яна бойитиб бораверганлар. Бундан эса қардош халқлар ўртасидаги дўстлик – байналмилаллик ҳам қарор топган, байрамни тантанали равишда биргаликда нишонлаш баҳонасида эса янада мустаҳкамланган.

Ўрта асрларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг турли жойларида Наврўз ўзига хос шаклларда нишонланганди. Байрам вақти 3 кундан тортиб, токи далаларда экин-тикин бошлангунига қадар чўзилган. Буюк байрам одатда бозорлар атрофидаги махсус майдонларда, кўпинча шаҳар ҳамда қишлоқ четларидаги махсус сайилгоҳларда тантана қилинган. Байрамнинг энг биринчи куни карнайчи-сурнайчи, дорбоз, полвонлар чиқишлари, кун ўртасида мусиқачилар, ҳофизлар ҳамда ўзга санъаткорларнинг ижролари, кечга бориб эса сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган. Кун сайин

томоша ва мусобақалар аста-секин беҳад авжига чиқа бошлаган. Масхарабозлар бўлса айёмнинг энг диққат марказида турганлар. Турли мусобақалар: улоқ (кўпкари), бугунги дунё ва даврда жаҳон миқёсидаги спорт турига айланган – кураш, пойга бўлса бу улуғ байрамнинг чинакам ва ҳақиқий кўрки саналган...

Неча минг йиллик тарихга эга улоқ ўйини пайдо бўлиши ва номланиши билан боғлиқ жуда қизиқ ривоят бор. Айтишларига кўра, қадимги замонларда ёвқур қабилалардан бирининг қўрасига каттакон кўк бўри оралаб, овулнинг мол-ҳолига жудаям кўп зиён етказибди. Бўрини йўқ қилишга уринишларнинг барчаси пучга чиқавергач, қабила оқсоқоли кимда-ким уни бир амаллаб тутиб ёки ўлдириб келтиргудек бўлса, овулнинг энг гўзал қизини ёвқур овчига келин қилиб беришини эълон қилибди. Севган, юрагидан урган қизига эриша олмасдан юрган бир йигит отини миниб, ўша бўрининг изидан тушибди. Бир неча кунлик уринишдан сўнггина у мурод-мақсадига эришибди, жондорни ўлдириб, эрта саҳарда овул оқсоқолнинг оёғи тагига келтириб ташлабди. Овулнинг сара йигитлари йиртқични тилка-пора қилиб ташлаш учун “кўк бўри, кўк бўри!” деб отларида у ёқдан бу ёққа роса судрашибди ва бу ўз-ўзидан ўта қизиқарли ўйинга айланиб кетибди. Шундан кейин йигитлар ўша ўйинни давом эттиришга қарор қилибдилар, у энди доимий равишда ўтказила бошлабди. Вақтлар ўтиши билан ушбу ўйиннинг номи ҳам астагина ўзгариб кетиб, энди у кўк бўри эмас, балки ҳозирги замондаги каби, кўпкари деб аталиб қолган экан.

Албатта, бу – ривоят, лекин унинг замирида эса кўпкарининг келиб чиқиш сабабларият маълум маънода ўз ифодасини топган.

Асосан қиш фаслида ўйналган кўк бўри (кўпкари) ўйинида кўпкаритоз йигитлар (бўрилар, қиш) улоқни (баҳорни) талашади. От – қуёшнинг зооморфик тимсолидир. Бу эса Она қуёшни ўзига бўйсундира олган қиш қутбининг ёздан устун келганининг ўзига хос бир ифодаси ва тимсоли ҳисобланади. Демак, биз биладиган улоқ ўйини ҳам рамзий маънодаги қаҳратон қишнинг ва зумрад баҳорнинг ўзаро ҳаёт-мамот курашлари жараёнини ифодалайди

Қадим-қадимги замонлардан Наврўз айёмининг тантаналари чоғида бедана, хўроз, қўчқор уриштириш ўйинлари ҳам ўтказиб борилган. Наврўз байрами кўпкари, қўчқор уриштириш ва кураш каби халқ ўйинларисиз сира ҳам ўтмайди. Йилбоши билан боғлиқ кураш анъанаси тарихи ўта ҳам олис замонларга бориб тақалади. Асли бундай томошалар оддийгина кўнгилхушлик эмас. Қадимда томошабинлар ўзлари уриштираётган ҳайвонлардан бирини қиш, иккинчисини эса ёз, деб уюштирилган жанг натижасида йилнинг қандай келишини ўзларича тахмин ва башорат қилиб кўрганлар.

Қадим замонларда нафақат эркаклар, шу билан бирга туркий халқлар тарихида хотин-қизлар ҳам кенг майдонга белини боғлаб чиқиб кураш тушганлар, олишганлар. Йигит ва қизлар балоғатга етиб, турмуш қуришларидаги асосий шартлардан бири турмушга чиқадиган қиз аввало тенгдошларидан беш-олтитасини кўпчилик олдидаги ҳалол курашда енгиши, йиқитиши ҳам талаб қилинган. Бу жараён Ота юртга бостириб келган душман лашкарлари билан ҳаёт-мамот жанглари кетаётган пайтларга тўғри келгудек бўлса, (бунақа пайтлар тарихда бот-бот бўлиб турган) оилавий турмуш қурмоқчи бўлган қиз ёғийнинг навкарларидан беш – олтитасини яккама-якка жанг-жадалда ўлдириб, ёвнинг калласини онабошига келтириб кўрсатиши ва исботлаши ҳам алоҳида талаб қилинган.

Ана шу шартлар бажарилганидан кейингина оила қураётган жасур қиз ўзи билан бир ёстиққа бош қўядиган йигити билан бел олишган. Қиз бўлажак эр билан курашда деярли тенг бўлсагина, у билан оила қуриш ҳуқуқига эга бўлган. Бундай шартлар қадимий табиий танланишнинг қоидаларидан келиб чиққан бўлиб, соғлом турмуш ва қудратли оила қуриш, унинг нурли ва бахтли келажаги бош омилларидан бири бўлган. Мана шундай оилалардан эса ҳам жисман, ҳам маънан баркамол ўғил-қизлар туғилган. Улар бўлса Она Ватан – Ота Макон ҳимоясида ҳамиша собит тура олганлар.

Қадим Хитой муаррихлари қаламига мансуб “Тан сулоласи тарихи” (Бу сулола 618 – 907 йилларда ҳукм сурган. – Б. И.) деб номланган манбанинг Фарғона тавсифига

бағишланган қисмида эса қуйидаги ишончли маълумот битиб қўйилган: “Ҳар йили янги йил байрамида шоҳлар ҳамда қабила сардорлари иккита гуруҳга бўлинадилар. Ҳар тарафдан битта Баҳодир ўртага чиқади ва улар олишадилар. Иккала томон ҳам жуда қаттиқ қийқириқлар, кучли шовқин-сурон билан ўз баҳодирларини қўллаб-қувватлаб туради. Ботирлардан бирининг қўли баланд келганда, жанг ўша заҳотиёқ тўхтатилади ва мана шунга қараб келаётган янги йилнинг ҳосили жуда ҳам мўл-кўл ёхуд камҳосилроқ бўлиши башорат қилинади”.

Сиртдан қаралганида, бу оддийгина тўқнашувдек кўринган ҳолат аслида буюк донишманд аждодларимизнинг кўклам билан қиш тимсолидаги ўзига хос бир маросимий кураши ҳисобланган.

Ўзбекистон ҳудудидаги гўзал баҳор фаслига бағишланган турли хил маросимлар ва байрамлар орасида гулга бағишланган сайиллар алоҳида ўрин тутган. Турли тарихий манбалар гувоҳлик беришига қараганда, Хоразм ҳамда Бухорода “Қизил гул сайли”, Фарғона водийси, Қўқон ва Тошкент атрофларида “Лола сайли”, баъзи бир тоғли туманлар, жумладан Чуст ва Денов туманларида “Сумбула сайли”, яна бошқа жойларда бўлса “Бойчечак” сингари байрамлар уюштирилган. Байрамларнинг толмас тадқиқотчиси Л. А. Тульцева маълумотларига қаралганида, Нуротада “Қизил гул сайли” ва Фарғона водийсида бўлса – “Лола сайли”, Самарқандда мевали дарахтлар, шу жумладан, беҳи қийғос гуллаганда – “Беҳи гули сайли”, Зарафшон водийсида бўлса “Бойчечак гулгардони”, Бухорода гуллар роса очилиб, андалиб – булбуллар нола қилиб, навбаҳор мадҳини тоза куйлаб, сайраган вақтларда – “Гулгардони булбулхон” сингари бир қатор байрам – сайиллар уюштирилган.

Алоҳида қайд этишимиз даркорки, анъанавий дунёқарашга биноан, гул сайли шунчаки бир оддий кўнгилхушлик эмас, балки маросимий, магик ва ритуал аҳамиятга молик бўлган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида “Лола сайли” билан боғлиқ қўшиқлар жуда кўп учрайди. Қўшиқларда лола “элнинг чиройи” эканлиги, бу беҳад гўзал гулнинг очилиши одамлар

қалбига асл фараҳ бахш этиши, чақмоқдан, селлардан сира ҳам қўрқмасдан кўкарган ва гуллаган лола барча одамларни катта сайилга чорлаши тараннум этилади:

Лола, лола, лолажон,
Ўсар жойинг далада.
Лола, лола, лолажон,
Чидаш бердинг жалага.

Лола, лола, лолажон,
Чақмоқдан ҳам қўрқмагин.
Лола, лола, лолажон,
Жаладан ҳам қўрқмагин.

Лола, лола, лолажон,
Селлар олса қўрқмагин.
Лола, лола, лолажон,
Совуқ турса қўрқмагин.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги тоғ қишлоқларида ҳар йил кўкламда лола сайлига чиқиш анъанавий маросимлардан бири ҳисобланган. Ушбу маросим чоғида ижро этилган халқимиз қўшиқларида табиатнинг кўкламдаги уйғониши ва лола нафосати инсонларга бахш этган энг эзгу туйғулар ҳам тараннум этилган:

Лолачада ишим бор, эй лола,
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола.
Кишмиш бўлса майлига, ҳей лола,
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.

Қўшиқдаги “Лолача” образи рамзий маънода лоладек қизил куйлак кийган қизнинг айнан ўзига баробар. Йигитнинг сайилга келишидан асл мақсади лола териш эмас, аслида ўша “Лолача”да жудаям муҳим “иши борлиги”ни билдириб қўйиш, яъни ўзининг муҳаббатини изҳор этишдан иборат. Халқона лирикада мевалар, мевали дарахтлар ва боғ у ёки бу жиҳатдан севги-муҳаббат, оила, фарзанд ғоялари билан бевосита боғлиқ. Эътиборингизга ҳавола этилган қўшиқда бу йигитнинг

“киссаси (чўнтаги)даги кишмиш” – бўлажак оиланинг асл пойдевори ва чинакам муҳаббат тимсоли ҳисобланади. “Лола сайли” палласида йигитлар ўз севгилисига ёш болалар орқали турли ширинлик ва совғалар қаторида майиз юборишларини назарда тутадиган бўлсак, ушбу поэтик деталнинг севги магияси (сеҳргарлиги) билан бевосита боғлиқ жиҳатлари ҳам янада ойдинлашади ва ёрқинлашади. Бу қўшиқда бир-бирига кўнгил қўйган йигит билан қиз ўртасида “воситачилик” қилувчи болакай образининг ўзига хос тимсолий талқини ҳам мавжуд:

Том устида пиёла, ҳей лола,
Ичи тўла гул лола, ҳей лола.
Нари туринг бўз бола, ҳей лола,
Уялади қиз бола, ҳей лола.

Том устида нелар бор, ҳей лола,
Ўрдак билан ғозлар бор, ҳей лола.
Ўрдак кетиб, ғоз қолсин, ҳей лола,
Душман кетиб, дўст қолсин, ҳей лола.

Бу тўртликларда тасвирланган “том” – оила рамзи сифатида қаралгудек бўлса, “ўрдак” – бу севишганларга унчалик даражада ҳам хайрихоҳ бўлмаган ғанимлар, “ғоз” эса бир-бирига кўнгил қўйган кишиларнинг чинакам дўстлари рамзи ҳам ҳисобланади. “Ғоз” дейилганида эса йигитларнинг меҳр-муҳаббат билан асраб-авайлаб юрган совғасини маъшуқага, савобли иш қилиб, оёғини қўлига олиб етказиб берувчи болакайлар ҳам назарда тутилган.

Қадим Сўғд ҳунармандлари томонидан ясалган кумуш идиш деворида тасвирланган гўзал аёллардан бири иккала қўлида гўзал бир лола кўтариб турган бўлса, иккинчисининг бир қўлида лола, иккинчисида бўлса боласи бор. Учинчи аёлнинг ўнг қўлида лола бўлса, чап қўлида узум тўлдирилган бир ваза мавжуд. Тўртинчи ҳамда бешинчи аёллар эса бир қўлида қуш, бошқасида қандайдир бир қутича кўтариб олганлиги тасвирланган. Россиянинг Пермь вилоятида ўтказилган қазишмалар чоғида археологлар томонидан топилган идишда ҳам қўлларида лолалар кўтариб турган аёллар

тасвирланганди. Академик Галина Пугаченкованинг фикрича, бу ашёлардаги тасвирлар қадимги Сўғдда ўтказилган “Лола сайли” маросимини ўзига хос равишда акс эттирган бўлиб, қўлида лола кўтариб турган аёллар бўлса бу маросимни ўтказишда ниҳоятда фаол тарзда иштирок этган коҳинларнинг образи ҳисобланади...

Қўшни Тожикистон Республикасининг Ғончи туманида ҳар йилги Наврўз маҳалида келинлар сайли ўтказиш қадим-қадимдан одат тусига кириб қолган. Бундай сайилга оппоқ ҳарир пардалар тутволган, куёвга тушганига ҳали бир йилдан ошмаган келинлар қатнашадилар. Улар пастликда, худди қордек оппоқ гулларнинг ўзига хос сокин бир гўзал тўлқинидек кетаверишади. Қўлларида уларнинг ўзлари росаям меҳр қўйиб тиккан матолари, сўзаналари ҳамда белбоғлари бўлади. Икки томондаги қияликларда турган томошабинлар эса ўз қаршиларидан аста-секинлик билан, гўёки оппоқ елканли қайиқда сузиб ўтиб бораётган келинчакларнинг бирортасини ҳам мутлақо кўздан қочиришмайди. Бу келинчаклар орзу-армонлари ҳамда ўй-хаёллари битилган матоларнинг қайси бири кўпроқ олқишни олса, ўша ғолиб ва катта мақтовга сазовор бўлади. Бу бениҳоя чиройли ва гўзал сайил эканлигини ўзингиз тасаввур қилган, кўз олдингизга келтирган бўлсангиз ҳам керак.

Хоразмда Наврўз айёми, маълум бир даражада, Анахита ва Сиёвуш тимсоллари, улар орасидаги илоҳий-афсонавий муҳаббат билан боғлиқ. Сув ва ҳосилдорликнинг илоҳаси Анахита (ислом даврида эса Анбар она), рамзи атиргул билан пайваста майдонга келиб, кейинча Митра (Сиёвуш) тимсоли билан ўзаро чатишиб, яратувчилик ва бунёдкорликнинг манбаи сифатида ҳам тасаввур этилган. Бизнинг ҳозирги кунларимизга қадар етиб келган беҳад ажойиб “Қизил гул” байрами роппа-роса уч кунгача давом этган.

Биринчи куни ёш қизлар бир-бирлари хонадонларига кириб, кекса бувилари, оналари, қизалоқларни байрам билан муборакбод этганлар ва “Қўбиз” куйини ижро қилиш бўйича мусобақаларни уюштирганлар. Худди шунингдек, йигитлар ҳам ўз жўра, ошна-оғайнилари, дўст-биродарлари уйларига

навбатма-навбат кириб, уларнинг боболари ва оталарини ҳам байрам билан қутлаганлар.

Байрамнинг иккинчи куни масжид ёки қабристон яқинидаги хушманзара жойларда ғоятда улкан халқ сайиллари ҳам ташкил этилган. Сайилда йигитларнинг қизлар томонга қарата қизил гул, олма, анор ва бўялган тухумларни астагина отиши ҳам ўзига хос ўйинлардан бири сифатида намоён бўлган. Бу нарсалар қадимий тасаввурларга кўра, серҳосиллик, севги-муҳаббат, барқарор оила ва фарзанд тушунчалари билан бевосита боғланиб кетади. Наврўз айёми пайтида қўни-қўшни ва яқинларига қайнатиб пиширилиб, қизил, сариқ, кўк рангларга бўялган тухумлар ҳадя этиш удуми ва “тухум уриштириш” ўйини замирида бутун оламнинг тухумдан яратилганлиги тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ҳам ётади.

Шунингдек, ёш йигитлар ушбу айём кунларида ўзларининг ишқи роса тушиб қолган, юракларини жиз эттирган қизларга ёш болалар орқали ҳар йили турли-туман ширинлик, ҳолва ва майиз юборганлар. Ўз навбатида, қизлар (агарда улар ҳам йигитни сал-пал манзур кўрган бўлса) “жавоб” ширинликларини йўллаганлар. Сайил тамом бўлиши биланоқ қизлар ёш келинлар бошчилигида саф-саф бўлволиб, шундоққина яқин жойдаги аждодлари – бува-бувиси мангу қўнимгоҳи, қабрини зиёрат қилиш учун борганлар.

Наврўзда қабристонлар зиёрат қилиниши, бу ерларда олов ёқилиши, ис чиқарилиши ва қурбонликлар қилиниши аждодлар руҳига бўлган ҳурматни ифодалайди. Наврўз пайти ўйналадиган “Оқ суяк” ўйинида ҳам аждодлар руҳига бўлган юксак эҳтиромни кузатамиз. Ушбу ўйин ҳақида Ҳазрат Алишер Навоий ҳам буюк асарларида маълумот берганди. Юртимиз жанубий вилоятларида ушбу ўйин бугунги кунга қадар ҳам ўйналиб келинмоқда. “Оқ суяк” асосан, эрта кўклам палласида ва кечқурунлари ўйналган. Болалар ўртасидан сайлаб қўйилган бошлиқ қўлидаги сўнгакни анча узоққа отган. Бошқа болалар эса югуриб-елиб уни топишга ҳаракат қилган. Кимки суякни биринчи бўлиб топиб олса, айни ўша бола бу ўйинда ютган, ғолиб чиққан ҳисобланган. “Оқ суяк” ўйинининг айнан Наврўз пайтида ҳамда тунда ўйналишига сабаб, суяк – оламдан ўтиб

кетган аждодларнинг руҳи ёрдами, кўмагида қишни – тунни ҳайдаб юбориб, кун – баҳорга интилиш бўлган.

Наврўз куни ўйналадиган ўйинлар орасида “Оқ теракми, кўк терак”, “Чиллак” ўйинлари бошқаларидан ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. “Оқ теракми, кўк терак” ўйинининг келиб чиқиши бошқаларига қараганда қадимийроқ. У мавсумий ўйинлар таркибига кириб, дастлаб фақат кўклам, баҳор фаслида ўйналган. Бу ўйин баҳор маросимининг жудаям муҳим таркибий қисми бўлганлиги сабабидан ҳам фақат маросимлар пайтидагина ўйналиб, кейинчалик у катталар, сўнгра эса болаларнинг ўйинига айланиб кетган. Бу ўйин ўзида кун – тун, қиш ҳамда баҳорнинг ўзаро тўқнашуви ҳақидаги энг қадимги тасаввурларни ҳам ўзида мужассам этади. Қиш енгилса, баҳор ғолиб келади, тун чекинса, кун ҳам аста узая бошлайди. Зеро, ўйин фольклорининг матнида энг асосий диққат-эътибор айнан мана шу масалага қаратилган.

“Оқ теракми, кўк терак” деб аталишида эса, бир томондан қаралса, терак баргининг бир томони оқ (юмшоқ) бўлса, иккинчи тарафдан, у ўзида кун ва тун ҳақидаги тасаввурлар билан ҳам боғланади. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида, хусусан, Хоразмда ушбу ўйин сал бошқачароқ бир номда, яъни “Ой теракми, кун терак” деган номда ҳам учрайди...

Яна ўша “Қизил гул” байрами ҳақидаги юқорида бошланган суҳбатимизга ҳам қайтсак ва уни келган жойидан давом эттирсак.

Байрамнинг учинчи куни қизлар дугоналари ҳовлиларидан бирида “Чиқон ўйини” – арғимчоқ ўйинини уюштирганлар. Ёш, бўз йигитлар ҳам маросимий ўйин ташкил қилинган жойга қизлар ортидан етиб келиб, арғимчоқ учаётган ўша қизлар билан олма отиш ўйинини бошлаб юборганлар. Айнан Наврўз айёми кунида қиз-жувонлар катта боғлардаги беҳад азим ўрик дарахтларининг баланд-баланд шохларига арқон солиб, роса арғимчоқ учганлар.

Халқона қарашларига биноан, Наврўз куни арғимчоқ учган кишининг билиб-билмай қилган гуноҳлари ҳам бутунлай тўкилиб кетармиш. Ҳатто кекса, сочлари қордек оппоқ нуроний

момолар ҳам “Арғимчоқ учсак, савоб бўлади! Оғирлигимиз ерга тўкилади ва қушдек енгил бўламиз!” деб янада яшариш орзу-ниятида ўша арғимчоққа бир амаллаб ўтиришган, уларнинг невара, эваралари ва ҳаттоки чеваралари эса “Биз ҳам момомизнинг ёшига етайлик” деган бениҳоя эзгу мақсадда арғимчоқнинг ипидан эҳтиёткорона равишда тутиб, уни оҳиста, аста у ёқдан бу ёққа ҳаракатлантириб турганлар. Бундан ташқари эса, ўша арғимчоқ ипидан тутиб аста бешик каби тебратаётган қизлар қуйидаги қўшиқни куйлаганлар:

Ҳалгимчак жўнасин,
Сариқ отим сақлансин,
Кўк отим кўклансин,
Пушти отим пишлансин,
Оқ отим оқлансин...

Бу ўйиндаги ранг тимсоллари муайян бир рамзий маъно касб этган ҳолатда қўлланган. Қадимги мифологияда баҳор – кўк, ёз – қизил, куз – оқ, қиш – қора ранглар билан тимсоллаштирилган.

“Кўк отим кўклансин” – кўклам тезда келиб, бутун олам ям-яшил либосга росаям буркансин; “сариқ отим сақлансин” – мева-чевалар ғарқ пишган ёзнинг тимсоли; “пушти отим пишлансин” – япроқлар жуда сарғайиб, хазонрезги бошланадиган куз фасли; “оқ отим оқлансин” дегани бўлса паға-паға ёғадиган оппоқ қор билан ўтадиган қаҳратон қишнинг ўзига хос бир поэтик ифодасидир.

Турмушга янги чиққан қизлар, фарзанд кутаётган келинлар арғимчоқни баландлатиб, янадаям ҳаволатиб учишга уринганлар. Улар ҳар сафар шўх-шодон кулги билан дарахтнинг энг баланд шохидан баргча узиб олишга жон-жаҳдлари билан интилганлар. Улар дарахтнинг баланд шохидаги оппоққина гуллар орасидан эндигина бўртиб чиққан ям-яшил япроқчаларни бир амаллаб узиб олишга муваффақ бўлган ва омади келган кишиларнинг жамики орзу-ниятлари, албатта, амалга ошади, деб эзгу умид қилганлар.

Байрам бошланган кундан то охиригача бўлган даврда йигит ва қизларнинг дўпписига қизил гул ғунчасидан қадаб қўйиш одат бўлган. Этнологик ва тарихий адабиётларда бутун

йил давомида очиқ юра олмаган хотин-қизларнинг айни гул сайиллари пайтида бемалол, эмин-эркин қатнашганлари ҳақидаги маълумотлар ҳам анчагина. Чунончи, Паркентда ўтказилган лола сайлига, асосан, қизлар борганлар. Далаларда лолақизғалдоқ роса қийғос очилган вақтда, теварак-атрофдаги қишлоқлар қизлари аввал баландгина тепаликка йиғилишиб олиб, сўнгра қип-қизил лолазорга сайилга чиққанлар. Сайил давомида бўлса қизлар доира (чилдирма) шўх садолари жўрлигида турли-туман қўшиқларни айтганча, мириқиб рақсга тушганлар, ўйнаганлар, лолақизғалдоқлар териб, чиройли гулчамбарларниям ясаганлар. Самарқанддаги “Сайли гули сурх” байрамининг маркази Чўпон ота мозори атрофларида бўлган...

Она табиатга нисбатан беҳад улуғ ҳайрат ва меҳр-муҳаббат муносабатида бўлган аждодларимиз уни аяган ҳамда алқаган. Бу меҳр ва тасаввур-тушунчалар бўлса қўшиқларига, достонларига, ўйинлари, амалий ва ҳунармандчилик санъатига ҳам кўчиб ўтган. Халқимиз турмуш тарзи, яъни оддий ўтовдан тортиб гиламчилик, каштачилик санъатида, ҳаттоки ёпган нонларида ҳам ана шундай тасаввурлар ёрқин намоён бўлади. Оддийгина бир каштачиликни олиб кўрайлик. Аксарият кашталарда қуёш рамзи билан боғлиқ тасвирлар учрайди. Кашта, сўзаналардаги энг асосий мавзу айнан қуёш билан боғлиқ. Чунки, ҳаётда, табиат ҳамда инсоннинг ўзаро муносабатларида қуёш беҳад муҳим аҳамият касб этади. Турли-туман сўзаналарда фасллар алмашинуви, чиқаётган ва ботаётган қуёшнинг тасвири анъанавий рамзларда муҳрлаб қўйилганлигига ўзимиз ҳам яққол гувоҳ бўламиз. Айнан шу сабабдан ҳам Наврўз байрами билан бевосита боғлиқ барча ҳолатларда қизил, сариқ, яшил, оқ сингари анвойи рангларнинг талқини етакчилик қилади.

Қизил ранг қуёш, худди шунингдек, навбаҳорнинг элчиси – лолақизғалдоқ рамзидир. Сариқ – бойчечак ҳамда қуёш, яшил – Она табиат, оқ ранг – баҳорги очиқ мусаффо осмон ва янги фасл келиши, ҳаёт яхши томонга ўзгаришини истаётган инсонларнинг асрий орзу-ниятлари ва умидларининг ўзига хос тимсолидир.

Қадимги гул сайилларини жиддий равишда илмий жиҳатдан ўрганиш шундан яққол далолат берадики, аждодлар қабрларини зиёрат қилиш байрамнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган.

Биринчидан, одатда гул сайиллари ранг-баранг гуллар жуда кўп очиладиган жойлардагина ўтказилган. Қабристонлар атрофи худди шундай мақбул жойларнинг бири бўлганди. Чунки, бундай жойлардаги ер ҳайдалмаган, яъни Она Ернинг бағри тилинмаган. Лолақизғалдоқлар эса айни шундай ҳайдалмайдиган жойда жуда яхши униб-ўсган ва гул сайлига ниҳоятда мос жой ҳисобланган.

Иккинчидан, вафот этган аждодларни ёд этиш ва хотирлаш одати кўпгина Шарқ байрамларига хос урф бўлганди. Ҳар баҳор қизғалдоқлар роса қийғос очиладиган қабристон атрофларида гул байрамлари ўтказилиши ҳам табиат гўзаллигидан завқланиш, ҳам ушбу ёруғ дунёни тарк этиб кетган, “мардона руҳи” бўлса “эркин ёш авлодларга ёр” аждодларни ёдга олиш учун имконият яратган.

Учинчидан, баҳор гулларидаги қизил ранглар кўпинча инсон қони билан таққосланган. Қариялар сўзлаб берадиган афсоналар, ривоятларга кўра, вафот этган инсонлар қонини ер ўзига буткул шимиб олади, гуллар бўлса худди мана шу алвон рангни ўзига симириб олиб, уларга иккинчи ҳаётни бахш этади, Она заминни эса беҳад даражадаги гўзал либос – баҳор гуллари билан безайди.

Қизил гулларнинг келиб чиқиши ҳақидаги бундай тасаввур эса кишиларни ерни ва Она табиатнинг ўзи вужудга келтирадиган барча нарсаларни янада севиш ва ардоқлашга даъват этади. Шуни алоҳида таъкидлаш даркорки, гул сайилларининг халқ ижодиёти равнақига ҳам катта таъсири бўлган. Чунки, гул сайлининг муҳим таркибий қисми сифатида йигит-қизларнинг шеърлар ўқиб, бир-бирларига анвойи гуллар тақдим этиб ўйналадиган “Гул базми” ўйини, гўзал гул ва ёрнинг гўзаллигини бир-бирига қиёсловчи ва таққословчи “Гулёр” номли қўшиқларнинг ажойиб бир туркуми ва ранг-баранг гуллар гуркираб очилаётганини яққол ифодаловчи “Гулрақс”, ЮНЕСКО томонидан 2014 йил адоғида Бутунжаҳон

маданий мероси рўйхатигаям киритилган ўзбек АСКИЯ санъати усталари – аскиячиларнинг ўртасида “Гулмисиз, райҳонмисиз...” номли пайров сингарилар вужудга келган ҳамда кейинчалик улар бир-биридан алоҳида равишда ривож топган ва тараққий этган.

Баъзи манбаларда “Наврўз” ва “Гул сайиллари” бир-бирига боғлиқ ҳолатда, айримларида бўлса бутунлай ажратиб ёритилган. “Йил боши”, “Наврўз” ўтмишда ёз фаслига кўчирилган вақтда гул сайли баҳорнинг улкан байрам, шодиёнасига айланиб кетган.

Бироқ, Наврўз айёми тағин қайтадан баҳорга кўчирилганида, у табиатнинг қайтадан жонланиши, яъни баҳор, кўклам келишини қайд этадиган байрам бўлиб қолган. У “йил боши” бўлгани учун ҳам аниқ кунлар (ҳозирги 21 – 22 март)да нишонланадиган бўлиб кетган. Гул сайилларининг қачон ўтказилиши табиатга, об-ҳавога боғлиқ бўлиб, улар апрель ойининг бошидан токи май ўрталарига қадар ўтказилган. Наврўз бир ойгача нишонланадиган жойларда эса бу иккала байрам бир-бирига уланиб, ўзаро қўшилиб кетган. Шундай жойлардаги навбаҳор тантаналари Наврўз айёми билан бошланиб кетган ҳамда айни “Гул сайиллари” билан якунланган, ўзининг поёнига, энг янги йилдаги интиҳосига ҳам етиб келган.

Қадим-қадим замонлардан Фарғона вилоятидаги Дўсти Худо зиёратгоҳида эрта баҳорда аёллар иштирокида бошқа ҳудудларда ҳеч учрамайдиган арғувонгул ёхуд маҳаллий аҳоли тилида гули армуғон деб аталувчи сайил ўтказилади. Баҳорнинг эртароқ ёки кеч келишига қараб март ёки апрель ойи бошларида бу гулнинг пушти рангда очилиши маросимий тарзда ҳам байрам қилинган. Қишлоқ аёллари томонидан эса айнан ушбу маросимга хос қатор таомлар тайёрланган. Дастлаб чалпак, ҳолвайтар, ундан кейин эса шўрва ҳамда палов пиширилган. Бу маросим учун тайёрланган таомлар асосан, аёллар томонидан истеъмол қилинган. Ҳар бир таомни тановул қилиш чоғида эса отин аёллар томонидан Қуръон оятлари ҳам ўқилган. Ва шунингдек, айнан шу куни барча аёллар ўзаро давра бўлиб олиб “зикри жаҳр” (у суҳбат деб ҳам аталади)

тушганлар. “Зикри жаҳр” ярим соат давомида айтилган. Шундан сўнг гули армуғон атрофида аёллар ўзларининг энг эзгу орзулари ва ниятларини айтиб айланганлар. Маросим сўнгида бўлса Дўсти Худо мозори зиёрат қилиниб, бу оламдан ўтиб кетган аждодлар ҳамда Дўсти Худонинг руҳига бағишлаб дуои фотиҳа ўқилган...

Наврўз, шак-шубҳасиз, кўпгина халқ байрамларининг отаси ва онаси ҳисобланади. Асрлар бағридан келган улкан шодиёна ва байрамнинг беҳад катта фазилати шундан иборатки, у энг аввало, турли тоифаларга мансуб, келиб чиқиши, миллатидан қатъи назар барча одамларни бир-бирига яқинлаштиради ва дўстлаштиради. Байрам кунларида қариндош-уруғлар ҳамда қўни-қўшнилар бир-бирларини йўқлайдилар, совға-салом йўллайдилар, агар зарурият туғилгудай бўлса, кўмакка ҳам муҳтож бўлиб қолган инсонларга моддий-маънавий ёрдамни, савоб йўлида сидқидилдан берадилар.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг нуқтаи назарига кўра: “Кундалик турмушда учраб турадиган гина ва аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунларнинг умиди билан, эртанги кунларга ишонч билан яшаш – Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган аломат”. Шу боис бу куни одамлар ўртасида хафагарчилик, адоват, гина-кудратлар унутишга ҳаракат қилинади. Урушганлар эса ярашадилар. Ёшлар кексаларни зиёрат қилиб, уларнинг олтинга тенг, аслида тилладан ҳам қимматбаҳо, инсонлар руҳига, қалбига беқиёс куч-қудратни чиндан ҳам бағишловчи эзгу дуоларидан баҳраманд бўладилар…

21 мартнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1999 йилда “Бутун дунё шеърият куни” деб эълон қилинганида ҳам улкан рамзий маъно бор. Халқимизнинг ғурур ва ифтихори манбаи, эзгуликка роса эш бўлган айём – Наврўз байрами ҳамиша ижодкорлар қалбини ўзига ром этиб, улар учун битмас-туганмас илҳом ҳамда завқ-шавқнинг ўзига хос бир манбаи бўлиб келган.

Кўҳна Шарқнинг улуғ мутафаккирларидан тортиб, эндигина назм бўстонига астагина ё ловуллаб ёниб кириб

келган ҳаваскор шоирларга қадар Наврўз талқини орқали гўзаллик ва нафосатни, эзгулик ва бунёдкорликни мадҳ этиб, шеърлар битганлар, ҳамон битиб келаётганларини бўлса ўзингиз ҳам, бир қалам тебратувчи сифатида, ниҳоятда яхши биласиз. Шоирларнинг кўнгил тубидан ҳаётбахш нур янглиғ аста сизиб чиққан шеърлар ва достонларида инсон, инсоният, жамиятга ўзларининг орзу-умидлари, тилаклари ҳамда ниятларини изҳор этганлар. Чунки, шеър ёзиш ҳам ўзинг билмаган ҳолатда бировларга, ўзга инсонларга астойдил яхшилик қилишдек бениҳоя бир савоб иш эканлигини ҳақиқий ижод аҳли вакиллари ҳамда уларнинг ижоди, махзанидан баҳраманд бўлган кишилар жуда ҳам яхши биладилар ва теран тарзда англайдилар.

Адабиётимизнинг кўҳна тарихига назар ташлагудек бўлсак, Наврўз ҳақидаги биринчи ғазални XIII асрнинг шоири Рабғузий ёзганлигига гувоҳи бўламиз. Ва, бу ўзбек адабиётидаги илк ғазал ҳисобланади. XX аср ўзбек адабиётида бўлса Наврўз ва бойчечак ҳақидаги энг биринчи шеърни Абдулҳамид Чўлпон ёзган эди.

Наврўз байрами, баҳор фасли, халқ шодиёнаси, тантаналари барча замонда шеърият аҳлига алоҳида завқ, илҳом бағишлаган.

Мавлоно Муқимийнинг:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар ўртоқлар!
Хуш бу махфида тириклик, улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб гоҳи табиатни қилайлик чоғлар...

каби байтлари билан бошланадиган содда ҳамда нафис оҳанглари ҳам Наврўз кунлари беҳад даражадаги гўзал табиатнинг сеҳрли қучоғида ва назмни ниҳоятда нозик тушунгувчи дўст-биродарлар даврасида шоир қалбининг энг покиза мавжидан туғилгандир.

Наврўз ва Навоий... Бир-бирига нақадар боғлиқ тушунчалар. Гарчи Наврўз айёмини нишонлаш ўзбек учун Навоийдан минглаб йиллар олдиндан жуда улкан маънавий мерос сифатида келаётган бўлса-да, бу байрамга даҳо шоиримизнинг муносабатини билиш бугунги замон учун ҳам,

келажак учун ҳам жуда-жуда зарур. Энг аввало, Наврўз – Ҳазрат Навоий учун муҳим бир бадиий восита вазифасини ўтаганди. Наврўз айёми ҳақида гап кетганида Ҳазрат Навоийнинг беқиёс даражадаги гўзал бир сатри, ҳамиша оҳорли эзгу тилаги ҳам беихтиёр барчамизнинг ёдимизга тушаверади:

Эй юзунг боғи насимида ҳавойи наврўз,
Лаъли тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.

“Хазойин-ул-маоний”да бўлса Наврўз айёмидаги тун ҳамда куннинг ўзаро тенглиги жуда ҳам ажиб бир тарзда баён этилади:

Васли аро, кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврўз.

Бу асарда Наврўз хусусида яна шундай битиклар ҳам мавжуд:

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Огаҳийнинг лирик меросида Наврўз хусусида ўнлаб асарлар учрайди. Уларда Наврўз байрами ўтказилиши тартиблари ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар анчагина. Шоир тасвирлашича, аввало, байрамда яқин кишилар бир-бирларини янги йил билан чин дилдан табриклаб, энг эзгу ниятларини ҳам изҳор этадилар:

Эй, ёр санго тангри таборак бўлсин,
Наврўз ила тоза йил муборак бўлсин.
Аҳбоб сарафроз ўлубон лутфингдин,
Аъдо боши манкуби балорак бўлсин...

Замонасининг беҳад забардаст, заҳматкаш, зиёли забондони Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳор айёмини йигитликнинг роса ҳам куч-қувватга тўлган, ниҳоятда навқирон даврига қиёс қилади:

Баҳор айёмидир, доғи йигитликнинг равонидур,

Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур...

Наврўзда инсоннинг қалби ҳам ғам-аламлардан тозаланади. Фурқат дўстларни кенг байрам даврасига чорлаб шундай дейди:

Навбаҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар,
Боғ аро нўш айлайлик, биз ҳам шароби ноблар.

Бундай олиб қарайдиган бўлсак, баҳорни ким куйламайди дейсиз. Ҳар бир тоза, пок қалб, энг эзгу орзу-ниятларнинг эгаси борки, Наврўзга доимо ошно, баҳорнинг чинакам шайдосидир.

Шу ўринда, ўз қўлингиздаги китоб муаллифининг отаси Робиддин Исҳоқовнинг ҳам бундан ярим аср аввал инсонларни истиқбол сари етакловчи ва истибдодга барҳам берувчи миллий истиқлол орзусида удумларни яшартган ва анъаналарни айнан абадиятга айлантирган азиз айём, башариятнинг боқий байрами борасида битган бир неча шеърларини Сиз азизларнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этишдек эзгу бир истак ҳам туғилди:

Рубобингни чалгин, созанда Наврўз,
Рақсга тушсин, қора қош каклик.
Қаҳратон қаҳри-ю, бўрон шаштин буз,
Гул фасли бу – хандон кулайлик!
Булбулларинг чақир базмга,
Базм ўтмас бизда куйсиз, навосиз.
Наврўз латофати кўчсин назмга,
Сатрларда қолсин, лолалардан из …
Олам яшаради – Наврўз юзидай,
Наврўз кияр яшил шоҳидан либос.
Олча гулларини узатиб ёрга,
Бахтимиз олқишлаб,
Янгратайлик соз!
Рубобингни чалгин, созанда Наврўз…

Шоирнинг “Манзара” номли шеърида бўлса Она табиатнинг шундайин гўзал ва ажиб бир бадиий тасвирига ҳам дуч келамиз:

Ёмғир ёғди.
Жажжи новданинг
кўз очмаган куртагин ўпди.
Бироқ,
Ҳали табиат дўқи,
Шамолу сел,
Бўрони кўпдир.
Сахий қуёш ёғдуси билан
Йўргаклагач куртак – гўдагин,
Қалбин очиб, Она табиат –
Беланчак айлади –
Наврўз этагин...

Оқ қоғозга шоир қалбининг туб-тубидан тўкилган таъсирчан сўзлар воситасида чизилган яна бир ажиб манзара ҳам ўта гўзал Наврўзни бизнинг кўз ўнгимизда янада яққолроқ намоён этади:

Қор кўрпаси йиғиб этагин,
Жилға бўлиб оқди адирдан.
Аста куйлаб севги эртагин –
Ниҳол майса кўз очди қирдан...
Чарх уради бошида тўрғай,
Япроғидан ўпиб учади.
Янги қўшиқ,
янги куй ила
Наврўз аста дилга кўчади...

XX аср 20- йилларигача ўзбеклар орасида туғилган кунини нишонлаш одати унчалигам тараққий этмаганди. Илгари кўпгина Шарқ халқларида, Марказий Осиёликларда, жумладан ўзбекларда ҳам “йил боши” (“Наврўз”) келганидан кейин, ҳар қандай инсон умрига тағин бир ёш қўшилди, деб ҳисобланаверган. Шу сабабга биноан, Наврўз айёми табиатнинг қайта уйғониши ва янгиланиши бўлибгина қолмасдан, барча-барча кишилар учун ўзига хос “йил ошди”, туғилган кунининг ҳақиқий тантанаси ҳам бўлиб келган.

Халқимиз кишиларнинг таваллуд топган куни ёки унинг ёш тўйларида: сидқидилдан “Фалон баҳорингиз муборак бўлсин!” – дейди. Демак, ўзимиз қўллайдиган ёш тушунчаси ҳам қадимдан Шарқ дунёсида бевосита айнан йил боши билан боғлаб айтилади.

Льюис Базен “Қадимги туркий халқларда ёш концепцияси” деган муҳим илмий тадқиқотида ёзишича, қадим туркийлар йил янгиланганлигини илк баҳорда ўсиб чиққан ўт-майсаларга қараб бемалол аниқлаб олганлар. “Ёш” деган сўз “Намлик”, “Кўз ёши”, “Янги униб чиққан кўклик” деган гўзал бир маънони билдирган.

Қадимги туркий боболаримиз ҳар кунини бевосита Қуёшга нисбат қилиб “кун”, ойни эса Ойга нисбат қилиб “Ой” деганлари сингари, йилниям эрта баҳорда ям-яшил майсаларнинг дилларни ўта қувонтириб униб чиқишига нисбат бериб “ёш” деб атаганлар.

Шундай қилиб, янги даврда ҳам доимий ишлатадиганимиз – “Йигирма еттига кирдим” ифодаси: “Йигирма еттинчи марта янги майсани кўряпман”, яъни сал-пал бошқачароқ қилиб ифодаласак: “Йигирма еттинчи баҳорни қарши оляпман”, – дегани бўлади-да.

Лекин, қадимий туркийлар янги йилни навбаҳорнинг муайян бир кунидан ҳисобламаганлар: ҳар йили кўкламнинг қайси пайтга тўғри келишига қаралган. Кўклам эса, табиийки, баъзан эртароқ, баъзи йиллари нисбатан кечроқ келишини ўзингиз бу битиклар муаллифидан ҳам яхшироқ биласиз, кириб келган янги ёшингизга асосланиб, жуда кўп бора бунга шахсан гувоҳ ҳам бўлгансиз.

Маҳмуд Қошғарий бутун жаҳонга машҳур “Девону луғати-т-турк”да 12 мучал йиллари, ойлар, ҳафталар ва кунлар, Наврўз тўғрисида турли хил маълумотларни бериб, шу масалага дахлдор халқ қўшиқларидан намуналар келтирган. “Турклар ўн икки хил ҳайвон исмини ўн икки йилга от қўйганлар… ...Кўчманчилар ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан, Наврўздан кейинги аввал баҳорга оғлақ ай (ой), сўнгра эса улуғ

оғлақ ай дерлар. Чунки, ой бу вақтда катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига улуғ ай дейилади. Чунки, бу ой ёз ўртасида бўлиб, бу вақтда сут, ер неъматлари кўп бўлади”.

Қадимдан аждодларимиз айнан ўша Наврўз айёми чоғларида мучал ёшини ҳам беҳад катта тантаналар билан нишонлаганлар.

Одатда, Наврўз байрами, сайли, тантаналари иштирокчилари дини, миллати ва ижтимоий ҳолати, уларнинг қайси ирққа мансуб эканлиги сира ҳам ҳисобга олинмайди. Бу жиҳатларнинг ҳеч ким учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шу маънода 1966 йилдан БМТ 21 мартни “Халқаро ирқий камситишларни тугатиш учун кураш куни” деб эълон қилганидаям ўзига хос улкан рамзий маъно бор.

Бундан ташқари эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2012 йилдаги бир мажлисида 2013 йилнинг 21 мартини Халқаро ўрмонлар куни сифатида ҳам эълон қилинган.

21 март бутун Курраи Замин миқёсида “Она сайёра куни” сифатида ҳам нишонланади. Бу куни БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига биноан ҳар йили баҳорги тенг кунликнинг муносабати билан Дунё қўнғироғи жаранглайди. Демакки, улуғ аждодлардан асл мерос, асрлар бағридан келган шодиёна, эзгуликка эш бўлган айём – Наврўз аслида фақат Шарқ халқларининг эмас, амалиётда БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига биноан, юридик жиҳатдан ҳам банибашарнинг бебаҳо боқий байрамига айлантирилди…

Қадимги аждодларимиз бошлаб берган ва ҳозирги авлодлар давом эттираётган Наврўз сайлининг ўзига хос ажойиб хусусияти ҳам айнан шундаки, ҳали-ҳануз унинг очилиш маросимини яққол кўриш мумкин-у, аммо якунланишини сезиш амри маҳол. Чунки, у ҳозирги замонда ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотлар, муассаса, ўқув юртлари, деҳқон – фермерлар даласи, маҳаллалар, кўчалар ва жамиятнинг юраги – оилаларда давом этаверади-да.

Қадимдан Ўзбекистоннинг турли жойларида Наврўз турлича кутиб олинган. У одатда, 3 кундан 15 кунга қадар нишонланган. Масалан, Хоразмда Наврўз айёмини

нишонлашдан аввал махсус йиғинлар ўтказилган. Йиғинларда айём тантанасини ташкил этиш раиси, яъни корфармони тайинланган. Тантаналар жадвалида эса, турган гап-ки, томошалар, сайиллар, мусобақаларни тинч-омон ва шод-хуррам ўтказиб олиш тартиб-қоидалари ҳақида сўз борган.

Миллий истиқлол замонидаги Наврўз байрамининг ғоявий мазмун-моҳияти, **биринчидан**, буюк халқимизнинг юксак меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланиб келган ёркин ва кўп қиррали улуғ интилишлари, ўта юксак орзу-умидларига асосланганидир;

иккинчидан, халқимизнинг турмуш тарзи, миллий руҳи ва халқ санъатининг ажойиб шакл ва турлари, ҳар хил мусобақалар билан диққат-эътиборни ўзига жалб этувчи бу байрам халқнинг маънавий турмушини бойитишга, англашга, халқимизнинг гўзал анъаналарини асраб-авайлаш, сақлашга холис хизмат қилмоқда;

учинчидан, наврўз байрамини тантанали равишда ўтказиш жисмонан ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашда, халқимиз ижодиётининг жуда яхши намуналари мисолида ёшлар дунёқарашини шакллантириш, миллий ўзликни англашда ва ёвуз ғояларга қарши курашда жуда ҳам улкан аҳамият касб этади.

Халқимиз доимо орзиқиб ва интизор бўлиб кутадиган янги кун, янги фаслнинг дебочаси шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрк-таровати ва теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Нега дейилганда, Наврўз табиат очилиши, уйғониши ҳамда янгиланиш фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, биз учун асл миллий, ниҳоятда ардоқли ва эъзозли байрамдир. Наврўз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини Она сингари табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашга доимо даъват этиб турадиган ўзаро меҳр-оқибат ва қадр-қиммат, хайр-саховатнинг ажойиб бир рамзи ва белгисидир.

Бугунги Наврўз айёми моҳиятан Мустақилликнинг мазмуни билан уйғунлашиб кетди. Биз бугун Наврўзни янгидан-янги орзу-умидлар, ўта гўзал баҳор, яшариш маъноси

билан бирга, миллий равнақ, миллий тараққиётга ҳамда буюк келажакка интилишнинг беҳад бунёдкор ғоялари билан муштарак ҳолда англамоқдамиз.

Умуман, Наврўз асрлар мобайнида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодлик тимсоли, асл инсоннинг қалби ва онгида бунёдкор, ёруғ орзу-умидлар астагина куртагини очадиган фасл бўлиб келган ва узоқ, ёркин келажакда ҳам, албатта, шундай бўлиб қолаверажак.

Чунки, бутун башариятнинг бебаҳо боқий байрами бўлмиш – Наврўз биз қандай улуғ аждодларнинг чин авлоди эканимизни, қандай даражадаги буюк ва бой мерос, қадриятларнинг ҳақиқий ва асл ворислари эканлигимизни, маррани бўлса ниҳоятда баланд олаётганимиз, ўша юксакликларни “улуғ халқ қудрати жўш урган замон”да забт этаётганлигимизни Жумлаи Жаҳонга яққол намоён этаётган беҳад даражада улкан бир маънавий кўзгу ҳисобланади.

ОИЛАДА КИТОБХОНЛИК МАСАЛАСИ

Ўзбек оиласида қадим-қадим замонлардан китобга муҳаббат, мавжуд китобларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, китобхонлик азалий анъаналардан бири ҳисобланиб, элимизнинг асл маънавий камолотида ниҳоят даражада муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Элимиз азал-азалдан китобсеварлик фазилатига эга. Чинакам китобсеварлик эса, аслини олганда, китобхонликдан мириқиб сув ичган инсоний фазилатдир, бинобарин, унда инсоннинг маънавий комиллик даражаси акс этиб туради. Буюк халқимизда эса мана шу фазилат оила муҳитида шаклланган, дастлаб халқ бахшилари, халқ қиссахонларини турли оилавий давралар, тўй-маъракаларда, зиёфат, гап-гаштакларда куйлаган

достонлари, айтган қиссалари, бува-бувиларнинг невара-эвараларига айтган эртакларини мароқ билан тинглаш, эшитиш шаклида шаклланган. Демак, тингламоқ – ўқилганларни идрок этиш, тушуниб, ўзлаштириб олишнинг асл шартига айлана борган. Ўз навбатида, тинглаш бутун диққатни марказлаштириш, яъни ягона бир нуқтага жамлашни тақозо этган ҳамда оқибатда инсон фаолиятида уни маънавий камолот томонга етакловчи мураккаб жараёндан иборат ўқиш ва уқиш уйғунлиги юзага келган. Китобхонлик асосини эса худди шу ўқиш ва уқиш заҳмати ташкил эта борган. Айнан шундан бўлса керакки, Ҳазрат Навоий Фарҳодга хос энг асосий фазилатлардан бири сифатида:

Ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Китоб ёдида саҳфа-саҳфа бори, –

дея беҳуда таъкидламаган ва ўқишга даъват этмаган эдилар-да.

Америкалик психолог олимлар Р. Карникау ва Ф. Макеэлроу ўқиш ҳамда уқиш масаласига доир махсус илмий тадқиқотларни амалга оширгандилар. Уларнинг фикрига кўра, шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлариям муайян бир шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли хил даражаларда сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 фоиз; маълумотни бошқа кишилардан эшитганида 20 фоиз; юз берган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни ўз кўзи билан кўрганида 30 фоиз; содир бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнларни кўриб, улар ҳақидаги маълумотларни эшитганида 50 фоиз; маълумотларни ўзи бошқа кишиларга узатганида (сўзлаб берганида, намойиш этган чоғида) 80 фоиз; ўқиб ва уқиб, ўзлаштириб олинган билим (маълумотлар, ахборот)ларни ўз фаолиятигаям татбиқ этганида 90 фоизга қадар маълумотларни ёдда сақлаб қолиш имкониятига эга бўлар экан.

Японияда ҳар йили ҳар бир киши бошига 25 китоб ўқилади. Швейцарияликлар ўртача йилига 10, французлар эса 7тадан китоб ўқийдилар. Олимлар ҳисоб-китобларига қараганда, кишилар ҳар куни ўз вақтининг 3,5 – 4 соатини телевизор кўриш (янада ҳам аниқроғи, томоша қилиш)га сарф этадилар. “Ўргимчакнинг тўри” бўлмиш Интернетга

сарфланадиган вақт эса бундан ҳам анчагина кўпроқ. Аммо, китоб ўқишга эса, атиги 2,5 дақиқа ажратиларкан, холос. Японияда барча аҳолининг 14, Америкада 12, Англия ва Францияда 11 фоизи мунтазам равишда китоб ўқийди. Туркияда бўлса 6 кишига 1та китоб тўғри келади (“Китоб дунёси” газетаси 2013 йил 10 июль). Улардаги чинакам аҳволдан хабардор бўлиб, ўзимиздаги ҳолат хусусида хулоса чиқара олишга қурбимиз етса керак, деб ўйлайман. Чунки, тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқ ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан ҳам ўлчанади-да. 2002 йилда адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган буюк ёзувчи Видиадҳар Найполь фикрига кўра, “Миллат қандайлиги унинг ўтмишда яшаб ўтган аждодларининг қай даражада буюклиги билан эмас, балки унинг бугунги турмуш-турмуши билан белгиланади, шу жумладан, адабиётининг ҳам”.

Японлар мактабгача тарбия ёшидаги болалари учун ойига ўртача 2 – 3тадан китоб сотиб оладилар. Японияда ҳар ойда мана шу ёшдаги болаларга бағишланган 40дан ортиқроқ журнал нашр этилади, ота-оналарнинг кўпчилиги эса уларга обуна бўладилар.

Энди сўзни нималарники ўқиб ўрганган бўлса, ҳаммасини ўз эл-юртига қайтариб бериш, миллий маънавиятни янада бойитиш мақсадида тиним билмай қалам ила меҳнат қилаётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликка берсак: “Китоб ҳеч қачон ўзининг ўрнини бошқа бирор нарсага бўшатиб бермайди. Мана биттагина мисол. Японияда юз берган цунами таъсирида вайронгарчилик бўлди. Уй-жойсиз қолиб кетган кишиларнинг ҳаммасини бир ерга йиғиб, уларга вақтинчалик бошпана берилди. Тирик қолишнинг ўзи ҳам ниҳоятда катта қайғу бўлиб турган бир пайтда худди ўша жойда бир бола ниҳоятда диққат билан китоб ўқиб ўтирар эди.

Япон императори табиий офатдан жабр кўрганлардан хабар олиш учун ўша жойга борганида бояги бола ўқиётган китобидан бош кўтариб, у томонга қараб ҳам қўймади. Китоб ўқиётган бола олдига келган пайтда император унга эгилиб салом берди. Мана шараф! Китоб ўқиб, илм ўрганган кишиларга ҳатто императорлар ҳам эгилиб салом беради. Мен

телевизорда кўриб ҳайратландим. Илм инсоннинг даражасини шунақа юксакликка кўтариб қўяди.

Китобни офтоб деймиз. Қадимдан ота-боболаримиз шундай дейди. Компьютерни эса бундай айта олмаймиз. Чироқ бўлмаса, компьютер мутлақо ишламайди. Қуёш тушмаган жойда экин ҳам битмайди ва ғовлаб кетади. Китоб ўқимаган кишиларнинг мияси ҳам ғовлаб кетади. Шунинг учун ҳам бундай бош одатда қовоққа ўхшатилади. Чунки, қовоқнинг ичи ҳам бўш бўлади-да” (“Оила даврасида” газетаси, 2016 йилнинг 21 январи).

Энди Шодмон Отабекнинг “Дўрмон ҳангомалари”ларидан ушбу масалага дахлдор “Эллик йиллик ошқовоқ” билан танишиб олсак-да, тағин китоб ўқиш билан боғлиқ мулоқотимизни келган жойидан давом эттирсак, унчалик ҳам қарши бўлмасангиз керак: “Таниқли адиб Тоҳир Маликнинг жуда чиройли лутфлари, нозик қочиримлари ва ажойиб ҳазиллари ҳам ўзига хос, бетакрордир.

Адибнинг китоб ўқиш, жон койитишни сира ёқтирмайдиган танбал бир мактабдош дўсти бор эди. У ҳар гал ёзувчи дўстини кўрган пайтида “Китобни росаям кўп ўқиганинг учун ҳам бошинг оғрийди, мана мен китоб ўқимайман – бошим ҳам оғримайди!” – дея ўзича доно “маслаҳатлар”ини бериб турар, Тоҳир Малик эса “Шошмайтур ҳали, сени бир боплайинки...” дея қулайроқ пайтни кутиб юрар эди. Ва ниҳоят, шундай фурсат ҳам етиб келади.

Бир куни ўз уйида ёзувчи дўстини сомса билан сийлаётган худди ўша мактабдоши гап орасида мана бундай деб қолади:

– Ошқовоқ яхшироқ жойда сақланса, бир йилда ҳам мутлақо айнимас экан.

– Сен-ку бор-йўғи бир йиллик ошқовоқни гапиряпсан, мен сенга эллик йиллик ошқовоқниям бемалол кўрсатишим мумкин, – дейди Тоҳир Малик жуда ҳам тагдор қилиб.

– Сен фантаст ёзувчисан-да, муболағаниям роса қийворасан, – дейди коса тагидаги нимкосани пайқамаётган ўша мезбон.

– Муболаға эмас, агар истасанг ҳозир кўрсатишим мумкин.

– Майли, кўрсата қол.

– Ана, ўзингнинг елкангда турибди!

– Ҳали менинг каллам сенга ошқовоқ бўлиб қолдими?

– Китоб ўқимайдиган, бирон-бир ақлли, жўяли гапниям айта олмайдиган калланинг ўша ошқовоқдан нима фарқи бор ўзи?!”

Фақат японларда эмас, бизлардаям қадимда улуғ ҳукмдорлар китобни юксак даражада қадрлаганлар. Ўзингиз яхши биладиган ибратли воқеани яна бир эсга олсак, сираям зарар қилмаса керак.

Сайёралар салтанати султони Мирзо Улуғбек тафаккурнинг кўзгуси – китоб ҳамда уни ўзга мамлакатлардан Мовароуннаҳрга келтирган китобфурушларни ниҳоят даражада эъзозлаган.

... Самарқанд шаҳрида бир китобфуруш яшар экан. У қаерда ноёб китоб борлигини эшитиб қолса, уни қидириб Самарқандга олиб келар, Мовароуннаҳр пойтахтидан китоб олиб кетилишига бўлса ҳеч чидаёлмас экан. Кунлардан бир куни: “Узоқ бир ўлкада ноёб бир китоб бор, у фалончида сақланади”, деб эшитиб қолиб, ўша ёқларга жўнаб кетибди. Китобни қўлга киритиб, тағин бошқа муҳимларини ҳам сотиб олиб, роса хурсанд ҳолда Самарқандга қайтибди. Шаҳарга анча яқин келганида бир киши ўз елкасидаги хуржунни тўлатволиб, дарвозадан шошилинч чиқиб кетаётганини кўриб қолиб, уни дарҳол тўхтатибди. Хуржундаги нарсани китоб, деб гумон қилиб, у кишидан ичидаги нарсани дарҳол кўрсатишни сўрабди. Уларнинг ўртасида жанжал чиқиб, икковлон ўзаро жуда қаттиқ муштлашиб кетишибди. Айни пайтда султоннинг махсус сарбозлари ҳам шовқин-сурон билан келиб, уларнинг иккаласини зудлик ила қўлга олиб, ҳукмдор саройи сари ҳайдаб боришибди.

Сарбозларнинг бошлиғи Мирзо Улуғбекка юзланиб:

– Мана буларнинг иккови ҳам ашаддий ўғри, қароқчи, улар кеча хазинадан ўғирланган олтинларни ўзаро бўлишиб ололмай, жанжаллашиб, муштлашиб турган пайтида қўлга олдик, адолатли жазога буюрсангиз, – деб мурожаат қилибди. (Айни шу ўринда, ҳозирги замонага қайтиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўта муҳим

фикрини тағин бир ёдга олсак: **“Билиб қўйинглар, инсон тақдирини ҳал этишда судьянинг онгида – фақат адолат, тилида – фақат ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши шарт”**)...

Улуғбек уларга диққат билан, жиддий тикилиб қараса, қўлга тушганларнинг бирови ҳақиқатан ўта ҳам машҳур, учига чиққан ўғри экан. Иккинчиси бўлса ҳукмдорнинг бутун курраи заминга, оламга машҳур кутубхонасини доимий равишда ноёб китоблар билан таъминлаб турган Авазбек китобфуруш. Шунда Султон:

– Анави ўғрининг ҳақли жазоси ўлим, манавуниси бўлса Сиз билан бизларга ўзи ҳам билмаган ҳолда ғойибона устозлик ҳамда мураббийлик қилувчи саховатли инсондир, унга эса зудлик билан озодлик ва инъом-эҳсон берилсин! – деган буйруғини берибди.

Қароқчи ҳам, бу масаланинг ечимини интиқиб кутиб турган жамики сарой аҳли ҳам султоннинг ушбу сўзларидан ҳанг-манг бўлиб қолиб, оғизлари лом-мимга келмабди, улар ўз қулоқларига ҳам ишонишмас эмиш. Анча-мунча фурсат ўтганидан кейин бош вазир бир амаллаб ўзига келволиб, деярли шивирлаб, зўрғагина:

– Султоним! Устоз дедингизми?! Қандай қилиб бу исқирт, эски чопон, бир авом Сиздек султону бокарамга устоз бўлсин? – дея олибди, холос. Ичида бўлса вазир: “Улуғбек султон ақлидан озиб қолмадимикан?”, деб анча-мунча шубҳаланиб ҳам қолибди.

Вазирнинг ниҳоятда танг, жуда мушкул аҳволини тушуниб, теран англаб, сезиб-билиб турган султон эса унга қарата аста:

– Мавлоно, ўзингизни пича босиб олинг, ҳовлиқманг, олдин менинг сўзимни обдан ва хотиржам тингланг. Айнан Сизга устоз бўлмаса ҳам, бу киши бизларга, ҳамма мударрисларга, толибул илмларнинг барчасига ғойибона устозлик қиладилар. Биласизми, илм аҳли учун китобдан аълороқ устоз йўқ. Ҳа, китоб – бамисоли устоздир. Сиз эски чопон, авом, деган қаршингизда турган киши – сира ҳам тиним билмас, меҳнаткаш чумоли сингари дунёнинг барча узоқ ва

яқин ўлкаларидан Самарқандга китоблар ташувчи, пойтахтдан эса бирорта китоб ташқарига чиқиб кетишига тиш ва тирноқлари ила қаршилик қилувчи китобфуруш мавлоно Авазбек бўладилар. Шоҳликнинг кутубхонаси, ҳаттоки Шайхулисломнинг китоб хазинаси, бари мадрасалардаги китоблар учун бу кишидан миннатдор бўлиб, ҳурмат-эҳтиром ила чуқур таъзим қилишимиз даркор. Сўнгра Султон Улуғбек кулимсираб, иззат-ҳурмат билан:

– Хўш, энди Сизни қаёқлардан сўрайлик, мавлоно? – дебди чинакам фидойи ва ватанпарварвар инсон – Авазбекка юзланиб.

– Ҳазратим, Ироқда жуда ҳам керакли бир китоб бор, – деб эшитиб қолган эдим. У чоғда Сиз сафарда эдингиз, ҳазратимнинг келишларига шу китобни келтириб, туҳфа қилсам деб ўйладим-да, ўша томонга зудлик билан отлангандим. Кўп узоқ экан, охири уни бир амаллаб топиб ва бошқа муҳим китоблардан олиб қайтиб келаётиб, мана бу бетавфиққа дуч келиб қолдим-да. Хуржунидаги нарсаларни аслида китоблар бўлса керак, деб гумон қилгандим, – Авазбек шундай деб хуржундаги китобларни гўзал гилам устига тўкибди. Ҳамма тўпланганлар эса ноёб китобларни кўриб, гўёки мўъжиза рўй бергандек, турган жойларида қотиб қолишибди.

– Қани энди, ҳамма кишилар ҳам Сиз сингари олижаноб, фидойи ҳамда файзли бўлса эди, – дебди ҳурмат билан Улуғбек. Мовароуннаҳр султони ўз мулозимларига китобфуруш Авазбекка зудлик билан бир зарбоф тўн ва бир ҳовуч олтин инъом этишни, бошқалар ҳам унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини буюрибди...

Ахборот оқимининг тўфон, цунами сингари ҳаддан ташқари шиддатини кўргач, ҳам ҳайратланасан, ҳам ёқангниям ушлайсан киши. Ушбу бежилов жараёнда наф ва фойда қатори хавотир ва хавф-хатар ҳам етарли даражада. “Авлиёларнинг авлиёси” Ҳазрат Алишер Навоий яшаб ўтган замонда биттагина одамнинг мияси 60 йилда қабул қилиши мумкин бўлган ахборот ҳажмини бугунги XXI аср кишиси бор-йўғи 2 (икки!) кундаёқ қабул қилиб оляпти...

Нима сабабдан ахборот бойиб боргани сари бутун дунёнинг маънавий аҳволи камбағаллашяпти? Ахир, ахборот илм учун асос бўлмайдими? Мантиқан олиб қараганимизда, ахборотнинг ҳажми кўпайгани сари илм ҳам кучайиши керак-ку! Узлуксиз ахборот нима учун инсонлар кўнглини ҳам янада қаттиқ қилиб қўймоқда, улкан харсанг ё метин тегирмонтошга айлантириб ташламоқда?

Бу масала хусусида буюк аждодларимиз ҳам аллақачонлар бош қотириб кўрган эдилар. Бундан етти юз йил муқаддам етти пирларнинг бири бўлмиш Ревгарий бобомиз: “Ахборот пароканда бўлади, у чинакам илм эмас”, деган эдилар. Шайх Шиблий бўлса: “Тўрт мингта ҳадисни ўқидим, тўрт юзини ёд туширдим, шундан тўрттасига амал қилдим ва ўз мақсадимга етишдим”, дейдилар.

Демак, ҳамма асосий гап-сўзлар узлуксиз қабул қилинаётган ахборотнинг одам мияси ва тафаккурида қайтадан ишланишида. Қайта ишланмаган ахборот эса кераксиз тош, ортиқча, дардисар бошга бало бир юк ҳисобланади. Бунақа юкнинг фойдасидан кўра зарари анча-мунча кўплигини бўлса ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Мия ҳам худди ошқозонга ўхшаб кетади. Ошқозон овқатни ҳазм қилсагина, у овқат қувватга, қонга айланади. Аксинча бўлса-чи, ҳазмсиз таом кони зарардир, у ошқозонни ҳам ишдан чиқариб ташлайди. Айнан шу сабабдан ҳам одамларнинг орасида “Агарда иккита мантини есанг, манти сени кўтариб юради, агарда тўртта мантини еб ташлагудек бўлсанг, ўша мантининг ҳаммасини ўзинг кўтариб юришингга ҳам тўғри келади” деган гап юради. Ахборот ҳам онгнинг ўзига хос озиқ-овқати, у албатта, ҳазм бўлиши, қайта ишланиши, илмга ҳамда фикрга айланиши керак. Йўқса, узлуксиз ахборот истеъмол қилаверган мия бўкиб қолади, бузилади, ишдан чиқади. Узлуксиз ахборотни қабул қилаётган мия беҳазм овқатни еяётган ошқозон сингаридир. Шунинг учун ҳам Ғарбдаги машҳур файласуфларидан бири: “Кино бизни кўришга ўргатди-ю, аммо қарашлардан ва тафаккур қилишдан айириб қўйди”, деган эди.

Мутахассислар таъкидлашича, кейинги пайтда ёшларда ҳам хотира пасайиши кузатилмоқда экан. Нуроний авлод вакиллари, бува-ю бувиларимиз хотираларининг пасайишидан шикоят қилиб қолишса, бунга табиий ҳол, деб қараймиз. Чунки, инсоннинг ёши ўтиб боравергани сари бош мияга кислород етарли миқдорда етиб келмагани туфайли хотира ёмонлашиб боради. Энди ёшларда ҳам нима сабабдан бундай салбий ва ташвишли ҳолат кузатилмоқда?

Инсон бош мияси тўқималарини илмий жиҳатдан ўрганувчи мутахассислар таъкидлаши бўйича, хотира пасайишининг асосий сабаби, ҳаддан зиёд толиқиш ва миянинг нокерак хабарлар билан тўлиб-тошиб кетишида экан. Доимий равишда тиғиз кун тартиби, дам олиш кунларисиз бетиним ишлаш ва тўғри овқатланмаслик, буларнинг бари асаб тизими фаолиятига, ва, энг аввало, хотирага салбий таъсирини кўрсатади. Кўпчилик олимлар фикри бўйича, телевизорнинг ҳам хотирага салбий таъсири бор экан. Аслидаям шундайми? Агарда сиз кун давомида телевизорнинг қаршисидан кетмасдан, ҳамма кўрсатувларни томоша қилаверсангиз, албатта, хотирага салбий таъсири ҳам бор, дейишади айрим шифокорлар. Аммо, илмий-оммабоп, тарихий, интеллектуал кўрсатувлар ҳамда викториналарни томоша қилиш эмас, кўриш туфайли эса хотира анчагина яхшиланади. Ўйлашга, фикрлашга мажбурлаб хотирани чархлашда каттагина кўмак беради. Қизиқ кўрсатувларни кўриш билан бир қаторда бадиий китоб ўқиш, кроссворд, сканворд ва бошқотирмаларни ечиш, шахмат ўйнаш, оғзаки ҳисоблаш ва тил ўрганиш, буларнинг барчаси ўта яхши ва керакли ахборотнигина олиб, хотиранинг янада мустаҳкамланишига ғоятда фойдалидир.

1998 йили “Google”да сўровлар сони ўртача 9,8 мингтани ташкил этган бўлса, ҳозирда (2018 йилда) 5,5 триллиондан ҳам ошмоқда. Ҳозир биз “Google” – самарани кузатмоқдамиз, яъни, ахборотни исталган миқдорда ўта тезлик билан олишдек ёқимли “нина”га ўтириб олдик. Бу эса, ўз навбатида, хотирамизнинг аста-секинлик билан бўлса-да, барибир пасайишигаям олиб келмоқда. Бизнинг ишчи хотирамиз ҳам тобора, йилдан йилга, кундан кунга қисқариб бормоқда. 2011

йилда “Science” журналида ўтказилган бир тажриба ҳақида қизиқ мақола чоп этилган эди. Ўша мақолада келтирилишига кўра, интернетга жуда тез ва осон кира оладиган талабалар ҳамда ўқувчилар эса компьютергача бўлган даврдаги талабаларга нисбатан ахборотни 100 баравар камроқ ёдда сақлаб қолар эканлар. Бу бўлса худди ўша пайтдан буён бизнинг миямиз ўзгарганлигини ҳам билдиради. Биз эса асли хотирамизда сақлаш лозим бўлган ахборотни компьютер хотирасида сақлашни афзал билмоқдамиз. Компьютерга бўлган қарамлигимиз тобора кучайиб бормоқда. Ундаги ахборотни тўғри ҳисоблайдиганларнинг сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу ахборот тўғри эканлигига ким кафолат бера олади? Агар интернет технологияларига тўла-тўкис равишда ўзимизнинг ихтиёримизни ҳам топшириб қўйсак, шахс сифатида “мен”имизни ҳам шунга монанд тарзда йўқотиб бораверамиз-да.

Албатта, билим ахборотдан бошланади. Бироқ, билимсизлик ҳам кимгадир фойда келтирадиган ахборотдан бошланади. Яъни, одамни фикрлаш томонга етакламаган ахборот билимсизлик сари етаклайди ва кишиларни аллалайди ҳамда алдайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай инсон ўзини ахборотни қайта ишлашга ўргатиши шарт. Йўқса, ахборотнинг ўта бешафқат гирдоби уни тириклайин ютиб юборади. У ҳар соатда ҳар мақомга йўрғалатаверади. Хўш, мавжуд ахборотни қайта ишлашни бизга ким ёки нима ўргатади? Шубҳасиз, мутолаа! Яхши китоблар мутолааси бизларга ҳаётни ва табиатни мутолаа қилишни, инсонни ҳамда Яратганни мутолаа қилишни, англаш, билишни, унинг тўғри, эзгу йўриқларига амал қилишни қўлимиздан ушлаволиб мажбурламайди, тарғиб-ташвиқ орқали рағбатлантиради, завқ-шавққа тўлдириб, ўргатиб қўяди...

Буюк аллома, бутун умри бўйи китоб ўқиган ва ёзган Озод Шарафиддинов дейдики, “Мен бир нарсага ҳайрон бўлавераман. Қачон қараманг, тўрт одам йиғилса, фарзанд тарбияси оғирлиги, уларни одам қилишнинг беҳад азоблиги тўғрисидаги ҳасратларга дуч келамиз. Ў-ў-в биродарлар, бунинг энг осон, энг арзон ҳамда самарали йўли, усули ҳам

шундоққина ўз ёнингизда турибди-ку: болаларингизни китоб ўқишга ўргатинг, унинг кўз ўнгида бадиий адабиётга меҳр-муҳаббат уйғотинг, уч – тўрт сўмни қизғанмасдан мунтазам китоб олиб беринг, фарзандларингизга! Ахир бу дунёда китобдан ҳам ақллироқ, ундан ҳам донороқ буюк устозни топиб бўладими? Ахир китобда йўқ нарсанинг ўзи йўқ-ку! Одамларни одам қиладиган жамики куч-қудрат, ҳикмат, гўзаллик ва ақл-одоб китобларда “манаман” деб турибди-ку. Наҳотки, ушбу энг буюк неъмат ва бебаҳо бойликдан бебаҳра бўлиб, одам бўлиш мумкин, деб ўйласангиз?! Хато қиласиз, биродарлар, китобсиз ва бадиий адабиётсиз бирон-бир одам дурустроқ инсон бўлганини, бирорта миллат ўсиб-унганлигини шахсан ўзим мутлақо билмайман...”

ХХ аср жаҳон адабиётининг устунларидан бири Чингиз оға Айтматов ҳам асосли тарзда дейдиларки, “Адабиётнинг вазифаси – одамларни бирлаштиришдир. Ҳақиқатга ва ижтимоий адолатга, ҳаётга, тинчликка, келажакка битмас-туганмас ва емириб бўлмас меҳр-муҳаббат билан интилишни бирлаштириши керак, одам ана шулар ҳақи, агар у бу сўзнинг тўла маъносидаги одам бўлса, ҳар қандай ташқи тўсиқлар ва шахсий иложсизлигини, қийналишлар, орзиқишларини енгиб ўтишга доимо тап-тайёр туриши керак”...

Олимлар китоб ўқиш одамнинг умрини узайтирувчи восита эканлигини ҳам аниқлашди. Бу хусусда “Гардиан” газетаси хабар берган. Тадқиқот 50 ва ундан каттароқ ёшли 3635 киши устида ўтказилган. Респондентлар 3та гуруҳга ажратилган: ҳафтасига 3,5 соат китоб ўқийдиган инсонлар, 3 соатдан кам вақтини ўқишга сарфлайдиганлар ҳамда ўз қўлига, умуман, китоб ушламайдиган кимсалар. Улар 12 йил давомида узлуксиз ва жиддий ўрганилган. Натижаларга ҳам эътибор беринг. Китобхонлар ўртасидаги ўлим ҳолати умуман китоб ўқимайдиган кишиларникига нисбатан 6 фоиз камроқ кузатилган. Шунингдек, китобсеварлар мутолаага бефарқ кимсаларга қараганда 23 ой кўпроқ умр кечирар эканлар. Ҳар қандай газета-журналлар эмас, айнан китоб мутолааси инсон умрини узайтиришга ёрдам бериши исботланган фактга айланди.

Таниқли адиб, публицист Вячеслав Пьецух шундай ёзганди: “Ҳозирги кунларда одамлар деярли ўқимасдан қўйган. Ўқиса ҳам чала-чулпа газетани ўқийди, холос. Ҳолбуки, айрим газеталарни ўқимаса ҳам бўлади. Хўш, газета ўзи нима дегани? Агар ўқисанг, ниҳоятда қизиқ нарсага ўхшайди-ю, лекин уни ҳақиқий, чинакам адабиётга қиёслагудек бўлсангиз, маргарин билан сариёғни ёхуд фигурали учиш билан балетни ўзаро қиёслагандай бўласиз...

Чинакам китоб ўқиш муаммосига келадиган бўлсак, буниси энди буткул бошқа бир масала. Айниқса, қўлингизда Стивенсон, Дефо, Гоголь ёхуд Чехов асарлари бўлса, бунақа машғулот ҳар қандай шароитда ҳам – саноатлаштириш кезларида ҳам, тушлик вақтида ҳам, қимматбаҳо қоғознинг нархи тушиб кетганида ҳам, уйқуга ётиш олдидан ҳам, тушкунлик ва саросималик йилларида ҳам, ва ҳатто оч қорингa ҳам, ҳамиша лаззат, ҳузур-ҳаловат бахш этадиган беҳад даражадаги ажойиб ва ғаройиб бир машғулотдир.

Хўш, ҳақиқий қироатхонликнинг ўзи нима? Бу – инсондаги инсонийликка нозик бир равишда ҳамоҳанг бўлган биздаги кўз илғамас силжишларга ҳамиша нафис жавобни берувчи алланечук бир нарсадир. Кўз илғамас силжишлар эса бизни капалаклардан ҳамда филлардан буткул ажратиб туради. Бошқачасига айтадиган бўлсак, қироатхонлик инсонга шоду хуррамликни бахш этади...

...Қироатхонлик илоҳий ибтидога дахлдор бўлмоқдир, чунки биз ўқишга берилиб кетган чоғларимизда яратамиз ва ижодкорга айланиб қоламиз. Ва ниҳоят, мутолаа шунинг учун ҳам бизларга шундай ижобий таъсирини кўрсатадики, худди ўзимизга ўхшаган икки қулоғи ва иккита оёғи бор одам нақадар ёрқин ҳамда юксак чўққиларга кўтарилиши мумкин эканлигини кўриб, уларга роса, чин кўнглимиздан ҳавас ва беқиёс даражада ҳасад ҳам қиламиз...

Қироатхонлик – яна кишиларни толиқтирувчи ақлий меҳнат ҳамдир, чунки, мутолаа палласида мунтазам тарзда кишини хафа қиладиган турли-туман фикр-мулоҳазаларга ҳам дуч келаверасан. Улар фикрингни қўзғаб, сенга шу қадар азият етказадики, ҳатто, бирда бўлмаса, бирда “бу машаққатни

бошдан кечиргандан кўра ўқимай қўя қолганим яхшироқмиди?” деган ўйга ҳам борасан... Мана, марҳамат, Виссарион Григорьевич Белинскийда ҳам (1811 – 1843) фикрлайдиган кишиларни сергаклантирувчи мана бундай сўзларниям учратамиз: “Шошмай туринглар, ҳали бизда ҳам чўян йўллар қурилар, ҳаво почталари ҳам пайдо бўлар, ҳали бизда ҳам фабрикалар, мануфактуралар камолотга эришар, халқ бойликлари эса янада кўпаяр, лекин диний туйғулар кучаярмикан, мана, асл масаланинг ўзи қаерда! Дурадгор бўламиз, чилангар ҳам бўламиз, фабрикачи ҳам бўла оламиз, бироқ, чинакамига ҳақиқий инсон бўла олармиканмиз – мана, энг асосий масаланинг ўзи нимада!”

Дарҳақиқат, бу роса зўр масала, масала бўлганида ҳам жуда кенг, ижобий жавоб тақозо қилмайдиган масала, эҳтимол, унинг барчани бирдек даражада қониқтирадиган тўлиқ жавоби йўқдир... Инсоният вақт ўтиши билан унчалик ёмонроқ бўлиб қолмагандай кўринади, лекин у янада яхшироқ бўлиб қолгани ҳам йўқ-да!..

Ҳамма кишилар китоб ўқийдиган бўлса, бу аслида меъёрий ҳодиса эмас. Ҳамма ҳам китобхон бўлмоғи мумкин эмас. Ҳамма ҳам кўзбойлоғич, дорбоз, рассом, башоратчи, тадбиркор, фидойи, ихтирочи, хонанда, коллекционер ёхуд оқ чумолилар бўйича зўр мутахассис бўла олмаганидек, ҳамма ҳам китобхон бўлолмайди. Ўзига хос тарзда ўқиш иштиёқи, китобхонлик истеъдоди ҳамма кишига ҳам насиб этавермайди, шунинг учун у табиатда ўғрилик қилишга мойилликдан кўра кўпроқ, лекин роса ичиб, яхшигина газак қилиш иштиёқидан анчагина камроқ учрайди. Боз устига бўлса, китобхон деганлариям анча шум махлуқ бўлади, тамаддун неъматлариданам кўра, ўзининг умрини узайтиришдан кўра, ўзи тўғрисида юқорироқ фикрга эга бўлишданам кўра инсониятнинг энг яхши ва буюк ақл эгалари билан мулоқотда бўлиш бахтини ҳамма нарсадан ҳам ортиқроқ кўради. Бошқа томондан қараганда, китобхон ўзига хос шаддод ҳамда қўрқмас бир жонзотдир, чунки инсониятнинг энг яхши ақл эгалари билан китоблар воситасида мулоқот қилиш шунақанги уқубатли кашфиётларга олиб келиши мумкинки, ушбу

кашфиётлар тўғрисида Екклезиаст шундай деган эди: “Билимнинг кўплиги қайғуни ҳам кўпайтиради”. Шунинг учун ҳам баъзида “Кел, қўй энди ўша китобингни, ундан кўра оқ чумолилар бўйича мутахассис бўлганим афзалроқ”, деб ўйга ҳам толиб кетасан...” (“Тафаккур”, 2001 йил, 2- сон, 59-, 72- бетлар).

Ўта таниқли олмон олими ва ёзувчиси Ҳерман Ҳессе шундай деганди: “Бизлар учун имкон қадар кўпроқ ўқиш ва уқиш муҳим бўлмаслиги керак, балки дурдона асарларни бемалол, эркин ва ўзимизга маъқул равишда танлаб олишимиз ва бўш вақтимизда бутун вужудимиз билан унга берилиб, улардан ҳақиқатни идрок этишда инсон деганлари нақадар буюк кўлам ҳамда теранликка эришганлигини тасаввур қилиш муҳимроқдир”.

“NOP World” деб номланган халқаро рейтинг агентлигининг маълумотларига биноан, бутун дунёдаги одамлар ҳафтасига 16,6 соат вақтини телевизор кўришга сарфласа, 8,9 соатни компьютер қаршисида ўтирволиб, ўқиб ва ўйнаб ўтказадилар, 6,5 соат вақтни бўлса газета-журналлар ва китоб мутолаасига ажратар эканлар.

2016 йилда ҳафтасига энг кўп китоб ўқийдиган мамлакатлар, давлатларнинг рўйхатида Ҳиндистон 10,7, - Таиланд – 9,4, Хитой – 8, Филиппин – 7,6, Чехия – 7,4, Россия – 7,1, Швеция – 6,9, Франция – 6,9, Венгрия – 6,8 соат билан юқори ўринни эгаллади.

Ўзингиз биладиган, етакчи қидирув сайти бўлмиш “Google” бутун дунёдаги барча бадиий, публицистик ва илмий асарларни ҳисоблаб чиққан. Унга биноан, бугун дунёда 129864880та китоб мавжуд экан. Аммо, бу фақат интернетга маълум китоблар холос. Кутубхоналар ва қўлёзма фондларидаги жудаям кўп китобларни бўлса қидирув машинасининг беҳад даражадаги ўткир нигоҳлари “тута олмаган”лиги ҳам аниқ (“Ёшлик”, 2017 йил, 6- сон, 64- бет).

Ноширлик фаолияти янадаям ривожланиб, китоб мутолааси – оммалашиб бораётгани мулоқотнинг аудио ва видео воситалари, радио, телевидение, ахборот-коммуникация тармоқлари бизнинг ҳаётимиздан жуда чуқур ўрин эгаллаши

билан одамларда китоб ўқишга қизиқиш йўқолади, деган фикрларнинг хато эканлигини кўрсатмоқда. Шак-шубҳасизки, оммавий ахборот воситаларининг янгидан-янги турларининг пайдо бўлиши оқибатида китобхонлик бирмунча пасайган бўлишига ҳам қарамасдан, матбуот одамларда китоб мутолаасига қизиқишни кучайтиришга беминнат равишда хизмат қилиб келаётганидан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз.

Бир қатор агентликларнинг жаҳонда китобга бўлган талабни ўрганиши шуни кўрсатдики, сўнгги 30 йилда бир номдаги китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш уч баравар, адади бўйича 4 марта кўпайди. Бугунги кунда – дунёда ҳар йили қарийб бир миллион номдаги китоб чоп этилади. Масалан, АҚШда киши бошига 10та, Россияда 9,5та, Францияда 5та, Хитойда 3,5 та китоб босилмоқда.

Ота маконимиздаям ноширлик ишининг замонавий ҳуқуқий асослари яратилганидан бохабарсиз. Ўтган давр мобайнида 10дан ортиқ муҳим қонун ва 30дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. 1 минг 760та матбаа корхонаси, 130та нашриёт давлат рўйхатига олинган. Ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда. (“Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 28 июнь).

Илғор технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда 14 вилоятдаги ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200дан зиёд ахборот-ресурс марказлари аҳолига ахборот-кутубхона хизмати ҳамда “Китоб олами”, “Шарқ зиёкори”, “Ўздавкитобсавдотаъминоти” мажмуалари томонидан бўлса китоб савдоси бўйича хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январда имзолаган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ҳамда китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги ўта муҳим ҳужжатлардан бири бўлганидан ўзингиз ҳам яхши хабардорсиз. Мазкур фармойиш қабул қилинганидан кейин

аҳоли, айниқса, ёш авлод орасида китобга бўлган муносабат тубдан ижобий томонга ўзгариб, асл тафаккур гулшанининг инсон камолотида алоҳида аҳамият касб этишига каттаю кичиклар ишонч ҳосил қилмоқда.

Бироқ, айримлар ҳанузга қадар китобнинг беҳад бой махзан эканлигини тўла тушуниб етмагани кишини қаттиқ ташвишгаям солади. Бунга эса ҳаётимиздан кўплаб мисолларни ўзингиз ҳам бемалол келтира оласиз. Ҳозирги кунларда яратилаётган бадиий фильм, спектакль ва клипларда китобга меҳри баланд инсонларни сал довдирроқ, бир аҳвол қилиб кўрсатиш урфга айланиб қолган. Анча йиллар аввал катта экранларга чиққан “Шабнам” фильмини ҳам бир эсингизга олинг-а. Фильмнинг қаҳрамонларидан бири ўз машинасида кўзойнак таққан, китоб-дафтарлар қўлтиқлаб олган йўловчини уриб юборишига ҳам бир баҳя қолади, камига эса уни ҳар хил бепарда сўзлар билан изза қилади ва болахонадор қилиб сўкади. Бошдан “дўппини олволиб”, ўйлаб кўрайлик, зиёли киши образига бунақа ёндашув томошабинларда қанақа таассуротни ўз уйқусидан уйғотиб юбориши мумкин? Бундай аҳмоқона ҳолатлар эндигина ҳаёт ҳақидаги тасаввурга эга бўлаётган ёшларимизнинг онгида китоб, илм-фанга нисбатан нотўғри қарашларнинг юзага чиқиб келишига беихтиёр кўмаклашиб юбориши ҳам мумкин-да.

Эстрада хонандаси Дилсўзнинг “Мени эслама”, Баҳриддин Зуҳриддиновнинг “Уйланган маза бўлар” (қўшиқ номига ҳам бир эътибор берсангиз!) қўшиқларига олинган клиплар айнан худди шу мақсадга хизмат қилади-да. Психология назариясида ҳар бир инсоннинг феъл-атворини изоҳлаб берадиган бўлим мавжуд эмас. Чунки, ҳар бир одам ўзига хос характерга эгалигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Масалан, кинода ёхуд телеэкранда кўзойнак таққан, китоб, дафтар, қўлёзмаларни кўтариб олган киши образи намойиш этилса, биламизки, бу инсон, оддий ҳаммол, аравакаш, савдогар (улар китоб ўқимайди, демадик) эмас, зиёли шахсдир.

Аммо, кейинги пайтларда эса ана шундай кишиларни китоб оламига шўнғиб кетиб, ижтимоий ҳаётдан анча ажралиб

қолган, юриш-туриши, кийиниши, гап-сўзига эътиборсиз, журъатсиз бир қиёфада тасвирлаш одатгаям айланмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аслини олганда, инсон қанча кўп китоб мутолаа қилса, шунчалик даражада маданиятли бўлиб боравермайдими? Ҳар бир сўзини ҳам чуқур мулоҳаза қилиб, ундан кейингина ўзгаларга ҳам хотиржам тарзда, мантиққа асосланган ҳолда баён этмайдими?

Ҳаётда бундай инсонлар темпераментини тўғри йўналтириб, характерини бўлса янада сайқаллаб бораверади. Тўғриси, уларда унчалик ҳам одатий бўлмаган, ўзига хос характер ва феъл-атвор шаклланади, аммо бунақа ҳолат атрофидагиларни улардан анча-мунчалик даражада узоқлашиб кетишига эмас, аксинча, ниҳоятда қизиқиш ва беҳад ҳавас, ҳайрат билан қарашигаям сабаб бўлади.

Юқоридаги каби ҳолатлар жамият ҳаётида қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, зиёли инсонларга нисбатан паст назар билан қарашни шакллантиради. Иккинчидан, ёшлар онгида “Мен ҳам китоб ўқийверсам, шунақаларга ўхшаган бўлиб қоламан”, деган нотўғри фикрни шакллантириб ва уларни илм олиш, мутолаа қилишдан анча совутиб қўйиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, айрим бир спектаклларда ҳам мана шундай саҳналар кўзга ташланаётганига нима дейиш мумкин? Муқимий номидаги мусиқали драма театрида саҳнага қўйилган “Юрагимни алмаштираман” спектаклида шоир образи бесўнақай ва жуда ҳам беқатъият, лапашанг бир одам сифатида тасвирланганди. Алишер Навоий номидаги Наманган театрида саҳналаштирилган Ўткир Ҳошимов соҳир қаламига мансуб “Виждон амри” спектаклида ҳам ўз отасидан ўзича ниҳоятда қаттиқ ранжиган йигит (актёр – Отабек Сафаров) стол устида турган китобни жаҳл билан саҳнага улоқтирадиган эпизод мавжуд эди. Ўша улоқтирилган китоб эса энг биринчи қаторда саҳнадан кўзини узмай, воқеалар боришини диққат билан кузатиб ўтирган камина, яъни Бахтиёр домланинг сочсиз бошига гўё тош сингари қарсиллаб урилгандек бўлганди. Ўшанда мен ўзимни тутолмасдан, театрда ўтирганимам эсимдан чиқиб, бор овозим билан “Китобни нимага саҳнага

уряпсан?!” дея ҳайқирганимда, залдаги томошабинлар ҳам, саҳнадаги актёрлар ҳам бир қалқиб тушган эди. Томоша тугагач, актёрга яхшигина ва “ширингина” танбеҳ, даккини дағал оҳангда бера бошлаганимда, мен унга тақаётган гуноҳни режиссёрга тўнкаган эди. Режиссёрга қарата, “Оғайни, ўзи сценарийда қандай ёзилганини билмадим-у, бироқ, китоб ҳеч қачон ерга урилмаслиги керак. Чойнак, вазани, яна бошқа нарсаларни синдиринглар, лекин китобни бунақа хор қилманглар. Бизлар-ку, бунақа вазиятни тўғри тушунамиз, аммо, айрим бир кимсалар эса, китобларни шунақа хўрласа ва хорласа бўлаверар экан, деган хулосага келишлари ҳам мумкин-да”, деган мулоҳазани билдирган эдим. У бўлса буни тўғри тушуниб, кейин театрнинг саҳнасида бунақа қилмишга бошқа йўл қўймаган эди.

Хориж бадиий фильмларини кўрганингизда, агарда ўзингиз ҳам диққат-эътиборни тузукроқ қаратган бўлсангиз, ҳадя қилиб берилган катта кутубхоналар, китоб ўқиш орқали мақсадига етган инсонлар ёки ҳар қандай оғир шароитда ҳам китоб ўқишни асло канда қилмайдиган қаҳрамонлар ими-жимида намойиш этилади. Бу эса қайсидир маънода томошабинни китоб мутолаасига меҳр-муҳаббат уйғотиш, рағбат орттиришга, кичик бўлса-да, ўзига хос туртки, тазйиқсиз, босимсиз бир эзгу даъват вазифасини ўтайди.

Шундай тасвирлар негадир бизнинг миллий фильмларда ўта кам. Дабдабали уйлар, қимматбаҳо машиналар ва уй жиҳозлари деярли ҳар бир хонаки фильмларда кўзимизгаям яққол ташланиб туради. Аммо, афсуски, дабдабали уйда кутубхона тугул, лоақал биронта китобга кўзингиз тушмайди. Ёки барча фазилатларнинг асл эгаси сифатида кўрсатилаётган қаҳрамоннинг бирон мартаям китоб ўқиётганини, янада ҳам аниқроғи қўлига китоб олганини кўрмайсиз. Худди ўша қаҳрамонимиз бўлса кутубхонага мутолаа қилиш эмас, фақат гўзал қизлар билан танишиш учун боради...

Санъат онгу шууримизни покловчи ва маънавий-маърифий баркамолликка етакловчи хилқатлардан биридир. У орқали барча инсонлар қалбига, тафаккурига йўл топиш мумкин. Лекин ана шу табаррук соҳа имкониятларидан ҳар доим ҳам

тўғри фойдалана оляпмизми? Ё ижтимоий ҳаётимизда биз ҳавас билан қараётган, ҳамма учун ўрнак бўла оладиган замонамиз қаҳрамонлари образи яратиляптими? Бизнинг фикримизча, экранлардаям, қўшиқларда ҳам, саҳналарда ҳам, адабиётда ҳам бутун диққат-эътиборимизни мана шу ғоятда муҳим инсоний жиҳатларга қаратмоғимиз даркор.

Шуниям яхши билишимиз керакки, китоб ўқишнинг ўзигина бирор мақсад ёхуд ғоя бўла олмайди. Мутолаани дунёқарашнинг ўсиши, теранлашуви ҳамда мустақил фикр тажрибасидан алоҳида ажратиб қараш хато. Кўп ва изчил ўқишдан пайдо бўлган билим онгданми, кўнгилданми ёки руҳданми, албатта ўзининг жойини топмоғи, зеҳнда эса дунёга доир мустақил фикр ва тушунчаларни ҳосил қилмоғи шарт. Бизларда китоб ўқиш тажрибаси хусусида анча кам гапирилган ва ёзилган. Ғарбда бўлса бунинг тескариси. Ғарблик олимлардан бири шундай ёзган эди: “Мен болалигимдан бошлабоқ китоб ўқишга бутун вужудим билан шўнғидим, лекин мушоҳада талаби ва йўлларини билиб ўқидим. Бу ишда қуввайи ҳофизам ва ақлим менга буюк ёрдамчи ҳамда хазинабон бўлди... Ҳақиқатни назарий ўлароқ ҳамда назарияни бўлса чинакам ва асл ҳақиқат ила тадқиқ, таҳқиқ (текшириш), таҳлил этганим учун ҳар хил назарий илмлар билан миямни ҳам тўлдириб ташламадим”.

Бу жумлаларда диққат-эътирофимизга лойиқ иккита жиҳат мавжуд: бири – мушоҳада, иккинчиси – назарий илм масаласи.

Турган гапки, назариётчиликни буткул инкор қилиб бўлмаса керак. Ўзингиз ҳам у ёки бу жамиятлардаги кадрлар назариётчи, амалиётчи ва тарғиботчиларга бўлинишини росаям яхши биласиз. Лекин, назариябозликни гоҳо илмий даққилик, қуруқ таърифлару тавсифлардан фарқлаб бўлмаслигидан кўз юммаслигимиз зарур. Қуруқ назария кўпинча илмдан бутунлай совиб кетиш, бундан-да ёмонроғи, тирик инсонни китоб қуртига ҳам айлантириб қўйиш билан якун топади-да. Покистоннинг файласуф шоири Муҳаммад Иқбол (1873 – 1938)нинг “Пайғоми Машриқ” китобида бир шеър бор, номи – “Китоб қурти”. Унда ифодаланишича, бир кечасида шоирнинг кутубхонасида бир китоб қурти парвонага “Ибн Сино

асарларига жойлашиб олдим. Фаробий қўлёзмаларигаям кўзимни тикишдан сира ҳам толиқмадим. Бироқ, тирикликнинг ҳикматини сираям англай билмадим. Кўк ўша-ўша қоронғи, офтоб бўлса ҳеч кўринмайди", дебди. Шунда парвона унга, "Ҳаётнинг ҳикмати ва завқини китоблардан топа олмайсан. Сен тирикликнинг дунёсига чиққин. Нур ва ҳарорат, қанот ҳамда парвоз – булар барчаси ҳаёт бағридадир", деган экан. Ҳақиқатан китобдаги нарсани ҳаётдан топиш мумкин. Ҳаётдаги кўп нарсани, айниқса, тириклик руҳи ва жонли ҳаётнинг файзини эса китоблардан ҳам топиб бўлмайди.

Маънан ожиз ҳамда руҳан нотавон кимсалар ҳам борки, ҳеч танаффуссиз, бетиним китоб ўқийди. Ўқиганини мушоҳадасидан ўтказа олмай, улардан керакли хулосани ҳам чиқаролмай ўқишни давом эттираверади... Илм ва маълумот унинг миясида чошланиб кетади. Аммо, уларни тасниф айлаб, муҳимидан номуҳимини ва кераклидан кераксизини ажрата олмайди. Хоҳ олим, хоҳ ижодкор ёки оддийгина бир ўқувчи бўлсин, китоб ҳар кишининг маслаги ва идеалидаги муайян бир бўшлиқларни тўлдирадиган қиймати бўлса ниҳоятда юксак бир восита ҳисобланади. Китоб ҳар қандай инсонни чинакам ҳаёт сари аёвсиз курашга отлантириши ва идеал соҳибларининг онг-тафаккурида янги ва нурли уфқларни очишда ҳам беминнат, холис ёрдамчи, энг яқин кўмакчи бўлмоғи керак.

Мавриди келиб қолганлиги боис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод қаламига мансуб "Улкан бойлик" сарлавҳали бир фикра (гўзал парча)ни ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 2018 йил 26 январь) сизнинг эътиборингизга ҳам ҳавола этмоқчимиз.

"Хат-саводли кишилар (зиёлилар) фақат китоб ўқир эдилар. Магазинларда китоб қолмас эди. Кишилар (эса китобларни) сотиб олиб келардилар. Магазинлардан топилмаган китобларни... қора, чайқов бозоридан излаб топар эди(лар). (Зиёли) қиммат бўлса-да, китоб сотиб олар эди. Шу китобни ўқир эди. Ўзгалар билан шу китоб ҳақида суҳбатлашар эди, баҳслашар эди. Кейин бўлса шу китобларини уйидаги токчага қатор қилиб тизиб, териб қўярди. Келган-кетганларга бўлса мана шу китобларини кўз-кўз этар эди. Ўзининг улкан

бойлиги сифатида сақлар эди. Ана шу китобларни қайта-қайта ўқир эди.

Ўзи, одатда, беҳад ноёб бисот-нарсалар қора бозорга чиқади. Жудаям қадр-қимматли нарсаларгина қора бозорда бўлади. Қора бозорда икки-уч баробар қиммат нархда сотилади.

Мен қора бозорда костюм-шимдан қиммат нархда сотилган китобларни кўрдим. Япон телевизорлариданам қиммат, кафтдай-кафтдай китоб(лар)ни кўриб эдим. Кўзимни чирт юмиб, ана шу қимматбаҳо китобларни (сотиб) олиб ўқир эдим.

Одамлар, айниқса, ҳозирги ёшлар эрта-кеч телевизор кўради. Телевизорга қараб... овқат ейди, телевизорга қараб... ухлайди, дам олади. Улар (ёшлар) қандай қилиб иншо ёзади, диктант ёзади? Улар Навоий шеъриятини мутлақо тушунмай ўтирсалар, Бобур шеъриятига эса уззукун термилиб, (англамай) ўтирсалар... Улар шундан кейин (албатта) Бобур (авлодлари) кимлигини ҳам асло билмайдилар. Улар тилни билмайдилар. Улар телерекламаларга тикилиб ўтирадилар. Рекламалар эса... (турли-туман) олди-қочди, савдо-сотиқ сўзларидан иборат.

Телевизор – бир қути. Машина-қути. У эса қандай яратилган ўзи? Олимлар китоб ўқиб-ўқиб, телевидениени яратдилар. Китоб яратиб-яратиб, телевидениени ўйлаб топди. Яъни телевидениени китоб яратди. Барча техника – китоб маҳсули. Ёзма маданият ва санъат маҳсули. Ёзма ҳарфлар маҳсули. Ўша ёзма ҳарфлар ҳамда китоблар бўлмаса эди, цивилизациялар ҳам бўлмас эди. Биз шу пойдеворимиздан олислаб кетяпмиз. (Китобга қайтиш, адабиётга даъват этишнинг пайти ҳам етиб келди)”.

Тағин бир фикр. Бу дунёда китобдан яқинроқ дўст, беғараз мусоҳиб ва малолсиз йўлдошни топиш ўта қийин. Китобхонлик – тафаккур меҳнати ва маънавий ўсишнинг бош шартларидан бири. Китоб ўқимаган, ўқимаётган миллатнинг аҳволига ҳар қанчалик ачинилса, ҳар қанча даражада куйинилса арзийди. Бироқ, фақат китобга суяниб, таяниб олиб, унинг устига ёнбошлаб ётиб олиб, фақат китоблар таъсирида жоҳилни –

фозилга, золимни – одилга, ёвуз кимсаларни – оқил инсонга айлантириб ҳам бўлмайди-да.

“Ўсмирлигимда моддий танқислик мен билан ҳамма нарсани баҳам кўрадиган бир дўст сингари эди. Лекин, мен сотиб олмоқчи бўлган китобларнинг нархи эса ниҳоят даражада баланд эди...

Кўп, жуда, росаям кўп ўқирдим. Ишим тугаши билан қолган вақтимни узлуксиз ўқишга ва тадқиқ қилишга бағишлардим...” Бу гапларни ўқиган кишининг кўз ўнгида фақир ҳамда заҳматкаш бир толиби илмнинг беозор қиёфаси гавдаланади. Ҳолбуки, уни баниодам бошига бало ва қазоларни ёғдирган, “насл-насабининг ҳам тайини йўқ, сут кўр қилгур ҳароми” (Ғафур Ғулом баҳоси – Б. И.) – худди ўша Гитлер “оқпадар” битиб қолдирган эди.

Демак, Қосими Анворнинг “Юзта хона тўла китобинг бўлса ҳам, сени асло олий мақсадга етказолмайди. Энг яхши кутубхона – кўнгил кутубхонасидир”, деган гапи ҳам чинакам ҳақиқатдир.

Одатда олим деганимизда фикрлаб сира ҳам толмайдиган ва маънавий-руҳий файзи ҳамда фикр-мушоҳадаси ўткирлиги билан кўнгилга таъсирни ўтказа оладиган беҳад катта, улкан ШАХС кўз олдимизда намоён бўлади. Олимларнинг фикрий изланишлари ва азоб-азияти, борингки, иккиланиш ва адашувлариям кимларгадир ибрат бўлмоғи даркор. Илм – ҳақиқатнинг нуридир. Ҳақиқатсиз – илм ва илмсиз – ҳақиқат йўқ. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам файласуф Арасту “Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқатнинг қадр-қиммати бўлса ундан ҳам устунрокдир”, деган бўлса керак.

– Дада, мактабдаги устозимимиз Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” деган китобини ўқишни уйга вазифа қилиб бердилар. Уйимиз яқинидаги дўконда бор экан. Сиздан илтимос, ўша китобни олиб беринг, синфдошларим олдида уялиб қолмай.

– Ўғлим, ахир сенга кечагина айтган эдим-ку. Ҳозирча бир сўм ҳам бера олмайман. Ўтган ҳафтада катта опангнинг ҳайитига бор-будимизни сарфлаб юбордик. Кейинги ҳафта эса ресторанда катта акангнинг никоҳ тўйи бўлса... шу сабабдан

ҳам биз ортиқча, бекорчи ва бефойда сарф-харажатларни сира ҳам қила олмаймиз.

Бунга ўхшаш жудаям ачинарли ҳолларга, ҳойнаҳой, ўзингиз ҳам шахсан гувоҳ бўлгандирсиз? Сиз ўқиётган ёзувлар муаллифи бундан баттарларига ҳам жуда кўп марта дуч келган. Бекорчилик туфайли иш тополмай, “ит суғориб юрган” ён қўшнимизнинг 12 ёшли боласига “тупроқ чангитиб юргандан кўра, бирорта китоб ўқисанг ўзингга ҳам яхши бўлар эди-да”, деган панд-насиҳатимга унинг оғзидан “Нима мен Сизга жинниманми, китоб ўқийдиган? Қайси аҳмоқ таътилда китоб ўқийди?”, деган гапни эшитишимга ҳам тўғри келган эди. Ўша бола ҳозирча Россияда “гастарбайтер” деган лавозимда ишлаяпти. Тағин бир куни бўлса университетга кетаётиб, кўп қаватли уйларнинг биридаги хонадон балконидан бир хотиннинг (Агар уни ОНА деган юксак унвон билан атасак, анча ҳаққимиз ҳам кетиб қолади-да) “Ҳэ-э-э, ўша “Ўқи!”, деган ўқитувчиларингнинг оғзидан қони келсин, ергина ютсин уларни!” деган наманганчасига айтилганида, “Ҳаромдан бўлган” ўз қизини мириқиб қарғагани ҳам қулоғимга чалинган эди. Ҳамон қулоғим остида жаранглаб тургандай бўлаверади-да. Ўша хотин ўқитишни хоҳламаган қиз бўлса, бирон-бир касб-ҳунарсиз, эридан ажралиб келиб, “иши йўқ ит суғоради” деганларидек, ғирт бекорчиликдан ҳориб-чарчаб, подъезднинг йўлагида ўқишга кетаётган болаларга ҳавас билан термулиб ўтирибди-да, аттанг қилиб. У ҳар замонда маҳалла қўмитасига ҳам бориб, шаллақилик қилиб, моддий ёрдам ҳам сўраб туради, чунки, бир амаллаб аризасини ёза олади-да.

Бекорчилик дегани аслида энг қийин иш ёки одам ҳеч нарса қилмаса, кўпроқ даражада чарчайди. Бугунги кунларда қайси бир соҳани олманг, ниҳоят даражада катта ўзгаришлар яққол сезилиб турибди улкан режалар амалга ошириляпти. Қишлоқ, шаҳарларда одамлар юқорироқ кайфият билан яшашга одатланяпти, “барибир фойдаси йўқ”, деган бадбин қарашлар ўрнини “Ҳаммаси албатта яхши бўлади”, деган бағоят некбин руҳ эгаллаб олмоқда.

Стефан Цвейгнинг муҳим фикридан бохабар бўлиб қўйсагам ҳеч кимга зарар қилмаса керак: “Кўпгина тармоқларга

бўлиниб кетадиган эркин ва кенг фикрлаш қобилияти ёхуд иноятн, яъни оламни бир тарафдан эмас, кўп томондан кўришга имкон берувчи бирдан-бир тўғри, ажойиб восита ўзининг шахсий тажрибасидан ташқари ўзга кўп мамлакатлар, халқлар ва замонлар китобларида тўпланган ҳамда ғоятда асраб-авайланган бебаҳо тажрибаларни ўзига буткул сингдириб олган инсонларгагина насиб этар экан.

Шунда мен китобдан маҳрум одамларнинг нақадар маҳдуд кўриниши мумкинлигини кўз олдимга келтириб, ғоятда даҳшатга тушдим. **Китоб деганлари – қаримайдиган ва енгилмас, энг мағзи бутун, вақтнинг ҳукмига ҳам ҳеч бўйсунмайдиган, энг мазмундор, турфа хил шаклдаги беҳад буюк қудратдир**".

Аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ китоб ўқишини биринчи бўлиб, инглиз тадқиқотчилари аниқлаб беришган. Ҳатто улар бу борадаги ўзига хос нисбатни ҳам аниқлашга муваффақ бўлишган. Нисбатнинг ўзи қанча экан дейсизми? Нақ икки баробар кўп экан. Америкалик олимлар ҳам худди ана шундай тўхтамга келишган.

Яқинда эълон қилинган кенг кўламли икки илмий тадқиқот натижалари французларни анчагина шошириб қўйган. 15 ёшдан катта бўлган 5600 киши ўртасида ўтказилган сўров натижасига биноан, сўнгги 12 ойда, яъни бир йилда ҳеч бўлмаса, биттагина бадиий асарни ўқиган эркаклар 63 фоизни ташкил этар экан (30 йил илгари 72 фоиз бўлган). Аёллар ўртасида бўлса бу кўрсаткич, аксинча – 68 фоиздан 74 фоизгача кўтарилган. Муқобил равишда ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам француз китобхонларининг учдан икки қисмини айни ўша аёллар ташкил этишини кўрсатган. Ўзингиз ҳам яхши биласизки, агар онаси китоб ўқиса боласи ҳам худди мана шундай буюк фазилат томонга қараб интилади-да.

Янги Зеландиялик олимлари ўтказган тажрибалар ҳам шуни кўрсатадики, телевизор томошасини яхши кўрувчи – телеболалар ва компьютердаги ўйинларнинг ишқибозлари – лудоманларнинг аксарияти ўз ота-оналари билан доимо низода бўларкан. Аксинча, асосий вақтини китоб ўқишга, дарсини тайёрлашга сарфлайдиган болалар тарбия борасида эса

ўзларининг тенгдошларига ниҳоятда ўрнак бўладиганлар қаторида турарканлар. Телекўрсатувларнинг ҳар бир соатидан кейиноқ ёмон муносабатлар эҳтимоли 4 фоизга, компьютер ўйинларидан кейин бўлса 5 фоизга ошиб кетар экан.

Келинг, яхшиси шу ўринда рақамлардан ҳам бироз чекиниб, айни ўша телевизор билан бевосита боғлиқ равишда, телеболалар эмас, телеона ҳамда телеота хусусидаги ҳаётий воқеа хусусидаги битикларни жиддийроқ ўқиб, ўзимизга керакли хулосани чиқариб олсак-да, ундан кейин суҳбатни келган жойидан давом эттирсак:

Кунлардан бирида мактаб ўқитувчиси 3- синф ўқувчиларига “Аллоҳдан ўзингизга нимани сўраган бўлар эдингиз?” мавзусида иншо ёздирди. Унда ҳамма ўзининг орзусини қисқа ва лўндагина қилиб ифодалаб бериши керак эди. Бунинг учун эса болаларга 40 дақиқа вақт берилди, якунлангач, барча иншолар йиғиб олинди. Ўқитувчи эса иншоларни сумкасига жойлаб, уйига олиб кетди ва кечқурун уларни шошилмасдан, диққат билан битталаб ўқиб чиқа бошлади. Улар орасидаги бир иншони ўқиб бўлгач, кўзларидан ёш ҳам астагина сизиб чиқа бошлади. Айни шу пайтда эса қўшни хонадан унинг ёнига бироз ҳайрон бўлганича эри кириб келди.

– Нега йиғлаяпсан, мактабинг ўзи нима гап бўлди, комиссия келиб, ҳамманинг таъбиниям тиррик қилдими? – деб сўради. Аёл ўзини йиғлатган иншони қўллари қалтираганча эрига аста узатди.

– Мана, ўзингиз ҳам бир ўқиб кўринг-чи, – деди базўр. Эри эса уни қўлига аста олиб, овозини чиқариб ўқишга киришди:

“Парвардигорим, бугун мен сендан фақатгина бир нарсани сўрамоқчиман. Илтимос, мени телевизорга айлантириб қўйгин. Ҳа, худди уйимиздаги телевизоримизнинг ўрнида бўлиб қолишни росаям хоҳлайман. Менга ҳам алоҳида бир жой бўлсин, оиламиз аъзолари эса менинг атрофимда жамланишсин. Гапираётганимда уни ҳеч ким сира бўлмасдан, жеркимасдан эшитсин. Аҳамиятсиз нарсаларни гапиравермаслигимга уларам ишонишсин. Ҳар доим оиламиз

диққат-эътибори марказида бўлишни жудаям истайман. Агарда мени телевизорга айлантириб қўйсанг, дадам ишдан роса ҳориб-толиқиб келган бўлсалар ҳам “мен ўлгудек чарчаганман”, демасдан мен билан бирга бўладилар, одамлардек гаплашадилар.

Агар мени телевизорга айлантириб қўйгудек бўлсанг, онам ёлғиз қолганида мени ўзидан нари қилмайдилар. Қанийди менинг ота-онам ҳамма нарсани унутиб, худди телевизорнинг қаршисида ўтиргандек менинг олдимда ўтирсалар. Аллоҳим, балки мен жуда ҳам кўп нарсани сўраётгандирман, лекин чин дилдан сўраяпман. Илтимос, мени ростдан ҳам, телевизорга айлантириб қўйгин!”

– Ахир бу жудаям даҳшат-ку, – деди эр, – йиғлагудек бўлиб. – Бечора болакай. Бу беҳад таъсирчан иншонинг эгаси ўзи қанақа худбин, боласига бефарқ ва ярамас ота-онанинг фарзанди экан?

– Дадаси, ахир бу ўзимизнинг ўғлимиз, – деди ўқитувчи кўз ёшларини юзига артганича ва бирданига ўкириб йиғлаб юборди...

Тадқиқотларнинг кўрсатишига қаралганда, ҳар битта сериал қаҳрамонларининг салбий туйғулари ва ҳис-ҳаяжонлари 80 фоиз миқдорда уларнинг мухлислари тасаввур оламига кўчиб ўтаркан. Оқибатда ишқ ёки севги борасида омади юришмаётган сериаллар ўйинчисининг деярли барча хатти-ҳаракати, кайфияти ва руҳияти аста-секинлик билан реал, чинакам ҳаётдаги томошабин руҳияти ва ўзлигига ҳам сингиб кетиб, уни ўзгартириб бораверар экан-да.

Олимлар аниқлаши бўйича, асаб бузилиши билан бевосита боғлиқ турли хил хасталикларни даволашда энг яхши, самарали воситаям китоб экан. Британиядаги университетлардан бирининг тадқиқотчилари одамларнинг у ёки бу, турлича воситалар орқали нерв тўқималари таъсирчанлигини аниқлашга қаратилган махсус изланишни амалга оширган эдилар. Ўз хоҳиши билан тадқиқотда қатнашиш истагини билдирганлар бир қанча тестлар ва машқлар орқали синаб кўрилган. Тадқиқот натижалари ўта ҳайратланарли даражада бўлиб чиққан. Асаб бузилишига қарши самарали кураш воситаларининг биринчи

рақамлиси айнан китоб экан. Китобни 6 дақиқача ўқиган одамларнинг нерв тўқималарида таъсирчанлик жараёни 68 фоизгача камайган. Иккинчи ўринни мусиқа садолари эгаллаган. Мусиқа синовдан ўтаётган кишиларнинг асаббузарлик билан боғлиқ жараёнларини 61 фоизга камайтиришга муваффақ бўлган. Кейинги ўринларни бўлса бир финжон қаҳва ёки чой (54 фоиз), сайр-саёҳатлар (42 фоиз) ва видеоўйинлар банд қилган. Олимларнинг ўтказган тажрибасидан келиб чиқадиган ниҳоятда муҳим хулоса ҳам шундан иборатки, асаби росаям таранг аҳволда қолган кишиларга ёрдам, кўмак беришда китоб таскин берувчи, ҳамдард, ҳамсуҳбат, энг содиқ ва ўта вафодор дўст ҳисобланади.

Машҳур адиблардан бири эса китобни кўнгилнинг чинакам малҳами, дея таърифлаган эди. Яқинда шифокорлар, юқорида ҳам таъкидлангани сингари, китоб мутолааси жуда фойдали муолажа эканлигини исботладилар. Ҳатто Ғарбдаги айрим шифохоналарда библиотерапия билан беморларни даволаш усули жорий этилган.

Хўш, қандай китоблар касалларнинг тезроқ соғайишга ёрдам берар экан? Ливерпуль университети олимлари махсус тажрибага жалб этилган кишиларнинг Шекспир асарларини ўқиётган чоғида уларнинг бош миясида кузатилган жуда фаол ўзгаришларни ҳам қайд этишди. Бундай муолажа усули ниҳоятда асабий ва қўрқув ҳолатидаги кишиларни тинчлантириб, уларни тезроқ соғайтириш ниятида махсус ишлаб чиқилган. Маълум бўлишига кўра, бадиий жиҳатдан беқиёс даражадаги юксак асарларнинг таъсирида бош миянинг кучли ҳис-ҳаяжонларни қўзғайдиган қисмидаги фаолият ҳам астагина мўътадиллашиб, унинг назорат қилиш қисмида эса фаоллик ҳам анча-мунчагина даражада ортиб, кучайиб кетаркан.

Муолажага арзирли китобларни ҳар ким ўз диди, савиясидан келиб чиқиб танлаши ҳам мумкин. Муҳими, библиотерапиядаги асосий талабга риоя қилиш даркор, яъни асар қизиқарли бўлиши, ўқиш жараёни фақатгина ҳузур-ҳаловатни бахш этиб қолмасдан, фикрлашга ҳам ундамоғи,

хаста кишини ўйлашга мажбур этмоғи керак. Асарнинг бош қаҳрамони сизнинг ҳаётингизда қачондир рўй берган ва ҳанузгача оромингизни ўғирлаб келаётган вазиятга тушиши ҳам мақсадга мувофиқ. Худди шунингдек, ўқилаётган китоб инсонга хотиржамлик ва кўтаринки кайфият бағишлаши, мавжуд муаммолар кўнгилдагидай ҳал бўлишига қатъий ишонч уйғотиши, кишиларда ёрқин таассуротни қолдириши ҳам зарур.

Қандай китоблар мутолаа чоғида, энг аввало, ақл ва юракка қувват беради? Биринчи галда мумтоз адабиётнинг намуналари! Бир маромдаги ҳикоя услуби кишиларда турғун ва барқарор ҳис-туйғуларни ўз уйқусидан ҳам уйғотиб юборади. Асар қаҳрамони йўл қўйган хато-нуқсонларингиз ҳақида ўйлаб кўришингизга ҳам ундайди. Мумтоз асарлар мутолааси кишилар руҳий зарбаларга учраганида ва марказий асаб тизими бузилган пайтларида, невроз ҳолатида ва жудаям нохуш хотираларни унутиш қийин кечадиган ҳолатларда ўзига хос муолажа вазифасини адо этади. Дедектив ва саргузашт асарлар диққат-эътибор, қунт-сабот ва кузатувчанлик фазилатини чиниқтиради. Мураккаб сюжетлар бўлса маҳзун ўй-хаёллар ва ташвишлардан анча-мунча чалғитади ҳам. Турли хил нохуш фикрлар мияга маҳкам ўрнашиб қолган, киши руҳан роса сиқилган пайтларда эса китоб ўқиш бемалол, чинакамига тиббий муолажа функциясини ўтайверади. Илмий фантастик асарлар эса келажакда юз бериши, содир бўлиши эҳтимоли мавжуд нарсалар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради, ўй ва истакларни чўчимай хаёлдан ўтказиш, бошқалардаям шундай фикр ва хоҳиш бўлиши мумкинлигини тан олиш имкониятини яратиб беради. Бу турдаги китоблар, одатда, қўрқув ҳамда ваҳимадан азият чекувчи, қатъий тартибда яшовчи кишиларга дармон сифатида тавсия қилинади.

Назмий (шеърий) асарлардаги қатъий ритм бўлса организмда кечаётган жараёнларни меъёрига келтиради, кайфиятни кўтаради, кишида ўзининг кучига ишончниям уйғотиб юборади. Депрессия ҳолати, шунингдек, инсультдан кейин дудуқланишни даволашда ҳам ушбу усул қўлланади. Турли эртаклар ва фольклор адабиёти қийинчиликсиз муомала қилиш қоидаларига ва кузатувчанликка одатлантиради. Бу

турдаги китоблар жудаям шошқалоқ, итоатсиз, сўзга кирмайдиган ва “қулоқсиз” болаларни тарбиялашда анча-мунчагина кўл келади ва аввалдан кутилган самарани беради.

Ҳуқуқий адабиёт эса турли-туман хавотирли вазиятларнинг олдини олиш ва зиддиятларсиз муомалага киришишга ўргатади. Ўсмирларга уларнинг йигитликка ўтиш даврида ёрдам берворади, жарроҳлик амалиётларидан сўнг кайфиятни кўтаради. Фалсафий ва диний адабиётлар дунёнинг яхлитлиги, ундаги инсоннинг ўрни ва унинг роли ҳақида кишиларга тасаввур беради. Ўткир руҳий зарбалар, сурункали руҳий сиқилишлардан анча халос этади ҳам.

Китобдан олинадиган турли-туман ахборот бош миямизнинг қисқа ва узоқ муддатли хотирага масъул бўлган қисми ўртасида янги алоқани шакллантиради ва миямизни янада чиниқтиради. Олимларнинг ҳисоб-китобларига биноан, китоб ўқиш жараёнида ҳар ўқилган варақдан кейин инсон миясида 7000 ҳужайра нобуд бўлиб, бирозгина муддат ўтгач, уларнинг ўрнини 10000тага қадар янги ҳужайралар тўлдириб, ирсий маълумот ва хотирани бемалол етказиб бера олар экан... Болаларни кимгадир жуда зарур бўлгани учун эмас, балки улар бахтли бўлишлари учунгина китоб ўқишга ўргатиш шарт. Китоб тафаккурнинг асл озиғидир. Китоблар асли бахт-саодатни топиш учунгина ўқилмайди-да. Шуни ҳам мутлақо унутмаслигимиз керакки, китоб ўқишнинг ўзи – олий саодатдир.

“Бафуржа гаплашволайлик – деди муаллим мактабдаги ота-оналар мажлисида ёнимда ўтирган ўқувчининг онасига. – Китоб, аввало, болалар туйғуларини тарбиялайди. Бола феъл-атворидаги нуқсонларни теран кўришни, уларни бартараф этишни ўргатади. Одамдаги ижобий ва салбий жиҳатларни бир-биридан ажратишга кўмаклашиб юборади. Содда тил билан айтилганда, яхши-ёмонни бир-биридан ажратади...” Кейинчалик билсам, барча фанларни ўзлаштиришга ёрдамлашиши ва хотирасини мустаҳкамлаш учун жонкуяр ўқитувчи ўз ўқувчисига бадиий китоб мутолааси, шеър-ғазалларни кўпроқ ёдлаш вазифасини юклаб қўяркан, тарбиянинг энг асосий қуролларидан бири бўлса китоб

эканлигини айнан шу беҳад чароғон, ёрқин ибрат йўли билан тушунтириб берар экан.

“Ўғлимнинг тоби қаттиқ қочиб касалхонага тушиб қолдик, – деганди бир жуда яқин суҳбатдошим. – Бизнинг палатамизга оғир касаллар бўлимидан Эркинжон исмли бир болани олиб чиқишди. Хокисоргина қишлоқ аёли дилбанди кўзини очганидан хурсанд бўлиб бетиним йиғлар ва атрофида парвона бўлар эди. Бир пайт бола нимадир деб аста ингради. “Сув сўраяпти шекилли”, дедим. Онаизор боласининг қуруқшаган лабларига ўз қулоғини тутди. Кейин майин жилмайиб: “Ўқиб юрган китобларини сўраяпти”, деди. Эртасигаёқ шу боланинг дадаси уч-тўртта китобларни олиб келди. Эркинжон ётган жойида бетиним китоб ўқир, унинг хатти-ҳаракатларини бўлса менинг ўғилчам жимгина кузатарди. Бемор болакайнинг юзларига чиройли рангни киритган унинг севимли китоблари бўлди. Жуда ҳам таъсирландим. Мана шу она сингари фарзандимда китобга чин муҳаббат уйғота олмаганимдан уялиб кетдим. Ўша шифохонадан чиқишимиз биланоқ ўғлимни етаклаб, китоб дўконига олиб бордим. Эркинжонга ва унинг онасига жуда катта раҳмат. Унинг келажакда чинакам баркамол инсон бўлиши ва ўзгаларга ҳам кўмак беришига чин кўнглимдан ишонаман...”

Бу ёш онанинг мулоҳазаларидан бутун умри бўйи фақатгина китоб ўқиб келган ва бетиним мақолалар, китоблар ёзган камина ҳам ғоятда таъсирланган эдим. Эркинжоннинг китобга муҳаббати ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Ҳар иккала воқеага ҳам, аввало, оналар сабабчи бўлган, ўз туйғуларини, энг эзгу ниятларини эса ўзларининг болаларига тўғри сингдира олганлар. Зеро, маънавий, руҳий қувват ҳамда ақл-заковат оналардан болаларига ҳеч қандай қаршиликларсиз, тўсиқларсиз ирсий тарзда ўтиб келаверади-да.

Канадада Торонто университети олимлари узоқ изланишлар оқибатида тасаввур имкониятлари ва ижод маҳоратини бойитиш мақсадида бадиий адабиётларни доимий ўқиш ғоятда каттагина самара беришини илмий жиҳатдан исботлаганлар. Воқеаларнинг ривожи ва кишини жиддий ўйлашга мажбур қилувчи образлар инсон дунёқарашини

шакллантиришда ниҳоят даражада муҳим роль ўйнайди. Бунда асарнинг қандай тугашиниям тахмин қилиш, ижобий ҳамда салбий образлар хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, воқеалар кескинлашган чоғида эса айрим бир образларни руҳан қўллаб-қувватлаш бу китобнинг жиддий ўқувчиларида янгидан-янги ижобий фазилатларни ҳам аста-секин шакллантириб боради. Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, фантазия ишга тушган паллада инсон миясидаги гиппокамп янада фаоллашади. Миямиздаги мазкур ҳудуд инсоннинг билим олиши ҳамда турли-туман ниҳоятда керакли маълумотларни хотирада сақлаб қолиш ишига хизмат қилишини эса ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак.

XX асрнинг биринчи ярмида Европа маданиятининг синчков намояндалари энди бундан буёғига “оммавий одам”, “оломонбоп одам” ва “ижодкор инсон” замони бошланажагини ҳам каромат ҳамда башорат қилгандилар. Инсоншунос олимлар бўлса энг асл қадриятларнинг қадрсизлана бошлашидан беҳад даражада қаттиқ ташвишга, яна ҳам аниқроғи, ўта ваҳимага тушиб қолган эдилар.

Руҳиятшунослик (психология) илмида инсоннинг ўзлигини йўқотиб қўйиши ҳодисаси анча-мунча теранроқ талқин қилинган. Таҳлилий руҳшунослик илми (аналитик психология)нинг отаси ҳам ҳисобланмиш олим Карл Густав Юнг (1875 – 1961): “Соппа-соғ инсонларнинг руҳий қусурлари ижтимоий-сиёсий соҳаларга қадар аста-секин ёриб киради. Бу қусурлар эса уруш ва инқилоб сингари оммавий талваса кўринишида ҳам намоён бўлади”, деб ёзган эди. Айнан шундан кейин бўлса “кўпчилик одамлар оломон шаклида бирлаша бошлайдилар, жамоат аъзоси бўлган одамнинг ўсиб-улғайиб борадиган қуввати тушовини ҳам узиб, оломоннинг бир қисмига айланмай турган пайтида бўлса ҳар бир кишининг қалбида аввалдан ухлаб ётган турли хилдаги ваҳшатлар, иблислар озодликка чиқади. Оломоннинг бир қисми сифатида кўпчиликка қўшилган одамлар эса онгсиз равишда ахлоқан, ақлан тубанлаша боради. Бу одам шу даражада тубанлашадики, у энди ақл-идрок остонасида туради ва доим, ҳар дақиқада ўша оломон томонидан ҳаракатга келтирилиши ҳам мумкин бўлиб

қолади...” Ва шундай қилиб, “телба билан оломон ўртасида ҳеч қандай кескин тарзда фарқланиш йўқ, чунки уларнинг икковини ҳам қиёфасиз, инсон кўзига яққол ташланмайдиган мавҳум кучлар ҳаракатга келтириб юборади; зотан оломоннинг бир қисмига айланиб қолган одамлар руҳий жиҳатдан ҳам асло соғ эмасдир”. Жазавага тушиб қолган, бошвоғини ҳам йўқотиб қўйган оломон билиб-билмай турли хил ёввойиларча шафқатсизликлар қилиши, зўравонлик, бузғунчилик йўлида бўлса оммавий қурбонликларни келтириши билан боғлиқ, маънавий жиҳатдан соғлом инсонлар вужудини титроққа солиб юборадиган мисолларни эса ўзингиз ҳам бемалол келтира оласиз.

Google мутахассиси Эрик Шмидт ҳисоб-китобига қараганда, банибашар, яъни инсоният пайдо бўлганидан токи 2003 йилгача йиғилган барча маълумот 5 (беш) эксабайтлик ҳажмга эга бўлса, 2003 йилдан бери ҳар 2 (икки !) кунда шунчалик ҳажмдаги янги маълумот тарқатилмоқда экан. Демак, биз бугун ахборот тўқлиги, янада ҳам аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, ахборотнинг тўфони, гувиллаган бўрони, жуда қутирган цунамиси замонида яшаяпмиз. Демакки, ахборот чангалзоридан, унинг ҳаддан ташқари улкан ва бепоён, бошимизни гангитар даражадаги бозоридан ўзимизга энг керакли китобларни, маълумотнигина қидириб топишни ўрганиб олмоғимиз зарур. Ортиқча маълумотлар ва олди-қочди, оммавий адабиёт қаламкашлари оппоқ қоғозни қоралаб ташлаган китоблар олтиндан қимматли вақтимиз, хаёлимизни ва ҳаётимизни ўғирлаб олишдан, талон-тарож қилишдан бошқа бирор нарсага ярамайди. Бу ўринда “ярамайди” деганимизда ўқувчилар назарда тутиляпти, бунақа “китоблар” уни ёзғувчи ва босувчиларга моддий жиҳатдан жуда “ярайди-да”, тузуккина наф ва фойдани ҳам келтиради-да...

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёвнинг 2017 йил 3 августида ижодкор зиёлилар билан деярли 6 соатча давом этган мулоқоти, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз(нинг) маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маърузасида билдирилган айрим бир

фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга яна ҳавола этсак, унчалик ҳам малол келмаса керак: “...Айни пайтда, адабий-бадиий жараёнларда кўзга (яққол) ташланаётган салбий тенденциялар, хусусан маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқиб келаётгани ва ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз асарлар бозори чаққон бўлиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Афсуски, ижодий уюшмалар томонидан бундай ҳолатларга принципиал баҳо берилмаяпти, уни бартараф этиш бўйича асосланган амалий таклифлар ўртага қўйилмаяпти. Нима сабабдан маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?..

Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, ўта қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журнал, китоблар, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, чинакам соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Энг ёмони эса, бадиий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда. Биз “жаҳолат” деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин, бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агарда унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ниҳоят даражада оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам яққол кўрсатмоқда.

Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, маданият тизимида ҳам, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ҳамда бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай гап-сўзлар бўлиши ҳам мумкин эмас...

Ҳаммангиз жуда яхши тушунасиз, саломга яраша алик ҳам бўлиши керак-да. Халқимиз барча санъаткорлардан яратилган... имконият, имтиёзларга яраша жавоб кутишга ҳақли,

албатта. Шу муносабат билан бугун бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни (ниҳоятда) зарур, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ҳамда маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий наф, фойда, манфаат кўриш мақсадидагина кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳаларига бораверсин. Мана, бу борада қанча-қанча имконият ва имтиёзлар яратиб беряпмиз – шу соҳаларга ўтиб ишласин. Лекин, улар ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган беҳад муқаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Буни бўлса ҳеч ким ҳеч қачон унутишга ҳаққи йўқ...”

Фикр – тараққиётнинг мезони. У тўхтаган ва ҳамма кишилар бир хил фикрлаб қолган жойда эса тараққиёт ҳам тўхтайди, фақат “тараққий этяпмиз” деган аллаловчи ҳамда алдамчи бир тасаввур қолади, холос. Бу алдамчи тасаввур ҳукмронлик қилган жойларда ҳеч ким ўзини намоён қилгиси, фикрини сира айтгиси келмайди. Чунки, ўзининг фикри билан вазият ўзгаришига ҳам ишонмайди. Бунинг оқибатида лоқайдлик, бефарқлик юзага келади, ижтимоий тус олади... Фикр тўхтаб қолган жамиятда бўлса, турган гап-ки, таназзул бошланиб кетади. Ўзгаришларга тайёр бўлмаган жамият турли таҳдидлар ва бало-қазолардан ўзини ўзи сақлаб қолишга мутлақо қодир бўлмай қолади. Янги Фикрлар бўлсагина жамият ҳам унга монанд равишда доимо янгиланиб бораверади-да. Ҳар қандай Фикрни маърифат уйғотади, ўстиради ҳамда янгилайди. Ўзингизга ҳам бағоят яхши маълумки, одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, тараққиётга етакловчи куч – фикрлашдан ҳам тўхтаб қоладилар. Буюк Борхес шундай дейди: “Бир кун китоб ўқимаган одам юз йил жаҳолат домида юрган одам билан баробардир”...

Бадиий асарни кимдир мафкураси, кимдир диний эътиқоди ва яна кимдир ўзининг ҳаётий муаммолари фонида қабул қилади, чиқарадиган хулосаси ҳам шунга мувофиқ бўлади. Ёки биттагина инсоннинг ўзи бир асарни олим, бошқасини бўлса ўқитувчи, яна бирини эса оддий аёл-эркак, бобо-момо ё ота-

ўғил бўлиб ўқийди. Ҳолбуки, ҳар биримизнинг ич-ичимизда бадиий асарни ўзимиз бўлинмасдан, бир бутун инсон ҳолида ўқиш эҳтиёжи ҳам ётади. Биз ҳам ҳамма инсонларга мутолаа онлари юксак бадиий асарга инон-ихтиёрини бутунлай топшириб қўйиб, ўша китобни борича шундоққина ўқиш ҳамда умрзоқ таассуротларга эга бўлиш насиб этиши, бари юртдошларимизга эзгуликни тарғиб этувчи инсонлар тағин ҳам кўпайишини сидқидилдан истаймиз ва тилаймиз-да.

2007 йилда Хитойда илмий фантастика ва фэнтези бўйича биринчи конвент бўлиб ўтган эди. Хўш, унинг нимаси Сизнинг ва Бизларнинг диққат-эътиборимизга қанчалик даражада лойиқ эди? Энг асосий гап шундаки, ўзингиз ҳам анча тузуккина биладиган хитойликлар буюк нусхакашларлардир. Курраи заминнинг четида бугун пайдо бўлган бирон-бир замонавий ускуна ёхуд жиҳознинг арзонгина нусхаси эртаси кунидаёқ бу мамлакатда пайдо бўлиши, индинга бўлса қўшни давлатларга ҳам сотувга чиқарилиши, яъни хорижга ҳам бемалол оммавий экспорт қилина бошлаши мумкин.

Хитой олимлари “Нима учун бизда оламшумул кашфиётлар қилинмаяпти? Нимага биз Apple, Microsoft, Google компаниялари сингари фавқулодда янгиликларга қўл урмаяпмиз?” деб ўйланиб қоладилар. Бу саволларига жўялироқ жавобни топиш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар жаҳонни айланиб чиқди. Кашфиётчилар билан роса суҳбатлашишди. Узоқ давом этган таҳлиллардан сўнг жумлаи жаҳоннинг буюк кашфиётчилари болалик чоғида бадиий адабиётларни ниҳоятда кўп ўқиганлиги аниқланди. Айнан бадиий адабиёт инсоннинг хаёлотига ва кашфиётчиликка туртки берувчи энг бирламчи манба экан-да! Шундан кейингина хитойликлар ўз юртларида китобхонлик масаласига ҳам алоҳида диққат-эътибор қарата бошлаган эдилар. Жуда ибратли тажриба, шундай эмасми? Китоб бежиз келажак дарвозаси деб аталмайди-да. Менимча ҳам, бугунги кутубхона бемалол эртанги фаровон ҳаёт кафолати бўла олади. Келажакка пессимизм (бадбинлик) билан эмас, оптимизм (некбинлик) ила қарайлик, фикрларимиз ҳам моддий-ку, ахир!...

Муҳаммад Жабалрудийнинг, ўзингиз ҳам кўп бора эшитган, китоб ҳақидаги фикрини яна бир ёдга олсак, ортиқчалик қилмас: “Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенгсиз, ҳар қандай мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдам ҳисобланадики, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди... У шундай рафиқдирки, киши орқасидан сира ҳам ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан эса сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан ҳеч қачон топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишиларга катта зарар етади. Китоблардек дўст ичида барча илму ҳилм ҳам мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ҳамда келажакдан доим огоҳ қилиб туради. Айнан шунинг учун ҳам “Китоб – ақлнинг асл қалъасидир”.

Бугунги кунда китоб ўқиш керакми ёки йўқми деган саволни ўртага ташлаш худди бемор (хаста, касал) одамга даволансинми ё йўқми, деган савол беришга ўхшайди. Касал одамлар даволаниши шартлиги сингари, китоб ўқиш ҳам, билимга бўлган интилиш ҳам инсоннинг бурчидир. Даврлар эврилиши ҳам ғалати, бизларнинг ёшлик чоғларимизда айрим ота-оналар китоб ўқишга муккасидан кетган болаларига “Кўп китоб ўқима, миянг суюлиб кетади”, деб танбеҳ беришарди. Бугунги замонамиз ёшларига бўлса китоб ўқи, десангиз айримларининг энсаси қотиб, пешонасиям тиришади. Бу гапимиз билан ёшларни айбламоқчи ҳам эмасмиз. Агар жамиятда билим-маърифат ва адабиётнинг қадри юқори бўлса ёшлар китоб ўқийверадилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Беминнат дўст” сарлавҳали бир қатрасидаям шундай дейилади: “Эътибор берганмисиз ё йўқми, билмадим-ку, сизнинг садоқатда тенгсиз дўстингиз бор. Қачон хоҳласангиз, сиз билан ҳамсуҳбат бўлади. Шод пайтингизда қувончингизга қувонч қўшади. Ғамгин паллаларда бўлса дардингизни олади. Билмаганингизни ўргатади. Агар адашсангиз, тўғри йўлниям кўрсатади. Яқин кишиларингиз

сиздан буткул юз ўгириб кетганидаям у сизни сира тарк этмайди. Хизмати учун ҳеч нарса таъма қилмайди. Йиллар унутиб, ташлаб қўйсангиз ҳам индамайди. Ҳатто, улоқтириб юборсангиз ҳам асло аразламайди. Тағин чорласангиз, етиб келиб, яна хизматингизни беминнат қилаверади. Бу вафодор, содиқ дўстнинг номи – китоб".

Лекин, бу масаланинг тағин бир муҳим жиҳати ҳам мавжуд. Ҳар қандай "ёзғувчи" ва оломон томонидан китоб деб аталмиш айрим, бугун эса аксарият ҳолларда инсонни ёвузликка етакловчи қоғозларнинг тўпламимас, эзгу ғояларни бетиним тарғиб-ташвиқ этувчи китобларгина бизни фаровон ҳаёт сари онгимиз-қалбимиз ва қўлимиздан маҳкам ушлаб олиб етаклаши ҳам бор гап-да, ўзи.

Ҳар қандай инсон ўзининг меҳнати билан ўзини таъминлай олмаса, у турган гапки, тижоратнинг акуласига ҳам тап-тайёргина емиш бўлади-қўяди-да. Айнан шу боисдан ҳам китоб дўконлари, пештахталар ва бозорларни ярамас олди-қочди китоблар ҳам аста эгаллай бошлади. Зўравонлик, қотиллик ҳамда талончилик руҳи билан суғорилган бунақа "асарлар" эса, аслида, жиноятчиликни тағин такомиллаштириш бўйича ўзига хос йўриқнома, қўлланма вазифасини ҳам бажараяпти. Бундай ахлоқсизлик ва бузғунчилик учун ўзи ким жавобни беради? Жавоб бериш ҳам, жавобгарларни топиш ҳам беҳад мушкул. Чунки, бизлар мамлакатни демократик тараққиёт йўлидан шаклан революцион (ҳовлиқиб, кескинликка юз тутиб)мас, эволюцион (тадрижий) тарзда бошқариб боряпмиз. Майли, шундай ҳам бўла қолсин, дейлик. Бироқ, минг афсуслар бўлсинким, жамиятимизда эса бирталай демократик эркинликлар айрим бир кимсалар томонидан ҳам нотўғри талқин қилиняпти. Бемаза қовуннинг уруғи сингари беҳад урчиб кетган арзон-гаров адабиётлар ёш авлодни ғоятда шубҳали анъаналарга ўргатаётган бўлса, бунга қачонгача қараб ўтирамиз? Минглаб мушкулотлар туфайли сочлари қордек оқариб кетган мозий шундан гувоҳлик берадики, ақл-идрок билан ҳаракат қилмоғимиз зарур. Минглаб машаққатлар билан қўлга киритилган ютуқлар келажак авлодлар учун албатта асраб қолиниши даркор. Акс ҳолда эса, демократия билан

бошбошдоқликнинг ораси ҳам бор-йўғи бир қадам, холос. Сиз билан биз покланиш ва уйғониш йўлини ихтиёрий равишда танлаб олганмиз. Хўш, қаёққа кетяпмиз, қаерларгача боришимиз мумкин? Биз бу нарсани жуда ҳам аниқ-тиниқ билиб олишимиз даркор. Юқорида ҳам қайд этилганидек, Фикр – тараққиётнинг мезони. У тўхтаган ва ҳамма кишилар бир хил фикрлаб қолган жойда бўлса тараққиёт ҳам тўхтайди, фақат “тараққий этяпмиз” деган кишини аллаловчи ва алдамчи бир тасаввур қолади, холос...

Китоб харид қилишни “ортиқча бир харажат” деб баҳолаш ва илм махзанини айрим кимсалар томонидан рад этиш ҳаммага жудаям таниш бир манзара. Аксарият янги оила қурганлар оёққа туриб кетишда анча қийналишади. Бўйинларигача осилган қарз эса уларни орқага ва пастга тортаверади, тортаверади... Йўқчилик сабабли бўлса уруш-жанжаллар ҳам келиб чиқади. Бунга ўзингиз ҳам ниҳоятда кўп бора шахсан гувоҳ бўлгансиз. Натижада, ўзаро муносабатлар ҳам жиддийлашиб кетади, унга қаттиқ совуқлик тушади. Ва ҳаттоки, жамиятнинг юраги бўлмиш, гулдек оилалар ҳам шартта бузилиб кетади. Бахтсиз оилалар сони анча кўпайиб кетаётгани сабабини ўзимиз узоқ-узоқлардан ва чет ўлкалардан эмас, балки айнан ўзимиздан қидирсак яхши бўларди. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, ОИЛА – миллатнинг парвози учун илк учиш майдонидир! Парвозимиз майдони йўлакчасига осмону фалакдан бомба, бўм-бўш миямиз ёғочига қурт тушса, узоқни кўзлаган ўша самолётимиз қаерга қўнади ва уни ўзимиз қандай қўндирамиз?

Улуғ мутафаккир Авлоний юқорида ҳам номи қайд этилган асарида бугунги ғоятда глобаллашиб бораётган даврнинг ҳаддан ташқари долзарб муаммосига айланган маданият ҳамда “оммавий маданият”нинг фарқига эътиборимизни қаратган эди. Аслида-ку, энг асл оммавий маданиятнинг ҳеч кимга ҳеч қандай зарари ҳам мавжуд эмас. Кишилар доим бир-бирлари билан кўришганларида салом берадилар, яъни тинчлик ва хотиржамлик тилайдилар. Бу – оммавий маданият! Рисоладагидек тўй, урф-одат, байрамларимиз ва асл миллий санъатимиз ҳам худди шундай

оммавий маданият ҳисобланади. Чунки, бу оммани юксакликка кўтариш жараёнида омма иштирок этади, омма ўзи ижро этади ва яна ўша омманинг ўзи шу маданиятдан баҳраманд бўлиб, ўзгаларга ҳам улашади-да.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фикрига кўра, “Ҳозирги кунларда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш ва мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўп болаларимиз китобдан анча узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап. Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ҳамда аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи жудаям қийин. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, шу жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур.

Нега дейилганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовлардан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимизнинг асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб тура олмаймиз...”

Ҳар қандай инсон, даставвал, ота-онасиям китоб ўқийдиган ва фақат қишлоққараш, маҳаллақарашмас, чинакам дунёқарашга эга бўлган оиладагина ўз ўрнини топади, оилада ўрин тополмаса – жамиятда муносиб даражадаги ўринни топиши қийин; оилада ўз қадр-қимматини туяди, оиласида қадр топа олмаса – жамиятда қадрланиши ҳам даргумон; оилада меҳрибонлик кўради, оилада меҳрсиз улғайса – жамиятда ҳам ғирт бегоналардай кун кечира бошлайди. Оила мана шундай маънавий ришталар билан Ватанга чамбарчас боғланади ва ҳар бир инсон учун Ватан ичра Ватанга айланади. Оила ва Ватан тушунчалари айнан шу нуқтада ўзаро сингишиб кетади. Бунинг натижасида эса, оила аъзоси Ватаннинг бир бўлагига ва Ватан фуқаросига айланади, оилалар жамиятни, аъзолар халқни, халқ бўлса, ўз навбатида, бутун бир Мамлакат аҳлига айланиб яратади, қуради, ўз давомийлигини таъминлаш йўлида буюк

“Аждодлар мардона руҳи ёр”, “Эркин ёш авлодлар зўр қанот” бўлиб бетиним, бетўхтов равишда курашаверади.

МУНДАРИЖА

Ватан – Она, юрт – Ота деганидир.....3

Бола дунёни тебратар.....31

Япон болалари дунёси.....80

Фикр тарбияси – тараққиёт асоси.....86

Мустаҳкам оила – барқарор жамиятнинг таянчи.....111

Башарият бағрикенглиги баёноти.....167

Тўйлар – тарбия мактаби.....199

Ўзбек оиласи ҳаётида Наврўз айёмининг ўрни.....278

Оилада китобхонлик масаласи.....349

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ УЙЧИ ТУМАН БЎЛИМИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХТИЁР ИСОҚОВ

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ЮРАГИ

Ташкилот, корхона, ўқув муассасаларида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар, таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот жараёнида фойдаланиш учун
услубий қўлланма

Муҳаррир: Анваржон Эркўзиев.
Бадиий муҳаррирлар: Фарҳод Исҳоқов, Беҳзод Исҳоқов.
Дизайнер-рассом: НамДУ доценти – Ҳакимжон Ризаев.
Мусаҳҳиҳлар: Шаҳноза Исоқова, Дилдора Исҳоқова.
Саҳифаловчилар: Комила Қаюмова, Наргиза Исоқова.

Теришга берилди 12. 04. 2018. Босишга рухсат этилди 11.05. 2018.
Бичими 84x108. Ҳажми 24 босма табоқ.
Адади 300 нусха. Буюртма №_____
Китоб бепул тарқатилади.

“Наманган” нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36- уй.
Нашриёт лицензия рақами AI-156
2009 йил 14 августда берилган
“Vodiy Poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Наманган шаҳри, 5- кичик туман, 19- уй.